ШОДИЕВ Х.А.

МОЛИЯ СТАТИСТИКАСИ

Тошкент - 2010

Х.Шодиев

Молия статистикаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги молия ва иқтисодиёт олий ўқув юртларининг талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган

Иккинчи, тўлдирилган ва қайта ишланган нашри

Тақризчилар: И.Хабибуллаев – т.ф.д.профессор
Х.Хўжақулов – и.ф.н. профессор

Дарсликда молия статистикасининг предмети, вазифалари ва ташкил қилиниши масалалари кенг ёритилган. Шунингдек, унда олий молиявий актуар, тақрибий ҳисоблаш усуллари ҳамда пул муомаласи, давлат молияси, банклар фаолияти, кредит, инвестиция, қимматли қоғозлар, суғурта, валюта бозори, институционал бирликлар молияси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларнинг иқтисодий-статистик таҳлили методологияси ҳақида фикр юритилган.

Молия бозорида кенг қўлланиладиган атамалар луғати ва молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширишда кўмак берувчи ёрдамчи жадваллар берилган.

Китоб молия бозорини ўрганувчи барча молия-иқтисод ихтисослиги талабалари, магистрлари, аспирантлари ҳамда молия институтлари мутахассис-амалиётчиларига мўлжалланган.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ..... 7

I БОБ. МОЛИЯ СТАТИСТИКАСИНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ..... 9
1.1. Молия статистикасининг предмети..... 9
1.2. Молия статистикасининг методлари ва вазифалари..... 10
1.3. Молия статистикасининг ташкил қилинишининг методологик асослари..... 14
1.4. Молия статистикасининг маълумот манбалари..... 18

II БОБ. ОЛИЙ МОЛИЯВИЙ, АКТУАР ВА ТАҚРИБИЙ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ..... 25
2.1. Олий молиявий ҳисоблашларнинг тайинланиши, вазифалари ва тарихи..... 25
2.2. Фоизлар назарияси..... 29
2.3. Молиявий ренталар..... 45
2.4. Узоқ муддатли кредитларни қоплаш методлари..... 47
2.5. Актуар ҳисоблаш методлари..... 51
2.6. Тақрибий молиявий ҳисоблаш методлари..... 64

III БОБ. ПУЛ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ..... 67
3.1. Пул бозори статистикасининг предмети ва вазифалари 67
3.2. Муомаладаги пул массасини аниқлаш методлари..... 70
3.3. Қанча пул керак?..... 72
3.4. Пул массасининг купюралик кўрсаткичлари..... 74
3.5. Пул бозори статистикаси кўрсаткичларининг ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методлари..... 77

IV БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИ СТАТИСТИКАСИ..... 86
4.1. Давлат молияси статистикасининг таркиби..... 86
4.2. Давлат бюджети статистикасининг вазифалари..... 90
4.3. Давлат бюджети статистикасида қўлланиладиган асосий тушунчалар, таърифлар ва кўрсаткичлар..... 91
4.4. Давлат бюджети кўрсаткичларининг статистик таҳлили..... 99
4.5. Халқаро бюджет таснифлари..... 109

V БОБ. БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ СТАТИСТИКАСИ..... 120
5.1. Банк статистикасининг предмети ва вазифалари..... 120
5.2. Банк статистикаси кўрсаткичлари ва уларнинг статистик таҳлили..... 123
5.3. Банкларнинг кредит фаолияти статистикаси..... 129
5.3.1. Кредит операциялари тушунчаси ва кўрсаткичлари.. 129
5.3.2. Кредит кўрсаткичларининг статистик таҳлили..... 132
5.4. Банк нормативлари, барқарорлиги ва рейтинги

кўрсаткичлари..... 142
5.5. Жамғарма иши статистикаси..... 147
5.6. Банк статистикасининг информацион таъминоти..... 154
VI БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ..... 157
6.1. Инвестиция тушунчаси ва унинг ўрганиш вазифалари. 157
6.2. Инвестиция статистикаси кўрсаткичлари тизими..... 157
6.3. Инвестиция жараёнини молиялаштириш манбалари... 161
6.4. Инвестиция рискларини статистик баҳолаш..... 167
6.5. Инвестиция самарадорлиги статистик кўрсаткичлари.. 173
6.6. Инвестиция статистикаси маълумот манбалари..... 180
VII БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ..... 183
7.1. Қимматли қоғозлар тушунчаси, турлари ва статистиканинг вазифалари..... 183
7.2. Қимматли қоғозлар статистикаси кўрсаткичлари..... 189
7.3. Қимматли қоғозларни умумлаштирувчи кўрсаткичлар..... 194
7.4. Қимматли қоғозлар бозори статистикаси маълумот манбалари..... 198
VIII БОБ. СУҒУРТА БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ..... 201
8.1. Суғурта бозори статистикасининг предмети ва вазифалари..... 201
8.2. Суғурта статистикасининг кўрсаткичлар тизими..... 202
8.3. Мол-мулкни суғурталаш статистикасининг кўрсаткичлари..... 203
8.4. Суғурталашнинг тариф ставкалари статистикаси..... 205
8.5. Шахсий суғурталаш статистикаси..... 211
8.6. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурталаш статистикаси..... 218
8.7. Суғурта ишининг информацион таъминоти..... 220
IX БОБ. ВАЛЮТА БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ..... 223
9.1. Валюта бозорларини ташкил қилиниши ва классификацияси..... 223
9.2. Валюта курсларини ҳисоблаш методлари..... 225
9.3. Валютанинг ҳаққоний (реал) курсларини аниқлаш методлари..... 232
9.4. Валюта курсининг ўртача кўрсаткичлари..... 236
9.5. Валюта курсларига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таҳлили..... 244
9.6. Валюта бозори статистикаси маълумот манбалари..... 253
X БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛ БИРЛИКЛАР МОЛИЯСИ СТАТИСТИКАСИ..... 256
10.1. Институционал бирликлар харажатлари статистикаси..... 256

10.2. Институционал бирликларнинг молиявий натижалари статистикаси..... 266
10.3. Институционал бирликларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлиги кўрсаткичлари..... 280
10.4. Корхона фаолиятининг молиявий натижаларига инфляцион жараёнларнинг таъсирини статистик баҳолаш 283
10.5. Молиявий аҳвол, натижалар ҳақидаги маълумот манбалари..... 287
ИЛОВАЛАР..... 291
ГЛОССАРИЙ..... 303
АДАБИЁТЛАР..... 325

Илм саҳрода - дўст, ҳаёт йўлларида - таянч, ёлғизлик дамларида - йўлдош, бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайғули онларда - мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши - қуролдир.

Ҳадисдан

КИРИШ

Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози замонавий молиявий операция ва битимларни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилишнинг ўта муҳимлигини яна бир бор исботлади. Бозор иқтисодиётнинг дилўзаги бўлган молиявий операция ва битимларни ўрганишда ва таҳлил қилишда статистика фани фаол қатнашади. Статистика кенг тармоқли ва кўп қиррали фан. Молия статистикаси унинг асосий тармоқларидан ҳисобланади.

Молия статистикаси хужжатлар билан тасдиқланган молия-иқтисодга тегишли турли маълумот ва ҳисобларга асосланган молиявий операция ва битимларни мазмуни ва тайинланиши жиҳатдан сифатан ўрганиш, уларни миқдорий таҳлил этиш билан шуғулланади.

Ҳанузгача статистика деганда кўпчилик оммавий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблашни тушунади. Бу фикрда маълум маънода жон бор. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида, биз умуман бозор натижалари, хусусан молиявий натижаларни баҳолашда индивидуал маълумотларга мурожаат қилишга мажбур бўламиз ва улар асосида хулосалар чиқарамиз. Хужжатларга асосланган хусусий маълумотларни тўплаш ва улар асосида ҳисоб-китоблар олиб боришни олий молиявий ва актуар ҳисоб-китоблар дейилади.

Ушбу ҳисоб-китоблар статистика фанининг таркибий бир тармоғи бўлиб, экспорт-импорт, инвестициялар, кредитлар, суғурталар, турли битимлар, солиқлар, банк ва валюта операцияларига боғлиқ. Улар олинадиган фоиз ставкаларини, капитал қўйилма, инвестиция ва молиявий ренталарини, қарз, молиявий риск, цессиилар, халқаро траст операциялар, дискрет ва кафолатли, факторинг ва форфейтинг, ижара, лизинг, оффшор ва бошқа операцияларни баҳолашда кенг қўлланилади.

Биржалар фаолиятини таҳлил қилишда, алоҳида олинган компания, акция, облигация, сотувчи ва олувчи рискини ва даромадини (ёки йўқотган суммасини) баҳолашда олий молиявий ва актуар ҳисоб-китоблар ҳаводек зарур эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга уларнинг маълумотлари умумлаштирувчи молиявий кўрсаткичларни ҳисоблашда, самарадор молиявий шароитларни моделлаштиришда ва молиявий натижалар башоратини тузишда, молиявий рискни олдиндан кўра билишда ва уларнинг олдини олишда ва бошқа молиявий қарорларни қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги хисоб-китобларни амалга ошириш ва таҳлил қилиб хулосалар чиқариш ушбу дарсликнинг асосий вазифасидир.

Дарслик молия ва кредит, банклар ва банк иши, халқаро валюта

муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ, суғурта, маркетинг, менежмент, статистика ва бошқа иқтисодий мутахассисликларни ўрганувчиларга мўлжалланган. Бу дарсликни мутахасисларни тайёрлаш йўналишига қараб ёзишни, унинг мазмуни ва таркибини, назарий ва амалий (айрим вақтларда ташкилий) масалаларни ёритишни, принципал ҳолатларни типологик мисоллар ёрдамида кўрсатиб беришни олдиндан белгилаб берди.

Молия статистикасини ўрганишда ўқувчи айрим қийинчиликларга ва қарама-қарши фикр ва йўналишларга дуч келиши мумкин. Бу тўғрида ўқувчини олдиндан огоҳлантириб қўймоқчимиз. Ушбу қийинчиликлар турли корхона ва ташкилотларни бозор шароитига ҳар хил вақт ва шароитда ўтиши, бир пайтнинг ўзида хизматларнинг тўлиқ пуллик хизматга айлантирилиши ва айни вақтда имтиёзларнинг сақлаб қолиниши, билим, соғлиқни сақлаш, уй-жой хўжаликлари тўғрисидаги халқ тушунчаларининг эволюция йўли билан ўзгариши, уларнинг молиявий фаолиятини мазмуни тубдан ўзгарганлиги ва бошқалар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқувчи фақат молиявий ҳисоб-китоблар методларини ўрганиб қолмасдан, уларни қўллаш шароитларининг ўзгаришини, хатто молиявий масалалар бўйича қабул қилинаётган қарор ва қонунларни билиши ва шу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда статистик методларни қўллаши керак.

Яна бир қийинчилик, статистиканинг умумий методлари ва кўрсаткичларини билмасдан туриб мувофаққиятга эришиш мушкул. Шунинг учун, бу курсни ўрганишдан олдин статистика назарияси, иқтисодий статистикани ўрганиш тақозо этилади.

Дарсликнинг мақсади - молия бозори кўрсаткичларини ҳисоблашни ва уларнинг таркибини, динамикаси, ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, таҳлил қилишда мақсадга мувофиқ статистик методларини қўллаш, ҳамда статистик таҳлил ёрдамида мавжуд имконият ва ишлатилмаётган заҳираларни аниқлаб, уларни тезкор молия-хўжалик оборотига киритиш йўлларини ўргатишдир.

Дарсликдаги 8-боб и.ф.н. доцент Ж.Жабборова томонидан, 6-мавзу Д.Шодиева билан ҳамкорликда ёзилди, глоссарий эса М.Хўжаева ва Ж.Мажидовлар томонидан тузилди.

Муаллиф дарсликнинг тақризчиларига ва уни нашрга тайёрлашда кўмаклашган Н.Икрамова ва М.Ўғлоноваларга ўз миннатдорчилигини билдиради ҳамда ўқувчилардан китоб ҳақидаги таклиф, мулохаза, маслаҳат ва истакларни кутиб қолади.

I-БОБ. МОЛИЯ СТАТИСТИКАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

1.1.Молия статистикасининг предмети

Молия статистикаси нимани ўргатади ва унинг ўрганиш объекти нима? Қандай методлар ёрдамида ўз объектини ўрганади? Ушбу молия ситатистикаси билан боғлиқ юқоридаги кўплаб саволларга адабиётда аниқ ва унификациялашган жавобни топиш қийин масала. Бунга сабаб, бизнинг фикримизча, кўпчилик олим ва мутахасисларни режали ва бозор иқтисодиётини фарқига бормаслиги ва ситатистикага 1954 йил (Бутуниттифоқ статистиклар съездида)да берилган таъриф – Статистика ижтимоий фан бўлиб, оммавий ҳодиса ва жараёнларни миқдорий тамонларини сифат томонлари билан биргаликда конкрет вақт ва шароитда ўрганади – атрофида айланишларидир. Бизнинг фикримизча, юқоридаги таъриф статистикани туб моҳиятини очиб бермаган ва хеч қачон бермайди ҳам.

Жаҳон статистиклари ҳозирги пайтда “статистика” атамаси тўғрисида инглиз тилининг Оксфорд луғатидаги изоҳга қўшимча ҳолда “интерпретация” сўзини киритиш орқали қуйидагича таърифлайдилар: рақамли маълумотларни тўплаш ва интерпретация (изоҳлаш, талқин қилиш) методларини ўрганувчи фандир.

Бундан ташқари, ҳанузгача “иқтисодий назария” фанини тадқиқот предмети, илмий ишланишлари ва бозор иқтисодиёти амалиётида эмпирик босқичидан чиқа олмаяпти. Шу туфайли баъзи илмий-ўқув адабиётларда “Молия ”фанинг предмети бозор иқтисодиёти шароитида молия-кредит муассаларида молия, кредит пул ресурслари ҳаракатининг қонунлари (йиғилиши, тақсимланиши ва фойдаланиши) ёки ижтимоий маҳсулотни (айримларида миллий даромадни) тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларини ўрганишдан иборат дейишади. Маълумки БМТнинг миллий ҳисоб-китоблар тизими 1993 йил тахририда миллий иқтисодиёт ички иқтисодиётга ва қолган дунё иқтисодиётига бўлинган. Ўз навбатида ички иқтисодиёт бешта секторга: номолявий корпарациялар, давлат муассалари, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар ва уй хўжалиги секторларига ажратилган. Молия-кредит муассасалари барча секторларни ўз ичига ололмайди. Бу ҳол ўз навбатида молия-кредит муассасаларига кирмайдиган бошқа секторлар-жумладан, номолиявий корпарациялар-молиявий ресурсларни асосан ҳосил қиладиган секторнинг молияси этибордан четда қолади.Бундан ташқари кейинги пайтларда ўз мавқеини ошираётган уй хўжалиги молияси эса молия дарсликларида деярли кўринмайди ва молия-кредит муассасалари тизимига ҳам кирмайди.

Юқорида баён қилинганларни этирборга олган ҳолда молияга шундай таъриф берсак бўлади: молия – милий иқтисодиёт ва унинг соҳа, сектор, тармоқ, блок ва бошқа агрегатлари ҳамда уларнинг бирламчи ва бошқа бўғинларида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий васифаларни бажариш мақсадида пул маблағлари жамғармаларини вужудга келтириш, улардан самарали фойдаланиш жараёнини ўз ичига олади.

Демак, молия ва статистикага берилган умумий таърифлардан келиб чиқиб молия статистикаси нимани ўрганади деган саволга жавоб беришга ҳаракат

қиламиз. Молия статистикаси тор ва кенг маънода тушунилади. Ҳозирги пайтгача молия статистикаси деганда тор маънода айримлар молия вазирлигига қарашли органларда бажариладиган статистик ишларни тушунишада. Масалан, давлат бюджет даромадлари ва харажатларини тузиш бўйича тўпланадиган маълумотлар, уни тузишда бевосита қатнашиш ва энг асосийси давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бажарилишини ва динамикасини статистик таҳлили, бюджет дефитцити ва камомади ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни статистик баҳолаш ва бошқа ишлар молия статистикаси дейилади. Айрим китоб ва дарсликларда молия институтларида (банклар, суғурта ва лизинг компаниялари, фонд ва валюта бозори органлари ва ҳ.к) бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари молия статистикаси деб талқин қилинади. Адабиётда, кўпчилик ҳолатда мутахасисларни оғзаки баҳс ва мунозораларида корхона ва ташкилотларни молиявий натижалари ва барқарорлигини тахлили ҳам молия статистикаси деб тушинилади.

Юқорида келтирилган тарифлар нотўғри деган фикрдан йироқ ва жаҳоннинг таниқли статистикларининг таклифларига қўшилган ҳолда бизнинг фикримизча молия статистикасининг ўрганиш объекти барча молия операция ва битимлар (кенгроқ молиявий лойиҳа ва дастурлар)дир, предмети эса шу операция ва битимларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳамда битим қатнашчиларини фоиз, норма, коэффицент, чегирма ва устама дисконт ва дивиденд, рента ва маржа, баҳо ва курс шаклларида ҳисобланадиган даромад ва харажатларни ҳисоблашни ва таҳлилини ўргатувчи методлар йиғиндисига тушунилади. Бошқача айтганда молия статистикаси деганда қисқа ва аниқ молиявий ҳисоб-китобларни таъминлайдиган методлар йиғиндиси тушунилади.

Молия статистикаси фақат оммавий ҳодисалар бўйича хулоса чиқариб қолмасдан (ушбу фикрни статистика бўйича чоп қилинган адабиётларни 90 фоизда учратасиз), балки алоҳида операция ва битим қатнашчилари бўйича ҳам хулоса чиқариши мумкин. Бу тамойил молия статистикасининг бошқа статистика фанларидан фарқи ва устунлигидир. Шундай қилиб, дарслик муаллифи молия статистикасининг кенг маънода тушуниб, унинг молиявий бозорини кўрган манфаати ва зарари нуқтаи назаридан таҳлил қилишда қўлланадиган статистик методлар йиғиндиси деб англайди ва дарсликни ҳамма бўлимларида бу фикр устиворлик қилади. Бу ердан молия статистикаси бошқа фанлар билан боғлиқ эмас экан деган фикр келиб чиқмаслиги керак, тескариси у иқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар тизими билан бевосита боғлиқ.. Масалан, молия статистикасининг ўрганиш обьектларидан бир давлат бюджетидир. Маълумки, бюджет даромадлари ва уларни қайта тақсимлаш ялпи ички маҳсулотни ўзгариши суръатига таъсир қилади ва ўз навбатида ЯИМ давлат бюджет даромадининг асосий манбаи ҳисобланади.

Молия статистикаси банк-кредит ресурсларини, ставкаларини, лизинг суммаларини, инвестицияларнинг лойихавий ва ҳақиқий самарадорлигини, фонд, суғурта, валюта бозоридаги манфаат ва йўқотишларни ва бошқаларни ўрганади. Молия, кредит, суғурта, лизинг, инвестиция ва бошқа органларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи маълумотлар молиявий бозорни статистик таҳлил қилишда асосий манбаа бўлиб хизмат қилади. Демак молия статистикаси банк

иши, молия, суғурта, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Иқтосодий назария ва статистика назарияси фанлари молия статистикасининг назарий ва методологик асоси бўлади, чунки молия бозоридаги қонун ва категориялар иқтисодий назарияда шакллантирилгандан сўнг статистика методлари ёрдамида миқдорий ўрганилади ва ўлчанади.

1.2. Молия статистикаси методлари ва вазифалари

Молия статистикаси ўз предметини ўрганишда статистиканинг умумий методлари ва ўзининг махсус методларидан фойдаланади. Умумий методлар статистика назарияси курсида батафсил баён қилинган (статистик кузатиш, гуруҳлаш, жамлаш, статистик жадваллар ва графиклар, мутлоқ, нисбий ўртача миқдорларни ҳисоблаш методлари, вариация методи, дисперцион ва кореляцион таҳлил қилиш, танлаб кузатиш, индекс ва динамика қаторларни таҳлил қилиш ва бошқа методлар). Статистикага оид дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, статистика фани ва фаолиятининг ютуқларини баён қилишда одатда 25-35 йил орқада қолганлигини эътиборга олсак, унда статистиканинг замонавий (ноананавий, бозор иқтисодиётли мамлакатларда кенг қўлланиладиган) методларни кўрсатиб ўтмоқ зарур. Бу методлар: ценз тадқиқотлари (ундан молия статистикасида ҳам фойдаланса бўлади), бизнес тадқиқотлари (жуда кенг тарқалган метод), чаласини ҳисоб-китоб қилиш орқали ҳисоблаш. Статистика фаолиятида ЯИМни ҳисоблашда зарур бўлган маълумотларни қарийб 20 фоизи шу усулда олинишини эслатиш кифоядир. Кейинги пайтда жаҳон статистикасида бизнес тадқиқотлар методи кенг қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикасида бу илмий-амалий иш билан макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институтининг иш фаоллиги ва конъюктура бўлими 1997- йилдан бошлаб фаол шуғулланмоқда. Бунда республика қайта ишлаш саноати (673 та корхонаси) ва рангли металлургия тармоғидан 8 та корхона қамраб олинган. Бизес-тадқиқотда корхонанинг молиявий аҳволи ва иш фаоллиги бўйича асосий кўрсаткичларда кутилаётган ўзгаришлар прогноз (таҳминлаш) қилишда, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, нархлар, ўртача ойлик, соф фойда, инвестиция ва бошқа кўрсаткичлар тезкор усулда махсус дастур асосида олинади, уларга ишлов берилади ва интерпретация қилинади. Статистик тадқиқотнинг бу усули ”Умумий бозор”га кирувчи барча мамлакатлар молия статистикасида ҳам кенг қўлланилади.

Шу билан бир қаторда, бу фан молия ҳисоб-китобларини бажаришда турли махсус методлардан ҳам фойдаланади. Бу методларни билиш улардан энг самарадорини ва аниқ ҳолат учун энг қулайини танлаб олишни таъминлайди. Бироқ бу методларнинг сони ва қайси вақтда қўлланилиши қандай аниқланади? Бу саволга жавоб бериш учун уларни турланишига мурожаат қиламиз.

Молиявий ҳисоб-китоб методлари турли асосларда турланиши мумкин: тайинланиши, ҳажми, қўллаш даври, олинадиган натижаларнинг аниқлиги, мазмуни ва ҳоказо. Бироқ, бу ерда молиявий ҳолатлар(операция ва битимлар йиғиндиси) тури ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Молиявий ҳисоб-китобларда умумий молиявий ҳолатларни таҳлил қилиш

билан бир қаторда аниқ воқеалар ҳам таҳлил қилинади. Бу ерда энг долзарб масала умумий ёки аниқ ҳолат таҳлил қилинишидан қатъий назар молиявий ҳисоблаш шароитлари ҳисоблаш методларига мослаштириЛмайди ёки ўзгартирилмайди, балки аксинча, методлар молиявий шароитларга мослаштирилиши керак. Масалан, инвесторни, бакирни ишнинг умумий натижаси ёки ваюта курслари ва акцияларининг умумий ўзгариши қизиқтирмайди, уларни инвестициядан, янги технологиядан, берган кредитдан олинадиган аниқ манфаат суммаси қизиқтиради. Яна ҳам аниқроқ мисол келтириш мумкин. Акцияни ёки валютани сотувчи ёки сотиб олувчи операторларни акциялари ёки валюталарини умумий курси эмас, ўзидаги валюта ёки акцияни сотиб олиш ва сотиш курси қизиқтиради.

Якка тартибда ёндашиш тамойили, яъни битимдаги ҳар бир қатнашчининг ҳиссасини аниқлаш (ҳар-хил тартибда) бу ҳисобларни шарт-шароитларини ҳисобга олиш усулида бажаришга олиб келади, яъни актуар ҳисоб-китоблар билан шуғулланишни талаб этади.

Молиявий ҳисоблаш методларининг турланиши мавжуд маълумотларга ҳам боғлиқ. Бор маълумотларга қараб методлар қўлланиладими ёки барча методларни қўллаш учун махсус маълумотлар тўпланадими? Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Маълумот бўлмаса методларни қўллаб бўлмаслиги тушунарли. Шунинг учун ҳам бизнинг давлатимизда, бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, методлардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш билан бир қаторда маълумотлар манбаи- ҳисоботларни ўзини ҳам такомиллаштириш зарурати туғилади. Чунки ўтиш даврида янги-янги молиявий идоралар, янги мулк эгаларининг пайдо бўлиш шароитида уларни ҳужжатларга асосланган молиявий ҳисоб-китобларга ўргатиш, тузиладиган ёки амалга оширилган битимлар бўйича ҳар бир битим қатнашчисининг кутиладиган ёки ҳақиқий манфаатини ҳисоблаш ёки режалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Молия ҳисоб-китоб методларини яна бир(балки энг асосий) хусусияти қўлланадиган маълумотларнинг хусусий характери, уларнинг такрорланмаслиги, алмаштириб бўлмаслигидадир.

Биз биламизки, статистик кўрсаткичлар (андозали воқеалар учун ёки умумий статистика фанларида) оммавий маълумотлар ҳеч бўлмаганда танлаб кузатиш маълумотлари асосида аниқланилади. Молия статистикасида эса алоҳида олинган кузатиш (битта молиявий операция ёки битим) маълумоти статистик тўплам сифатида қаралади. Айнан шу тўплам бўйича тегишли хулоса чиқарилиши керак (чиқарилади). Шундай қилиб биз молиявий ҳисоблашда мавҳум (умумлаштирилган) ҳисоблар билан эмас, молиявий манфаатлар мантиқи бўйича иш тутамиз.

Лекин бундан молия статистикаси ҳодиса ва воқеаларни сифат томонига эътибор бермас экан деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Балки аксинча ҳисоблашни бошлашдан олдин ўрганилаётган ҳар бир корхона ва ташкилотнинг ҳисоб-китобда ишлатиладиган кўрсаткичлари сифат ва мазмун жиҳатидан таҳлил қилинади. Уларни ҳисоблаш техникаси ва технологияси ўрганилади, агар кўрсаткичлар ҳар-хил усулда ҳисобланган бўлса улар солиштирма ҳолга келтирилади.

Шундай қилиб молия статистикаси методлари умумий ва махсус методларга

бўлинади. Махсус методлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уларнинг қўлланиши келгуси мавзуларда ёритилади.

Молия статистикасининг махсус методлари орасида энг кўп қўлланиладиган (оддий ва мураккаб, декурсив ва рекурсив фоиз ставкалари, математик ва банк (тижорат) методида дисконтлаш, рента ва жамланган тўловлар ҳисоби методлари қуйидаги жадвалда тасвирланган (1.1-жадвал)

Молиявий ҳисобларда энг кўп қўлланадиган методлар

1.1.-жадвал

Методлар	Ҳисоблаш формулалари	
	Оддий фоизлар	Мураккаб фоизлар
Содда ставкаларда ошган қийматни аниқлаш	S=P(1+in)	S= P(1+i)n
Дисконтланган декурсив ставкаларни аниқлаш	P = S/(1+in)	$P=S/(1+i)^n$
Учёт ставкаларда ошган қийматни аниқлаш	S=P/(1-id)	$P\frac{1}{(1-id)^n}$
Дисконтланган ставкаларни аниқлаш	P=S/(1-id)	$P=S/(1-id)^n$
Номинал ставкаларда	-------	$S=P\left(1+\frac{j}{m}\right)^{N\ ёки\ mn}$
Жамланган туловлар	$S_0 = P_1\ (1+\frac{m1}{n}\ i)+ P_2(1+\frac{m2}{n}\ i)$ +. . . . + $P_n\ (1+\frac{m_n}{n}\ i_n)$	$S_0 = P_1\ (1+\frac{j}{m_1})^{mn}$ + . . . + $P_n\left(1+\frac{j}{m_n}\right)^{nm}$
Рента тўловлари	$S = R\frac{(1+in)-1}{i}$	$S = R\frac{(1+i)^n-1}{i}$

Юқоридиги келтирилган формулаларнинг мазмуни ва қўлланиши тартибига келгуси мавзуларда батафсил тўхталамиз.

Анъанавий дарслик ва ўқув қўлланмаларда муаллифлар молия статистикасини вазифаларини ёритишда юқори борса, статистика органларининг бажарадиган ишларига (маълумот тўплашдан самарадорликни аниқлашгач) тўхталишади ва улар фан билан амалиётни фарқига бормайди. Биз, ушбу анъанани бузган ҳолда молия статистикасининг вазифаларини бозор иқтисодиёти шароитида бири иккинчисига қарам бўлмаган қуйидагича классларга (рангга) бўлдик:

1. Олий молиявий, актуар ва тақрибий ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлган вазифалар.

2. Бюджет, пул, кредит, инвестиция, фонд, суғурта, валюта бозори ва институционал бирликлар молиясида қўлланадиган ҳисоб-китоблар билан боғлиқ вазифалар.

3. Қўйилмалар(юридик ва жисмоний шахслар томонидан) ва уларни самарадорлиги (лойиха ва ҳақиқий) билан боғлиқ вазифалар.

4. Молия бозоридаги тенденцияларни баҳолаш ва прогнозлаш (айниқса статистика индексларини ҳисоблаш) билан боғлиқ вазифалар.

5. Маҳаллий молия бозорини жаҳон молия бозорига мослаштириш, жаҳон стандартларига ўтиш, жаҳон ва маҳаллий молия бозори статистик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишни замонавий методологияисини яратиш билан боғлиқ вазифалар.

6. Молия статистикаси маълумот манбалари ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг айрим босқичларида ушбу вазифалар тўлдирилиши, аниқлаштирилиши ва янгилари билан алмаштирилиши мумкин.

1.3. Молия статистикасининг ташкил қилинишининг методологик асослари

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви учун мамлакатда қўлланиладиган статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси ва методлари жаҳон стандартларига мос бўлиши тақозо этилади. Бу молия статистикасини ташкил қилишда жаҳондаги база ҳисобланган тамойилларга риоя қилиш керак дегани. Уларга маълумотларни текширишда ва чоп қилишда статистиканинг мустақиллиги; танлаб кузатиш методини кенг қўлланилиши; хўжалик юритувчи бирликлардан статистик органларни оладиган бошланқич маълумотларини конфиденциаллиги ва бошқалар киради.

Бозор иқтисодиёти юқори ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида ценз текширувлар махсус ва рўйхатлар маълумотлари молиявий информация тўплашда асос бўлиб хизмат қилади. Уарни ўтқазиш қонуний тартибда ёки ижрочи органнинг қарори билан белгиланади. Ценз текширувлар статистиканинг қийин ва мухим ишларидан бири бўлганлиги сабабли экспедиция методини махсус ўрганган шахслар ёрдамида ўтқазилади. Цензлар ва махсус ташкил қилинган рўйхатлар оралиғида маълумот тўплаш манбаи бўлиб танлаб кузатиш маълумотлари ҳисобланади. Юқори бозори иқтисодиётдаги эга бўлган мамлакатларда молия статистикаси деганда кўпроқ давлат бюджети статистикасини тушунишади ва уларда бизни тушунчамиздаги корхона молияси статистикаси йўқ. Масалан, Федерал немис банки молиявий счёти асосида ссуда бериш, акция чиқариш ва ҳоказолар орқали инвестицияни молиялаштириш бўйича тасаввурга эга бўлиш мумкин. Лекин, молиявий счётни мақсади корхонани молиялаштириш жараёни эмас, балки қисқа муддатли кредитлаш ва узоқ муддатли капитал бозорини кузатишдир.

Жахон статистика амалиётида бугунги кунда бир қатор стандартлар мавжуд. Масалан, бухгалтерия ҳисоби, халқаро савдо, пул-кредит статистикаси, тўлов баланси статистикаси, давлат молияси статистикаси, миллий ҳисоблар бўйича.

Бугунги кунда халқаро молия статистикаси стандартларини концепциясини таърифларини ва классификацияларини ишлаб чиқиши билан

қатор халқаро ташкилотлар шуғулланмоқда. Улар орасида ХВФ, БМТ, Иқтисодий ривожланиш ва Ҳамкорлик ташкилоти (ИРХТ), Европа Ҳамкорлиги Комиссияси (ЕҲК), Жаҳон банки (ЖБ) ва бошқалар бор.

Тўғри мамлакатга ҳеч ким халқаро стандартларга мослаш деб айта олмайди ва айтмайди ҳам. Лекин, жахон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлишни ўзи бу муаммони ечади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам бугунги барча молиявий ҳисоб-китоблар халқаро стандартларга, таклифномалар ва меъёрий ҳужжатларга мос равишда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги замон молия статистикаси Ўзбекистонда вазирлаклар ва қўмиталарга (Молия Вазирлиги, Маркаий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар) тегишли бошқарма бўлимлар ва давлат статистика органлари орқали ташкил қилинган.

Кенг маънода олганда, моҳияти ва тайинланиши бўйича Республикадаги юридик шахс бўлган корхона ва ташкилотлар (бўйсуниши ва мулк шаклидан қатъий назар) “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ молия ҳисобини юритиш ва ҳисобот бериш билан шуғулланишади. Лекин республикада марказлаштирилган молиявий хизмат кўрсатадиган ташкилот йўқ. Ҳозирги пайтда бу ишни координациялаш молия, иқтосидиёт вазирликлари, марказий банк ва статистика қўмитасиги юклатилган. Улар асосан вазирликлар ва муассасалар томонидан таклиф қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот шаклларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ва уларни тузиш ва тўлдириш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш билан шуғулланишади.

Республика иқтисодиёти бозор иқтисодиётининг қонун ва талаблари асосида қайта қурилаётган бугунги кунда молиявий ҳисоб ва ҳисобот ишлари комплекс соҳа, сектор, блок ва халқ хўжалиги тармоқлари, ўлка ва вилоятлар, резидент ва норезидентлар, мулк ва ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича амалга оширилмоқда. Айрим пайтларда, айниқса солиқ ҳисобини олиб боришда корхонани қайси категорияга (кичик корхоналар, шахсий корхоналар, қўшма корхоналар ва ҳоказолар) қарашлилиги эътиборга олинади. Шундай бўлиши керак.

Республика иқтисодиётининг айрим институтицион секторларда молиявий хисоб ишлари алохида тавар ишлаб чиқариш ва унга тенглаштирилган хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлар бўйича (қайси мулк шакли ва ташкилий-ҳуқуқий бўйсуниш туридан қатъий назар), молия муассасалари (Марказий банк, тижорат банклари, суғурта компаниялари, жамғармалар ва молиявий компаниялар, биржалар, инвестиция ва траст, холдинг ва молия саноат гурухлари ва хоказолар) ҳамда давлат бошқарув органларида, тижорат билан шуғулланмайдиган, яъни асосан ижтимоий ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бўйича олиб борилади.

Молия ҳисоби ва ҳисобот субъекти ва бошланғич ҳисобот бирлиги бўлиб қонун бўйича ҳамма рўйхатлардан ўтган, расмийлаштирилган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда у ёки бу мулк эгалари (агар улар иқтисодий фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлса) ҳисобланади.

Амалдаги қонунлар бўйича ҳамма рўйхатлардан ўтган юридик ва жисмоний шахслар ёки гурухлар ҳамда у ёки бу мулк эгалари (агар улар

иқтисодий фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлса) молия ҳисоби ва ҳисоботи субъекти ва бошланғич ҳисоб бирлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 17.11.94 даги №555 сонли қарори билан тасдиқланган ЕГРПО тўғрисидаги низомга биноан республикада янги ташкил қилинган корхона ҳокимиятлар, адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий идораларида давлат рўйхатидан ўтган ҳолда юридик шахс мақомини олади.

Расмий рўйхатдан утмаган хеч бир (юридик ёки жисмоний) шахс масалан кўчадаги сигарет сотувчи шахслар, ўз қўйини боқувчи чўпонлар, шахсий врач ёки репититорлар ҳисоб бирлиги бўла олмайди.

Молия ҳисоби ва ҳисоботини умумлаштирувчи маълумотлар (одатда улар йил охирида берилади) йиғма молиявий балансни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади, жорий маълумотлар эса миллий хисоблар тизимини тузишда ишлатилади. Бу иш республикада анчадан бери бошланган.

Иқтисодиёт секторларида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш усулларига ва методларига ёндашишнинг турличалиги молия ҳисоб-китобларини ташкил қилишнинг турли усулларини қўллашни тақозо қилади. Шу муносабат билан молия статистикаси ташкил қилиниши бир бутунлигида эмас, балки тармоқлар ва бўлимлар бўйича ўрганиш зарурияти туғилади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда молия статистикаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

- молия статитстикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари молия баланси ва счетлар кўрсаткичлари, тўлов баланси, халқаро молиявий захиралар ва бошқа кўрсаткичлар;
- давлат молия статистикаси (давлат бюджети статистикаси, давлат қарз статистикаси , бахо ва солиқлар статистикаси);
- пул муомаласи сатистикаси;
- банклар статистикаси;
- капитал маблағлар (қўйилмалар) статистикаси;
- кредит статистикаси;
- суғурта статистикаси;
- қимматли қоғозлар статистикаси;
- корхона ва ташкилотлар молияси статистикаси;

Статистика органларида бу бўлимлар янада кенгайтирилиб, қуйидаги беш бўлимда берилади:

- молия статистикаси макроиқтисодий кўрсаткичлар;
- давлат ва давлат муассасалари молияси статистикаси;
- тижорат корхона ва ташкилотлар молияси статистикаси;
- пул муомаласи ва кредит статистикаси;
- молиявий бозорлар статистикаси.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга биноан молия статистикаси кўрсаткичларининг бошқа вариантлардаги гурухлари ва бўлинмалари ҳам учраши мумкин.

Молия статистикаси кўрсаткичларини ҳисоблаш методологияси ёки уларнинг тузилиши схемаси ҳозирги замон молия статистикаси фанининг мухим ташкилий асосларидан биридир. Чунки методологик жихатдан тўғри

аниқланган кўрсаткичлар ёки гурух кўрсаткичлари асосида у ёки бу молиявий ҳолат конструкцияни тузиш мумкин ва шу молиявий моделларининг маконда ва замонда ўзгаришини олдиндан айтиб бериш имкони туғилади. Молиявий ҳисоб-китоблар энг умумий кўринишида ХВФ (халқаро валюта фонди) ва бошқа халқаро ташкилотлар молиявий кўрсаткичлар стандартлари асосида олиб борилади. Ўзбекистонда, ҳозирги кунда бу классификациянинг асосий бўлимлари сифатида қуйидаги гурухларга ажратилади:

1. Молия статистикасининг йиғма кўрсаткичлари:
   - йиғма молиявий баланс кўрсаткичлари;
   - тўлов баланс кўрсаткичлари;
   - миллий ҳисоблар тизимининг молиявий кўрсаткичлари;
   - Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг таққослама кўрсаткичлари;
   - халқаро молия статистикаси кўрсаткичлари.
2. Давлат молияси кўрсаткичлари:
   - давлат бюджети даромадлари ва сарфлари кўрсаткичлари;
   - давлат бюджет дефицити кўрсаткичлари;
   - давлат қарзи кўрсаткичлари;
   - давлат солиғи, божи, тарифлари ва бахо кўрсаткичлари;
   - пенсия жамғармаси, табиий суғурта жамғармаси, ижтимоий суғурта жамғармаси, ахолини иш билан бандлик жамғармаси, йўл жамғармаси, республика касаба уюшмалар кенгаши жамғармаси ва бошқа бюджет жамғармаларнинг тушуми ва маблағларининг ишлатилиши кўрсаткичлари.
3. Пул муомаласи кўрсаткичлари:
   - пул потоклари кўрсаткичлари;
   - пул массаси (агрегатлари) кўрсаткичлари;
   - пул эммиссияси кўрсаткичлари;
   - пул массасининг ҳудудлараро миграцияси кўрсаткичлари;
4. Кредит операцияси кўрсаткичлари:
   - кредит ресурслари ва қўйилмалар кўрсаткичлари;
   - банк кредит кўрсаткичлари;
   - жисмоний шахс кредити кўрсаткичлари;
   - кимошди бўйича жойлаштирилган кредит ресурслари кўрсаткичлари;
   - Ўзбекистон МБ қайта молиялаштириш ставкаси ва бошқа ставкалар.
5. Инвестиция операциялари ва битимлар кўрсаткичлари:
   - инвестициянинг капитал тўпловчи кўрсаткичлари;
   - қуришга қўйилган, шу жумладан уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилишга қўйилмалар кўрсаткичлари;
   - чет давлатлардан киритилган инвестициялар кўрсаткичлари;
   - молиявий инвестициялар кўрсаткичлари.
6. Молиявий бозорлар фаолиятини характерловчи кўрсаткичлар:
   - биржа фонди бозордаги операциялар кўрсаткичлари;
   - қисқа муддатли давлат облигацияси биринчи бозори кўрсаткичлари;

- давлат қимматли қоғозларининг кимошди даромадалилиги фоиз ставкалари;
- аҳолининг қимматли қоғозларини сотиб олиш кўрсаткичлари;
- тижорат банклари фаолиятининг характерловчи кўрсаткичлар;
- ахолининг халқ банки ва тижорат банкларига қўйилган қўйилмалари ҳаракатини характерловчи кўрсаткичлар;
- суғурта ташкилотлари фаолиятини характерловчи кўрсаткичлар;
- валюта савдоси ва курсини характерловчи кўрсаткичлар.

7. Корхона ва ташкилотлар молиявий фаолиятини характерловчи кўрсаткичлар:
- корхона ва ташкилотлар молиявий холатини характерловчи кўрсаткичлар;
- корхона ва ташкилотлар молиявий ҳисоблари ва ўзаро ҳисоб-китоблари кўрсаткичлари;
- корхона ва ташкилотлар молиявий фаолиятини натижаларини характерловчи кўрсаткичлар.

Молия статистикасини ташкил қилинишининг ҳар бир молия тармоғида ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ўзига хос хусусиятлар айнан шу тармоқнинг мақсади ва тайинланишидан келиб чиқиш тушунарли. Масалан, банк статистикаси билан суғурта статистикасининг мақсади бир хил эмас. Шунинг учун ҳам бу бўлимда биз молия статистикаси ташкил қилинишини ҳамма хусусиятларини кўриб чиқдик дейишга асос йўқ. Қолган хусусиятларга дарсликнинг навбатдаги бўлимларида чуқурроқ тўхталамиз.

1.4. Молия статистикасининг маълумот манбалари

Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистикаси тўғрисидаги 2002 йилда қабул қилинган қонунида “молия, божхона, солиқ органлари, банк ҳамда бошқа идоралар ва хизматлар, шунингдек юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, жисмоний шахслар шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар давлат статистика органларига давлат статистикаси ҳисоботларини “бепул тақдим этади “ деб ёзилган. Ушбу тезис асосида молия институтларининг барчаси бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини топширишади. Ҳисоботларда келтирилган маълумотлар молия статистикасининг энг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоботлари амалдаги қонун ва қарорларга мувофиқ ташкил этилган бўлиб улардаги маълумотлар давлат, тижорат, социал тузилмаларни бошқарув қарорларни қабул қилиш учун етарли бўлмоғи зарур. Ушбу вазифани бажариш,бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда халқаро амалиётда қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва статистика тизимига ўтишни таъминлайдиган давлат молия статистикасини ташкил қилишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида молияни бошқариш субъектларини таркиб топиши қуйидаги схема (1.1 чизма)да келтирилган.



1.1-чизма. Ўзбекистонда молияни бошқариш субъектлари

Молия бўйича статистик маълумотлар маҳаллий ва давлат статистика органлари ва молия вазирлиги, Марказий банк, солиқ ва божхона қўмиталари ҳамкорлигида тўпланади. Улар ички ва ташқи манбаларига эгадир.

Ички манба бу статистика органларининг ҳисобот, регистрлар, рўйхатлар ва текширувлар турида ташкил қилинган статистик кузатишларнинг шакл ва турларидир. Ташқи манбаа ўз ичига (статистика органларидан ташқари) турли усулларда тўпланган маълумотларни олади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида корхона ва ташкилотлар қуйидаги шаклларда хисобот топширадилар ва улар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади (1.2-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида молия статистикасининг ахборот ресурсларини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида бир мунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, молия, пул муомаласи ва кредит статистикаси бўйича халқаро стандартларга ўтиш тадбирлари Давлат Дастури (ЎзР ВМнинг 24.08.94 даги №433-сонли қарори билан тасдиқланган) да белгиланган.

Республикада молия статистикаси маълумотларини тўплаш, ишлов бериш ҳамда талқин қилиш, истеъмолчиларга етқазиб беришда банк технологияси жорий қилинмоқда. Молия статистикаси кузатувчи субъектларининг бош тўпламини тузиш, ЕГРПО ни жорий этиш борасида бир мунча ишлар қилинган. Ўзбекистон Республикасида Халқаро Валюта Фонди(ХВФ,IMF)нинг маълумотларини тарқатишнинг махсус стандартларига риоя қилинмоқда. Бу хол, ўз навбатида, молия статистикасида бирламчи маълумотларни тўплаш ва кўрсаткичларни ҳисоблаб боришда халқаро стандартларга асосланишни тақозо этади. Халқаро молия статистикаси стандартлари бир неча халқаро ташкилотлар: Халқаро Валюта Фонди (IMF), Жахон банки (WB), БМТСТАТ(UNSTAT), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД), Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ОЕЕС), БМТнинг Европа учун иқтисодий комиссияси (UNICEF) ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида яратилмоқда, халқаро молия статистикасининг концепцияси тарифлари ва классификаторлари ишлаб чиқилмоқда.

1.2-жадвал

Ишларнинг номи	Даврийлик	Етказиб бериш усули	Инструментарий	Тадқиқ қилиш дастури
Бюджетга солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушиши	ойлик	Чопар орқали	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси материаллари	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахар, солиқларнинг турлари бўйича
Бюджетга божхона тўловларининг тушиши	ойлик	Чопар орқали	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси материаллари	Ўзбекистон Республикаси тўлов турлари бўйича
Аҳоли омонатлари	Ойлик, йиллик	Электрон-почта	Шакл №1	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахар, солиқларнинг турлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Давлат йиғма бюджетининг бажарилиши	Чораклик, йиллик	почта	Молия вазирлигининг материаллари	Ўзбекистон бўйича: - қисқа схемада, тезкор; - тўлиқ схемада, аниқланган
“Индексация” махсус хисоб-китоблардан маблағларнинг берилиши тўғрисидаги маълумотлар	ойлик	Чопар орқали	Халқ банкининг тезкор материаллари	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахри бўйича
Молиявий ҳисоботлар	Чораклик, йиллик	Чопар орқали	Молия ҳисоботларининг шакллари №1, 2, 2а, 2б, 3, 4, 5	Корхона (ташкилот)лар бўйича
Корхона (ташкилот)лар молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиллик, чораклик	Электрон почта	Ш №1 –ф	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар иқтисодиётининг комплекслари, вазирлик(махкама)лар тармоқлар, мулк шакллари, зарар кўрувчи

				корхона(ташкилот)лар
Узоқ муддатли ва айланма активлар, ўзлик маблағларнинг манбалари ва мажбуриятлари	Йиллик, чораклик	Электрон почта	Ш №2-ф	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахри комлекслар, вазирлик (махкама)лар, иқтисодий тармоқлар, мулк шакллари
Корхона ва ташкилотлар молиявий натижалари ҳамда ўзаро хисоб-китоблар аҳволи	ойлик	Электрон почта	Ш №5-ф	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахри комплекслар, вазирликлар,иқтисодиё тнинг тармоқлари, мулк шакллари бўйича ва хоказолар
Корхона(ташкилот) лар ўзаро ҳисоб-китобларининг аҳволи тўғрисида	чораклик	Электрон почта	Ш №6-ф	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар, иқтисодий комплекслар, корхоналар, МДҲ, Балтика ва узоқ хориж мамлакатлар бўйича
Моддий айланма воситалари заҳиралари	чораклик	Электрон почта	Ш №1-3ап	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар, иқтисодиётнинг комплекс(махкама)лар, корхона мулк шакллари бўйича

1.2-жадвал давоми

Ишларнинг номи	**Даврийлик**	**Етказиб бериш усули**	**инструментарий**	**Тадқиқ қилиш дастури**
Корхона (ташкилот) сарф харажатлари (йиғма)	Чораклик, йиллик	Электрон почта	Ш №-5с	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар, иқтисодий комплекслар, вазирлик (махкама)лар, мулк шакллари бўйича
Асосий воситалар ва бошқа номолиявий	Йиллик	Электрон почта	Ш №11	Ўзбекистон Республикаси,

активлар мавжудлиги ва ҳаракати				Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар иқтисодий комплекслар, вазилик(махкама)лар, мулк шакллари бўйича
Молиявий натижаларнинг тахлили	Йиллик	Электрон почта	Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобга олинган холда Ш №5-ш	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар, иқтисодий комплекслар, вазирлик (махкама)лар, мулк шакллари зарар кўриб ишлайдиган (ташкилот) бўйича
Корхона (ташкилот) молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Чораклик, йиллик	Электрон почта	Ш №1-ш	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар, иқтисодий комплекслар, вазирлик (махкама)лар, мулк шакллари зарар кўриб ишлашига бўйича
Марказий банк фаолияти	Чораклик, йиллик	Чопар орқали	Ш№1-цб	Ўзбекистон Республикаси бўйича
Тижорат банкларининг фаолияти	Чораклик, йиллик	Электрон почта	Ш№1-кб	Ўзбекистон Республикаси банклари, мулк шакллари бўйича
Асосий молиявий кўрсаткичлар бўйича маълумотлар банкни тузиш учун динамик қаторларни юритиш	доимо	Махсус дастур бўйича		Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шахар бўйича

Ўзбекистон Республикасининг маълумотларини тарқатиш халқаро стандартга риоя қилиш борасидаги битимини имзолаши зиммага молия статистикасининг асосий маълумотларни муайян стандартларга жавоб берадиган ҳолда йиғиш, ҳисоблаш ва тарқатиш мажбуриятини юклайди. Бунда ХВФ нинг махсус сўровномасига жавоб беришда хам халқаро услубий тавсияномаларга, қўлланмаларга таянилади.

Юқорида кўрсатилган қўлланмалар ва бошқа услубий тавсияномалар Республиканинг умумиқтисодиёт блокига кирувчи вазирликларда, махкамаларда, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналарида

инглиз ва рус тилларида мавжуд.

Чет давлатларда аудиторлар хулосалари билан тасдиқланган солиқ ва бошқа давлат органлари учун расмий хужжат ҳуқуқига эга бўлган бухгалтерия баланси ва компанияларнинг молиявий ҳисоботлари асосий маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу хужжатларнинг очиқ матбуотда чоп қилиниши компаниялар фаолиятининг ошкоралигини кўрсатиб қолмасдан, балки бу уларнинг ўз акциянерларига берган ҳисоботи ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари бу маълумотлар чет элларда чоп этиладиган йиғма ва катта ҳажмдаги каталоглар, сўровномаларни тайёрлашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Молия статистикаси бўйича халқаро услубий қўлланмалар

Қўлланмаларнинг номи	Нашр қилинган йил	Тайёрлаганлар
1. Пул кредит ва банк статистикаси бўйича қўлланма	1984	IMF
2. Давлат молия статистикаси бўйича қўлланма	1986	IMF
3. Миллий ҳисоблар тизими (III таҳрири)	1993 1993	WB, IMF,OEEC UNSTAT,OECD
4. Тўлов баланси бўйича қўлланма (V нашри)	1994	WB,IMF,OECD
5. Йиғилган қарз, қарзнинг ўзгариши ва тўлов балнси	1995 1996	OECD
6. Европа миллий хисоблар тизими		IMF
7. Давлат молия статистикаси бўйича қўлланма, янги тузилмасига изохлар	1996	IMF
8. Пул-кредит ва банк статистикаси бўйича қўланма (қайта кўрилган лойиха)		МБТ, МФФ, ОЭСР, Еврстат, БМТ, ЖБ
9. Истеъмол бахо индекслари бўйича қўлланма		
10. Халқаро молия статистикаси бўйича бошқа қўлланмалар		

Хозирги пайтда сўровнома-каталоглар ҳар йил деярли ҳамма мамлакатларда чоп этилади. Бундан ташқари, айрим мавзулар бўйича ва турли юбилейлар муносабати билан кўплаб сўровномалар чоп этилади.

Дунёда жуда кўп сўровнома-каталоглар чоп этилиши сабабли уларнинг хаммасини номини келтиришнинг иложи йуқ. Энг асосийларини санаб ўтамиз. Халқаро сўровнома-каталоглар ўртасида энг кўпчилик томонидан тан олинган, кенг тарқалган сўровномалар: “Mood’s company”; “Standard Corporation Records”; “Standardand and poors”, “ Fitch’s Corporation Manuals” ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларда хар 4-5 йилда ўтказиладиган рўйхатлар (цензлар) компаниялар тўғрисидаги ўзига хос маълумотнинг бошланғич манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу рўйхатларда тармоқлар ва уларнинг фаолияти турлари бўйича тўлиқ маълумот берилади. Бу рўйхатлар маълумотларнинг конфиденциаллиги уларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Яъни алоҳида олинган компания маълумотларини чоп қилиш ёки уларни ишлатиш компания

эгаларининг рухсатисиз қатъиян ман этилади ва қонун билан химояланади.

Хозирги кунда энг ривожланган ва кенг тарқалган маълумот манбаларидан бири биржа маълумотларидир. Акцияларнинг котировкаси сотилиш хажми, уларнинг даромадлилилиги, тури ва хоказо тўғрисида кун давомида маълумот тўплаш мумкин. Лекин ўқувчини огохлантириб қўймоқчимиз. Биржа маълумотларини тўплаш ва қўлга киритиш осон бўлиши билан бир қаторда, улар содда, биржа қонун ва ҳусусиятларини яхши тушунмайдиган янги қатнашчиларга эмас, балки биржа бозорини яхши билган кишиларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши, шу билан бир қаторда шошма-шошарлик, алдаш кўзбўямачилик қуроли сифатида ишлатилиши мумкин. Хаммага маълумки биржа маълумотлари айрим ёки бир гурух шахсларнинг бойлик орттиришни мақсад қилган буюртмалари натижасида хам бўлиши мумкин. Биржа маълумотлари, айрим пайтларда, сиёсий барқарорликни бузилишига олиб келади. Шунинг учун хам биржа маълумотларини қўллашда, айниқса улар асосида қарор қабул қилишда, танқидий муносабатда қараш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий маълумотлар даврий нашрларда хам мунтазам чоп қилиб борилади, уларнинг энг кўп тарқалганлари қуйидагилардир:

International finance statistics, Government finance statistics, Balance of payment statistics UN National Accounts Statistics ва бошқалар , Ўзбекистонда – Ўзбекистон Республикаси молияси (статистика йилномаси) йиғма ва тармоқлар бўйича статистика йилномаларнинг махсус бўлинмалари, даврий иқтисодий журналларнинг сахифаларида, “Интернет” тизимининг махсус сайтларида чоп этилади.

Республикамизда чоп қилинган даврий иқтисодий нашрларга қуйидагиларни киритиш мумкин “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” (ойлик), “Бозор пул ва кредит” (ойлик), “Молия” (чораклик) ва бошқа журналлар.

Жуда кўп ва керакли молиявий маълумотларни, қуйидаги энг ривожланган ахборот хизмати кўрсатувчи ташкилотлар орқали: жахон миқёсида – Merill Lynch, National City Bank, New England Letter ва бошқалардан тўплаш мумкин.

Россияда – АК&М, Итар-Таас, Коминфо, Постфактум, Прайм, Интерфакс, РосБизнесКонсалтинг, Связь, Dj telerate, Веди, Финмаркет, Ўзбекистонда – “Ахборот”, “Давр” ва бошқалардан тўплаш мумкин, лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, буларнинг хаммаси маълумот тариқасида ишлатилиши мумкин. Чуқур молиявий тахлил учун ёки молиявий хулосалар чиқариш учун ёки хар бир молиявий холатда молиявий қарор қабул қилиш учун бошланғич маълумотларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

II БОБ. ОЛИЙ МОЛИЯВИЙ, АКТУАР ВА ТАҚРИБИЙ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

2.1 Олий молиявий ҳисоблашларнинг тайинланиши, вазифалари ва тарихи.

Республикага бозор иқтисодиётини кириб келиши билан молиявий операциялар ва битимлар амалга оширила бошланди. Хар қандай молиявий кредит, инвестицион, тижорат операцияларни амалга ошириш учун қатор шартларни бажариш керак ва улар билан битимни барча қатнашчилари рози бўлишлари зарур. Кредит олишни кўрсак. Бу ерда битим қатнашчиси иккита: карз берувчи ва олувчи. Улар шартномага қўл қўйишдан олдин кредит суммаси, вақт параметрлари, фоиз ставкаси ва бошқа миқдорий маълумотларни ўзаро келишиб олишлари керак. Маълумки, саналган характеристикалар турли-туман шакилларида ифодаланиши мумкин. Масалан, тўловлар бир йўлакай тўланадиган, муддати узайтирилган, вақт бўйича доимий ва узгарувчан бўлиши мумкин. Фоизларни ва фоизни кўшиб ёзишни ўнлаб турлари мавжуд. Вақтни хажми ва оралиғи иккита операцияда бир хил бўла олмайди. Битта молиявий битим чегарасида юқорида санаб ўтилган кўрсатқичлар тегишли мантиққа бўй сунадиган қандайдир бир ўзаро боғланган тизимни ташкил этади. Бу тизимни параметрларининг кўплигини ўзи ўнинг охирги аниқ натижаси очиқ-ойдин эмаслигига олиб келади. Бунинг устига тизимдаги битта миқдорни ўзгариши операцияни умумий натижасига таъсир этади. Демак, бундай тизимлар миқдорий молиявий таҳлил объекти бўлиши зарур. Мана шундай таҳлил олий молиявий ҳисоб-китоблар дейилади. Уларни мақсади – молия бозори кўрсатқичларни мантиқ жихатдан олдиндан таҳлил қилган ҳолда миқдорий ўрганишдир. Кредит ва қарзларни олиш, қоплаш, маълум бир миқдорда ва даврда фоизлар тўлаш, молиявий рисклар, операция ва битимларни самарадорлигини бахолаш ва бошқалар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг таҳлил қилишнинг миқдорий методларни ишлаб чиқиш олий молиявий ҳисоб-китобларнинг вазифасидир.

Олий молиявий ҳисоблашлар кредит, суғурта, инвестициялар, пул муомаласи йиғма кўрсатқичларни умумлаштиришда, уларни даражасини, таркибини, динамикасини ва ўзоро болиқлигини, валюта ва қимматли қоғозлар бозори конъюктурасини ўрганишда, давлат молиясини турли кўрсатқичларни (давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, республика ва худудий тариф, норма, рента, фоизлар, солиқ ставкалари) ҳисоблашда, ташкилот ва корхоналарни (бўйсуниши ва мулк шаклидан катъий назар) молиявий натижалари ва барқарорлигини ўрганишда ва бошқаларда қўлланилади.

Олий молиявий ҳисоблашлар методлари бундан ташқари молиявий операция ва битмларнинг у ёки бу омилга боғлиқлигини аниқлашда, молиявий холатларнинг кулажак моделларни тузишда, ўсган қиймат хажмини ҳисоблашда, молиявий кўрсатқичларни дисконтлашда, турли молиявий тўловларни ҳисоблашда, молиявий мажбуриятларни қоплаш режасини тузишда ва ҳ.к. қўлланади.

Миқдорий молиявий таҳлил хал қиладиган вазифалар турли-туман. Уларни маълум бир тизимга солиш мумкин, агарда берилган параметрлар ўзгармаса,

солиш мумкин эмас, агарда берилган параметрлар ўзгарса. Реал хаётда охирги холат кўпроқ учрайди. Олий молиявий ҳисоблаш хал қиладиган вазифаларни ананавий ва янги вазифаларга бўлишади. Бу, бизни фикрмизча, нотўғри. Чунки бугун янги деб ҳисобланган вазифа эртага эски бўлиши мумкин.

Миқдорий молиявий таҳлил турли шароитларда қўлланилади. Масалан, оддий облигацияларни чиқаришда барча шарт-шароит аниқ, яни уларни муддати, кутган даромад, сотиб олиш тартиби тўлиғича кўрсатилади. Бу хамма вақт хамма нарса аниқ бўлади дегани эмас. Масалан, пул бозори динамикасини хисобга олишга тўғри келса ноаниқлик бошланади. Чунки, вақт ўзгаришда фоиз ставкалари, валюта курслари ва тарифлар ўзини қандай тутишни билмаймиз.

Миқдорий молиявий ҳисоб-китоблар қўлланилиши рамкаси жуда кенг. Уларни оддий фоиз ёзишдан бошлаб то мураккаб молиявий ҳисоб-китобларгача қўллаш мумкин. Масалан, облигация чиқариш самарадорлигига таъсир килувчи омилларни бахолаш ёки молиявий инвестициялар портфелини диверсификациялаш билан рискларни қисқартириш методлар ва х.к.

Олий молиявий ҳисоб-китобларни хал қиладиган вазифалар турлича:

- ✓ Ошган қийматни ҳисоблаш;
- ✓ Умумий натижада операцияни хар бир қатнашчини манфаатини аниқлаш;
- ✓ Фоизларнинг турли ставкаларини таҳлил қилиш;
- ✓ Дисконтлаш методларни қўллаш;
- ✓ Тўловларни ва ставкаларни эквивалентлигини таъминлаш;
- ✓ Молиявий операцияланир бажариш режаларини ишлаб чиқиш;
- ✓ Операция ва битимларни охирги натижаларини ва уларнинг параметрлари ўртасидаги боғлиқлигини ўлчаш;
- ✓ Молиявий операция ва битимларни самарадорлигини ўрганиш.

Юкорида санаб ўтилган вазифалар вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Замонавий амалиёт янги-янги вазифалари кўндаланг қилиб қўяверади. Замондан-замонга олий молиявий ҳисоб-китобларни кўлланилиши диапазони пайдар-пай кенгайиб борган.

Молиявий ҳисоб-китоблар капитализм пайдо бўлиши даврларида бошланган деган фикрни жуда кўпчилик тасдиқлайди. Билимнинг алохида тармоғи сифатида улар XIX асрда пайдо бўлган. Ўша пайтларда улар “тижорат ҳисоб-китоблари” деб аталаради. XIX асрнинг охиридаги айрим ғарб давлатларида иқтисодиётни тез ўсиши тижорат ҳисоблашларини ортишига ва хатто кадрларни таёрлашни кўпайишига олиб келди. Бу ишга бозирганлар билан бир қаторда шахар ва хатто хукумат органлари аралашадиган бўлди. Уша йилларда фақат Германияда “тижорат арифтикасини” ўргатишга асосланган 24 олий тижорат билим юрти фаолият кўрсатган.

Тижорат билимининг долзарблиги ва мухимлигини Россиянинг давлат арбоблари дарров тушиниб етишди ва ўн йилда (1896-1906) Россияда 150 дан ортиқ тижорат мактаблари очилди. 1896 йилдан бошлаб Россиядаги барча тижорат мактаблари молия вазирлиги хузурида ишлайдиган бўлди. Тижорат мактабларида ўқитиладиган асосий фан бўлиб тижорат арифметикаси хисобланган. Тижорат арифметикаси курсига нималар кирган? Бугунги кун позициясидан караганда жуда онсон бўлган у курс – оддий ва муракаб фоизларни ҳисоблаш техникаси, вексель

ҳисоблари (дисконт ва дисконтлаш методлари) техникаси, вексель – курс ҳисоблари техникаси, пул-монета ҳисоблари (турли давлат пул бирлигида), товар ҳисоблари (товар бахолари, чегирмалар ва хаказолар калькуляцияси) техникаси, фоизли қоғозлар ва акциялар ҳисоблари техникаси, банк ҳисоблари (жорий счетлар, қисқа ва узок муддатли қўйилмалар ва ссудалар, комиссион операциялар) техникаларни ўргатиш билан шуғулланган. Булардан ташқари тижорат арифметикаси курсига қисқа (соддалаштирилган) ва тақрибий ҳисоблаш техникалари хам кирган.

Ажойиб рус математиги, молиячиси ва бухгалтери Н.С. Лунскийни (Россия молиявий менежментининг отаси, XIX аср) такидлашича молиявий математика олдинлари "сиёсий арифметика" номи билан аталган. Ушбу термин, таниқли иқтисодчий, классик буржуазия сиёсий иқтисоди асосчиси У.Петти (1623-1687) томонидан обиходга киритилган[1]. Н.С. Лунский "сиёси арифметика" йўналишида билимни тартибга солди ва бойитди ва у молиявий математикага кўйидаги тарифни берди: "олий молиявий ҳисоблашлар – бу амалий математикани тармоғи бўлиб, бу тармоқ сиёсий иқтисод, статистика ва молиявий фанларнинг математик таҳлил қилиш мумкин бўлган тадқиқоиларига бағишланади".

Лекин, Россияда тижорат арифметикаси бўйича рус тилида биринчи қўлланма "Банкирлар, савдогарлар, заводчилар, фабрикачилар ва уларни тарбияловчилар учун савдо-сотиқ арифметикаси" 1811 йилда В. Кряжев томонидан чоп қилинган. Кейинчалик Штейнгауз, М. Цветков, М. Савинов, В. Владыкин, И. Хрушев, Ф. Гросскурт, А. Прокофьев ва бошқа муалифлар китоблари чоп килинади. Бошида чоп қилинган китоблар, уша даврнинг асосий муаммоси бўлган ҳисоб-китобларни тезкор техникасини ўргатишга мўлжалланган. Иккинчи тўлқин билан чоп қилинган китоблар, тижорат арифметикасини ўргатадиганларга нисбатан қийинроқ бўлиб, уларни ўрганувчиларда маълум миқдорда математик таёргарлик мавжудлиги, яъни курс эшитувчилар бошланғич алгебра, қайта кўпайтириш назарияси, Ньютон биноми ва эхтимоллар назариясининг бошланғич асослари билан таниш бўлишлари керак бўлган.

Юқоридаги талаблар асосида рус тилида илк бор чоп қилинган китоб Г. Браунинг 1845 йилда чиққан "Молиявий ҳисоблашлар" асаридир. Шу асар чиққан вақтдан бошлаб, молиявий ҳисоб-китоблар шартли равишда икки йўналишга бўлинди деб хисоблаш мумкин: 1) тижорат арифметикаси; 2) олий молиявий ҳисоблашлар.

Оддийроқ тилда айтганда тез ҳисоблаш ва молиявий операцияларни бахолаш. Янада оддийроқ қилиб айтганда таълим тизимида янги фан – олий молиявий хисоблашлар пайдо бўлди. Ушбу фаннинг пайдо бўлишига сабаб сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, олдин таъкидланганидан XX аср бошида молиявий операция ва битимларни тузишда ҳисоб-китобларни тезкорлиги ва аниқлиги далбзарб бўлиши. Вақт бу пул деган таъмоил ўша пайтларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Барча

[1] Ульям Петтининг "Сиёсий арифметика" асари 1676 йилда ёзилган. Бироқ, бу асар Англия ва Франция ўртасидаги сиёсий муносабатларни мураккаблиги муносабати билан чоп этилмаган эди. Бошида бу китобининг кўл ёзмаси тарқатилган, кейинчалик муаллифни рухсатисиз бошқа ном билан чоп қилинган. "Сиёсий арифметика" китобини тўлиғича У. Петтини вафоти сўнг унинг ўғли лорд Шелберн чоп этган

ҳисоб-китоблар ҳисоблаш техникаси ёрдамида жуда қисқа вақт ичида ва аниқ бажарилишини ўша давр амалиётчилари орзу хам қила олмаган бўлса керак.

Иккинчидан, молиявий ҳисоблашларни бажаришда тез ва аниқ ҳисоблаш билан бир қаторда махсус билим ва кўникмалар зарурлиги.

Учинчидан, кам мехнат ва вақт сарфи билан номаълум натижага эришиш мақсадида ҳисоблашларни соддалаштириш. Соддалаштирилган усул кунлик ёки одатдаги ҳисоб-китобларни текшириш учун хам қўлланилган.

Тўртинчидан, тижорат арифметикаси хар қандай сотувчи шахс, айниқса бошқа мамлакатлар билан иш юрутувчилар учун хаддан ташқари мухимлиги. Бундан ташқари у бухгалтерия ҳисобини ўрганишда ва турли молиявий битимларни тузишда уларни самарсдорлигини бахолашда ёрдам кўрсатади, курслардан ақилона фойдаланишга, чет эл векселлар бўйича тўлашга ва олишга энг манфаатли йўлни танлашга, фоизли қоғозлар билан турли операцияларни бажаришга, товарларни турли бозорлардаги нархини фарқидан фойдаланишга имконият яратади.

Ўз пайтида тижорат хисоблашларни моҳияти ва тайинланиши кандай аниқланган? Фан сифатида у “янги тарих тонгида” Венецияда пайдо бўлган хисобланади. Ўша пайтларида Венеция савдонинг жуда катта марказларидан бири бўлган. Савдо марказини Европага силжиси билан тижорат арифметикасини ривожига немис ва голланд мактабларининг таъсири кучайиб борди. М.С. Лунский молиявий ва тижорат хисоб-китобларининг ривожланишига асосий хиссани немис, голланд, француз, ингиз олимларни кўшган деб таъкидлаши тасодиф эмас[1].

Тижорат арифметикаси бўйича илк муаллифлар[2] уни фан эмас, умумий арифметикани амалий қисми деб хисоблашган, бошқалари[3] эса, тескариси – у мустақил фан деб исботлашган. Бухгалтерия ҳисоби, тижорат арифметикаси ва статистика биргаликда ҳисоб-таҳлил йўналишдаги фандир деб ҳисобловчилар[4] хам мавжуд бўлган.

Курсни номи хам эволюцион ўзгариб борди ва у 1811 – 1870 йилларда савдо арифметикаси, 1870 йилдан бошлаб тижорат арифметикаси деб аталган. Такидлаш лозимки, иккаласида ҳам асосий эътибор савдога қаратилган.

XIX аср охирларига келиб ихтисослашувни кучайиши натижасида ва манфаат кўриш (йўқотиш) савдодан бошқа тармоқларга (масалан, молияга) аста-секин кўчиши билан тижорат ҳисоблашлари билан бир қаторда молиявий ҳисоб-китобларга бағишланган китоблар чоп қилина бошланди. А.Н. Глаголев ўз китобида[5] илк бор мураккаб фоизлар ва ренталар назарияси, қоплаш режаларни тузиш методларини, фоизли қоғозларни даромадлилик усулларини ёритиб беради. А.И. Толвинский, И.И. Кауфман, Б.Ф. Малешевский, И.П. Бабенко, Н.С. Лунский ва бошқалар йирик олимлари ва мутахассислар ушбу соҳани ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар орасида серхосил мехнати билан Н.С. Лунский ажралиб

[1] Лунский Н.С. Лекции по высшим финансовым вычислениям. Часть 1-3 М.: Т-во “Печатная С.П. Яковлева”, 1912

[2] Боболович Ф. Полний учебник коммерческой арифметики. 2-изд., испр. и доп. – М., Типография Г. Лиссенера и А. Чешоля, 1902; Ломовисский А.Ф. Курс коммерческих вичислений (теория и практика) М.; Снобкоопгиз, 1928

[3] Евзлин З.П. Коммерческая арифметика – СП б: Книгоиздательство,1909

[4] Вейцман Р.Я. О преподавании коммерческой арифметики. Одесса, Т.Л. Брюзака, 1913

[5] А.Н.Глаголев Элементарная теория долгосрочных финансовых операций. М:Издания А.С.Вишнякова, Университетская типография, 1891

туради. Айнан у “олий молиявий ҳисоблашлар” тушинчасини истеъмолга киритди.

1917-1980 йилларда олий молиявий ҳисоблашлар анча-мунча давом эттирилди. Давр идеалогиясига мос равишда (1930-1950) олий молиявий ҳисоб-китоблар – “хўжалик ҳисоблари” деб номланадиган бўлди. 1960 йиллардан бошлаб ҳисобни механизациялаш ва автоматлаштириш йўналиши пайдо бўлиши билан хўжалик ҳисоби курси ўрнига “ИИҚИАТ – иқтисодий информацияни қайти ишлашни автоматлаштирилган тизими” номли курс ўқитила бошланди. 1990 йилларда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан яна олий молиявий ҳисоб-китоблар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар чоп қилина бошланди.

Умумий холда олий молиявий ҳисоб-китобларни пайдо бўлиш ва ривожланиши куйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин: биринчи босқичда фақат тижорат арифметикаси билан ёки тижорат ходимларига тезкор ҳисоб-китобларни ўргатиш: иккинчи – молиявий операцияларни бахолаш, яни доимий тўловларни – молиявий ренталарни таҳлил қилиш, учинчи (бизнинг давр) – тўлов оқимлари (потоклари) таҳлили, тўртинчи (келгусида) – молиявий инвестициялар портфели ва қарзларни таҳлили.

2.2.Фоизлар назарияси

Бозор иктисодиёти шароитида кампанияларнинг асосий вазифаларидан бири бўш турган пул маблағларини тез ва самарали қўйилма қилишдир. Чунки пул маблағлари вақтли қийматга эга. Ушбу параметрни икки аспектда кўриб чиқишимиз мумкин.

1) Аспект: Вақт бўйича пул маблағларини қадрсизланиши билан боғлиқ. Фараз қилайлик, сизнинг корхонангизда 30 млн.сўм бўш турган пул маблағи мавжуд, инфляция даражаси (йиллик) 12%. Агарда мавжуд пулни бир йил миқдорда сақласак, уни харид қобиляти пасаяди ва жорий кун учун у 26,78 млн.сўмга тенг бўлади.

2) Аспект: Капитални (пул маблағларини) айланиши билан боғлиқ. Пул айланиши деганда : Оддийроқ қилиб айтганда, унинг даромад келтирадиган операция ва битимларда қатнашишига тушунилади. Масалан, 3 йилда 30 млн.сўм даромад келтирадиган ва даромадни олиш вариантлари хар йил 10 млн.сўм, иккинчи йилда – 20 млн.сўм ва бир йўлакай 30 млн.сўм таклиф этилмоқда. Ҳозирги пайтда хатто иктисодий маълумотга эга бўлмаган киши хам иккинчи ва учинчи вариантлардан бош тортса керак. Бу жуда тўғри қарор. Лекин шартларни озрок ўзгартирсакчи? Масалан, биринчи йилда 5млн.сўм. Иккинчи йилда 10 млн.сўм ва учинчи йилда 15 млн.сўм бўлсин. Инфляця даражаси биринчи вариантда 9%, 10%, 8%га тенг. Иккинчи вариантда – 8%, 9%, 7%, 5%. Даромадни тўлаш муддати икки мартага (1,5 йилда) алмаштирилди. Тушунарли, шароит ўзгариши билан қабул қилинадиган қарор ҳам ўзгариши керак.

Пул мблағларини қийматини ўрганишда молиявий эквивалентлик тамойили муҳим аҳамиятга эга. Молиявий эквивалентлик деганда – операция ва битимда қатнашувчи томонларнинг молиявий мажбуриятларининг тенглиги тушунилади. Масалан, банк билан ишлаб чикариш корхонаси ўртасида 50 млн.сўмлик кредит битими тузилди ва хар йили кредит олувчи берувчига 5 млн.сўмдан ва 4 йилдан

сўнг 50 млн.сўмни қайтариб берадиган бўлди .Суғурталанувчи суғурта қийматини тўлайди, суғуртачи эса агарда суғурта ходисаси содир бўлса суммани тўлаш мажбуриятини олади. Биринчи битимда тўлов хар қандай шароитда хам амалга оширилади, иккинчисида эса суғуртачини тўлаш эхтимолига боғлик бўлади.

Тўловларни тенглигини таъминлаш максадида уларни эквивалентлик тамойили қўлланилади. Уни қўллашда томонларнинг мажбуриятлари ўзгармайди, эквивалентлик тамойилига мувофиқ фоизлар даражаси, уларни тури, мажбуриятни бажариш вақти, тўловларнинг вақт бўйича тақсимланиши ва бошқалар ўзгартирилиши мумкин. Молиявий ҳисоб-китобларда жуда кўп муаммоларни эквивалентлик тамойилига асосланганлигини келгуси бўлимларда кўриб чиқамиз.

Адабиётларда фоизлар, фоизли пуллар, фоиз ставкалари ва бошқа сўзлар ишлатилади. Булар бир хил нарсами ёки турли маънога эгами? Ушбу саволга жавоб бериш учун уларни маънавий тахлил қилиш зарур. Фоизли пуллар ёки қисқача фоизлар деганда пулни (ссуда, товарни кредитга сотиш, пулни депозит счётига жойлаштириш, кимматли қоғозларни айрим турларини сотиш, олиш ва бошқа шакллар) қарзга бериб ва ундан олинган даромадни суммасига тушунилади. Тушунарли, демак фоизлар қайси шакл ва пайдо бўлиш турига эга бўлмасин, улар доимо ссуда фоизи иқтисодий категориясини аниқ намоён бўлишидир .Фоиз олиш бу янгилик эмас. Масалан, Қадимги Грецияда қарз суммасида 10% дан 36% гача фоиз олинган.

Молиявий битим ва кредит келишувини тузишда томонлар фоиз ставкаси хақида келишиб олишади. Фоиз ставкаси деганда – қайд қилинган вақт оралиғидаги нисбий даромад размерига тушунилади ва у фоиз даромадини қарз суммасига бўлиш билан аниқланади. Фоиз ставкаси тижорат, кредит ва инвестицион контрактларини энг муҳим қисмларидан бири бўлиб, ўнли ёки оддий касрларда ўлчанади. Оддий касрларда ўлчанса аниқлик 1/16 ёки 1/32 қайд қилинади.

Хисоб-китобларни амалга оширишда фоиз ставкалари одатда ўнли касрда ўлчанади. Фоиз ставкаси даври бир йил деб қабул қилинган.

Келишувга биноан фоизлар устама шаклда хар йили тўланиши ёки бошланғич суммага кўшиб борилиши мумкин. Бошланғич суммага фоизларни қўшилиб бориши билан бошланғич суммани ортиб бориш жараёни молия бозорида фоизни капитализация қилиш дейилади.

Фоиз ставкаси размери бир қанча объектив ва субъектив омилларга боғлиқ (пул-кредит бозори ҳолати, битим турлари, қарз ва кредит муддати ва размери, қарз олувчини хусусиятлари ва бошқалар) ва у қарз сумма бўйича ошган қиймат суммаси ҳисоблашда фақат инструмент ҳисобланмасдан, хоҳлаган молиявий, кредит, инвестицион ёки тижорат операцияси, битими ёки фаолиятини даромадлилиги даражасини ўлчагичи сифатида ҳам қўлланилади. Ўтган аср адабиётларида фоиз ставкаси жойлаштириш ставкаси деб айтилган. Бу нотўғри фикр эмас. Хозирги кунда хам миллионлаб коммерсантлар ўз капиталини омадли жойлаштириш устида бош қотиришади. Замонавий молия бозорида фоизларни хилма-хил турлари ва уларни капитализация қилишни турли усуллари учрайди. Фоизларни фарқланувчи қатор белгиларини ажратиш мумкин .

Устама ёзишда қабул қилинган база (бошланғич сумма) ўзгармайди ва

пайдар-пай ўзгариб боради. Биринчи холатда содда фоиз ставкалари, иккинчисида мураккаб фоиз ставкалари қўлланилади. Мураккаб фоизда даромад биринчи давр учун бошлангич **(P)** суммадан ҳисобланса, иккинчи давр учун даромад суммаси бошланғич сумма (биринчи йил) ва биринчи йил бўйича олинган фоиз пуллар (даромад) йиғиндиси суммасидан хисобланади ва х.к. Бошқача айтганда, мураккаб фоизли усулда ҳам асосий қарз, ҳам ундан олинган даромадлар (фоизлар) даромад келтиради.

Фоиз пулларини ҳисоблаш тамойиллари ҳам турлича. Улар бўлиши мумкин: хозирдан келгусига ва тескариси, келгусидан хозирга. Масалан, Сизни 10 млн.сўм пулингиз бор. Уни 3 йилга 10 % билан қарзга бердингиз ва 3 йилдан сўнг қанча пул қайтариб оласиз. Бундай фоиз ставкаси молиявий адабиётда декурсив ставка дейилади. Агарда қарз берилаётганда фоиз пуллари олиб қолинса, бу ставка антисипатив ставка дейилади

Айрим адабиётларда 100дан 100га ва 100 ичида фоизлари хам ишлатилади. Ушбу фоизларни қуйидаги мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

1. Сизни корхонага *S* дан *d%* - ташқил этувчи суммани кўчиришди. Номаълум (X) суммани аниқласак. $X = Sd/100 = Sd^1$. $d^1 = d : 100$. X – фоизлар 100 дан олинган фоизлар дейилади. Энди, аниқрок ёзсак. Корхонага кўчирилган сумма 300000 сўмни 50% ташкил этади. Бу ердан $R = 300000 \cdot 0,5 = 150000$ сўм.

2. Корхона ўз товарини К сўмга сотиб, А фоизли фойда олди. Фойдани аникланг. Таннархни G десак, $К = G + AG / 100$; $К^1 = AG/ 100$. А= 20% ва К= 180000 сўмга тенг десак, унда $К^1 = 180000 \cdot 0,2/ 1,2 = 30000$ сўм. Таннарх (G) = $К – К^1 = 180000 – 30000 = 150000$ сўм.

3. Корхона таварни К сумма сотиб, Б фоизли зарар кўрди. Зарарни аниқласак. Таннарх G билан белгиласак, унда $К = G – Б \cdot G : 100$. Бу ерда $G = К / 1 - Р / 100$. Демак зарар тенг. $К^1 = GБ / 100$. Агрда Б = 20% ва К = 90000 унда $К^1 = 90 \cdot 0,2 / 0,8 = 22,5$ минг сўм. Таннарх (G) = 90 + 22.5 = 112.5 минг сўм.

Фоиз ставкалари доимий (кайд қилинган) ва сузувчи ставкаларга бўлинади. Сузувчи ставкада фоиз ставка кўрсатилмайди, вакт бўйича ўзгарувчи база (базали ставка) ва унга қўшиладиган устама размери – маржа кўрсатилади. Базали ставкага Лондон банклараро ставкаси – ЛИБОР (LIBOR) ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Фоиз ставкалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси муҳим ўрин эгаллайди. Бу ставка билан МБ тижорат банкларига кредит беради.

Қарзни пайдар-пай қоплаб боришда фоизлар ёзишни икки қўлланиши мумкин: 1) фоиз ставкаси (оддий ва мураккаб) қарзни хақиқий суммасига қўлланилади; 2) Оддий фоизлар қарзни пайдр-пай қопланилиши ҳисобга олмаган ҳолда, бирданига бошланғич суммага ёзилади**.** Масалан, истеъмол кредитида ушбу шакл қўлланилади.

Амалий хисоб-китобларда дискрет фоизлар (фоиз қайд қилинган интерваллларда ёзилади) қўлланилади. Айрим ҳолларда (узлуксиз деб ҳисобланадиган жараёнларда) узлуксиз фоиз ставкалари хам қўлланилади.

Фоиз ставкаларнинг бошқа турлари хам мавжуд. Уларни кўриб чиқиш дарсликни тегишли бўлимларида амалга оширилади.

Ошган қийматни ҳисоблаш

Молиявий операция ва битимларда вақт омили асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Вақт омили билан пулнинг нотенглик қиймати, молиявий қўйилмаларнинг ноэквивалентлилиги, амалга ошириладиган битимларнинг қайтарилмаслиги тамойиллари бевосита боғлангандир**.** Масалан, инфлияцияга учрамаган шароитда ҳам январь ойида олинган 10000 сўм билан, февраль ойида олинган 10000 сўм тенг эмас.

Пулнинг бошланғич суммасидаги ўзгиришини аниқлаш учун, ссудадан, қўйилмалардан олинган даромадни ҳисоблаш зарур.

Пулнинг бошланғич суммасининг фоизлар кўшилиши билан ортиши (кўпайиши) ёки бошланғич пул суммасининг ўсиши жараёни молия статистикасида, ошган қиймат дейилади. Пулнинг ошган қиймати, одатда, содда ва мураккаб фоизларда хисобланади. Буларнинг ўзи оддий ва хисоб ставкасига (тижорат ёки банк учёти хам дейилади) бўлинади. Хар қандай ставка хам 1 йилга белгиланади.

Содда фоизлар. Бу усулда ошган қийматни аниклашда, хисоблаш асоси ўзгармас бўлиши шарт. Масалан, 10000 сўм содда фоизлар билан қарзга берилса, хисоб-китоб неча марта бажарилмасин, база 10000 сўм бўлиб қолаверади. Содда фоизлар билан ошган қийматни хисоблашда вақт оралиғи ҳар хил (кун, ой, квартал, йил ва х.к.) бўлиши мумкин. Вақт оралиғи фоиз ёзиш, фоиз қўшиш даври дейилади. Қўшилган фоизлар кредиторга берилади ёки қарзни бошланғич суммасига қўшиб қуйилади. Бу шартномага боғлик.

Содда фоизларда (декурсив метод бўйича) ошган қиймат суммаси қуйидаги формула билан хисобланади:

$$S = P + Pin \quad ёки \quad S = P(1+in),$$

бу ерда : S – пулнинг ошган (охирги) қиймати суммаси; P – бошланғич сумма; n – фоиз ёзиш даврлари сони; i – фоиз ставкаси; $1+in$ – бошланғич ставкани кўпайтирувчи миқдор;

Мисол. 10 млн.сўм 5 йилга 30% ставкаси билан берилган. Пулнинг ошган қиймати суммаси аниқлансин.

$$S = 10 + 10 \cdot 0{,}3 \cdot 5 = 25{,}0 \text{ млн. сўм}$$

$$S = 10\ (1 + 0{,}3 \cdot 5) = 25{,}0 \text{ млн. сўм}$$

Юкорида таъкидланганидек, қарз муддати ҳар хил бўлиши мумкин. Агар қарз муддати 1 йилдан кам бўлса, юкорида келтирилган формулага қисман ўзгартириш киритамиз ва S ни қуйидагича хисоблаймиз:

$$\mathbf{S = P\left(1 + \frac{d}{k} i\right)}$$

бу ерда: d – қарз кунлар сони; k – йилдаги кунлар сони;

Мисол. 70000 сўм 90 кунга 20% ставкаси билан берилган бўлса, ошган қийматни аниқланг.

$$\mathbf{S = 70\left(1 + \frac{90}{360}\ 0.2\right)} = 75{,}6 \text{ минг сўм.}$$

Амалиётда фоиз ёзиш даврлари ҳар йил бўлиши мумкин. Агарда**,** n_1 , $n_2 \ldots$ n_n фоиз ёзиш даврларида i_1 , $i_2 \ldots$ i_n ставкалари қўлланилса, ошган қиймат қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$S = P\left(1 + \sum_{t=1}^{N} i_t\, n_t\right)$$

Мисол. 3,5 йилга 20 млн.сўм миқдорида кредит берилди. Биринчи йил учун фоиз ставкаси 150%, қолган вақтда ҳар ярим йилда ставка 10%га ошади. Ошган суммани аниқланг.

S = 20 [(1 + 1.5) + 0.5 (1.6 + 1.7 + 1.8 + 1.9 + 2.0)] = 20 · 7 = 140 млн.сўм

Молиявий ҳисоблашда кунлар сонини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала фоизларга боғлик. Маълумки, фоизлар оддий ва мураккаб фоизлардан ташқари содда ва тижорат фоизларига ҳам бўлинади. Содда фоизлар ҳисобланса, кунлар сони 1 йил учун 360кун, ой учун 30 кун олинади, тижорат фоизларда эса – йил 365, 366 кун хисобланиб, ой 28, 29, 30, 31 кун (календарь бўйича) ой. Яна бир қоида – пулни олиш ва қоплаш кунлари бир кун деб олинади. Икки сана орасидаги аниқ кунлар сонини жадваллардан олиш мумкин (1-илова). Банклар учун иш куни ва хисоб-китоб кунлар ҳисоблашда бу масала муҳимдир. Кунлар сонини аниқлаш турли мамлакатларда турлича: АҚШ., Англия, Португалияда йил 365/366 кун, ой календар бўйича олинади; Франция, Бельгия, Испания, Швецарияда йил 360 кун, ой календарь бўйича; Германия, Дания, Швецияда йил 360кун, ой 30 кунга тенг деб қабул қилинган.

Шундай қилиб, хисоб-китоблар қуйидаги 3 вариантда бўлиши мумкин.

1. Аниқ фоизлар аниқ кунлар сонида. Бу усул Англия амалиёти деб ном олган ва энг аниқ натижани беради. Тижорат хужжатларида у 365/ 365 ёки АСТ/АСТ шаклда ишораланади.

2. Оддий фоизлар аниқ кунлар сонида. Бу усул Франция амалиёти деб ном олган (банк усули хам дейилади) ва 365/360 ёки АСТ/360 шаклда ишораланади. Ушбу вариантда олинган натижа олдингига нисбатдан каттароқ бўлади. Масалан, t = 364 бўлса, n = 364/360 = 1.01111 га тенг бўлади. Йиллик фоиз ставкасини 18% бўлса, қийматни кўпайтувчиси 1,1819998 [(1,18 · 1,01111) - 1,01111] га тенг бўлади.

3. Оддий фоизлар такрибий кунлар сонида. Бу усул Германия амалиёти деб ном олган ва шартли 360/360 шакилда ишораланади.

Мисол. 12% билан 10,0 млн. сўмлик қарз 20 январдан 6 октябргача берилган. Сода фоизлар билан ошган қийматни учала амалиёт бўйича аниқланг. Аниқ вақт ва такрибий кунлар сонига тенг:

t- аник= 12 + 28 + 31 + 30+ 31 + 30 + 31 + 31 + 30 + 4 = 258 кун.

t- такрибий= 11 + 30 · 8 + 4 = 255 кун.

Ошган қиймат тенг:

1. Аниқ фоиз ва аниқ кунлар учун(365/365:

$$S = 10\left(1 + \frac{258}{365} * 0.12\right) = 10.848 \text{ млн. сўм}$$

2. Оддий фоизлар ва аниқ кунлар учун (360/365):

$$S = 10\left(1 + \frac{258}{360} * 0.12\right) = 10.860 \text{ млн.сўм}$$

3. Оддий фоизлар ва такрибий кунлар учун (360/360):

$$S = 10\left(1 + \frac{255}{360} * 0.12\right) = 10.850 \text{ млн. сум}$$

Агарда ссуда муддати икки йилга карашли кунлар ёки ойларни қамраб олса, фоиз ставкалари йилларга бўлинади ва ошган қийматни хисоблашда ёзиладиган умумий устама йиллик устамалар йиғиндисидан иборат бўлади:

$$Pn_1\, i + Pn_2\, i$$

Бу ерда: n_1 ва n_2 – тегишли равишда йиллар бўйича қарз муддати.

Фоизларни қўшиб ёзиш депозитларини вақт бўйича ўзгариши шароитида хам амалга оширилиши мумкин. Бу ишни қуйидагича бажарамиз:

$$\sum R_j \cdot n_j \cdot i \quad ёки \quad [\sum R_j \cdot t_j] : 100 / k{:}i$$

Мисол. Ишбилармоннинг пул карточкасига 5 февраль куни 12 млн. сўм қуйилди. 10 июль куни ундан 4 млн. олинди ва 20 октябрда унга 8 млн. сўм қуйилди. Фоиз ставкаси 14%. Бу ердан фоиз бўлувчиси *(k:i)* тенг 365: 19 = 26,0714. Фоиз сонлари суммасини $(R_j\ t_j)$ қуйидагича хисоблаймиз: 5 февраль 12 млн. сўм ва қолдик (R_j) – 12, кунлар 155 тенг бўлса, фоиз сонлари 18,6 [(155 · 12) : 100] тенг бўлади. 10 июлга 8,16; 20 октябрга – 11,52. Жами фоиз сонлари 38,28 (18,6 + 8,16 + 11,52) тенг. Бу ерда бутун давр учун фоиз ставкасини аниклаш мумкин: 38,28/26,0714 = 1,468 млн. сўм.

Қисқа муддатли депозитлар бўйича ошган қийматни хисоблашда маблағ эгасини ҳохишига ва бошқа сабаблари бўйича қайта инвестициялаш шароити пайдо бўлиши мумкин. Берилган умумий муддат ичида қайта инвестициялаш бир неча марта амалга оширилган холларда бутун муддат учун ошган қиймат қуйидагича аниқланади:

$$S= P\,(1 + n_1\ i_1)(1 + n_2\, i_2) \ldots .\ (1 + n_n\, i_n)$$

Мисол. 10 млн.сўм 16% билан 1 сентябрда бир ойлик депозитга қўйилди. Агарда операция 3 марта такрорланса, ошган қиймат қанча бўлади?

А) АСТ /АСТ ишорасида.

$$S = 10\left(1+\frac{30}{360}\cdot 0{,}16\right)\left(1+\frac{31}{365}\cdot 0{,}16\right)\left(1+\frac{30}{365}\cdot 0{,}16\right) = 10{,}403$$

1.0131 1.0136 1.031

Б) 360/360 ишорасида:

$$S = 10\left(1+\frac{30}{365}\cdot 0{,}16\right)^3 = 10.268 \text{ млн.}$$

Фоизларни хисоблаш шакли хам турлича. Масалан, истеъмол кредитига фоиз ҳисоблаётганида, устама хамма суммага бирданига хисобланади ва асосий қарз суммасига қўшиб қўйилади;

$$S = P\,(1 + ni)$$

Фоиз билан биргаликда қарзни қоплаш бўлаклар билан амалга оширилади. Одатда қарз бўлаклари тенг суммаларда бўлади, яъни:

$$R = \frac{S}{nm}$$

Бу ерда: n – кредит муддати (йилларда); m – йил ичидаги тўловлар сони. **Мисол.** Нозик-овқат тавварларини сотиб олиш учун 12 млн.сўмлик истеъмол

кредити берилди. Йиллик фоиз ставкаси 14%. Кредит муддати 3 йил, тўловлар хар ойнинг охирида амалга оширилади.

Ошган қиймат тенг:

$$S = 12\ (1 + 3 \cdot 0.14) = 17.04 \text{ млн. сўм.}$$

Йиллик тўловлар суммаси:

$$R = \frac{17 \cdot 04}{3 \cdot 12} = \frac{17 \cdot 04}{36} = 0{,}4733 \ \ ёки \ \ 473333 сўм$$

Ошган қиймат фақатгина декурсив методларда (юқорида кўриб чиқилган) эмас, балки рекурсив методларда хам хисобланади. Рекурсив метод бўйича ошган қиймат содда фоизларда қуйидаги формулада хисобланади:

$$S = \frac{B}{1 - d_i}, \qquad бу\ ерда \quad B = P(1 - d_i)$$

Бу ерда: *B*- бериладиган қарз суммаси.

Мисол. Фирма 270 кунга 80 млн. сўм кредит олиш учун банкга мурожат қилди. Банк эса хисоб ставкаси (20%) бўйича кредит беришга рози.

Биринчи навбатда хисоб ставкаси аникланади:

$$P \cdot d \cdot I = 80 \cdot \frac{270}{360} \cdot 0{,}2 = 12 \ млн. сўм$$

$$B = 80\ (1 - 0.75 \cdot 0.2) = \ 80\ \ (1 - 0.15) = 68 \ млн. сўм$$

ёки фирма оладиган маблағ суммаси:

(80 - 12) = 68 млн. сўмга тенг.

Юкорида келтирилган формула бўйича ошган қиймат суммасини аниқласак:

$$S = \frac{68}{1 - 0{,}75 \cdot 0{,}2} = 80 \ млн. сўм$$

Дисконтлаш методлари

Молиявий ҳисоб-китобларда хама вақт ва хар қандай шароитларда хам бошланғич ва ошган қиймат чегирма ва устама суммалари маълум бўлмайди. Бу муаммо дисконтлаш усулларини қўллаш билан ҳал этилади.

Дисконт – бошланғич суммани хисоблаш, аниқлаш учун ошган қийматдан айриладиган чегирма суммасидир. Чегирмалар катта суммадан кичик суммани аниқлаш учун хисобланса, устамалар ёзиш, бунинг тескариси, улар кичик суммадан катта суммани аниқлаш учун ҳисобланади. Шуни эсда тутиш керакки, бошланғич қиймат аниқ молиявий шароитда ошган қийматнинг тескари ифодасидир.

Унинг асосида, бутун сон ва қисмлари фарқи хисобланувчи хамма кўрсаткичлар тескари сонлар бўлади.

Масалан**,** ошган қийматни 1,0, дисконт (чегирма) ставкаси 0,2 га тенг деб қабул қилинса, фоизлар кўпайтмасининг тескари сони 0,8 (1,0-0,2) эмас 0,833 (1,0 : 1,2) тенг бўлади. Бу тасдиқнома сода ва мураккаб фоизлар билан хисобланган

дисконт суммаси ва ставкаларига нисбатдан эмас, балки дисконтлашда қўлланиладиган барча методлар учун адолатлидир.

Молиявий хисоб-китоблар амалиётида дисконтлашнинг математик ва банк ёки тижорат усули қўлланилади. Агар *S, n* ва *i* маълум бўлиб *P* – аниқлаш зарур бўлса, бу пайтда математик дисконтлаш усулига мирожат қилинади. Дисконтлаш, ошган қийматни хисоблашга ухшаб содда ва мураккаб фоизларда олиб борилади.

Одий фоизларда бошлангич суммани қуйидаги формула билан аниклаймиз:

$$Pm = \frac{S}{1+i_n}$$

Бу ердан дисконт суммаси тенг:

$$D = S - P$$

Мисол. 6 ойдан кейин қарздор кредиторга 4 млн. сўм тўлаши керак. Кредит 26% ставка билан берилган, берилган кредит ва дисконт суммаси аниқлансин.

Берилган кредит суммаси:

$$P = \frac{4000}{1+1/2\cdot 0\cdot 26} = 3539.8 \text{ минг сўм}$$

Дисконт суммаси:

$$D = 4000 - 3539.8 = 460.2 \text{ минг сўм}$$

Банк (тижорат) хисоби методи математик методга тескаридир. Математик дисконтлашда ссудадан фойдаланилгани учун олинадиган фоизлар бошлангич суммадан хисобланса, бу усулда ошган қиймат ёки охирги суммадан хисобланади. Масалан, вексиллар бўйича фоиз устамалари векселнинг эгаси уни ушловчига кайтариб бериладиган суммага ёзилади. Оддатда векселлар банкда хисобга олинади ва улар векселнинг хақиқий ва тўлаш кафолатини тан олиб (аваллаштириб) фоиз белгилайдилар. Шу фоизлар хисоб ёки банк фоизлари деб айтилади. Банкда хисобга олинмаган векселлар, оддий тилхатдан бошка нарса эмас.

Ҳисоб усули бўйича бошланғич сумма ва дисконт қуйидагича аникланади:

$$P = S(1- nd)$$

бу ерда: n- ссуда муддати; d- хисоб ставкаси;

Мисол. 100 000 сўмлик номинал қиймат билан вексилберилди. Тўлаш муддатига 15 кун қолганда эгаси уни банк хисобидан ўтказди, хисоб ставкаси 20%. Бу ердан

$$P = 100\left(1-\left(1-\frac{15}{360}\cdot 0{,}2\right)\right) = 99{,}17 \text{ сўмга тенг}$$

Дискот суммаси : $D = 100 - 99.17 = 0.83$ минг сўм.

Юқорида амалга оширилган хисоб – китоблар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: а) ошган қиймат ва дисконтлашга ўхшаш вазифаларни хал қилиш учун қўлланилади; б) оддий ставкаларда ошган суммаларни ҳисоблаш тўғри вазифа бўлса, дисконтлаш тескари вазифа, ҳисоб ставкасида эса аксинча-дисконтлаш тўғри вазифага, ошган қийматни ҳисоблаш тескари вазифа бўлиб ҳисобланади; в) *i* ва *d* ставкалар тенг (*i=d*) бўлган тақдирда хам хар хил натижаларга эришилади.

Таъкидлаш зарурки учёт ставкаси вақт омилини бошқа ставкага нисбатан қаттиқроқ ифодалайди ёки d ставкаси i га қараганда қарз суммасини тезроқ ўсишига олиб келади.

Молиявий битим ва операциялар бўйича тасдиқланадиган контракт устида ишлаш даврида t, P, S ва бошқалардан ташқари ссуда муддати, фоиз ставкасини ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш зарурияти туғилади.

Олдинги келтирилган формулалр асосида қарз муддатини қуйидагича аниқлаши мумкин.

$$n = \frac{S-P}{P_i} = \frac{\frac{S}{P}-1}{i} \qquad n = \frac{S-P}{S_d} = \frac{1-\frac{p}{S}}{d}$$

Ушбу кўрсаткичлар кунларда хисобланса (эсда бўлса n= t/k) вакт қуйидагича аниқланади:

$$t = \frac{S-P}{P_i} \cdot k \qquad t = \frac{S-P}{S_d} \cdot k$$

Мисол. Қарз 10 млн.сўмдан 12 млн.сўмга етиши учун унинг муддати қанча бўлиши керак. Фоиз АСТ/АСТ ишорасида ва 27% қилиб белгиланган. Кунлар сонини аникланг.

$$t = \frac{12-10}{10 \cdot 0{,}27} \cdot 365 = 270 \text{ кун}$$

Молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва контрактларнинг даромадлилигини таққослашда фоиз ставкаларини ҳисоблаш жуда муҳим. Бу иш формулалар ёрдамида амалга оширилади:

$$i = \frac{S-P}{P_n} = \frac{S-P}{P_t} \cdot k \qquad d = \frac{S-P}{S_n} = \frac{S-P}{S_t} \cdot k$$

Мураккаб фоизлар. Молиявий хисоблашларда энг куб таркалган фоизлардан бири бу мураккаб фоизлардир. Уларнинг мазмуни шундан иборатки, даромад хисоблана бошланганда биринчи даромад (бошланғич P суммадан) хисобланса, иккинчи даромад бошлангич суммадан эмас, балки бошланғич сумма ва биринчи даромаднинг йиғинди суммасидан ҳисобланади ва ҳ.к.

Мураккаб фоизлар хам сода фоизларга ўхшаб оддий ва хисоб ставкаларида аниқланади.

1. Оддий ставкаларда қуйидаги формула билан:

$$S = P\,(1+i)^n$$

2. Хисоб ставкаларида эса:

$$S = P\,\frac{1}{(1-d)^n}$$

Мисол. 5 млн.сўм 4 йилга 25% йиллик ставка билан банкка жойлаштирилди. Шартнома бўйича банк мураккаб фоизлар билан пулни қайтариб беришни бўйнига олган. Банк неча сўм қайтиб беради?

$$S = 5(1+0.25)^4 = 5(4lg\ \ 1.25) = 9765625 \text{ сўм.}$$

Фоизларнинг наминал ва самарали ставкалари

Маблағ эгасининг ихтиёрига караб ёки қимматли қоғозларнинг айрим турлари бўйича бериладиган (олинадиган) фоизлар фақат бир йилда бир марта эмас, балки хар ярим йилда, кварталда, ойда ва ҳк. Хисобланиб, бошланғич суммага устама қилиб қўшилиши ёки эгасига берилиши мумкин. Бу шартномага боғлиқ.

Агар фоизлар 1 йилдан кам муддатга капиталлаштирилса, бу пайтда фоизларнинг йиллик ставкаси (i) наминал ставка деб аталади. Наминал ставкалар давр ичидаги фоиз устамаларини ёзиш учун асос бўлиб ҳизмат қилади. Улар мураккаб фоизлар билан қуйидагича аниқланади:

$$S = P(1+\frac{j}{m})^{N\ ёки\ m\cdot n}$$

бу ерда: j – наминал фоиз ставкалари; N – бутун қарз вактида устама ёзиладиган даврлар сони; ($m\cdot n = N$); n – бутун қарз вақти; m – устама ёзиладиган даврлар сони.

Номинал ставка (j) бўйича m марта фоиз ёзиладиган даромадни таъминлайдиган (j) йиллик ставка, i самарали ставка дейилади.

Бизга маълумки:

$$(1+i)^n = (1+\frac{j}{m})^{mn}$$

бу ердан:

$$i = (1+\frac{j}{m})^{mn}-1$$

Бу ҳисоб-китоблар ҳисоб ставкалари бўйича ҳам амалга оширилади. Қуйидаги формулалар билан:

$$\frac{P}{(1-d)^n} = \frac{P}{(1-j/m)^{mn}},\qquad \text{бу ердан}\qquad d = 1-(1-+\frac{j}{m})m$$

Мисол. 20000 сўмлик қиймат билан облигация 5% номинал ставкада 5 йилга чиқарилган. Ставкаларни капиталлаштириш 1 йилда ва ҳар кварталда амалга оширилса, шулардан қайси бири самарали ставка бўлади.

Бир йил учун ҳисобланмаса хам бўлади. Чунки у маълум, яъни 5%. Демак $i_r = 0{,}05$

Ярим йил учун:

$$I = (1+\frac{j}{m})^m - 1 = (1+\frac{0.05}{2})^2 - 1 = 0{,}0506 \quad ёки \quad 5{,}06\%$$

Квартал учун:

$$i = (1+\frac{j}{m})^m - 1 = (1+\frac{0.05}{4})^2 - 1 = 0{,}0509 \quad ёки \quad 5{,}09\%$$

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, кредит берувчи учун энг самарали ставка 5,09% (кварталлик), кредит олувчи учун эса – 5,0% (бир йиллик). Янада тушунарли бўлиши учун ошган қийматни ҳисоблаб курайлик:

Бир йил учун:

$S_{j,1} = 20\ (1+0{,}05)^5 = 20\ (1{,}05)^5 = 20 \cdot 1{,}2763 = 25{,}526$ млн.сўм.

$S_{j,2} = 20\ (1+\frac{0.05}{2})^{2\cdot 5} = 20\ (1{,}025)^{10} = 20 \cdot 1{,}280085 = 25{,}602$ млн.сўм.

$S_{,3} = 20\ (1+\frac{0.05}{4})^{4\cdot 5} = 20\ (1{,}025)^{20} = 20 \cdot 1{,}297865 = 25{,}957$ млн.сўм.

Демак, олдинги чиқарилган хулоса тўғри.

Фоиз ставкаларини мослаштириш (корректировкалаш)

Молиявий фоизлар догма эмас. Улар шароитга мослаштирилиши керак. Фоиз ставкаларига алоқа шартининг ўзгариши, имтиёз берилиши, юқори даражада жарима фоизларининг белгиланиши ҳамда товарлар баҳосининг ўзгариши, валюта курслари ва пулнинг қадрсизланиши ва ҳ.к. ҳисобидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

Баҳо ўзгаришини ҳисобга олиш учун баҳо индексини (*Ip*), сўмнинг ҳарид қобилияти ўзгаришини ҳисобга олиш учун эса инфляция индексини (*Ir*) ҳисоблаш керак. Улар маълум бўлгандан кейин, уларнинг ўзгаришини ҳисобга олган холда ошган қийматни ҳисоблаш мумкин:

$$Sск = P\,[\,1+(1+\,i)\colon I_p]^n$$

Сўмнинг ҳарид қилиш қобилятини ҳисобга олган ҳолда *S* қуйидагига тенг бўлади:

$$S = P\,[\,1+(1+\,i)\,I_r]^n$$

бу ерда: I_r – инфлиятция индекси; ($I_t = 1/I_p$).

Маълумки, фақат товарлар баҳоси ўзгармасдан валюта курслари ҳам ўзгариб туради. Шу муносабат билан, фоиз ставкаларини фақат баҳонинг ўзгариши эмас, валюта ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мослаштириш (корректировкалаш) керак. Бу иш қуйидаги формула билан амалга оширилади:

$$J_{pck} = I_p \cdot d_{op} + I_{кв} \cdot d_{ов}$$

бу ерда: d_{op} – айланманинг сўмдаги хиссаси; d_{OB} – айланманинг валютадаги хиссаси.

Шундай мослаштириш инфлияция мукофотини ҳисобга олган ҳолда ҳам амалга оширилади. Инфляция мукофоти индекси инфляция индекси ва даромадлилик индексини кўпайтмасига тенг.

Молиявий амалиётда (банкларда) инфляция натижасида йўқотилган суммани қоплашда фоизлар ставкасини индексация қилишнинг соддалаштирилган усулидан фойдаланилади:

$$I_t = i\,\Delta t$$

бу ерда: $\Delta t - i_t$ индекисни модули, аникроғи (I_t-*1*) ёки (I_{tck}-*1*). Ушбу холатда I_t – модули ўрнига, бахони оддий ўзгариш индекси ишлатилади, яъни $I_p - 1$.

Ставка ва тўловларни эквовалентлиги

Ставкалар даражаси билан бир қаторда уларни ўртача даражаси муҳим рол ўйнайди. Маълумки, ўрталаштирилаётган ставкаларни ўртача ставкалар билан алмаштириш ошган қиймат ёки дисконтлаш натижасини ўзгартирмайди:

$$1 + N \cdot \bar{i} = 1+\sum n_t i_t \qquad \text{бу ердан} \quad \bar{i} = \frac{\sum n_t i_t}{N}$$

бу ерда $N = \sum nt$ – фоиз ёзиш умумий муддати.

Ҳисоб ставкаси бўйича ўртача ставка тенг:

$$\bar{d} = \frac{\sum n_t d_t}{N}$$

Мисол. Даврлар бўйича содда фоизлар ставкаси тенг: 10, 12 ва 15%. Фоиз

ёзиш даврлари: 2, 3 ва 5 ой. Ўртача ставкани аникланг.

$$\bar{i} = \frac{0{,}1\cdot 2 + 0{,}12\cdot 3 + 0{,}15\cdot 5}{2+3+5} = \frac{0{,}2+0{,}36+0{,}75}{10} = 13{,}1\%$$

Мураккаб фоизларнинг ўртача даражаси тенг:

$$(1+\bar{i})^N = (1+i_1)^{n_1} + (1+i_2)^{n_2} \ldots \qquad \text{бу ердан} \qquad \bar{i} = \sqrt[N]{(1+i_1)^{n_1} + (1+i_2)^{n_2} \ldots} - 1$$

Ссуда суммаси ва фоиз ставкалари фарқланувчи операциялар учун ўртача ставка қуйидагича хисобланади:

$$\sum P_t (1+n\cdot\bar{i}) = \sum P_t (1+n\cdot i_t) \qquad \text{бу ердан} \qquad \bar{i} = \frac{\sum P_t \cdot i_t}{\sum P_t}$$

Мураккаб фоизлар учун:

$$\bar{i} = \sqrt[n]{\frac{\sum P_t (1+i_t)^n}{\sum P_t}} - 1$$

Ошган қийматни ҳисоблаш ва дисконтлаш муолажасида турли ставкалар қўлланилади. Уларни алмаштириш ва бирлаштириш мумкин. Маълумки, эквивалентлик тамойилига бўй сунган ҳолда бир ставкани иккинчиси билан алмаштириш умумий натижани ўзгартирмайди. Бундай холда операция қатнашчилари учун қандай ставкани қўллашни фарқи йўқ. Бундай ставкалар эквивалент ставкалар дейилади.

Эквивалентлиликнинг формуласини ҳар қандай ҳолат учун ҳам кўпайтувчиларни тенглигидан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$(1+ni_c) = (1+i_m)^n$$

бу ерда: i_c ва i_m – содда ва мураккаб ставкалари.

Юкорида келтирилган тенглик эквивалентликнинг қуйидаги нисбатини беради:

$$i_c = \frac{(1+i)^n - 1}{n}; \qquad i_m = \sqrt[n]{1+n\cdot i_c} - 1$$

Оддий ва ҳисоб ставкалари эквивалентлигини хисоблашда вақт базаси 360 ва 365 кун қўлланилганини эсда тутиш керак. Агарда вақт базаси тенг бўлса тегишли кўпайтувчиларни тенглигидан келиб чикади:

$$i_c = \frac{d_c}{1-n\cdot d_c}; \qquad d_c = \frac{i_c}{1-n\cdot i_c}.$$

бу ерда: n – йиллардаги муддат; i_c – оддий фоизлар ставкаси; d_c – хисоб фоизлар ставкаси.

Мисол. Қоплашга бир йил қолганда 18% ҳисоб ставка билан вексел ҳисобдан ўтказилди. Оддий фоизлар турида операция даромадлилигини ҳисобланг.

$$i_c = \frac{0{,}18}{1-0{,}18} = 0{,}2195 \quad ёки \quad 21{,}95\%$$

Демак, 18% ҳисоб ставкаси билан олинадиган даромадни 21,95% оддий ставка билан олиш мумкин.

Оддий ва учёт ставкалари содда фоизларни (i_c ва d_c) эквивалентлиги нисбати операцияларини муддатига боғлиқлигига эътибор бериш керак.

Масалан. Вақт базалари бир хил ва 360 га тенг десак:

$$i_c = \frac{360}{360 - t \cdot d_c}; \qquad d_c = \frac{360}{360 - t \cdot i_c}.$$

Мураккаб фоизларни фақат *i, j* ва *d* ставкалар учун эквивалентлик нисбатига тўхталсак. Улар қуйидагича:

$$i = (1+j/m)^m - 1; \qquad j = m[\sqrt[m]{1+i} - 1]$$

i ва *d* эквивалентлиги:

$$i = \frac{d}{1-d}; \qquad d = \frac{i}{1+i}$$

Молиявий амалиётда шундай муаммоларга дуч келамизки, бир молиявий мажбуриятни иккинчиси билан алмаштириш ёки бир нечта мажбуриятларни бирлаштириш зарурияти туғилади. Бу муаммони ечиш молиявий мажбуриятлар тенглигига асосланади. Битта ва ўзаро тенг вақтга келтирилган ва асосланган тўловлар ўзаро тенг (эквивалент) деб аталади.

Бундай муаммо эквивалентлиги тенгламаларини қўллаш билан ечилади. Уларнинг мазмуни шундан иборатки, эски мажбурият билан келтирилган тўловлар суммаси янги мажбурият билан келтирилган тўловлар суммасига тенглаштирилади.

Эквивалент тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\sum_1^m P_k = \sum_1^n P_q$$

бу ерда: P_k – тўловнинг қандайдир бир пайтга бўлган ҳозирги (келтирилган) миқдори; P_q – Q тўловнинг ўша пайтда бўлган ҳозирги миқдори.

Тўловларни келтириш пайти сифатида олиниши мумкин: молиявий мажбуриятларнинг бошланиш муддати; бирор суммани тўлаш пайти; икки мажбурият бўйича тўлаш пайти; янги мажбурият бўйича тўлаш муддатининг тугаш пайти ва ҳ.к.

Мисол. Тўлов муддатлари 17.05, 17.06, 17.08 бўлган учта тўловни бирлаштиришга қарор кабул қилинди. Тўлов хажмлари тегишли равишда 10, 20, 30 млн.сўм. Тўловларни бирлаштириш вақти 31.08. Фоиз ставкаси 10%. Бирлаштирилган тўловлар суммаси аниқлансин.

Бирлаштирилган тўлов суммаси қуйидагича:

$$S_0 = S_1 + S_2 + S_3$$

ёки

$$S_0 = P_1\left(1+\frac{m_1}{n}i\right) + P_2\left(1+\frac{m_2}{n}i\right) + ... + P_n\left(1+\frac{m_n}{n}i\right)$$

$$S_0 = 10\left(1+\frac{103}{360}0{,}1\right) + 20\left(1+\frac{73}{360}0{,}1\right) + 30\left(1+\frac{14}{360}0{,}1\right) = 10{,}286 + 20{,}405 + 30{,}116 = 60{,}807 \textit{ млн.сўм}$$

Мураккаб фоиз ставкалари асосида хам тўловларни бирлаштириш мумкин:

$$S_0 = \sum S_j (1+i)^{t_j} + \sum S_k (1+i)^{-t_k}$$

Тўловларни бирлаштиришда, тўловларни йиғма суммаси S_0 – берилган бўлса, униг муддатини аниқлаш муаммоси пайдо бўлади (n_0). Бу ишни оддий

ставкаларда:

$S_0 = (1+n_0 i)^{-1} = \sum S_j (1+n_j i)^{-1}$ *бу ердан* $n_0 = \frac{1}{i}\left(\frac{S_0}{\sum S_j (1+n_j \cdot i)^{-1}} - 1 \right)$

Мураккаб фоизларда:

$S_0 (1+i)^{-n_0} = \sum S_j (1+i)^{-n_j}$ *бу ердан* $n_0 = \frac{l_n\left(\frac{S_0}{\sum S_j (1+i)} - n_j \right)}{l_n (1+i)}$

Иккала шароитда хам S_0 (янги алмаштирувчи тўлов) алмаштириладиган тўловлар суммасидан кам бўлмаслиги керак.

Контракт шартини ўзгартирганда олдинги (бирлаштириш) методларини қўллаб бўлмайди. Бу ерда контрактни ўзгартиргунча ва ўзгартиргандан сўнг тўловлар эквивалентлиги аниқланади.

Содда фоизларда: $\sum_j S_j (1+n_j \cdot i) = \sum_k S_k (1+n_k \cdot i)$

Мураккаб фоизларда: $\sum S_j V^{n_j} = \sum S_k V^{n_k}$

бу ерда: V – дисконт**;** S_j – ва n_j – алмаштириладиган тўловлар параметирлари; S_k ва n_k – алмаштирувчи тўловлар параметирлари;

Мисол: 1 ноябирь ва 1 январь (келгуси йил)да 20 ва 10 млн. сўм тўланиши керак. Томонлар шартнома ўзгартирди: 1 декабрда 12 млн. сўм тўланади, қолгани 1 март (келгуси йил) да қопланади. Хисоб-китоб оддий ставка (i = 0.2) амалга оширилади. Кунлар 365 база деб 10 млн.сўмни қабул қилсак.

$20\left(1+\frac{61}{365}\,0.2\right)+10 = 12\left(1+\frac{31}{365}\,0.2\right) + S\left(1+\frac{59}{365}\,0.2\right)^{-1}$; S = 9.531 млн.сўм

Солиқлар, инфляция ва ошган қиймат

Банкка 10 млн.сўм жойлаштириб, 3 йилдан сўнг 8 млн.сўм қайтариб олиш мумкин (бу ерда сўмнинг қиймати эмас, миқдори устидан гапириляпти). Чунки солиқлар ва инфлияция мавжуд. Айрим давлатларда (Ўзбекистонда ҳам) фоизлар суммасидан ҳам солиқлар олинади. Демак, ошган қийматни ҳисоблашда солиқларни ҳисобга олиш зарур. Шу муносабат билан ошган қийматни икки усулда (солиқлар хисобга олинган ва олинмаган) хисоблаймиз**.** S – ошган қиймат**;** S_c – солиқлар хисобга олинган ҳолдаги ошган қиймат; фоизлардан олинадиган фоиз ставкаси i_c ва солиқни умумий суммасини C билан белгилаймиз.

Фоиз пулларидан солиқ олиш икки вариантда амалга оширилиши мумкин: 1) солиқ оладиган суммасини барчасидан хисоблаши мумукин; 2) давирлар бўйича алохида хисобланиши мумкин;

Оддий фоизларда бутун қарз муддати бўйича солиқ суммаси қуйидагича аниқланади:

$$C = Pni_c; \qquad S_c = S - (S-P)i_c = P\,[\,1+n\,(1-i_c)\,i\,]$$

Мураккаб фоизларда эса:

$$C = (S-P)i_c = P\,[\,(1+i)^n - 1\,]\,i_c$$

Солиқ тулангандан сўнг ошган қиймат тенг:

$$S_c = S - C = P\,[\,(1+i_c)(1+i)^n + i_c\,]$$

Ушбу вариант бўйича солиқ суммаси хар бир ўтган йил учун аниқланади. Бу миқдор ўзгарувчан – ошган қиймат ошиши билан солиқ суммаси хам ўсади. t = йил учун фоизлар солиғи қуйидагича хисобланади:

$$C_t = (S_t - S_{t-1})i_c = P\,[\,(1+i)^t - (1+i)^{-1}\,]\;i_c = P\,(1+i)^{t-1}\;i\cdot i_c$$

Бутун қарз муддати бўйича олинган солиқлар тенг: $\sum C_t = C$

Мисол. Бошланғич сумма 12 млн.сўм 30% ставка билан 3 йилга қуйилган. Солиқ ставкаси 10%.

Оддий ставкаларда ошган қиймат тенг:

А. Солқ тўланганда $S_c = 12000\,[\,1+3(1-0.1)0.3\,] = 21720$ минг сўм

Б. Солиқ тўланмаганда $S = 12\,(1+0.3\cdot 3) = 22800$ минг сўм

Молиявий ҳисоблар инфляция билан боғлик. Товар нархининг ошиши пулни қадрсизлантиради, яъни унинг харид қобилияти пасаяди. Инфляция натижасида қарз берувчи хам, қарз олувчи хам фойда кўрмайди. Агар сўмнинг харид қобилияти ошса қарз берган шахс, агар сўмнинг харид қобилияти пасайса қарз олган шахс ютқазади. Ёки фоизларни белгилашда, агар сиз белгилаган фоиз инфляция даражасидан юқори бўлса қандайдир бир натижа тўғрисида гапириш мумкин, тескариси ҳам бўлиши мумкин. Кичик бир мисол келтирайлик: талабанинг 10000 пули бор. У пулини 60% йиллик фоиз билан 10 йилга кредитга берди. 10 йилдан кейин ошган қиймат (S) – 17,9 минг сўмга етди. Бу вариантда баҳолар ўзгармас. Иккинчи вариантда баҳолар 3 %га ошса, ошган қиймат 13,3 минг сўмга тенг бўлади. Учинчи вариантда баҳолар 8% ошса, S = 8,3 минг сўмга. Хулоса шуки, инфляция натижасида учинчи вариантда студент ўз берган суммасини ҳам қайтариб ололмади.

Мана шу хато ва ҳавфларга дуч келмаслик учун, дуч келганда хам жуда катта зарар кўрмаслик нуқтаи назаридан инфляциянинг молиявий битим ва операциялар натижаларига таъсирини ўрганиш макқсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фараз қилайлик, S_a – сумманинг ҳарид қилиш қобилияти инфляция мавжуд ва йўқ пайтидаги қийматлари бир-бирига тенг. Бу иккала сумманинг фарқини ΔS – билан белгиласак, бу ердан инфляция даражаси $\Delta S/S$ тенг бўлади. Бу ерда:

$$S_a = S + \Delta S = S + S_a = S\,(1+a)$$

Энди инфляция индексини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$I_u = 1+a \qquad ёки \qquad I_u = (1+a)^n$$

$1+a$ – миқдори**;** S_a – ни S га нисбатан неча баробар катталигини ёки баҳони ўртача неча баробар ўсганлигини характерлайди. Йиллик инфляция даражаси a бўлсин. Бу дегани бир йилдан кейин S^1_a сумма S суммага нисбатан $(1+a)$ баробар кўп бўлади. Буни давом қилдирсак мураккаб фоизларни эслатади. Бу ҳолатни билмаслик ёки ҳисобга олмаслик жуда кўп хатоларга олиб келади. Масалан, кўпчилик баҳо ҳар ойда, 8% ошса, бир йилда 96(12·8) фоиз ошади деб ўйлайди. Бундан фойдаланган банкирлар ва ишбилармонлар бир йиллик даромад фоизи 120% га тенг деб эълон қилиб, халқнинг пулини жалб этади. Ташқаридан қараганда хаммаси тўғри, аниқроғи мижозлар 24% даромад олади. Тўғрисичи? Агар ойлик инфляция даражаси 8% ташкил қилса, баҳолар бир ойда 1,08 марта ортади, бир йилда эса 2,52 $(1{,}08)^{12}$ марта . Бу ердан йиллик инфляция даражаси 152 (252 - 100) фоизга етади. Демак, 120% йиллик ставка билан пулни банкка беришни ўйлаб кўриш керак.

Масол. 4 млн.сўм 120% йиллик даромад билан банкка жойлаштирилди (мураккаб фоизларда). Баҳо ҳар йили 58,1% ошади. Икки йилда баҳо 2,5 $(1+0,581)^2$ баробарга ошади. Ошган қиймат эса:

$$S = 4\ (1+1.2)^2 = 19.36\ млн.сўмга\ тенг.$$

Бироқ, ошган қийматнинг харид қилиш қобиляти 19,36 млн.сўм эмас, 7,744 млн.сўмни ташкил этади.

$$S_{инф} = \frac{19.36}{2.5} = 7,744\ млн.сўм$$

Агар биз хақиқий ошган қийматни 7,744 млн.сўм деб қабул қилсак, қўйилмадан олинган даромадлилик 96,8 фоизни ташкил қилади.

$$i = \left(\frac{S}{P}\right)^{I/n} - 1 = \left(\frac{7.744}{2}\right)^{I/2} - 1 = 0,9677 \quad (96,8\%).$$

Демак, пулнинг эгаси 120% дан эмас, 96,8% даромад олган.

Бу кўрсаткични қуйидагича ҳам ҳисоблаш мумкин. Баҳонинг қўшимча ўсиш суръати (a) асосан инфляциянинг қўшимча ўсишига тўғри келса, у пайтда йиллик баҳо индекси, $1+a$ миқдорини ташкил қилади. Ўртача йиллик инфляция суръати сақланиб қолинган тақдирда, n йил учун баҳо индекси $(1+a)^n$ миқдорига тенг бўлади.

Инфляция натижасида қадрсизланиши ҳисобга олинган n йилда ошган қиймат қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$S_{инф} = P\ (1+i)^n \quad \frac{1}{(1+a)n} = P\left(\frac{1+i}{1+a}\right)^n$$

Олдинги мисол маълумотларини бу формулани қўлланишини келтирамиз:

$$S_{инф} = 4\ \left(\frac{1+1.2}{1+0.581}\right)^2 = 7,744\ млн.сўм$$

$\left(\frac{1+i}{1+a}\right)$ миқдор асосан банк ставкаси ва инфляция суръати ўзгаришига боғлик. Агар бу иккаласи тенг бўлса (хаётда энг кам учрайдиган воқеа), ошган қиймат ($S_{инф}$) ва бошлангич сумманинг (P) харид қобилиятига тенг бўлади. Бу пайтда мижоз деярли хеч нарса йўқотмайди (ютмайди ҳам).

Агар $a > i$ бўлса, ошган қийматнинг харид қобиляти инфляция натижасида йўқотилган суммани қоплай олмайди, агар $a < i$ бўлса – тескариси. Шунинг учун хам молия статистикасида $a > i$ бўлса банк ставкаси салбий ставка, $a < i$ бўлса – ижобий ставка дейилади.

Молиявий амалиётда инфляция таъсирини пасайтириш ёки унинг натижасида кўрилган зарарни қоплашнинг бир қанча методлари ишлаб чиқилган. Шуладан бири – фоиз ставкаларини индексация қилишдир. Бу методнинг мохияти ва мазмуни – фоиз ставкаларини инфлияция суръатларига мувофиқлаштиришдан иборат. Мувофиқлаштириш миқдори, албатта шартномада кўзда тутилган бўлиши керак. Мувофиқлаштирилган фоиз ставкаси, шартли равишда брутто-ставкаси[1] деб аталади.

Бу кўрсаткич i_a – билан белгиланиб қуйидаги формула билан хисобланади:

$$i_a = \frac{(1+in)Iu-1}{n}$$

Мисол. Банк 8 ойга 10 млн.сўмлик кредит берди. Кутиладиган ойлик инфляция даражаси 2%. Даромад ставкаси 12%. Шу маълумотлар асосида

[1] Брутто ставкаси тўғрисида тўлиқ маълумот кейинги параграф ва бобларда берилади.

инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкасини, ошган қиймат суммасини ва фоиз тўлови миқдорини аниқланг:

1. Инфляция индекси:

$$I_u = (1+0{,}02)^8 = 1{,}1717$$

2. Брутто-ставка:

$$i = \frac{(1+0{,}66\cdot 0{,}12)1{,}1717-1}{0{,}66} = \frac{0{,}264}{0{,}66} = 0{,}4 \ \ (40\%)$$

3. Ошган қиймат суммаси:

$$S_a = 10(1 + 0{,}66 \cdot 0{,}4) = 12{,}64 \ млн.сўм$$

4. Фоиз тўлови миқдори:

$$\Delta = 12{,}64\text{-}10{,}0 = 2{,}64 \ млн.сўм$$

Узоқ муддатли кредитлар берилишида, йиллик инфляция даражаси (a) мавжудлиги шароитда шу операцияни самарадорлигини (i) таъминлайдиган мураккаб фоиз ставкаси қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$i_a = i + a + i_a$$

Агарда ҳисобланган инфляция индекси бутун кредит муддатига қўлланилса, инфляцияни ҳисобга олувчи фоиз ставкаси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$i_a = (1+i)\sqrt[n]{I_u} - 1$$

2.3. Молиявий ренталар

Айрим молиявий операцияларда тўловларни бир марта ёки алоҳида тўланиши эмас, уларни вақт бўйича пайдар-пай тўланиб бориши мўлжалланади, масалан, инвестициядан олинадиган даромадлар, пенсия ва ҳ.к. Бундай бирин-кетинлик ёки тўлов қаторини тўловлар оқими дейилади. Амалиётда уларнинг турлари жуда кўп. Улар мунтазам (тўлов миқдори доимий ёки тўловлар орасидаги вақт тенг бўлишини таъминловчи) ва номунтазам оқимларга бўлинади. Оқим аъзолар ижобий (келиб тушадиган) ва салбий (чиқиб кетадиган) бўлиши мумкин.

Ҳамма тўлов аъзолари ижобий миқдорлардан ташкил топган, икки тўлов орасидаги вақт интервали тенг бўлган тўловлар қатори (потоги) молиявий рента ёки аннуитет дейилади.

Рента таркибига кирувчи ҳар бир тўланган тўлов (пул) рента аъзоси, тўловлар орасидаги вақт – рента даври, тўловларнинг умумий вақти – рента муддати деб аталади.

Ренталар тўлов сони ва устама ёзиш бўйича йиллик (1 йилда бир марта тўланади) ва Р – муддатли (Р – йил ичидаги тўловлар сони) ренталарга бўлинади. Буларни, умумий кўринишда, дискрет ренталар дейилади. Молиявий амалиётда шундай тўловларни учратиш мумкинки, улар жуда тез-тез амалга оширилади, шу муносабат уларни узлуксиз ренталар деб номлашган.

Аъзоларининг миқдори бўйича ренталар доимий (рента аъзоларининг размери бир хил) ва ўзгарувчан турларга бўлинади (уларда аъзолар миқдори вақт бўйича ўзгариб боради).

Тўлаш эҳтимоли бўйича ренталар тўғри ва шартли турларга бўлинади. Тўғри ренталар ҳеч қандай шартсиз тўланади, мисол учун кредитни қоплашда. Тўғри

рента аъзолари сони олдиндан аниқ бўлади. Шартли ренталарда тўлов ҳодиса рўй бергандан сўнг тўланади. Бунга, суғурта тўловлари ёрқин мисол бўлиши мумкин. Маълумки, суғурта мкофоти олдиндан тўланмайди ва уларнинг сони ҳам аниқ эмас. Бир йилда неча марта сув тошқини бўлади ва у бўйича қанча зарар кўрилади деган саволга фақат маълум бир эҳтимол билан жавоб бериш мумкин.

Рента аъзоларининг сони бўйича ренталар чегараланган ва чегараланмаган ёки узлуксиз турларга бўлинади. Рентанинг охирги турига муддатсиз облигациялар мисол бўла олади.

Рента муддатининг бошланиши ёки умуман рента ишнинг бошланишга қараб ренталар тезкор ва кечиктирилган ёки муддати ўтган турларга бўлинади. Масалан, кредитни қоплаш имтиёзли муддати тугагандан сўнгги тўловлар (улар янги фоизлар билан тўланади) муддати ўтган ренталар дейилади.

Тўловлар рента даврининг охирида амалга оширилса, тегишли ренталар одатий ёки постнумерандо, бошида – пренумерандо деб номланади.

Рентанинг ошган суммаси ва ҳозирги (келтирилган)[1] миқдори молиявий ренталарнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари ҳисобланади.

Рентанинг ошган суммаси деганда биз рента аъзоларини (фоизлар қўшилган ҳолда) рента муддати охирига бўлган йиғиндисини тушунамиз. Бу кўрсаткич йиллик доимий ренталар учун қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = R\frac{(1+i)^n - 1}{(1+i) - 1} = R\frac{(1+i)^n - 1}{i}$$

бу ерда: R-бадал (взнос) миқдори.

Мисол. Рента муддати 10 йил. Ҳар йил охирида бир марта 400 минг сўм тўланади. Фоиз ставкаси 5%. Ошган суммани аниқланг.

$$Q = 400\frac{(1{,}05)^{10} - 1)}{0{,}05} = 5031{,}16 \text{ минг сўм}$$

Агарда ренталар бир неча марта (P-марта) тўланса, улар бўйича фоиз устамалари m марта ёзилса, рентани ошган суммаси қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Q = R\left[\frac{(1+ \text{j/m})^{\text{mn}} - 1}{p(1+ j/m)^{m/p} - 1}\right]$$

Рента аъзоларининг давр бошига дисконтланган суммаларини йиғиндисига ренталарнинг ҳозирги (келтирилган) миқдори деб аталади ва бу кўрсаткич қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$A = R\frac{1-(1+i)^{-n}}{i}$$

Мисол. Рента ҳар йил 500 минг сўмдан тўланади, йиллик фоиз ставкаси 6%. Устама йил охирида ёзилади. Рента 10 йил тўланса, уни ҳозирги қийматини аниқланг.

$$A = 500\left(\frac{1-(1+0{,}06)^{-10}}{0{,}06}\right) = 3680{,}04 \text{ } \textit{минг сўм}$$

Юқорида биз фақат доимий ренталар бўйича ошган қиймат ва келтирилган

[1] Эски китобларда тўловнинг ҳақиқий қиймати деб юритилган.

миқдорни ҳисоблашни кўриб чиқдик. Молиявий ренталарнинг ошган ва келтирилган қийматлари Р муддатли ($m = 1; p = m; p \neq m$), фоизларни узлуксиз ёзиб бориш ҳолатлари, ўзгарувчан ва узлуксиз ренталар бўйича ҳам ҳисобланади. Бу саволлар молиявий математика фанида ёритилади.

Айрим пайтларда ренталарни тўлаш тўғрисидаги молиявий битимларни шартини ўзгартиришга тўғри келади. Битимлар шарти ўзгарган ҳолат ренталар конверсияси деб аталади. Масалан, рентанинг тўлаш даври узунлигини ўзгартириш керак, яъни n муддатли йиллик рентани n_2 муддатлига алмаштириш зарур. Бу пайтда R_2 аниқлаш керак:

$$R_1 \cdot a_{n;i} = R_2 \cdot a_{n;i}$$

бу ердан

$$a_{n;i} = \frac{1-(1+i)^{-n}}{i}$$

Мисол. Йиллик рента беш йиллик муддат билан 2000 минг сўмни ташкил қилади (i=0,06). Буни 8 йиллик рентага алмаштириш талаб этилади. Бошқа шартлар ўзгармас. Бу ердан

$$R_2 = R_1 \frac{a_{n_{1,i}}}{a_{n_{2,i}}} = 2000 \frac{(1-1{,}06)^{-5}}{(1-1{,}06)^{-8}} = 1356{,}68 \text{ минг сўм}$$

2.4. Узоқ муддатли кредитларни қоплаш методлари

Олинган кредит турли-туман йўллар билан қоплананиши мумкин. Масалан, бир йўлакай, тенг вақтларда тенг тўловлар билан, ҳар хил тўлов билан ва ҳ.к.

Маълумки, кредит ҳажми ва вақти қанча катта бўлса, уни қоплаш риски ҳар иккала томон учун ҳам юқори бўлади. Масалан, 10000 сўмлик 5 йилга олинган кредитни қоплаш билан 100 млн. сўмлик олинган кредитни қоплаш рискини таққослаб бўлмайди. Чунки 10000 сўмлик кредитни бир пайтнинг ўзида қоплаш жисмоний ва юридик шахс учун катта қийинчалик туғдирмайди, 100 млн.сўм кредитни ва унга ёзиладиган устама фоизлари билан бир пайтни ўзида қоплаш ҳар қандай юридик шахс учун ҳам осон эмас, чунки қоплаш пайти етиб келганда ҳар қандай ҳодиса рўй бериш мумкин (иқтисодий инқирозлар; валюта курсларини ўзгариши, сиёсий ўзгаришлар ва ҳ.к.).

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, молиявий ҳисоблашларда, олинган кредитни қоплаш фондини тузиш орқали ёпиш усули кенг тарқалган.

Қоплаш фонди, унга ўтказилган тўловлар ва уларга ёзиладиган фоиз устамаларидан ташкил топади. Ундан ташқари қарздор кредиторга қарз бўйича фоизлар тўлайди. Бу тўловларни йиғиндиси муддатли тўловлар деб аталади. Бу ерда бир нарсага тўхталмоқчимиз. Қоплаш фонди маълум бир банкда очилади. Тушган тўловлардан фойдалангани учун банк фоиз тўлайди. Агарда қарздор банкдан ўзи тўлайдиган фоиздан юқорироқ фоиз олса, қоплаш фондини тузиш қарздор учун жуда манфаатлидир.

Узоқ муддатли кредитларни қоплаш бир қанча усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Шулардан бири – қоплаш режасини тузишдир. Қоплаш режасини тузишдан олдин, муддатли тўловлар суммаси аниқланади. Улар тенг

бадалларда ва тенг бўлмаган тўловлардан ташкил топиши мумкин. Шартномада қарзни қоплаш тенг бўлмаган муддатли тўловларда кўзда тутилган бўлса, муддатли тўловлар суммаси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$V = \left[D - R(K-1)\right] \cdot i + R$$

Агарда, қарзни тенг муддатли тўловларида қоплаш кўзда тутилса, муддатли тўловлар суммасини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$V = D \cdot \frac{i(1+i)^n}{(1+i)^n - 1}$$

бу ерда: D – умумий қарз миқдори; R – йиллик бадаллар; К – ҳисобланадиган йилнинг тартиб номери.

Мисол. Банк 250 млн.сўм кредит берди. Фоиз ставкаси 20%, кредит муддати 5 йил. Контракт шарти бўйича асосий қарз суммаси тенг бадаллар билан қопланади, фоизлар устамаси йил охирида ёзилади. Қоплаш режаси тузилсин.

Асосий қарз тенг бадаллар билан қопланиши кўзда тутилган бўлса, йиллик бадал хажмини аниқлаш учун умумий қарз суммаси йиллар сонига бўлинади, яъни

$$R = \frac{D}{n} = \frac{250}{5} = 50 млн.сўм$$

Энди муддатли тўловлар суммаси аниқланади:

$V_{1\text{-йил}} = 250 – 50\ (1 – 1) \cdot 0{,}2 + 50 = 100$ *млн.сўм*
$V_{2\text{-йил}} = 250 – 50\ (2 – 1) \cdot 0{,}2 + 50 = 90$ *млн.сўм*
$V_{3\text{-йил}} = 250 – 50\ (3 – 1) \cdot 0{,}2 + 50 = 80$ *млн.сўм*
$V_{4\text{-йил}} = 250 – 50\ (4 – 1) \cdot 0{,}2 + 50 = 70$ *млн.сўм*
$V_{5\text{-йил}} = 250 – 50\ (5 – 1) \cdot 0{,}2 + 50 = 60$ *млн.сўм*

Бу ҳисобланган маълумотлар асосида қоплаш режасини тузамиз. Қоплаш режаси қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топади.

Кредитни қоплаш режаси, млн.сўм

Йиллар	Йил бошидаги қолдиқ (D)	Йиллик бадал суммаси (R)	Фоизлар бўйича тўловлар (i)	Муддатли тўловлар суммаси (V)
1	2	3	4	5(3+4)
1	250	50	50	100
2	200	50	40	90
3	150	50	30	80
4	100	50	20	70
5	50	50	10	60

Мисол. Банк 5 йилга 6% билан 40 млн.сўмлик кредит берди. Контракт бўйича кредитнинг қопланиши тенг муддатли тўловларда (асосий қарз ва фоизларни ўзига бирлаштирувчи) амалга оширилиши кўзда тутилган. Фоизлар устамаси йил охирида ёзилади.

Қоплаш планини тузинг.

Мавжуд параметрларни ёзиб олсак: D = 40 млн.сўм; n = 5 йил; i = 0,06; m = 1.

Муддатли тўловлар суммаси (биринчи йил учун) тенг:

$$V = 40\frac{0{,}06(1+0{,}06)^5}{(1+0{,}06)^5-1} = \frac{0{,}06\times 1{,}06^5}{1{,}06^5-1} = 9{,}4960 \text{ } млн.сўм$$

Фоиз суммаси: $i = 40 \cdot 0{,}06 = 2{,}4$ *млн.сўм.*

Бадал размери $R = V - i = 9{,}4960 - 2{,}4 = 7{,}096$ *млн.сўм*.

Муддатли тўловлар суммаси кейинги йиллар учун ҳисобланмайди, чунки у маълум (V=9,4960). Қолган хадлар (*i ва R*) кейинги йиллар учун аниқланади. Масалан, i_2=32,904(40 – 7,096)·0,06=1,9742; R_2=9,4960 – 1,9742=7,5218 млн.сўм ва ҳ.к.

Кредитни қоплаш режаси, млн.сўм.

Йиллар	Йил бошидаги қолдиқ	Фоизлар ўловлари суммаси	Қопланган қарз суммаси	Муддатли тўловлар
1	2	3	4=5–3	5
1	40.0000	2.4000	7.0960	9.4960
2	32.9040	1.9742	7.5218	9.4960
3	25.2822	1.5229	7.9731	9.4960
4	17.4091	1.0445	8.4515	9.4960
5	8.9576	0.5375	8.9585	9.4960

Айрим ҳолларда имтиёзли кредит ва қарзлар берилади. Тушунарли, бу усулда кредитор анча нарсани йўқотади. Мана шу шартли йўқотиш молия бозорида грант-элемент деб аталади. Грант-элемент мутлоқ ва нисбий миқдор шаклида ҳисобланади.

Грант-элементни мутлоқ миқдори қарзнинг номинал қиймати ва бозор ставкасида ҳисобланган қарзни қоплаш бўйича тўловларнинг ҳозирги қийматини фарқи билан аниқланади:

$$W_M = D - K,$$

бу ерда *W* – грант-элементнинг мутлоқ миқдори; *D* – асосий қарз суммаси; *K* – кредит бозорини реал ставкаси билан ҳисобланган қарз қоплаш бўйича тушадиган тўловларнинг ҳозирги қиймати.

Нисбий грант-элемент тенг:

$$H = \frac{W}{D} = 1 - \frac{K}{D}$$

Қарз *n* йилга берилган ва фоизларни имтиёзли ставка (*q*)да тўлаш кўзда тутилган. Пул бозорида муддати ва миқдори бўйича шунга ўхшаш қарзлар *i* – ставка билан берилади. Бу шароитда муддатли тўлов тенг:

$$Y = D / a_{n;q}$$

келтирилган қиймат эса тенг $Ya_{n;i}$. Натижада

$$\text{W} = \text{D} - Ya_{n;i} = \text{D}\left(1 - \frac{a_{n;i}}{a_{n;q}}\right)$$

$$H = 1 - \frac{a_{n;i}}{a_{n;q}}$$

Бу ерда $a_{n;i}$, $a_{n;q}$ – i ва q фоиз ставкалари учун ҳисобланган ($i>q$) доимий йиллик ренталарни келтирилган қиймати (постнумерандо).

Мисол. 3,8 фоиз билан 10 йилга 10 млн.сўмлик имтиёзли қарз берилган. Қарзни тенг муддатли тўловлар билан қоплаш кўзда тутилган. Маълумки, бундай муддатли қарз учун одатда бозор ставкаси 8%.

$$H = 1 - \frac{a_{10;8}}{a_{10;3,8}} = 1 - 6,71008 \cdot \frac{0,038}{1 - 1,038^{-10}} = 0,1809$$

$$W = 10,0 \times 0,1809 = 1,809 млн.сўм$$

Имтиёзли даврнинг мавжудлиги грант-элементни кўпайтиради. Агарда имтиёзли даврда қарздор фоиз тўласа, қарз бўйича келтирилган қиймат икки элементни йиғиндиси шаклида ҳисобланади – имтиёзли даврдаги фоиз тўловларини келтирилган қиймати ва қолган вақтдаги муддатли тўлов. Шундай қилиб:

$$H = D_q \times a_{L;i} + Y \times a_{n-L;i} \times r^L$$

Бу ерда: n-L – қарз қоплаш даврининг узунлиги; L – имтиёзли даврнинг узунлиги.

$$H = \frac{W}{D} = 1 - \frac{K}{D} \qquad асосида \qquad 1 - \left(\frac{a_{n-L;\text{i}}}{a_{n-L;q}} r^L \cdot a_{L;i} \right)$$

Муддатли тўловлар имтиёзли қарзларни бошқа вариантларида ҳам ҳисобланилади. Масалан, устама ёзилади, лекин тўланмайди; фоизсиз қарз беришда ва ҳ.к.

Қарздорнинг молиявий ҳолати жуда ёмонлашса қарз суммаси реструктуризация қилинади. Реструктуризация деганда, қарзни қоплаш бўйича амалдаги мажбуриятлари қайта кўриб чиқишга тушунилади. Қарздор учун барчасидан кўра маблағнинг бир қисмини йўқотган яхши.

Реструктуризация қилишда турли усуллар ишлатилиши мумкин, улардан асосийлари қуйидагилар: а) қарз суммасини тўғридан-тўғри камайтириш; б) фоиз ставкаси размерини пасайтириш; в) фоизларни тўлаш муддати ва тартибини ҳамда асосий қарзни қоплаш суммасини қайта кўриш.

Узоқ муддатли қарзлар ипотека ссудаси шаклида ҳам берилиши мумкин. Ипотека бир қанча турларга бўлинади. Улар қарзни қоплаш методи билан бир-биридан фарқ қилади. Бироқ молия бозорида, ипотекани асосан намунавий варианти қўлланилади – қарздор кўчмас мулкни кафолатга қўйиб, кредитордан қандайдир суммани қарзга олади ва уни фоизлар ва бадаллар билан қоплаб боради.

Молия бозорида ипотекани турли модификациялари қўлланилиши мумкин. Масалан, тўловларнинг ошиб бориши шароитидаги ссудалар; имтиёзли даврли ссуда; фоиз ставкалари даврларда ўзгариб турувчи ссудалар; ўзгарувчан фоиз ставкалари билан ипотека. Буларни таҳлил қилишдан асосий мақсад, улар бўйича қарзни қоплаш режасини тузишдир. Бу муаммога биз юқорида батафсил тўхталдик.

2.5. Актуар ҳисоблаш методлари

Манфаат ва талофат миқдори ҳамда ҳиссаси ҳар хил бўлган шароитда битимда қатнашувчи томонларнинг манфаати ва талофатини ҳисоблашга актуар ҳисоблар деб айтилади. Бунинг ўзи актуар ҳисобларни бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ формулалар билан амалга оширишни талаб қилади ва уни бошқа ҳисоблардан ажратиб туради.

Актуарийлар деганда кўпчилик суғурта билан шуғулланишни тушунишади. Ушбу фикрни ишлатилишига маълум бир даражада асос бор. Масалан, қадимги Римда Сенат қарорларини ёзиб борувчи ва хужжатларни сақловчи, даромадларни рўйхатга олувчи расмий тайинланган регистратор–архиварусни актуарий деб аташган, эски Англияда эса бизнес соҳасида илк бор 1762 йилда инсон ҳаётини ва тирик (яшаш) қолишини адолатли суғурталаш жамияти тузилган ва ушбу жамиятга бош мансабли шахс сайланган. У шахс (аджастер)нинг вазифаси ҳамма нарсани ёзиб бориш бўлган. Хозирги кундаги котиб вазифасини бажарган. 1775 йилда ушбу мансабга Вильям Морган (асли касби математик) тайинланади. В.Морган котиблик (у ушбу мансабда қарийб 50 йил ишлаган ва дунёда биринчи актуарий деб тан олинган) вазифасини бажариш билан бир қаторда суғурта бадалларига мос ва маъқул ставкаларни аниқлаш ва жамиятнинг молиявий операцияларини ишончлилигини таъминлаш ҳисоб-китоблари билан шуғулланади. 1819 йилда илк бор актуарий сўзи Англияда суғурта бўйича қабул қилинган расмий хужжатларда ҳам ишлатилган.

Франция амалиётида актуарийлар деганда статистика ва эҳтимоллар назариясининг методларини суғуртада ва молиявий операцияларда қўлловчи, кенгроқ маънода ставкаларни қабул қилувчи шахс – мутахассис тушунилади.

Россияда актуарийларга берилган таърифлар турли-туман ва айрим холларда бири иккинчисини инкор этади. Масалан, “Актуарийлар (инглизча actuary – тез ёзувчи, ҳисобчи) деганда статистика, эҳтимоллар назарияси ва узоқ муддатли молиявий ҳисоблашларда қўлланиладиган математик методлар асосида илмий асосланган суғурта тарифларини ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш ва тарифларни аниқлаш билан шуғулланувчи мутахассис тушунилади”[1] деб ёзади Н.П.Сахирова. Ушбу таъриф, бизнинг фикримизча, актуарийларни жуда тор маънода тушуниш ва суғурта билан шуғулланиш деган эски тушунча асосида берилган.

Актуарийлар деганда академик В.Симчеранинг фикрича, молия компанияларининг мажбуриятлари ва келгусидаги активларни баҳоловчи эксперт, молиявий рискларни ҳисобловчи ва молиявий математика соҳаси бўйича мутахассис тушунилади. Актуарийларни молиявий математика соҳасидаги мутахассис деб аташ унчалик тўғри бўлмаса керак?

Айримлар актуарий деганда фақат молиявий рискларни баҳолаш бўйича мутахассис шахсни тушунади. Бу фикр бир томонлама ва жуда тор маънога эга. Исбот сифатида қуйидаги фикрни келтирсак бўлади. Ҳар қандай актуарий фаолиятининг мақсади – бўлажак ходисаларни қандай натижалар билан тугаши ноаниқлиги билан боғлиқ бўлган ҳамма ерда ва жойда пайдо бўладиган молиявий

[1] Н.П.Сахирова. Страхование. М.: “Проспект”, 2006, 382 б.

рисклардан кўриладиган зарарни минималлаштиришдир.

Содир бўлган ҳодисаларни таҳлил қилиш ва келажак истиқболининг эҳтимолини баҳолаш бўйича зарурий билим ва малака соҳиби бўлган, жорий молиявий коньюктурада башорат қиладиган, соғлом фикр ва сезгирликка (айрим ҳолларда айёрликка) суянган актуарийлар кам харажат билан ижобий финалга эга бўлиш имкониятини таъминловчи қарорларни қабул қилишни таъминлайдилар. Актурийларда ўрганилаётган ҳодисани сезгирлик билан баҳолаш, жиддийлк ва исботлаш доимо уйғунлаштирилади.

Актуарийлар иши кимга керак? Актуарийлар иши бошқариш ва риск билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тармоқ учун қимматлидир. Замонавий бизнесда томонлар ролини тенглаштириш, яъни манфаат билан жавобгарликни мослашуви актуарийлар ишига бошқача қиммат бағишлайди. Чунки, уларни ахлоқ кодекси юқори даражадаги тартибли ҳалолликни, инсофлиликни, ўз ишига содиқликни ва нафақат профессионал, хатто ахлоқ-одоб нормаларидан қисман бўлсада чекинишга йўл қўймайди.

Актуарийлик, тўғриси, бошқа касбларга нисбатан жамиятда кам тарқалган ҳунар. Шунга қарамасдан у ўзнинг қимматига ва обрўсига эга. Маълумки, замонавий бизнес, айниқса молиявий бизнес тез ўзгарувчан ва қарама-қарши иқтсиодий фаолиятнинг объектларидан биридир. Кундалик ҳаётдаги тез ўзгарувчанлик ва қарама-қаршилик ўз навбатида ноаниқлик, беқарорлик ва ишончсизликни келтириб чиқаради. Доимий кенгайиб борувчи ноаниқлик ва беқарорлик вазиятида актуар ҳисоб-китобларни фаол қўллаш зарурлигини тушуниб етишни ўзи актуар хизматларга бўлган талабни ошишига олиб келди ва келгусида, бизнинг фикримизча, ушбу талаб ва эҳтиёж янада ортади.

Актуарийлар ихтисослик ва бандлилик соҳасига, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш турига аттестация қилиш, сертификатлаш, лицензиялаш ва аккредитациялаш, тартиб шакли ва усулларига қараб ҳам фарқланади.

Англияда ҳукумат, корпоратив ва мустақил (озод) актуарийлар мавжуд. Уларнинг хуқуқлари, жавобгарлиги, фаолият соҳаси ва баҳолаш усуллари бир-биридан бутунлай фарқ қилади. СНГ давлатларида бугунги кунгача ҳам давлат ва нодавлат актуарийлари тушунчалари ишлатилмайди.

Актуарийлик касбининг келиб чиқиши суғурта билан боғлиқ бўлса ҳам, актуарийчилар йилдан йилга ўз фаолиятлари билан бошқа соҳаларга ҳам кириб боришга харакат қиладилар. Масалан, актуарийларни пенсия даромадлари бўйича қарор қабул қилувчилар билан ҳамкорлиги, ўз фаолиятларини кенгайтиришда илк қадам бўлди. Таъкидлаш лозимки, ушбу ҳамкорлик ҳозирги кунда ҳам жуда муҳим ва давом этмоқда.

Маълумки, пенсия фаолияти билан бир қаторда актуарийлар хизмати махсус ташкил этилган инвестицион фондларга, саноатнинг турли тармоқларига, молиявий компанияларни турли хизматларига, хатто хукумат ташкилотларига кириб келди. Актуар фаолият кенгайиши билан бир қаторда актуар хизматни мазмуни ҳам чуқурлашиб, ҳам такомиллашиб борди. Масалан, Англияда актуарийларни профессионал хизматлари туфайли социал ҳодисалар ва пенсияни суғурталашни мажбурий шаклига ўтилади. Ҳозирги кунда актуарийлар инвестицон ва тижорат фаолиятларида фақат баҳоловчи эмас, партнер сифатида ҳам

қатнашадилар ёки улар номидан ва топшириғига биноан актуар ҳисоблашларни компаниянинг тартибланган, кафолатланган ва самарали фаолиятини бир қисми деб қаралишини таъминлайдилар. Улуғ Британия хукумати қошида, мисол учун, актуарийлар департаменти тузилган. Ушбу департамент, ички даромадлар бўйича Қўмитага, бош регистрация палатасига ва бошқа палаталарга (Англия ва бошқа давлатлар учун ҳам) актуария хизматини кўрсатади.

Ишбилармон доираларда актуарий касби эгалари катта хурматга эга ва унинг вакиллари тартиблиги, аниқ ва соф виждонли бўлганлари учун юқори баҳоланишади. Актуарийларнинг юридик ва жисмоний шахсларни қонуний манфаатлари ва даромадларига кўз олайтирган инсофсиз компаниялардан ҳимоя қила олишларини тан олиниши билан, улар касбларининг обрўйи йиллар давомида ошиб келди. Актуарийлар касби ва хизматини тан олинишнинг тожи бўлиб, улар ойлик иш хақи миқдорининг, деярли барча давлатларда, ўртача иш хақидан юқорилиги ҳисобланади.

Олдинги пайтларда актуарийлар фақат суғурта фаолияти билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда уларга қўйиладиган талаблар жуда кенг тармоқли ва қуйидагилардан иборат:

- ✓ Актуарийлар рискларни статистик маълумотларини ўрганиш асосида асосий қонуниятларни аниқлашади ва ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг прогнозини (башоратини) тузишади;
- ✓ Илмий асосланган тариф ва нормалар ишлаб чиқиш, бизнес турлари бўйича даромадларни режалаштириш ва эксперт сифатида операция ёки битимни самарадорлигини баҳолашади;
- ✓ Актуарийлар фирма ёки компанияларнинг инвестицион фаолиятини ишлаб чиқишда, корхонани молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини аниқлашда қатнашади. Шу муносабат билан улар корхонани бошқарувчилар таркибига киритилади;
- ✓ Актуарийлар мустақил-мухтор сифатида “актуар баҳолаш” учун таклиф этилади. Масалан, улар молиявий холат мустақил эксперти сифатида суд жараёнларида иштирок этишади;
- ✓ Актуарийларни аудитор ёки иқтисодий таҳлилчи билан адаштирмаслик керак. Аудиторнинг асосий функцияси – бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрилиги ва молиявий ҳисоботни ишончлилигини текшириш бўлса, иқтисодий таҳлилчиники – корхона иқтисодий вазияти ва ҳолатини баҳолашдир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда актуарий ким деган саволга, бизнинг фикримизча, қуйидагича жавоб берса бўлади: Актуарий деганда, молия ва бизнес соҳасидаги тасодифий ҳодисалар билан боғлиқ риск ва эҳтимолларни баҳолай оладиган касб эгаси тушунилади.

Актуар ҳисоб-китобларни тарихи анча узун. Илмий тамойиллар асосида ставкани ҳисоблаш биринчи бўлиб Британия компаниясида (компания 1762 йилда тузилган) амалга оширилган ва бир йилдан кам вақт ичида компанияда 3255 ф.ст. даромад кўрган. Бу сумма ўша пайт учун жуда катта маблағ ҳисобланган. Суғурта соҳасидаги бошланғич омадли қадам бундай компаниялар сонини кўпайишига бош туртки бўлди. XVIII асрнинг ўзида ушбу соҳа таниқли олимларнинг жуда кўп

норасмий учрашувлари қайд қилинган. Актуар ишларнинг кенгайиб бориши ва актуар шуғулланишларни мустақил касб тури сифатида аста-секин ташкил топиши юқоридаги учрашувлар натижаси деб ҳам қараш мумкин.

Тарихий манбалар таҳлилининг кўрсатишича, математика, эҳтимоллар назарияси, статистика методларини биргаликда қўллаш илмий билишда янги тармоқни – актуар ҳисоблашлар назариясининг пайдо бўлишига олиб келди.

Актуар ҳисоблашлар назариясига асос солган олимлар (XVIII аср) инглиз Д.Граунт ва нидерланд Я де Витт ҳисобланади. Улар тариф ҳисоблари учун инсонларнинг ўлими ҳақидаги статистик маълумотларни текшириш методларини ишлаб чиқишган ва суғурта тўловларининг даражасини суғурталанувчи шахслар ёшига ва пулнинг ўсиш нормасига иқтисодий-математик боғлиқлигини аниқлашган.

Актуар ҳисоб-китоблар назарияси инглиз олими Э.Галлей асарларида янада ривожлантирилди. Яшашнинг ўртача узунлиги, яшаш ва ўлишнинг эҳтимоли, молиявий рента кўрсаткичларини ва уларни ҳисоблаш схемаларини биринчи бўлиб таклиф этган олим Э.Галлейдир. У таклиф қилган услубият (методика) ҳозирги кунда ҳам узоқ муддатли суғурта қилиш турлари бўйича тариф ставкаларини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилади.

XVIII асрда, ўша даврнинг йирик математик олимлари бўлган – Э.Эйлер, Э.Дювильяр, Н.Фусс, С.Лакруа, В.Керсебум, А.Депарсьелар актуар ҳисоблашлар назариясини ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Актуар ҳисоб-китобларни таркиб топиши ва ривожланишида СНГ давлатлари олимларидан Б.Малешевский, Н.Лунский, В.Симчера, Г.Фалин, Е.Четыркин ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Турли соҳалардаги социал-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар (сув транспортидан тортиб то инвестициягача) актуар ҳисоб-китобларни ўрганиш объектидир, улар бўйича амалга оширилган ва ошириладиган ҳисоблашлар ва битимлар – предмети ёки умумий кўринишда натижанинг ноаниқлиги, риски ва эҳтимоллиги шароитида (бизнесда бошқа шароитнинг ўзи йўқ) жами молиявий битим ва операциялар актуар фаолиятнинг объекти бўлади.

Самарали актуар ҳисоблашлар деганда ҳар қандай хосилавий-молиявий кўрсаткичнинг ҳисоб-китобига айтилади. Ҳисоб-китоблар икки ва ундан ортиқ номли бошланғич кўрсаткичларни таққослаш асосида амалга оширилади ва коэффициент, норма, фоиз, хисса, индекс, ставка, тариф ва бошқа шаклларда ифодаланади. Улар бир кўсаткични иккинчисига нисбатан ўзиб борувчи дифференциал (самара)ни характерлайдилар.

Ноаниқлик ва рискни кириб келиши ҳолларида қўшимча манфаат кўриш ва зарарни қоплашни кўзда тутувчи самарали молиявий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг қўшма схемалари қўлланилган ҳолатларида олий молиявий ҳисоб-китобларни муҳим тури бўлган актуар ҳисоблашлар ҳақида гапирилади. Актуар ҳисоблашлар фаолиятнинг (лицензияга эга бўлган) махсус тури бўлиб, молия, кредит, инвестицион, пайли, акционер, суғурта компанияларининг (асосан қарз маблағлари билан ишловчи компаниялар) мавжуд активларини келгусидаги пассивларига мослигини бозорий баҳолашдир. Бундан мақсад – қарздорни огоҳлантириш, аниқроғи, уларда пассивларни активлардан ошиб кетмаслигига йўл

қўймаслик ва инвестор-кредиторлар ҳақиқий ҳимоясини таъминлашдан иборатдир.

Қарз маблағлар билан ишловчи ташкилотлар (уларнинг сони Ўзбекистонда мингдан ортиқ)нинг кредиторлик қарзлари уларни шахсий активларидан юқори бўлмаслиги (бу ҳолат юз берса миллионлаб айбсиз инсонлар зарар кўради) учун улар мажбурий суғурталаш объекти деб қаралади ва актуар баҳоланиши зарур.

Корхона активлари ва пассивлари балансини тузиш, мажбуриятларнинг (уларни бозор қиммати доимо ўзгариб боради) рискларини ҳисобга олган ҳолда қоплашни ёки таҳмин қилишнинг расмий муолажаси (процедура) актуар иши деб номланади, уни ўтказиш (актуар балансларни, ҳисоботларни тузиш ва улар бўйича хулоса қилишни ўз ичига олувчи) процедураси – актуар баҳолаш дейилади, бу ишни ташкил қилувчи ва ўтказувчи орган – актуар ташкилот деб юритилади.

Бундан актуар ҳисоблашларни ташкил этиш ва бажариш техникасини биргаликда ўрганилиши билан нафақат актуарийлар, балки молия бозоридаги ҳар қандай мутахассис таниш бўлиши долзарблиги келиб чиқади. Демак, актуар ҳисоб-китобларни амалга оширмаслик ёки хоҳламаслик, бозор иқтисодиёти шароитида банкротликка учрашга тўғри йўл, уларни билиш ва амалга ошириш эса молиявий операция ва битимлар самарадорлигини оширишда нафақат жуда катта фойдаланилмаган захира, бугунги кунда, мумкин энг муҳими – ҳар қандай замонавий қарз маблағлари билан ишловчи ва кредит ташкилотининг ҳимояланганлигини, очиқлигини, легаллигини, молиявий барқарорлигини ва бардамлигини, энг асосийси, компаниянинг истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатувчи ойна ҳисобланади.

Чизма-2.1. Актуар ҳисоблашлар таснифи

Молиявий муносабатларда қатнашувчилар ўртасидаги аниқ вазифаларни регламентлашдан, бизнес тармоқлари ва турларида ставкаларни ўрганишдан келиб чиққан ҳолда актуар ҳисоблашлар қуйидаги йўналиш ва блокларга бўлинади. Актуар ҳисоб-китобларни таснифлаш (классификация) меъёри сифатида

қуйидагилар қўлланилиши мумкин: бизнес объектларининг турлилиги; ҳисоб-китобларни ўтказишни вақтли белгилари; статистик маълумотларни қамраб олиш; пулнинг вақт бўйича қимматининг ўзгариши. Ушбу меъёрлар асосида актуар ҳисоблашлар қуйидагича таснифланади (чизма-1).

Актуар ҳисоб-китоблар қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

1. Ўрганилаётган ҳодисаларни турли белгилари бўйича типларга ажратиш;
2. Молиявий операция ва битимлар бўйича рискларни аниқлаш, таснифлаш ва ўрганиш;
3. Нохуш ходисаларни содир бўлишини математик кутилишини ҳисоблаш, айрим риск гуруҳларини ва умуман рискларнинг содир бўлиши оқибатида кўрилган ёки кўриладиган зарар даражаси ва частотасини аниқлаш;
4. Заҳира фондларини ташкил қилишни ва уларни йўналтириш шаклларини математик исботлаш;
5. Ҳақиқий қўйилган (сарфланган) капитал ва олинган даромад ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;
6. Операция ва битимни амалга оширишни ташкил этиш харажатларини ва кўрсатиладиган ҳизмат таннархини аниқлаш.

Янада кенгроқ маънода, актуар ҳисоблар деганда жиддий маънода бевосита максимал даромад ва "даромаддан даромад" олишга мўлжалланган хужжатлаштирилган молиявий операциялар, яъни маконда ва замонда аниқ белгиланган контрактлар, векселлар, трастлар, форфейтинг ёки бошқа ҳар қандай молиявий шароитлар тушунилади. Шу нарсани эсда тутиш керакки актуар ҳисобларни ҳар бир қатнашчиси одатда бири иккинчисидан ажралиб турувчи, амалга оширадиган операцияни индивидуал мазмунига жавоб берувчи ўзининг шахсий схемасига мурожаат қилади.

Ҳар қандай актуар ҳисобларни умумий мақсади - мазмунан ва размери бўйича бир-биридан фарқ қилувчи бошланғич молиявий қўйилмалардан олинадиган манфаатлар ҳажмини ҳар бир битим қатнашчиси учун алоҳида-алоҳида аниқлаш. Масалан, битимда икки банк қатнашса, олинадиган манфаат сотувчи ва сотиб олувчи банк учун, амалга ошириладиган битимни ҳар бир агенти, хатто алоҳида олинган иш бажарувчи учун ҳисобланади. Мана шу билан актуар ҳисоблар бошқа молиявий ҳисоблардан фарқ қилади ва ажралиб туради. Бу тамойил уларни фундаментал асосини ва типологиясини ташкил қилади.

Мутаносиблик ҳар қандай актуар ҳисобларни таянчи бўлиб ҳисобланади. Мутаносибликни ноаниқ миқдори молиявий битимдаги қатнашчилар хиссасини ёки пай даражасини ўзида ифодлайди. Ҳисса устама сумма ёки қисман мукофот ("Роялити") қисман миқдори ифодасида ёки битимдан олинадиган фоиз турида бўлиши мумкин.

Бутун замонавий актуар ҳисобларни асосида қуйидаги оддий мутаносиблик ётади,

$$P: p=100:i$$

бу ерда: P – бошланғич сумма; p – устама сумма; $P:p$ – қайтама сумма S; i – номаълум фоиз миқдори.

Актуар ҳисобларда номаълум миқдор (умумий ҳолда у қўшимча ўсиш суръати - Δm) битимда ҳар бир қатнашчини ҳиссасини ифодалаб, қуйидаги формула билан аниқланилади.

$$i = \Delta m = \frac{P}{S}$$

Битимда қанча қатнашчи бўлса, ҳиссалар сони улар сонига тенг бўлади (икки томонлама контрактда - иккига, воситачи контрактларда - учга, факторинг ёки форфейтинг контрактларда - тўрт ва ундан ортиқ қатнашчиларга тенг).

Агарда сўз умумий ўсиш суръатини (m) аниқлаш устида борса, юқорида келтирилган формуладан биз қуйидаги мутаносибликга эга бўламиз:

$$P: (P:p) = 100: T \text{ ёки } P:S = 100:T$$

бу ердан

$$T = \frac{P + p \times 100}{P} = \frac{S \times 100}{P}$$

Агарда ҳисоб-китоблар 1 : і масштабида олиб борилса (100 : і эмас) натижалар марталарда ифодаланади.

$$T = \frac{P + p}{P} = \frac{S}{P}$$

Мисол. Ўтган ойга нисбатан банкни ойлик бюджетга тўловлари 5% пасайди ва 40 млн. сўмни ташкил қилди. Ўтган ойдаги банк тўловлари суммаси қанча? Бюджет тўловларини пасайиши ҳисобидан банк қанча сўмни тежаб қолди? Тўлов ставкасини пасайиши ҳисобидан бюджет неча сўм йўқотди?

1. Банк тўловлари суммаси:

$$40 + \left(\frac{40{,}0 \times 5}{100 - 5}\right) = 42105260 \text{ сўм}$$

2. Банкни тежаб қолган суммаси:

$$40 - \left[40 + \left(\frac{40{,}0 \times 5}{100 - 5}\right)\right] = 2{,}1 \text{ млн. сўм ёки } 42{,}1 \times 0{,}05 = 2{,}1$$

3. Бюджетга тушмаган сумма

$$\left[40 + \left(\frac{40{,}0 \times 5}{100 - 5}\right)\right] - 40 = 2{,}1 \text{ млн. сўм ёки } 42{,}1 \times 0{,}05 = 2{,}1$$

Олдин таъкидланганидек актуар ҳисоблашда аниқ фоизлар ва кунлар қўлланилади. Битимлар натижаси ҳисобланаётганда ойлар 28, 29, 30, 31 кун, йиллар эса - 365 ёки 366 кунга тенг деб олинади.

Маълумки, ҳар қандай шароитда ҳам оддий ва аниқ фоизлар ўртасидаги фарқ жиддий.

Мисол. 1,5 млн. сўм бир йилда 5% ошса 1,575 млн. сўмни ташкил қилади, яъни 75000 сўмга ортади. n кун учун қандай кўшимча ўсишга эришиш мумкин?

90 кун учун ҳисобласак:

а) оддий фоизларда: $75 \times \frac{90}{360} = 18{,}75$ минг сўм.

б) аниқ фоизларда: $75 \times \frac{90}{365} = 18{,}49$ минг сўм.

Натижа тушунтиришни талаб қилмайди. Бир фоизни иккинчи фоизга

ўтказиш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади 360/365=1,01389.

Халқаро ҳисобларда тижорат йили деб 360 кун қабул қилинган. Бу фақат тўловларни олувчиларга юқори манфаат келтиради; қисқартириш тўловчи фойдасига ҳал қилинади.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда 1 кундан то 360 кунгача фоизларни ҳисоблаш жадваллари мавжуд. Агар ундай жадваллар кўл остингизда бўлмаса, юқорида келтирилган оддий фоизлардан аниқ фоизларга ўтиш коэффициентидан фойдаланиш мумкин.

Шуни эсда тутиш керакки, агарда оммавий ҳисобларда асосан оддий фоизлар қўлланилса, актуар ҳисобларда мураккаб фоизлар ишлатилади ва номаълум миқдорнинг бошланғич хадлари логарифмлаш орқали аниқланилади.

$$S = P \times n \lg (1+i)$$

$$S = P (1+i)^n, \lg S = \lg P \times n \lg (1 +i)$$

$$n = \frac{S - P}{\lg(1 + i)}$$

Бу ерда: S – пулнинг охирги суммаси; P – пулнинг бошланғич суммаси; i – даромадлилик фоизи; n – қўйилма даври (йиллар сони).

Мисол. 10 млрд. сўм пул бор. Шу пулни 30 йил муддатга жойлаштиришга қизиқиш пайдо бўлди. Фараз қилайлик банк фоизи 5% (йиллик) ташкил қилади. Савол туғилади: 30 йилдан кейин 10 млрд. сўм нимага айланади?

Мураккаб фоизлар формуласини қўллаб, қуйидагига эга бўламиз:

$$S = 10 (1+0,05)^{30}$$

Агар логарифмласак:

$$S = 10 \cdot 30 \text{ Ig } 1.05 = 46\ 356\ 790 \text{ минг сўм.}$$

Шу асослар ёрдамида актуар ҳисобларда яна бир қанча масалалар ечиш мумкин. Масалан, ўртача йиллик ўсиш суръатларини аниқлаш мумкин.

Мисол. 10 млрд. сўм 25 йилдан кейин 26,6 млрд. сўмга етди. Ҳар йил ўртача йиллик ўсиш суръати неча фоизни ташкил қилди?

Жавоб: $\lg S=\lg P25 \lg (1 + i)$

$$25\lg(1+\frac{P}{100}) = \frac{\lg S - \lg P}{25}$$ ёки бошланғич маълумотлар бўйича $$\frac{\lg 26,6 - \lg 10,0}{25} = 0,040333$$

$$(1+i)-1,0 =(1,0+0,04)-1,0 = 0,04 \text{ ёки } 0,04\times100 = 4\%.$$

Демак ўртача йиллик кўшимча ўсиш суръати 4% ни ташкил қилган экан.

Тақрибий ҳисобларда ҳам логарифмлашдан кенг фойдаланилади. Масалан, қувиб ўтиш ёки етиб олиш коэффициентларини ҳисоблашда.

Мисол. Бир мамлакат (R) иккинчи мамлакатга (А) неча йилда етиб олади, агарда R мамлакатнинг бошланғич иқтисодий даражаси 1 га, А мамлакатнинг эса - 2 га тенг бўлса. Биринчи мамлакатда ўртача қўшимча ўсиш даражаси 4% ни, иккинчисида - 3% тенг.

$$1\times\left(1+\frac{4}{100}\right)^n = 2(1+0,03)^n; 1,04^n = 2(1,03)^n$$

$$n \lg 1,04 = \lg 2 + n \lg 1,03;\ n(\lg(1,04-\lg 1,03)-\lg 2;$$

$$n = \frac{2}{\lg 1{,}04 - \lg 1{,}03} = \frac{0{,}30103}{0{,}01703 - 0{,}01284} = 71{,}84$$

Демак 71,84 йилдан кейин R мамлакати А мамлакатига етиб олади.

Шуни эсда тутиш керакки, агар ҳисоб-китоб қилинадиган давр бир йилдан ортиқ бўлса мураккаб фоизлар билан ҳисобланган устама сумма оддий фоизлар билан ҳисобланган суммага нисбатан кам бўлади, агарда ҳисоб даври бир йилдан кам бўлса тескариси.

Мисол. 10 млн. сўм 5% (йиллик) оддий фоизлар билан 6 ойдан кейин 10.250 минг сўмга етади, мураккаб фоизлар билан эса - 10.247 минг сўмга. Бир йилдан кейин иккала ҳодиса учун ҳам охирги сумма 10,5 млн. сўмни, 100 йилдан кейин эса у мураккаб фоизларда - 131,5, оддий фоизларда бор йуғи 50 млн. сўмга етади.

Одатда банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар актуар ҳисобларда қўшилиш суръатларини тайёр жадвалларидан фойдаланишади. Жадвалларда қўшилиш суръатлари 0,5 то 21% (йиллик) гача берилган бўлади.

Қуйида биз шу жадвалларда намуналар келтирамиз. Қўйилмалар 5% йиллик даромад билан бир йилдан кам ва кўп даврга берилган.

2.1-жадвал

Бир йилдан кам даврга ва 5% даромад билан қўйилманинг (1,0 млн. сўм) охирги тўланадиган суммаси (минг сўм)

Қўйилманинг узунлик вақти	Оддий фоизларда	Мураккаб фоизларда	Фарқи
1 ой	1004,2	1004,2	0,0
2 ой	1008,3	1008,2	0,1
3 ой	1012,5	1012,7	0,2
4 ой	1016,7	1016,4	0,3
5 ой	1025,1	1024,7	0,4

2.2-жадвал

Бир йилдан кўп даврга ва 5% даромад билан қўйилманинг (1,0 млн. сўм) охирги тўланадиган суммаси (минг сўм)

Қўйилманинг узунлик вақти	Оддий фоизларда	Мураккаб фоизларда	Фарқи
2 йил	1100,0	1102,50	-2,50
3 йил	1150,0	1157,62	-7,62
5 йил	1250,0	1276,28	-26,28
10 йил	1500,0	1628,89	-128,89
50 йил	3500,0	11467,40	-7967,40
100 йил	6000,0	131501,26	-125501,26

Мисол. 36,0 млн. сўм номинал қиймати ва 5% (йиллик) даромад билан дисконтланган вексел банкда қоплаш муддатидан 8 ой олдин ҳисобга олинади. Оддий фоизлар: 1,2 (5×8×36/12) млн. сўм. Банк қайси баҳо билан векселни сотиб олади ва дисконт суммаси қанчага тенг бўлади?

Сотиб олиш баҳоси (банк учёти бўйича):

$$36\ (1 - 8/12 \times 0{,}05) = 34812000 \text{ сўм.}$$

Математик дисконтлашда скидка номинал қийматдан эмас, балки ошган ҳисоб фоизидан қилинади. 8 ойга ҳисоб фоизи тенг: 3,3% (5×8/12).

Актуар ҳисобларда олинадиган манфаат ёки даромад фақат битим мазмунига эмас, балки ҳисоблаш методини танлашга ҳам боғлиқ. Ҳар хил усулда ҳисобланган манфаат ва даромадлар ўртасидаги фарқ жуда сезиларли бўлади. Шунинг учун шартнома ва контрактларда манфаат ва даромадни суммаси ёки хиссаси кўрсатишдан ташқари, шу кўрсаткичларни ҳисоблаш методи, техникаси ва технологияси алоҳида таъкидланса мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг.

Банк учун тижорат учёти фойдали (олинадиган даромад суммаси 1,2 млн. сўм, векселни сотиб олиш баҳоси 34,8 млн. сўм), мижозга - математик учёт (скидка суммаси 50 минг сўмга кам, сотиш баҳоси 34850 минг сўм). Жанжалли ҳолат. Бу ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли шартнома ёки контрактда векселни учётга олиш методини белгилашдир. Яъни, скидка (3,3%) математик усул билан дисконтлашда 100 сўмдан эмас, балки 103,3 сўмдан ҳисобланади. У пайтда векселни сотиб олиш баҳоси қуйидагига бўлади:

$$\frac{36}{(1+8/\ 12\times 0{,}05)} = 34849952 \text{ сўм}$$

Скидка суммаси (математик дисконтлаш)

$$\frac{36}{(1+8/\ 12\times 0{,}05)} = 3{,}3 = 1150 \text{ минг сўм}$$

Узоқ муддатли вексел ҳисобларида векселни ушловчи ўзини айрим манфаатларидан жудо қилади. Масалан, олинган қарзни векселни қоплаш муддати келгунча ишлатишни олсак. Бу ҳолатда у киши маълум бир даврга ўз капиталини музлатилган ҳолатда ушлаб туради. Бундай пайтларда вексел ушлаб турувчилар фоизга фоиз ҳисоблашни кўшимча схема ва усулларига мурожаат қилишади. Шундай схемаларни энг кўп тарқалганларидан бир рекамбиядир. (Бу ерда ўқувчини биржаларда қўлланадиган рекамбия термини билан алмаштирмасликни таъкидламоқчимиз. Биржа бозорида вексел қайтадан савдога кирса курслар ўртасида фарқ пайдо бўлади, бу фарқлар биржа тилида рекамбия дейилади ёки регрезиентни регрессатга тескари талаби деб аталади. Бу термин "қора" кунларда (курслар кескин тушиб кетиши) жуда кўп ишлатилади. Бу ҳодисани чуқурроқ ўрганмоқчи бўлган ўқувчиларга: «Биржа иқтисодиёти», «Биржа статистикаси» каби дарсликларини ўқишни таклиф қиламиз).

Рекамбия методида фоизларга бўлган фоизлар одатда n мажбурияти тўловлари суммасидан ажратилади. Тўловга мўлжалланган сумма (У) қуйидагича ҳисобланади.

$$У = п - х - z$$

Актуар ҳисобларда прогрессив ставкалар ҳам кенг қўлланилади. Йиллик 5% ва 7% декурсив ставкалардан фойдаланиб 10 ва 26 ой учун арифметик ва геометрик прогрессиялар ўртасидаги фарқни ҳисоблаймиз.

5% (йиллик) декурсив ставка билан 10 ойдан кейин оддий процентларда 4,17 (5 × 10/12), мураккаб процентларда эса 4,13 (10/12 × Ig 1,05). 26 ойдан кейин эса шароит қуйидагича ўзгаради: оддий процентларда 11,08 (5 × 26/12), мураккаб фоизларда - 11,14 (26/12 × Ig 1,05). Ставкаларни ўсиши билан фарқ катталашиб

боради. Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 5%дан 7%га ўтилса фарқ яна ҳам яққоллашади:

	Оддий фоизлар	Мураккаб фоизлар
10 ой	6,3	5,3
26 ой	15,1	16,8

Юқоридаги таҳлил қилинган актуар операциялар муҳим аҳамият касб этишига қарамасдан кейинги пайтларда актуар ҳисобларни бошқа турлари кенгроқ ривожланмоқда. Масалан, узоқ муддатли қарзлар, фьючерс ва форекс битим (чет давлатлар валюталари сотиш ва сотиб олиш), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган ва бошқа операциялар.

Айрим актуар ҳисоблар (масалан, қимматли қоғозлар ва дериватив) ўйинга ўхшатилади (умуман олганда ҳамма молиявий ҳисоб-китобларни ўйин дейиш мумкин). Бу ўйинларни назарияси мукаммал ишлаб чиқилган. Ўйинларни мазмуни қуйидагича. Партнерлар контрагентлар ролини ўйнайди. Олинадиган ва бериладиган ставкалар манфаат ва бой берилган маблағ сифатида қаралади. Бошида манфаат ва бой беришни математик кутилиши тенг деб қаралади. Кейинчалик натижалар шундай ўзгарадики бир томон кўпроқ манфаат кўради (масалан, суғурта операцияларида суғурта ташкилоти кўпроқ манфаат кўриши мумкин ёки тескариси). Бунинг ўзи актуар ҳисобларни қийинлаштиради, чунки тенгламага вақт бўйича ўзгарувчи эҳтимоллар қўшилади - қимматли қоғозларни белгиланган тиражда чиқиши, ўйин ютуқларини қоплаш, кишиларни маълум бир ёшга етиб бориши (умрнинг узунлиги) ва бошқа форс-мажор шароитлари.

Бу масалалар олий молиявий ҳисоб-китобларни асоси бўлишига қарамасдан молия статистикаси дастурида тўлиқ кўриб чиқиш кўзда тутилмаган. Шу сабабли бу масалаларга қизиқувчилар махсус адабиётга мурожаат қилишлар мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, узоқ муддатли молиявий операциялар мураккаб фоизларга асосланади. Оддий фоизлар n > 1 учун, одатда қўлланилмайди, чунки улар қарама-қарши хулосаларга олиб келиши мумкин.

Мисол. Фараз қилайлик, концессион битим тузилиши керак. Бир компания ($У_1$) 10 йилдан кейин 123,0 млн. сўм тўлашни мўлжаллаяпти, иккинчиси ($У_2$) 150,0 млн. сўмни - 15 йилдан кейин. Кимни таклифи манфаатли? 5% оддий фоиз билан бу таклифларни баҳолаймиз.

$$У_1 = \frac{123}{1+10\times 0{,}05} = 82{,}0 \ млн.сўм \qquad Ó_2 = \frac{150}{1+15\times 0{,}05} = 85{,}7 \ млн.сўм$$

Манфаатли таклиф сифатида иккинчи таклифни қабул қилиш керак. Бу тўғримикан? Бунинг учун 15 йилни охирга бўлган маълумотни баҳолаш керак. У вақтда биринчи суммага 5 қўшимча йиллар оддий фоизлари қўшилади. Ундай кейин уни иккинчи таклиф билан таққослаш керак 123 (1 + 5 × 0,05) = 153,7 млн. сўм. Биринчи таклиф манфаатли бўлаяпти. Бу биринчи ҳисобимизга қарама-қарши натижа бераяпти.

Мураккаб фоизларда баҳолаб кўрамиз (ҳисоб 10 ва 15 йилга):

$$\frac{123{,}0}{1{,}05^{10}} = 75{,}5 \ млн. сўм \qquad \frac{150{,}0}{1{,}05^{15}} = 72{,}1 млн. сўм$$

Биринчи компания таклифи манфаатлироқ. Агарда биринчи суммага

қўшимча 5 йилга устама суммани қўшсак $123,0 \times 1,05^5 = 156,9$ млн. сўм ва иккинчи таклиф (150,0) билан таққосласак олдинги хулосани оламиз: мураккаб фоизлар бўйича қандай пайт танланмасин биринчи компания билан шартнома тузиш керак.

Молиявий амалиётда биномни тескари миқдорлари учун тайёр жадваллар мавжуд.

$$(1+\frac{m}{100})^{-t}$$

Мисол. Бошланғич қўйилма 20.000 сўм 10 йилга 4,75 (йиллик) фоиз билан банкга жойлаштирилган. Қўйилмани ўтган ҳажми ва фоиз аниқлансин.

$$У = 20.000 \times 1,0 \lg 1,0475 = 31810,46$$

Келиб чиққан натижадан бошланғич суммани айирсак устама фоиз келиб чиқади:

$$31810,40 - 20.000 = 11810,46$$

Актуар ҳисоблар бўйича юқорида келтирилган фикрларга яна қўйидагилари қўшиш зарур.

Умуман олганда актуар ҳисобларни тор ва кенг маънода тушуниш керак. Тор маънода актуар ҳисоблар деганда биз молиявий операциялардан келадиган манфаатларни бир давр (йил) учун ҳисоблашни тушунамиз. Кенг маънода эса ҳар қандай операциядан битмни ҳар бир қатнашчиси манфаатини ҳисоблаш, молиявий комбинаторика тушинилади. Бу курсда актуар ҳисоблар кенг маънода тушунилади, уларни амалга ошириш кутиладиган ва реал устамаларни тўғри тушуниш, асимметрик ҳисобларни энг кўп тарқалган кўринишларидан бир бўлган тўғри ва тескари миқдорларни тасвирлаш ва бошқаларни мукаммал тушуниш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, сизни келгуси эътиборингизни тўғри ва тескари рақамларга қаратмоқчимиз. Уларни бош хусусияти бўлиб асимметрия ҳисобланади.

Мисол. Қуйидаги сонларни олсак: 100,1, 101, 105 ва 120. Агарда база деб 100 қабул қилинса, устама фоизи 0,1%, 1,0, 5,0 ва 20% га тенг бўлади.

Тескари (120 сони учун) сонни ҳисобласак (ўша базага нисбатан) 83,3% (100 : 120) келиб чиқади. Иккаласи тенг ($20 \neq 17,7$) эмас. Устамалар ўртасидаги мутлоқ фарқ (модуль) 2,3% ташкил қилмокда. 125 тескари сони 80%, 150 - 66,7%; 175 - 57,1%; 200 - 50% ва ҳ.к. Фарқларни ўсиб бориши яққол (иловага қаралсин).

Бу ерда қўйидаги қоидага ўқувчини эътиборини қаратмоқчимиз. Арифметик ва геометрик прогрессиялар, ҳамда ўсиш суратлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва қўшимча ўсиш суръатлари ўртасида бу боғлиқликни йўқлиги ҳақидаги фундаментал ҳолатлар айнан тўғри ва тескари сонлар хусусиятларига асосланган. Шу хусусиятларни бир мисол орқали кўриб чиқайлик.

2.3-жадвал рақамларига эътибор бериб қарасак ҳамма ҳисоб-китоблар тўғри ҳисобланган бўлиб кўринади. Масалан, ялпи ички маҳсулот келтирилган даврларда 2% дан 5% гача ортган. Лекин бу нотўғри. Тўғри ҳисоблаш қўйидагича бўлиши керак.

$$\left(\frac{119,0}{117,0} \times 100\right) \times 100 = 16\% \text{ (минимум бўйича).}$$

2.3-жадвал

Ишлаб чиқариш натижалари ва омилларини
қўшимча ўсиш суръатлари

Кўрсаткичлар	5 йиллик қўшимча ўсиш суръатлари, %		Қўшимча ўсиш суръатларини ортиши (+) ва пасайиши (-)
	2000-2004	2005-2009	
I. Натижалар			
Ялпи ички маҳсулот	17	19-22	+2-5
Саноат маҳсулоти	20	21-24	+1-4
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	6	14-16	+8-10
II. Омиллар			
Иқтисодиётда банд бўлганлар	2,3	0,5	-1,8
Инвестициялар	37	30	-7
Меҳнат қуроллари	17	15	-2

$$\left(\frac{122,0}{117,0}\times 100\right)\times 100 = 4,2\%$$ (максимум бўйича).

Демак, ялпи миллий маҳсулот 2005-2009 йилларда 2000-2004 йилларга нисбатан 2 ва 5% га эмас, ҳақиқатда 1,6 (минимум) ва 4,2% (максимум) га ортган.

Ўқувчини эътиборига жадвалдаги ҳамма кўрсаткичлар бўйича тўғри ва нотўғри жавоблар берилган.

2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жадвалдаги маълумотлар натижалар бўйича қўшимча ўсиш суръатларини ошириб кўрсатмоқда, омиллар бўйича эса тескариси. Бу дегани реал ҳолат бўзиб кўрсатилмоқда. Чиқариладиган хулосалар ҳақиқатга тўғри келмайди. Мана шунинг ўзи бизни актуар ҳисобларга мурожаат қилишимиз зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

2.4-жадвал

Ишлаб чиқариш натижалари ва омилларини
қўшимча ўсиш суръатлари

Кўрсаткичлар	2005-2009 йилларда 2000-2004 йилларга нисбатан қўшимча ўсиш суръатлари		10 йил учун	
	нотўғри	тўғри	нотўғри	тўғри
I. Натижалар				
Ялпи ички маҳсулот	+2-5	+1,6-4,2	36-39	39,2-42,7
Саноат маҳсулоти	+1-4	+0,8-3,3	41-44	45,2-48,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	+8-10	+7,4-9,4	20-22	20,8-23,0
II. Омиллар				
Иқтисодиётда банд бўлганлар	-1,8	-1,3	2,8	2,8
Инвестициялар	-7	-5,2	67	78,1
Иш қуроллари	-2	-1,8	32	34,6

2.4-жадвалдаги кўрсаткичларни 10 йилга ҳисобласак қандай натижаларга эришамиз? Агарда қўшимча ўсиш суръатлари жадвални 4-чи устунидаги қўлланилган қоида билан ҳисобласак ялпи ички маҳсулот бўйича бу кўрсаткич 36-39% ташкил қилади. Ҳақиқатда эса эришилган натижалар қуйидагича (2.4-жадвал).

$(117 \times 119) - 100 = 39{,}2$ (қуйи чегара)

$(117 \times 122) - 100 = 42{,}7$ (юқори чегара).

4-жадвалда келтирилган маълумотларга яхши эътибор бериб ўргансак қуйидаги қизиқ ва алдамчи ҳолатни кўрамиз. Агарда устама даражалари юқори бўлмаса (5% гача) тўғри ва нотўғри баҳолар ўртасидаги фарк (ўз даври учун) жуда сезиларли эмас (3% гача деярли йўқ). Шуни ўзи бизни алдайди. Устама суръатлари юқори бўлиб борган сари фарқ катталашиб боради. Шунинг учун ҳам олий молиявий ҳисоб-китобларда умуман, актуар ҳисобларда қисман ҳар қандай шароитда бўлмасин, қандай фоизлар берилмасин, давр кенглиги катта ёки кичиклигига ва бошқаларга қарамасдаи "**олтин қоида**", яъни ҳамма ҳисоб-китоблар бир хил метод ёки технология билан амалга оширилиши тавсия этилади.

2.6. Тақрибий молиявий ҳисоблаш методлари

Молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, олдин таъкидланганидек, маълумот базасининг мавжудлиги ҳисобланади. Молиявий операция ва битимлар бўйича статистик ҳисоботлар ва махсус ташкил қилинган кузатишлар асосида тўпланган маълумотлар ушбу базада сақланади. Статистик кузатишлар асосида тўпланган маълумотлар асосида ҳисоб-китобларни олиб бориш жуда аниқ, тўғри ва объектив натижаларни беради. Лекин, маконда ва замонда шундай ходисалар учрайдики, улар бўйича бошланғич маълумотлар ҳеч қандай хужжатда қайд қилинмайди. Масалан, аҳолининг маданият даражаси, студентнинг билим ва қобилият даражаси ва ҳ.к. Бундай ҳодисаларни ўрганишда ҳисолавий (ясама) миқдорлардан фойдаланамиз. Шундай ходисалар борки, уларни ўрганишда ёки баҳолашда фақат ҳисоб-китоб йўли билан келтириб чиқарилган маълумотлардан фойдаланилади. Масалан, 100та қўйдан олинадиган қўзилар сони нечта бўлиши мумкин. Айримлар хеч ўйламасдан 100та деб жавоб беради. Бу жавоб нотўғри, чунки айрим қўйлар иккитдан қўзи туғиши мумкин (эчкилар бўйича бу кўрсаткич 80% ошиқ) ва қўйларни бир қисми қисир қолиш эҳтимолидан ҳоли эмас. Яна бир мисол. Тижорат бозорида товар оборотининг алоҳида товарлар бўйича ҳисоб-китоб йўқ. Лекин савдонинг асосий кўрсаткичи товар обороти хажми ҳисобланади. Товар обороти хажмини аниқлаш учун товарлар баҳоси ва сотилган миқдор ўзаро кўпайтирилади: pq=pq бу ердан $p = {pq}/{q}$ ёки $p = {pq}/{p}$.

Молия бозорида сифат кўрсаткичларни (рисклар, инфляция, валюта курси ва ҳ.к.) ифодалашда ҳам шу муаммо мавжуд.

Юқорида санаб ўтилган ҳодисаларни статистик баҳолашда бавосита кўрсаткичларни тузиш методи қўлланилади. Бу методга вақт ва маблағни тежаш, мураккаб ҳисоб-китобларни бажара олмаганда, аниқроғи улардан қочиш учун, аниқ ўлчашни худди ўзини акс эттира олмаган тақдирда ва мураккаб методлар соддалаштириш ва уларни ҳаммага тушунарли ҳолга келтириш мақсадида

мурожаат қилинади.

Моҳияти бўйича, ҳар қандай молиявий баҳолаш, амалий бажаришгача етказиш бавосита ҳисоблаш оқибатидир, ҳар қандай ўлчашнинг натижаси – ҳақиқий миқдорга нисбатан тақрибий баҳолашдир. Ҳар қандай эмпирик (ҳақиқий) қонуният, эҳтимолли ва танланма статистик баҳолаш ҳам охир-оқибатда билвосита ҳисоб-китоблар натижасидир. Бундан ташқари, молия статистикасининг асосини ташкил қилувчи кўрсаткичлар – банк ва самарадорлик ставкалари, қимматли қоғозлар курси, барча индекслар, шу жумладан, Доу-Джонс индекси ва шунга ўхшаган статистиканинг минглаб кўрсаткичлари билвосита ҳисоблашлар ва тақрибий баҳолашнинг ёрқин намуналари бўлиб ҳисобланади.

Фанда ва ҳаётда тақрибий ҳисоблаш методларини қўллашдан кўп тарқалган ҳодиса бўлмаса керак деб тасдиқлаш мумкин. Уларни таниқли француз олим-статистиги Ж.Бертильон (1851-1922) ўзининг “Маъмурият статистикаси курси” асарида “статистикани жону-дили” деб атаган. Буни тушунтириш жуда осон. Ҳамма вақт жуда катта ҳисоб-китобларни ва баҳолашлар билан шуғулланишни иложи ва кераги ҳам йўқ. Барча кўрсаткични реал аниқликда ҳисоблашга уриниш тадқиқотчини муваффақиятсизликка олиб келади. Муддатида, айниқса, керакли пайтда олинган тақрибий баҳо, муддатида ва аниқ баҳодан кўра ишни битишига ижобий таъсир кўрсатади. Эсдан чиқармаслик керак, тақрибий баҳолаш ёки олинган натижа, бу хато, нотўғри, фальсификация қилинган, фактларни бузиб кўрсатиш эмас.

Шундай қилиб, тақрибий ҳисоблаш деб, билвосита ҳисоб-китоб методларига асосланган ҳодисани (ёки унинг тенденциясини) тўғри характерловчи ҳар қандай натижа (агарда у аниқ бўлмаса ҳам)га айтилади. Тақрибий ҳисоб-китобларни уйдирма ёки пуч ҳаёллардан фарқ қилиш зарур. Тақрибий ҳисоблашлар фақат фактларга таянади, асосланади, уйдирмалар эса фактлар тўғрисидаги фикрларга суянади холос.

Тақрибий ҳисоблаш методи молия бозорида ҳам жуда кенг қўлланилади. Масалан, давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлардан ташкил топади. Солиқлар эса бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Билвосита солиқларга қўшилади: қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона тўловлари, жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови, жисмоний шахсларнинг ёқилғи солиғи. Солиқнинг ушбу билвосита турлари бўйича махсус ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Тақрибий ҳисоблаш усулида статистиканинг барча методларидан фойдаланиш мумкин. Агар, тадқиқотчи Янги-йўл туманида қанча телевизор борлигини аниқламоқчи бўлса, уйма-уй юриб телевизорларни санаб чиққандан кўра, оилалар сонини аниқласа етарли. Ҳозирги кунда телевизори бўлмаган оила бўлмаса керак.

Тақрибий ҳисоблашларда экстрополяция ва интерполяция методларидан кенг фойдаланилади. Масалан, сиз таҳлил қилаётган молиявий институтнинг капитал хажми йиллар бўйича қуйидагича: 2003й. – 21,4; 2004й. – 37,7; 2005й. – 32,1; 2007й. – 43,1; 2008й. – 39,4 млрд.сўм. Кўриниб турибдики, 2006 йил учун маълумот йўқ. 2006 йил капиталини интерполяция қилиш орқали ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун мутлоқ ўзгариш ёки ўзгариш суръати кўрсаткичлари ҳисобланади. Агарда,

мутлоқ ўзгариш маълум бўлса, натижа қуйидагича бўлади: 2007 ва 2005 йиллар учун мутлақ ўзгариш 11 (43,1 – 32,1) млрд.сўм. Бу натижани 2га бўлиб (11:2=5,5) ва 2005 йилга қўшсак, 2006 йил учун маълумот келиб чиқади:32,1 + 5,5 = 37,6 млрд.сўм. Демак, 2006 йилда компаниянинг капитали 37,6 млрд.сўмга тенг бўлган экан. Бу кўрсаткични қуйидагича ҳам олиш мумкин: (32,1 + 43,1):2=37,6. Агарда бизни 2012 йилдаги (келгусидаги) маълумот қизиқтирса, унда экстрополяция методини қўллаймиз.

$$У_{n+1} = У_n(\overline{K})^n$$

бу ерда $\overline{K}$ – ўртача йиллик ўзгариш суръати. Бизнинг мисолимизда, фараз қилайлик $\overline{K}$ (2004-2008 йилларда) 1,062 га тенг. 2012 йилга бориб капитал суммаси тенг бўлади:

$$39,4\cdot(1,062)^4=39,4\cdot1,2720=50,1 \text{ млрд.сўм}$$

Тақрибий ҳисоблаш усулини валюта, фонд, суғурта, инвестиция бозорларида ва ҳ.к. кенг қўллаш мумкин. Масалан, валюта курларини аниқлашни олсак. Бир Америка доллари 1400 сўмга тенг ва бир Америка долларига 900 рупий сотиб олиш мумкин. Бир сўмга қанча рупий сотиб олса бўлади? Бунинг учун кросс курсни аниқлаймиз:

UZS / INR = (USD / INR) : (USD / UZS) = 900 : 1400 = 0,643 рупий

Демак, алмаштирув пунктида бир сўмга 0,643 рупий сотиб олиш мумкин.

Тақрибий ҳисоб-китобларни бошқа турлари дарсликнинг бошқа бобларида тўлиқ келтирилганлини ҳисобга олган ҳолда 2.6. параграфни давом эттирмадик.

III БОБ. ПУЛ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

3.1. Пул бозори статистикасининг предмети ва вазифалари

Умумий таърифга биноан пул махсус товар бўлиб, у ҳамма товарлар учун умумий эквивалент ролини бажаради. Ҳамма товарлар сингари пул ҳам қийматга ва истеъмол қийматига эгадир. Пул муомала воситаси, жамғарма воситаси ва қиймат ўлчови функцияларини бажаради. Бу уч функцияни ҳамма олимлар ва амалиётчилар тан олишади. Лекин иқтисодий адабиётдан бизга маълумки, пул яна икки (тўлов ва жаҳон пули) функциясини бажаради деб кўпчилик таъкидлашади. Бу муаммони таҳлил қилиш бизнинг вазифамиз эмас.

Пул қачон ва қаерда пайдо бўлган деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Бизга маълумки, қоғоз пул (Хитойда IX асрда, АҚШ-1690 йил, Европада, аниғи Францияда 1716-1720 йилларда пайдо бўлган) пайдо бўлгунга қадар, унинг ўрнида ҳайвонлар сони (Ҳиндистон, Рим, Араб давлатлари ва бошқалар), чиғаноқлар (Тинч океан давлатларида, Африкада), фил суяклари (Африка), буғдой (Мисрда), туз (Хитойда), чой (Монголияда), қимматли металлар (бир қанча давлатларда) ва бошқалар ишлатилган.

Пул муомаласи параметрлари ва энг аввало пул миқдори иқтисодиётда уни бошқариш ричаги эканлигини бундан 700-800 йил олдин инсонлар тушуниб етган. 1357 йилда Маритания амири Юсуф қамалдаги аркда бўла туриб, қоғоз пулни чиқарди ва уларни қамал тугагандан сўнг метал пулга алмаштириш мажбуриятини олган.

Метал пулларни пайдо бўлишидан бошлаб, уларни зарб қилиш ва муомалага чиқаришни давлат назорат қилган, давлат қарзини қоплаш қуроли сифатида пул миқдорини манипуляция қилишдан эрамиздан олдин ҳам фойдаланилган. Эрамизгача 512 йилда Гипий Афинский Спартага қарши уруш олиб бориш ва ажойиб қурилишлар қилгани натижасида қарзга ботганлиги муносабати билан, муомаладан барча пулларни йиғиштириб олишни ва уларни кумуш тангалар билан алмаштиришга буйруқ беради. Шу йўл билан у барча қарзлардан қутилади, чунки у ўша пайтда барча кумуш конларини назорат қилган. Пулнинг ўлчов бирлигини ўзгартириш билан ҳам анча муаммоларни ечиш мумкин. Масалан, 7 йиллик уруш даврида 14лик талер ўрнига 20, 40, 45 зарб қилинди ва уларни чиқариш муддати анча олдинга сурилди. Талерларда кумушнинг миқдори камайтирилиши ва чиқариш вақтини ўзгариши қирол Фридрихга 7 йиллик урушни молиялаштиришга имконият туғдирди.

Метал ва қоғоз пулларни чиқариш технологиясининг ривожланиши билан биргаликда пул айланиш назарияси ва пул миқдорини ўлчаш методологияси такомиллашиб борди. Пулнинг муҳим макроиқтисодий индикатор эканлигига аста-секин тушуниб борилди. Бироқ, пул муносабатларининг ривожланиб бориши билан пул турлари тез-тез ўзгариб турди. Бу ҳолатни тушуниб етиш ўша давр пул назариячилари учун жуда қийин кечади. Хатто, уларнинг айримлари (инглиз Дэвид Юм (1711-1776)) қоғоз пуллардан фойдаланишдан воз кечишни ва уларни йўқотишни таклиф қилади.

Нақд пулни айланишида бир қанча қийинчиликларга учраш туфайли иқтисодиётда пул ўрнига муомалага векселлар, чеклар, қарздорлик тилхатлари ва бошқалар киритилди.

Хўжалик оборотида бўлган барча пул массаси, ўз ичига икки унсурни (нақд пулни; нақдсиз пулни) қамраб олади.

Пул муомаласи концепцияси иқтисодий назарияга асосланади. Вақт ўтиши билан иқтисодий назария ҳам такомиллашиб боради ва ҳозирги кундаги назариянинг асоси бўлиб, Ирвин Фишернинг пулнинг миқдорий ривожланиши назарияси ҳисобланади дейишади. Унга мувофиқ, пул миқдори ва товар оқимлари миқдори ўртасидаги боғлиқлик берк труба тизимидаги сув миқдори ва шу труба ичида оқувчи сув оқими ўртасидаги боғлиқликка ўхшашдир. Айрим даврлар учун сув харакати ҳисобидан оқим трубадаги сув захирасидан кўп бўлиши мумкин. Поток миқдори ва сув захираси миқдорининг боғлиқлиги, унинг харакат тезлиги билан аниқланади. Иқтисодий тизимдаги пулнинг роли трубадаги сув захираси билан бир хил эмиш. Пул белгилари айланиш функциясини бажариб, доимо айланиб туради, улар ёрдамида товар ва хизматлар харакати амалга ошади. Лекин пул оқимининг умумий ёки йиллик пул обороти миқдори тизимдаги пул миқдоридан анча кўп, негаки маълум бир давр ичида ҳар бир пул бирлиги бир мартадан кўп сарф қилинган бўлиши мумкин. Иқтисодий тизимда пул харакатсиз қолмаслиги муносабати билан пул обороти миқдори унинг тизимдаги хажми ва айланиш тезлигига боғлиқ.

Иқтисодий назария пул муомаласини давлат томонидан бошқаришга асос бўлади. Охиргиси, мамлакатда пул тузимининг қонуний ўрнатилиши ва пул-кредит сиёсати механизмини реализация қилиш орқали амалга оширилади.

Иқтисодий реформаларни амалга ошириш учун яхши пул тизими бўлиши зарур.

Пул тизими – мамлакатда пул муомаласини ташкил этиш шакли. Пул тизимининг унсурлари: пул бирлиги, нақд пулни эмиссия қилиш тартиби ва турлари, пул оборотини ташкил этиш, пул захираларини ташкил этиш, яроқсиз пулларни йўқотиш, курслар ва алмаштириш жараёнлари, четдан валютанинг кириб келиши ва чиқиб кетиши муолажаси, пул купюралари мавжудлиги ва ҳ.к. Республикада пул тизимининг хуқуқий асоси қуйидаги қонунларда ўрнатилган: “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисидаги Қонун”; “Ўзбекистон Республикаси пул тизими ҳақидаги Қонун”; “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари оборотларни қисқартириш бўйича қўшимча чора тадбирлар ҳақида”ги Президент фармони ва бошқалар.

Ўзбекистонда пул муомаласини ташкил этиш ва у билан боғлиқ асосий меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш пул-кредит органлари бўлган марказий банк ва молия вазирлигига юклатилган. Халқаро миқёсда пул муомаласини ташкил қилиш ва маълумотларни чоп қилиш билан БМТнинг статистик комиссияси, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) ва халқаро валюта фонди (ҲВФ) шуғулланади. Республика хукумати ва молия институтлари хуқуий хужжатлар билан бирга пул-кредит (айрим пайтлар монетар ёки пул) сиёсатини ҳам ишлаб чиқишади. Пул-кредит сиёсатини кенг ва тор маъноларда кўриб чиқиш мумкин. Кенг маънода пул-кредит сиёсатининг функцияси пул реформасини

ўтказиш, нақд пул белгиларини эмиссия қилиш ёки хукуматнинг қарздорлик мажбуриятларини чиқариш. Тор маънода эса пул муомаласига билвосита таъсир ўтказиш тушунилади. Бу ҳолатда 3та асосий инструментдан фойдаланилади: ҳисоб ставкаси фоизининг ўзгариши; тижорат банкларининг мажбурий захираларини ва иқтисодий нормативларининг ўзгариши; қайта молиялаштириш хажми.

Пул ислоҳоти – пул муомаласини тартибга солиш ва мустахкамлаш мақсадида пул тизимини тўлиқ ёки қисман ўзгартиришни ифодалайди. Пул ислоҳотлари жуда кўп ўтказилган. Лекин уларни ўтказиш мақсади ва методи ўша вақтдаги иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлиши керак.

Пул тизимини оптимал ташкил этиш, пул ислоҳотларини оқилона ўтказиш, пул муомаласи бўйича ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни яратиш учун пул тизими ва пул муомаласининг ҳозирги ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак. Тасаввурга эга бўлиш учун уларни аниқ ва ўз вақтида ҳисобланган параметрлари зарур. Параметрларни ҳисоблаш билан статистика шуғулланади.

Пул бозоридаги операция ва битимларнинг самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларни ҳисоблашни ва таҳлил қилишни ўргатувчи методлар йиғиндиси пул муомаласи статистикасининг **предмети**ни ташкил қилади. Ўрганиш **объекти** бўлиб – расмий пул бирлиги, пул массаси ва харакати, пул эмиссияси тартиби ва турлари, пул муомаласини бошқаришнинг методлари ва ташкилий шакллари хисобланилади.

Пул бозори статистикасининг мақсадлари:

1. Ўқувчига статистик методлар ёрдамида пул бозорини таҳлил қилишни ва ҳулосалар чиқаришни ўргатиш;
2. Пул-кредит сиёсатини яратиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи органларни пул тизими ҳолати бўйича ишончли информация билан таъминлаш.

Пул бозори статистикаси пул муносабатларини ўрганиш, ўзгартириш қуроли, ҳамда уларни миқдорий ўлчаш ва комплекс таҳлил қилиш методлари йиғиндиси бўлиб қолмасдан, балки у пул муомаласи жараёнини ташкил қилишни ривожлантириш ва бу жараённи бошқаришни самарадорлигини ва умумий социал-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган умумий вазифаларни ечишда бевосита қатнашади. Шу нуқтаи назардан пул бозори статистикасининг умумий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- пул муомаласи кўрсаткичларни гуруҳга, типларга ва махсус синфларга ажаратиш, пул муносабатларини бир бутунликда тасвирлаш, таҳлил қилиш ва башоратлаш учун уларни зарур ва етарли миқдорини аниқлаш;
- пул муомаласи жараёнидаги ўзгаришларни тўлиқ ва доимий равишда кузатиб бориш мақсадида статистик кузатишни ташкил қилиш ва унинг методларини такомиллаштириб бориш;
- пул муомаласи бўйича ҳисобланадиган кўрсаткичларни аниқлик даражасини, маълумотларини тўплашга, қайта ишлашга ва таҳлил қилишга сарфланадиган куч ва маблағларни камайтиришни таъминлайдиган, бу жараён қонуниятларини ўрганадиган статистик методларини ишлаб чиқиш, асослаш ва самарали қўллаш;

- пул муомаласини даражасини, динамикасини, ва таркибини характерловчи кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- пул муомаласидаги умумий қонуниятларни ва ўзига хос эволюцион хусусиятларини аниқлаш, пул муомаласи кўрсаткичларини ўзгаришини мамлакатни умумий иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларини ўзгариш суръатлари ва пропорцияларига таъсирини ўрганиш (одатда бу ишни тескариси ҳам бажарилади, яъни умумий иқтисодий кўрсаткичларни ўзгаришини пул муомаласи кўрсаткичларига таъсири ўрганилади).

Юқорида келтирилган умумий вазифалар билан бир қаторда пул бозори статистикаси бир қанча хусусий вазифаларни ҳам ечади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- алоҳида олинган кўрсаткичларни ва пул муомаласини агрегатлари бўйича мавжуд ўзгариш тенденцияларини аниқлаш ва ўрганиш. Масалан, пул, касса ва валюта обороти кўрсаткичлари бўйича;

- баҳо, валюталар курси, ставкалар учёти, қимматли қоғозлар котировкаси ва бошқа кўрсаткичларни статистик мониторинги;

- пул массасасига бўлган талаб, эмиссия, пул бирликлари тузилиши, пулни яроқсизлик даражаси ва уларни оборотдан қайтариб олиш, алоҳида олинган пул бирликларини айланиш ёки халқ қўлида туриб қолиши, пул миграцияси ва бошқаларни статистик ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- пул муомаласи бозорни самарадорлигини статистик методлар ёрдамида таҳлил қилиш ва башоратлаш.

Шуни эсда тутиш керакки, санаб ўтилган вазифаларни пул бозори статистикаси алоҳида-алоқида ечмасдан, балки уларни бир бутунликда, яъни мамлакат миқёсида нақд пул ва нақд пулсиз пул обороти бўйича биргаликда, бир мамлакат кўрсаткичларини жаҳон пул муомаласи бозори кўрсаткичлари билан узвий боғлиқликда, ҳамда алоҳида олинган мамлакатлар, регионлар, муассасалар, компонентлар гуруҳ, пул муомаласи цикл ва стадиялари бўйича ечади.

Бу вазифаларни ечишда умумий ва таниқли бўлган кўрсаткич ва методлар билан бир қаторда махсус кўрсаткич ва методлар қўлланилади. Масалан, пул мониторгини тузиш методлари, савол-жавоб методлари, эксперт баҳолаш методлари. Бу методлар эксперемент ҳарактерига эга бўлиб, улар зарур ҳолатларда, умумий методлар ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган махсус воқеаларни ўрганишда қўлланилади.

3.2. Муомаладаги пул массасини аниқлаш методлари

Пул массаси деганда бир мамлакат ичида жисмоний ва юридик шахсларнинг нақд пул ва нақд пулсиз қилинадиган ҳисоб-китоб маблағлари йиғиндиси тушунилади. Умумий пул массаси (М) алоҳида агрегатлардан ташкил топади. Пул агрегати деганда, тўлов воситаларини ликвидлилик даражаси бўйича махсус классификацияси ёки жамғарила борилаётган ва харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари тушунилади.Бунга нақд пуллар, корхоналарни ҳисоб рақамидаги пуллари, муддатли ва муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар, захиралар ва бошқалар киради. Пул агрегатларини сони мамлакат

иқтисодиёти ва пул массасини бошқариш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда турличадир. Масалан, АҚШ ва Россияда пул массаси 4 агрегатга, Япония – 3, Англия – 5, Швейцария ва Германияда – 3, Францияда – 10 агрегатга бўлинган.

Умумий кўринишда пул массаси қуйидаги параметрдан ташкил топади:

M_o-бу агрегат оборотдаги барча (аҳолини қўлидаги, корхона ва ташкилотларни кассадаги) нақд пулни ўз ичига олади.

M_1-агрегатга барча нақд (M_0) пул ва фоиз тўпланмайдиган депозитлар қолдиғи суммаси киради.

M_2-бу агрегат ўз ичига M_1 агрегатини ва муддатли депозитларини олади. Муддатли депозитлар аҳолини муддатли (3 йилгача) счетларидаги қўйилмаларни ва аҳоли ҳамда корхоналарни тижорат банкларида очилган счетларидаги қолдиқ маблағларидан ташкил топади.

M_3 – бу агрегатни аниқлаш учун M_2 агрегати массаси устига мақсадли заёмлар, суғурта полислари, сертификатлар, банклар захираси, уч йилдан кўп муддатга қўйилган аҳоли пуллари, бюджет, касаба уюшмаси, ижтимоий ва бошқа ташкилотларни счетдаги маблағлари қўшилади.

M_4 – бу агрегат M_3 агрегатига акция, облигация ва векселлар қийматини ққшиш билан аниқланади.

M_5 – охирги агрегат ўз ичига M_4 агрегатдаги маблағлар ва аҳоли, корхона ва ташкилотларга қарашли бўлган чет эл валютасини олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, пул массаси агрегатлари турли мамлакатларда турли кўринишда ва сонда қабул қилинган. Масалан, Белоруссия миллий банкининг методикаси бўйича пул массаси 5 агрегатга бўлинган, Россияда эса - 4 тага. Улар ҳисоблаш методикаси бўйича ҳам фарқ қилади. Масалан, Россия Федерацияси қабул қилган классификация биз юқорида келтирган гуруҳлашдан фарқ қилади. Россия банкининг методикаси бўйича: **M_o** – муомаладаги нақд пуллар (аҳоли ва корхоналарнинг муомаладаги пуллари); **M_1 = M_o** + корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлар + Давлат суғуртаси маблағлари + аҳолининг жамғарма банкдаги депозитлари + аҳоли ва корхоналарнинг тижорат банклардаги депозитлари; **M_2 = M_1 +** жамғарма банкдаги аҳолининг муддатли депозитлари. Бошқачасига **M_2** хўжалик оборотига ҳизмат қилувчи жисмоний ва юридик шахсларни нақд ва нақдсиз маблағлари йиғиндисидан иборатдир. Ҳозирги пайтда Россия статистикасида **M_2** пул базасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади; **M_3** = **M_2** + депозит сертификатлар + қисқа муддатли ғазначилик қимматли қоғозлари (давлат қарзи облигациялари). **M_3** агрегатини “тўпланган пул массаси” ҳам дейишади.

Пул муомаласи статистикасида пул агрегатлари пулни айланиш тезлиги (ликвидилилиги) бўйича ҳам бир қанча гуруҳларга бўлинади. M_1 – ни мутлоқ айланувчи агрегат деб аташади.

Мутлоқ айланувчи (абсолют ликвидлилик) маблағ деб активларни муомала маблағларига ўтиши (айланиши) ва активларни ўз номинал қийматларини ўзгартирмасилик қибилиятини сақлашга тушунилади.

Банк тизимида, аниқроғи банкирлар тилида M_1 ва M_2 агрегатлар тезроқ айланувчи пул маблағлари деб юритилади, M_1 – эса «қисқа пуллар» номини олган, бошқа пассивлар эса (пул тизимини ликвидли депозитлар) «квази пуллар» деб

аталади. Улар ўз ичига муддатли ва жамғарма депозитларни ва резидентларни чет эл валютасидаги депозитларини олади. Банкирлар «қисқа пуллар» ва «квази пуллар» йиғиндисини «кенг пуллар» деб аташади.

Пул агрегатлари орасида M_5 агрегат пул массасини умумий ҳажмини характерловчи кўрсаткич ҳисобланади. Бу агрегат мамлакатдаги товар ва хизматларга бўлган тўлов қобилиятини ўзида ифода этади.

Пул муомаласи статистикасида «Пул асоси ёки базаси» кўрсаткичи кенг қўлланилади. Бу кўрсаткични (Н) ҳисоблаш учун нақд пул, банклар кассасидаги қолдиқ пул маблағлари, тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари ва уларни марказий банкнинг корсчетидаги маблағлари суммалари қўшиб чиқилади. Бу ҳисобланган кўрсаткич, пул мультипликатори коэффициентини ҳисоблаш учун асос бўлади. Пул мультипликатори банк захираларини муомалада ортиши (кўпайиши) натижасида пул массасини ортишини характерлайди ва қуйидаги формула билан ҳисобланилади (бу кўрсаткични ҳисоблашнинг бошқача усуллари ҳам мавжуд. Уларга кейинроқ тўхталамиз):

$$П_м = \frac{M_2}{H} = \frac{C + Д}{C + R},$$

бу ерда: Пм-пул мультипиликатори; С-нақд пул; Д-депозитлар; R-тижорат банкларини мажбурий захиралари.

3.3. Қанча пул керак?

Пул муомаласини тўғри ташкил қилиш ва уни самарали бошқариш учун аҳоли қўлида талабдан ортиқча пул бўлмаслигини (у нималарга олиб келади, ҳаммага маълум) таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори (ҳажми) ҳисобланилади. Бу муаммони бир қанча методлар ёрдамида ечиш мумкин. Зарур бўлган пул ҳажмини (П) товар обороти ҳажмини пул бирлигини айланиш тезлигига нисбати билан аниқлаш мумкин, яъни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$П = \frac{q \times \overline{p}}{v} \qquad \text{бу ердан} \qquad v = \frac{pq}{\overline{M}}$$

бу ерда: q – сотиладиган товарлар массаси; $\overline{p}$ – товарларни ўртача баҳоси; v – пул бирлигини айланиш тезлиги (мартада).

Пулнинг қадрли эканлиги ёки қадрсизланаётганини қуйидаги тенламалар орқали аниқлаш мумкин: $П \times V = q \times \overline{p}$ бўлса яхши, агарда $П \times V > q \times \overline{p}$ бўлса пул қадрсизлана бошлайди (тескариси ҳам бўлиш мумкин).

Зарур бўлган пул ҳажмини (П) қуйидаги формула билан ҳам аниқлаш мумкин:

$$П = \frac{(p_1 q_1 - pq) + (p_0 q_0 - ВП)}{v},$$

бу ерда: $p_1 q_1$ – жорий давр товар обороти, яъни жорий даврда ишлаб чиқарилган ва сотилган товарлар қиймати; $p_0 q_0$- ўтган даврда ишлаб чиқарилган ва жорий даврда сотиладиган товарлар қиймати; pq - жорий даврда ишлаб чиқарилган ва пули келгусида тўланадиган товарлар қиймати; ВП -ўзаро қопланувчи тўловлар.

Муайян даврда муомалага зарур бўлган пул миқдорини қуйидагича ҳам аниқлаш мумкин:

$$ï = \frac{\left(\sum pq\right)^{H} - \left(\sum pq\right)^{K} + ï^{í} - ÇÒ - Þ Ò}{V} + Q,$$

бу ерда: $\left(\sum pq\right)^{H}$ - нақд пулга сотилган товар обороти суммаси; $\left(\sum pq\right)^{K}$ - кредитга берилган товарлар обороти; $П^{н}$ – нақд пул билан тўланадиган, муддати келган мажбурий пул тўловлари суммаси; *ЗТ* – заёмлар учун тўловлар суммаси; *ЮТ* – турли ютуқлар учун тўловлар суммаси; *Q* – хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳоли қўлидаги нақд пул захиралари суммаси; *V*-белгиланган даврда пул бирлигининг айланиш тезлиги.

Айрим мутахассислар зарур бўлган пул миқдорини қуйидаги формула билан ҳисоблашни таклиф этишади:

$$П = К_0 + (Д_Н - П_б) \cdot \frac{V}{D} + H_C,$$

бу ерда: $К_0$ – корхона кассасидаги пул қолдиғи; $Д_н$ – аҳолининг пул даромадлари; П – нақд пулсиз пул хажми; *D* – давр узунлиги (кунда); H_C – аҳоли қўлидаги пул жамғармалари.

Зарур бўлган пул массаси хажмини башоратлаш методлари ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин. Прогнозлар пулга бўлган талаб ва таклиф қилинадиган пул бўйича тузилади. Бунинг ўзи эса пул муомаласини ривожланишининг барқарорлигидан далолат беради. Таклиф қилинадиган пул бўйича прогнозлаш асосида пул базаси кўрсаткичи ётади. Бу кўрсаткич аниқ бўлса муомаладаги пул массасини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин.

$М_1 = П_М \times Н$, бу ердан $$П_М = \frac{1 + C}{n_в + n_g \times B + n_u + C}$$

бу ерда: С – муомаладаги пул нормаси (муомаладаги пулнинг депозитларга нисбати); $n_в$ - талаб қилинганда бериладиган қўйилмалар нормаси; n_g –талаб қилинганда қайтариладиган депозитлар; n_u- ортиқча захиралар; В-муддатли қўйилмаларининг талаб қилинганда бериладиган депозитларга нисбати.

$М_2$ параметри учун пул мультипиликаторини ҳисоблашда муддатли қўйилмалар ва талаб қилинганда бериладиган қўйилмалар нисбати олиниши керак.

$М_2 = П_М + Н$, бу ердан $$П_М = \frac{1 + - + e}{n_{‰} + n_g \times B + n_u + c}$$

Юқорида келтирилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: таклиф қилинадиган пул ҳажмига қуйидаги омиллар, яъни: пул базасининг ўзгариши; нақд пул ва талаб қилинганда бериладиган қўйилмаларининг ўзаро нисбати; муддатли қўйилмалар ва талаб қилинганда бериладиган қўйилмаларнинг ўзаро нисбати; пул захираси нормативларининг ўзгариши ($n_в$, n_g, n_u) таъсир қилади.

Бизга маълумки, пировард белгига бир қанча омиллар таъсир кўрсатганда, биринчи белгини келгусида кутиладиган даражасини аниқлашда кўп омилли динамик моделлар тузилади. Бу ишни кўп омилли регрессия тенгламасини ечиш билан бажариш мумкин:

$$У_t = a_0 + в_1 x_1 + ... + в_n x_n$$

Бу ерда ўзгарувчилар эмпирик маълумотларда ёки логарифмларда ифодаланиши мумкин.

3.4. Пул массасининг купюралилик кўрсаткичлари

Ўзбекистоннинг ўз миллий пули (сўм) 1994 йил 2 июлдан бошлаб мавжуд. Ҳозирги кунда республикада сўм купюраларини: 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 ва 1000 сўмлар ташкил қилади. Муомалада қоғоз пуллар билан бир қаторда тангалар ҳам қўлланилади. Купюралар ҳар хил экан, уларни тузилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш пул муомаласини бошқаришда зарур кўрсаткичлардан биридир. Сўмни купюрлилик тузилиши деганда бир бирликларни умумий пул массасидаги ҳиссасига айтилади. Бу кўрсаткич купюралар сони ва уларни суммалари бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин. Уни ҳисоблаш ва билиш банклар томонидан корхона ва ташкилотларга иш ҳақи учун нақд пул бериш, муомалага пул чиқариш, пулни захира фондларига жойлаштириш пайтларида муҳим ахамият касб этади. Чунки купюра тузилишини яхши билмасдан туриб, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиб бўлмайди. Сўмнинг купюра тузилишига аҳолини пул даромадларини ўзгариши товарлар ва хизматларга бўлган баҳоларни ўзгариши, чакана товар обаротининг таркибини ўзгариши, аҳоли талабини қондирилиши даражаси ва бошқа омиллар таъсир қилади. Бу омилларни статистика ўрганади ва ўлчайди. Шуни таъкидлаш лозимки, инфляция купюра тузилишига жуда катта таъсир кўрсатади, яъни инфляцияни ўсиши умумий товар обороти ҳажмида қиммат баҳоли товарлар хиссасини ортишига олиб келади, бу ўз навбатида катта купюралар сони ортишини талаб қилади.

Сўмнинг купюралик тузилиши юқорида таъкидланганидек икки усулда аниқланиши мумкин:

а) муомаладги купюралар сони бўйича: $d = f : \sum f$

б) купюралар суммаси бўйича $d = xf / \sum xf$

Бу ерда: f – муомаладаги купюралар сони (қадр-қиймат бўйича); $\sum f$ – барча купюралар сони; x – купюралар қадр-қиймати.

Пул массасини купюра тузилишидан, юқоридагилардан ташқари, яна пул белгиларини тайёрлашда уларнинг оптимал таркибини ва территория бўйича банк муассасалар ўртасида тақсимлашда ҳам фойдаланилади.

Сўмнинг купюра тузилишини динамикасини характерлаш учун ва уни вақт бўйича ўзгариши тенденциясини аниқлаш мақсадида ўртача купюра ҳажми тўғрисида маълумотлар керак. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\overline{X} = \frac{\sum xf}{\sum f},$$

3.1-жадвалда пул массаси купюра тузилиши (шартли рақамларда) келтирилган.

3.1-жадвал

Купюранинг қадр-қиймати, сўм	Купюралар сони, млн.дона	Купюралар суммаси, млн.сўм	Купюралар таркиби, %	
			Сони бўйича	Суммаси бўйича
x	f	xf	$\left(f / \sum f\right) \cdot 100$	$\left(xf / \sum xf\right) \cdot 100$
1	120	120	26,8	0,6
3	95	285	21,2	1,5
5	78	390	17,4	2,1
10	61	610	13,6	3,2
25	40	1000	9,0	5,3
50	15	750	3,3	4,0
100	12	1200	2,7	6,4
200	10	2000	2,2	10,6
500	9	4500	2,0	23,9
1000	8	8000	1,8	42,4
Жами	448	18855	100,0	100,0

3.1 – жадвалдаги маълумотлар кўрсатишича купюралар сони ва суммаси бўйича ҳисобланган улушлар фарқи жуда катта. Масалан, энг паст қадр-қийматга эга бўлган (1 сўм) купюрани купюралар сони бўйича ҳиссаси 26,8%, суммаси – 0,6% ташкил қилган. Шу пайтни ўзида 1000 сўмлик купюраники тегишли равишда 1,8 ва 42,4%.

Кўпчиликнинг фикрига кўра, амалиёт учун купюранинг суммаси бўйича ҳисобланган улушларни аҳамияти катта эмиш. Уларнинг фикри бўйича ушбу кўрсаткич асосида нақд пул оборотида купюра тузилишини кузатиш ва тегишли прогнозларни ишлаб чиқиш мумкин эмиш (хулосани ўқувчи чиқарсин).

Ўртача купюралилик даражаси тенг:

$$\overline{X} = \frac{\sum xf}{\sum f} = \frac{18855}{448} = 42{,}1\ сўм.$$

Бу кўрсаткични фақатгина муомалага чиқарилган пул сони бўйича эмас, балки муомаладан қайтариб (турли сабабларга кўра) олинган купюралар бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин. Муомаладан қайтариб олинган купюралар, агарда улар жисмоний томондан яроқсиз деб топилмаса яна муомалага қайтарилади. Хозирги пайтда муомалада қанча пул бор деган саволга жавоб бериш учун муомаладаги пул ҳажмини ҳисоблаш керак. Муомаладаги пул ҳажми муомалага чиқарилган ва ундан қайтариб олинган пул массасини фарқига тенгдир. Бу кўрсаткич пул муомаласини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга, чунки мавжуд пул муомалада зарур бўлган нормадан ошиб кетса, у қадрсизлана бошлайди ва аксинча бўлса бунинг тескариси. Демак, бу кўрсаткич ўлчагич ролини бажаради.

Ўртача купюралик даражасини ҳисоблаш билан пул массасининг купюралилик тузилиш қанчалик нақд пул обороти эҳтиёжига мос келиши аниқланади, аҳоли қўлида туриб қолган пул хажми кузатилади ва пул белгиларини яроқсизлилик даражаси ҳисобланади.

Купюраларни ўртача даражаси динамикасини ўрганишда индекслар тизимидан фойдаланиш мумкин.

Ўзгарувчан таркибли индекс:

$$J_{\bar{X}} = \frac{\sum x_1 f_1}{\sum f_1} : \frac{\sum x_0 f_0}{\sum f_0}$$

Ўзгармас таркибли индекс:

$$J_X = \frac{\sum x_1 f_1}{\sum f_1} : \frac{\sum x_0 f_1}{\sum f_1} = \frac{\sum x_1 f_1}{\sum x_0 f_1}$$

Таркибий силжиш индекси:

$$J_{T.C} = \frac{\sum x_0 f_1}{\sum f_1} : \frac{\sum x_0 f_0}{\sum f_0}$$

Ушбу индекслар ўзаро боғлиқ индекслардир:

$$J_{\bar{X}} = J_X \cdot J_{T.C}$$

Пул массаси фақатгина муомалага ва муомаладан ҳаракат қилмасдан, у территорияларо ҳам ҳаракатда бўлади. Пул массасини бир территориядан иккинчисига ҳаракати пул миграцияси деб аталади. Пул миграцияси икки ҳил шаклда учрайди: нақд пулсиз ва нақд пулли. Масалан, бир вилоятни оладиган бўлсак, биз маълум бир давр учун (масалан, бир йил) шу вилоятга келиб тушган (банклар, алоқа органлари орқали) пул суммасидан чиқиб кетган (юқоридаги каналлар орқали) суммани ажаратамиз. Агарда ҳисобланадиган давр учун тушган сумма кетган суммадан юқори бўлса бу ижобий миграция, тескариси бўлса – салбий миграция дейилади.

Пул миграцияси нақд пул шаклда ҳам амалга оширилади. Масалан, Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак (оддий кузатиш натижасида ҳам аниқлаш мумкин), бу шаҳарда нақд пулни миграцияси ижобий бўлади. Буни исбот қилиб ўтиришнинг кераги йўқ деб ҳисоблаймиз. Нақд пул бўйича миграция суммасини аниқлаш мумкинми деган савол туғилиши табиий. Мумкин, биринчидан, шу территория бўйича (масалан вилоят) муомалага чиқарилган пулдан муомаладан қайтариб олинган сумма ажратилиб, келиб чиққан суммага аҳолини қўлида қолган пул массаси қўшилади. Бу суммани пул миграцияси сабаблари бўйича ҳам аниқлаш мумкин: а) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳарда сотиш; б) мавсумий иш миграцияси; в) даволаниш ва дам олиш; г) хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатлар; д) бошқа сабаблар орқали. Бу сабаблар орқали амалга ошган пул

миграцияси суммаси одатда махсус статистик кузатишлар ўтказиш орқали аниқ ҳисобланиши мумкин.

3.5. Пул бозори статистикаси кўрсаткичларининг ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методлари

Пул муомаласини одилона ташкил қилинганлигини ва энг асосийси, самарали ишлаётганлигини баҳолашда статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Кўрсаткичларни учта блокка бўлишади: макроиқтисодий кўрсаткичлар, ликвидли (пул турлари) активларни ва пул массасини характерловчи кўрсаткичлар.

Макроиқтисодий блок кўрсаткичлари пул ва пул муомаласини иқтисодиётнинг реал сектори билан боғлиқлигини ифодалайди ва қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: номинал пул массаси; пул обороти; пул айланиш тезлиги; реал пул массаси; номинал, реал пул массаси ва пул айланиш тезлиги индекслари; иқтисодиётни монетаризация даражаси; пулнинг харид қобилияти.

Пул турлари ёки ликвидли активлар блокига: оборотдаги нақд пуллар; банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар; банклар кассасидаги нақд пуллар; нақд бўлмаган пул массаси; пул мультипликатори; пул базаси; пул оборотидаги қимматли қоғозлар; жаҳон пуллари (халқаро ликвидли активлар).

Пул массаси пул агрегатлари билан ифодаланади. Номинал пул массаси деганда муомаладаги пулнинг статистик миқдори ёки ликвидли шаклдаги активлар захираси тушунилади. Демак, пул молиявий активларни бир шакли. Пул билан бойликни алмаштирмаслик керак. Пули бор одам бой одам эмас, ликвидли активларга (барча турига) эга бўлган киши бой одам ҳисобланади.

Пул доимо харакатда бўлиши керак. Агар пул харакат қилмаса (айланмаса) у ўлик товарга айланади ва ўзининг махсус хусусиятларини йўқотади, янада кенгроқ маънода айтсак пулнинг харакати билан яратилган махсулот ва ҳизматлар ҳаракати чамбарчас боғлиқ. Кейинги ғояни қуйидаги тенглама орқали ҳам ифодалаш мумкин:

$$M \times V = p \times q$$

Пул айланиш бир қанча белгилар бўйича классификация қилинади: пулли муносабатларнинг тури бўйича: а) товар-моддий неъматларни айирбошлаш жараёнидаги пул айланиши; б) товар характерига эга бўлмаган пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида содир бўладиган пул айланиши; тўлов усуллари бўйича: а) нақд пулли; б) нақд пулсиз; минтақа доираси бўйича: а) минтақа ичидаги; б) минтақалараро пул айланиши; тўлов жараёнида бевосита иштироки бўйича: а) актив; б) пассив пул айланиши.

Маълумки, пул айланиши банкдан бошланади. Нақд пул айланиши устида гапирадиган бўлсак, пулнинг бир марта айланиши деганда, банкдан чиқиб яна банкка қайтиб кириши тушунилади. Албатта, бу юз фоиз бўлмайди. Нақд пул айланиши қуйидаги субъектлар ўртасида бўладиган ҳисоб-китобларда намоён бўлади: иш берувчи билан ишга ёлланувчи ўртасида (иш ҳақи); товар ва хизматларни сотувчи ва олувчи ўртасида; давлат ва аҳоли ўртасида (пенсия,

нафақа, стипендия, ютуқлар пулини тўлаш, бюджет тўловлари, солиқлар ва мажбурий тўловлар ва ҳ.к.лар); кредит ташкилотлари ва аҳоли ўртасида.

Муомаладаги нақд пул массаси иш юрутувчи субъектлар ҳамда жамоат ташкилотларининг касса қолдиқлари (бу кўрсаткич лимит билан қатъий чегараланган. Лимитдан ортиқча пул банкка топширилади, банклар эса ортиқча пулни захира фондига ўтказишади); барча банкларнинг оборот кассаларидаги нақд пул қолдиқлари; аҳоли қўлидаги нақд пуллардан ташкил топади. Нақд пул айланишининг (кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни яққол исботламоқда) келажаги порлоқ эмас.

Пул обороти бу даврий кўрсаткич бўлиб, вақт оралиғидаги пул операциялари тўпламини ифодалайди. Пулнинг миқдорини ҳисоблаётганда икки кўрсаткични фарқлаш зарур: пуллар захира сифатида ва пуллар поток сифатида. Пул потоги – бу, пул оборотидир.

Алмашув тенгламаси (VM = P·Q) халқаро таққослаштиришларда қўлланилади. Уларга миллий пул бирлигини ҳарид қобилияти ва иқтисодиётини монетаризация даражаси киради:

1. $\frac{1}{p} = \frac{q}{M}$ 2. $\frac{M}{ЯИМ}$

Биринчи кўрсаткич ишлаб чиқарилган махсулотни бир сўмлик пул массасига тўғри келишини характерласа; иккинчиси – 1 сўмлик ЯИМ тўғри келадиган пул массасининг захирасини характерлайди ва пул соҳаси ҳолатининг муҳим индикатори бўлиб ҳисобланади.

Макроиқтисодий пропорцияларни таҳлил қилишда алмашув тенгламаси динамикаси кўрсаткичлари катта рол ўйнайди. Алмашув тенгламасини индекс шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$J_V \cdot J_M = J_p \cdot J_q$$

Бу ерда: *V* – пул айланиш тезлиги; *M* – номинал пул массаси; *P* – баҳо; *Q (q)* – ишлаб чиқарилган махсулот хажми; *J* – индекслар.

Бу индекслдарнинг ўзгариши фарқланади. J_V ва J_q ўзгариши барқарор ривожланиш шароитида қисқа даврлар ичида бир текис, чунки ишлаб чиқариш чуқур технологик силжишлар ва ҳисоб-китоб механизми билан боғланган. J_p ва J_M ўзгариши тескариси, тўсатдан ўзгаришларга бўйсунади ва қисқа муддатларда $J_p = J_M$ бўлади ($J_Q = 1$ *ва* $J_V = 1$ бўлган шароитда).

Реал пул массаси индекси махсулот физик хажми индексига тенг ($J_V = 1$ шароитда)

$$J_q = J_M : J_P$$

Юқорида келтирилган индексларни назарий ва бошқа мамлакатлардаги даражаларига нисбатан ҳақиқий қийматларини кузатиб бориш жорий даврдаги муҳим тенденция ва диспропорцияларни ва келгусида уларнинг ўзгаришини прогноз қилишга имкон беради. Ялпи ички махсулотнинг динамикаси пул массасини мумкин бўлган ўсиш суръати ҳисоблашга ёрдам беради. Реал пул массаси индексининг ўзгариши бўйича инфляция шароитида пул оборотини стабилизация қилиш чора-тадбирларининг натижасини, баҳо динамикаси бўйича

пул массасининг ошиб кетмаслигини ушлаш чора-тадбирларининг таъсирини баҳолаш мумкин.

Пул – бу молиявий активларнинг барча туридир. Улар, ликвидлик даражаси бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- ✓ нақд пуллар – мутлоқ ликвидли активлар (пул белигилари);
- ✓ нақдсиз пуллар (депозитлар);
- ✓ қимматли қоғозлар;
- ✓ жаҳон пуллар (халқаро ликвидли активлар).

Инсон тасаввурида пул деганда асосан нақд пул тушунилади. Ўзбекистонда расмий пул бирлиги, маълумки, 100 тийиндан иборат бўлган сўм ҳисобланади. Сўмни эмиссия қилиш бўйича қарор Республика Марказий банки томонидан қабул қилинади. Нақд пул обороти – бу товарларнинг муомаласи, ҳизмат кўрсатиш ва турли тўловларни амалга ошириш жараёнидаги нақд пул харакатидир.

Лекин, ҳозирги замонда пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи асосий шакл нақдсиз оборот ҳисобланади.

Нақд пулсиз оборот деганда, нақд пулнинг иштирокисиз счетларга ёзиш орқали амалга ошириладиган тўловлар мажмуаси тушунилади. Оборотнинг бу тури кенг ривожланган бўлиб (ҳозирги кунда 90%дан ортиқ операциялар нақд пулсиз бажарилади), республика иқтисодиёти ривожланиб борган сари унинг ҳиссаси янада ортиб боради. Бу омил натижасида нақд пулга бўлган эҳтиёж кескин қисқаради, муомала харажатлари тежалади, муомаладаги пул маблағларининг хавфсизлиги пасаяди, ҳамма ишлар банклар орқали амалга оширилиши муносабати билан уларнинг хуқуқий жихатдан қонунийлигини назорат қилиш мумкин бўлади, корхона ва ташкилотлар ҳисоб рақамларига пул маблағларининг келиб тушиши, улар яратган махсулот ёки кўрсатган хизматлари ижтимоий тан олиниши таъминланади, хўжаликлар ўртасидаги алоқалар мустахкамланади, товар ва пул маблағлари харакатлари тезлашади. Шулар билан бир қаторда, энг асосийси нақд пулга бўлган талаб ва шу билан бирга қоғоз пулларни (тангаларни айтмасак ҳам бўлади) чиқариш (эмиссия қилиш), уларни сақлаш, ташиш, санаш, ҳавфсизлик масалалари билан боғлиқ бўлган харажатлар кескин камаяди. Бу шаклнинг яна бир устунлиги, ҳамма операциялар солиқчилар томонидан кузатилиб борилади. Маълумки, нақд пул операцияларидан солиқ йиғиш энг мушкул иш. Мана шу ва бошқа сабаблар ҳисобга олинган ҳолда республика вазирлар махкамаси нақд пулсиз ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланишича, мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш пулнинг муомалада асоссиз кўпайиб кетишининг олдини олади. Жуда тўғри фикр. Бунинг қандай амалга ошишини эса келгуси ҳаёт кўрсатади.

Нақд пулсиз оборот қуйидаги турларга бўлинади. Тўлов мақсадига қараб: товар ва хизматлар учун (тўлов варақасида янада ҳам аниқроқ ёзилади. Агар тўлов варақасининг ўша пункти тўлдирилмаса, банк уни оборотга қабул қилмайди), товарсиз операциялар (кредит учун солиқлар, жарималар ва ҳ.к.); маблағни ўтказиш жойига қараб бир худудда; худудлараро; мамлакатлараро ҳисоб-китоблар; тўловни амалга ошириш усулларига қараб: кафолатланган (олдиндан тўловлар учун пул ажратилган) ва кафолатланмаган ҳисоб-китоблар; ҳисоб рақамларига пул ўтказиш ёки ўзаро қарзлардан кечиш орқали ҳисоб-китоблар; тўлов

кечиктириладиган ҳисоб-китоблар; махсулотни сотиш усулига қараб: бевосита ва билвосита ҳисоб-китоблар.

Нақд пулсиз оборот ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш билан банклар шуғулланади. Банклар корхона ва ташкилотларнинг аризасига биноан нақдсиз операцияларни амалга ошириш учун: ҳисоб рақами, жорий рақам, ссуда рақами, бюджет счёти, корреспонденция рақамларини очади. Бундай рақамни очиб, иш бошлаган корхона ва ташкилотларга нақдсиз операцияларнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланиш таклиф этилади: акцепт шакли; топшириқномалар орқали; аккредетив; чеклар; ўзаро талаб ва мажбуриятларни кечиш асосида ҳисоблар; режали тўловлар ва бошқалар. Шуни таъкидлаш зарурки, нақдсиз операцияларнинг бирон-бир шаклини танлаш банк мижозининг шахсий иши. Бу ишга банкнинг аралашиши мумкин эмас. Банк маслахатчи сифатида қатнашиши мумкин.

Пул сифатида кўриладиган энг юқори ликвидли активлардан бири, ҳозирги кунда қимматли қоғозлардир (уларнинг келиб чиқиши, турлари ва самарадорлигига дарсликда алоҳида боб ажратилган).

Жахон бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жаҳон пулининг пайдо бўлишига олиб келади. Жаҳон пулининг биринчи шакли олтин бўлган. XX асрга олтин ўрнини ривожланган давлатлар банкнотлари эгаллади – валюта. Бугунги кунда олтин-валюта захиралари қўлланилади. Бу кўрсаткичлардан тўлов дисбалансларини тугатишда фойдаланилади. Умумий захира, одатда, CDR – Special Drawing Rights – ўзлаштирманинг махсус хуқуқи. ЎМҲ – ҳисоб-китоб валютаси сифатида 4 (АҚШ доллари, Евро, Ф.стерлинг ва иен) та валюта асосида ҳисобланади, ХВФ томонидан у миллий валюталарнинг қийматини таққосланишини (ўлчовдошлигини) таъминловчи восита сифатида эмас, балки тўлов балансининг сальдосини бошқариш ва расмий халқаро захиралар ва ҳисобларини тўлдиришга мўлжалланган. ЎМҲ билан бир қаторда олдин Европада ЭКЮ, ҳозирги кунда Евро қўлланилади. Оҳиргилар минтақавий пул – ҳисоб бирлиги ҳисобланади.

Статистиканинг энг муҳим вазифаси пул массасини ва айланиши тезлигини ўрганишдир.

Замонавий банкларнинг қобилиятлилик даражаси белгилайдиган кўрсаткичлардан бири бўлиб, уларга маблағни (нақдсиз) келиб тушиш хажмидир. Пул мультипликатори ушбу қобилиятни характерловчи кўрсаткич ҳисобланади ва у захиралаш нормасини тескари миқдори бўлади: $m = 1/r$, бу ердан r = *захиралар / Депозитлар.*

Пул массаси, базаси ва захиралаш нормасини ҳисоблашга қараб пул мультипликаторини аниқлашни бир неча усулга бўлиш мумкин.

1. $m = M_2$ / *Пул базаси*

Бу усулда ҳисобланган пул мультипликатори пул тизимини туришининг умумий шароитини характерлайди: банк ва кредит тизимининг ривожланиши; МБ томонидан ўрнатилган захиралаш шартлари ва уларни бажарилиши, пул массасининг таркиби ва айниқса нақд пул хиссаси ва уларнинг муомаласи устидан назорат.

2. *m = Депозитлар / захиралар*

Бу ҳолатда мультипликатор тижорат банкларининг иқтисодиётга кредит қўйилмаларини кенгайтириш имкониятини характерлайди.

Пул базаси қийматига кенг маънода қараганда мультипликаторнинг хақиқий қийматини қуйидагича тасвир қилиш мумкин:

$$m = \frac{Депозитлар + накд\ пул}{захиралар + накд\ пул} = \frac{1 + накд\ пул\ /\ Депозитлар}{захира\ /\ Депозит + накд\ пул\ /\ Депозит}$$

Нақд пул ва депозитлар нисбатини К харфи билан белгиласак: *К = нақд пул / Депозитлар*. Бундай ҳолатда *m (1 + К) / (r + К)*.

Агарда база сифатида нақд пул миқдорини қабул қилсак, пул мультипликатори нақд пулнинг айланиши ва иқтисодий тизимда улардан фойдаланиш табирини ҳисоблашни бир усул сифатида қаралиши мумкин.

Захира нормаси билан бир қаторда унинг ўртача нормаси ҳам аниқланади:

$$\bar{r} = \frac{\sum r\bar{o}_i}{\sum \bar{o}_i} = \sum rd$$

Бу ерда – депозитни *i* тури бўйича мажбурий захиралаш нормаси; $\bar{o}_i$ - *i* тури бўйича омонатни ўртача размери; d - *i* турдаги депозитни умумий депозитлар суммасидаги ҳиссаси.

Заҳиралашни ўртача нормасининг хақиқий қиймати асосида мультипликаторни ҳақиқий қийматини ҳисоблаш мумкин: т = $1/\bar{r}$. Мультипликаторни ҳисоблашга қаратилган ушбу ёндашув мультипликатив самарани динамикасига захиралаш нормасини ва омонатлар таркибининг ўзгариш таъсирини баҳолашга имкон яратади:

$$J_m = \frac{\sum r_0 d_0}{\sum r_1 d_1} = \frac{\sum r_0 d_1}{\sum r_1 d_1} \times \frac{\sum r_0 d_0}{\sum r_0 d_1} = J_r \times J_d$$

Бу ерда: J_m – пул мультипликатори индекси (ёки ўзгарувчан таркибли индекс); J_r – захиралаш нормаси индексига тескари индекс (ёки ўзгармас таркибли индекс); J_d – депозитлар таркибидаги силжишлар индекси (ёки таркибий силжиш индекси).

Мажбурий зихираларнинг тескари ставкаси миқдорига тенг пул мультипликаторининг назарий қиймати – бу унинг, нақд пул тизимда қатнашмайдиган шароитида, энг юқори (максимал мумкин бўлган) қийматидир. Бу формула билан ҳисобланган пул мультипликатори миқдори кўпроқ пул массасини унинг базасига бўлиш орқали ҳисобланган мультипликаторни назорат қилиш ва у билан таққослаш учун ишлатилади ва мультипликатив самаранинг ички моҳиятини ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга имконият туғдиради.

Пул муомаласининг самарадорлигини характерловчи энг муҳим кўрстакич – пул массасининг айланиш тезлигидир. Пул массасининг айланиш тезлиги оборотлар сони ва кунларда ўлчанади.

Пул массасининг обороти сони (V) ялпи ички махсулотни ўртача пул қолдиғига нисбати билан ўрганилади:

$$V = \frac{Q}{\overline{M}}$$

бу ерда: Q – ялпи ички махсулот хажми; $\overline{M}$ - ўртача пул қолдиғи.

Ўртача пул қолдиғини хронологик формула билан ҳисоблаймиз:

$$\overline{M} = \frac{\frac{1}{2}M_1 + M_2 + \ldots + \frac{1}{2}M_n}{n-1}$$

Пул массасининг обороти сони, масалан, бир йил ичида пул массасининг неча марта айланганлигини ёки янгиланишни характерлайди. Оборот сонининг ошиши билан пул массасининг айланиш тезлиги ортиб боради. Шундай қилиб пул айланишлари сони пул айланишини тўғридан-тўғри характерловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бир оборотга кетган вақт (t) оборот сонига тескари пропорционал бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади.

$$t = \frac{\overline{M}}{Q : Д} = \frac{\overline{M}}{\mathrm{m}} = \frac{M \cdot Д}{\mathrm{Q}}$$

бу ерда: *Д* – даврдаги календар кунлар сони; *m* – бир кунлик махсулот хажми.

Бу кўрсаткични ҳисоблаш билан, пул массасининг бир марта айланишига қанча вақт сарфланди деган саволга жавоб оламиз. Агар бу кўрстакич олдинги даврга нисбатан қисқарса, бу ўша хажмдаги махсулотга ёки ишга сарфланадиган пул массаси камроқ талаб қилинади деган гап.

Бу иккала кўрсаткич ўзаро узвий боғлиқ, яъни:

$$V \times t = Д, \text{ бу ердан } t = Д : V; \quad V = Д : t$$

Бу кўрстакичларнинг вақт бўйича ўзгаришини ўрганиш муҳим ахамиятга эга. Статистикада бу иш одатда индекс методи ёрдамида бажарилади. Агар пул массасининг бир агрегати бўйича бу кўрсаткичлар ўрганилса муаммо йўқ, ҳамма агрегатлар бўйича биргаликда ўрганилганда муаммо мавжуд. Муаммо шундан иборатки, пул массасининг умумий айланиш тезлиги ҳар бир пул агрегати бўйича айланиш тезлигининг ўзгаришига ва ҳар бир агрегатининг умумий пул массасидаги ҳиссасининг ўзгаришига боғлиқ. Демак, умумий ўртача ўзгариш икки омилга боғлиқ экан: а) ҳар бир пул агрегати бўйича айланиш тезлигининг ўзгариши; б) умумий пул массасида бўладиган таркибий силжишлар. Бу омилларнинг таъсирини махсус индекслар ёрдамида ўлчаймиз.

Ушбу индексларни кўриб чиқамиз. Агарда битта агрегат бўйича айланиш тезлиги динамикасини ўрганмоқчи бўлсак, у пайтда индивидуал индекслар ҳисобланилади:

$$i_v = V_1 : V_0; \quad i_t = t_1 : t_0$$

Агар, биз пул массасининг ҳамма агрегатлари бўйича айланиш тезлигини ўзгаришини ўрганмоқчи бўлсак пул айланиш тезлиги умумий ўзгарувчан таркибли индексини (бу ерда умумий индексларни агрегат формуласини қўллаб бўлмайди, чунки пул айланиши тезлиги кўрсаткичи ўрта кўрсаткичлар синфига киради) ҳисоблаймиз (оборот сони бўйича):

$$J_{\overline{V}} = \overline{V_1} : \overline{V_0} = \frac{\sum V_1 \overline{M}_1}{\sum \overline{M_1}} : \frac{\sum V_0 \overline{M_0}}{\sum \overline{M_0}}$$

Кўриниб турибдики $\overline{V}$-ни ўзгариши бевосита: а) ҳар бир агрегат бўйича айланиш тезлигини (*V*) ўзгаришига; б) пул массасидаги таркибий силжишларга

боғлиқ. Биринчи омилнинг таъсирини пул айланиш тезлиги ўзгармас таркибли индексини ҳисоблаш билан ўлчаймиз.

$$J_V = \frac{\sum V_1 \overline{M}_1}{\sum \overline{M_1}} : \frac{\sum V_0 \overline{M_1}}{\sum \overline{M_1}} = \frac{\sum V_1 \overline{M}_1}{\sum V_0 \overline{M_1}}$$

Иккинчи омилнинг таъсири (пул массасида рўй берадиган таркибий силжишларни) таркибий силжишлар индекси ёрдамида ўлчаймиз:

$$J_{T.c} = \frac{\sum V_0 \overline{M}_1}{\sum \overline{M_1}} : \frac{\sum V_0 \overline{M_0}}{\sum \overline{M_0}}$$

Бу учала индекс ўзаро боғлиқ индекслардир:

$$J_{\bar{v}} = J_v \times J_{T.C.}$$

Ўртача пул айланиши тезлигига пул агрегатларнинг таркибий ўзгариши таъсирини ўрганишда кўп омилли иқтисодий–математик моделлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, умумий кўринишда:

$$V = \frac{Q}{\overline{M}} = \frac{Q}{\overline{M_1}} \times \frac{\overline{M}_1}{\overline{M}_2} \times \frac{\overline{M}_2}{\overline{M}_3} \times \frac{\overline{M}_3}{\overline{M}_4} \times \frac{\overline{M}_4}{\overline{M}_5},$$

бу ерда: $\overline{M}$ – ўртача пул қолдиғи тегишли равишда.

Бу ердан: $\frac{Q}{\overline{M}} = \frac{Q}{M_1} \times \frac{M_1}{\overline{M}}$ еки $V = V^1 \times d$

Индекс методидан фойдаланиб, пул массасининг айланиш тезлиги мутлоқ ўзгаришини ҳисоблаймиз:

$$\Delta V = V_1 - V_0$$

Бу умумий ўзгариши қуйидаги факторлар ўзгариши ҳисобидан эканлигини ҳисоблаш мумкин:

а) M_1 параметр бўйича айланиш тезлигининг ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta V_{(v^1)} = (V_1^{\ 1} - V_0^{\ 1}) \cdot d_1$$

б) умумий пул массасида M_1 ҳиссасининг ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta Vd = (d_1 - d_0) \cdot V_0$$

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни 3.2-жадвал маълумотлари асосида ҳисоблаймиз.

3.2-жадвал.

Вилоят бўйича қуйидаги маълумотлар берилган

Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Ҳисобот даври
Ялпи ички махсулот, млрд. сўм	210	225
Пул массаси, млрд. сўм	100	120
Шу жумладан нақд пул ва депозитлар	60	78

Пул айланиш тезлигини (оборотлар сонида) ҳар бир давр учун алоҳида-алоҳида аниқлаймиз

Ўтган йил учун:

1. Жами пул массаси бўйича $V_0 = \frac{Q_0}{\overline{M}_0} = \frac{210}{100} = 2{,}1$ марта
2. Нақд пул ва депозитлар бўйича $V_0' = \frac{Q_0}{\overline{M}_0} = \frac{210}{60} = 3{,}5$ марта

Жорий давр учун: $V_1 = \frac{225}{120} = 1{,}875$ *марта*

$$V_1^1 = \frac{225}{78} = 2{,}884 \quad \textit{марта}$$

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, жами пул массаси бўйича ҳам, нақд пул ва депозитлар бўйича ҳам (M_1) айланиш тезлиги секинлашган. Бунга нима сабаб деган савол туғилади? Жавоб бериш учун омилларнинг умумий пул массасида M_1 ҳиссасини ҳисоблаймиз: d_0=0,6 (60 : 100); d_1=0,65 (78 : 120). Энди умумий ўзгаришни, яъни ΔV ни ва омиллар таъсирни ўлчаймиз:

$$\Delta V = V_1 - V_0 = 1{,}875 - 2{,}1 = -0{,}225$$

а) $\Delta V_{(V^1)} = (V_1^1 - V_0^1) \cdot d = (2{,}884 - 3{,}5) \cdot 0{,}65 = -0{,}4$

б) $\Delta V_{(d)} = (d_1 - d_0) \cdot V_0^1 = (0{,}65 - 0{,}6) \cdot 3{,}5 = 0{,}175$

Олинган натижалардан шундай хулоса чиқариш мумкин. Жорий даврда ўтган даврга нисбатан пул массасининг ҳажми агрегатлари бўйича биргаликда ҳам, M_1 агрегат бўйича ҳам пул массасининг айланиши (оборотларда) пасайган (0,225 ва 0,616 пунктга тегишли равишда). Бунга асосий сабаб M_1 агрегат бўйича пул айланишини секинлашишидир. M_1 параметр бўйича бу кўрсаткич 0,4 пунктга пасайиб кетган. Агарда таркибий силжишлар ижобий таъсир қилмаганида эди бу кўрсаткич янада юқори бўлар эди, яъни иккинчи омил пасайишни 0,175 пунктга камайтирган.

Олдин таъкидланганидек пул массасининг айланиш тезлиги оборот сони ва кунларда ўлчанади. Юқорида келтирилган формулалар ва ечилган масала (шартли бўлсада) пул айланиш тезлигининг оборотлар (V) сонига бағишланди. Бу ишлар пул айланиш тезлигининг кун ҳисобида аниқланган кўрсаткичи бўйича ҳам амалга оширилади. Бу кўрсаткичлар бир-бирига ўхшаш бўлгани учун, иккинчи кўрсаткичга батафсил тўхталмасдан керакли формулаларни келтириб ўтамиз.

Ҳамма агрегатлар бўйича биргаликда айланиш вақти динамикаси ўзгарувчан таркибли индекс ёрдамида ўлчанади.

$$J_{\bar{t}} = \bar{t}_1 : \bar{t}_0 = \frac{\sum t_1 \cdot m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 \cdot m_0}{\sum m_0}$$

Индекслаштирилаётган белгини ўзгариш таъсири ўзгармас таркибли индексни ҳисоблаш билан ўлчанади:

$$J_t = \frac{\sum t_1 \cdot m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 \cdot m_1}{\sum m_1} = \frac{\sum t_1 \cdot m_1}{\sum t_0 m_1}$$

Таркибий силжишлар таъсири қуйидаги индексни ҳисоблаш билан ўрганамиз:

$$J_{TC} = \frac{\sum t_0 \cdot m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 \cdot m_0}{\sum m_0}$$

Бу индекслар ҳам ўзаро боғлиқ индекслардир:

$$J_{\bar{t}} = J_t \cdot J_{T.C.}$$

IV БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИ СТАТИСТИКАСИ

4.1. Давлат молияси статистикасининг таркиби

Давлат молияси статистикаси иқтисодий статистика, молия статистикасининг муҳим ва таркибий қисмидир. Маълумки, у ёки бу мамлакатнинг молия тизимининг тузилишида умумийлик (халқаро андозалар) ва миллий хусусиятлар мавжуд бўлади. Барча мамлакатларнинг молия тизимида давлат бошқаруви секторининг молияси етакчи ўринни эгаллайди. Молия тизими – бу миллий иқтисодиёт таркибига кирувчи ички иқтисодиёт секторлари (номолиявий корпорациялар, молия корпорациялари, давлат муассасалари, уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар ва уй хўжалиги) ва «Қолган дунё» молиясини ўз ичига олади. Бу фикр ушбу китобнинг дастлабки боб ва параграфларида баён қилинган, аммо «Молия», «Молия статистикаси», «Давлат бюджети» ва бошқа молия-кредит йўналишидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларида, маъруза матнларида молия тизими ва давлат молиясига бўлган ёндошишларни жаҳон андозаларига тўғри келади, деб бўлмайди, уларда ҳанузгача эскича қарашлардан холис бўлинмаган. Масалан, молия тизими давлат молияси ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясидан иборат дейилади. Хўжалик юритувчи субъектлар эса-турли мулк шаклидаги корхоналаридир.

«Умумиқтисодий назария» фанига тегишли бўлган баъзибир дарсликларда эса мамлакат молия тизимига: 1. Корхоналар, ташкилот ва муассасалар молияси. 2. Давлат молияси. 3. Суғурта молияси ва 4. Кредитлаш тизими молияси киритилади, деб кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, бу БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, ОЭСР, ЕС статистика бўлимлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ва 1993 йилда маъқулланган Миллий ҳисоблар тизими талабларига мос келмайди.

Давлат секторининг молияси таркибини белгилаш масаласи юқорида баён қилинган ҳолатдан ҳам бирмунча ёмонроқдир. Масалан Кавалёва.А.М. таҳриридаги «Финансы» дарслигида[1] умумдавлат молияси таркибига давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити, суғурта фондлари, фонд бозори киритилган. Бошқа дарсликларда давлат молиясининг таркиби бошқачароқ қилиб кўрсатилган. Масалан РАЕН мухбир аъзоси Л.А. Дробозина таҳриридаги «Финансы» дарслигида эса давлат молияси таркибига: давлат бюджети тизими, давлат кредити ва маҳаллий ҳокимиятларнинг (федератив давлатларда-федерация аъзоларининг) кредити; бюджетдан ташқари махсус фондлар ва давлат корпорацияларининг молияси киритилади, деб баён қилинган[2]. Бундай, жаҳон андозаларига мос тушмайдиган қарашлар ҳатто молия статистикасига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларида[3] ҳам ойдинлаштирилмаган. Уларда, ҳатто давлат молияси статистикасига алоҳида эътибор берилмаган. Фақат Б.Т. Рябушкин томонидан тайёрланган «Основы статистики финансов» (М. Финстатформ, 1997) ўқув

[1] «Финансы» под.ред. Проф. А.М.Ковалевой:.Фис, 1999г, 24 бет.

[2] «Финансы» под.ред. Проф. Л.А.Дробозиной, М.Юнити, Финансы, 1999г, 55 бет.

[3] Статистика финансов под.ред. П.П.Маслова М. Статистика, 1974, «Статистика финансов» под.ред. П.П.Маслова и В.И.Рябинина М. Статистика, 1979; «Статистика финансов» под.ред. В.Н.Салина. М: Ф и С, 2000; Дашинская Н.П. Финансово-банковская статистика. Минск: БГЭУ, 2007.

қўлламасида Россияда қабул қилинган анъаналар бўйича давлат молиясига давлат бошқарувининг турли босқичлари бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити, давлат корхоналарининг молиялари киритилди, деб баён қилинган. (4-бет). Афсуски, Б.Г.Болдыров таҳририда нашр қилинган. «Финансы капитализма» (М. ФиС, 1990) дарслиги предмети ва вазифалари параграфида бу фанда ғарбдаги давлат молияси тўғрисидаги замонавий назариялар ўрганилади деб кўрсатилган ҳолда монополистик капитализм молия тизими 4 бўғиндан: давлат бюджети, маҳаллий молия, давлат корхоналари молияси ва махсус ҳукумат фондларидан иборат деб кўрсатилган (22-бет).

Ўзбекистон Республикасида тайёрланган ўқув қўлланмаларида молия, молия тизими, давлат молияси, молиявий кўрсаткичлар ва бошқа молиявий масалаларга ёндошиш Россияда нашр этилган ўқув-услубий адабиётлар доирасида амалга оширилган.

Давлат молияси статистикасининг методологияси, кўрсаткичлари ва уларнинг сифати, ишончлилигини баҳолаш, тарқатиш, ташкил қилиш ишлари ҳам молия, пул-кредит ва ҳамда иқтисодий статистикага оид халқаро стандартларга асосланганлигининг аҳамияти каттадир. Бу стандартлар:

- БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, ОЭСР ва Европа иттифоқининг статистика қўмитаси томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва 1993 йилда БМТнинг статистикаси комиссияси томонидан мақулланган миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-93);
- ХВФнинг тўлов балансини тузиш бўйича қўлланмаси (5-нашри, 1993) ва унга 2000 йилда киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар;
- ХВФнинг (1986) давлат молияси статистикаси бўйича қўлланмаси. Маълумки, ушбу қўлланма 1996 йилдан бошлаб, ХВФ томонидан қайта кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари статистикани бошқа жабҳаларига тегишли бўлган ҳалқаро стандартлар: халқаро иқтисодий тавсифномалар МСОК (ISIC), маҳсулот ва хизматлар, баҳо ва бандлик, ташқи савдо ва бошқалар бўйича. Бу тавсияномалар ва тавсифномалар БМТнинг ихтисослаштирилган комиссиялари (ILO ва бошқалар) ва БМТнинг статистика коммисияси томонидан тайёрлангандир. Жаҳон банки ва ХВФ ҳамкорлигида ташқи кредит (қарзлар) статистикаси бўйича қўлланма, ХВФ томонидан халқаро ликвидлик статистикаси бўйича ишчи қўлланмаси тайёрланмоқда. ХВФ бирнеча йил олдин тайёрлаган молия малумотларини халқаро ташкилотларга тақдим қилиш ва тарқатишнинг махсус халқаро стандарти ҳам ишлаб чиқилган эди. Халқаро капитал бозоридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида мамлакатларнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини эълон қилишнинг баъзибир принцип (асосий қонун-қоида)ларига риоя қилиш учун ХВФ маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартини ишлаб чиқди. Бу ва ҳамда янгидан тайёрланаётган стандарт - тарқатилаётган статистик маълумотларининг сифатини баҳолаш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларнинг ишончлигини баҳолашда жуда муҳим меъёрдир.

Статистикага оид халқаро стандарларни миллий статистикада қўлланма сифатида фойдаланиш ва уларни жорий этиш халқаро ташкилотларга (айниқса иқтисодий ташкилотларга) аъзо бўлган давлатлар учун аҳамиятлидир:

- Халқаро ташкилотларга аъзо мамлакатлар шу стандартларга асосланган ҳолда статистика маълумотларини тақдим этиш мажбуриятларини оладилар;
- Бу стандартлардан фойдаланиш натижасида ресурслар иқтисод қилинади, статистикани услубий ва ташкил қилишнинг энг замонавий усуллари жорий этилади;
- Халқаро миқёсда таққосланадиган маълумотларга эга бўлиниши иқтисодий ҳамкорликни яънада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини яратади.

Халқаро стандартларни жорий қилишдан юзага чиқадиган имкониятлар ва афзалликларни эътиборга олган ҳолда давлат молияси статистикасини халқаро стандартларнинг тушунчалари, кўрсаткичлари тизими ва уларни ҳисоблаш услубияти, ташкил қилишнинг қонун-қоидалари асосида кўриш лозимдир. Бу ўринда иқтисодий (макро-, микро-) статистика, молия, пул-кредит статистикаси, тўлов баланси ва статистикасининг бошқа жабҳалари МҲТ-93га мувофиқлаштирилади. Чунки, МҲТ-93 муҳим макроиқтисодий ўзгаришларни ўрганиш билан бирга, у жаъмики иқтисодий статистикани уйғунлаштириш ва ўзаро мувофиқлаштиришнинг самарали воситасидир. Шунга кўра, давлат молияси статистикасининг марказий бўлими ва ҳамда методологиясининг асосий калити, масалаларининг ечими – давлат бошқаруви секторининг чегараси ва таркибини белгилашдир. Маълумки, 1986 йилдаги давлат молияси статистикаси бўйича қўлланмада (ХВФ) давлат секторининг таркиби, унда амалга ошириладиган молиявий, ишлаб чиқариш ва тижорий ҳаракатларни миллий иқтисодиётнинг секторларига ўтказиш борасида МҲТ–68 билан бирмунча фарқланишлар мавжуд эди. Қўлланмада давлат бошқаруви секторидаги давлат бошқариш идоралари ва давлат муассаларининг асосий функцияси - бу жамоа истеъмоли учун нохарид характеридаги хизматларни етказиб беришлигини ҳисобга олиб қуйидаги давлат бирликлари давлат бошқаруви секторига киритилган эди: 1) марказий ҳукумат (бошқаришнинг марказий идоралари); 2) штатлар, вилоятлар ёки регионлар хукумати; 3) бошқаришнинг маҳаллий идоралари, муниципал идоралар, маориф бўлимлари ва бошқалар ҳам; 4) давлатлараро идоралар, агар улар шу мамлакат худудида солиққа тортиш, ёки давлат сарфларини амалга оширишса. Бу қоида асосан Европа иттифоқига кирувчи мамлакатлар статистикасига хосдир.

Социал суғурта билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар давлат бошқаруви идораларининг тегишли бўғинларига тегишли деб кўрсатилган.

Шу қўлланмада давлатга тегишли ёхуд давлат назоратида бўлган ва хамда муаян ишлаб чиқариш, тижорат ёки молиявий ҳаракатлар билан шуғулланувчи бирликлар маҳкамавий корхоналар дейилган ва номолиявий корхоналар ва молиявий муассаларга ажратилган, улар давлат бошқаруви секторига киритилмаган. Шунинг учун уларнинг молияси миллий иқтисодиётнинг тегишли секторлари: номолиявий корпорациялар ва молиявий корпорациялар секторлари таркибига киритилган. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-93) ва ХВФнинг давлат молияси статистикаси бўйича тайёрланаётган қўлламаларида мавжуд бўлган фарқлар тугатилган, яъни статистиканинг шу бўлимида МҲТ-93 тавсияномалари эътиборга олинган. МҲТ-93 да давлат муассасалари сектори ва унинг кичик секторларининг таркиби белгиланган. Шунга кўра, бу секторга қуйидаги

резидентлик институционал бирликларнинг гуруҳлари киритилган:

- Марказий, регионал ва маҳаллий бўғинлардаги барча давлат бирликлари;
- Бошқаришнинг барча бўғинларига тегишли бўлган барча ижтимоий таъминот фондлари;
- Давлат бирликлари томонидан назорат қилинадиган ва асосан молиялаштириладиган нохарид хизматлар кўрсатувчи барча нотижорат ташкилотлар.

МҲТ-93да бу секторни кичик секторларга гуруҳлаштиришнинг муқобил усули ҳам мавжудлиги кўрсатилган. Бунда, ижтимоий таъминоти фондлари бошқаришнинг тегишли бўғинлари таркибига киритилган. Бу ерда баъзи бир, масалан, институционал бирлик, резидентлик атамаларига изоҳ бермоқ ўринлидир. МҲТ-93 да қуйидагича таъриф берилган:

- Институционал бирлик-мустақил ҳолда активларга эгалик қилиш, мажбуриятлар қабул қилиш ва иқтисодий харакатлар ва бошқа шаҳслар билан қилинадиган ҳаракатларда қатнашишга лаёқатли иқтисодий шахс.
- Резидентлик-мамлакатнинг иқтисодий худудида иқтисодий манфатининг маркази жойлашган бўлган институтционал бирлик резидент бўла олади. Шу тарифларга кўра давлат резидентликка эга бўлган институтционал бирликдир.

Демак, давлат молияси статистикаси иқтисодий статистика ва молия статистикасининг мухим ва таркибий қисмидир. У МҲТ – 93, пул-кредит, тўлов баланси ва статистиканинг бошқа жабҳалари билан ўзаро мувофиқланиши зарурдир. Халқаро ташкилотларнинг статистикасида бунга эришилган. Давлат молияси статистикаси бўйича ХВФ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан халқаро стандартлар тайёрланган, улар янада такомиллаштирилмоқда. Халқаро стандартларнинг миллий статистикага жорий қилинишининг бир қанча имкониятлари мавжудлигини этиборга олиб Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий статистикани жахон стандартлари асосида реформация қилиш ва миллий счетлар тизимини жорий этиш борасида Давлат дастури (1994 йил) қабул қилинди.

Давлат молияси статистикаси тизими-давлат бошқаруви муассасалари секторидаги операциялар (ҳаракатлар) тўғрисидаги бирламчи маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, тахлил ва талқин қилиш, ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш борасидаги фаолиятда қўлланиладиган иқтисодий ва статистик тушунчалар, ҳисоблаш қоидалари ва класификациялар тузиш тўғрисидаги кўрсатмаларнинг мажмуасидир. Давлат молияси статистикасида давлат муассасалари секторини белгилаш принциплари ҳам кўрилади, давлат бошқарувининг фаолияти, унинг натижалари, давлат муассасалари сектори чегарасида иқтисодиётнинг бошқа секторларига тегишли секторларнинг квази-давлат операциялари, масалан, пул-кредитни тартиблаштириш ҳам кўрилади. Давлат молияси статистикасини, асосан, бюджет соҳасини тахлил қилиш мақсадлари учун махсуслаштирилган тизим деса ҳам бўлади.

4.2. Давлат бюджети статистикасининг вазифалари

Мамлакатнинг молия тизимида давлат бюджетининг ўрин ва ахамияти каттадир. Молиячи иқтисодчиларнинг хисоб китобларга қараганда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида давлат бюджети молия ресурслари таркибида 40%, мамурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдаги мамлакатларда 70% ни ташкил этади. Бюджет «Budget» чемодан, пул билан тўлдирилган халта ва бошқа маъноларда ишлатилган. Бюджет-даромадлар ва сарфлар режаси, яъни молия режасидир. Бу режа хар бир шахс, оила, хўжалик юритувчи субъект, туман, шаҳар, вилоят ва давлат миқиёсида тузилиши мумкин. Давлат бюджети давлатнинг марказий молия режасидир, ҳукумат иҳтиёридаги йирик марказлаштирилган пул жамғармасидир. Давлат бюджетида барча асосий молия институтлари: сарфлар, турли даромадлар, давлат кредити бирлашган. Давлат бюджети давлатнинг молия ресурсларини вужудга келтириш, шакллантириш шакллари ва усулларини, улардан мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши мақсадларида фойдаланишни белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида «Давлат бюджети-давлат пул маблағларини (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади» дейилган. Ўзбекистон Республикасида ягона бюджет тизими шакиллантирилган. У икки бўғинликдан иборат бўлиб, давлат бюджети республика бюджети, Қорақалпоғистон республикаси ва маҳаллий бюджетлар (вилоят, шаҳар, туман) ни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Ўзбекистон Республикасида барча бўғинлардаги бюджетларни шакиллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини ҳисобга олиш миллий валютада-сўмда амалга оширилади. Фақат 1992-1996 йилларда валюта тушум (қарз)ларини ҳисобга олиш ва ҳукуматни валютада қиладиган операцияларини қоплаш учун хориж валютасида мустақил бюджет ҳам тузилган. Кейинчалик,1996 йилдан бошлаб, ягона ва йиғма, сумда баҳоланадиган бюджетга ўтилган. Ягона бюджет тизимининг элементлари давлат бюджети статистикасини ўрганиш объектларидир. Давлат бюджети статистикасининг асосий вазифаси давлатнинг фискал (молия, солиқ) сиёсатини мазмуни ва йўналишини белгиловчи бюджетнинг асосий кўрсаткичларига миқдорий тавсиф беришдир. Бу вазифани қуйдагича аниқлаштириш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти билан итеграциялашуви шароитида давлат бюджети таснифларида, кўрсаткичлари тизимини тузиш, уларни ҳисоблаш ва баҳолашда халқаро стандартларни жорий қилишни тугаллаш;

2. Давлат бюджетининг асосий функциялари: ялпи миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодиётни тартиблаштириш ва рағбатлантириш, социал сиёсатни молия билан таъминлаш ва мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш жараёнларига тасниф бериш;

3. Давлат бюджетининг даромадлари, сарфлари ва дефицити (профицити)ни

умумий суммаларини ҳисоблаш;

4. Давлат бюджети даромадлари ва сарфларининг таркиби ва таркибий тузилишини ўрганиш;

5. Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбаларини ўрганиш;

6. Давлатнинг ички ва ташқи қарзининг кўламини баҳолаш;

7. Давлатнинг фискал сиёсатининг иқтисодий ривожланишга ва аҳолини турмуш даражасига таъсирини ўрганиш ва бошқалар (масалан бюджет ташкилотлари шаҳобчалари, ходимлари сони, сарф-харажатлари ва бошқалар);

Амалий статистика давлат бошқаруви муассалари фаолиятини таҳлил қилиш, социал-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, халқаро ташкилотларга ХВФ стандартлари асосида молиявий маълумотларни тақдим қилиш, МҲТ ва тўлов балансини тузиш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш, ишлов бериш (гуруҳлаш, умумлаштириш) билан шуғулланмоқда. Давлат бюджети статистикаси амалиётига халқаро стандартларни қўллаш ишларини олиб бориш билан бирга анъанавий статистика тушунчалари, қоида ва таснифларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Ҳозирги пайтда давлат статистикаси органлари бюджет таснифларини ва давлат бюджети кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича ва давлат бошқарув органларини ишончли маълумотлар билан таъминлаш борасида анча ишларни амалга оширмоқда. Лекин, ушбу бажарилган ишлар уларни асосий вазифаси билан алмаштирмаслиги лозим.

Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашиб бораётган бугунги кунда давлат бюджети статистикасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Республика амалиётида қўлланиладиган бюджет таснифини халқаро стандартларга мослаштириш;
- Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари хажми ва динамикасини аниқлаш;
- Давлат бюджети даромадларининг манбаалари ва харажатларининг йўналишларини ўрганиш;
- Бошқаришнинг барча даражаларида давлат бюджетининг бажарилишини тахлили;
- Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг таҳлили;
- Давлатнинг ички қарзи хажмини, унинг таркиби ва динамикасини аниқлаш;
- Бюджет муассасаларини сонини, штатини ва контингентини ўрганиш;
- Фискал сиёсатни ўтказиш самарадорлигини ва уни иқтисодий ўсишга ҳамда аҳолининг хаёт даражасига таъсирини ўрганиш.

4.3. Давлат бюджети статистикасида қўлланиладиган асосий тушунчалар, таърифлар ва кўрсаткичлар

Давлат бюджети статистикасининг марказий бўлими: давлат бюджетининг даромадлари, сарф-харажатлари, дефицити (профицити), давлат кредити кўрсаткичлари тизимидир. Методологиясининг асосий элементи – давлат

бошқаруви муассалари секторини белгилаш, даромадлар ва сарфларни вазифа жихатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифлаш, турли иқтисодий мазмунли (табиатли) операцияларни чегаралаш (жорий ва капитал; қайтариладиган ва қайтарилмайдиган тўловлар; қопланадиган ва қопланмайдиган, беғараз оқимлар; ликвидликни бошқариш учун кредитлаш ва иқтисодий сиёсатни ўтказиш учун кредитлаш сарфлар ва дефицитни молиялаштириш). Давлат муассалар секторнинг таркиби тўғрисида шу бобнинг §-4.1. да тўхталиб ўтилган. Давлат бюджети кўрсаткичлари тизимининг характерини белгиловчи, молия статистикасининг муҳим категориялари, давлат муассасалари секторининг миллий иқтисодиётнинг бошқа сектор (номолиявий корпорациялари, молия корпорациялари, уй хўжалиги, қолган дунё)лари ўртасидаги иқтисодий-хўжалик ҳаракат (операция)лари мазмуни ва чегарасини равшанлантирувчи бир неча категориялари мавжуд (4.1-расмга қаранг).

Тушумлар ёки тўловлар. Давлат бошқаруви сектори идоралари билан миллий иқтисодиётнинг бошқа секторлари, институционал бирликлари ўртасидаги қилинадиган молиявий ҳаракатлар (операциялар)ни тушумларга ёки тўловларга киритиш мумкин, улар қайтариладиган ёки қайтарилмайдиган асосида бўлиши мумкин. Кейинчалик, тўловлар қилиш мажбуриятлари белгиланган операциялар (муайян муддати кўрсатилган) шундай мажбуриятларни олдиндан кўзда тутмайдиган операциялардан фарқланади. Активлар ва мажбуриятларни бир йўла пайдо қилувчи барча операциялар ўз навбатида мажбуриятларни тугатиш (бажариш) операцияларини ҳам тақозо этади. Давлат томонидан қарз олишлар (ссуда олиш ёки қимматли қоғозлар чиқариш орқали) ҳамда давлат идоралари томонидан маблағларни кредитлаш қайтариладиган операциялар туркумига киради. Нақд солиқ тўловлари ва нақд пулга товар ва хизматлар хариди кейинчалик тўлов ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди ва шунинг учун улар қайтарилмайдиган операциялар туркумига киради.

Қопланадиган ва қопланмайдиган (беғараз) тушумлар ёки тўловлар. Давлат бошқаруви секторининг кўпгина (барчаси эмас) операцияларини қопланадиган ёки беғараз деб баҳолаб бўлмайди. Қопланадиган операциялар икки ёқлама операция бўлиб, унинг жараёнида бир иқтисодий қиймат бошқасига алмашинади. Бунга давлатнинг хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри даромадлари, ҳамда давлатнинг ҳодимлар меҳнат ҳақини тўлаш учун қилган сарфлари мисол бўлади. Бир ёқлама операция жараёнида операция қатнашчиси бошқа қатнашчига иқтисодий қийматга эга бўлган ниманидир бериб, ўрнига тўғридан-тўғри бадал олмаса, бундай операциялар қопланмайдиган дейилади. Бунга солиқ даромадларининг олиниши яхши мисол бўла олади. Яъна беғараз пул трансфертлари ва тортиқ (совға) қилиш, товар ва хизмат шаклидаги трансфертлар ва совғалар кабилар ҳам киради.

4.1-расм. Молиявий оқимлар таснифи



4.2-расм. Молиявий оқимларни давлатнинг молиявий активлари ҳажмига таъсири

Жорий ва капитал операциялар. Давлат молияси статистикаси тизимида капитал операцияларга асосий капитални сотиб олиш, бериб юбориш, қуриш ёки сотиб юбориш ҳамда асосий капитални ишлаб чиқариш мақсадлари учун товар ва хизматлар хариди билан боғлиқ бўлган операциялар киради. Қийматни сақлаб туриш воситаси сифатида қимматбаҳо нарсаларни сақлаш операциялари, ишлаб чиқарилмаган моддий актив (ер, табиий ўрмон, ер ости бойликлари)лар операциялари, номоддий активлар (масалан патентлар) га оид, ҳамда фавқулотда ва кам учрайдиган операциялар ҳам капитал операциялар таркибига киради. Реал активлар, ер ёки қимматбаҳо товарларни сотиб олиш ёки сотиб юбориш ҳамда реал активларни сотиб олиш учун беғараз маблағларни бериш ёки бошқа трансфертлар қилиш капитал операцияларга мисол бўла олади. Капитал активларни олиш учун олинган тўловлар-капитал трансфертлар расмий (давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан) ва норасмий (нодавлат манбаалардан, хайр-эҳсон сифатида) трансфертлар туркумига ажратилади. Демак, капитал операцияларидан ташқари барча қайтарилмайдиган операциялар жорий операциялар ҳисобланади. Капитал активларга солинадиган солиқларда ташқари бошқа солиқлар жорий операциялар таркибига киради.

Давлат бюджети статистикасида юқоридаги тушунчалардан ташқари молиявий ёки номолиявий активлар, давлат сиёсати ёки ликвидликни бошқариш, кайта баҳолаш

ва активдаги бошқа ўзгаришлар, моддий айланма воситалар захиралари ва асосий капитал истеъмоли, даромадлар ва сарфларни ҳисоблаш ва бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонунида давлат (республика ва маҳаллий) бюджетига алоқадор бўлган 18 та асосий тушунчаларга таърифлар берилган. Булар: бюджети жараёни, бюджет дотацияси, бюджетдан маблағ ажратиш, бюджет профицити, бюджет ссудаси, бюджет субвенцияси, бюджет сўрови, бюджет ташкилотлари, бюджет тақчиллиги, бюджет трансферти, давлат бюджети, давлат ички қарзи, давлат мақсадли жамғармалари, давлат ташқи қарзи, давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш, давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш, давлат қарзи, маҳаллий бюджет, молия йили, накд пул айланиши, республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети. Кўриниб турибдики, турли иқтисодий мазмунли молиявий операцияларга таърифлар берилмаган.

Маълумки, давлат молияси статистикасига доир амалдаги халқаро стандартларда давлат бюджетининг касса ижроси ҳисоби амалга оширилади, аммо миллий ҳисоблар тизимида эса ҳисоб -ҳисобига ёзиш усули, яъни кредиторлик ва дебиторлик қарзлари юзага келиши фурсатидан бошлаб ҳисобга олинади. БМТ нинг МҲТ-93 даги қоидаларига мослаштириш мақсадида ХВФ 1995 йилдан бошлаб қайта кўриб чиқилаётган давлат молияси статистикасининг халқаро стандартларида давлат бюджети статистикасида ҳам ҳисобга ёзиш усулига ўтиш тўғрисида илмий- амалий ишланмалар, тавсияномалар тайёрламоқда. Ўзбекистон Республикаси «Бюджети тизими тўғрисида» ги қонунида (37-модда) «Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади» деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, республикада давлат бюджетининг ҳисоби касса ижроси усулида олиб борилган ва яқин вақтларгача шундай олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети статистикаси ХВФ томонидан тавсия қилинаётган халқаро стандартлардан бошқа жиҳатлари бўйича ҳам бирмунча фарқланмоқда. Булар: давлат бюджетининг даромадлари ва сарф-харажатлари таснифи, бюджетнинг бошқа таснифлари, турли иқтисодий табиатли операцияларни чегаралаш ва ҳисобга олиш; бюджет ва операцияларни консолидация қилиш, бюджетдан ташқари давлат махсус жамғармаларини этиборга олинишида ва бошқа масалаларда ҳам фарқлар мавжуд. Аммо, ХВФнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш йўлида бирмунча ишлар қилинаётганини ҳам эътиборга олиш лозим. Бу ишлар, тадбирлар Давлат дастури (ВМ нинг 24.08.94 даги 433-сонли қарори билан тасдиқланган) да белгиланган ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлар. ХВФ нинг «Давлат молияси статистикаси йилномаси”да (GFSY) ва ҳамда «Халқаро молияси статистикаси» (IFS)нинг ойлик ва йиллик тўпламида Марказий ҳукумат бюджетининг қуйидаги асосий синтетик кўрсаткичлари эълон қилинади:

1. Жаъми даромадлар ва грантлар
6. Жаъми сарф-харажатлар ва соф кредитлаш
15. Жаъми тақчиллик (дефицит) ёки профицит
17. 18. Ички ва ташқи молиялаштириш. Давлат кредити (ички ва ташқи)

Бунда 2, 3, 4, 5, 7… кўрсатилмаган рақамлар синтетик кўрсаткичлар таркибини

билдирувчи кўрсаткичларни тартиб рақамларидир. Бу кўрсаткичлар мутлақ (миллий валютада, амалдаги баҳоларда) ва нисбий (ЯИМга нисбатан, % ҳисобида) шаклда ифодаланади

Бюджет йили - молия йили Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидагидек-календар (01 январдан 31 декабргача) йилига тенгдир. Аммо баъзи бир мамлакатлар статистикасида молия ва календар йиллари мос тушмайди. Масалан Канада, Исроилда (1991 йилгача), Индонезия, Ҳиндистон ва бошқаларда молия йили 1 апрелдан, Эронда 21 мартдан, Австралия, Бангладеш ва Мисрда 1 июлдан бошланади.

Олдинроқ (шу бобда) қайд қилинганидек, ХВФ давлат молияси статистика тизимини МҲТ-93 билан уйғунлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқиш ишларини 1995 йилдан бошлаб юборди. Шунга кўра амалдаги халқаро стандартлар (бюджет классификациялари, асосий кўрсаткичлари ва бошқа жиҳатлари) ига ўзгартиришлар киритиш ишларини олиб бормоқда. Бу ўринда проф. Ю.Иванов таклиф этаётган давлат молияси (асоси – давлат бюджети)нинг асосий кўрсаткичлари схемасини асос қилиб олиш мумкин (схемага қаранг). Бу схема 4 қисмдан иборатдир: капиталнинг соф қийматига таъсир этувчи операциялар; капитал билан қилинадиган операциялар; соф кредитлаш (соф қарз олиш); молия активлари ва мажбуриятлари билан операциялар (молиялаштириш). Бўлимлардаги баъзи бир калит кўрсаткичларни мазмунини очишга эътибор берамиз.

Давлат молияси статистикаси асосий кўрсаткичлари схемаси

I. Капитални соф қийматига таъсир этувчи операциялар

А. Давлат бошқаруви секторининг даромадлари**:**

Солиқлар

Социал суғуртага бадаллар

Грантлар (расмий трансфертлар):

Жорий грантлар

Капитал грантлар

Бошқа даромадлар:

Бошқа жорий даромадлар

Бошқа капитал даромадлар

Б. Давлат бошқаруви секторининг сарфлари:

Меҳнат ҳақи

Товар ва хизматлардан фойдаланиш

Фоиз (процент) тўловлари

Грантлар (тўланганлари)

Жорий грантлар

Капитал грантлар

Социал мақсадларга тўловлар

Бошқа даромадлар:

Бошқа жорий сарфлар

Бошқа капитал сарфлар

Даромадлар ва сарфлар операциялари бўйича ялпи сальдо(даромадлар минус

сарфлар)

Асосий капитал истеъмоли.

Даромадлар ва сарфлар бўйича операцияларнинг соф сальдоси (ялпи сальдо минус асосий капитал истеъмоли).

II. Капитал билан операциялар

Сотиб олинган соф капитал активлари

Асосий капитал

Моддий айланма воситалари

Ишлаб чиқарилмаган активлар, қимматбаҳо буюмлар.

III. Соф кредитлаш (даромадлар ва сарфлар операцияларнинг соф сальдоси минус сотиб олинган соф капитал активлар).

IV. Молия активлари ва мажбуриятлари билан операциялар (молиялаштириш):

Иқтисодий сиёсат мақсадлари учун сотиб олинган соф молия активлари.

Соф кредитлаш минус иқтисодий мақсадлари учун сотиб олинган соф молия активлари.

Ликвидликни бошқариш мақсадлари учун сотиб олинган молия активлари.

Қабул қилинган соф мажбуриятлар: ички ва ташқи

Даромадлар - у ёки бу фаолият натижасида олинадиган пул ёки бошқа иқтисодий қийматлар. Бу ўринда давлат бошқаруви секторининг фаолияти натижасида олинган даромадлар: давлат бюджетининг даромадлари ва бошқа даромадлардан иборатдир. Давлат бюджетининг даромадлари-бюджетининг барча бўғинлари учун мобилизация қилинадиган солиқ ва носолиқ даромадлардир. Солиқ даромадлари Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг асосий (2007 йилда 72,5 %) қисмини ташкил этади. Улар иқтисодий агентлар (юридик ва жисмоний шахслар)дан мажбурий, қопланмайдиган ва қайтарилмайдиган ҳолда, тўлаш миқдори ва муддати қонунда олдиндан белгиланган, тушумлардир. Давлат томонидан давлат бюджетини барча бўғинлари даромад қисмини вужудга келтиришда қўллайдиган комплекс (уйғунлашган) тадбирлари давлатнинг солиқ (баъзида фискал) сиёсати дейилади. Солиқ сиёсатини ўтказишнинг инструментлари (воситалари, йўллари) арсеналига солиқ тизими дейилади. Бу воситалар, йўллар 4 гуруҳга ажратилиши мумкин: солиққа тортиш базасини белгилаш (солиқ турлари); солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқларни ундириш ва бюджетлараро тақсимлаш усуллари. Солиқлар фискал вазифани бажариши билан бирга тартиблаштириш функцияларини ҳам бажаради. Иқтисодиётда солиқ юкламасини баҳолашда консолидирлаштирилган (йиғма) давлат бюджетининг даромадини ялпи миллий даромаддаги (ЯМД) салмоғи олинади. Бунда давлат бюджетининг барча бўғинлари ва давлат нобюджет (махсус) жамғармалари ҳам эътиборга олинади. Солиққа тортиш базасини белгилаш усулига қараб барча солиқлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга таснифланади. Тўғри солиқларда иқтисодий агентларнинг даромади ва мулкининг қийматига тўппадан-тўғри солиқ солинади. Бундай солиқларга: фойда солиғи, даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар киради. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари таркибида тўғри солиқлар (мулк солиқлари ва ресурс тўловлари билан бирга)нинг салмоғи 42,2 % ни ташкил этади (2007 йил). Товар ва хизматлар баҳосидан олинадиган солиқларга эгри солиқлар (акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, божхона божи ва бощқалар) дейилади. Уларнинг салмоғи давлат

бюджети даромадларида 48,6% ни ташкил этади. Эгри солиқларни баъзан «солиқ оклади» ҳам дейилади. Тўғри солиқларнинг махсус, алоҳида тури-бу давлат махсус жамғармаларига мажбурий тўловларидир (пенсия, бандлик, йўл ва бошқа жамғармалар).

Ўзбекистон Республикасида (бошқа мамлакатларда ҳам) солиқлар, статистикада умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлари ҳолида ҳам таснифланади. Умумдавлат солиқ ва йиғимлар Республика бюджетига, ажратмалар ва субсидия тарзида маҳаллий бюджетларига тушиши мумкин. Умумдавлат солиғлари ва йиғимлари туркумига: юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, барча ресурс тўловлари (ер солиғидан ташқари), барча эгри солиқлар (ҚҚС, акциялар, божхона божлари), жарималар ва бошқалар киради. Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини вужудга келтиришда мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқа йиғимлар киради. Бу масалани яънада чуқурроқ ўрганиш учун махсус фанларга ва ҳамда «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг 11,15,18,20-моддаларига мурожаат қилиш мумкин. Носолиқ даромадлари туркумига мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, маъмурий йиғимлар ва тўловлар, жарима ва санкция, ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлар, давлат нобюджет жамғармалари ва бошқа носолиқ даромадлари киради. Барча турдаги солиқ ва носолиқ даромадлари жорий даромадлар таркибидадир. Бундан ташқари капитал даромадлар (асосий капитал, давлат заҳиралари ва товарлари, ер ва номоддий активларни сотишдан олинадиган даромадлар, нодавлат манбаларидан капитал трансфертлар) давлат бюджетининг даромад қисмида алоҳида кўрсатилади.

Грантлар. «Грант» атамаси ингилизчадан ҳадя, инъом, хайр-саҳоват, эҳсон, дотация, субвенция, репарация маъноларини англатади. Молия статистикасида грантлар-қайтарилмайдиган, беғараз (қопланмайдиган), мажбурий бўлмаган (мунтазам бўлмаган, бирйўла субвенция, ҳайр-эҳсон, репарация туридаги) тушумлардир. Грантлар давлат бошқаруви секторининг бошқа муассасалари, миллий иқтисодиётнинг бошқа секторлари (резидентлар) ва хориж давлатлари, хусусий кишилари ва жамоа ташкилотлари ҳамда ҳалқаро ташкилотлар (норезидентлар) томонидан берилиши мумкин. Бу турдаги тушумлар давлат бюджети дефицитини камайтиради, аммо дефицитни молиялаштирмайди. Шунинг учун ХВФ тавсиясига кўра грантлар бюджетнинг «даромадлар» категориясига, алоҳида қаторда кўрсатилган ҳолда қўшилади. IFS нинг маълумотларига қараганда жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари давлат бюджетини даромадлари таркибида «олинган грантлар» мавжуд (Австрия, Бельгия, Бразилия, Болгария, Бурунди, Канада, Кипр, Дания, Миср, Эфиопия, Финландия, Ҳиндистон, кичик хажимда эса: Германия, Люксембург, Голландия, Туркия, Швеция ва бошқаларда). Давлат бюджетида «олинган грантлар» умуман бўлмаган мамлакатлар ҳам мавжуд. Булар: АҚШ, Австралия, Чили, Индонезия, Италия, Ж. Корея, Перу, Сингапур, Мексика ва бошқалар. Олинган грантлар: расмий (давлат манбаларидан, халқаро ташкилотлардан), норасмий (нодавлат манбаларидан); жорий ва капитал туркумига ҳам ажратилади.

Давлат бюджетининг сарфлари. Давлат бюджети барча бўғинларининг даромад қисмида йиғилган барча даромадларни, аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳолда қилинадиган давлат сарфлари ҳисобланади. Бу сарфлар (харажатлар эмас)

қайтарилмайдиган, яъни молиявий мажбуриятларни пайдо қилиниши ёки узилиши (тўланиши) билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қопланадиган ёки қопланмайдиган тарзда амалга оширилади. Бу сарфлар жорий ва капитал мақсадларига йўналтирилган бўлиши мумкин. Давлат бошқаруви секторининг бошқа идораларига ўтказилган трансфертлар, тўланган грантлар (жорий ва капитал) сарфлар таркибига, алоҳида қаторларда кўрсатилган ҳолда, киритилади.

Жорий сарфлар. Давлат бюджети сарфларининг салмоқли қисмидир. Бюджет тизимининг барча бўғинлари томонидан давлат бошқаруви секторининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун, ҳамда бюджетнинг бошқа бўғинлари ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари (соҳа, тармоқ, блок)ни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган сарфлардир.

Капитал сарфлар. Давлат бюджети сарфининг қисми бўлиб инновация ва инвестиция фаолиятини таъминлашга қаратилган сарфлар. Бу сарфлар асосий капитал, заҳиралар, ер, номоддий активлар, қимматбаҳо буюмлар сотиб олишга қаратилган сарфларни, ҳамда бошқа капитал сарфларни ўз ичига олади. Ҳарбий қурилиш мақсадларига ва ҳарбий техникани сотиб олиш сарфлари капитал сарфлар таркибига киритилмайди.

Кредит олиш минус қарзни тўланиши (соф кредит олиш) ХВФнинг амалдаги стандартларида давлат бюджетининг сарфлари таркибига соф кредит олиш ҳам киритилади ва бюджетнинг сальдоси (дефицити ёки профицити)ини ҳисоблашда эътиборга олинади. Давлат бюджетининг сальдоси (давлат даромадлари+грантлар)-(давлат сарфлари + соф кредит олиш). Агар сальдо мусбат бўлса давлат бюджети-фаол бюджет, манфий бўлса-дифицитли бюджет дейилади.

Хукумат ва иқтисодий тизимнинг фаолиятига муҳим тавсифни йиғма ҳолда беришда давлат бюджетининг сальдосини абсалют суммаси ва нисбати даражаси ЯИМ ёки ЯМД га нисбатан ҳисобланган кўрсаткичидан фойдаланилади.

Маълумки, давлат бюджетининг дефицити (профицити) молиялаштирилади, молиялаштириш ҳажми дефицит (профицит)нинг тескари ишорадаги ҳажмига тенг. Молиялаштириш манбалари (ички ва ташқи) кейинги параграфда кўрилади. Давлат бюджети дефицитининг йиғилган суммаси-давлат кредитидир (қарзидир). У давлат бошқаруви секторининг миллий иқтисодиётнинг бошқа секторлари (резидентлар) ва хориж давлатлари, халқаро ташкилотлар ва бошқалар (норезидентлар) олдидаги расмий эътироф этилган, қопланмаган мажбуриятларидир. Бу қарзлар кейинчалик тўланиши зарур ёки ўзаро келишувларга мувофиқ муддатсиз қарзлар сифатида қайта расмийлаштирилиши мумкин. Баъзан, қисман ёки тўлалигича, баъзи бир қарзлардан воз кечилиши ҳам мумкин. Давлат бошқаруви сектородаги кичик секторларнинг ўзаро қарзлари, статистикада алоҳида ўрганилишига қарамасдан, давлат қарзлари таркибига (кредитга) киритилмайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ижросини назорат қилишни Молия вазирлиги ва унинг худудий молия органлари амалга оширади. Бунинг учун турли даражадаги бюджетларга маблағларни тушуши тўғрисида солиқ, божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органларидан ҳисоботлар олинади. Бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратилган маблағларни тушуми ва сарфланиши тўғрисида ҳисоботлар тушади, банклардан эса бюджет маблағларининг харакати тўғрисида маълумотлар олинади. Давлат

бюджетининг ижроси тўғрисида умумлаштирилган якуний маълумотлар, Молия вазирлиги тақдими асосида, Вазирлар маҳкамасида, йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги статистика маълумотлари назорат функциясини бажаради. Улар орқали давлат фаолиятининг молиявий асоси-даромадлар, умумдавлат эҳтиёжларини қондирилиши-сарфлар бўйича қонунда кўзда тутилган мақсадларни бажарилиши ўрганилиб борилади. Бунинг учун давлат ва нодавлат молия назорати ишлари олиб борилади. Бунда молия назоратининг шакллари ва усуллари кенг қўлланилади.

4.4. Давлат бюджети кўрсаткичларининг статистик таҳлили

Республика давлат бюджети статистикаси кўрсаткичлари бюджет даромадлари; бюджет харажатлари; бюджетни молиялаштириш кўрсаткичлари; давлат қарзи; бюджет муассасалари сони ва штатлари кўрсаткичлари; бюджетдан ташқари фондлар кўрсаткичларидан ташкил топади.

Давлат бюджетининг даромадлари турли белгиларга кўра таснифланади. Ҳозирги вақтда уларни тўрт асосий белгисига кўра таснифлаш кенг қўлланилади.

Давлат бюджетининг даромадлари ташкил топиш манбаларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) юридик шахслардан олинадиган солиқлар;

б) аҳолидан олинадиган солиқлар;

в) ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган даромадлар;

г) банк тизимининг кредитлари;

д) давлат мулкини сотишдан олинган даромадлар;

е) хорижий мамлакатлардан ва халқаро ташкилотлардан олинган кредитлар ва молиявий ёрдамлар;

ё) бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг даромадлар ундириш усулига кўра 2га бўлинади:

а) солиқли даромадлар;

б) солиўсиз даромадлар.

Давлат бюджетининг даромадлари солиқ турларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

а) корхоналар даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ;

б) жисмоний шахслардан олинадиган солиғи;

в) қўшилган қиймат солиғи;

г) акциз;

д) экология солиғи;

е) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

ё) ер ости бойликларидан фойдланганлик учун солиқ;

ж) мол-мулк солиғи;

з) ер солиғи ва бошқа солиқлар.

Давлат бюджетининг даромадлари мамлакатнинг давлат қурилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Унитар давлатларда:

а) марказий бюджетнинг даромадлари;
б) маҳаллий бюджетларнинг даромадлари.
2. Федерал давлатларда:
а) марказий бюджетнинг даромадлари;
б) субъектларнинг даромадлари;
в) маҳаллий бюджетларнинг даромадлари.

4.3-расм. Халқаро молия статистикаси бўйича давлат бюджети даромадлари ва олинган расмий трансфертлар

Давлат бюджети даромадлари классификацияси Ўзбекистонда ҳам халқаро стандартларга деярли мослаштирилган ва қуйидагиларга бўлинади (4.3-расм).

Давлат бюджети даромадлари жорий ва капитал турларга бўлинади.

Жорий даромадлар солиқли ва солиқсиз даромадлардан ташкил топади.

Солиқли даромадлар – бу, давлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат органлари томонидан ундириб олинадиган мажбурий, қопланмайдиган, қайтарилмайдиган тўловлардир. Солиқ тушумларига фискал, импорт ва экспорт монополиялари томонидан ўтказиладиган фойда, акциз типидаги даромадлар, солиқ қонунчилигини бузгани учун тўланган жарима, пенсиялар ҳам киритилади.

Солиққа тортишнинг иқтисодий характерига асосланган бюджет тушумлари таснифидан бозор тизими учун фойдаланиш жуда муҳим, чунки иқтисодий

соҳадаги ўзгаришлар тушумларга таъсир ўтказади, солиқлар эса солиқ олинадиган операцияларга сезиларли даражада таъсир қилади.

Жорий солиқсиз даромадлар – бу қопланадиган, лекин қайтарилмайдиган тушумлар (мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад, маъмурий йиғимлар ва тўловлар, нотижорат ва ёрдамчи сотишлардан олинган даромад) ва айрим қопланмайдиган, қайтарилмайдиган тушумлар (жарималар – солиқ қонунчилигини бузиш билан боғлиқ бўлмаган), жорий шахсий садақалардир.

Расмий трансфертлар – бу, қопланмайдиган, қайтарилмайдиган номажбурий тушумлардир. Улар субвенция, совғалар, репариция шаклида ва бир пайтли, нодоимий, ихтиёрий бўлади.

Капитал даромадлар – бу, капитал активларни сотишдан (асосий фондлар, давлат захиралари ва фойдаланилмаётган омиллар, ер) олинган даромадлар ҳамда нодавлат манбалардан капитал трансфертлардир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари солиқлар, ресурс тўловлари, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа солиқ ва тушумлардан ташкил топади (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари динамикаси (млрд.сўм.)

Даромад турлари	2000й.	2003й.	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.
Жами даромадлар	911,8	2342,0	2621,3	3310,9	4042,5	5101,0
Шу жумладан:						
Бевосита солиқлар – жами	240,7	616,9	714,1	865,8	1045,9	1219,6
– юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи	118,5	210,5	182,2	209,3	218,9	261,7
– савдо ва умумовқатланиш корхонала-рининг ялпи даромад солиғи	–	–	75,5	67,0	73,0	110,8
– КК ва МФ учун ягона солиқ	–	86,7	85,8	80,8	95,5	103,9
– жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	105,8	288,3	334,2	465,6	603,5	689,0
– тадбиркорлар даромадидан олинади-ган белгиланган солиқ	16,4	31,4	36,4	43,1	55,0	54,2
Билвосита солиқлар – жами	510,6	1353,8	1532,9	1627,9	1986,7	2478,2
– қўшилган қиймат солиғи	227,0	535,8	604,2	748,9	1017,4	1261,7
– акциз солиғи	260,8	693,6	751,6	692,6	760,6	915,7
– божхона тўловлари	10,9	41,0	60,7	66,2	86,7	116,2
– жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови	11,9	45,1	68,2	56,9	45,9	73,4
– жисмоний шахсларнинг ёқилғи солиғи	–	38,3	48,2	63,3	76,1	111,2
Ресурс тўловлари – жами	90,3	222,3	260,1	629,8	768,2	931,8
– мулк солиғи	28,3	71,4	74,3	109,1	142,6	191,4
– ер солиғи	29,2	51,4	76,2	87,4	138,5	180,3
– ер-русурслардан фойдалангани учун солиқ	10,9	29,8	43,2	333,9	465,7	531,0
– сув ресурслардан фойдалангани учун солиқ	4,6					
– экология солиғи		8,9	12,2	13,3	21,4	29,1
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	17,3	60,8	54,2	86,1	–	–
Бошқа солиқ ва тушумлар	9,1	40,7	45,8	52,2	69,6	112,1
	61,1	108,3	68,4	135,2	172,1	359,3

Бевосита солиқлар суммаси 2007 йилга келиб 1219,6 млрд.сўмни ташкил қилган ва у 2000 йилга нисбатан 5,1 марта ошган. Билвосита солиқлар бўйича эса тегишли равишда – 2478,2 ва 4,9. Жами даромадларда солиқлар ҳиссаси 2007 йилда 72,5%ни ташкил қилди, бу эса 2000 йилга нисбатан 9,5 пунктга

пасайганлигини билдиради. Мулк солиғи, ер солиғи, сув, экология ва бошқа ресурс тўловлари суммаси 2000-2007 йилларда 10,3 мартага ошган ва 2007 йилга келиб 931,8 млрд.сўмни ташкил қилган. Уларнинг ҳиссаси эса 9,9%дан 18,3%га етди ёки 8,4 пунктга ошди. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси таҳлил қиладиган даврда 12,3 марта ошган, унинг умумий даромадлардаги ҳиссаси эса бир фоиздан 2,2%га, яъни бир пунктга ортган. Солиқлар суммасининг ўзгариши билан бир қаторда уларнинг таркибида анча ўзгаришлар рўй берган. Масалан, солиқлар ҳиссаси (82,4 % - 2000 йилда) пасайган (72,5 – 2007 йилда). Ресурс тўловлари ҳиссаси эса деярли икки баробар ошган. Ижтимоий инфротузилмани ривожлантириш ва бошқа солиқларнинг улуши бўйича ҳам тенденция характерига эга.

Давлат бюджети харажатларининг таснифи қуйидаги белгилар бўйича амалга оширилади: функционал тайинланиши; иқтисодий тайинланиши; идоравий тайинланиши.

Ўзбекистон Республикасида харажатларнинг қуйидаги функционал таснифи амалда: умумдавлат харажатлари; миллий хавфсизлик; ҳуқуқ ва хавфсизликни таъминлаш; миллий иқтисодиёт; атроф-муҳитни ҳимояси; турар-жой ва комунал хизматлар; соғлиқни сақлаш; жисмоний тарбия, спорт ва маданият; маориф, социал сиёсат.

Иқтисодий тайинланиши бўйича бюджет харажатлри жорий ва капитал харажатларга бўлинади.

Бюджет харжатларини йўналтирилишига қараб моддий ишлаб чиқаришни ва номоддий соҳани ушлаб туриш ва ривожлантрииш харажатларига бўлиниши мумкин.

4.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг харажатлари динамикаси (млн.сўм)

Кўрсаткичлар		2003й.	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.
А. Давлат мақсадли жамғармаларисиз жами харажатлар:		2376943,9	2743230,1	3464107,1	4313522,2	5334229,1
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш. Жами:		1082308,3	1305416,5	1738908,7	2255348,9	2885724,0
1.1	Маориф	623041,1	753361,2	991502,9	1359356,7	1764040,4
1.2	Соғлиқни сақлаш	228708,5	282213,3	377846,9	494675,1	636085,1
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	45852	51291,5	58381,6	66179,7	71502,5
1.4	Фан	5473	18882,3	17931,4	22549,3	28923,2
1.5	Ижтимоий таъминот	9519,5	10791,5	13873,2	16872,4	20688,4
1.6	Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этадиган ҳизматлар нархидаги фарқни қоплаш	31900	21740,5	15979,9	13160,9	14463,8
1.7	Болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	137814,2	167136,2	262392,8	282554,8	350020,6
2. Иқтисодиётга ва марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар		622250,2	667022,5	804254,6	952666,1	1103381,6
3. Давлат ҳокимияти бошқарув органлари ва суд органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари харажатлари		58657,7	69933,4	95085,7	115963,0	157862,3
4. Бошқа харажатлар		613727,7	700857,7	825858,1	989544,2	1187261,2
Б. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълимининг жамғармаси харажатлари				146007,1	261855,1	364550,0
В. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари		804003,4	936386,6	1274001,1	1623906,9	2165915,5
Жами харажатлари		3180947,3	3679616,7	4884115,3	6199284,1	7864694,6

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар 3 гурухга бўлинади (4.2-жадвал): ижтимоий соха ва ахолини қўллаб-қувватлаш; иқтисодиётга ва марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар; давлат хокимияти ва бошқарув органлари ва суд органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари харажатлари; Молия Вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълимининг жамғармаси харажатлари; давлатнинг мақсадли жамғармаларининг харажатлари ва бошқа харажатларга бўлинади. Таҳлил қилинадиган даврда давлатнинг мақсадли жамғармаларисиз харажатлар суммаси 2,2 марта ошган бўлса, мақсадли жамғармалар бўйича харажатлар 2,7 марта ошган, жами харажатлар эса 2,5 баробарга ошиб 2007 йилда 7864694,6 млн. сўмга етган. 4.2-жадвал маълумотлари асосида барча харажатлар суммаси ичида рўй берган таркибий силжишларни ҳисоблаш мумкин. Масалан, икки катта гурух (давлатни мақсадли жамғармаларисиз харажатлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларининг харажатлари) ўртасидаги нисбат қуйидагича: 2003 йилда биринчи гурух харажатларининг хиссаси 74,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 67,8%ни ташкил қилган ёки 6,9 пунктга пасайган, маорифга ва солиғлиқни сақлашга йўналтириладиган харажатларни жами харажатлардаги ҳиссаси ошишини ижобий баҳолаш мумкин. Масалан, 5 йилда маорифга йўналтирилган харажатларнинг ҳиссаси 2,5 пунктга ошган.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини тахлил қилиш уларни нисбатини ўрганиш билан давом эттирилади.

Маълумки, ҳар қандай балансга ўхшаган давлат бюджетида ҳам харажатлар ва даромадларни тенглигига риоя қилиш керак. Афсуски бу фақат назарияда, амалиётда эса бунга доимо эришиб бўлмайди. Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмларининг боғлиқлигини ўрганиш мақсадида давлат бюджети сальдоси ва бюджет дифицитини (профицитини) нисбий даражси кўрсаткичлари хисобланилади.

Давлат бюджети сальдоси даромадлари (D) ва харажатларнинг (X) фарқи билан ҳисобланади:

$$S = D - X$$

Агарда давлат бюджетининг сальдоси ижобий бўлса, бюджет профицитли дейилади ва тескариси, агарда салбий бўлса – дифицитли. Айрим адабиётларда профицит ва дифицит терминлари актив ва пассив сальдо сўзи билан алмаштирилади. Бу хато эмас.

Халқаро таққослашларда давлат бюджетининг дифицити мутлоқ миқдорларда эмас, нисбий даража орқали баҳоланади.

Бюджет дифицитини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

Фискал ва пул сиёсатининг самарадорлиги баҳолаш ҳамда оператив мақсадлар учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$Y = \frac{D - P}{P} \cdot 100$$

Давлат бюджети дифицити даражаси бюджет сальдоси суммасини ялпи ички махсулотга нисбати билан ҳам аниқланади, яъни қуйидаги формула билан:

$$Y = \frac{D - P}{ЯИМ} \cdot 100$$

Халқаро валюта фондини давлат бюджети дифицитини қуйидаги формула билан ҳисобалшни тавсия этади:

$$\Delta = (\text{ДД} + \text{Дотация}) - (ДХ + \Delta к)$$

бу ерда: *Δ* – дифицит суммаси; *ДД* – давлат даромадлари; *ДХ* – давлат харажатлари; *Δк* – берилган ва қопланган кредит фарқи.

Ялпи ички махсулотга нисбатан ҳисобланган дифицит даражаси 3%дан ошмаса, мамлакат иқтисодиётининг холати қониқарли ҳисобланилади. Европа иттифоқига киришда ушбу қоидага риоя қилишади. Масалан, валюта иттифоқига давлат бюджети дифицити 3% ошмаган мамлакатлар киритилади.

Давлат бюджети динамикасини ўрганиш статистиканинг муҳим вазифаларидан бири. Бюджет даромадлари ва харажатлари динамикасини ўрганишда динамика нисбий миқдоридан ва динамика қаторининг аналитик ва ўртача кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари динамикасини характерловчи аналитик кўрсаткичлар 4.3-жадвалда келтирилган.

4.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг
даромадлари динамикаси кўрсаткичлари

Йиллар	Даромад, млрд.сўм	Мутлақ ўзгариш, млн.сўм		Ўзгариш суръати, %		Қўшимча ўзгариш суръати, %	
		2000й.га нисбатан	Ўзидан олдинги йилга нисбатан	2000й.га нисбатан	Ўзидан олдинги йилга нисбатан	2000й.га нисбатан	Ўзидан олдинги йилга нисбатан
2000	910,9	-	-	100,0	-	-	-
2001	1266,9	356,0	356,0	139,1	139,1	39,1	39,1
2002	1864,2	953,3	597,3	204,7	147,1	104,7	47,1
2003	2342,1	1431,2	477,9	257,1	125,6	157,1	25,6
2004	2742,0	1831,1	399,9	310,0	117,1	210,0	17,1
2005	3310,9	2400,0	568,9	363,5	120,7	263,5	20,7
2006	4042,5	3131,6	731,6	443,8	122,1	343,8	22,1
2007	5100,9	4190,0	1058,4	560,0	126,2	460,0	26,2

4.3-жадвал маълумотларининг гувоҳлигича республикада бюджет даромадлари кейинги 8 йилда юқори даражаларда ошиб борган ва ўсиш тенденциясига эга. Масалан, 2007 йилда 2000 йилга нисбатан бюджет даромадлари 4,2 млрд. сўмга ёки 4,6 марта ошган. Бу кўрсаткич базис усулида хисоблаганда жуда юқори даражаларга эришилгандай туюлади. Аслида эса, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши 2003 йилдан бошлаб стабил ривожланиш тенденциясига эга. Масалан, 2003-2007 йилларда қўшимча ўзгариш суръати деярли бир хил даражада ушланиб келинмоқда.

Ўртача йиллик мутлоқ ўзгариш қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\overline{\Delta}_y = \frac{Y_i - Y_{i-1}}{n} = \frac{356{,}0 + 597{,}3 + 477{,}9 + 399{,}9 + 568{,}9 + 731{,}6 + 1058{,}4}{7} = \frac{4190{,}0}{7} = 598{,}6 млрд.сўм.$$

Ўртача йиллик ўзгариш суръати ўртача геометрик формула билан хисобланади:

$$\overline{T} = \sqrt[n-1]{\frac{y_n}{y_0}} = \sqrt[8-1]{\frac{5100,9}{910,9}} = \sqrt[7]{5,5998} = 1,0135 \quad ёки \quad 101,35\%.$$

ёки

$$\overline{T} = \sqrt[n]{R_1 \times R_2 \times ... \times R_n} = \sqrt[7]{1,391 \times 1,471 \times 1,256 \times 1,171 \times 1,207 \times 1,221 \times 1,262} = \sqrt[7]{5,5998} =$$

$$= 1,0135 \quad ёки \quad 101,35\%.$$

Бу дегани, ўрганилаётган даврда (2000-2007 йил) давлат бюджетининг даромадлари ҳар йили ўртача 598,6 млрд. сўмдан ошиб борган ёки 101,35%. Ушбу кўрсаткичлар давлат бюджетининг истиқболидаги прогнозини тузишда ишлатилиши мумкин. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари билан макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ҳаммага маълум. Мана шу боғлиқликни ўрганишда молия статистикасида параллел қаторлардан, нисбий миқдорлардан, корреляцион-регрецион таҳлил, индекс ва бошқа методлардан фойдаланилади.

Давлат бюджети даромадлари ва ялпи ички махсулот суммаси бўйича параллел қаторларини тузиб, улар ўртасидани боғлиқликни эластиклик коэффициенти орқали баҳолаш мумкин (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва бюджет эластиклиги коэффициентлари

Кўрсаткичлар	2003й.	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.
1. ЯИМ қўшимча ўзгариш суръати (занжирсимон усулда), %	32,0	23,9	30,6	31,7	32,2
2. Бюджет даромадларининг қўшимча ўзгариш суръати (занжирсимон усулда), %	25,6	17,1	20,7	22,1	26,2
3. Эластиклик коэффициентлари	0,80	0,72	0,68	0,70	0,81

4.4-жадвал маълумотларининг гувохалашича 2003-2007 йилларда бюджет даромадларининг қўшимча ўсиш суръати ялпи ички махсулот бўйича қўшимча ўсиш суръатидан паст. Бу улар ўртасидаги боғлиқлик яхши эмаслигидан далолатдир. Ушбу боғлиқликка баҳо бериш учун эластиклик коэффициенти хисобланилади:

$$K_{эл} = \frac{\Delta y}{\Delta x}$$

бу ерда: Δу – давлат бюджети даромадларининг қўшимча ўсиш суръати; Δх – ялпи ички махсулотнинг қўшимча ўсиш суръати.

Эластиклик коэффициенти ялпи ички махсулотни бир пунктга ўсишида давлат бюджети даромадлари қанча пунктга (бизнинг мисолда фоизга) ўсишини кўрсатади. Масалан, 2003 йилда ялпи ички махсулот бир фоизга ўсиши билан давлат бюджети даромадлари 0,8 фоизга ортади, 2007 йилда эса – 0,81%.

Индекс методи ёрдамида давлат бюджети даромадлари даражаси ва макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлигини ўрганишга тўхталамиз.

Давлат бюджетининг даромадлари даражасига ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматлар хажмининг ўзгариши, ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматларда ялпи ички махсулот хиссасининг ўзгариши, ялпи ички махсулот ва миллий махсулот нисбатининг ўзгариши, ялпи миллий махсулотда фойдаланилган миллий даромад хиссасининг ўзгариши, фойдаланилган миллий даромадда давлат бюджети даромадлари ҳиссасининг ўзгариши таъсир қилади.

Агарда давлат бюджети даромадларининг бошланғич даражасини Y_0 билан, юқорида санаб ўтилган омилларни – Ja, Jб, Jв, Jг, Jд билан белгиласак, даромадларнинг шу омилларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги даражаси қуйидагича ҳисобланади:

$$Y_1а = Y_0 \cdot Ja$$
$$Y_1аб = Y_1а \cdot Jб$$
$$Y_1абв = Y_1аб \cdot Jв$$
$$Y_1абвг = Y_1абв \cdot Jг$$
$$Y_1абвгд = Y_1абвг \cdot Jд$$

Бу тенгликлардан фойдаланиб, айрим омиллар ҳисобидан давлат бюджети даромадларининг ўзгаришини қуйидаги формулалар билан аниқлаймиз:

$$\Delta Yа = Y_1а - Y_0$$
$$\Delta Yб = Y_1аб - Y_1а$$
$$\Delta Yв = Y_1абв - Y_1аб$$
$$\Delta Yг = Y_1абвг - Y_1абв$$
$$\Delta Yд = Y_1абвгд - Y_1абвг$$

Шундай қилиб, бюджет даромадларининг умумий мутлақ ўзгариши тенг:

$$\Delta Y = \Delta Yа + \Delta Yб + \Delta Yв + \Delta Yг + \Delta уд$$

4.5-жадвал

Республика халқ хўжалигининг ривожланиши кўрсаткичлари
(млрд.сўм; рақамлар шартли).

Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
Ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган ҳизматлар	5430	4743
Ялпи ички махсулот	2859	2547
Ялпи миллий махсулот	2760	2481
Фойдаланилган миллий даромад	2178	1989
Давлат бюджетининг даромадлари	822	846

Давлат бюджети даромадлари даражасининг ўзгаришини ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматлар хажмининг ўзгариши, ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматларда ялпи ички махсулот хиссасининг ўзгариши, ялпи миллий ва ички махсулот нисбатининг ўзгариши, ялпи миллий махсулотда фойдаланилган миллий даромад хиссасининг ўзгариши, миллий даромадда давлат бюджети даромадлари хиссасининг ўзгариши ҳисобидан ўзгаришини аниқланг.

Давлат бюджети даромадлари даражасини омиллар ҳисобидан ўзгаришини ҳисоблаш учун қуйидаги ёрдамчи жадвални тузамиз (жадвалсиз ҳам ҳисоблаш

мумкин):

4.6-жадвал

Индекс модели омилларини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Ўтган давр	Жорий давр	Индекслар
Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳизматлар, млрд.сўм.	А	5430	4743	0,8735
Ялпи ички махсулотни ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳизматлардаги ҳиссаси	Б	0,5265	0,5370	1,0199
Ялпи миллий ва ички маҳсулот нисбати	В	0,9654	0,9741	1,0090
Фойдаланилган миллий даромадни миллий маҳсулотдаги ҳиссаси	Г	0,7891	0,8017	1,0159
Давлат бюджети даромадини миллий даромадга ҳиссаси	Д	0,3774	0,4253	1,1269

4.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биринчи омилдан ташқари барча омиллар давлат бюджетининг даромадлар суммасининг ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Юқорида келтирилган формулалардан фойдаланиб омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда жорий давр учун давлат бюджети даромадлари суммасини аниқлаймиз.

1. Ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган ҳизматлар:

$$Y_1а = Y_0 \cdot Ja = 822 \cdot 0,8735 = 718,0 \text{ млрд.сўм}$$

2. Биринчи ва иккинчи омилларнинг таъсири:

$$Y_1аб = Y_1а \cdot Jб = 718,0 \cdot 1,0199 = 732,29 \text{ млрд.сўм}$$

3. Биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг таъсири:

$$Y_1абв = Y_1аб \cdot Jв = 732,29 \cdot 1,009 = 738,89 \text{ млрд.сўм}$$

4. Биринчи тўрт омилнинг таъсири:

$$Y_1абвг = Y_1абв \cdot Jг = 738,89 \cdot 1,0159 = 750,64 \text{ млрд.сўм}$$

5. Барча омилларнинг таъсири:

$$Y_1абвгд = Y_1абвг \cdot Jд = 750,64 \cdot 1,1269 = 845,88 \text{ млрд.сўм}$$

Энди давлат бюджети даромадларини омиллар ҳисобидан мутлақ ўзгаришини ҳисоблаймиз:

1. Ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматлар:
$$Ya = Y_1а – Y_0 = 718,0 – 822,0 = -104,0 \text{ млрд.сўм.}$$
2. Ялпи ички махсулотнинг ялпи ишлаб чиқарилган махсулот ва хизматлардаги хиссасининг ўзгариши:
$$\Delta Yб = Y_1аб – Y_1а = 732,29 – 718,0 = 14,29 \text{ млрд.сўм.}$$
3. Ялпи миллий ва ички махсулот нисбатининг ўзгариши:

$$\Delta Y_в = Y_1абв - Y_1аб = 738,89 - 732,29 = 6,60 \text{ млрд.сўм.}$$

4. Фойдаланилган миллий даромаднинг ялпи миллий махсулотдаги ҳиссасининг ўзгариши:

$$\Delta Y_г = Y_1абвг - Y_1абв = 750,64 - 738,89 = 1,75 \text{ млрд.сўм.}$$

5. Давлат бюджети даромадини фойдаланилган миллий даромаддаги ҳиссаси:

$$\Delta Y_д = Y_1абвгд - Y_1абвг = 846,0 - 750,64 = 95,36 \text{ млрд.сўм.}$$

Давлат бюджет даромадларининг умумий мутлақ ўзгариши тенг:

$$\Delta Y = Y_1 - Y_0 = 846 - 822 = 24 \text{ млрд.сўм. ёки}$$

$$\Delta Y = \Delta Yа + \Delta Yб + \Delta Yв + \Delta Yг + \Delta Yд$$

$$\Delta Y = -104,0 + 14,29 + 6,60 + 11,75 + 95,36 = 24 \text{ млрд.сўм.}$$

Юқорида бажарилган ҳисоб-китобларни нисбий кўрсаткичларда ҳам бажариш (қўшимча ўзгариш суръатлари орқали) мумкин.

Масалан, $\Delta Jy_a = Ja - 1$. Бу ишни ўқувчининг ўзи мустақил амалга оширади деган умиддамиз.

Статистик таҳлилда даромадларнинг жами, турлари, кесимлари бўйича режани бажарилиши ва ҳамда йўналишлар бўйича сарфлар режасини бажарилиши ҳисобланади. Даромадлар ва сарфларнинг структураси ва структуравий силжишларини миқдорий баҳолаш, структуравий силжишларнинг сабаб ва иқтисодий-ижтимоий оқибатларини миқдорий тахминлаш ва бошқа таҳлилий ишларни бажариш амалиёт учун жуда муҳим. Масалан, солиқ даромадларини (СД) омиллар ҳисобидан ўзгариши. Бунда солиқ базаси (Б), солиқ ставкаси (С) ва солиқни йиғилиши даражаси (d) деб олинса, унда

$СД_0=Б_0 \cdot C_0 \cdot d_0$-ўтган даврда

$СД_1=Б_1 \cdot C_1 \cdot d_1$- жорий даврда

Δ $СД=СД_1-СД_0$; солиқ даромади ҳажмини ўзгариши. Унга таъсир этувчи омилларни таъсирини миқдорий баҳолаш:

а) солиқ базасини кенгайиши (қисқариши) сабабли

$$\Delta СД_{(б)}=(Б_1-Б_0) \cdot C_O \, d_O;$$

б) солиқ ставкасини ўзгариши сабабли

$$\Delta СД_{(c)} = (C_1 - C_0) \cdot Б_1 \cdot d_0;$$

в) солиқни йиғилиши даражасини ўзгариши сабабли $\Delta Ñ\acute{A}_{(d)} = (d_1 - d_0)C_1\acute{A}_1$.

Бунда $\Delta СД = \Delta СД_{(б)} + \Delta СД_{(c)} + \Delta СД_{(d)}$; Мисол (шартли рақамлар).

Омиллар	Ўтган давр	Жорий давр	Δ, ўзгариши
1.Солиқ базаси,млн. сўм	1000,0	1200,0	200,0
2.Солиқ ставкаси, коэффициенти	0,20	0,22	0,02
3. Солиқ йиғилиши даражаси, коэффициенти	0,80	0,85	0,05
Солиқ даромади, млн. сўм	160,0	224,4	64,4

Бунда Δ $СД_{(Б)}=200 \times 0,20 \times 0,80=32,0$

Δ $СД_{(C)}=0,02 \times 1200 \times 0,8=19,2$

Δ $СД_{(d)}=0,05 \times 1200 \times 0,22=13,2$

∆ СД=32,0+19,2+13,2=64,4млн. сўм

Омиллар таъсири хиссасини нисбий миқдорларда ифодаласак, унда ∆СД= 49,7+29,8+20,4=100,0. Демак солиқ даромадларини ўзгаришга солиқ базасини кенгайтирилиши (49,7%), солиқ ставкасини ўзгариши (29,8%) ва солиқни йиғилиши даражасини ўзгариши (20,4 %) таъсир этган. Бундай кўп факторли индекс таҳлили бошқа даромадлар ва сарфлар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин. Маълумки, давлат молияси ва давлат бюджети тизимига давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳам киради. Ўзбекистон Республикасида бу жамғармалар:

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси;

Республика йўл жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш давлат қўмитасининг маҳсус ҳисоб варақаси;

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси.

Республикада бу жамғармаларнинг вужудга келтириш ва фойдаланиш тартиби қонун билан белгиланади.

Нобюджет махсус фондлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари бюджет тизимида ҳам мавжуддир. Масалан, АҚШда ишонч жамғармалари (траст жамғармалари): федерал йўллар, аэропортлар, гидроэлектрастанцияларни сақлаш; социал суғурта (пенсия таъминоти, касаллик нафақалари, ишсизлик нафақалари) ва бошқа траст жамғармалари мавжуд. Маблағлар (даромадлар) давлат мулкидан фойдаланишдан олинган даромадлар, хусусий секторда иш берувчилар ва ёлланиб ишловчиларни бадаллари, давлат хизматчилари ва федерал хукумат бадаллари эвазига вужудга келади. АҚШда бу жамғармаларнинг хажми ва федерал бюджет даромадлари билан нисбати ҳам ошиб бормоқда. Statistical Abstrakt of US, 1999йилда келтирилган маълумотларга қараганда (Р.349) федерал бюджетнинг даромадлари 1998 йилда 1721,8 млрд.доллар бўлса, траст фондларининг даромадлари 932 млрд. доллар ёки нисбати 54,1%га тенгдир. Трант фондлари доимо профицит билан якунланади. Шунинг эвазига ҳам федерал бюджетнинг дефецити камаяди, профицити кўпаяди.

Давлат нобюджет фондлари Россия давлат молияси ва давлат бюджети тизимида ҳам мавжуддир. Бу фондлар вужудга келиши фурсатидан бошлаб иқтисодий мазмунига кўра 2 гуруҳга бўлинади: а) социал фондлар: Пенсия фонди, Социал суғурта фонди, бандлик фонди, мажбурий медицина суғуртаси фонди, ахолини социал қўллаб қуватлаш фонди ва бошқалар; б) иқтисодий фондлар: йўл фондлари, НИОКР.

4.5. Халқаро бюджет таснифлари

Статистика тадқиқотларида кенг қўлланадиган усуллардан бири гуруҳлаштиришдир. Гурухлаштиришда ўрганилаётган статистика тўпламидаги кўп сонли бирликлар муҳим белгиларига биноан гуруҳларга ажратилади. Таснифлаш (класификация) эса гуруҳлашдан фарқ қилади. Бунда тўпламдаги бирликлар сифат белгиси асосида олдиндан белгиланган (кўп холларда қонунда тасдиқланган) гуруҳ, класс, разряд (туркум)га гуруҳлаштирилади. Класслар сони ва номи стандарт ҳамда барқарор бўлади. Статистикада таснифлаш иерархия (қуйи гуруҳнинг юқори гуруҳга

босқичма-босқич бўйсундирилиши) ва фассетли (рўйхатли) усулида амалга оширилади. Фассет усулида информация объекти параллел, бир-бирига бўйсундирилмаган фассетлар ёрдамида таснифли гуруҳларга ажратилади. Масалан, аҳоли тўғрисидаги информация классификаторида қуйидаги фассетлар қўлланилади: жинси, ёши, фуқаролиги, миллати, тили ва бошқа белгилари.

Бюджет таснифи-иерархик таснифлашдир, асосий ҳуқуқий ва услубият хужжати бўлиб, давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш мақсадида давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва сарфлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштирилган ҳолда гуруҳлаштиришдир. У миллий бюджет маълумотларини халқаро стандарт тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёслаштиришни таъминлайди. ХВФ бир неча йил олдин молиявий маълумотларни тарқатиш ҳамда халқаро ташкилотларга тақдим қилишнинг принциплари ва қоидалари кўрсатилган халқаро стандартни қабул қилган эди. Жаҳоннинг барча давлатларига мўлжалланган бошқа махсус стандартда жаҳон капитал бозорига кирган ёки кириш истаги бўлган давлатлар молиявий ва иқтисодий маълумотларни эълон қилишда бир неча принципларга риоя қилишлари зарурлиги ҳам кўрсатилган. Бунда молия-бюджет маълумотларининг асосий ўлчамлари: кўлами, даврийлиги ва вақти, жамоатчилик учун тушунарли, ишончли ва сифатли бўлишлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозорларига (айниқса капитал бозорига) кириши, унинг имкониятларидан фойдаланиш ва самарали ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш молия-бюджет соҳасида ҳам ҳалқаро таснифлардаги принцип ва қоидаларга риоя қилишни тақозо этади. ХВФ томонидан тавсия қилинган давлат бюджетининг таснифлари тизимига қуйидагилар киради.(марказий хукумат учун):

А) Даромадлар ва грантлар таснифи;

В) Сарфларнинг вазифа жиҳатидан таснифи;

С) Сарфлар ва соф кредитлашнинг иқтисодий таснифи;

Д) Бюджет дефицитини молиялаштирилишининг кредиторлар типи бўйича таснифи;

Е) Бюджет дефицитини молиялаштирилишининг қарз мажбуриятлари типи бўйича таснифи;

Ғ) Давлат кредитининг кредиторлар (қарз эгалари) типи бўйича таснифи.

Марказий хукумат (федерал, республика) бюджети таснифларидан ташқари ХВФ штат, регион ёки вилоят ва маҳаллий хукумати бюджетининг таснифлари (А, В, С, Д, Е, Ғ турлари)ни ҳам тавсия этган. Ўзбекистон республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда 5та тасниф: Бюджет даромадлари таснифи; Бюджет сарфларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи; Давлат бюджети тақчиллигини молиялаш манбалари таснифи (Россияда 8 та тасниф бор). Кўриниб турибдики, ХВФнинг давлат бюджети таснифлар тизимидан сони ва турлари бўйича бироз фарқланади. Бундан ташқари маҳаллий бюджетлар учун алоҳида таснифлар тизими кўрсатилмаган ХВФ таснифи тизимида давлат бюджети (ҳамда маҳаллий бюджетлар) сарфларининг ташкилий таснифи йўқ, чунки барча давлатлар бўйича бундай таснифни тавсия қилиш мумкин эмасдир. ХВФнинг амалдаги таснифларини янада батафсилроқ кўришга ўтамиз.

А. Даромадлар ва грантлар таснифи

I. Жаъми даромадлар ва олинган грантлар (II+VII)

II.Жаъми даромадлар (III+VI)

III. Жорий даромадлар (IV+V)

IV. Солиқ даромадлари

1.Даромад солиғи, фойдага солиқ, капитални бозор баҳосини ўсишига солинган солиқлар.

2. Социал суғуртага ажратмалар

3. Иш ҳақи фонди ва ишчи кучига солинган солиқлар

4. Мулк солиғи

5. Товар ва хизматларга солинган ички солиқлар

6. Халқаро савдога ва ташқи харакатларга солинган солиқлар

7. Бошқа солиқлар

V. Носолиқ тушумлар

VI. Капитал билан қилинган харакатлардан олинган даромадлар.

VII. Грантлар (олингани)

Таснифларда (А) Марказий хукумат (Федерал, Республика) бюджетининг барча даромадларининг таркиби кўрсатилган. Шу маълумотлар асосида барча даромадларнинг таркибини хисоблаш ва уни давлатлараро қиёслаш мумкин. Даромадлар жорий (солиқ ва носолиқ тушумлар) ва капитал турига ажратилади. Олинган грантлар алоҳида қаторда кўрсатилади. Таснифда, аввало солиқ даромадлари ва уларнинг таркиби кўрсатилади. Бунда солиқ базасининг характери ёки фаолият тури бўйича олинадиган солиқлар гуруҳлаштирилган. GFSY (ДМС йилнома) да даромадлар ва грантнинг таркиби барча сарфлар ва соф кредитлаш суммасига нисбатан (%) ҳисобланади. Турли даромадларнинг салмоғи ҳам алоҳида аниқланади. Ҳалқаро стандартда IV.I. пункти кичик пунктларга: индивидуал, корпорациялар ва бошқаларга ажратилади. Социал суғуртага ажратмалар пункти ҳам 4 та (ёлланган ҳодимлар, иш берувчилар эркин банд бўлганлар ва ишламаётганлар, бошқа иҳтиёрий социал ажратмалар) кичик пунктларига ажратилади. Товар ва хизматларга солинган ички солиқлар: сотиш солиғи, оборот солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, фискал монополиялар фойдаси ва бошқалардан иборат. Ташқи савдо ва ташқи операцияларга солинган солиқлар таркибига божхона ва импорт божлари, экспорт божи, экспорт-импорт монополиялари фойдаси, чет эл валюталари билан қилинган операцияларга солиқлар ва ташқи савдо ва ташқи харакатларга бошқа солиқлар киради. Жорий носолиқ даромадлари:тадбиркорлик даромади ва мулк даромадлари (фоизлар, дивидентлар), квазикорпорациялар даромадларидан олиб қўйиш, ер ижараси, маъмурий йиғимлар, жарималар, стратегик заҳираларни сотиш ва бошқа носолиқ даромадларидан иборат. Капитал даромадларнинг салмоғи Эрон, Ҳиндистон ва Сингапурда анча юқори. Халқаро стандартда капитал солиқ даромадлари (мулкга солиқ, мерос ва совғага солиқ) ва капитал носолиқ (ишлаб чиқарилган активларни сотиш, ишлаб чиқармаган активларни сотиш, беғараз бўлмаган капитал трансфертлар ва бошқа носолиқ капитал даромадлар) даромадларга гуруҳлаштирилади.

В. Сарфларнинг вазифа жиҳатидан таснифи

Ҳозирги замонда давлатнинг жамиятдан роли ва аҳамияти анча ошди. Давлат бажарадиган вазифалар: ички (ҳуқуқий - ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоа ҳавфсизлиги; иқтисодий, маданий,социал, экологик ва бошқалар), ташқи (ташқи хавфдан ҳимоя, хорижда фаолият кўрсатадиган жамият ва унинг аъзоларини манфаатини ҳимоялаш, хориж давлатлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилиш ва бошқалар) вазифалардир. Иқтисодий, молия статистикада ва бошқа фанларда давлатнинг кўп қиррали вазифаларини 4,8,21 ва бошқа катта гуруҳ (класс)га ажратиш қабул қилинган.

1. Умумий тусдаги давлат хизматлари. Бу умумбюджет фаолияти, кадрлар сиёсати, товар ва хизматларни марказий ҳолда харид қилиш ва таъминоти, ташқи муносабатлар, мудофа, жамоа тартиби ва давлат хавфсизлиги.

2. Ижтимоий ҳизматлар. Буларга билим олиш, соғлиқни сақлаш, социал суғурта ва социал таъминот, уй-жой ва коммунал хизмати, санитария хизмати, маданий ва дам олиш фаолиятини ташкил этиш.

3. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви. Бу вазифа олдингилар (1-2) билан бевосита боғланган ҳолда, улкан ва кўп қирралидир. Хозирги бозор тизими кўп ҳолларда зиддиятларга бой. Бозор кучли яратувчанлик имкониятига эга бўлиб хўжалик юритишни самарали олиб боришга иқтисодий ундайди. Аммо 20-30-йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, бозор тўласинча ўзини-ўзи тартибга солиш қобилиятини бирмунча йўқотди, бозор билан боғлиқ бўлган муайян «социал-харажатлар» ҳам мавжуд (ишсизлик, молиявий ва иқтисодий инқироз, аҳолини даромад ва мулкий табақалашувининг кучайиши ва бошқалар). Бундан ташқари давлат бозор механизмининг ўрнини олиши ёки тўлдиришини тақозо қиладиган хўжалик фаолиятининг соҳалари (фундаментал фан, маориф, соғлиқни сақлаш) ҳам мавжуд.

Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги бозор ва давлат механизмларидан биргаликда, фойдаланишни тақозо этади. Тажрибалар ва назарий ишланмалар натижасида яратилган қоидага эътиборсизлик ёмон оқибатларга олиб келишини Россия иқтисодиётини 1992-1998 йиллар давридаги ислоҳ қилинишида кўриш мумкин. Бу ерда иқтисодиётни тартиблаштиришда давлат ўрнини уюшган жиноятчилик эгаллади, чунки бу даврда давлат иқтисодиётга деярли аралашмай қўйганди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини янада ошиб боришини қуйидаги статистика рақамларида ҳам кўриш мумкин. Агар XIX асрнинг охирларида давлат сарфларини ЯИМдаги салмоғи жаҳон бўйича ўртача 8,3 % (АҚШда 4,0 %) бўлган бўлса, кейинчалик бу даража XX асрнинг 20 инчи йилларида ривожланган давлатларда 15,4, 60-йилларда 27,9, 80-йиллар бошида 42,6% га тенг бўлган. Лондонда нашр қилинадиган, «Экономист» журналида чоп этилган «Давлатнинг келажаги» илмий мақолада жаҳон бўйича давлат сарфи ЯИМга нисбатан келажакда ўртача 50,0% атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда. Давлат бошқаруви секторида миллионлаб ходимлар банд, номолиявий ва молиявий активларининг кўлами ва ҳамда шу секторда ҳосил қилинаётган ЯИМнинг салмоғи йилдан-йил ошиб бормоқда.

Демак, давлатни иқтисодиётга фаол аралашувисиз ҳозирги замон бозор иқтисодиёти на яшай олади, на нормал ҳаракат қилади ва ривожланади.

4. Давлатнинг бошқа вазифалари. Бу вазифалар ҳам иқтисод билан бевосита боғлиқ: давлат кредитини бошқариш, трансфертларни амалга ошириш ва бошқалар.

ХВФнинг 1986 йилдаги қўлланмасида давлат бошқаруви секторининг асосий вазифалари таснифи БМТнинг 1993 йилдаги МҲТ-93 даги КФОГУ (давлат бошқарувининг мақсадлар бўйича умумий вазифалари таснифи)га мос тушади. БМТ даги ОЭСР етакчилигида махсус халқаро ишчи гуруҳи (унда ХВФ ҳам қатнашмоқда) бу таснифга бироз ўзгартиришлар киритиш тўғрисида маслаҳатларни ўтказмоқда. Қайта кўриб чиқиладиган таснифномада моддалар (категориялар) МҲТ-93 билан тўла мос тушадиган бўлади. Бунда амалдаги моддалар ичида, таркибида «Илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишланмалари» бўлимининг алоҳида ҳисобини юритиш ва янги модда «атроф муҳитни муҳофаза қилиш» ни киритиш кўзда тутилмоқда.

С. Сарфлар ва соф кредитлашнинг иқтисодий таснифи

Давлат бюджетининг сарфлари иқтисодий мазмунига кўра ишчи кучи, материаллар, фоиз тўловлари, капитал сарфлар ва унсурларга гуруҳлаштирилади. Бунда сарфлар биринчи навбатда жорий сарфларга, капитал сарфларга ва соф кредитлашга гуруҳлаштирилади. Аммо қайта кўриб чиқилаётган стандарт таснифда алоҳида бўлим сифатида «асосий капитални истеъмоли» кўрсатилади. Марказий хукумат бюджетининг сарфлари ва соф кредитлашнинг амалдаги ХВФ стандарт таснифи қуйидагича:

I. Жами сарфлар ва соф кредитлаш (II+V)
II. Жами сарфлар (III+IV)
III. Жорий сарфлар
    1.Товар ва хизматлар учун сарфлар
    2. Фоиз тўловлари
    3. Субсидиялар ва бошқа жорий трансфертлар
IV. Капитал сарфлар:
    4. Асосий капиталнинг сотиб олиниши
    5. Заҳирани вужудга келтириш учун товарларни сотиб олиниши
    6. Ер ва номоддий активларни хариди
    7. Капитал трансфертлар
        1. Мамлакат ичига
        2. Хорижга
V. Соф кредитлаш
    8.Ички
    9.Ташқи.

Капитал сарфларининг алоҳида кўрсатилиши, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви тусини ҳам англаш мумкин. Маълумки, таррақиёт бюджетида капитал сарфлар: инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан кредитлаш, инвестиция қилишга ва кафил бўлишга имкон бўлади. Аммо давлат бюджетидаги капитал сарфларни ёки унинг улуши кўрсатгичлари орқали давлатдаги инвестицион фаолиятга баҳо бериб бўлмайди. Чунки, ривожланган давлатларда инвестициянинг деярли асосий қисми хусусий сектор томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон

Республикаси давлат секторининг асосий капиталга инвестициядаги улуши 2007 йилда 60,0 % га тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикасида Молия вазирининг 1999 йил 9декабрдаги № 230-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 1999 йил 15 декабрда №853-сон билан рўйхатдан ўтган «Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий класификацияси» ХВФнинг шу тусдаги таснифига деярли яқиндир.

2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет муассаларининг ҳаражатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш, уларни бюджетдан молиялаштириш ва сарфларининг ҳисоб-китобини тузиш ва сарфлар устидан назорат қилишда шу таснифдан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ҳам давлат ва республика бюджетининг сарфлари иқтисодий типлар бўйича бўлишлиги белгиланган, типлар рўйхати берилган.

Д. Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг кредиторлар типи бўйича таснифи

Давлат бюджетини дефицитини молиялаштириш дегани, уни маблағ билан таъминлаш (қоплаш) учун ҳукумат томонидан қарз маблағларини жалб этишдир. Молиялаштириш давлат бошқаруви сектори бирликларининг барча қайтариладиган операциялари сифатида қаралади. Бу тасниф қарз эгалари – кредитор (бошқача қилиб айтганда қарз мажбуриятларининг эгалари)нинг иқтисодий муомаласини ўхшашлигига қараб гуруҳлаштириш асосида бу тасниф ишланган. Олдин қайд қилингандек, молиялаштириш ҳажми давлат бюджетининг дефицити (профицити)ни тескари ишорадаги хажмига тенг. Масалан, 1999 йилда АҚШда профицит +158,3 млрд. доллар, молиялаштириш –158,3 млрд. доллар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бюджетнинг дефицитини молиялаштириш таснифи қуйидагича (кредиторлар типи бўйича):

I. Жаъми молиялаштириш (II+III)

II. Ички молиялаштириш

1. Давлат бошқаруви секторининг бошқа қисмлари томонидан
2. Пул-кредитни тартибга солиш идоралари томонидан
3. Депозитли банклар томонидан
4. Бошқа ички молиялаштириш
5. Корректировка (тузатишлар киритилиши).

III Ташқи молиялаштириш

6. Халқаро иқтисодий ривожланиш ташкилотларидан
7. Хориж бошқаруви муассасаларидан
8. Бошқа четдан жалб қилишлар
9. Ликвидликни бошқариш учун кўзда тутилган нақд пул маблағлари, депозитлар ва қимматли қоғозлар ҳажмини ўзгариши.

Давлат бюджетининг дефицитини молиялаштириш давлат бошқаруви идорларининг мажбуриятлар ҳажмини ўзгартиради (маблағ жалб қилиш минус қопланиши) ва давлат бошқаруви идораларидаги ликвидли молия маблағлари қолдиғини ўзгартиради.

Халқаро стандартларда маблағ жалб қилиниши минус қопланиши (соф

кредитлаш) давлат бюджетининг даромади сифатида қаралмайди, у дефицитни молиялаштириш манба тариқасида қаралади. Бу ўринда

Дефицит	=	Маблағ жалб қилиниши	-	Қопланиши	+	Ликвидли молия маблағлари қолдиғини камайиши

Давлат бюджетини дефицитини молиялаштириш давлатнинг ички ва ташқи қарз мажбуриятларини кўпайтиради, натижада давлат ички ва ташқи кредити хажмини оширади. Ички манбалар: давлат бошқаруви секторига қарашли бошқа қисмлари, миллий иқтисодиётнинг бошқа секторлари (номолиявий корпорациялар, молиявий корпорациялар, уй хўжалиги) маблағларининг жалб қилинишидир. Ташқи манбалар: халқаро ташкилотлар (W. Bank, IMF ва бошқалар), хориж ҳукуматлари, банклари ва хусусий шахслар маблағларини жалб қилинишидир. Давлат бюджети профицитлигида ликвидли молия маблағлари захираси кўпаяди, давлат кредитининг хажми камаяди

Халқаро валюта фонди давлат бюджетини дефицитини молиялаштиришнинг бошқа таснифида қарз (жалб қилиш) мажбуриятлари типлари кўрсатилади.

Е. Бюджет дифицитини молиялаштиришнинг қарз мажбуриятлари типи бўйича таснифи

Бу таснифни баъзан бошқача ҳолда, бюджет дифицитини молиялаштириш инструментлари таснифи, деб ҳам аталади. Бу тасниф бўйича статистика маълумотлари давлат идоралари давлат бюджетини дефицитини молиялаштиришда қайси усуллар, инструментлардан фойдалангани ҳамда сарфлардан ортган молия ресурслари (профицит)ни қайси йўналишларда ишлатилганлигини таҳлил қилиш имконини беради. Бу таснифда кредиторлар (қарз эгалари) тўғрисида маълумотлар бўлмасада, турли типдаги жалб қилишлар ёки уларнинг усулларини, қопланишларининг иқтисодий оқибатлари ёки иқтисодий муаммоси (феъл атвори)ни эҳтимоллаш мумкин. Бу таснифда резидентлар ва норезидентлар чегараланади, турли вазиятлар: узоқ муддатли облигациялар (1 йилдан ортиқ), қисқа муддатли облигациялар ва векселлар (1 йилгача), бошқа категорияларга киритилмаган узоқ муддатли ссудалар, бошқа категорияларга киритилмаган қисқа муддатли ссудалар ва бўнаклар, бошқа мужбуриятлар; ликвидликни бошқариш мақсадлари учун накд пул маблағлари, депозитлар ва қимматли қоғозлар ҳажмидаги ўзгаришлар алоҳида ажратилади. Таснифнинг қуйидаги чизмаси келтирилади.

I. Жаъми молиялаштириш (худди Д.I)
II. Ички молиялаштириш (худди Д.II)
1. Узоқ муддатли облигациялар
   1.1. Чиқарилди
   1.2. Қопланди.
2. Қисқа муддатли облигациялар ва векселлар.
3. Бошқа категорияга киритилмаган узоқ муддатли ссудалар.
   3.1. Олинди
   3.2. Қопланди

4. Бошқа категорияларга киритилмаган қисқа муддатли ссудалар ва бўнаклар

5. Бошқа мажбуриятлар

6. Ликвидликни бошқаришга мўлжалланган нақд пул маблағлари, депозитлар ва қимматли қоғозлар хажмидаги ўзгаришлар.

III. Ташқи молиялаштириш (ҳудди Д. III)

7. Узоқ муддатли облигациялар:

7.1. Чиқарилди

7.2. Қопланди

8. Қисқа муддатли облигациялар ва векселлар

9. Бошқа категорияларга киритилмаган узоқ муддатли ссудалар ва бўнаклар.

10. Бошқа категорияларга киритилмаган қисқа муддатли ссудалар ва бўнаклар

11. Бошқа мажбуриятлар.

12. Ликвидликни бошқаришга мўлжалланган нақд пул маблағлари депозитлар ва қимматли қоғозлар ҳажмидаги ўзгаришлар.

Таснифдаги 1.2, 3.2 ва 7.2 қаторларидаги «Қопланди» дейилганда узоқ муддатли облигациялар (ички ва ташқи), турли ссудалар (ички ва ташқи)ни давлат идоралари томонидан асосий суммасини (яъни фоиз тўловларисиз) қопланиши тушунилади. Чунки, фоиз тўловлари давлат бюджетининг сарфларида алоҳида модда ҳолида кўрсатилади (сарфларнинг иқтисодий таснифига қаранг). ХВФ нинг кейинги ишланмаларида бу таснифга (Е) бироз ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш борасида маслаҳат тариқасида фикрлар билдирилмоқда. Чунончи «Е» таснифининг номи, таркиби бўйича. Жумладан, жаъми молиялаштириш алоҳида-алоҳида ҳолида: сиёсат мақсадларига молия активларини соф жалб қилиш (Е.А.I), ликвидликни бошқаришга молия активларини соф жалб қилиш (Е.А.2)ни кўрсатиш. Бундан ташқари, шу таснифда махсус «EL» бўлими «Соф олинган мажбуриятлар» киритилишини таклиф қилинмоқда. ХВФ давлат молияси статистикасини МҲТ-93 билан уйғунлаштириш мақсадида янги «Секторлар бўйича молиялаштириш» таснифини тавсия қилмоқчи. Унда жаъми молиялаштириш таркибида:

1. Сиёсат учун молиявий активларни соф жалб қилиш (секторлар бўйича)
2. Ликвидликни бошқариш учун молиявий активларни жалб қилиш (секторлар бўйича)
3. Соф олинган мажбуриятлар, бўлимларини бўлиши таклиф қилинмоқда.

Макроиқтисодиёт ва молия фанларида давлат бюджети дифицитини молиялаштириш техникаси сифатида пулли ва қарзли молиялаштириш усуллари кўрсатилади. Давлат бюджети дефицитини молиялаштиришнинг биринчи усулидан мунтазам фойдаланиш ҳар доим ва ҳамма ерда инфляцияга олиб келади. Буни ўтиш иқтисодиётдаги давлатлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, Россияда 1995 йилгача давлат бюджети дефицитини асосан нақд пул чоп этадиган станокдан фойдаланиш (пул эмиссияси) орқали молиялаштириш натижасида инфляция даражаси фақат 1993 йилда 874,6 % ни ташкил этди. (GFS,2000,р 653). Бундай ҳолни бошқа давлатларда ҳам кўриш мумкин. Иккинчи усули давлатни ички ва ташқи қарзини кўпайтириш эвазига дефицит молиялаштирилади. Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида давлат бюджетининг дефицити:

- давлат томонидан хориждан ва ички маблағларни жалб қилиш;
- Республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқларини;
- қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади, деб белгиланган.

Ғ. Давлат кредитнинг кредиторлар бўйича таснифи

Давлат бюджети дефицитини қоплаш учун жалб қилинган қарзларни – қарз мажбуриятларини тўланмаган, қайтарилмаган қисмларининг йиғиндиси- давлат кредити дейилади. Дунёнинг барча давлатлари ўз иқтисодий сиёсатини ўтказишнинг муҳим бир механизми сифатида қарзлардан фойдаландилар. ХВФ нинг GFSY, 2000да келтирилган 126 давлатнинг 98 тасининг бюджети дефицитлидир. Актив бюджетга эга бўлган давлатларда ҳам давлат қарзи мавжуд. Давлат қарзлари мавжуд бўлишининг зарурияти жамият эҳтиёжлари даражаси билан давллатнинг имкониятлари (давлат бюджетининг даромадлари) ўртасидаги зиддиятдан, яъни давлат бюджетининг дефицитлигидан вужудга келади.

Давлат кредити (қарзи) тўғрисидаги ҳозирги замон илмий- амалий қарашлар кейнсчилик мактабининг ишланмалари асосида шаклланган. Бунда давлат кредити иқтисодиётга қўшимча юклама бўлиб, иқтисодий мувозанатнинг бузилишига олиб келади, ижтимоий тадбирларни амалга оширишга тўсиқ бўлиши билан бирга, давлат қарзлари иқтисодиётни тартиблаштиришнинг муҳим механизми сифатида ҳизмат қилади. Давлат кредитининг кўламига статистикада у икки ёқламаликни эътиборга олган ҳолда баҳо бермоқ зарур. Шунинг учун давлат кредити ҳажмини тўғри баҳолаш лозим.

ХВФнинг давлат молияси тўғрисидаги стандартининг (Ғ) давлат кредити таркибига фақат давлат бошқаруви сектори бўйича жаъми қарз, унга кирувчи бирликлар (кичик секторлар)нинг: марказий хукумат (федерал, республика), штатлар, регионлар ёки вилоятлар ҳамда маҳаллий бошқаруви идораларининг расман тан олинган, тўғри, тўланмаган (қайтарилмаган) қарзлари киритилади. Демак, қуйидагилар давлат қарзи ҳажмига қўшилмайди:

- давлат бошқаруви секторининг кичик секторлари орасидаги ўзаро қарзлар (4.7-жадвал);
- давлатга қарашли корхоналарнинг ички ва ташқи қарзлари;
- давлат бошқаруви секторини молиявий муассалар (пул-кредитни тартиблаштирувчи идоралар) вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган қарзлари;
- жисмоний шахсларнинг ички ва ташқи қарзлари ва ҳакозо.

Демак, миллий иқтисодиётнинг давлат бошқаруви секторидан бошқа секторларининг резидентлар ва норезидентлардан қарзлари давлат қарзи таркибига кирмайди. Статистикада давлат қарзи суммасини брутто ҳолида, яъни давлат бошқаруви секторининг бошқа секторлар ва норезидентларга бўлган қарз талаблари суммаси айрилмасдан кўрсатилади.

Давлатнинг қопланмаган (тўланмаган) қарзларини кредиторлар типи бўйича таснифининг схемаси:

I. Жаъми суммаси (II+III)
II. Ички қарз:
1. Давлат бошқаруви секторининг бошқа қисмларига[1]
2. Пул-кредитни таркиблаштирувчи идораларга
3. Депозитивли банкларга
4. Бошқа ички қарздорлик:
4.1.Бошқа молия муассаларига
4.2.Давлат номолиявий корхоналарига
4.3.Номолиявий хусусий секторга
4.3.1.Корхоналарга
4.3.2. Уй хўжалигига
4.4.Бошқа категорияларга киритилмаган бошқа ички қарздорлик.
5.Турлича баҳолаш билан боғлиқ бўлган корректировка.
III. Ташқи қарз.
6.Халқаро ривожланиш ташкилотларига
7.Хориж бошқарув бошқармаларига
8.Бошқа ташқи қарздорлик
8.1.Банк ссудалари ва бўнаклар
8.2.Таъминловчиларнинг кредитлари
8.3.Бошқа категорияларга киритилмаган бошқа ташқи қарздорлик
9.Турлича баҳолаш билан боғлиқ бўлган корректировка.
Маълумотнома тариқасида моддалар
10.Хориж валютасида тўланадиган ички қарз
11. Миллий валютада тўланадиган ташқи қарз
12. Давлат бошқаруви секторининг ички тузилмавий қарзлари
13. Тўланмаган мажбуриятлар бўйича жорий қарзлар.

Давлат кредитини бошқа жиҳатлари: тўланиши муддати, давлат бошқаруви секторининг бирликлари (марказий ҳукумат, штатлар, регионлар ёки вилоятлар, ҳамда маҳаллий бошқаруви идоралари), даромадни тўлаш усули, даромадларни ҳисобланиши усули, бозорга мурожаат қилиш имкони ва бошқа аспектлари бўйича таснифланиши мумкин.

Давлат кредитини тўланиши муддати бўйича таснифи 4.8-жадвалда кўрсатилган. Бу тасниф ёрдамида қарзларни тўлаш борасида тадбирларни режалаштириш мумкин бўлади.

Давлат бюджети даромади ва сарфларини бошқа таснифлари ҳам мавжуддир. Масалан сарфларни вазифа жиҳати билан иқтисодий типи бўйича бир вақтда таснифлаш. Бундай шаҳмат усулида таснифлаш давлат сарфларини таҳлил ва бошқариш имкониятларини кенгайтиради. Масалан, ҳар бир вазифа бўйича давлат сарфларида иш ҳақи, товар ва хизматлар хариди, трансфертлар, капитал сарфлар (ривожланиши имконияти) ва бошқа сарфларнинг ҳажми ва салмоғини баҳолаш мумкин. Ўз ўрнида иш ҳақи бўйича сарфларни давлатнинг қайси вазифасида берилганлигини ҳам билиш мумкин.

[1] Қарз мажбуриятларининг жаъми суммасига давлат бошқаруви секторининг кичик секторлари ичидаги ва кичик секторларнинг ўзаро тўланмаган қарзлари киритилмайди Улар алоҳида ўрганилади.

4.8-жадвал

Давлат кредитини тўланиши муддатлари[6]

Йил охирида / Тўлаш муддати	2010	2011	2012	2013	2014
Жаъми қарзлар: 2010 2011 2012 2013 2014 2014-2020 2020дан сўнг. Муддати кўрсатилмаган					
Ички қарзлар: 2010 2011 2012 2013 2014 2014дан сўнг. Муддати кўрсатилмаган					
Ташқи қарзлар 2010 2011 2012 2013 2014 2014-2020 2020дан сўнг. Муддати кўрсатилмаган					

ХВФнинг давлат бюджетининг даромадлари ва сарфларини таснифлаш тизими таркибида штат, регион ёки вилоят, маҳаллий ҳукуматга мўлжалланган «L»-(локал) таснифлар (A,B,C,Д,E,F) тизими ҳам мавжуддир (GFSY га қаранг). Жаҳон мамлакатларида ХВФнинг стандарт таснифлар тизими билан бирга, ўзларининг миллий таснифлари тизимидан ҳам фойдаланишади. Масалан Германия молия статистикасида давлат бюджети даромадларининг иқтисодий, вазифа жиҳатлари ва ташкилий таснифлари мавжуд.

[6] Давлат бошқаруви секторининг ички тузилмавий қарзларисиз, яъни сектор қисмларининг ўзаро қарзларисиз.

V БОБ. БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ СТАТИСТИКАСИ

5.1. Банк статистикасининг предмети ва вазифалари

Бозор иқтисодиётини банкларсиз тассавур ҳам қилиб бўлмайди. Уларни бозор механизми бўлаклари ичида, шу механизмнинг «мотори» деб аташади. Бугунги кунда бу «моторлар» сони ва тури жуда ҳам кўп (Ўзбекистонда 2009 йил бошига банклар сони 30), улар бажарадиган иш ва хизматлар сони (йирик банкларда 100 дан ортиқ хизмат тури мавжуд) ундан ҳам кўп. Банкларнинг қуйидаги турлари мавжуд: Марказий банк (асосий мақсади - миллий валютани барқарорлигини таъминлаш); тижорат банклари (уларни «кредит супермаркетлари» ёки «молиявий универмаглар» ҳам деб аташади); ихтисослашган молия - кредит муассасалари: инвестиция банклари; жамғариш идоралари; суғурта компаниялари; пенсия фонди; инвестиция компаниялари.

Мулк формаси бўйича банклар бўлиши мумкин: давлат, хусусий, акционерлар банки, кооператив, муниципиал, аралаш банклар. Халқаро банклар мавжуд: жаҳон банки, халқаро ривожланиш ва қайта қуриш банки. Халқаро банклар транснационал ва кўп национал банкларга бўлинади. Транснационал банк бўлиши учун, банк камида 5 та мамлакатда ўзининг «қиз» ташкилотига эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда, бошқа ривожланган мамлакатлар каби, банклар тизими икки поғоналидир: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат ҳамда махсус банклар.

Қонун бўйича (21. XII. 1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон республикаси Марказий банки тўғрисидаги» қонун) Марказий банкга қуйидаги вазифалар юклатилган. Уларга: монетар сиёсатни ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида самарали ҳисоб-китоблар тизимини ташкил қилиш ва таъминлаш; барча банклар фаолиятини уйғунлаштириш ва улар устидан назорат қилиш; мамлакатнинг расмий олтин-валюта захараларини сақлаш ва бошқариш; бошқа банк муассасаларининг мажбурий захираларини саклаш ва бошқариш; молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетини кассавий бажарилиши таъминлаш; миллий валютани муомалага чиқариш; пул муомаласини тартибга солиш ва бошқариш, миллий валютанинг бошқа валюталарга нисбатан курсини аниқлаш ва айирбошлаш.

Қисқача қилиб айтганда Марказий банк мамлакатнинг пул-кредит сиёсатини асосий йўналишларини белгилаш ва бошқариш функциясини бажаради. У фақат фойда олишга интилиб фаолият кўрсатмайди, давлатнинг бутун иқтисодий ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга кўмаклашади. Тижорат банкларида эса асосий тамойил-кўпроқ фойда олиш. Улар бўш турган пул маблағларни, қўйилма ва тўпламаларни сақлаш ва тўплаш, ҳисоб-тўлов механизмини ва пул оборотини ташкил қилиш ва таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларни кредитлаш, банклараро кредитлаш тизимида самарали қатнашиш, кафолатлаш ишларини амалга ошириш, турли хил хизматлар

(лизинг, траст, ҳисоб-китоб) кўрсатиш ва бошқа вазифаларни бажаради.

Тижорат банклари юқоридаги вазифалар билан бир қаторда қуйидаги функцияларни бажаради: кредит воситачиси; хўжаликда жамғаришни рағбатлантириш; тўловларда воситачилик.

Тижорат банкларининг кредит воситачилиги функцияси – бу корхоналар ва аҳолида шахсларнинг фондларини айланиши натижасида вақтинчалик озод бўлган ресурсларини қайта тақсимланишидир, бошқача айтганда кредит беришдир. Ушбу функциянинг бош хусусияти, ресурсларни қайта тақсимлашнинг бош мезони бўлиб, қарздор уларни унумли ишлатиши ҳисобланилади.

Русурсларни тақсимлаш хўжалик алоқаларининг горизонтали бўйича банкларнинг воситачилигида қайтариб бериш ва тўлаш шарти шароитида амалга оширилади. Олинган ва берилган маблағлар учун тўлов суммаси талаб ва таклиф суммалари таъсирида шаклланади. Натижада халқ хўжалигида молиявий ресурсларнинг эркин харакатига эришилади.

Тижорат банкларининг иккинчи функцияси – бу, хўжаликдаги пул тўпламаларни рағбатлантиришдир. Пул маблағларининг тўпламаси банклар томонидан рағбатлантириш уларни эпчил депозит сиёсати асосида шакллантирилади. Кредиторларга юқори фоизлардан ташқари, тўплаган маблағларини банкларга жойлаштириш учун юқори даражадаги банклар кафолати зарур. Тижорат банкларининг депозитларини, банк муассасаларининг активларини суғурталаш фоизини ташкил этиш кафолатни яратилишига хизмат қилади.

Мустақил субъектлар ўртасидаги тўловларда воситачилик тижорат банкларининг навбатдаги функцияси бўлади. Республикада фонд бозорини ривожланиб бориши билан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар операциясидаги воситачилик функциясини келтириб чиқарди.

Кредит тизимига банклардан ташқари махсус молия-кредит институтлари киради. Уларга: кредит иттифоқлари ва кооперативлар; молиявий ва траст компаниялари; суғурта компаниялари; пенсия фондлари; ссуда-омонат ассоцияциялари, инвестицион фондлар, ломбардлар ва бошқалар.

Улар аҳоли ва юридик шахсларнинг маблағларини тўплайди, корхона ва жисмоний шахсларга кредит беради, банклараро кредитлашда кафолатчи бўла олади, ишонч операцияларини бажаради.

Демак, мамлакатда банк тизимини динамик ривожланиши банклари сони ва иш фаолиятини баҳоловчи статистик информация билан аниқланилади.

Банк статистикасининг предмети – банклар фаолиятини самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларни ҳисоблашни ва таҳлил қилишни ўргатувчи статистик методлар йиғиндисидир, объекти – барча банклар фаолияти, субъекти – ҳар бир банк ва бошқа кредит муассасалари, банк мижозлари, юридик ва жисмоний шахслар бўлади.

Банк статистикаси олдида қуйидаги вазифалар туради:

- банклар ва бошқа кредит муассасаларининг мақсадига ва бажарадиган операцияларига мувофиқ, уларнинг аниқ типларга, гуруҳларга ва синфларга ажратиш;
- банк мижозларини сони ва таркибини, уларни пул қўйилмаларини ҳажми, динамикаси ва таркибини, тўлдирилиш маблағлари ва фойдаланиш

йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- банк нормативларини асослаш, улардан четланишни ҳисоблаш, ҳамда четланишни пасайтириш ва банк молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ҳар бир банк операцияси бўйича риск даражасини аниқлаш ва уни пасайтириш бўйича таклифлар устида доимий ишлаш;
- банк харажат ва даромадларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш (иложи борича бу ишни ҳар бир операция учун бажариш зарур).

Банклар статистикасининг энг муҳим вазифасидан яна бири бўлиб банк фаолиятини характерловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш методлари ва методологиясини ривожлантириш, статистик ўрганишга жалб қилинадиган объектларни кўпайтириш, айниқса, олинган ва олинадиган натижаларни ишончлилигини, аниқлигини ва тезкорлигини оширишдир.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун банк статистикаси ўрганади:

- давлат, кооператив, жамоатчилик ташкилотлари ва корхоналари ва аҳолини вақтинчалик бўш маблағларининг тўпланмасини (аккумуляциясини);
- халқ хўжалиги ва аҳолини узоқ ва қисқа муддатли кредитлашини;
- капитал маблағларни молиялаштиришни;
- пулсиз ҳисоб-китобларни;
- кредит муассасаларининг кассалари орқали нақд пул оборотини;
- омонат иши;
- давлат бюджетининг касса бажарилиш.

Банк статистикаси банкларни ва уларнинг фаолиятини турли аспектларда ўрганади: сони; мулк шакли; тайинланиши; хизмат қилиш турлари ва ассортименти бўйича ва бошқалар.

Масалан, корхона ва ташкилотларга ҳамда аҳолига кўрсатиладиган банк хизматларини статистикада қуйидаги турларга бўлиб ўрганилади:

1. Ҳисоб-операция ишлари:

- мижозлар ва банк-корреспондентлар учун ҳисоб варақаларини очиш, юритиш ва бекитиш (ёпиш);
- тўлов хужжатларининг ҳисоби ва уларни ўз вақтида тўлаш назорати муддатида тўланмаган тўловлар сонини аниқлаш;
- мижознинг топшириғига биноан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- ссудалар, жорий ва ҳисоб счётлари бўйича фоизлар ёзиш ёки ўчириш;
- факторинг, лизинг ва форфейтинг операцияларининг ҳисоби;
- чек китобчаларини аккредитивларини, акцепт тўловларини ва бошқаларни бериш учун маблағларни депонентлаш.

2. Кредитлаш:

- кредит фаолиятининг истиқболдаги режасини тузиш;
- ўтган даврлар учун кредит муносабатларини иқтисодий-статистик таҳлили;
- корхоналар билан кредит муносабатларини бошқариш;
- кредит фаолияти устидан ҳисоб ва назорат;
- кредитнинг алоҳида турларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

3. Пул муомаласи:

- касса режасини тузиш ва бажарилиши;

- касса режаси бажарилишининг прогнозини тузиш;

4. Пулли хизмат қилиш:

- кредит карталари бўйича хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- касса автоматлари билан хизмат кўрсатиш.

5. Ташкилотни молия-иқтисодий ҳолатининг таҳлили:

- ташкилотларнинг молия-иқтисодий паспортини юритиш;
- ташкилотларни ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари устидан назорат;
- корхона ва ташкилотларни молия-иқтисодий ҳолатини баҳолаш.

6. Истиқболдаги ҳизмат турлари:

- пулни ўтказишни масофада ва тўлов топшириқномасиз ташкил этиш;
- инкассасациянинг янги шаклларига ўтиш;
- купюраларнинг қадр-қимматига қараб алмаштириш;
- коммунал ва бошқа ҳизматлар учун тўловларни турар жойларда йиғишни ташкил этиш ва бошқалар.

5.2. Банк статистикаси кўрсаткичлари ва уларнинг статистик таҳлили

Банклар фаолиятини характерловчи кўрсаткичлар тизими қуйидаги гуруҳлардан ташкил топади:

- мамлакатда банк тизимининг ривожланишини характерловчи кўрсаткичлар;
- маълум бир минтақа банк тизимини мамлакат банк тизими ўртача даражасидан фарқини характерловчи кўрсаткичлар;
- банк тизимини ривожланишини улушли кўрсаткичлари.

Мамлакатда ёки регионда банк тизимининг ривожланиш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар орқали баҳоланади: банк активларининг мутлоқ миқдори – барча активларни қўшиш билан аниқланади; инфляция даражаси – истеъмол баҳолар индекси; реал активлар миқдори – активларнинг ўсиш суръати инфляция индексига бўлинади; аҳолининг ойлар бўйича даромадлари – жон бошига тўғри келган даромад аҳоли сонига кўпайтирилади; маълум бир худудда рўйхатга олинган банклар сони; банк филиаллари сони; минтақа банк муассасалари сони индекси – минтақадаги банк муассасалари сони мамлакат банк муассасалри сонига бўлинади; битта банкка тўғри келадиган филилиаллар сони – филилаллар сони банклар сонига бўлинади; минтақадаги банк филиаллар сони; рўйхатга олинган банкларнинг кредит қўйилмалар хажми; битта банкка тўғри келадиган кредит қўйилмалари хажми – кредит қўйилмалар хажми банклар сонига бўлинади; банк активларида кредитнинг хиссаси – кредит қўйилмалари банк активларига бўлинади.

Минтақавий кўрсаткичларни мамлакатни умумий кўрсаткичларидан фарқини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин: молиявий ресурслар хажми индекси; молиявий натижаларни йириклашув индекси; филиаллар сони индекси; реал активлар индекси. Юқоридаги индекслар асосида банк фаолияти шароитларини нисбий жозибадорлиги индекси аниқланади:

$$J_{М.Ж} = \sqrt[n]{J_{М.О} \cdot J_К \cdot J_Т \cdot 1/ J_{Н.А} \cdot J_{М.А}}$$

бу ерда $J_{M.O}$ – молиявий оқимлар хажми индекси; J_K – молиявий оқимларнинг йириклашуви индекси; J_T – филиаллар сони индекси; $J_{H.A}$ – номолиявий операциялар ҳиссаси индекси; $J_{M.A}$ – реал активлар индекси.

Юқоридаги индексларни ҳисоблашдан асосий мақсад минтақа билан мамлакат кўрсаткичларини таққослашдир. Минтақавий кўрсаткичларни умуммамлакат кўрсаткичлардан юқорилиги умуман минтақа иқтисодиётини муваффақиятлилик даражасини ифодалайди.

Банк тизимини ўрганишда статистика қуйидаги улушли кўрсаткичлардан фойдаланади: аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк активлари хажми ва банк муассасалар сони; минтақани битта банкига тўғри келадиган банк активлари сони; аҳоли даромадларининг бир сўмига тўғри келадиган банк активлари.

Банклар фаолиятини статистик таҳлил қилишда банк капиталининг етарлилиги, активларнинг сифати, банкнинг фойдаси ва рентабеллиги, банкнинг ликвидлилик ва ишончлилик кўрсаткичлари ўрганилади.

Банкнинг ишончлилиги, унинг ҳар қандай шароитда тўлиқ хамда ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига боғлиқ, аниқроғи, банк мижозининг талабига мувофиқ ҳар қандай пайтда тўловни амалга ошириши керак ва хатто банкларда ёки молия бозорида инқироз пайдо бўлган ҳолатда ҳам банк ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериши керак. Бундан ташқари, яқин ва узоқ истиқболда юқоридаги ҳолатлардан чиқишга амин бўлиши учун активлар сифати, шахсий капитал ва даромадлилик даражаси етарли миқдорда бўлиши керак. Бу таърифларни баҳолаш учун статистикада тўлов қобилиятини, активлар сифатини, фаолият самарадорлигини, капиталнинг етарлилигини ва банкнинг ликвидлилигини ифодаловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Банклар фаолиятини ишончлилигини таҳлил қилишда қуйидаги коэффициент-кўрсаткичлардан фойдаланамиз.

1. Бир лаҳзада ликвидлилик коэффициенти – кассадаги нақд пул, корхона счетидаги маблағларни жорий мажбуриятларга нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткични ҳисоблашда банк жорий фаолиятини ҳисобга олиши керак. Маълумки, банк муддатли депозитларни жалб қилиш ва бериш, банклараро қарзлар ва ссудалар бўйича операцияларни амалга оширади. Шу муносабт билан банк счетидаги пул ва тўловга қўйилган мажбуриятлар хажми балансдаги суммадан фарқ қилади, шунинг учун ҳам кўрсаткчиларни ўртача қиймати олинади.

Агарда банк маблағларини муддати бўйича жалб қилиш – жойлаштириш тенглигини бузмаса, бу кўрсаткич бирдан катта бўлади. Бу дегани банк ҳар қандай пайтда жорий тўловларни амалга ошира олади.

2. Даромадли активлар даражаси коэффициенти – қисқа муддатли активларни жами актив-неттога нисбати билан ҳисобланилади.

3. Шубхали қарзни тўланиши коэффициенти – муддати ўтган қарзни банк берган ссудага нисбати билан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич банк ссуда портфелини сифати ва ўтказиладиган операцияларнинг риск даражасини характерлайди. Муддати ўтган қарзларнинг улушини ортиб бориши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, банк муддатли тўловларни қоплашда қийинчиликларга учрайди ва натижада банкда фойда камайиб кетади. Банк берган

ссудага қисқа, узоқ, банкларарo ссудалар ва муддати ўтган қарз суммаси киради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу кўрсаткични 5% паст бўлиши жоиз ҳолат, 15% бўлиши эса, критик чегара ҳисобланади.

4. Рискдан ҳимояланиш коэффициенти – фойда ва банк захираларини ссуда қарзини қолдиғига нисбати билан ҳисобланилади. Бу кўрсаткич бўйича жоиз ҳолат 25% (кредит портфелидан).

5. Банкни яроқлилиги коэффициенти – операцион харажатларни операцион даромадларга нисбати билан аниқланади. Бу коэффициент бўйича критик чегара 0,95 ҳисобланади.

6. Активларнинг рентабеллиги коэффициенти – фойдани активларга нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич бўйича жоиз қиймат 0,015, критик чегара – 0 ҳисобланади.

Охириги икки кўрсаткич банк фаолиятининг самарадорлигини характерлайди. Юқори самадорликка эришишнинг муҳим йўли ўз шахсий капитални етарлилик ва фойдани капитализация қилиш даражасини оширишдир. Банкни шахсий капитали унинг фаолиятини ҳаётийлигини таъминлашда бир мунча функцияларни бажаради. Масалан, шахсий капитал: жорий йўқотишларни компенсация қилади; мижозлар ишончини қўллаб-қувватлайди ва кредиторларни банкнинг молиявий кучига ишонтиради; банкни фаолият кўрсатиши ва ташкилий ўсиши учун зарур шарт-шароитини таъминлайди; бошқарув органлари томонидан банк нормативларини ўрнатишда асос бўлиб хизмат қилади.

Банк капитали хажмини муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда стаистикада капитални етарлилиги ва фойдани капитализация қилиш кўрсаткичлари ҳисобланади.

7. Капитални етарлилиги коэффициенти – шахсий маблағларни барча пассивларга нисбати билан аниқланади.

8. Фойдани капитализация қилиш коэффициенти – устав капитални шахсий маблағларга нисбати билан ҳисобланилади.

Бу кўрсаткични жоиз қиймати 0,5, критик қиймати – 0,8.

Банкни ликвидлилигини таҳлил қилиш мақсадида муддатли мажбуриятлар бўйича ликвидлилик ва тўлиқ ликвидлилик кўрсаткичлари ҳисобланилади.

9. Муддатли мажбуриятлар бўйича ликвидлилик коэффициенти – юқори ликвидли активларни жалб қилинган маблағларга нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич бўйича жорий қиймат бирдан кам бўлмаслиги керак. Мутахассисларнинг хисоби бўйича, агарда мажбуриятни 7% пасти юқори ликвидли активлар ҳисобидан қопланилиши мумкин бўлса, банк фаолиятидаги ҳар қандай адашиш унинг тўлов қобилиятининг инқирозига олиб келиши мумкин.

10. Тўлиқ ликвидлилик коэффициенти – ликвидли активларни жалб қилинган активларга нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич бўйича жоиз қиймат бир ва ундан юқори, критик – 0,8 ташкил қилади.

Биз юқорида, банк фаолиятини ишончлилигини таърифловчи айрим кўрсаткичлари кўриб чиқдик холос. Уларнинг сони ва ҳисобалш технологияси турли мамлакатларда турлича. Масалан, Россияда айрим мамлакатларга мослаштирилган Американинг CAMEL рейтинг тизимида банкни молиявий холатини 40 та кўрсаткич орқали баҳолайди. CAMEL тизими бўйича банклар

фаолияти қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади: капитални етарлилик кўрсаткичи; активлар сифати кўрсаткичи; бошқарув ва банк менеджменти сифати кўрсаткичи; фойдалилик ва рентабеллик кўрсаткичи; ликвидлилик кўрсаткичи.

Капитални етарлилик кўрсаткичини оладиган бўлсак, у икки даражага ва 4та кичик кўрсаткичларга бўлинади. Ҳисобланган кўрсаткичлар асосида банк рейтингини 5 типи эълон қилинади: Рейтинг-1 (кучли – банк капитали рискли активларга нисбатан кучли ва банкни ривожланишига кўмаклашади); Рейтинг-2 (қониқарли); Рейтинг-3 (ўртамиёна); Рейтинг-4 (критик); Рейтинг-5 (қониқарсиз). Қолган мезонлари бўйича ҳам шундай таҳлил ўтказилади ва улар асосида йиғма рейтинг ҳисобланилади.

Банклар фаолиятини умуман, уларнинг фаолиятини иқтисодий самадорлигини қисман таҳлил қилишда статистиканинг барча методларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, банк фаолиятини самдорлигини ўзгаришини ўзгарувчан таркибли индекс билан аниқлаш мумкин. Ўзгармас таркибли индекс эса умумий самдорликни кредитлаштирилаётган муассасаларда самадорликни умумий даражаси ҳисобидан ўзгаришини характерлайди. Кредит таркибидаги ўзгариш ҳисобидан самарадорликнинг ўзгариши таркибий силжиш индекси ёрдамида баҳоланади. Бу индекслар ушбу бобнинг бошқа параграфларида кенг қўлланилганини ҳисобга олиб, сиз танишаётган 5.2-параграфда, банк фаолиятини таҳлил қилишда корреляцион-регрессион методларини қўлланилишига батафсил тўхталмоқчимиз.

Банк фаолиятини характерловчи кўрсаткичларни иқтисодий-статистик таҳлил қилишда уларга таъсир қилувчи омиллар (ички ва ташқи)ни аниқлаш ва уларнинг таъсирини баҳолаш жуда муҳим масала. Бу масалани ечиш учун корреляцион-регрессион таҳлил қўлланилади. Бу таҳлилнинг мақсади қуйидаги функцияни олишдир:

$$\bar{y} = f\left(x_1, x_2, ..., x_n\right)$$

Банк фаолияти таҳлилида корреляцион-регрессион таҳлилни қўллаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Банкни танлаш. Мақсадни белгилаш ва кўрсаткичларни танлаш ва ҳисоблаш.
2. Танланган банк ёки банклардан бошланғич маълумотларни тўплаш ва уларни текшириш (мантиқий ва арифметик).
3. Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш.
4. Регрессия моделларини тузиш ва тенглама параметрларини аниқлаш.
5. Тадқиқот натижаларини баҳолаш.

Бошқа соҳаларга ўхшаб банклар фаолиятини регрессион таҳлил қилишда асосий муаммо тенгламани маълум бир типини танлаш. Умумий қабул қилинган қоидаларга биноан тадқиқотчилар кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишини типини аниқлаётганда биринчи навбатда ишчи гепотеза олдинга суради. График методи, корреляцион жадвал ва бошқа статистик методлар ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш асосида олдинга сурилган гепотеза қабул қилиниши ва қилинмаслиги мумкин. Бу ишга кўпроқ мутахассислар ва экспертлар таклиф қилингани маъқул. Омил белгини ўсиб бориш билан натижавий белги бир текисда ортиб борса, демак бу ерда тўғри чизиқли боғланиш мавжуд. Тўғри чизиқли боғланишда қуйидаги тенглама танланади:

$$\bar{y}_x = a_0 + a_1 x$$

бу ерда, $\bar{y}_x$ – натижавий назарий белги; a_0, a_1 – тенглама параметрлари; x – фактор белги.

Бу a_0 ва a_1 параметрларини аниқлаш учун кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, қуйидаги тенгламалар тизимини ечиш зарур:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x = \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum xy \end{cases}$$

Агарда омил белгини ўсиб бориши билан натижавий белгини пасайиши кузатилса, улар ўртасида тескари боғланиш мавжуд дейилади. Иқтисодий-статистик таҳлилда энг кўп учрайдиган тескари чизиқли боғланишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Гипербола тенгламаси:

$$\bar{y}_x = a_0 + a_1 \frac{1}{x}$$

Бу регрессия тенгламасининг параметрларини ҳисоблаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum \frac{1}{x} = \sum y \\ a_0 \sum \frac{1}{x} + a_1 \sum \frac{1}{x^2} = \sum y \frac{1}{x} \end{cases}$$

Иккинчи даражали парабола тенгламаси:

$$\bar{y}_x = a_0 + a_1 x + a_2 x^2$$

Бу тенгламанинг параметрлари *(a_0, a_1, a_2)* нормал тенгламалар тизимини ечиш билан аниқланади:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x + a_2 \sum x^2 = \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 + a_2 \sum x^3 = \sum xy \\ a_0 \sum x^2 + a_1 \sum x^3 + a_2 \sum x^4 = \sum x^2 y \end{cases}$$

Агарда натижавий белгига бир қанча омиллар таъсирини баҳолайдиган бўлсак, кўп ўлчовли корреляциядан фойдаланамиз.

n та ўзгарувчан белги билан тўғри чизиқли регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\bar{y}_x = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + ... + a_n x_n$$

Банк фаолиятини характерловчи кўрсаткичларни боғлиқлигини аниқлаш билан бир қаторда, улар ўртасидаги боғланиш зичлигини баҳолаш статистиканинг асосий ишларидан биридир.

Банк статистикаси белгилар ўртасида боғланиш зичлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади:

1. Корреляция коэффициенти:

$$r = \frac{\overline{xy} - \overline{x} \cdot \overline{y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y} \qquad \text{ёки} \qquad r = \frac{\sum xy - \frac{\sum x \cdot \sum y}{n}}{\sqrt{\left[\sum x^2 - \frac{\left(\sum x\right)^2}{n}\right]\left[\sum y^2 - \frac{\left(\sum y\right)^2}{n}\right]}}$$

2. Корреляцион нисбат ёки корреляция индекси:

$$\eta = \sqrt{\frac{\sigma_y^2 - \sigma_{y-\bar{y}_x}}{\sigma_y^2}} = \sqrt{1 - \frac{\sigma_{y-\bar{y}_x}^2}{\sigma_y^2}}$$

5.1-жадвал

Банк шахсий капитали ва фойдаси ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган

Банклар	Банк шахсий капитали, млн.сўм *(x)*	Фойда суммаси, млн.сўм *(y)*	*xy*	X^2
1	*2*	*3*	*4*	*5*
1	450	30	13500	202500
2	750	35	26250	562500
3	1050	41	43050	1102500
4	1350	46	62100	1822500
5	1650	50	82500	2722500
Жами	5250	202	227400	6412500

Худудда жойлашган 5 та банк бўйича, уларнинг шахсий капитал хажми ва олган фойдаси ўртасидаги боғланишни шакли ва зичлигини ўрганмоқчимиз. Эмпирик маълумотлар 5.1-жадвални 2 ва 3-устунларида келтирилган. Уларга мувофиқ омил ва натижавий белги ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Демак, тўғри чизиқли тенглама танланади.

$$\bar{y}_x = a_0 + a_1 x$$

Бизнинг мисолимизда $n = 5;\ \sum x = 5250;\ \sum x^2 = 6412500;\ \sum xy = 227400$ га тенг (5.1-жадвал). Бу ердан:

$$5a_0 + 5250a_1 = 202$$

$$5250a_0 + 6412500a_1 = 227400$$

Тенгламанинг иккала томонини ҳам “a_0”нинг коэффициентига бўламиз ва шундай қилиб олинган иккинчи тенгламадан биринчисини айирамиз:

$$a_0 + 1050\,a_1 = 40{,}4$$

$$\underline{a_0 + 1221{,}4\,a_1 = 43{,}314}$$

$$171{,}4\,a_1 = 2{,}914$$

$$a_1 = 0{,}017$$

“a_1”нинг қийматини юқоридаги тенгламага қўйиб, “a_0”ни аниқлаймиз:

$$a_0 + 1050 \cdot 0{,}017 = 40{,}4$$

$$a_0 = 22{,}55$$

a_0 ва a_1 параметрларининг қийматларини тенгламага қўйсак:

$$\bar{y}_x = 22{,}55 + 0{,}017x$$

“a_1” параметри банк шахсий капитали бир сўмга ортиши билан фойда суммаси 0,017 сўмга ошишини кўрсатади. Капитал 100 сўмга ортса фойда 1,7 сўмга ортар экан ва ҳ.к.

“х” қийматларини ўрнига қўйиб назарий қаторни оламиз:

$$\bar{y}_{450} = 22{,}55 + 0{,}017 \cdot 450 = 30{,}2 \text{ } млн.сўм$$

$$\bar{y}_{750} = 22{,}55 + 0{,}017 \cdot 750 = 35{,}3 \text{ } млн.сўм$$

$$\bar{y}_{1050} = 22{,}55 + 0{,}017 \cdot 1050 = 40{,}4 \text{ } млн.сўм$$

$$\bar{y}_{1350} = 22{,}55 + 0{,}017 \cdot 1350 = 45{,}5 \text{ } млн.сўм$$

$$\bar{y}_{1650} = 22{,}55 + 0{,}017 \cdot 1650 = 50{,}6 \text{ } млн.сўм$$

Назарий қатор қийматларининг йиғинси $\left(\sum \bar{y}_x\right)$ эмпирик қатор қийматлари йиғиндисига тенг бўлиши керак: $\sum y = \sum \bar{y}_x$.

$$\sum y = 202 = \sum \bar{y}_x = 30{,}2 + 35{,}3 + 40{,}4 + 45{,}5 + 50{,}6 = 202 \text{ } млн.сўм$$

Банк шахсий капитали билан фойда суммаси ўртасидаги боғлиқликнинг зичлигини баҳолаш учун корреляция коэффицитентини ҳисоблаймиз:

$$r = \frac{\sum xy - \frac{\sum x \cdot \sum y}{n}}{\sqrt{\left(\sum x^2 - \frac{\left(\sum x\right)^2}{n}\right)\left(\sum y^2 - \frac{\left(\sum y\right)^2}{n}\right)}}$$

Ушбу формуладаги ягона номаълум хад y^2 ни ҳисоблаб оламиз.

$y^2 = 30^2 + 35^2 + 41^2 + 46^2 + 50^2 = 8422$. Энди корреляция коэффициенти тенг:

$$r = \frac{227400 - \frac{5250 \cdot 202}{5}}{\sqrt{\left(6412500 - \frac{(5250)^2}{5}\right)\left(8422 - \frac{(202)^2}{5}\right)}} = 0{,}998$$

Корреляция коэффициенти бирга яқин. Демак, банк фойдаси асосан шахсий капиталга боғлиқдир. Фойдага таъсир қиладиган омилларни 100% деб қабул қилсак, шундан 99,8%и шахсий капитал хажмига тўғри келади.

5.3. Банкларнинг кредит фаолияти статистикаси

5.3.1. Кредит операциялари тушунчаси ва кўрсаткичлари

Кредит деб бир субъект иккинчи субъектдан пул ёки товарни маълум бир муддатга мукофот тўлаш ва қайтариб бериш шарти билан олишига айтилади.

Кредитни банклар, корхона ва ташкилотлар, акционерлик жамиятлари, хусусий фирмалар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар бериши мумкин. Юқорида саналганлар қарз олувчи бўлиши ҳам мумкин.

Кредит бир қанча турларга бўлинади. Муддати бўйича: қисқа муддатли; узоқ муддатли. Таъминланиши бўйича: таъминланган ва таъминланмаган. Кредитор

турлари бўйича: давлатлараро; банклараро; банк; давлат; тижорат; лизинг компанияси кредити; суғурта компанияси кредити; шахсий кредит. Дебиторлар тури бўйича: қишлоқ хўжалиги; саноат; коммунал кредит; номли кредит. Фойдаланиши бўйича: истеъмол; саноат. Оборот маблағларини яратиш бўйича кредит: инвестиция кредити; молиявий тангликни йўқотиш учун; ўртанчи кредит; мавсумий кредит; қимматли қоғозлар бўйича кредит; экспорт ва импорт кредит. Булардан ташқари кредитни яна қуйидаги турлари мавжуд: ипотека; форфейтинг; имтиёзли; дискотли (ҳисобли); ломбард; аваль; Еврокредит ва бошқалар.

Республика Молия Вазирлиги ва Марказий банк хужжатларида қарз олувчининг молиявий фаолиятига қараб уни кредит қобилияти даражаси, кредитни қайтариш имкони, тегишли ва тўлиқ хужжатлаштирилган таъминотни мавжудлиги ва бошқаларга қараб кредит қуйдаги классларга бўлинади: яхши, қониқарли, субстандартли, шубҳали, ишончсиз кредитлар.

Кредитни ҳамма турлари ва кўрсаткичлари статистиканинг ўрганиш предмети ҳисобланади. Статистиканинг вазифаларига (5.1.Параграфда келтирилган вазифалардан ташқари) кредитни ҳажмини, таркибини, динамикасини, муддатини ва бошқаларни характерловчи кўрсаткичлар тизимини яратиш, кредит олиш ва қоплаш шароитларини ўрганиш, кредит бўйича даромад ва кредит операцияларини самарадорлигини аниқлаш ва бошқа вазифалар киради. Булардан ташқари, бизни фикримизча, ҳар бир кредит операциясини (ҳажмидан қаътий назар) ўзига хос хусусиятини ўрганиш, кредит ставкаларини кредитни олиш ва қоплаш шарт-шароитлари ҳисобга олган ҳолда ҳар бир кредит операцияси учун дифференциал белгилаш, кредит ставкаларни нарх, солиқ, инфляция ва бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолда белгилаш ва таҳлил қилиш статистикани муҳим вазифасидир. Бу вазифани банкирлар, амалиётчи иқтсодчилар, молиячилар ва статистиклар биргаликда бажарса натижа янада яхши бўлади.

Кредит муносабатларни баҳолашда статистика ҳажм, таркибий, ўртача, динамик ва самародорлик кўрсаткичларидан фойдаланади. Статистика бу кўрсаткичларни уларга таъсир қилувчи омиларни, уларнинг умумий социал-иқтисодиётга (ва тескариси) таъсирни аниқлайди ва ўлчайди.

Кредит ҳажми муҳим кўрсаткичлардан биридир. Амалиётда бу кўрсаткичнинг маълум бир даврда олинган ва берилган суммалари ҳисобланади. Бундан ташқари қопланган кредит ва кредит бўйича қарз суммалари ҳам ҳисобланилади. Бу суммаларни ҳисоблашда ҳисоб-китоб асосий қарз ва фоизлар (муддатида ва муддати кечиктирилган суммалар бўйича алоҳида) бўйича олиб борилади. Муддати узайтирилган (пролонгация килинган) кредит билан муддати тўлган кредитни алмаштирмаслик керак.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бошланғич актуар (хужжатлаштирилган) маълумотлар асосида оддий қўшиб чиқиш усули билан аниқланади ва навбатдаги кўрсаткичларни ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилади.

Кредит ҳажмини, даражасини, таркибини, ўзаро боғлиқлигини, динамикасини ва самардорлигини характерловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш масалаларига кейинги парагрифларда батафсил тўхталамиз.

Кредит статистикаси кўрсаткичлари орасида кредит риски кўрсаткичи энг муҳим. Берилган кредит суммаси билан (ўз вақтида қайтармаслик ва капиталдан

ажралиш) риск ёнма-ён юради. Ўз муддатида қайтарилмаган сумма кредит боқимондасидир. У асосий қарз ва кредит фоизларидан ташкил топади.

Қайтарилмаган асосий қарзлар ва улар бўйича фоизлар суммаси бу қўлдан берилган капитал. Қўлдан берилган капитал одатда ялпи зарар сифатида кўрилади. Кўрилган зарар, ҳисобдан чиққан айланма маблағдир. Агар қарздордан ёки бошқа манбалардан кўрилган зарарнинг бир қисми қопланса кўрилган зарар ўша суммага камаяди. Кредит билан боғлиқ бўлган боқимонда суммаси, қўлдан берилган капитал, зарарлар кредит камомадини хусусий ҳоллари ҳисобланади.

Шундай қилиб кредит муносабатларида рискни ёки таваккалчиликни уч ҳил тури мавжуд экан: боқимандалик; капитали қўлдан бериш; зарар риски.

Рискни олдиндан кўра билиш ёки уни ҳисоблаш мумкин. Унинг учун бизда кредитни беришдан бошлаб то қоплаш шарт-шароитларигача ҳар томонлама ўрганилган, бошланғич ҳужжатлардан олинган кафолатланган ахборот бўлиши керак.

Асосий қарз бўйича кредит боқиманда суммасини қуйидагача ҳисоблашимиз мумкин. Масалан, ўз муддатида қопланган асосий қарз бўйича оборот 200 млн. сўм, муддати кечиктирилиб қопланган асосий қарз - 20 мнл. сўм, қопланмасидан қолган сумма - 25 млн. сўм. Бу ерда боқиманда риски 0,18 [(20+25):(200+20+25)] - тенгдир. Муддати кечиктирилиб қопланган ссуда суммаларига одатда юқори фоизлар (жарималар) қўлланилади. Шунинг учун ҳам жами риск боқиманда рискидан юқори бўлади.

Кредитор учун кечиктирилган тўловларни икки параметри муҳим: сумма; муддат. Бу икки параметр бирлаштирилса капитал-кунлар сони келиб чиқади. Капитал-кунлар сони, боқиманда сумма ва кечиктирилган кунлар сонининг кўпайтмасига тенг. Масалан, боқимонда суммаси 20 млн. сўмни, кечиктирилган кунлар сони 36 кун. Демак, қарзнинг мутлоқ миқдори 720 млн. сўм - кунни ташкил қилади. Бу миқдорни (720млн. сўм-кунни) молия тилида кредит ғазаби дейилади. Кредит ғазаби бўйича рискни аниқлаш учун қарзнинг мутлоқ миқдори пландаги капитал-кунлар сонига бўлинади. Масалан: 60 кунга 40 млн. сўмлик кредит берилган. Кредит икки мартада қопланган: 60 кундан кейин 36 млн. сўм, яна 6 кундан сўнг 4 млн. сўм. Кредит ғазаби бўйича риск 0,01 [(4х6):(40х60)] тенг.

Қўлдан берилган капитал риски ва капитал ғазаби риски ўзаро узвий боғлиқ. Бундан фойдаланиб қўлдан берилган капитал бўйича рискни аниқлаш мумкин:

$$L=B \times K,$$

бу ерда. L-қўлдан берилган капитал риски; В-кредит ғазаби риски; К-параметр.

Қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик. Республика тижорат банклари томонидан берилган 300 та кредит операциясини таҳлил қилганимизда, параметрни ўртача моҳияти бешдан бир қисмига тенг бўлади. Таҳлил қилинадиган ойда кредит ғазаби бўйича риск 0,018 ташкил қилади, режа бўйича қоплаш ҳажми 40 млн. сўмни ташкил қилиши керак. Банкнинг кутилаётган қўлдан берилган маблағи 0,144 (40х0,018х0,2) млн. сўмга тенгдир.

Кредит тизимида кредит ресурслари ва кредит қўйилмалари кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиши билан бирга, бир-биридан фарқ қилади. Кредит ресурслари банклар, халқ хўжалик тармоқлари, суғурта компаниялари, чет эл фаолияти ва аҳоли ресурсларидан ташкил топади.

Банк маблағларига устав фонди, захира фонди ва махсус фондлар қўшилади, халқ хўжалик тармоқлари маблағлари эса корхона ва ташкилотларни ҳисоб рақамидаги пул қолдиқлари, капитал қўйилмалар счетидаги маблағлар ва турли хилдаги иш бюртмачиларнинг маблағларидан ташкил топади. Аҳоли маблағларига уларнинг жамғарма ва тижорат банкларидаги счётларидаги пуллари, қўлдаги нақд пуллари киради.

Шундай қилиб барча кредит ресурслар (яъни бўш турган маблағлар)нинг йиғиндиси мамлакатни ссуда фондига тенгдир.

Кредит қўйилмалари деб банклар ва бошқа кредит муассасаларининг корхона, ташкилот ва аҳолига ҳақиқий берилган суммаларига айтилади. Кредит куйилмаларини ҳажмини, таркибини, динамикасини ва самарадорлигини характерловчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд. Уларга батафсил тўхталиш бу мавзуни вазифаси эмас.

5.3.2. Кредит кўрсаткичларининг статистик таҳлили

Маълумки, кредит обороти унинг ҳажми ва муддатига боғлиқ. Агарда иккита банк бир ҳил суммада кредит берса, қайси бирида кредит муддати қисқа бўлса ўша банкда кредит обороти юқори бўлади. Масалан, 40 млн. сўм ўртача 20 кунлик муддат билан бир кварталга кредит берилса, кредит обороти 180 (40х90/ 20) млн. сўмни ташкил қилади. Агарда ўртача муддат 30 кунни ташкил қилса кредит обороти - 120 млн. сўм. Шунинг учун ҳам кредит оборотини таҳлил қилишда, кредит суммасини муддатини ўзгаришини ҳисоблаш зарур. Масалан, биринчи йилда кредит обороти 170 млн. сўмни, ўртача муддати эса 72 кунни ташкил қилди, иккинчи йилда 190 ва 60 кунни. Юзаки қараганда кредит обороти 1,12 (190:170) баробар ошган, ҳақиқатда эса кредит бозори 0,93 (1,12/72:60) баробар қисқарган.

Кредит обороти ҳажмини таҳлил қилишда кредит сўмининг муддати ўзгаришидан ташкари инфлияцияни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу ишни дефлятор-индексини ҳисоблаш ва қўллаш орқали бажариш мумкин. Бизга маълумки, дефлятор-индекси мазмунан баҳо индексининг алмаштирувчиси, инфляция индекси эса баҳо индексни тескарисидир. Демак, кредит оборотининг реал индексини ҳисоблаш учун кредит обороти индексини дефлятор-индексига бўлинади, агар инфляция индекси маълум бўлса кредит обороти индекси инфляция индексига кўпайтирилади.

Банк ялпи даромади кредит ҳажми ва ўртача йиллик ставкалар билан бевосита боғлиқ. Ўртача ставка эса, ўз навбатида, индивидуал ставкалар ва кредитни таркибига боғлиқ. Бу боғлиқликларни қуйидаги шартли мисол асосида кўрилиб чиқайлик.

Кредит муддати бўйича гурухлар, ой	Базис даври		Жорий давр	
	кредит ҳажми, млн. сўм	фоиз ставкаси, %	кредит, ҳажми, млн. сўм	фоиз ставкаси, %
	Q_0	i_0	Q_1	i_1
1 -Ойга	56	5	32	5,2
1-3	12	4	44	4,1
3-6	2	3	4	3,1
Жами:	70	-	80	-

Банк даромадини ҳар давр учун ҳисоблаймиз. Бу кўрсаткич ўтган давр учун 3.34 (0,05х56+0,04х12+0,03х2) млн. сўмга тенг. Жорий давр учун эса - 3,592 млн. сўм. Энди ўртача ставка индексларни ҳисоблаймиз. Ўртача кўрсаткични ўзгариши ўзгарувчан таркибли индекс ёки қуйидаги формула билан ўлчанади:

$$J_{\bar{i}} = \frac{\sum i_1 Q_1}{\sum Q_1} : \frac{\sum i_0 Q_0}{\sum Q_0} = \frac{5{,}2 \cdot 32 + 4{,}1 \cdot 44 + 3{,}1 \cdot 4}{32 + 44 + 4} : \frac{5 \cdot 56 + 4 \cdot 12 + 3 \cdot 2}{56 + 12 + 2} =$$

$$= \frac{166{,}4 + 180{,}4 + 12{,}4}{80} : \frac{280 + 48 + 6}{70} = \frac{359{,}2}{80} : \frac{334{,}0}{70} = 4{,}49 : 4{,}771 = 0{,}941 \quad ёки \quad 94{,}1\%$$

Ҳамма индивидуал кўрсаткичлар бўйича фоиз ставкалари ошишига қарамасдан, ўртача кўрсаткич 5,9 фоизга пасайган. Бундай бўлишига икки омил таъсир кўрсатади: ҳар бир индивидуал белги бўйича фоиз ставкаларини ўзгариши ва кредит обороти таркибидаги ўзгаришлар. Буларни қуйидаги индекслар ёрдамида ўлчаймиз. Биринчи омил таъсири ўзгармас таркибли индексни ҳисоблаш билан ёки қуйидаги формула билан ўлчанади:

$$J_i = \frac{\sum i_1 Q_1}{\sum Q_1} : \frac{\sum i_0 Q_1}{\sum Q_1} = \frac{359{,}2}{80} : \frac{5{,}0 \cdot 32 + 4{,}0 \cdot 44 + 3{,}0 \cdot 4}{32 + 44 + 4} = \frac{359{,}2}{80} : \frac{348}{80} =$$

$$= 4{,}49 : 4{,}35 = 1{,}032 \quad ёки \quad 103{,}2\%$$

Иккинчи омилнинг таъсири таркибли силжишлар индекси ёки қуйидаги формула билан баҳоланади:

Хулоса. Кредитнинг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар хиссаси ошганлиги муносабати билан банк даромади 8,83 % пасайган. Умумий кўринишда банк даромади 0,252 (3,592-3,34) млн. сўмга ошган. Аммо кредит оборотидаги салбий таркибий ўзгаришлар ҳисобидан банкни мутлоқ даромади 0,3368 ((0,0449-0,04771) х 80-(3,592-3,48)) млн. сўмга камайган.

Ссуда капиталини қўлдан бериш риски банк фоиз даражасига катта таъсир кўрсатади. Риск юқори экан деб ишламаслик кредит тизимини заруриятини йўқотади, рискни назар писанд қилмасдан ишлаш эса банкротлик сари йўл. Бу масала статистикада ўртача риск даражасига суянган ҳолда хал қилинади.

Банкаларда ёки бошқа кредит муассасаларида битта табиий ва ўзгармас талаб бўлиш шарт: мижозларни суъбектив манфаатлари ва шарт-шароитларидан қатъий назар кредит операциясини ҳамма бўлаклари бўйича минимал самарадорликни таъминлаш. Бошқача айтганда, кредитни ўз муддатида қайтариш, банкни ҳар бир операциясини даромадлилигини кафолатлаш талаби ҳаммага деярли бир ҳил даражада бўлиши керак. Айтганларни бир шартли мисолда кўриб чиқайлик.

Қарздорлар гуруҳи	Сони	Ссуданинг ўртача миқдори	Қайтармаслик эҳтимоли	Ставка
Биринчи	n_1	a_1	L_1	b
Иккинчи	n_2	a_2	L_2	x^1

- Эсда тутинг $L_1 > L_2$; 1. Номаълум фоиз ставкаси.

Биринчи гуруҳ учун банкни ялпи даромади $n_1a_1b_1$ ларни кўпайтмасига тенг. Маълумки, риск бор. Унинг мавжудлиги даромадни қуйидаги суммага камайтиради.

$a_1n_1L_1+ a_1n_1L_1l$ Бу ердан самарадорлик (R_1) тенг:

$$R_1 = \frac{n_1 \cdot a_1 \cdot b + a_1 n_1 L_1 (1+b)}{a_1 n_1}$$

Қисқартиришлардан кейин қуйидагига эга бўламиз: R_1=b-L(1+b).

Юқорида келтирилган самарадорлик ва банкнинг турли операциялари тенглиги қоидасига биноан:

$R_1=R_2$ ёки $b-L_1 (1+b) = x-L_2 (1+X)$ бу ердан,

$X= [b-L_1 (1+b) +L_2]:(1-L_2)$.

Мисол. Банк ўзининг ишончли мижозларига 6% ли (ойлик) кредит берди. Бу группа бўйича риск даражаси 0,01 га тенг. Ишончсиз мижозлар учун қандай фоиз ўрнатиш керак (Уларнинг кредитни қоплаш эҳтимоли 0,95).

Шартли параметрлар : b=0,006, L_1=0,01, L_2=1-0,95=0,05

$$X = \frac{0{,}06 - 0{,}01(1+0{,}06) + 0{,}05}{1-0{,}05} = 0{,}1046$$

Олинган натижа шуни кўрсатмоқдаки, банклар иккинчи гуруҳ мижозлардан тушган аризаларни 10,46 фоизни қондириши мумкин. Демак, 100 та мажоздан 10 тасига кредит бериш мумкин. Ишончсиз ва ишончли мижозларни ўрганишда кластер таҳлили кенг қўлланиши бизга маълум. Лекин бу ишни дарслик доирасида бажариб бўлмайди.

Банк фаолиятининг статистик таҳлил қилиш жараёнида кредит (ссуда)ни ўртача размери ва муддати кўрсаткичлари кенг қўлланилади.

Кредитнинг ўртача размери қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\bar{R} = \frac{\sum R \cdot t}{\sum t}$$

Бу ерда $\bar{R}$ – кредитнинг ўртача размери; R – ҳар бир кредитнинг размери; t – ҳар бир ссуданинг берилган вақти.

Мисол. АМТ банк 80 млн.сўмни 7 ойга, 200 млн.сўм 8 ойга ва 100 млн.сўмни 11 ойга кредитга берган. Кредитнинг ўртача размерини аниқланг.

$$\bar{R} = \frac{80 \cdot 7 + 200 \cdot 8 + 100 \cdot 11}{7+8+11} = \frac{560+1600+1100}{7+8+11} = \frac{3260}{26} = 125{,}4 \ млн.сўм$$

Кредитдан фойдаланишни ўртача вақтини қуйидаги формула билан ҳисобланилади:

$$\bar{t} = \frac{\sum t \cdot R}{\sum R} = \frac{7 \cdot 80 + 8 \cdot 200 + 11 \cdot 100}{80+200+100} = \frac{3260}{380} = 8{,}58 \ ой$$

Кредитдан фойдаланишнинг ўртача вақтини қуйидаги формулалар билан ҳам ҳисобласа бўлади:

$$\bar{t} = \frac{\bar{R} \cdot D}{O}; \quad \bar{t} = Д_1 \frac{\sum i \text{ хакикий}}{\sum \text{і йиллик}}$$

бу ерда: $\bar{R}$ – ссудани муддатли счетлари дебети бўйича қолдиқли ўртачаси;

Д – даврдаги кунлар сони; О – муддатли счетлар бўйича кредит оборoти; $Д_1$ – 12 ойни ташкил қилади.

Юқорида келтирилган мисолда АМТ банки кредитларни тегишли равишда 13,15 ва 14% (йиллик) фоиз билан берган. Ўртача муддатни ҳисоблаш учун хақиқий ёзилган фоиз суммасини аниқлаймиз. Маълумки, фоизлар бир йилга берилган, а кредит 7,8 ва 11 ойга. Биринчи кредит суммаси учун йиллик фоизни 12 га бўлиб олинган натижа 7 ойга кўпайтирилади ва 100 га бўлинади, яъни [(13/12)·7]:100 = 0,0758; иккинчи кредит учун [(15/12)·8]:100 = 0,1; учинчи кредит учун [(14/12)·11]:100 = 0,1283.

Энди ўртача ссуда муддатини аниқлаймиз:

$$t = 12\frac{80 \cdot 0{,}0758 + 200 \cdot 0{,}1 + 100 \cdot 0{,}1283}{80 \cdot 0{,}13 + 200 \cdot 0{,}15 + 100 \cdot 0{,}14} = 12 \cdot \frac{38{,}894}{54{,}4} = 8{,}58 \ ой$$

Статистикада берилган кредитларни макроиқтисодий кўрсаткичларга боғлиқлигини ўрганиш мақсадида кредитни интенсивлиги, ўртача қайтими ва эластиклик коэффициенти ҳисобланилади.

Кредит интенсивлиги кредит размерини ялпи ички махсулот хажмига нисбати билан аниқланади ва бир сўмлик ялпи ички махсулотга қанча кредит тўғри келишини характерлайди.

$$K_n = \frac{Кредит\ размери}{Ялпи\ ички\ махсулот}$$

Кредитни ўртача қайтими кредит интенсивлиги кўрсаткичини тескарисидир, яъни бир сўмлик берилган кредитга қанча сўмлик ялпи махсулот яратилганлигини характерлайди.

Кредитни эластиклик кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{эл} = \Delta y : \Delta x$$

бу ерда: Δу – кредит суммасини ўзгариш суръати; Δх – ялпи ички махсулотни ўзгариш суръати.

Банк ялпи даромади молиявий натижани характерловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, берилган кредит суммасини фоиз ставкасига кўпайтириш билан аниқланади:

$$БЯД = БК \cdot Фоиз\ ставкаси$$

Бу кўрсаткични ўртача фоиз ставкаси орқали ҳам ҳисоблаш мумкин, яъни:

$$БЯД = БК \cdot \bar{i}$$

Ушбу кўрсаткичларни қуйидаги шартли маълумотлар асосида кўриб чиқайлик.

Кредит турлари	Базис даври		Жорий давр	
	Ўртача йиллик қарз, млн.сўм. (R_0)	Ўртача фоиз ставкаси, (i_0)	Ўртача йиллик қарз, млн.сўм. (R_1)	Ўртача фоиз ставкаси, (i_1)
Қисқа муддатли Узоқ муддатли	1150 850	6,15 7,55	2050 970	6,60 8,70
Жами	2000	6,65	3020	7,25

Банкни ялпи даромади тенг (базис ва жорий йилларда):

$$БЯД_0 = \sum R_0 \cdot i_0 = 1150 \cdot 0{,}0615 + 850 \cdot 0{,}0755 = 134{,}9 млн.сўм$$

$$БЯД_1 = \sum R_1 i_1 = 2050 \cdot 0{,}066 + 970 \cdot 0{,}087 = 219{,}69 млн.сўм$$

Демак, банк ялпи даромади жорий йилда ўтган йилгига нисбатан 84,79 (219,69 – 134,9) млн.сўмга ортган.

Агрегат индексларидан фойдаланиб банк ялпи даромад ўзгаришини берилган кредит хажми ва фоиз ставкаси ҳисобидан ўзгаришини аниқлаймиз.

А. Берилган кредит суммаси ҳисобидан:

$$J_{БЯД(R)} = \frac{\sum R_1 i_0}{\sum R_0 i_0} = \frac{2050 \cdot 0{,}0615 + 970 \cdot 0{,}0755}{1150 \cdot 0{,}0615 + 850 \cdot 0{,}0755} = \frac{126{,}1 + 73{,}2}{70{,}7 + 64{,}2} = \frac{199{,}3}{134{,}9} = 1{,}477 \quad ёки \quad 147{,}7\%$$

Б. Фоиз ставкаси ҳисобидан:

$$J_{БЯД(i)} = \frac{\sum R_1 i_1}{\sum R_1 i_0} = \frac{2050 \cdot 0{,}066 + 970 \cdot 0{,}087}{2050 \cdot 0{,}0615 + 970 \cdot 0{,}0755} = \frac{135{,}3 + 84{,}39}{126{,}1 + 73{,}2} = \frac{219{,}69}{199{,}3} = 1{,}102 \quad ёки \quad 110{,}2\%.$$

Демак, банк ялпи даромади кредит суммаси ҳисобидан, 64,4, фоиз ставкасининг ўзгариши ҳисобидан 20,39 млн.сўмга ошган, яъни:

$$\sum R_1 i_1 - \sum R_0 i_0 = \left(\sum R_1 i_0 - \sum R_0 i_0\right) + \left(\sum R_1 i_1 - \sum R_1 i_0\right)$$

$$219{,}69 - 134{,}9 = (199{,}3 - 134{,}9) + (219{,}69 - 199{,}3)$$

$$84{,}79 = 84{,}79$$

Банк ялпи даромадининг қарзни йиллик ўртача суммаси ҳисобидан ўзгариш ўз навбатида яна икки кўрсаткичга бўлиниши мумкин:

1. Кредитнинг икки тури бўйича қарзни хажми ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta БЯД_{(R)} = 134{,}9[(3020 : 2000) - 1] = 134{,}9(1{,}51 - 1) = 68{,}799 \ млн.сўм$$

2. Кредит таркибининг ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta БЯД_{(T.C)} = 134{,}9[(3020 : 2000)(0{,}978 - 1)] = -4{,}481 млн.сўм$$

Кредит таркибининг ўзгариши ҳисобидан қарзни ўртача йиллик суммасини ўзгаришини ҳисоблашда таркибий ўзгариш индексини қўлладик. У қуйидагича ҳисобланади:

$$J_{T.C} = \frac{\sum d_1 i_0}{\sum d_0 i_0}$$

бу ерда d_0 ва d_1 – тегишли равишда базис ва жорий йиллари учун кредитни умумий хажмида кредит турларининг ҳиссаси (улуши).

Улушларни ҳисобласак: $d_0^{'} = 1150 : 2000 = 0{,}575; \ d_0^{''} = 850 : 2000 = 0{,}425.$

Жорий даврда тегишли равишда 0,679 ва 0,321.

$$J_{T.C} = \frac{0{,}679 \cdot 0{,}0615 + 0{,}321 \cdot 0{,}0755}{0{,}575 \cdot 0{,}0615 + 0{,}425 \cdot 0{,}0755} = \frac{0{,}0660}{0{,}0675} = 0{,}978 \quad ёки \quad 97{,}8\%$$

Шундай қилиб, жорий даврда ўтган даврга нисбатан банкда ўртача йиллик қарзни 1020 (3020 – 2000) млн.сўмга ошиши ҳисобидан банкнинг ялпи даромади 139,381 млн.сўмга, фоиз ставкасининг ўзгариши ҳисобидан – 20,39 млн.сўмга

ошган. Кредит таркибидаги ўзгаришлар ҳисобидан эса, банк ялпи даромади 4,481 млн.сўмга камайган.

Банк фаолиятини олий мақсади - кредит ресурсларидан фойдаланишни юқори даражадаги самарадорлигини таъминлашдир.

Мамлакат миқиёсида кредит самарадорлиги ялпи маҳсулот ҳажмини кредит ресурсларини ўртача даражасига нисбати билан аниқланилади (Э=Q:K). Бу ҳар ҳил бўлиши мумкин. Масалан, ялпи маҳсулот соф маҳсулот билан, ресурслар (ўртачаси) уларни бир қисми билан алмаштирилиши мумкин. Банк даражасини олсак, бу кўрсаткич кредит операцияларидан олинган соф даромадни банкни шахсий ресурсларига нисбати билан аниқланади. Банкни соф даромади, ялпи даромаддан кредит билан боғлиқ харажатларни ажратиш орқали ҳисобланилади.

Кредит самардорлигини кредитни айланиши кўрсаткичлари орқали ҳам баҳолаш мумкин. Кредитни айланиш даражаси икки кўрсаткич билан ўлчанади[1] - кердитдан фойдаланиш вақти (муддати), бир давр ичида кредит оборотлари сони.

Кредитдан фойдаланиши вакти t ўртача кредит қолдиқларини бир кунлик оборотга нисбати билан ҳисобланади:

$$t = \overline{K} : m = \overline{K} : \frac{Q}{D}$$

бу ерда : $\overline{E}$ – ўртача кредит қолдиқлари; m-бир кунлик оборот; Q – кредит обороти; D – кунлар сони.

Ўртача кредит қолдиқлар ўртача хронологик формула билан ҳисобланади:

$$\overline{K} = \frac{\frac{1}{2}K_1 + K_2 + \ldots + \frac{1}{2}Kn}{n-1}$$

Кредит обороти сони (n) қуйидаги формула билан ўлчанади:

$$n = \frac{O}{\overline{K}}$$

Бу кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ кўрсаткичлардир, яъни:

$$n \cdot t = D, \quad n = D:t$$

Бу кўрсаткичларни вақт бўйича ўзгаришини ўрганиш статистикасининг муҳим вазифаларидан бири. Бу ишни бир қанча статистик методлар ёрдамида бажариш мумкин. Энг кўп қўлланиладиган ва яхши натижа берадиган метод индекс методидир.

Тўпламни ҳамма бирликлари бўйича ўртача кредитдан фойдаланиш вақти жорий давридаги ўртача вақтни ($\bar{t}_1$) ўтган даврдаги ўртача вақтга ($\bar{t}_0$) нисбати билан аниқланади:

$$J_{\bar{t}} = \bar{t}_1 : \bar{t}_0 = \frac{\sum t_1 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 m_0}{\sum m_0}$$

бу ерда: *t* – кредитдан фойдаланиш вақти; m – бир кунлик оборот (*O:D*);
$t \cdot m = \overline{K}$ – ўртача кредит қолдиғи.

[1] Бу иккала кўрсаткични қопланган ва берилган кредит ҳажмлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Бу индекс ўзгарувчан таркибли индекс деб аталади. Ўртача кўрсаткични ўзгаришига кредитдан фойдаланиш вақтини ўзгариши ва кредит таркибидаги ўзгаришлар таъсир қилади. Уларнинг таъсирини ўзгармас таркибли ва таркибий силжишлар индекслари ёрдамида ўрганамиз. Ўзгармас таркибли индекс тенг:

$$J_t = \frac{\sum t_1 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 m_1}{\sum m_1} = \frac{\sum t_1 m_1}{\sum t_0 m_1}$$

Таркибий силжишлар индекси тенг: $J_{T.\tilde{N}.} = \frac{\sum t_0 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 m_0}{\sum m_0}$

Бу индекслар ўзаро боғланган индекслардир: $J_{\bar{t}} = J_t \cdot J_{T.,,.}$

Бу индексларни бир кунлик кредит оборотини хиссаси орқали ҳам ҳисоблаш мумкин. Унинг учун бир кунлик оборот ҳиссаси (d) ҳисобланилади:

d = m:∑m десак, юқорида келтирилган индекслар қуйидаги кўринишни олади:

$$I_{\bar{t}} = \frac{\sum t_1 d_1}{\sum t_0 d_0}; \qquad I_t = \frac{\sum t_1 d_1}{\sum t_0 d_1}; \qquad J_{\grave{O}.\tilde{N}.} = \frac{\sum t_0 d_1}{\sum t_0 d_0};$$

Бу индекслар ёрдамида кредитдан фойдаланиш вақтини мутлоқ ўзгариши ва бу ўзгаришни қайси омиллар ҳисобидан амалга ошганлигини баҳолаш ҳам мумкин:

Ўртача мутлоқ ўзгариш тенг:

$$\Delta\bar{t} = \sum t_1 d_1 - \sum t_0 d_0 :$$

а) айланиш вақтини ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta\bar{t}_t = \sum t_1 d_1 - \sum t_0 d_1$$

б) таркибий силжишлар ҳисобидан:

$$\Delta\bar{t}_d = \sum t_0 d_1 - \sum t_0 d_0$$

Шундай қилиб: $\Delta\bar{t} = \Delta\bar{t}_t + \Delta\bar{t}_d$ тенг.

Кредитдан фойдаланиш вақти индексларни ҳисоблашни шартли маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

Тармоқлар	Ўртача кредит қолдиғи, млн. сўм.		Қопланган кредит, млн. сўм.	
	Базис даври	Жорий давр	Базис даври	Жорий давр
А	300	420	2250	3750
Б	150	165	1500	1575

Индексларни ҳисоблаш учун керакли бўлган кўрсаткичларни олдин таъкидлаганимиздек, жадвал усулида ҳисоблаш мумкин.

Индекслар (ўзгарувчан, ўзгармас, таркибий силжишлар) ҳисоби:

Тармоқ-лар	Бир кунлик оборот, млн. сўм		Кредитдан фойдаланиш вақти, кун		Индивидуал индекслар	Бир кунлик оборот хиссаси, %		t_1d_1	t_0d_0	t_0d_1
	m_0	m_1	t_0	t_1	$I_t=t_1:t_0$	d_0	d_1			
А	6,25	10,420	48,00	40,3	0,840	0,6	0,7	28,20	28,8	33,6
Б	4,17	4,375	35,97	37,7	1,048	0,4	0,3	11,30	14,4	10,8
Жами:	10,47	14,795	43,2	39,5	0,914	1,0	1,0	39,50	43,2	44,4

Жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдамида индексларни ҳисоблаш мумкин.

1. Ўзгарувчан таркибли индекс тенг:

$$I_{\bar{t}} = \frac{\sum t_1 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 m_0}{\sum m_0} = \frac{40{,}3 \cdot 10{,}42 + 37{,}7 \cdot 4{,}375}{10{,}42 + 4{,}375} : \frac{48 \cdot 6{,}25 + 35{,}97 \cdot 4{,}17}{6{,}25 + 4{,}17} =$$

$$= \frac{420 + 165}{14{,}795} : \frac{300 + 150}{10{,}42} = \frac{585}{14{,}795} : \frac{450}{10{,}42} = 39{,}5 : 43{,}2 = 0{,}914 \quad \text{ёки} \quad 91{,}4\%$$

2. Ўзгармас таркибли индекс тенг:

$$J_t = \frac{\sum t_1 m_1}{\sum t_0 m_1} = \frac{585}{48 \cdot 10{,}42 + 35{,}47 \cdot 4{,}375} = \frac{585}{657{,}53} = 0{,}89 \quad \text{ёки} \quad 89\,\%$$

3. Таркибий силжишлар индекси тенг:

$$J_{T_{...}} = \frac{\sum t_0 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum t_0 m_0}{\sum m_0} = \frac{657{,}53}{14{,}715} : \frac{450}{10{,}42} = 44{,}44 : 43{,}2 = 1{,}028 \quad \text{ЊђЏ} \quad 102{,}8\%$$

Худди шундай натижаларни бир кунлик оборотни хиссаси кўрсаткичи орқали ҳам олиш мумкин:

1.Ўзгарувчан таркибли индекс: $J_{\bar{t}} = \frac{\sum t_1 d_1}{\sum t_0 d_0} = \frac{39{,}50}{43{,}2} = 0{,}914$ *ёки* $91{,}4\,\%$

2.Ўзгармас таркибли индекс: $J_t = \frac{\sum t_1 d_1}{\sum t_0 d_1} = \frac{39{,}5}{44{,}4} = 0{,}89$ *ёки* $89{,}0\,\%$

3.Таркибий силжишлар индекси: $J_{T_{...}} = \frac{\sum t_0 d_1}{\sum t_0 d_0} = \frac{44{,}4}{43{,}2} = 1{,}028$ *ёки* $102{,}8\,\%$

Бу индекслардан фойдаланиб, кредитдан фойдаланиш вақти мутлоқ ўзгаришларни ҳам ҳисоблаш мумкин: ўзгарувчан таркибли индексни суръатидан махражини айирсак, жорий даврда ўтган даврга нисбатан кредитдан фойдаланиш ўртача вақти қанча кунга ўзгарганлиги келиб чиқади:

$$\Delta\bar{t} = \sum t_1 d_1 - \sum t_0 d_0 = 39{,}5 - 43{,}2 = -3{,}7 \text{ кун.}$$

Энди омиллар таъсирини ўрганамиз:

1. Кредитдан фойдаланиш вақтини ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta\bar{t}_t = \sum t_1 d_1 - \sum t_0 d_1 = 39{,}5 - 44{,}4 = -4{,}9 \text{ кунга.}$$

2. Таркибий силжишлар ҳисобидан:

$$\Delta\bar{t}d = \sum t_0 d_1 - \sum t_0 d_0 = 44{,}4 - 43{,}2 = +1{,}2 \text{ кун}$$

Демак, жорий даврда ўтган даврга нисбатан кредитдан фойдаланиш ўртача вақти иккала тармоқ бўйича биргаликда 3,7 кунга қисқарган. Бу тўлиқ биринчи омил ҳисобидан амалга ошган. Агарда иккинчи омил салбий таъсир қилмаганда эди, пасайиш суръати янада юқорироқ бўлар эди (4,9 кун).

Юқорида келтирилган ва таҳлил қилиб чиқилган индекслар кредит оборотини сони бўйича ҳам ҳисобланади. У индексларни ҳисоблаш технологиясига батафсил тўхталмасдан формулаларни келтириш билан чегараланамиз (сабаби тушунарли).

1. Ўзгарувчан таркибли индекс қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$I\bar{n} = \frac{\sum n_1 \bar{k}_1}{\sum \bar{K}_1} : \frac{\sum n_0 \bar{k}_0}{\sum \bar{K}_0} \text{ ёки } \frac{\sum n_1 d_1}{\sum n_0 d_0}$$

2. Ўзгармас таркибли индекс:

$$In = \frac{\sum n_1 \bar{k}_1}{\sum \bar{K}_1} : \frac{\sum n_0 \bar{k}_1}{\sum \bar{K}_1} = \frac{\sum n_1 \bar{k}_1}{\sum n_0 \bar{k}_1} \text{ ёки } \frac{\sum n_1 d_1}{\sum n_0 d_1}$$

3. Таркибий силжишлар индекси:

$$J_{\text{ÒÑ.}} = \frac{\sum n_0 \bar{k}_1}{\sum \bar{K}_1} : \frac{\sum n_0 \bar{k}_0}{\sum \bar{K}_0} \text{ ёки } \frac{\sum n_0 d_1}{\sum n_0 d_0}$$

Кредит статистикасида фақатгина қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатли кредитларни самарадорлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Узоқ муддатли кредитлар, одатда, маълум бир тадбирларни амалга ошириш учун берилади. Масалан, асбоб-ускуналарни қайта жиҳозлаш, бирор-бир янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки янги технология асосида махсулот ишлаб чиқариш ва ҳ.к.

Кредитнинг бу тури бўйича самарадорликни ўрганишда олинган натижа ажратилган кредит ҳажми билан таққосланади: Э=Q:К бу ердан Q=Э· К (бу ерда; Q- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми; Э - самарадорлик; К - кредит размери). Кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган (ёки чиқариладиган) маҳсулот ҳажми икки омилга боғлиқ: 1) самарадорлик даражасига; 2) кредит миқдорига. Демак ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг мутлоқ ўзгариши табиий ҳолда икки омилга боғлиқ бўлади. Бу омиллар таъсири статистикада қуйидагича ўрганилади:

$$\Delta Q = Q_1 - Q_0$$

а) самарадорликни ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta Q_Э = (Э_1 - Э_0) K_1$$

б) кредит размерини ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta Q_K = (K_1 - K_0) Э_0$$

Мисол. Техник жиҳатидан қайта жиҳозлаш тадбири учун икки тармоққа узоқ муддатли кредит ажратилган. Биринчи тармоққа 88,6 млн.сўм, иккинчисига - 74

млн.сўм. Давр охирига келиб фойдани мутлоқ ўзгариши тегишли равишда қуйидагича 35,8 ва 23,3 млн.сўм.

Бу ердан: $\Delta Q=Q_1-Q_2=35,8-23,3=12,5$ млн. сўм.

Фойда 12,5 млн.сўмга ошган экан. Бу ўзгариш нима ҳисобидан амалга ошди деган савол туғилади? Бу саволга жавоб бериш учун умумий ўзгаришни омиллар ҳисобидан ўзгаришни ўрганамиз:

$$Ý_1 = \frac{Q_1}{K_1} = \frac{35,8}{88,6} = 40,4 \text{ тийин;} \qquad Ý_0 = \frac{23,3}{74} = 31,5 \text{ тийин.}$$

Самарадорликни ўзариши ҳисобидан ўзгариши:

$\Delta Q_Э=(Э_1-Э_0)K_1=(0,404-0,315)\cdot 88,6=7,9$ млн. сўмга

Кредит размерини ўзгариши ҳисобидан ўзгариши:

$\Delta Q_Э=(К_1-К_0)Э_0=(88,6-74,6)\cdot 0,315=4,6$ млн. сўмга тенг .

$\Delta Q=\Delta Q_Э+\Delta Q_К=7,9+4,6=12,5$ млн. сўм.

Оборот маблағлари билан кредит суммаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқлик айниқса қисқа муддатли кредитлар бўйича яққол кўзга ташланади. Статистика уни ўрганади ва баҳолайди. Бу боғлиқликни ўрганишдан олдин оборот маблағларининг айланиш даражасини аниқлаймиз. Бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотни оборот маблағларининг ўртача қолдиғига нисбати билан аниқланади:

$$У = \frac{ЯИМ}{\bar{З}}$$

Бу кўраткични мутлоқ ўзгариши тенг:

$$\Delta y = y_1 - y_0$$

Бу ўзгариш қуйидаги омилларга боғлиқ:

1) Ялпи ички маҳсулотни бир сўмлик қисқа муддатли кредитга тўғри келадиган даражаси (К):

$$К = \frac{\text{Ялпи ички маҳсулот}}{\text{Қисқа муддатли кредит ҳажми}}$$

2) Қиска муддатли кредитлар обороти сони:

$$n = \frac{\text{Қисқа муддатли кредит обороти}}{\text{Кредит қолдиги ўртачаси}}$$

3) Оборот маблағларининг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитларни хиссаси:

$$d = \frac{\text{Қисқа муддатли кредитлар ҳажми}}{\text{Оборот маблағлари}} \times 100$$

бу учала кўрсаткичнинг ўзаро кўпайтмаси оборот маблағларининг оборот даражасига (У) тенг

$$У=К \cdot n \cdot Д$$

Бу омилларни умумий мутлоқ ўзгаришга таъсири қуйидаги формулалар ёрдамида ўрганилади.

1. Ялпи ички маҳсулотнинг бир сўмлик қисқа муддатли кредит оборотига нисбати:

$$\Delta Óà = (Jà - 1)\frac{Ó_1}{Jà}$$

2. Қисқа муддатли кредитларнинг айланиш тезлиги:

$$\Delta Óá = (Já - 1)\frac{Ó_1}{JàJá}$$

3. Қисқа муддатли кредитларнинг умумий оборот маблағларидаги хиссаси;

$$\Delta Óâ = (Jâ - 1)\frac{Ó_1}{JàJáJâ}$$

5.4. Банк нормативлари, барқарорлиги ва рейтинги кўрсаткичлари

Ўзбекистон республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қунунига (52-модда) мувофиқ Республика марказий банки қолган банклар учун нормативлар ўрнатиш ҳуқуқига эга.

Нормативларнинг қўлланилиши республика банкларини барқарорлигини таъминлаш ва уларни олди олиниши мумкин бўлган ёки асоссиз рисклардан сақлаб қолишдир. Асосий рисклардан бири кредит рискидир. Норматив бўйича йирик кредитлар суммаси банк капиталидан 8 баробардан кўп бўлмаслиги керак, капитални етарлилиги коэффициенти (банк капиталини риск активларига нисбати) 10 фоиздан ошмаслиги кўзда тутилган, бир зумда ликвидлик коэффиценти минимал размери 0,25; жорий ликвидлик-0,3; қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткични максимал даражаси – 1,0 ва бошқалар; битта қарздорга ёки ўзаро боғлиқ гуруҳига риск даражасининг максимал даражаси биринчи даражали банк капитали даражасидан 25 фоиздан юқори бўлмаслиги керак, банк кредитларини максимал риски размери банк капиталидан 5 фоиздан юқори бўлмаслиги керак; умумий банк капиталини етарлилик коэффициент (рискга асосланган капитални умумий суммасини банк активлари умумий суммасига нисбати 0,1(10%) тенг); биринчи даражадаги капитални етарлилик коэффиценти (оддий акциялар; коммуляциятив - имтиёзли акциялар, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда қийматини умумий активларига нисбати). Бу ерда минимал қиймат 0,05 (5 фоиз). Умумий капиталда биринчи даражали капитал размери 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Левераж коэффиценти. Бу кўрсаткич биринчи даражали капиталнинг активларнинг умумий суммасига нисбати билан ҳисобланади. Лекин бу ишни

бажаришдан олдин умумий активлар суммасидан номоддий активлар ва Гудвилл суммаси чиқарилади. Гудвилл суммаси банкни сотиб олишда уни соф активлари қийматидан ортиқча тўланган сумма.

Статистиканинг вазифаси ана шу нормативларни бажарилиш даражасига баҳо беришдир. Нормативларни ҳисоблашда бир қанча кўрсаткичлар қўлланилади. Уларга:

1. Банкларнинг хусусий капитали. У ўз ичга тўланган устав фонди, банк захиралари ва тақсимланган фойдани олади.

2. Нормативларни ҳисоблашда қўлланиладиган хусусий капитал суммасини олишдан олдин, у суммадан тугалланмаган капитал, қурилишга қўйилган маблағлар ва қоплаш муддати 30 кундан ортиқга кечикадиган кредитлар чиқарилади.

3. Ликвид активлар. Улар тижорат банкларнинг Марказий банкда сақланадиган захиралари; сотиб олинган давлат облигациялари қиймати; бошқа банклар счетидаги маблағлар; қоплаш вақти хали тўлмаган берилган кредит суммалар (1йилгача муддатда).

4. Банклар иқтисодий опрацияларни бажариш учун маълум бир рискга борадилар. Шунинг учун ҳам банк капитали рискни ҳисобга олган ҳолда аниқланилади. У банк активлари билан мумкин бўлган даражада қўлдан чиқарилган маблағ ўртасидаги фарққа тенг

Энди молиявий барқарорликни баҳоловчи банк нормативларини кўриб чиқайлик.

1. Коэффицент Кука ($Н_1$) ёки капитални етарлилигининг нормативи-банк хусусий капиталини риск билан боғланган активлар суммасига нисбати. Норма-5 фоиздан юқори.

2. Жорий ликвидлилик нормативи ($Н_2$) ликвидли актиавларнинг ҳисоб бўйича талаб қилинадиган банк мажбуриятларига нисбати. Норма – 30 % ортиқ.

3. Бир зумда ликвидлилик ($Н_3$)-юқори ликвидли активларни банк мажбуриятларига (талаб қилинадиган) нисбати. Норма-20 фоиздан ортиқ.

4. Узоқ муддатли кредитларнинг риск нормативи ($Н_4$)-узоқ муддатли кредитларнинг хусусий капитал ва узоқ муддатли депозитларга нисбати. Норма-120 % паст.

5. Ликвид активлар ва нетто-активлари нисбати ($Н_5$). Норма-10 % ортиқ.

6. Бир қарздорга бўлган риск нормативи ($Н_6$)-қарздорга берилган кредит ва кафолатнинг банк хусусий капиталига нисбати. Норма-25 % ошмаслиги керак.

7. Йирик кредитлар хатари нормативи ($Н_7$)-йирик кредит ва ҳамма кафолатларни 50 % суммасини банк хусусий капиталига нисбати. Норма-8 мартадан юқори булмаслиги керак.

8. Банкнинг бир кредитори риск нормативи ($Н_8$)-бир кредитор қўйилмасининг банк хусусий капиталига нисбати. Норма 60 % дан паст.

9. Банк акционерларига кредит нормативи ($Н_9$)-бир акционерга берилган кредит суммасини банк хусусий капиталига нисбати. Норма 60 % дан ортиқ эмас.

10. Инсайдерларнинг (банкни бошқариш билан боғлиқ бўлган жисмоний шахслар) қарздорлик нормативи ($Н_{10}$) - битта инсайдерга берилган кредит, кафолат ва кафиллик суммасини банк хусусий капиталига нисбати. Норма 10 фоиздан паст.

11. Аҳоли қўйилмалари нормативи ($Н_{11}$) - қўйилмаларни хусусий капиталга нисбати. Норма-100 фоиздан ошмаслиги керак.

12. Банк қатнашуви нормативи ($Н_{12}$) - бир юридик шахснинг сотиб олган акциялари қийматини банк хусусий капиталига нисбати. Норма - 45 фоиздан ошмаслиги керак.

Қимматли қоғозлар бўйича операциялар нормативлари: қимматли қоғозларга инвестицияни бир эмитентга максимал миқдори – 0,15; устав капиталига ва барча эмитентларни бошқа қимматли қоғозларга инвестицияни максимал миқдори – 0,50; сотиш-сотиб олиш учун қимматли қоғозларга инвестицияни максимал миқдори – 0,25.

Инсайдерлар (шахслар билан боғлиқ операциялар) кўрсаткичлари: бир инсайдерга ёки боғлиқ шахслар гуруҳига берилган кредит суммаси (таъминланган кредит/лизинг) – бир инсайдерга энг йирик кредит (таъминланган)ни биринчи даражали капиталига нисбати – 0,25; таъминланмаган кредит/лизинг – 0,05; банкдан барча инсайдерларга берилган кредит суммаси – барча инсайдерларга берилган кредит суммасини биринчи даражали капиталга нисбати – 1,00.

Бу келтирилган нормативларнинг кўпчилиги Республика маъмурий идоралари томонидан тасдиқланмаган. Лекин жаҳон молия бозорида кўпчилик амалиётчи-олимлар томонидан қўллаб-қувватланадаган ва ишлатиб келинаётган кўрсаткичлардир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга бўйсиниш банкларнинг шахсий иши. Статистика эса бу нормативлар бўйича фақатгина уларни бажарилиши ва бажарилмаслигини назорат қилмасдан, умумий ўртача кўрсаткичларни ҳисоблайди ва улар асосида нормативлардан четланиш муаммолари билан шуғулланади, яъни вариация кенглиги, чизиқли четланиш, квадрат четланиш ва вариация коэффициенти ва бошқаларни аниқлайди.

Юқорида келтирилган ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобланилиб ва таҳлил қилингандан кейин, олинган натижалар асосида банкни банклар ўртасида тутган ўрни (рейтинги) аниқланилади. Рейтинг деганда маълум бир ёки бир неча натижа бўйича ўрганилаётган объектларни таққослашга айтилади. Бу ишни Республика Марказий банки ёки бошқа ташкилотлар бажариши мумкин. Агарда бу иш банк назорати ташкилотлари томонидан бажарилса (назорат ташкилотлари бу ишни фақат расмий ҳисобот маълумотлари асосида эмас, балки синетик ва аналитик учет, жойлардаги текшириш ва танишиш маълумотлари асосида профессионал даражада бажаради) натижалар матбуотда эълон қилинмайди, агарда бу иш озод агентликлар (марказлар, агентликлар, журналлар ва ҳ.к.) томонидан бажарилса (улар: 1) фақат чоп қилинган маълумотлар асосида бу ишни бажаради; 2) улар банк ишини ҳақиқий мутахасислари эмас) очиқ матбуотда эълон қилинади. Банк рейтингини аниқлаш бўйича чет элда бой тажриба тўпланган, шу тажриба билан қисман танишайлик.

Халқаро амалиётда рейтингни аниқлаш икки типдаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади: миқдорий (ҳажмий) ва сифат кўрсаткичлари. Миқдорий кўрсаткичларга: активлар ҳажми, депозитлар, кредитлар, хусусий капитал ва фойда ҳажми киради. Булар ичида энг муҳими банк активларидир.

Рейтингнинг иккинчи типи банкнинг ишончлилик даражасини аниқлаш.

Ишонч даражаси ликвидлилик, фойдалилик, капитални етарлилиги, активларни риск даражаси, менежмент даражаси ва бошқа кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил қилиш натижасида аниқланади.

Чет элда тижорат банкларининг ишончлилик даражасини аниқлаш давлат назорати даражасига кўтарилган. Тижорат банкларининг ишончлилигини таъминлаш бўйича уларга қўйиладиган талаблар, банклар барқарорлигини таъминлашга ҳизмат қилувчи назорат органлари қонун билан тасдиқланган. Бу органлар ўз маълумотларини жуда кенг реклама қилмайди.

Тижорат банкларининг рейтингини аниқлаш АҚШда анча ривожланган. Бу ерда банклар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизми – САМЕЛга чуқурроқ тўхталамиз. Бу тизим бўйича банклар фаолияти 5 балли тизим билан баҳоланади. Энг ишончли банклар 1 балл олади, банкротга яқинлари - 5. Тижорат банкининг ишончлилигини мезонлари: капитални етарлилиги, активлар сифати, менежмент, бошқарувни сифат кўрсаткичи ҳисобланувчи даромадлилик, ликвидлилик. Бу йўналишларни ҳар бири 5 балли тизим билан баҳоланади.

Бу кўрсаткичлар ҳар томонлама ўрганилиб ва баҳоланиб бўлингандан сўнг, тижорат банкининг умумий ишончлилиги 5 балли тизим бўйича баҳоланади.

Агарда, умумий рейтинг 1 га тенг бўлса, демак банк ҳар томонлама соғ, ташқи молиявий ўзгаришларга бардош бера олади, у бошқариш тизимини алмаштирмаслиги мумкин, банк ишига назорат органларининг аралашувига хожат йўқ.

2 балл. Банк соғлом. Айрим камчиликлар унинг барқарорлигига таъсир қилмайди. Бошқариш тизими ўзгармаслиги мумкин. Назорат органлари, фақат аниқланган камчиликларни тузатишда иштирок этишлари мумкин.

3 балл. Банкда молиявий муаммолар мавжуд ва ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса турли молиявий вазиятларда банк ҳамма нарсадан ажралиши мумкин. Банк ишига, айниқса камчиликларни тузатишга назорат ташкилотларини аралашуви зарур.

4 балл. Банкда жиддий молиявий муаммолар мавжуд, банкни хонавайрон бўлиш эҳтимоли юқори, назорат органлари аралашуви шарт ва камчилмикларни тузатишнинг муҳим режасини ишлаб чиқиш зарур.

5 балл. Ҳамма нарса аниқ. Банкнинг ўзи бу аҳволдан чиқа олмайди. Четдан (акционерлардан ёки бошқа манбалардан) ёрдам керак. Агарда тубдан чоралар кўрилмаса банк ёпилади ёки бошқа банкга қўшилади.

Рейтингни ҳисоблаш бўйича Россияда ҳам анча тажриба тўпланган. Бу иш билан асосан рейтинг агентликлари шуғулланади. Уларга: АБИ (агентства банковской информации), «Коммерсант-Daily», Оргбанк, фирма «ПАКК», «Рейтинг» ахборот маркази, АЦФИ ва бошқалар киради.

Бу агентликларда ҳам чет элдагига ўхшаб кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлинади. Миқдорий кўрсаткичлар бўйича рейтингни аниқлаш билан АБИ шуғулланади. Миқдорий кўрсаткичлардан энг хал қилувчи кўрсаткич сифатида АБИ: реал активлар ҳажми (баланс суммаси-нетто); капитал ва мутлоқ фойда миқдори кўрсаткичларини қабул қилган.

Қолган агентликлар рейтингини банкнинг сифат даражаси орқали аниқлашади. Бу кўрсаткич биттаси учун «ишончлилик» бўлса, иккинчиси учун

«кредит қобилияти», учинчиси учун «барқарорлик» бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичларни тушуниш ва қабул қилишга қараб, банкларни баҳолаш учун тегишли кўрсаткичлар тизими қўлланади. Масалан, «Коммерсантъ-Daily» методикаси бўйича («ъ» рейтинги номини олган гуруҳ) ишончлилик кўрсаткичлари сифатида қуйидаги коэффициентлар қабул қилинган:

1. Ишончлиликнинг генерал коэффициенти - ликвид активларнинг, улар бўйича активларга нисбати;

2. Бир зумда ликвидлик коэффициенти - ликвид активларнинг, улар бўйича мажбуриятларга нисбати;

3. Кросс - коэффициент - банкнинг барча мажбуриятларини берилган кредитларга нисбати;

4. Ликвидликнинг генерал коэффициенти - ликвид активлар ва химояланган капиталнинг банкнинг умумий мажбуриятларига нисбати;

5. Ҳимояланган капитал ёки шухрат коэффициенти - ҳимояланган капиталнинг умумий капиталга нисбати.

6. Фойдани капитализация қилиш коэффициенти - хусусий капиталнинг устав фондига нисбати.

Молиявий ахборотни аналитик маркази банк барқарорлигини рейтингини баҳолашда 10 та кўрсаткичдан фойдаланади (инструментар коэффициент, молиявий коэффициент, баланснинг ишончлилиги даражаси, аудит коэффициенти, динамик коэффициент, самарадорлик коэфициенти, сервис коэффициенти, технологик коэффициент, эксперт коэффициенти, шуҳрат коэффициент). «Рейтинг» ахборот маркази эса банкларнинг кредитлаш қобилиятини баҳолаш учун 7 гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ёки гуруҳ кўрсаткичлари ҳисобланган кейин умумий баҳолаш вазифаси пайдо бўлади. Бу вазифа турли методлар билан ечилади (аниқ рецепт йўқ). Лекин кўпчилик бу ишни коэффициентлар методини қўллаб бажаради. Масалан, «ъ» рейтинг методикаси бўйича, юқорида келтирилган кўрсаткичлар (6 та) салмоғи қуйидагича тақсимланган: $К_1$-45 %; $К_2$-20 %; $К_3$-10 %; $К_4$-15 %; $К_5$-5 %; $К_6$-5 %.

Ҳар бир кўрсаткичнинг қиймати ва вазнлари аниқлангандан сўнг, умумий йиғинди кўрсаткич ҳисобланади. Ишончлиликни (ёки барқарорликни) умумий йиғинди кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобланган кўрсаткичлар қийматларини уларга тегишли вазнларга кўпайтириб, олинган натижалар қўшилади.

Бу ишнинг охирги поғонаси банкнинг банклар ичида тутган ўрнини аниқлашдир. Бу ишни рейтинг жадвалларини тузиш билан бажариш мумкин. Бу жадвалда умумий (генерал) кўрсаткич, одатда ўсиб ёки пасайиб бориш типида жойлаштирилади.

Банклар фаолиятини рейтинг билан баҳолаш ва бу баҳоларни матбуотда эълон қилиш билан биз қисман бўлса ҳам аҳолини ва мутахассисларни банклар фаолияти тўғрисидаги информацияга бўлган талабини қондирамиз ва уларга бу информация катта молия бозорида йўл-йўриқ кўрсатиши мумкин. Лекин, шуни эсдан чиқармаслик керакки, биринчидан, бу баҳолар субъектив баҳолардир, иккинчидан, кўп агентликлар маълумотларни етарли даражада тўплай олмайдилар ва айнан шу сабабли олинган натижалар реал ҳаётдан узоқроқ бўлиши мумкин.

5.5. Жамғарма иши статистикаси

Жамғарма иши билан шуғулланиш банкларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу иш билан Ўзбекистонда асосан “Халқ банки” ва барча тижорат банклари шуғулланишади. Жамғарма ишининг асосий мақсади аҳолининг бўш турган пул маблағларини омонатлар орқали давлат ихтиёрига ўтказиш ва уни халқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтиришдир.

Омонат муассасаларининг фаолияти қуйидаги статистик кўрсаткичлар орқали баҳоланади:

1. Омонат муассасаларининг умумий сони
2. Омонатлар сони

Омонатлар сонини таҳлил қилишда улар алоҳида белгилари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- Валюта турига қараб: миллий валюта; чет эл валютасида;
- Омонат субъектига қараб: жисмоний шахслар счети; юридик шахслар счети;
- Омонат муддатига қараб: муддатли; талаб қилинганда;
- Омонатчилар сони. Омонатлар сони билан омонатчилар сони алмаштирилмаслиги зарур. Чунки бир омонатчи бир нечта омонат эга бўлиши мумкин;
- Жамғарма ишининг ривожланиш даражаси – омонатчилар сонини аҳоли сонига нисбати билан аниқланади;
- Омонатнинг умумий суммаси (одатда давр бошига, охирига ёки ўртачаси аниқланади);
- Омонатнинг ўртача размери (битта омонатчига; битта жамғарма муассасасига; бир кишига ва ҳ.к.).

Маълумки, омонат муассасалари нақд пулни жалб қилиш билан бир қаторда омонатларга пул кўчириш ҳизматларини ҳам амалга оширади, яъни нақд пулсиз операциялар. Уларга:

- Омонатларга ўтказилган нақдсиз маблағлар таркиби;
- Нақдсиз операцияларни умумий омонатлар суммасидаги улуши;
- Нақдсиз пул ўтказилган маблағларнинг туриб қолиши;
- Аҳоли ва ташкилотларга касса ва ҳисоб-китобга ҳизмат кўрсатиш;
- Облигация, сертификат ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш;
- Коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш;
- Пластик карточка ва бошқа замонавий банк хизматлари;
- Кредитлаш;
- Валюталарни алмаштириш.

Жамғарма иши статистикаси юқоридаги кўрсаткичлар ҳисоблайди ва таҳлил қилади. Улар ичида омонат размери энг муҳимдир. У бўйича маълумотлар тегишли хужжатларда давр бошига, охирига сўм (ёки бошқа валюта) ҳисобида кўрсатилади. Бундан ташқари у бўйича келиб тушган ва чиқиб кетган омонат обороти ҳам берилиб борилади. Бу маълумот асосида, статистикада қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади: а) омонатларнинг ўртача қолдиғи ва размери кўрсаткичлари; б) омонатларнинг оборот кўрсаткичлари; в) омонатлар харакати кўрсаткичлари.

Фикримизча, барча кўрсаткичлар ичида омонатнинг қолдиғи кўрсаткичидан муҳим кўрсаткич бўлмаса керак. Негаки, шу кўрсаткич орқали омонат муассасаларининг иш фаолиятига баҳо берилади, яъни бу кўрсаткич пайтдан пайтга ўсиб борса, омонат иши ривожланиб бораётганидан далолат, агарда пасайиб борса, маълум бир пайтга етганда қолдиқ нолга тенг бўлади ва омонат ташкилотларининг ўзи керак эмас муассасаларга айланади. Бунга ёркин мисол сифатида, ўтган асрнинг 90-йилларидаги ҳозирги Халқ банкининг фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Омонат размерини умумлаштириб баҳолаш учун уларнинг ўртача кўрсаткичлари ҳисобланади. Омонатнинг ўртача размери мавжуд маълумотга асосан бир неча усулда ҳисобланиши мумкин.

Агарда омонат қолдиқлари давр боши ва охирига берилса, ўртача омонат оддий арифметик формула билан ҳисобланади:

$$\overline{B} = \frac{B_H + B_K}{2},$$

бу ерда $\overline{B}$ – омонатнинг ўртача размери, B_H – давр бошидаги омонат миқдори, B_K – давр охиридаги омонат миқдори.

Агарда омонатлар миқдори бир неча пайтга берилса ва саналар орасидаги вақт тенг бўлса, омонатнинг ўртача размери ўртача хронологик формула билан хисобланади:

$$B_{хрон.} = \frac{\frac{1}{2}B_1 + B_2 + ... + \frac{1}{2}B_n}{n-1}$$

Мисол. Халқ банкининг Навоий филиалида омонатлар қолдиғи: 1 январда 56 млн.сўм; 1 февралда – 60; 1 мартда – 66; 1 апрелда – 70. Биринчи чорак учун ўртача кредит қолдиғи тенг:

$$\overline{R} = \frac{\frac{1}{2}56 + 60 + 66 + \frac{1}{2}70}{4-1} = \frac{189}{3} = 63\ млн.сўм$$

Ушбу натижани (63 млн.сўм) ойлик ўртачалар асосида ҳам олиш мумкин. Масалан, $\overline{R}_{янв} = (56+60):2 = 58$ млн.сўм ; $\overline{R}_{фев} - 63$; $\overline{R}_{март} - 68$. Бу ердан

$$\overline{R}_{чорак} = \frac{58+63+68}{3} = \frac{189}{3} = 63\ млн.сўм$$

Бир қанча саналарга қолдиқлар суммаси маълум бўлса ва саналар орасидаги вақт тенг бўлмаса, ўртача омонат суммаси ўртача арифметик формула билан ҳисобланади:

$$\overline{R} = \frac{\sum Rt}{\sum t}$$

Мисол. Жорий йилнинг 1 январига омонат қолдиғи 120 млрд.сўмни ташкил қилди, 1 мартда – 130; 1 августда – 95; 1 январ келгуси йилда – 135 млрд.сўм.

Йиллик ўртача омонат қолдиғи тенг:

$$\overline{R} = \frac{[(120+130):2]\cdot 2 + [(130+95):2]\cdot 5 + [(95+135):2]\cdot 5}{2+5+5} = \frac{1387{,}5}{12} = 115{,}625 \text{ } млн.сўм$$

Аҳоли омонатларини сифат жихатидан характерлаш учун статистикада бир омонатчига ва омонатга, жон бошига, битта оилага, битта омонат муассасасига, битта банкка, минтақага, туманга, вилоятга, ўлкага тўғри келадиган омонатнинг ўртача размери ҳисобланади.

Ушбу параграфда фақат омонатнинг ўртача размери таҳлил қилинади. Қолган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишни ўқувчи мустақил бажаради деган умиддамиз.

Омонатнинг ўртача размери омонат суммасини унинг сонига нисбати билан аниқланади. Унинг динамикасига омонатнинг турлари бўйича ўртача омонат размерининг ўзгариш ва омонат таркибининг ўзгариши таъсир қилади. Ушбу факторлар таъсири ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжиш индекслари ёрдамида ўрганамиз.

Ўзгарувчан таркибли индекс жорий даврдаги омонатнинг ўртача размерини ўтган даврга бўлиш билан ёки қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$J_{\overline{B}} = \frac{\sum B_1 N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum B_0 N_0}{\sum N_0}$$

Ўзгармас таркибли индекс:

$$J_B = \frac{\sum B_1 N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum B_0 N_1}{\sum N_1} = \frac{\sum B_1 N_1}{\sum B_0 N_1}$$

Таркибий силжиш индекси:

$$J_{T.C} = \frac{\sum B_0 N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum B_0 N_0}{\sum N_0}$$

Бу индекслар ўзаро боғлиқ индекслардир, яъни:

$$J_{\overline{B}} = J_B \cdot J_{T.C}$$

Юқорида келтирилган индекслар асосида нафақат нисбий, балки мутлоқ ўзгаришларни (бизнинг мисолимизда омонатнинг ўртача размерини) ҳам ҳисоблаш мумкин.

$$\Delta_{\overline{R}} = \Delta_B + \Delta_{T.C} = \left[\frac{\sum R_1 N_1}{\sum N_1} - \frac{\sum B_0 N_1}{\sum N_1}\right] + \left[\frac{\sum B_0 N_1}{\sum N_1} - \frac{\sum B_0 N_0}{\sum N_0}\right]$$

Таҳлилни янада чуқурлаштириш мумкин:

$$\Delta_B = B_1 - B_0$$

Умумий ўзгаришни омилларга бўлиб чиқамиз:

1. Омонатнинг ўртача размери:

$$\Delta_{B_{(\bar{B})}} = \left(\overline{B}_1 - \overline{B}_0\right) \cdot N$$

а) омонат турлари бўйича омонат даражасининг ўзгариши:

$$\Delta_{B_{(B)}} = \left(\frac{\sum B_1 N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum B_0 N_1}{\sum N_1} \right) \cdot N_1$$

б) омонат таркибининг ўзгариши:

$$\Delta_{B_{(T.C)}} = \left(\frac{\sum B_0 N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum B_0 N_0}{\sum N_0} \right) \cdot N_1$$

2. Омонатлар сони:

$$\Delta_{B_N} = \left(N_1 - N_1\right)\overline{R}_0$$

Демак, $\Delta_{B_{(\bar{B})}} + \Delta_{B_N} = \Delta_B$.

Омонатнинг ҳар бир сўмини тўплаш муҳим, бозор иқтисодиёти шароитида шу сўмни оборотга қўйиш, яъни ундан фойдаланиш ундан ҳам муҳим. Омонатнинг ҳар бир сўмидан оқилона фойдаланишни ўрганишда омонатларнинг обороти сони ва омонатнинг ўртача сақлаш муддати кўрсаткичларидан фойдаланамиз.

Омонатнинг ўртача сақланиш муддати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\bar{t} = \frac{\sum R \cdot t}{\sum R}$$

бу ерда: t – ҳар омонатнинг вақти; R – омонат размери.

5.2-жадвал

Талаб қилинганда бериладиган омонатлар

Студентлар	Омонат размери, млн.сўм	Омонат муддати, кун	Фоиз ставкаси, %
Нодира	4,5	120	3
Мавжуда	5,0	90	3
Жамолиддин	8,2	60	3

5.2-жадвал маълумотлари асосида омонатларнинг ўртача сақланиш муддатини ҳисоблаймиз:

$$\bar{t} = \frac{4{,}5 \cdot 120 + 5{,}0 \cdot 90 + 8{,}2 \cdot 60}{4{,}5 + 5{,}0 + 8{,}2} = \frac{540 + 450 + 492}{4{,}5 + 5{,}0 + 8{,}2} = 84 \text{ } кун$$

Ушбу натижани қуйидаги формула билан ҳам олиш мумкин:

$$\bar{t} = T\left(\sum i / \sum i_n\right)$$

бу ерда Т – ойлар сони (12) ёки кунлар (365) сони (агар операция йиллик бўлса); $\sum i$ – омонатнинг сақлаш муддатидаги ёзилган фоиз суммаси; $\sum i_n$ – шартли фоиз суммаси (одатда йиллик).

5.2-жадвал маълумотлари асосида фоиз суммасини аниқлаймиз:

Нодиранинг омонати бўйича: $4{,}5 \cdot 0{,}03\frac{120}{365} = 0{,}0444$ *млн.сўм*

Мавжуданинг омонати бўйича: $5{,}0 \cdot 0{,}03\frac{90}{365} = 0{,}0371$ *млн.сўм*

Жамолиддиннинг омонати бўйича: $8{,}2 \cdot 0{,}03\frac{60}{365} = 0{,}0403$ *млн.сўм*

Уччала омонатчининг тўплаган фоиз суммаси тенг:

$$0{,}0444 + 0{,}0371 + 0{,}0403 = 0{,}1218 \text{ млн.сўм.}$$

Агарда студентлар омонатни йил давомида банк муассасасида сақлаганда фоиз суммаси тенг бўлади:

Нодиранинг омонати бўйича: $4{,}5 \cdot 0{,}03 = 0{,}135$ *млн.сўм*

Мавжуданинг омонати бўйича: $5{,}0 \cdot 0{,}03 = 0{,}150$ *млн.сўм*

Жамолиддиннинг омонати бўйича: $8{,}2 \cdot 0{,}03 = 0{,}246$ *млн.сўм*

Уччала студент бўйича омонатга ёзилган фоиз суммаси 0,531 млн.сўмни ташкил этади.

Юқорида келтирилган формулани қўллаб, омонатни ўртача сақланиш муддатини аниқлаймиз:

$$\bar{t} = T\left(\sum i / \sum i_n\right) = 365(0{,}1218 / 0{,}531) = 84 \text{ кун}$$

Айрим ўқув адабиётларида омонатни сақланишини ўртача муддатини қуйидаги формула билан аниқлаш ҳам таклиф этилади.

$$\bar{t} = \frac{\text{Даврдаги омонатнинг ўртача колдиги} \times 365}{\text{Омонатни бериш бўйича оборот}}$$

Бу формулани амалиётда қўллашни ўқувчига таклиф этмаймиз, чунки у асосида ҳисобланган омонатни сақланиши ўртача муддати ҳақиқий муддатдан бир неча баробар юқори бўлади.

Омонатларнинг айланиш (оборот) сони қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\text{Омонатлар обороти сони} = \frac{\text{Омонатни бериш бўйича оборот}}{\text{Омонатнинг ўртача колдиги}}$$

Бу кўрсаткиич қанча юқори бўлса омонатдан шунчалик самарали фойдаланилмоқда деган назарий хулоса чиқариш мумкин. Лекин, бундай хулосанинг тўғрилиги амалий рақамлар билан текшириб кўрган маъқул.

Омонатларнинг сақланиши муддатини ва омонат сўмининг оборотини ўрганиш билан бир қаторда статистика ҳар бир жамғарма муассасаси ва барчаси бўйича биргаликда омонатнинг маълум бир давр ичидаги харакатини ифода этиши зарур. Омонатларнинг ҳаракати қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мумкин: пулнинг оқиб келиши мутлоқ суммаси; оқиб келиш коэффициенти; омонатнинг ўтириб қолиш коэффициенти; эластиклик коэффициенти; мавсумийлик коэффициенти; тўплашга мойиллик кўрсаткичи; пул жамғармаси квотаси.

Пулнинг оқиб келиши мутлоқ суммаси ўрганилаётган давридаги тўпланган пул миқдорини характерлайди ва қуйидаги аниқланади:

$$\Delta = O_П - O_в \qquad ёки \qquad \Delta = O_К - O_Н$$

бу ерда Δ – оқиб келиш суммаси; $O_П$ – омонатларнинг келиб тушиши суммаси; $O_в$ – берилган омонатлар суммаси; $O_К$ – давр оҳиридаги омонат суммаси; $O_Н$ – давр бошидаги омонат суммаси.

Оқиб келиш коэффициенти оқиб келган пул суммасини омонатнинг давр бошига бўлган суммасига нисбати билан ҳисобланилади:

$$K_{О.К} = \frac{Оқиб\ келган\ пул\ суммасининг\ мутлоқ\ миқдори}{Омонатнинг\ давр\ бошидаги\ қолдиги}$$

Омонатнинг ўтириб қолиш коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{ў.к} = \frac{Оқиб\ келган\ пул\ суммасининг\ мутлоқ\ миқдори}{Тушган\ омонатлар\ суммаси}$$

Мисол. Халқ банкининг Юнусобод филиалида қуйидаги операциялар амалга оширилади (*млрд.сўм*): йил бошидаги омонатлар миқдори – 245 млрд.сўм; йил давомида тушган омонатлар – 120; берилган – 95; йил охирида қолган сумма – 270 млрд.сўм.

1. Пулни оқиб келиш мутлоқ суммаси:

$\Delta = 120 - 95 = 25$ ёки $\Delta = 270 - 245 = 25$ млрд.сўм.

2. Омонатнинг оқиб келиш коэффициенти:

$$K_{О.К} = \frac{25}{245} = 0{,}102 \quad ёки \quad 10{,}2\%$$

Демак, бир йилда Халқ банкининг Юнусобод филиалида омонатлар хажми 25 млрд.сўмга ёки 10,2%га ошган.

3. Омонатнинг ўтириб қолиш коэффициенти:

$$K_{ў.к} = \frac{25}{120} = 0{,}208 \quad ёки \quad 20{,}8\%$$

Бу дегани, Юнусобод филиалига келиб тушган омонатларнинг (йил давомида) фақат 20,8% омонатчилар счётида туриб қолган, қолган 79,2% бу транзит пулларни ташкил қилади, яъни 79,2% пул ўша йилнинг ўзида омонатчиларга қайтариб берилган.

Эластиклик ва мавсумийлик коэффициентлари. Мавсумийлик индекси омонатларнинг мавсумий тебранишини характерлайди. Омонат билан йил мавсумлари ўртасида қандай боғланиш мавжуд деган ўринли савол туғилади. Пул тўпламларини вақт бўйича ташкил этилиши билан халқ хўжалик тармоқларида хизмат қилувчи ходимларининг иш жойидан ва шахсий хўжаликдан олинадиган даромадлар ўртасида боғлиқлик мавжуд. Қишлоқ хўжалигида, касаначиликда, истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи тармоқларда ходимларнинг даромадлари йилнинг айрим даврларида ошади ва тескари. Бундан ташқари омонатларнинг тўпланишига аҳолининг харажатлари йил давомида бир текис бўлмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ёз ойлари ва қиш ойларидаги харажатлар. Ўзбекистон аҳолиси харажатларининг вақт бўйича нотекислигига урф-одатлар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, хайитлар, рўза ойлари ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси омонатларнинг мавсумийлигини ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди.

Мавсумийлик коэффициенти (индекси) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$J_M = \frac{\bar{y}_i}{\bar{y}_0} \cdot 100,$$

бу ерда $\bar{y}_i$ – йиллар учун ойлик ўртача; $\bar{y}_0$ – ўрганилаётган давр учун ойлик ўртача.

Ушбу индексни 5.3-жадвал маълумотлари асосида ҳисоблаймиз.

5.3-жадвал

Товуқ фермаси ходимларининг Халқ банкига қўйган омонатлари ва мавсумийлик

Ойлар	Омонатларнинг оқиб келиши, млн.сўм.			Уч йиллик сумма	Ойлик ўртачалар	Мавсумийлик индекси
	2006й.	2007й.	2008й.			
Январь	24	18	26	68	22,7	51,7
Февраль	18	21	41	80	26,7	60,8
Март	31	64	37	132	44,0	100,2
Апрель	48	38	54	140	46,7	106,4
Май	40	71	49	160	53,3	121,4
Июнь	60	58	65	183	61,0	138,9
Июль	66	70	79	215	71,7	163,3
Август	71	54	47	172	57,3	130,5
Сентябрь	36	41	61	138	46,0	104,8
Октябрь	49	69	18	136	45,3	103,2
Ноябрь	26	27	39	92	30,7	69,9
Декабрь	18	21	27	66	22,0	50,1
Жами	487	552	543	1582	43,9	100,0

Индексни ҳисоблашдан олдин ҳар бир ой учун алоҳида ўртачалар ҳисобланилади:

Январь. $\bar{y}_i = \frac{\sum y}{n} = \frac{24+18+26}{3} = \frac{68}{3} = 22{,}7$ *млн.сўм.*

Қолган ойлар бўйича ҳам худди шундай ҳисобланади. Фақат уч йил учун ўртача ҳисобланаётган 3га эмас 36га бўлинади, яъни:

$$\bar{y}_0 = \frac{\sum y_i}{36} = \frac{1582}{36} = 43{,}9 \text{ млн.сўм.}$$

Мавсумийлик индекси қуйидагича ҳисобланади:

Январь $J_M = \frac{\bar{y}_i}{\bar{y}_0} \cdot 100 = \frac{22{,}7}{43{,}9} \cdot 100 = 51{,}7\ \%$

Февраль ва қолган ойлар бўйича мавсумийлик индекслари 5.3-жадвалнинг 7-устунида келтирилган.

5.3-жадвалда келтирилган маълумотлар товуқ фермасида ишлайдиганларнинг даромадлари ва улар асосида ташкил топадиган даромадлар мавсумий характерга эга тасдиқланмоқда, яъни январдан то июль ойигача омонат суммаси ўсиб борган ва августдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга.

Тўплашга мойиллик коэффициенти тўпланган маблағни пул даромадларининг мутлоқ ўзгаришига нисбатан ҳисобланади ёки қуйидаги формула билан:

$$K_{T.M.} = \frac{\textit{Омонатларнинг мутлоқ ўзгариши}}{\textit{Пул даромадларининг мутлоқ ўзгариши}}$$

Мутахассисларнинг фикрича, бу нисбат 20-30% оралиғида бўлиши керак. Агарда бу чегарадан чиқилса, бу тўпланма мажбурий эканлигидан далолат беради ва у талаб инфляцияси деб аталади.

Пул жамғармаларининг квотаси оқиб келган маблағ мутлоқ суммасини пул жамғармаларига нисбати билан ҳисобланилади.

“Уй хўжалиги шубаси бўйича тўплаш нормаси” макроиқтисодий кўрсаткичи жахон амалиётида кенг қўлланилади. Бу кўрсаткич тўпланма суммасини ялпи ихтиёрдаги даромадга нисбати билан хисобланади.

5.6. Банк статистикасининг информацион таъминоти

Банклар ва банк фаолияти ҳақидаги статитик информация биринчи навбатда бевосита банкларнинг бухгалтерия ва статистик ҳисоботларидан олинади.

Республикадаги барча банклар ўзларининг иш фаолияти тўғрисида қуйидаги ҳисобот шакллари орқали давлат органлари олдида ҳисобот берадилар.

Банкнинг йиллик ҳисоботи Марказий банкка тақдим этилади. Унда банкнинг йиллик баланси, банк фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот, даромадлар ва харажатлар таркиби, фойдани тақсимлаш тартиби, ликвидлиликнинг асосий кўрсаткичлари, банкнинг шахсий натижалар размери, банкнинг кредит, ресурс сиёсати ва ташқи фаолияти, қимматли қоғозлар операцияси, инвестициялар ҳақида маълумотлар берилади.

Умумий молиявий ҳисобот ҳам Марказий банкка тақдим этилади. Унда банкнинг ҳисобот йилида олган даромадлари ва кўрган зарарлари, кредит портфелини таҳлили, заҳиралар, ошган фоизлар, асосий маблағлар ва номоддий активлар, банк ходимлари ҳақида маълумот ва таҳлиллар келтирилади.

Банклар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги статистик ҳисоботлардан ҳам олиш мумкин:

1-КБ шакли – тижорат банки фаолияти тўғрисидаги ҳисобот (кварталлик). Тижорат банклари жамланма ҳисоботни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай тақдим этадилар.

1-Кредит (МБ) шакли – Кичик тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу шакл ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тақдим этилади.

1-КБ (чораклик, йиллик шаклига илова) – тижорат банки томонидан берилган кредитлар тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу шакл ҳисобот давридан кейинги ойнинг 8-санасидан кечиктирмай вилоят ва шаҳар статистика бошқармасига тақдим этилади.

1-КБ (йиллик) 25-январда топширилади. Бу ҳисобот уч бўлимдан иборат: 1) Активлар, пассивлар ва бошқа маълумотлар; 2) Банк даромадлари ва харажатлари; 3) Асосий воситалар ва йиғилган эскириш;

1-Аҳоли омонатлари шакли – аҳоли омонатлари тўғрисидаги ҳисобот (йиллик). Ушбу шакл ҳисобот давридан кейинги ойнинг 8-санасидан кечиктирмай вилоят ва шаҳар статистика бошқармасига тақдим этилади.Аҳолининг омонатлари бўйича ҳисоб рақамларига нақсиз пул ўтказишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли омонатлари бўйича йил бошига жалб этилган (олинган) маблағлар, омонатлар

қолдиғи, омонатлар бўйича фоизлар кўрсаткичлари алоҳида ҳисобланлади. Ҳар битта кўрсаткич бўйича чет эл валютасидаги омонат алоҳида берилади.

Аҳоли маблағларини омонатларга жалб қилиниши тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

1. Вилоятлар бўйича маълумотларни бош банк фақат резидентлар бўйича кўрсатади.
2. Барча кўрсаткичлар, шу жумладан, миллий валютада ва чет эл валютасида ўтказилган нақдсиз пуллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот санасига бўлган тегишли курси бўйича сўмларда ҳисобланиб, йил бошидан ортиб борувчи якунда тўлдирилади.
3. “Омонатларга жалб этилган маблағлар” устунида йил бошидан аҳолининг қўйилган ва олинган маблағлари ўртасидаги тафовут акс эттирилади.
4. “Омонатларнинг қолдиқлари” устунида маълумотлар ҳисобланган фоизларни қўшган ҳолда ҳисобот санасига бўлган ҳолатга кўрсатилади.
5. “Аҳолининг омонатлари бўйича фоизлар” устунида барча турдаги омонатлар бўйича ойлик ўртача фоиз ставкаси бир ўнлик белги билан кўрсатилади.

Нақдсиз пул тушумлар ва ҳисоб-китобларга аҳоли пул маблағларининг нақдсиз пул айланмалари киради. Нақдсиз пул тушумлари корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидан (иш ҳақи, пенсия ва ҳ.к.) фуқароларнинг омонат ҳисоб рақамларига ўтказилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар аҳолининг харажатлари (коммунал хизматлар, квартира тўловлари ва ҳ.к.)ни омонатчиларнинг ҳисоб рақамларидан ўтказиш йўли билан тўлаш демакдир.

1-Аҳоли омонатлари шакли – аҳоли омонатлари тўғрисидаги ҳисобот (йиллик). Ушбу шакл 25-январдан кечиктирмай вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасига тақдим этилади ва уч бўлимдан ташкил топади:

1. Аҳоли омонатлари бўйича ҳисоб рақамларига нақдсиз пул ўтказишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли омонатлари.
2. Аҳоли омонатлари миқдори, банк муассасалари сони.
3. Аҳоли омонатлари турлари (валюта омонатларини қўшган ҳолда).

Банклар ва банк фаолияти ҳақида маълумотларни яна Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси чоп қиладиган статистик бюллетень ва тўпламлардан (масалан, ”Ўзбекистон рақамларда”, ”Ўзбекистон молияси”, ”Тижорат банкларининг аҳоли пул маблағларини жалб қилиши”, ”Аҳоли омонатларига маблағларни жалб қилиши бўйича асосий кўрсаткичлар”, ”Тижорат банкларининг кичик тадбиркорлик субъектларига берган кредитлари”, ”Тижорат банклари фаолиятларининг асосий кўрсаткичлари”) ҳамда www.stat.uz сайтидан олиш мумкин.

Банкларнинг маълум бир саналарга бағишлаб чоп қилинган китоб, альбом, каталоглар, тўпламлари жуда яхши маълумот манбаи ҳисобланади. Масалан, “Ўзбекистон банк тизими мустақиллик йилларида” китобидан жуда кўп маълумот олиш мумкин.

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги айрим маълумотларни оммавий ахборот воситаларидан ҳам олиш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда чоп қилинадиган газета ва журналлардан. Уларга: “Иқтисодий ахборотнома”, ”ПКБ”, “Молия”, “Мулкдорлар синфи ва иқтисодиёт”, “Деньги и

кредит”, “Деньги”, “Банковские услуги”, “Банковское дело”, “Эксперт”, “Экономист”, “Economist”, “Financial times”, “International Financial Statistics” ва бошқа журналларни киритиш мумкин.

VI БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

6.1. Инвестиция тушунчаси ва унинг ўрганиш вазифалари

Кенг маънода инвестиция деганда турли шакллардаги моддий, ишлаб чиқариш ва молиявий активларга бўш турган пул маблағларининг капитал қўйилмасини тушунамиз. "Инвестиция" сўзининг ўзи ҳамма турдаги капиталларни ва уларга тенглашитирилган қўйилмаларни (капитал ҳосил қилувчи инвестицияларни), истеъмол инвестицияларини (узоқ давр фойдаланиладиган предметлар ва кўчмас мулкка қўйилмалар), ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига инвестицияларни, қимматли қоғозларга инвестицияни (молиявий инвестициялар), номоддий активларга инвестицияларни (интеллектуал капитал, мулкчилик ҳуқуқи ва шунга ўхшашлар) билдиради.

Статистиканинг вазифаларига инвестицияларнинг ҳажми, таркиби ва динамикасини характерлаш, инвестиция жараёнларини амалга оширишга йўналитирилган маблағларнинг манбаи ва ўлчамини ўрганиш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш шакллари ва услубларини таҳлил қилиш, инвестициянинг самарадорлигини аниқлаш ва статистик кўрсаткичлар орқали инвестиция рискини баҳолаш кабилар киради.

Статистиканинг объекти сифатида инвестициялар унинг алоҳида турлари бўйича, ҳосил бўлиш манбалари бўйича, фойдаланиш йўналишлари бўйича, қоплаш шакллари ва муддатлари бўйича бир бутун ҳолда ўрганилади.

Статистикада ички ва ташқи, ватанимизнинг ва чет элнинг инвестициялари, асосий капиталга инвестициялар ва айланма маблағларга инвестициялар, бир бутун капитал қурилишга инвестициялар, уй-жой ва социал-маданий қурилишга инвестициялар, мулк шакллари бўйича инвестициялар, худудий субъектлари, вазирлик ва бошқармалар, иқтисодиётнинг тармоклари бўйича инвестициялар алоҳида ўргатилади.

Бу мавзуда шунингдек асосий фондларни технологик ва такрор ҳосил қилиниши таркибини, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини жорий қилишни ўрганиш, капитал қурилиш ва қурилиш фаолияти масалаларини таҳлил қилиш масалалари кабилар ҳам ўрганилади.

Юқоридаги саволлар инвестиция статистикасида умумий иқтисодий ўсишнинг суръатлари ва нисбатлари билан ўзаро боғликликда ўрганилади.

6.2. Инвестиция статистикаси кўрсаткичлари тизими

Инвестиция фаолиятининг кўрсаткичлари тизимида марказий ўринни капитал қўйилмалар ва капитал қурилиши кўрсаткичлари эгаллайди.

Инвестиция фаолияти жараёнининг ҳажмлари, суръатлари, нисбатлари ва ўзаро боғлиқлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими қуйидаги асосий гуруҳлар ва гуруҳчаларга бўлинади:

I. Капитал ҳосил қилувчи инвестициялар

1. Капитал қурилишнинг асосий кўрсаткичлари - асосий фондларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар қурилишига капитал маблағ қўйилмалари, пудрат ишлари ҳажми.

2. Капитал маблағ индекслари.

3. Капитал маблағларнинг иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларидаги улуши.

4. Капитал маблағларни молиялаштириш манбалари бўйича тақсимлаш.

5. Капитал маблағларни иқтисодиёт ва саноат тармоқлари бўйича таркиби.

6. Капитал маблағларининг ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар бўйича такрор ишлаб чиқариш таркиби.

7. Янги корхоналарни қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш.

II. Қурилиш фаолияти

1. Қурилиш ташкилотлари сони.

2. Қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган пудрат ишларининг жами, шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича.

3. Пудрат ишлари ҳажмининг индекслари.

4. Қурилиш ташкилотларининг ихтисослашуви.

5. Қурилиш ташкилотларининг ишловчилар сони ва мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши.

6. Турли мулкчилик шаклларидаги қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган пудрат ишларининг таркиби.

7. Қурилиш ташкилотларида бажарилган пудрат ишларининг унсурлари бўйича қилинган харажатлари таркиби.

8. Қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағлар.

9. Қурилиш ташкилотларидаги машиналарнинг мавжудлиги.

III. Чет эл (хорижий) инвестициялар

1. Хорижий инвесторлар томонидан иқтисодиётнинг тармоқлари, Ўзбекистоннинг вилоятлари ва худудлари бўйича киритган инвестиция ҳажмлари.

2. Ўзбекистон иқтисодиётдаги салмоқли инвестицияга эга бўлган мамлакатлар.

IV. Молиявий инвестициялар

1. Биржа фонд бозорларидаги фонд қадриятлари билан бўладиган операцияларнинг асосий кўрсаткичлари (фонд қадриятлари ҳамма турлари бўйича тузилган битмлар сони, сотиш обороти, пул ресурслари).

2. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг (ДҚО) ва федерал заём облигацияларининг (ФЗО) илк бор жойлаштирилиши асосий кўрсаткичлари - чиқариш ҳажми, жойлаштириш ҳажми, сотилгандан келган даромад ҳажми, бюджетга маблағларни жалб қилиш.

3. Корхона ва ташкилотларни хорижий мамлакатлар иқтисодиётига молиявий

қўйилмалари ҳажми ва таркиби.

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичларга қисқача изоҳ берамиз.

Биринчиси - капитал ҳосил қилувчи инвестициялар - капитал маблағлар статистикасини ифодалаб, у капитал ҳосил қилувчи инвестициялар, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини жорий этишда жуда катта улушни ташкил қилади.

Капитал ҳосил қилувчи инвестициялар ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади: капитал маблағлар (асосий капиталга инвестициялар), капитал таъмирлашга сарфлар, ер участкаларини ва табиатдан фойдаланиш объектларини сотиб олишга инвестициялар, номоддий активларга инвестициялар (патентлар, лицензиялар, программалаш маҳсулотлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлар, моддий айланма маблағлар захираларини тўлдириш учун инвестициялар ва ҳ.к.). Кўрсаткичлар тизими ичида асосий ўринни капитал ҳосил қилувчи инвестицияларни ҳажми ва таркибини характерловчи капитал маблағлар ташкил қилади. Капитал маблағларнинг ҳажмига янги қурилишга, реконструкцияга, ишлаб турган саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо ва бошқа корхоналарни кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш харажатлари, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш харажатлари киради.

Капитал маблағларга ҳамма турдаги қурилиш ишларига қилинадиган сарфлар, ускуналарни монтажига қилинадиган харажатлар, монтажни талаб қилувчи ва талаб қилмайдигаи ускуналарни сотиб олишга кетадиган харажатлар, ишлаб чиқариш асбоблари ва хўжалик инвентарларини сотиб олишга қилинадиган харажатлар, бошқа капитал ишларга қилинадиган харажатлар ҳам киради.

Асосий фондларни жорий қилиш кўрсаткичига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган қурилиши тугалланган ва ишлаб чиқаришга киритилаётган корхоналар, бинолар ва қурилмаларнинг қиймати, ишлаб чиқаришга киритилаётган ускуна, машина, ҳамма турдаги транспорт воситаларнинг қиймати, асосий фондга киритиладиган асбоб, инвентар ва бошқа предметларнинг қиймати, кўп йиллик кўчатлар қиймати ва бошқалар киради.

Қурилиш фаолиятини характерловчи иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар - қурилиш ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ихтисослашуви, пудрат ишларининг ҳажми ва бошқалардан иборат.

Пудрат ишлари қийматига янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуриш ишлари, шунингдек капитал ва жорий таъмирлаш бўйича ишлар ва бошқа пудрат ишлар (ишга туширишга созлаш, маданий-техник ва бошқалар) киради.

Учинчи гуруҳга хорижий инвестициялар ҳақида ахборот берувчи кўрсаткичлар, яъни хорижий капитал маблағлари, шунингдек республика худудида жойлашган чет эл корхона филиалларига Ўзбекистон юридик шахслари томонидан даромад олиш мақсадида қўйган капитал киради. Хорижий инвестициялар бевосита, портфель ва бошқа турларга бўлинади (6.3 га қаралсин).

Тўртинчи гуруҳ кўрсаткичлари корхоналарнинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қўйган узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларини, давлат ва маҳаллий заём облигацияларига ҳамда бошқа корхоналарнинг устав фондларига ва бошқаларга қўйган инвестицияларини характерлайди.

Шундай қилиб, кўрсаткичлар тизими капитал маблағларни динамикаси ва таркибини, уларни мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг бошқа инвестиция жараёнлари билан ўзаро боғлиқлигини амалий жиҳатдан ўрганишда асос, пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Капитал маблағлар кўрсаткичлари жорий ва солиштирма баҳоларда ҳисобланади ва ифодаланади. Бунда солиштирма нархлардаги ҳисоб-китоблар фақат сўмда эмас, балки АҚШ долларида ҳам амалга оширилади, бу эса биринчидан, ҳисобланаётган кўрсаткичларга баҳонинг (инфляциянинг) таъсирини бартараф қилишга, иккинчидан, сўмнинг халқаро курсидаги ўзгаришлари таъсирини ҳам бартараф қилишга олиб келади ва шу билан бирга Ўзбекистоннинг инвестиция фаолияти кўрсаткичларини бошқа мамлакатлардаги худди шундай кўрсаткичлар билан аниқроқ ва бевосита таққослаш имкониятини вужудга келтиради.

6.1 - жадвал

Ўзбекистан Республикасида 2000-2008 йилларда инвестиция суммасининг ўзгариш суръатлари (жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2000й	2002й	2004й	2006й	2008й
1. Инвестиция ҳажми, млрд. сўм	700,0	1526,6	2629,0	3838,3	5601,1
2. Ўсиш суръатлари, мартада	1,0	2,18	3,76	5,48	8,00

6.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республика иқтисодиётига киритиладиган инвестиция суммаси ўсиш тенденциясига эга. Шуниси қувонарлики кейинги тўққиз йилда инвестиция суммаси 8 баравар ошган.

Маълумки, капитал маблағлар таркибий қисмига кирувчи харажатлар ўзининг характерига кўра бир хил эмас ва ҳосил қилинаётган асосий фондларнинг қандай мақсад учун мўлжалланганлигидан келиб чиқади.

Харажатларнинг таркибига қидириш харажатлари, лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари харажатлари, ускуналар сотиб олиш харажатлари ва бошқалар киради.

Капитал маблағлар статистикасида харажатларнинг таркиби ва ўзаро боғлиқлигини характерлаш учун маълум классификациялар (таснифлаш) ва группалар ишлаб чиқилади, уларни ҳар томонлама таҳлил қилиш моделлари ҳосил қилинади. Улардан энг асосийлари капитал маблағларнинг технологик, такрор ҳосил қилиш ва тармоқий таркиби бўлиб, улар мулкчилик шакллари, молиялаштириш манбалари, худудий субъектлар бўйича группировка қилинади (гуруҳларга ажратилади).

Капитал маблағлар ўзининг технологик таркибига кўра қуйидаги иш турлари ва харажатлардан ташкил топади:

• қурилиш ишларининг ҳамма турлари;

• ускуналарни монтаж қилиш ишлари;

• қурилиш сметаларида кўзда тутилган ускуналар (монтаж талаб қиладиган ва талаб қилмайдиган);

• қурилиш сметасига киритилган асбоблар ва инвентарлар;

• бошқа капитал ишлар ва харажатлар.

Бошқа капитал ишлар ва харажатлар таркибига келгуси йиллар қурилиши

учун лойиҳа-қидирув ишлар, қурилаётган корхона ва техник кузатув маълумотини таъминлаш харажатлари, нефть, газ ва термаль сувларни ишлатиш ва чуқур қидирув-кавлаш ишлари, қурилиш сметасида кўзда тутилган қурилаётган корхоналарда ишлайдиган кадрларни тайёрлаш харажатлари, ишчиларни ташкилий танлаш ишлари бўйича харажатлар, илмий-тадқиқот ишлари харажатлари ва бошқалар киради.

Статистика иши амалиётида капитал маблағларни янги қурилиш учун инвестицияларга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта қуроллантириш, ҳаракатдаги қувватларни ушлаб туриш учун инвестицияларга бўлиниши, яъни уларни такрор ҳосил қилиш таркибининг характеристикаси муҳим ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни тиклашга ва уни ривожлантиришга қанча кўп инвестиция киритилса мамлакат иқтисодиёти тезроқ ривожланади. Буни ўзи социал ривожланишга тўғри йул.

Республикамизда бу муаммо тўғри тушинилган ҳолда, асосий қилинадиган инвестиция ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган (6.2-жадвал).

6.2-жадвал маълумотлари асосида икки тенденция мавжудлигини аниқлаш мумкин. Биринчи тенденция республикамиз иқтисодиётини асосий тармоқлари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ва саноатга йўналтириладиган инвестиция суммаси йилдан йилга пасайиб бормоқда. Бу салбий тенденция. Ижобий тенденция, у ҳам бўлса нефть, электроэнергия, транспорт, алоқа, уй-жой хўжалиги тармоқларига йўналтирилган инвестиция суммасини умумий суммадаги улушини ортиб боришидир.

6.2 - жадвал

Ўзбекистан Республикасида инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби, %

Тармоқлар	2001й.	2003й.	2005й.	2007й.
Жами инвестиция	100,0	100,0	100,0	100,0
шундан:				
Ишлаб чиқариш соҳасига	63,1	63,0	68,2	68,9
Саноат	38,9	29,0	32,6	33,2
Қишлоқ хўжалиги	5,5	4,3	4,4	4,2
Қурилиш	0,6	0,7	0,9	0,8
Транспорт ва алоқа	14,1	23,3	24,1	23,9
Савдо ва умумовқатланиш	1,5	1,5	1,5	1,5
Бошқалар	2,5	7,2	4,7	5,3
Ноишлаб чиқариш соҳаси	36,9	34,0	31,8	31,1

6.3. Инвестиция жараёнини молиялаштириш манбалари

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари Ўзбекистон худудида амал қилувчи қонунчиликка кўра қуйидагилар ҳисобланади: ўз ихтиёридаги ресурслар, қарзга олинган молиявий ресурслар, жалб этилган молиявий маблағлар, давлат ва маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар,

бюджетдан ташқари фондлар, хорижий капитал.

6.3-жадвалда капитал маблағларни унинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар берилган.

6.3-жадвал маълумотлари, мантиқий мулоҳазаларнинг тўғрилигини асосан тасдиқлайди. Лекин, фикримизча, банк кредитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар хиссасини жуда пастлиги (3 %) кўпчиликни ташвишга солиши керак. Нодавлат мулки корхоналари бўйича банк кредитлари хиссаси аҳоли маблағлари хиссасидан 4-5 бараварга паст. Аҳоли ўз маблағларини инвестиция қилсаю, бозор иқтисодиётинн «супермаркетлари» бўлган банклар бу ишдан қўркса.

Уларни хиссаси 2007 йилда 2001 йилга нисбатан 1,4 пунктга ортган. Корхоналар маблағи ҳисобидан қопланадиган хиссаси 16,0 пунктга ортган, тўғри инвестициялар хиссаси 10 пунктга ортган бўлса, хукумат кафолати билан қилинадиган инвестициялар ҳиссаси 3-4 баробарга пасайган.

6.3 - жадвал

Ўзбекистонда инвестициянинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши, %

	2001й.	2003й.	2005й.	2007й.
Жами инвестиция	100,0	100,0	100,0	100,0
• Давлат бюджети	21,5	16,4	12,2	11,9
• Корхона маблағлари	31,1	42,8	46,1	47,1
• Аҳоли маблағлари	10,3	13,5	11,4	10,9
• Ҳукумат кафолати билан берилган чет эл инвести-ция ва кредитлар	23,2	16,5	6,8	6,1
• Тўғри инвестиция ва кредитлар	4,8	7,7	14,9	15,4
• Марказлашган банк кредитлари	5,9	-	-	-
• Тижорат банклари кредитлари	2,2	2,1	3,5	3,6
• Бюджет фондлар	0,1	0,3	4,8	4,7
• Бошқа манбалар	0,9	0,7	0,3	0,3

Инвестиция фаолиятини амалга оширувчи корхоналар капитал маблағлар сифатида оладиган фойдаларининг бир қисмини ишлатишлари мумкин. Инвестиция учун ишлатиладиган маблағларнинг бошқа манбаи амортизация ажратмалари ҳисобланади. Амортизация фондининг бўш турган пул маблағлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилиши мумкин.

Молия бозорига қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексель ва бошқалари) чиқариш корхонанинг инвестиция учун маблағларини жалб қилиш имкониятларини анча кенгайтиради.

Маълумки, умумий молия бозорида инвестиция ташкилотларини бир бутун шахобчаси мавжуд. Уларнинг фаолияти қимматли қоғозлар бозорида даллоллик, инвестиция компанияси ёки инвестиция фонди инвестиция маслаҳатчиси ролларини бажаришда намоён бўлади. Бу бўғинлар фаолиятининг моҳияти шундан

иборатки, улар қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, сотиб олиш орқали маблағларнинг тўпланишига ва уларни инвестицияга қўйишга ёрдам кўрсатишдир. Улар молия бозорида талаб ва таклифни бошқариб турувчи институтлар ҳисобланади.

Инвестициялашда асосий маблағлар манбаларидан бирини кредит ташкил қилади. Кредит қарздор билан кредитор ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Кредитнинг бошқарилиши кўпинча ссуда фоизи ҳажми (размери) орқали амалга оширилади. Кўп ҳолларда кредит тез самара оладиган корхоналар учун фойдали ҳисобланади. Кредит банк томонидан янги қурилишни амалга ошириш учун, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуролланиш учун, мол-мулкни (харакатдаги, кўчмас) сотиб олиш учун, қўшма корхоналар ташкил қилиш учун, табиатни мухофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун ва бошқалар учун берилиши мумкин.

Инвестицияни амалга оширишда фойдаланадиган кредитни олиш ва қайтариб бериш шартлари олдиндан келишиб олинади.

Фараз қилайлик, узоқ муддатли кредит бир мартали тўлов билан қопланиши керак бўлсин. Бу ҳолда аста-секин қоплаш фондини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, қарздор аста-секин қарзини қоплаш учун маблағларни банкга ўтказа бошлайди. Маълумки, ўтказилган суммага банк фоиз тўлайди. Натижада кредитни қоплаш учун маблағ тўплана бошлайди. Ҳосил қилинадиган фондга тўловлар вақт бўйича доимий ва ўзгарувчан бўлиши мумкин, яъни шартномага асосан ҳар ойда, кварталда бир хил сумма ёки фоиз ўтказилиши мумкин. Сумма ва фоиз бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин.

Қоплаш фондини ҳосил қилиш узлуксиз йиллик тўловлар "R" билан амалга оширилиши мумкин, бу тўловларга "i" ставка билан мураккаб фоизлар қўшилади. Бу билан бирга қарз учун "g" ставкаси билан фоизлар тўланади. Бунда бир мартали тўлов қуйидагини ташкил қилади:

$$F = Dxg + R$$

бу ерда: D - қарзнинг миқдори.

Қоплаш фондига тўловлар доимий рентани ҳосил қилади (постнумерандо рентаси). $R=D:S_{n;i}$, бу ерда D - жамғарилган сумма бўлиб, у қарз миқдорига тенгдир (рентанинг ўсган суммаси).

$$S_{n;i} = \frac{(1 + i)^n - 1}{i}$$ - ўсиш коэффициенти

бу ерда n - йиллар сони; *i* - қоплаш фоизларида ҳисобланадиган бадал ставкаси.

Бу ердан

$$F=D \times g + D/S_{n;i}$$

Фараз қилайлик, капитал маблағлар учун 12 млрд. сўм кредит 6 йил муддатга 10% йиллик тўлови билан олинган бўлсин. Қарзни тўлаш учун 6 йил давомида фонд тузилади, бу фондга йилнинг охирида 12% йиллик ставка билан фоиз ажратилиб бир хилдаги бадаллар қўшиб ёзилиши амалга оширилади. Тузилаётган фондга йиллик бадал миқдорини аниқлаш ва қарзни қоплаш режасини тузиш зарур.

$$F=D \times g + D/S_{n;i}$$

$$S_{6;12} = \frac{(1 + 0{,}12)^6 - 1}{0{,}12} = 8{,}115189$$

$$F = 12 \times 0{,}1 \times \frac{12}{8{,}115189} = 1{,}2 + 1{,}47871 = 2{,}67871 \text{ млрд. сўм.}$$

Шундай қилиб, қарзни узиш режаси қуйидаги тўловлар потокидан иборат бўлади:

6.4 - жадвал

Тўлов потоклари қатори

Йил	Қарзга ҳисобланган фоиз суммаси	Фондга тўлов суммаси	Қарз бўйича сарфлар	Йил охирида жамғарилган сумма
1	1,2	1,47871	2,67871	1,47871
2	1,2	1,47871	2,67871	3,13486
3	1,2	1,47871	2,67871	4,98976
4	1,2	1,47871	2,67871	7,06724
5	1,2	1,47871	2,67871	9,39402
6	1,2	1,47871	2,67871	12,00000

Муддат охирида қарзнинг миқдорига тенг бўлган сумма - 12 млрд. сўм счетда жамғарилган бўлади.

Қарздор томонидан қарзни узишнинг бу услуби шу ҳолда қўлланиладики, агар қарзни узиш фонди олиб бориладиган кўпайишнинг фоиз ставкаси (1) қарз суммасига ёзиб ҳисобланадиган фоиз ставкаси (д) дан катта бўлса.

Амалиётда кўпинча бадаллар вақт бўйича ўзгарувчан бўлади, бу ҳолда биз ўзгарувчи тўловлар потоки билан иш олиб боришимизга тўғри келади.

Фондга келиб тушаётган фоизлар арифметик прогрессия бўйича ўзгарадиган ҳолатни кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, 8 млрд. сўм кредит 5 йил муддатга 15 фоиз йиллик шарт билан берилган бўлсин. Қарзни узиш учун фонд тузилади, унга ҳар йили йилнинг охирида маблағ келиб тушади ва бу ҳар йили 0,4 млрд. сўмга кўпайиб боради. Бадалларга фоизлар 18% йиллик ставка билан қўшиб борилади.

Биринчи бадалнинг миқдорини топиш учун кўпайиб борувчи рента формуласидан фойдаланамиз:

$$R = \frac{1}{S_{n;i}}\left[D - a\frac{(1+i)^n - (1+n_i)}{i^2}\right]$$

бу ерда: *a* - арифметик прогрессия фарки, шартга кура 0,4 млрд. сўмга тенг.

$S_{5;20}$ = 7,15420976 - бу йиллик рента кўпайиши коэффициентлари жадвалидан топамиз.

$$R = \frac{1}{7{,}15420976}\left[8 - 0{,}4 \times \frac{(1 + 0{,}18)^5 - (1 + 5 \times 0{,}18)}{0{,}18^2}\right]$$

6.5 - жадвал

Қарзни узиш режаси

Йил	Фоизлар	Бадаллар	Қарз бўйича сарфлар	Йил охиридаги жамғарма
1	1,2	0,4491	1,6491	0,4491
2	1,2	0,8491	2,0491	1,3790
3	1,2	1,2491	3,2491	2,8764
4	1,2	1,6491	4,4491	5,0432
5	1,2	2,0491	5.6491	8,0000

Агар қарзни узиш фондига тўланадиган бадаллар геометрик прогрессия бўйича ўзгарса, унда кўпайган сумма қуйидаги формула билан аниқланади:

$$D = R\frac{q^n - (1+i)^n}{q-(1+i)}$$, бу ердан $$R = D\frac{q-(1+i)}{q^n-(1+i)^n}$$.

бу ерда: q - қарз фондига бадалнинг нисбатан йиллик ўсиши (прогрессиянинг махражи).

Мисол. 10 млрд. сўм миқдоридаги кредит 9% тўлов билан 5 йиллик муддатга берилган. Қарзни узиш учун фонд тузилади, унга тўловлар йилига 12% ошиб боради, фондга бадаллар 11% йиллик ставка билан ҳисобланиб борилади. Қарзни узиш режасини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Фондга тўланадиган биринчи бадалининг миқдори қуйидагича бўлади:

$$R = 10\frac{1{,}12-(1+0{,}11)}{1{,}12^5-(1{,}11)^5} = 10\frac{1{,}12-1{,}11}{1{,}76234-1{,}68605} = \frac{10\times 0{,}01}{0{,}07728} = 1{,}294$$

6.6 - жадвал

Қарзни узиш режаси

Йил	Фоизлар	Бадаллар	Қарз бўйича сарфлар	Йил охиридаги жамғарма
1	0,900	1,294	2,194	1,294
2	0,900	1,449	2,349	2.885
3	0,900	1,623	2,523	4,826
4	0,900	1,818	2,718	7,174
5	0,900	2,036	2,936	10,000

Кредитни бериш ва узиш шартлари жуда хилма-хил бўлиши мумкин, шу муносабат билан уларни қоплаш усуллари ҳам ҳар хилдир.

Инвестициялашнинг шаклларидан бири лизинг ҳисобланади, у машина, ускуна, транспорт воситалари, қурилмаларни узоқ муддатга ижарага олишни (беришни) билдиради. Лизинг маблағларни оператив ҳолда тўла бўлмаган қоплаш бўйича ва тўла қоплаш бўйича молиявий лизинг бўлиши мумкин.

Лизингнинг биринчи тури ижаранинг дастлабки муддати даврида ижарага берилган нарсаларни сотиб олишга бўлган харажатларни қисман қопланишини

кўзда тутади. Иккинчиси -ижара муддати даврида ижара ҳақи суммасини тўлашни ва бу ижарага берувчига белгиланган фойда олишини таъминлашни кўзда тутади.

Лизингнинг умумий миқдори амортизация ажратмаларидан, кредит ресурслари учун тўловлардан, комиссион тўловлардан, лизинг берувчи томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) ташкил топади.

Мисол. Молиявий лизингни тўла қоплаш шарти билан корхона 120 млн. сўмлик қийматга эга бўлган ускуналарни ижарага олади. Унинг тўла амортизацияси муддати 5 йилга тенг. Амортизациянинг йиллик нормаси -20% га тенг. Лизинг муддати 5 йил. Кредит фоизи ставкаси - 5% га тенг. Лизинг бўйича комиссион тўловлар миқдори - 3% ни ташкил қилади. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса - 20%: га тенг.

Аввал кредит учун фоиз суммасини, комиссион тўловлар миқдорини, қўшилган қиймат солиғи миқдорини ҳисоблаш учун йиллар бўйича ускуналарнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқамиз (6.7-жадвал).

6.7-жадвал

Ускуналарнинг ўртача йиллик қийматини
ҳисоблаш (млн. сўм.)

Йил	Ускуналарнинг йил бошидаги қиймати	Амортизация нинг йиллик суммаси	Ускуналарнинг йил охиридаги қиймати	Ускуналарнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати
1.	120,0	24,0	96,0	108.0
2.	96,0	24,0	72,0	84.0
3.	72,0	24,0	48,0	60,0
4.	48,0	24,0	24.0	36,0
5.	24,0	24,0	-	12,0

Биринчи йилда лизинг тўловлари қуйидагилардан ташкил топди (млн. сўм).

Амортизация ажратмалари	24,0
Кредит учун фоиз суммаси (108,0х0,05)	5,4
Коммисион тўловлар (108,0х0,03)	3,24
Қўшилган қиймат солиғи [(5,4 + 3,24,) х 0,2]	1,728
Жами	*34,368*

Қолган тўрт йил учун амалга оширилган ҳисоблашлар қуйидаги натижаларни беради (6.8.-жадвалга қаранг).

6.8.- жадвал.

Лизинг бўйича тўловлар потоки ҳисоб-китоби (млн. сўм)

Йил	Ускуналарнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати	Амортизация ажрат-малари	Кредит учун фоиз миқдори	Комис-сион тўловлар	ҚҚС тўланадиган сумма	*ҚҚС*	Лизинг тўлов--лари суммаси
1	108,0	24,0	5,4	3,24	8,64	1,728	34,368
2	84,0	24,0	4,2	2,52	6,72	1,344	32,064
3	60,0	24,0	3,0	1,80	4,80	0,960	29,760^
4	36,0	24,0	1,8	1,08	2,88	0,576	27,456
5	12,0	24,0	0.6	0.36	0,96	0,192	25,152
Жами		120,0	15,0	9,0	24,0	4,800	148,800

Агар ускуналарнинг норматив хизмат муддати ижара муддати давридан кўп бўлса, лизинг берувчи томонидан қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиниши мумкин, бу қиймат ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш нархидан лизинг давридаги амортизация ажратмалари суммасининг айрилганига тенг бўлади.

Иқтисодиётдаги хорижий инвестициялар - бу хорижий капитални қўйилиши, шунингдек худуддаги хорижий мамлакатлар филиалларига юридик шахсларининг қўйган капиталларидир.

Хорижий инвестициялар бевосита, портфель ва бошқа турларга бўлинади.

Бевосита инвестициялар - бу корхонага тўла эгалик қилувчи ёки 10% дан кам бўлмаган акцияларни назорат қилувчи юридик ёки жисмоний шахслар томонидан қўйилган инвестициялардир.

Портфел инвестициялари - бу акция, вексель ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишдир. Улар корхонанинг умумий акционерлик капиталининг 10% дан камроғини ташкил қилади.

Бевосита ва портфел инвестициялар таърифига тўғри келмайдиган инвестициялар бошқа инвестициялар деб кўрсатилади.

6.4. Инвестиция рискларини статистик баҳолаш

Инвестициялаш жараёни ҳар доим капитал қўйишнинг қулай вариантини танлаш билан боғликдир. Бунда йўқотиш эҳтимолини ҳисобга олиш муҳимдир. У ёки бу вариантни танлаш ҳали инвестор аниқ натижага эришади дегани эмас. Ҳар қандай вариантда ҳам инвестор маълум даражада рискга боради. Фараз қилайлик, қарздор бўлажак даромадлари ҳисобидан ссуда олди. У ёки бу сабабларга кўра бу даромадлар қарзни узиш учун етарли бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун инвестициялаш вариантини танлаганда рискнинг у ёки бу даражасини танлашга тўғри келади.

Масалан, банкни оладиган бўлсак риск омиллари икки гуруҳга бўлинади:

1. Ташқи омиллар ёки объектив омиллар. Уларга: мамлакат ялпи ички маҳсулотни ўзгариши, инфляция, солиқ тизимини ўзгариши, савдо баланси, ишсизлик даражаси, сиёсий нобарқарорлик ва бошқалар киради.

2. Ички омиллар ёки ички рисклар, яъни банкнинг ўзига боғлиқ бўлган омиллар. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) банк активлари билан боғлиқ бўлган рисклар - кредитлаш, валюталаш, касса операциялари, лизинг операциялари, молиялаштириш ва инвестиция қилиш билан боғлиқ бўлган рисклар;

б) банк пассивлар (қўйилмалари) билан боғлиқ рисклар -даромад операциялари, жалб қилинган маблағлар ва бошқалар билан боғлиқ хавф-хатарлар;

в) банкни бошқариш рисклари - фоиз ставкаларини белгилаш, ликвидлик даражаси, банк капиталининг таркиби ва ҳажми, кадрларни тайёрлаш ва танлаш, филиалларини ишини ташкил қилиш ва бошқа рисклар;

г) молиявий хизматлар билан боғлиқ рисклар - операцион, технологик, инновацион, маркетинг, стратегик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит (ички), мансабини суистеъмол қилиш, хавфсизлик (ички ва ташқи) ва бошқалар.

Шундай қилиб, рискларнинг тури хилма-хил ва жуда кўп. Демак, уларни

ўрганиш ва айниқса олдини олиш жуда муҳим. Хозирги кунда мавжуд рискларни ўрганиш турли усуллари яратилган (шуни эсда тутиш керакки уларнинг ҳаммаси ҳам маълум бир эҳтимолга асосланган). Рискларни ўрганиш методларини қуйидаги 4 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) эксперт баҳолаш (рейтинг усули деб ҳам юритилади); 2) аналитик ўрганиш методлари; 3) статистик методлар; 4) эҳтимоллар назарияси ва математик-статистик методлар.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ методлари қўлланилишига биз олдинги мавзуларда қисман бўлса ҳам тўхталдик. Шу муносабат билан, бу мавзуда асосан статистика ва эҳтимоллар назарияси методлари мазмуни ёритилади.

Мумкин бўлган риск ҳажмини (масалан, банклар учун қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$H = \frac{P_1 + P_2 + P_3 + + P_n}{K} \cdot E,$$

бу ерда: Н-мумкин булган риск ҳажми; Р-қисмий риск ҳажми; К-банкнинг жами капитали; Е-ташқи рискларни коррективлаш коэффициенти.

Бу кўрсаткич ҳақиқий риск миқдори билан тенг бўлмайди ва банкларда мумкин бўлган риск зарари захира фонди ва риск учун ажратмалар ҳисобидан қопланилади.

Риск даражасини кутиладиган зарар суммасининг банкнинг шахсий молиявий ресурслари суммасига нисбати билан ҳам аниқлаш мумкин. Бу ҳисобланган кўрсаткич риск коэффценти деб аталади ва қуйидаги формула билан ҳисобланилади:

$$Кр = \frac{\textit{Кутилидигин зарар суммаси}}{\textit{Шахсий молиявий русурслар}}$$

Рисклар эҳтимоли баҳолаш методлари билан ҳам ўрганилади. Уларнинг мазмуни қуйидагича. Эҳтимоллар назарияси бўйича биз лойиҳалардан шундайини танлаб олишимиз керакки, унга математик кутишнинг энг кўп миқдори белгилари тўғри келсин. Маълумки, қандайдир бир воқеанинг математик кутиши шу воқеанинг мутлоқ миқдорининг содир бўлиши эҳтимоли кўпайтмасига тенг. Масалан, инвестор уч вариантли воқеага дуч келди. У шулардан биттасини танлаб олиш керак. Фараз қилайлик, биринчи вариантда 40 млн. сўм фойда олишнинг эҳтимоли (Р) 0,5 тенг. Иккинчи вариантда тегишли равишда -50; 0,45; учинчи вариантда-60; 0,35. Бу ердан, биринчи вариант учун кутиладиган фойда суммаси -20 (40х0,5) млн. сўмга, иккинчи -22,5; учинчи -21,0 млн. сўмга тенг. Инвесторнинг қайси вариантини танлаши маълум.

Молиявий рискни маълум бир эҳтимоли орқали ўлчаш ва статистик маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунда масала у ёки бу ходисани рўй бериши эҳтимолини аниқлашга ва энг афзалини танлаб олишга қаратилган бўлади. Рискнинг ҳажмини ходисанинг ўртача кутилаётган қиймати, ўртача квадратик четланиши, вариация коэффициенти каби кўрсаткичлар билан характерлаш мумкин.

Ходисанинг ўртача кутилаётган қиймати ҳамма мумкин бўлган натижаларнинг ўртача арифметиги, бу натижалар сонига тортилгани билан аниқланади, яъни:

$$\bar{x} = \frac{\sum xf}{\sum f}$$

Лекин, бу ўртача капитални қўйилишининг қандайдир вариантини танлашга имкон бермайди, чунки у умумлашган миқдорий характеристикани билдиради ва у белгилар мажмуининг вариацияси тўғрисида тасаввурни бермайди.

Узил-кесил хулосага келиш учун, вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш зарур. Вариация кўрсаткичларни ҳисоблаш қуйидаги формулалар орқали олиб борилади:

дисперсия - $\sigma^2 = \frac{\sum (x - \bar{x})^2 f}{\sum f}$

ўртача квадратик четланиш - $\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2 f}{\sum f}}$

вариация коэффициенти - $V = \frac{\sigma}{\bar{x}} \times 100.$

бу ерда: x - белгининг (ходисанинг) кутилаётган қиймати; $\bar{\sigma}$ - белгининг ўртача кутилаётган қиймати; f- учрашиш тезлиги (кузатишлар сони).

Фараз қилайлик, капитални қўйишнинг учта вариантидан биттасини танлаш зарур бўлсин (6.9-жадвал).

6.9-жадвал

Капитал қўйилмаларнинг вариантлари

1 вариант		II вариант		III вариант	
Олинган фойданинг миқдори, млрд. сўм	Тасодиф-лар сони	Олинган фойданинг миқдори, млрд. сўм	Тасодиф-лар сони	Олинган фойданинг миқдори, млрд. сўм	Тасодиф-лар сони
8,0	17	6,8	8	10,0	9
12,0	28	8,5	20	12.0	18
14.0	20	11.0	22	18	8

Ҳар бир вариант учун белгининг ўртача кутилаётган қийматини, ўртача квадратик четланиш ва вариация коэффициентини ҳисоблаймиз (6.10-жадвал).

6.10-жадвал

I вариант учун вариация кўрсаткичларининг ҳисоби

Ходисалар	Фойданинг суммаси, млрд. сўм (x)	Тасодифлар сони	x·f	$(X - \bar{X})^2 f$
1	8,0	17	136	220,32
2	12,0	28	336	4,48
3	14,0	20	280	115,20
Жами		65	752	340,00

1. Ўртача қиймат тенг: $\bar{o} = \frac{\sum xf}{\sum f} = \frac{752}{65} = 11{,}6$ млрд. сўм

2. Ўртача квадратик четланиш тенг: $\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2 f}{\sum f}} = \sqrt{\frac{340}{65}} = 2{,}3$ млрд.сўм

3. Вариация коэффициенти тенг: $V = \frac{\sigma}{\bar{x}} \times 100 = \frac{2{,}3}{11{,}6} \times 100 = 19{,}8\%$

Худди шундай ҳисоблар бошқа қолган вариантлар учун ҳам амалга оширилади. Унинг натижалари 6.11-жадвалда кўрсатилган.

Учта вариант бўйича олинган натижаларни солиштириб, куйидаги хулосага келиш мумкин: буларнинг ичида энг ишончлиси II вариант ҳисобланади, бунда кутилаётган фойданинг миқдори I ва III вариантдагига нисбатан кам бўлса ҳам, лекин капитални қўйишнинг риски энг камдир, яъни бу ҳолатда вариация даражаси (белги қийматининг ўртача катталикдан четланиши), фойданинг суммаси, яъни ўртача квадратик четланишнинг қиймати (σ) ва вариация коэффициенти (V) энг пастдир.

6.11-жадвал

Учала вариант учун ҳисобланган вариация кўрсаткичлари

Вариант	$\bar{X}$	σ	V
I	11,6	2,3	19,8
II	9,3	1,6	17,2
III	12,8	2.9	22.7

Лойиҳанинг сезгирлигини таҳлили. Ушбу метод лойиҳанинг маълум аниқликда берилган бошланғич параметрларини (ишлаб чиқариш хажми, солиқлар ставкаси, доимий ва ўзгарувчан харажатлар ва ҳ.к.) ўзгариши билан унинг асосий натижавий кўрсаткичларини (соф фойда, келтирилган соф қиймат ва бошқалар) қанчалик кучли ўзгаришини кўрсатади. Сезгирликни таҳлил қилишда қуйидаги параметрлар қўлланилади:

1. Лойиҳани асосий кўрсаткичини (соф келтирилган даромад, даромадлиликни ички нормаси ва бошқалар) танлашади.
2. Сезгирликка таъсир қилувчи муҳим омиллар (сотиш хажми, сотиш баҳоси, кредит фоизи ва бошқалар) танлашади.
3. Процедуранинг (муолажанинг) иккинчи қадамида танланган ноаниқ омиллар номинал ва чегараланган (қуйи ва юқори) қийматларни ўрнатиш. Омил чегаралари бир нечта бўлиши мумкин, масалан, номанал қийматдан -5% ва +10%.
4. Ноаниқ омилларни барча танланган қийматлари учун калит (энг муҳим) кўрсаткични ҳисоблаш.
5. Барча ноаниқ омиллар учун сезгирлик графигини тузиш.
6. Лойиҳа учун энг сезиларли омилларни аниқлаш ва лойиҳани амалга ошириш ёки техник-иқтисодий қайта ишлашга юбориш ҳақида қарор қабул қилишади.

Мисол. Бошланғич инвестициялар (J_0) 225 млн.сўмни ташкил қилади. Инвестициядан кутиладиган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (млн.сўм).

Кўрсаткичлар	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.
1. Сотишдан олинган тушум	140	210	350	350	350
2. Ишлаб чиқариш харажатлари	64	96,6	164	164	164
3. Молиявий харажатлари	30	23	20	18	15
4. Солиқлар	4,6	9,4	16,6	16,8	17,1
5. Йиллик пул оқими	41,4	81,0	149,4	151,2	154,0

Шароитни ўзгартирамиз ва келгусида қайси омил юқори рискка сабаб бўлишини аниқлаймиз. Ҳисоб-китобларга қараганда келгусида ишлаб чиқариш харажатлари ва тўланадиган солиқлар 10%дан ошади. Дисконт фоизи (r) 11%га тенг.

Бошланғич фоиз учун *NPV* ҳисоблаймиз:

$$NPV = \frac{CF_1}{(1+r)} + \frac{CF_2}{(1+r)^2} + ... + \frac{CF_n}{(1+r)^n} - J_0$$

$$NPV = \frac{41{,}1}{(1+0{,}11)} + \frac{81}{(1+0{,}11)^2} + \frac{149{,}4}{(1+0{,}11)^3} + \frac{151{,}2}{(1+0{,}11)^4} + \frac{154}{(1+0{,}11)^5} - J_0$$

NPV = 37,3 + 65,7 + 109,2 + 99,6 + 91,4 – 225 = 403,2 – 225 = 178,2 *млн.сўм.*

Ишлаб чиқариш харажатларини 10%га оширсак, улар 2010 йилда 70,4 млн.сўмни; 2011й. – 106,26; 2012й. – 180,4; 2013й. – 180,4; 2014й. – 180,4 млн.сўмни ташкил этади. Йиллик пул оқими (*CF*) эса тегишли равишда – 35; 71,3; 133; 134,8; 137,5 млн.сўм. Бу ердан соф келтирилган қиймат тенг:

NPV_1 = 31,5 + 57,8 + 97,3 + 88,8 + 81,6 – 225 = 132 *млн.сўм.*

Энди солиқлар 10%га ошган шароитда соф келтирилган қийматни ҳисоблаймиз. Солиқлар 10%га ошса, уларнинг суммаси йиллар бўйича тенг: 5,06; 10,34; 18,26; 18,48; 18,81. Йиллик пул оқими (*CF*) тегишли равишда: 40,9; 89,06; 147,74; 149,52; 152,19 млн.сўм. Бу ердан соф келтирилган қиймат тенг:

NPN_2 = 36,8 + 65 + 108 + 98,5 + 90,3 – 225 = 398,6 – 225 = 173,6 *млн.сўм.*

Демак, биз кўриб чиққан лойиҳада солиқларнинг ўзгаришига нисбатан ишлаб чиқариш харажатларини ўзгариши (ўзгариш миқдори бир хил бўлишига қарамасдан) сезгирлиги даражаси юқори. Бу ердан шундай хулоса қилиш мумкинки, келгусида ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши, лойиҳани амалга ошириш жараёнида юқори рискка сабаб бўлиши мумкин, яъни режалаштирилган фойда олинмаслиги ёки умуман инвестицияни йўқотиш мумкин. Шунинг учун ҳам лойиҳанинг инвесторлари сарфларни айнан шу моддасига эътиборни кучайтиришлари талаб этилади.

Лойиҳанинг ривожланиш сценарийси таҳлили. Ушбу методда лойиҳанинг ривожланиш сценарийсини бир неча варианти ва уларнинг солиштирма таҳлили ўтказилади.Лойиҳадаги ўзгарувчи белгилар ўзгаришини пессимистик ва оптимистик вариантлари ҳисоб-китоб қилинади. Иккала вариантда ҳам менеджерлар натижалар портфелини танлаб, молиявий аналитикларга тақдим

этадилар. Улар пессимистик (сотиладиган махсулот хажмини камлиги, сотиш баҳосини пастлиги, таннархнинг юқорилиги, товар захираларини ортиб кетиши, шартномалар сонини камайиб кетиши ва ҳ.к.) ва оптимистик ёки реалистик (амалга ошиш эҳтимоли катта) вариантлар бўйича кутиладиган натижаларни ҳисоблашади ва инвестор ёки мулк эгаси билан биргаликда рискларни пасайтириш (минимизациялаш) методларини танлаш ҳақида қарор қабул қилишади.

Инвестиция рискларини ўрганишда уларни баҳолашнинг чизиқли модели, текисланган эҳтимоллар билан кутиладиган фойдалиликнинг чизиқли модели, имитацион методлар, Монте-Карло методи, барқарорликни текширувчи метод, лойиҳа параметрларини ва иқтисодий нормативларни мослаштириш методлари ва бошқа методларни қўллаш мумкин. Бу методлар махсус фанларда ўрганилади.

Рискларни пасайтириш методлари. Инвестицион рискларни пасайтириш учун турли усуллар қўлланилади, уларни асосийлари: диверсификация; лойиҳа қатнашчилари ўртасида рискнинг тақсимланиши; қўшимча информацияга эга бўлиш; лимитлаш; захира ташкил этиш; суғурталаш ва бошқалар.

Диверсификация инвестицион портфелни ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин бўлмаган турли усуллари ўртасида инвестицион маблағларни тақсимлаш жараёнини ўзида ифода этади. Турли фаолиятлар ўртасида инвестицион ресурсларни тақсимлашда рискларнинг бир қисмидан қутулишга диверсификация имкон яратади. Диверсификация ишлаб чиқаришда махсулот ассортиментини кўпайтириш, молия бозорида – турли эмитентлар қимматли қоғозларига капитал сарфлаш, валюта бозорида – турли мамлакатлар валютаси билан операцияларни амалга ошириш йўли билан амалга оширилади. Масалан, битта компаниянинг қимматли қоғозини сотиб олгандан кўра бир нечта компаниянинг қимматли қоғозларини сотиб олишнинг ўзи бир вақтнинг ўзида фонд бозоридан даромад олиш эҳтимолини бир неча бор оширади ва тегишли равишда риск даражасини пасайтиради.

Лойиҳа қатнашчилари ўртасида рискларни тақсимлаш – лойиҳа қатнашчиларини ундаги улуши ва шароитига биноан риск улар ўртасида тақсимланади. Тузилган контрактларда ҳар бир рискли ҳодиса учун мукофот суммаси кўрсатилади ва агарда риск содир бўлмаса, мукофот шу риск бўйича жавобгарликни бўйнига олган қатнашчига берилади.

Қўшимча информацияни қўлга киритиш – ҳозирги замонда информация энг керакли ва қиммат товардир. У қанча кўп бўлса шунча яхши.

Лимитлаш – лимит ўрнатиш, яъни сарфлар, сотиш, кредит, махсулот баҳоси ва ҳ.к. чегарасини белгилаш. Ҳақиқий кўрсаткичларни ўрнатилган лимитга яқинлашиш – бу инвестор учун хавфни яқинлашаётганлиги ҳақида сигналдир.

Заҳиралар яратиш – бу шундай методки, қачон риск ҳодисаси учун жавобгарликни бутунлай ва тўлиғича ўз бўйнига олади. Корхона асосий фаолиятига рискнинг таъсирини пасайтириш учун унда заҳира фонди ташкил қилинади ва риск содир бўлганда ушбу фонддан кўзда тутилмаган харажатлар қопланади.

Суғурталаш – лойиҳалар бўйича рискларни пасайтиришни энг кенг тарқалган методларидан биридир. Суғурталаш рискларни минималлаштиришда ёрдам беради, яъни инвестор суғурта компаниясига маълум бир суммани (албатта

кутиладиган даромаддан кам) тўлашга тайёр, ўз навбатида суғуртачи суғурта ходисаси рўй берган тақдирда зарар суммасини қоплаб бериш мажбуриятини ўз бўйнига олади.

6.5. Инвестиция самарадорлиги статистик кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш инвестицияларини таҳлил қилишда марказий ўринни муқобил инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва таққослаш эгаллайди. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашни бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари натижасида олинган маълумотлар асосида, шунингдек, пул потокларини (кирим ва чиқим) дисконтлаш услубларига асосланиб характерлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Маблағларни инвестициялашда рискни камайтириш учун натижаларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида таҳлилнинг турли хил услубларига ёндашилади, буларга статистик услублар, иқтисодий-математик услублар ва бошқалар киради.

Инвестиция самарадорлигини у ёки бу кўрсаткичлари тизими ва таҳлил услубларининг қўллаш инвестиция жараёнини амалга оширишнинг аниқ шароитларидан келиб чиқади, шунингдек бу кутилаётган маблағнинг миқдорига. бундай таҳлилни амалга оширмоқчи бўлганларнинг иқтисодий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Кўпинча инвестиция лойиҳасини оптимал вариантини танлаб олиш имконияти вужудга келиши учун бир вақтнинг ўзида жуда кўп услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш худди шундай инвестиция лойиҳалари бўйича амалда вужудга келган кўрсаткичларни тадқиқот қилишга асосланиши керак. Буларга қуйидагилар киради:

Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи самарани инвестиция ҳажмига нисбати билан аниқланади:

халқ хўжалиги бўйича: $Ý_{õ/õ} = \frac{\Delta Ì \ Ä}{\sum È Õ}$

иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи бўйича: $Ý_{map} = \frac{\Delta Ñ Ì}{\sum È Õ}$

алоҳида корхона бўйича: $Ý_{êîpõ} = \frac{\Delta Ô}{\sum È Õ}$

бу ерда: ΔМД - ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг мутлоқ қўшимча ўсиши; ΔСМ - соф маҳсулотнинг мутлоқ қўшимча ўсиши; ΔФ - корхона, фирма фойдасининг мутлоқ қўшимча ўсиши; ИҲ - инвестиция ҳажми.

Капитал қўйилмалар хиссаси кўрсаткичи инвестиция ҳажмини маҳсулот ёки хизматларнинг қўшимча ўсишига нисбати билан ёки қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$Ê_{õèñ.} = \frac{\sum È Õ}{N} \text{ ёки } \frac{\sum È Õ}{\Delta q}$$

бу ерда: *Кхис.* - хиссали капитал қўйилмалар; Δq - маҳсулот, иш ёки хизматларнинг мутлоқ қўшимча ўсиши (қиймат кўринишида); N - объектнинг ҳақиқий жорий

қилинган ишлаб чиқариш қуввати.

Инвестиция самарадорлигини таҳлил қилганда хиссали капитал қўйилмалар даражасига таъсир этувчи алоҳида омилларни ҳисобга олиш муҳимдир. Бундай омилларга ишлаб турган қувватларнинг ўзгариши, капитал қўйилмаларни такрор ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, қурилишни смета қийматининг ўзгариши ва бошқалар киради.

Хиссали капитал қўйилмалар алоҳида объект учун, ишлаб чиқаришга киритилган қувват учун, корхона учун аниқланиши мумкин. Шунингдек, улар умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида ишлаб чиқаришнинг бир турига, тармоққа ва ҳ.к. кирувчи объектлар мажмуи учун ҳам аниқланиши мумкин. Ҳақиқий хиссали капитал қўйилмаларни таҳлил қилиш мақсадида лойиҳада кўрсатилган худди шундай кўрсаткич билан таққослаш мумкин.

Корхоналар мажмуи учун хиссали капитал қўйилмалар ҳисобини кўриб чиқамиз.

6.12-жадвал

Қурилиш конструкциялари саноати корхоналарида инвестиция ҳажми ва йиллик ишлаб чиқариш қуввати

Корхоналар	Инвестиция ҳажми, млрд. сўм	Ҳақиқий йиллик ишлаб чиқариш қуввати		Лойиҳа бўйича хиссали капитал қўйилмалар, минг сўм
		минг тонна	млрд. сўм	
I	8,5	100	4,2	80
II	6,9	60	3,6	120
	15,4	-	7,8	

Ҳақиқий хиссали капитал қўйилмаларининг ҳисоби 6.13- жадвалда берилган.

6.13-жадвал

Ҳақиқий хиссали капитал қўйилмаларнинг ҳисоби

Корхоналар	Ҳақиқий йиллик ишлаб чиқариш қуввати		Инвестиц - ияларнинг ҳақиқий ҳажми, млрд. сўм	Хиссали капитал қўйилмалар, минг сўм		Лойиҳа бўйича инвести-ция	Четла-ниш, минг сўм
	минг тонна	млрд. сўм		ҳажми бўйича	ҳақи-қийси		
А	1	2	3	4	5=3:1	6-1×4	7=5-4
I	100	4,2	8,5	76	85	7,6	9
II	60	3,6	6,9	110	115	6,6	5
Жами	-	7,8	15,4	-	-	14,2	-

Иккала корхона бўйича биргаликда хиссали капитал қўйилмалар йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир минг сўмига қуйидагича тўғри келади:

$$\text{Ҳақиқий } \hat{E}_{\text{õèñ.¦ à¢}} = \frac{15{,}4}{7{,}8} = 1{,}97 \text{ минг сўм.}$$

Лойиҳа бўйича $\hat{E}_{õèñ.ëîé.} = \frac{76 \times 100 + 140 \times 60}{7{,}8} = \frac{14{,}2}{7{,}8} = 1{,}82$ минг сўм

Ҳақиқий хиссали капитал қўйилмалар лойиҳадаги миқдордан 1,97-1,82=0,15 минг сўм фарқ қилади, бу эса капитал қўйилмалар самарадорлиги пасайганлигини билдиради.

Таҳлил қилиш мақсадида хиссали капитал қўйилмаларини ўзгаришини капитал қўйилмалар умумий ҳажмига таъсирини кўрсатиш мумкин. ИҲ=$К_{хис}$ × N эканлигини ҳисобга олган ҳолда, индекс услуби асосида ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин, яъни

$$\Delta È Õ_N = (N_1 - N_0) \times \hat{E}_{õèñ}$$

$$\Delta È Õ_{\hat{E}_{õèñ}} = N_1(\hat{E}_{õèñ.1} - \hat{E}_{õèñ.0})$$

бу ерда: $\Delta È Õ_N$ - капитал қўйилмаларнинг корхонанинг қуввати ўзгариши натижасида мутлоқ ўзгариши; $\Delta È Õ_{\hat{E}_{õèñ}}$ - хиссали капитал қўйилмаларнинг ўзгариши натижасида капитал қўйилмаларнинг мутлоқ ўзгариши; N_0, N_1 - корхонанинг мос равишда лойиҳадаги ва ҳақиқий йиллик қуввати; $\hat{E}_{õèñ.0}, \hat{E}_{õèñ.1}$ - хиссали капитал қўйилмалар мос равишда лойиҳа бўйича ва ҳақиқийси.

Шундай қилиб, ҳақиқий хиссали капитал қўйилмаларнинг лойиҳадагидан юқори бўлиши натижасида капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг ўсиши 1,32 млрд.сўмни [7,8 х (1,97 - 1,8)] ташкил қилди.

Якка ҳолдаги хиссали капитал маблағларни ва қувватлар таркибини ўзгаришини (d_N=*N/∑N)* ҳақиқий ўртача хиссали капитал қўйилмаларнинг лойиҳадагидан четланиши таъсирини қуйидаги индекслар бўйича аниқлаш мумкин:

$$\frac{\sum \hat{E}_{õèñ.1} d_{N1}}{\sum \hat{E}_{õèñ.0} d_{N0}} = \frac{\sum \hat{E}_{õèñ.1} d_{N1}}{\sum \hat{E}_{õèñ.0} d_{N1}} \times \frac{\sum \hat{E}_{õèñ.0} d_{N1}}{\sum \hat{E}_{õèñ.0} d_{N0}}$$

Келтирилган харажатлар минимуми кўрсаткичи инвестиция лойиҳаси вариантини танлаш учун ишлатилади. Уни капитал қўйилмаларининг солиштирма самарадорлиги кўрсаткичи деб аташади. Келтирилган харажатлар деганда самарадорликнинг ўлчов коэффициенти ёрдамида бир хил йиллик ҳажмига келтирилган жорий харажатлар ва капитал қўйилмалар суммасини тушунамиз. Келтирилган харажатлар энг минимал бўлган инвестиция варианти энг мақбул ҳисобланади.

$$\hat{E}_{Õ} = Ò_i + C_í \times È¥ ,$$

бу ерда: $К_х$ - келтирилган харажатлар; $Т_i$ - і-нчи вариантдаги йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи; $С_н$ - самарадорликнинг норматив коэффициенти.

Ўзини қоплашнинг ҳақиқий муддати маълум бир давр деб ҳисобланиши мумкин, яъни бу давр мобайнида ҳақиқий олинган фойданинг суммаси инвестиция миқдорига тенглашади.

Ўзини қоплаш муддати қуйидаги формула бўйича ҳисобланиши мумкин:

$$\boldsymbol{T_к = T_и + T_т + T_а}$$

бу ерда - $Т_к$ - капитал қўйилмалар қопланишининг муддати; $Т_и$ - ишга туширилган йилда объектни ишлашининг узунлиги (йилнинг қисмларида). У қуйидаги формула билан аниқланади m/12 (m - объект ишга туширилган йилда ишлаган ойлари сони); $Т_т$ - қўйилмаларни қоплаш муддати даврида объектнинг ишлаганлигини тўла йил сонлари; $Т_а$ - қоплаш муддати тугайдиган йилда объектни ишлаш вақти узунлиги. Буни ўзи қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Т_а = \frac{\sum ИХ - \sum П_н}{П_к}$$

бу ерда: *ИҲ* – инвестициянинг умумий ҳажми; $\sum n_{.}$ - объектни ишга туширгандан харажатларни қоплаш тугалланиши йилигача бўлган даврда жамғарилган фойданинг суммаси. $П_к$ - қоплаш муддати тугайдиган йилдаги фойда миқдори. Қоплаш муддати кўрсаткичи асосида ҳақиқий самарадорлик коэффициенти ҳисобланади.

$$Е_{ҳақ} = \frac{1}{Т_ц}$$

Бу нисбий кўрсаткич бўлиб, капитал қўйилмаларнинг ҳақиқий ўзлаштирилган қисмининг ўртача қандай қисми ўртача ҳар йили фойда ҳисобидан қопланишини кўрсатади.

Ҳақиқий қоплаш муддатини ҳисоблаганда инвестициялар ҳажми (капитал қўйилмалар) ва фойда доимий нархларда ифодаланади, чунки бунда нархнинг ўзгаришини таъсири бартараф қилинади.

Қоплаш муддатини ҳисоблаш мисоли маълумотлари 6.14- жадвалда келтирилган.

6.14-жадвал

Инвестицияни амалга ошириш вариантлари

Корхоналар	Ишга тушириш вақти	Қурилиш ва жорий қилиш харажатлари (ИХ), млн. сўм	Лойиҳадаги қуввати (маҳсулотни йиллик ишлаб чиқ.), минг т. (N)	Хиссали капитал қўйилмалар, минг сўм (Кхис.)
1	30.03.09й.	6800	100	68,0
2	30.11.09й.	5200	80	65,0
3	28.10.08й.	7400	110	67,3

Йиллар бўйича доимий нархларда ифодаланган фойда 6.15-жадвал маълумотларида характерланган (млн. сўм). Инвестицияларнинг копланиш муддатлари:

$$1 \text{ - корхонада } Тк = \frac{9}{12} + 3 + \frac{6800 - 6100}{2500} = 4{,}03 \text{ йил.}$$

$$2 \text{ - корхонада } Тк = \frac{1}{12} + 2 + \frac{5200 - 4000}{2000} = 2{,}68 \text{ йил.}$$

$$3 \text{ - корхонада } Тк = \frac{2}{12} + 3 + \frac{7400 - 6400}{2800} = 3{,}524 \text{ йил.}$$

6.15-жадвал

Корхоналарда йиллар бўйича олинган фойда тўғрисидаги маълумотлар (доимий нархларда, млн. сўм)

Йил	1 - корхона		2 - корхона		3 - корхона	
	бир йиллик фойда	ўсиб борувчи якуний фойда	бир йиллик фойда	ўсиб борувчи якуний фойда	бир йиллик фойда	ўсиб борувчи якуний фойда
2008	-	-	-	-	200	200
2009	600	600	500	500	1600	1400
2010	1500	2100	1600	2100	2400	3800
2011	1800	3900	1900	4000	2600	6400
2012	2200	6100	2000	6000	2800	9200
2013	2500	8600	2200	8800	3000	12200

Ҳақиқий самарадорлик коэффициентлари корхоналар бўйича қуйидагича бўлади:

1 - корхона $К_{сам} = \frac{1}{4,03} = 0,248$

2 - корхона $К_{сам} = \frac{1}{2,68} = 0,373$

3 - корхона $К_{сам} = \frac{1}{3,524} = 0,284$

Аниқланган кўрсаткичлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: маблағларни қўйишнинг энг самарадор варианти иккинчи корхонанинг қурилиши бўлиб, унда капитал қўйилмаларнинг қопланиши тезроқ амалга ошаяпти, хиссали капитал маблағлар эса энг кам.

Статистиканинг вазифаларига фақат алоҳида объектлар бўйича харажатлар самарадорлигини характерлаш кирмай, балки уларнинг мажмуи бўйича ҳам бу ишни амалга ошириш киради.

Самарадорликнинг бундай умумлашган характеристикасини капитал қўйилмаларни қоплашнинг ўртача ҳақиқий муддати кўрсаткичи беради ва у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\bar{Т}_{ҳ} = \frac{\sum Т_{ҳ} N}{\sum N}$$

бу ерда: $Т_{ҳ}$ алоҳида объект, корхонанинг капитал қўйилмаларини қоплаш муддати; N - алоҳида объектнинг ишлаб чиқариш қуввати.

Капитал қўйилмаларни қоплашнинг ўртача ҳақиқий муддатини қуйидаги формула билан ҳам аниқлаш мумкин:

$$\bar{T}_{К} = \frac{\sum СХ}{\sum \frac{СХ}{T_{К}}} = \frac{\sum СХ}{\sum \bar{n}}$$

бу ерда: ИҲ - корхонадаги капитал қўйилмалар. $\bar{П}$ - корхона бўйича капитал

қўйилмалар қопланиши давридаги ўртача йиллик фойда.

Биринчи кўрсаткич ўртача арифметик тортилган формуласи билан ҳисобланган бўлиб, у бир турдаги корхоналар гуруҳи учун ва маҳсулотни умумий ҳажми учун мўлжалланган, иккинчиси эса ўртача гармоник тортилган формуласи бўйича топилган бўлиб, у анча кенг объектлар бўйича ва капитал қўйилмаларинииг умумий ҳажмига мўлжалланган.

Олдинги мисолимизнинг маълумотлари асосида ўртача қоплаш муддати кўрсаткичлари ҳисобини кўрсатамиз (6.16-жадвал).

Корхоналар	Қоплаш муддати (йил), Тқ	Ишлаб чиқариш қуввати (минг т.). N	Тқ × N
1	4.030	100	403.0
2	2.680	80	214.40
3	3,524	110	387,64
Жами		290	1005,04

$$\overline{T}_K = \frac{\sum T_K N}{\sum N} = \frac{1005{,}04}{290} = 3{,}5 \text{ йил}$$

6.17-жадвал.

Ўртача қоплаш муддатининг ҳисоби (2-усул)

Корхоналар	Капитал қўйилмалар, млн. сўм (ИҲ)	Коплаш муддати, йил (Тқ)	$\frac{\text{ИҲ}}{\text{Тқ}}$
1	6800	4,03в	1687,3
2	5200	2,680	1940,3
3	7400	3,524	2099,9
Жами	19400	10,234	5727,5

$$\overline{T}_K = \frac{\sum ИХ}{\sum \frac{ИХ}{T_K}} = \frac{19400}{5727{,}5} = 3{,}4 \text{ йил}$$

Самарадорликнинг қўшимча характеристикаси сифатида капитал қўйилмаларни қоплаш тезлиги кўрсаткичини олиш мумкин, у икки вариантда ҳисоблаб чиқилади. Биринчиси γ=∑ИҲ/∑Тқ - бу вақт биринчи йил ичида қопланадиган капитал қўйилмаларининг ўртача миқдорини кўрсатади, иккинчиси - *l*=∑Тқ/∑ИҲ - бу капитал қўйилмалар ўртача бир қийматли бирлигини қоплаш учун зарур бўлган вақтни кўрсатади. Бу кўрсаткични ҳақиқий самарадорликни омиллар бўйича индексли таҳлил қилишда ишлатиш мумкин.

Агар Тқ= *I* х ИҲ, бўлса, унда ҳақиқий қоплаш муддатининг мутлоқ ўзгаришини ҳар бир омил таъсири бўйича аниқлаш мумкин *(I* ва ИҲ):

$$\Delta T\text{uх} = (\sum ИХ_1 - \sum ИХ_0)\text{l}$$

$$\Delta T_1 = \sum ИХ_1 (l_1 - l_0)$$

$$\Delta T_{к} = \Delta T_{ux} + \Delta T_{l}$$

Инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилишнинг яна бир йўналиши вақт омилини ҳисобга олган ҳолда кўрсаткичларни ҳисоблашни амалга оширишдир. Маълумки, инвестиция жараёни ва қайтими жуда узоқ бўлиши мумкин ва шунинг учун бундай ҳисоблашларда пулнинг тенг бўлмаганлик қиммати тамойилини ҳисобга олиш зарур, чунки бу турли даврларга тегишли бўлади. Бу турли вақт пайтларига тегишли бўлган пул катталикларини, уларнинг хозирги даврдаги қийматини аниқлагандан кейингина қўшиш мумкин. Бунинг учун дисконтлашдан фойдаланилади.

Турли вақтдаги харажатлар ва натижаларни келтириш дисконт нормаси (Е) орқали амалга оширилади, у инвесторга маъқул бўлган капиталга қўйилган даромад нормасига тенг. Базис пайтга тўғри келадиган харажатлар, натижалар ва самаралар қиймати дисконт коэффициенти орқали аниқланади:

$$\gamma_t = \frac{1}{(1+E_k)^t}$$

бу ерда - ҳисоб қадами номери (t = 0, 1,2, . . . Т); Т - ҳисоб горизонти.

Агар дисконт нормаси вақт бўйича ўзгарса, унда дисконтлаш коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\gamma_t = \frac{1}{\prod_{k=1}^{t}(1+E_k)}$$

Инвестиция лойиҳаларини турли вариантларини таққослаш ва энг оптималини танлаш кўрсаткичлар тизими асосида амалга оширилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Соф жорий қиймат (Net Present value, NPV); даромадлилик кўрсаткичи (Profitiability Index, PI), даромадлиликни ички ставкаси (Internal Rate of Return, IRR).

Соф жорий қиймат (NPV) - ҳисобланаетган даврдаги жорий самаралар суммасидан ташкил топади. Бу ерда самара деганда натижалар билан харажатлар ўртасидаги фарқ тушунилади.

$$NPV = \frac{FND}{(1+i)^n} - \frac{FNI}{(1+i)^n},$$

бу ерда: FND - келгусидаги даромадларнинг соф суммаси; FNI -келгусидаги харажатларнинг соф суммаси.

Агар соф дисконтланган даромад ижобий бўлса, бунда лойиҳа бу келтирилган самаралар суммаси самарали ҳисобланади, агар у лойиҳа салбий соф дисконтланган даромадда амалга оширилса, инвестор зарарга қолади.

Даромадлилик индекси (PI) - бу келтирилган самаралар суммаси дисконтланган капитал қўйилмалар суммасига нисбати билан аниқланади:

$$PI = \frac{PV}{IC} = \frac{\sum_{t=0}^{T}(R_1 - Ç_t)\gamma_t}{\sum_{t=0}^{T} K_t \cdot \gamma_t}$$

Агар даромадлилик индекси бирдан катта бўлса, бунда инвестиция лойиҳаси самарали ҳисобланади.

Даромадлиликнинг ички нормаси (IRR) - бу дисконтнинг шундай нормасига тенгки (Евн), бунда келтирилган самаралар суммаси келтирилган капитал қўйилмалар суммасига тенг бўлади, яъни даромадлиликнинг ички нормаси ёки Евн қуйидаги тенгламанинг ечими ҳисобланади:

$$IRR = \frac{FND}{(1+i)^n} : \frac{FNI}{(1+i)^n} = \sum_{t=0}^{T} \frac{R_1 - Ç_t}{(1+E)^t}$$

Бу хилда ҳисобланган даромадлиликнинг ички нормаси қўйилган капиталга келадиган даромад нормаси билан солиштирилади. Бу инвесторни қониқтиради.

Агар Е инвестор талаб қилган капиталнинг даромад нормасидан катта ёки унга тенг бўлса, бу лойиҳадаги инвестициялар самарали ҳисобланади.

Агар соф жорий қиймат ва даромадлиликнинг ички нормаси асосидаги лойиҳанинг самараси тўғрисидаги хулоса қарама-қарши бўлса, унда соф жорий қиймат кўрсаткичи афзал кўрилади.

Қоплаш муддати (То) - бу шундай даврки, бунда инвестиция лойиҳаси билан боғлиқ бўлган дастлабки қўйилмалар ва бошқа харажатлар, уни амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган натижалар йиғиндиси орқали қопланади.

Фараз қилайлик, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қуйидаги пул потокини бўлишини тақозо этади (кўрсаткичлар млн. сўм ҳисобида йилнинг охири учун берилган):

-800 -1200 400 1200 1600 1600

Қоплаш муддатини аниқлаш учун инвестиция суммасини фоизлари билан 10%ли ставкада аниқлаймиз:

800 х 1,1 + 1200 = 880 + 1200 = 2080 млн. сўм.

Дастлабки икки йилдаги фойда ва унинг ҳозирги кундаги қиймати қуйидагича бўлади:

400 х $1,1^{-1}$+ 1200 х $1,1^{-2}$ = 1355,3, яъни 2080 дан кичик. Уч йил учун:

1355,3 + 1600 х $1,1^{-3}$ = 2557,4 млн. сўм, яъни 2080 дан кўп.

Бундан қоплаш муддати қуйидагини ташкил қилади:

То = 2 + (200 - 1355,3) : 1202,1 = 2,6 йил.

6.6. Инвестиция статистикаси маълумот манбалари

Инвестиция бозори ҳақида асосий маълумот манбаи бўлиб корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ва статистик ҳисоботлари ҳисобланади.Уларга қуйидагилар киради: 1-сонли шакл бухгалтерия баланси. 1-инвест шакли-Ўзбекистон Республикасига хориждан киритилган инвестициялар тўғрисидаги ҳисобот (йиллик). Ушбу ҳисоботни чет эл инвестицияларни қабул қилган юридик шахслар (кичик тадбиркорлик субъектлари,банклар ва бошқа кредит

ташкилотларидан ташқари) 25-мартдан кечиктирмай тақдим этадилар. Ҳисобот икки бўлимдан иборат : I бўлим. Ўзбекистон Республикасига хориждан келтирилган инвестициялар; II бўлим. Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхона (ташкилот) даромадлари. Бу ҳисоботни 3 та иловаси мавжуд,яъни I, II, III чораклар учун тузилган ҳисоботлар.Иловаларда киритилган ва қайтарилган инвестицияларнинг суммаси 3 гуруҳга бўлинган ҳолда ҳисобланади: а) тўғридан-тўғри инвестициялар (акционер капитал), корхона (ташкилот)нинг хорижий шерикларидан олган кредитлари, корхона (ташкилот)нинг хорижий шерикларига дебитор қарзлар, корхона (ташкилот)нинг хорижий шерикларидан кредитор қарзлар; б) портфел инестициялар; в) бошқа инвестициялар;

2-инвест шакли – Номолиявий активларга инвестициялар тўғрисидаги ҳисобот (йиллик). Ушбу ҳисоботни 25-февралдан кечиктирмай юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари, қурилиш хўжалик бошқарувларини қўшган ҳолда (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари, нотижорат корхоналар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларидан ташқари) тақдим этадилар. Бу ҳисоботнинг иловаси (2-инвест йиллик) ҳам мавжуд – Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар тўғрисидаги ҳисобот. Бу илова 15-январда топширилади. 2-инвест шакли чораклик тури ҳам тўлдирилади. Бу шакл ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай топширилади.

3-инвест шакли – Чет эл инвестицияси ва кредитлари ва тикланиш-тарққиёт фонди маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисобот (ойлик). Ҳисоботни 2009 йил инвестиция дастурига асосан чет эл инвестиция ва кредитлари, тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари иштирокидаги лойиҳа ташаббускорлари: вазирликлар, идоралар, банклар (кредит линиялари бўйича) қошидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи гуруҳлар, корхоналар ҳар ойда тақдим этадилар. Ҳисобот 9 устундан иборат бўлиб, минг АҚШ долларида вергулдан сўнг 2 хонали шаклда тўлдирилади.

4-инвест – Инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисобот (ойлик). Ҳисоботни 2009 йил инвестиция дастурига асосан (чет эл инвестиция ва кредитлари, тикланиш ва тараққиёт маблағи иштирокидаги лойиҳалардан ташқари) инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимликлари, Тошкент шаҳар, вазирликлар, идоралар ҳар ойда тақдим этадилар. Ҳисобот 6 устундан иборат бўлиб, миллий валюта – минг сўмда тўлдирилади. Ҳар бир лойиҳа бўйича молиялаштириш манбалари ва қўйилма турлари кўрсатилиб, улар бўйича ҳисобот ўзлаштирилган инвестициялар суммаси келтирилади.

1-КС шакли – Қурилиш ишларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот (йилик). Ҳисоботни қурилиш пудрат шартномалари асосида ўз кучи билан ишлар бажарувчи юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари (кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари) 15-февралдан кечиктирмай тақдим этадилар. Бу ҳисоботнинг иловаси – Қурилиш машина ва механизмлари мавжудлиги тўғрисидаги ҳисобот ва ойлик шакли – Қурилиш ишларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот ҳам тақдим этилади.

8-КС шакли – Тугалланмаган қурилиш ҳолати тўғрисидаги ҳисобот (йиллик). Ҳисоботни юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари (кичик корхоналар, мкрофирмалар ва фермер хўжаликларидан ташқари) ўз жойидаги туман, шаҳар статистика бўлимига 15-февралдан кечиктирмай тақдим этадилар.

1-Қурилш шакли – Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисобот йиллик, чораклик ва ойлик турларга бўлинади ва юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари, қурилиш хўжалик бошқарувини қўшган ҳолда (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари, нотижорат корхоналар ва чет эл инвестициялри иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларидан ташқари) тақдим этадилар.

1-ЧС шакли – Жисмоний шахслар томонидан объектлар қурилиши тўғрисидаги ҳисобот. Бу шакл кварталда бир марта якка тартибда уй-жой ва нотурар жой объектлари қурилиш мониторинги билан шуғулланувчи шаҳар (туман) ҳокимятларининг ташкилий тузилмалари ўз жойидаги туман, шаҳар статистика бўлимига тақдим этилади. Ушбу ҳисоботнинг иловаси ҳам мавжуд – Якка тартибда қурилган турар жойларни ишга тушириш тўғрисидаги ҳисобот. Бу илова йилда бир марта тузилади ва шаҳар (туман) ҳокимиятлари ҳузуридаги ширкат ва якка тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бўлимлари томонидан тақдим этилади.

Инвестиция бозорини ўрганишда давлат статистика ҳисоботлари, маълумотлари билан бир қаторда статистика кузатувлари маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилади. Кузатувлар асосан сўровнома шаклида ташкил этилади. Масалан, 1-ТЖ сўровномаси – Фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойни танлама кузатув сўровномаси (чораклик) ва бошқалар.

Инвестициялар бозори ҳақидаги маълумотларни юқорида келтирилган статистик ҳисоботлардан ташқари яна инвестицияни бошқарувчи органларнинг ички ҳисоботларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидан (www.stat.uz) ва чоп этиладиган статистик тўпламлардан (улар очиқ сотилади), турли саналарга бағишлаб чоп этилган албом-каталоглардан, журнал ва газеталардан олиш мумкин.

VII БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

7.1. Қимматли қоғозлар тушунчаси, турлари ва статистикасининг вазифалари

Қимматли қоғозлар деганда корхона ва ташкилотларнинг (мулк туридан қатъий назар) мол-мулкида ва шу мол-мулкдан олинадиган даромадда қимматли қоғозлар эгасининг хиссаси борлигини тасдиқловчи юридик хужжат тушунилади.

Қимматли қоғозлар қачон пайдо бўлган деган саволга, қўшимча молиявий маблағларга эҳтиёж туғилган кундан бошлаб, деб жавоб бериш мумкин. (Европа XVII аср).

Бу муаммони тарихига назар ташланса, ишбилармонлар молиявий маблағни етишмаслиги муаммосини ссуда, кредит, қарз олиш билан бир қаторда қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали ечиш йўлини топганлар.

Қимматли қоғозларни чиқариш эмиссия, уларни чиқарувчилар - эмитентлар дейилади. Акциядорлик жамияти, банк, давлат, инвестицион компания ёки фонд, маҳаллий органлар ва бошқа юридик шахслар эмитент бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори бирламчи ва иккиламчи бозорларга бўлинади.

Бирламчи бозорда қимматли қоғозлар уларни чиқарувчилар (эмитентлар) томонидан сотилади, иккиламчи бозорда эса фонд биржалари орқали. Бу бозорда қимматли қоғозни таклиф қилувчи қарздор, сотиб олувчилар эса кредиторлар деб аталади. Маълум бир миқдорда даромад олиш учун ўз пулларига қимматли қоғозларни сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар инвесторлар деб аталади.

Жаҳон амалиётида молиявий воситачиларнинг банк ва нобанк характерига қараб қимматли қоғозлар бозори 3 моделга бўлинади:

1. Нобанкли модел, бу асосан АҚШга тааллуқли;
2. Банк модели, бу асосан Германияга тааллуқли;
3. Аралаш модел, бу асосан Япония, Россия ва Беларуссияга тааллуқли.

Жисмоний шахслар индивидуал инвесторлар дейилса, молиявий ташкилотлар, пенсия фонди, инвестицион компания ва фондлар, банклар, суғурта жамиятлари эса институал инвесторлар деб юритилади.

Дастлаб қимматли қоғозлар кўчада ва кафеларда сотилган. Шунинг учун ҳам айрим адабиётларда қимматли қоғозлар бозорини "кўча бозори" деб аташади. "Кўча бозори" савдоси ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган, бу иш ҳозирги кунда фақат телефон ва интернет орқали бажарилади. Қимматли қоғозлар бозорида сотувчи билан сотиб олувчи шахсни учраштирувчи шахс - брокер (уни биржа маклери, комиссионер, куртье, стек-брокер деб аташади) номини олган.

Жаҳон иқтисодиётида саноат тўнтариши натижасида йирик корхона ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши билан қимматли қоғозлар бўйича ташкилий бозорлар пайдо бўла бошлайди, яъни фонд биржалари. Биринчи фонд биржаси 1773 йилда Лондонда пайдо бўлди. У дастлаб қиролликнинг пул алмаштириш муассасаси (банки) биносининг бир қисмида ижарага жойлашди. 1791 йилда Филадельфия шаҳрида АҚШда биринчи фонд биржаси ташкил этилди. 1792 йилда эса Нью-Йорк фонд биржаси ташкил этилган.

Ҳозирги кунда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларида 200 га яқин фонд

биржалари мавжуд. Шундан 15 таси Шимолий Америкада (АҚШ ва Канада мамлакатларида), 100 дан ортиғи -Европада, 20 таси Жанубий Америкада, қолганлари Осиёда, Австралияда, Африкада. Шуни таъкидлаш лозимки, 30 дан ортиқ биржалар Парижда жойлашган фонд биржаларининг Халқаро Федерациясига (ФБХБ) аъзо. Бу ташкилотнинг ҳар йили бир марта ўтказиладиган йиғилишида биржа иши бўйича қонунлар тузиш ва чиқариш, қимматли қоғозларни сотишни тартибга солиш, иқтисодий сиёсатнинг фонд бозорларига таъсири, биржалар ишининг техникаси ва технологияси масалалари кўриб чиқилади ва мувофиқлаштирилади.

"Тошкент" биржаси - Ўзбекистонда ягона фонд биржасидир. У Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1994 йил 8 апрель куни ёпиқ турдаги акционер жамияти сифатида рўйхатдан ўтган. У ўзининг бир қанча минтақалараро шахобчаларига эга.

Қизиғи шундаки, хозирги кунгача биржа сўзи қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Бир қанча тахминлар мавжуд. Бир тахмин бўйича биржа сўзи янги лотин сўзи "birsa" - "чарм ҳамён" маъносини, инглиз тилидаги икки сўзни ("exchange" ва "stock") негизида фонд биржаси пайдо бўлган. Иккинчи тахминга биноан, бу сўз Бельгиянинг Брюге шаҳрида яшовчи жуда бой савдогар голланд Ван Дер Бурсе номи билан боғланади. У савдогар гербида учта ҳамён тасвирланган ва унинг ҳовлиси жуда қулай майдонда жойлашган экан ва у ерда кишилар ҳар куни пул алмаштиришга тўпланганлар. Ван Дер Бурсе кейинчалик ўз ҳовлисини савдогарларга топширади ва охир оқибатда бу ҳовли биринчи биржа биносига айланади.

Ҳозирги кунда фонд биржаси деганда тижорат воситачиларнинг ташкилий бирлашмаси, қимматли қоғозлар савдо қилинадиган жой тушунилади.

Биржа қуйидаги функцияларни бажаради: а) қимматли қоғозлар бозорини профессионал қатнашчилари томонидан қимматли қоғозларнинг сотилиши бўйича шароитни таъминлаш; б) қимматли қоғозлар курсини аниқлаш; в) махсус бюллетенларда курсларни чоп қилиш; г) қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг фаолиятини бошқариш; д) кам самарали тармоқлардан юқори самарали тармоқларга капиталнинг ўтиш механизмини таъминлаш.

Қимматли қоғозларни ўрганишда уларни бир қанча белгилари бўйича таснифлашади: 1) эмитентлар бўйича; 2) даромад тўлаш усули бўйича; 3) уларни сотиб олишда зарар кўриш риски даражаси бўйича; 4) қимматли қоғозларни турлари бўйича; 5) мазмуни бўйича; 6) айланиш муддати бўйича; 7) фойдаланиш типлари бўйича.

Қимматли қоғозлар эмитентлар бўйича: давлат, шахсий ва халқаро; уларни сотиб олишда зарар кўриш риски бўйича: хавфсиз (давлатники) ва хавфли (рискли); даромад тўлаш бўйича: қайд қилинган (облигациялар) ва ўзгарувчи (сузувчи) даромадли қимматли қоғозлар; турлари бўйича: асосий (акция, облигация) ва хосилавий (векселлар, фьючерслар, опционлар, чеклар ва ҳ.к.); муддати бўйича: муддатли (облигация ва бошқалар) ва муддатсиз (акциялар); фойдаланиш тури бўйича: инвестицион (акция, облигация ва бошқалар) ва ноинвестицион турларга бўлинади.

Қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари маълум: акциялар, облигациялар,

векселлар, хазина мажбуриятлари, банк сертификатлари, ҳосилавий ва халқаро қимматли қоғозлар.

АКЦИЯ - бу акционерлик жамиятининг мол-мулкида ва оладиган фойдасида акция эгасининг хиссаси борлигини тасдиқловчи расмий юридик хужжат. Акция оддий ва имтиёзли турларга бўлинади. Улар бир-биридан қуйидагича фарқ қилади. Оддий акцияда олинадиган дивиденд суммаси олинган фойда ҳажмига қараб ҳар хил бўлади. Унинг миқдори ҳеч ким томонидан қатъий кафолатланмайди, аммо оддий акция эгаси акционерлик жамияти йиғинида овозга эга, унга жамият ишини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи берилади. Оддий акцияларнинг эгалари бошқа қимматли қоғозларга нисбатан кўпроқ масъулиятни ўз зиммаларига олганликлари туфайли, ана шундай акциялар учун олинадиган дивидендлар миқдори юқорироқ қилиб белгиланади. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, оддий акция эгалари умуман дивиденд олмасликлари ҳам мумкин.

Имтиёзли (преференциал ёки префакция) акция шундай акцияки, у бўйича бериладиган дивиденд суммаси (нормаси) фойда ҳажмига боғлиқ эмас, давлат заёмлари каби, олдиндан белгиланган қатъий фоизларда берилади. Агарда, маълум бир объектив сабабларга кўра, жорий йил учун дивидендлар тўланмаса, у ҳолда акция эгасига келажакда бу сумма тўланишига кафолат берилади. Аммо имтиёзли акция эгалари акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Имтиёзли акциялар қоидага кўра акционер жамияти устав фондининг 10 фоизидан ортиқ чиқарилиши мумкин эмас. Улар турли кўринишларда чиқарилиши мумкин: чақириб олувчи акциялар; комулятив акциялар; ретректив акциялар; конверсияланувчи акциялар; сузувчи ёки ўзгарувчан курсли акциялар; ордерли акциялар.

ОБЛИГАЦИЯ деб, олинган қарзни тасдиқловчи ва қарзни маълум бир муддатдан кейин қатъий белгиланган фоиз билан қайтариб бериш мажбурияти кўрсатилган қимматли қоғозга айтилади. Шундай қилиб, облигация тасдиқлайди ва ишонтиради: 1) эмитентни қимматли қоғоз эгасидан пул маблағ олганлигини; 2) маълум бир муддатдан кейин эмитент олган қарзини қайтариб бериши мажбуриятини; 3) инвесторни маълум бир муддатдан кейин берган қарзи учун облигациянинг номинал қиймати бўйича микофот олишини.

Облигациянинг акциядан анча фарқи бор. Биринчидан, олинадиган дивиденд бўйича. Акциялар бўйича бериладиган дивиденд катта тафовутга эга ёки айрим сабабларга кўра умуман берилмаслиги мумкин, облигациялар бўйича бериладиган фоизлар ўзгармас бўлади, ўзгарган тақдирда ҳам жуда сезиларли даражада эмас. Шунинг учун ҳам облигацияларни белгиланган ёки қатъий даромадли қимматли қоғозлар деб ҳам аташади. Давлат облигациясига эга бўлган америкалик фуқаро 7-8 фоиз (йиллик), канадалик - 9-11 фоиз, австралиялик -15 фоизгача даромад олади. Облигациялар бўйича фоизлар эмитентларни оладиган фойдаси ва молиявий ахволидан қатъий назар ҳар йил бир марта тўланади. Ундан ташқари, агарда маълум бир сабабларга кўра облигация чиқарган жамият тугатилса, облигация эгалари тақсимланадиган фойда ва активларга тегишли равишда даъвогар ҳисобланади.

Яна бир фарқи акцияларнинг даромад келтириш вақти чекланмаган, облигациялар бўйича эса чекланган, чунки облигациялар асосан бир муддатга

чиқарилади. Асосий фарқи, акция эгалари мулкдорга айланади, облигация эгалар эса фақатгина кредитор мақомини олади холос.

Акция ва облигациялар бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан, улар ўзаро узвий боғлиқ қимматли қоғозлардир. Иккаласининг ҳам мақсади ягона – бирон-бир манфаатли лойиҳани амалга ошириш учун пул маблағини тўплаш.

Акционерлик жамиятлари акция билан бирга облигациялар чиқариш ҳуқуқига ҳам эга. Улар ўзаро алмаштирилиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан облигациялар конвертация қилинадиган ва алмаштириладиган облигацияларга бўлинади. Конвертация қилинадиган облигациялар шу компаниянинг акцияларига алмаштирилиши, алмаштириладиган облигациялар бошқа компанияларнинг акцияларига алмаштирилиши мумкин.

Облигацияларнинг яна бир қанча турлари мавжуд: давлат (энг ишончли ва риск деярли нолга тенг); маҳаллий; компания ёки фирма; чет эл; қисқа ва узоқ муддатли; исмли ва тақдим этувчига тегишли; чоп қилинган ва қилинмаган; ўзгармас ва ўзгарувчан фоизли (ёки фоизсиз); таъминланган ва таъминланмаган ва бошқа облигацияларга бўлинади.

ВЕКСЕЛЬ - бу олинган қарзни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти қатъий юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдирилиб расмийлаштирилган қарздорлик тилхатидир.

Илк бор вексель қадимги Грецияда пайдо бўлган. Кейинчалик XII аср ўрталарида вексель муомаласи Италияда кенг тарқалади. 1930 йилга келиб векселларни тартибга солиш мақсадида халқаро битим "Ягона вексель ҳуқуқи" имзоланади. Бу битимга 25 мамлакат қўшилади. Собиқ шўро худудида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида вексель муомаласи кенг ривожланганлиги халқимизга яхши таниш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 2 июнда "Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида"ги қарорни қабул қилди. Бу қарорда векселлардан халқ хўжалигида фойдаланишга ўтиш бир неча босқичда амалга оширилиши, дастлабки босқичда кўпроқ тижорат банкларининг векселларидан кенг фойдаланиш, муомалага чиқарилган ҳар бир вексель олдиндан эмитентнинг тўлов қобилиятини аниқлаб, банклар томонидан рўйхатдан ўтказилиши қайд этилган. Шу қарор асосида республикада вексел иши 1995-1997 йилларда анча ривожланди ва кўзлаган натижага эришилмаганлиги муносабати билан бу иш аста-секин ўз моҳияти ва аҳамияти йўқотди.

Векселлар қуйидаги турларга бўлинади: давлат (яъни хазина); хусусий (яъни шахсий); молиявий; тижорат (товар); оддий ва ўтказма (тратта) векселлар.

Булар ичида энг кенг тарқалгани оддий (соло) ва ўтказма (тратта) векселларидир.

Оддий (ёки "соло-вексель") вексель берувчининг (қарздорнинг) белгиланган муддатда ва жойда вексель олувчига (ушловчига) пул маблағни тўлаш мажбуриятини ўзида акс эттирган ёзма хужжатдир. Биринчи вексел ушловчи иккинчи шахсга вексель бўйича пулни олиш ҳуқуқини бериши мумкин. Масалан, мен товар ёки хизмат сотиб олиб пул ўрнига вексель беришим мумкин. Бунинг учун мен векселни орқа томонига ўтказиш ёзувини ёзаман. Бу ёзув индоссамент деб аталади. Агарда бу ёзувни қўшимча варақка ёзиб ва тасдиқлаб берилса -

алонже дейилади. Векселни ўтказувчи шахс индоссант, олувчи шахс - индоссат номини олади.

Оддий вексель индоссамент ёрдамида бир неча маротаба қўлдан қўлга ўтиши мумкин, бунда вексел бўйича жавобгарлик барча иштирокчилар учун бир хил бўлади. Вексель ўз вақтида тўланмаса, норозилик вексель берувчига билдирилади.

Ўтказма вексель (тратта) вексель берувчининг тўловчига пул белгиланган муддатда ва жойда вексель ушловчига ёки унинг буйруғи билан бошқа шахсга сўзсиз тўлаш тўғрисидаги ёзма ҳужжатдир.

Бу ерда вексель берувчи трассант, тўловчи - трассат номи билан аталади, вексель берувчи қандайдир шахсга тўлаб беришни юклайди ва ўзи тўлов кафолатига айланади. Шунинг учун ҳам, трассатда трассантнинг векселда кўрсатилган суммадан кўпроқ шахсий моддий қийматлари бўлиши керак.

Трассатни ўз вақтида тўлаши учун вексель ушловчи ўз вақтида акцептга хужжат топшириши шарт. Агарда трассат тўловни (акцептни) қабул қилмаса, унда пулни трассант тўлайди.

Амалиётда векселнинг ишончлилигини таъминлаш учун акцептлашдан ташқари, вексел берувчининг кафиллигини олиши мавжуд. Бу ишни аваллаш дейилади. Авалчи (одатда банк) векселни авалласа, бу дегани агар тўловчи векселни тўлай олмаса, қарз авилист томонидан қопланади.

Яна бир қоида. Муомалада вексел бир неча нусха бўлиши мумкин. Ўтказма векселнинг биринчи экземпляри (прима деб аталади) трассатга юборилади, иккинчиси (секунда деб аталади) муомалага чиқарилади. Ҳар бир экземпляр ўз номерига эга бўлади ва ҳар бири қўл қўйиш билан тасдиқланилади. Лекин фақат бир экземпляр вексел акцептланади.

ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ. Қарз фақатгина фуқаролар, корхоналар, компания ва фирмалар, давлатлар ўртасида бўлмасдан, балки аҳоли ва давлат ўртасида ҳам бўлади. Айрим пайтларда давлат бюджетнинг кассавий режаларини бажарилишини таъминлаш, бюджет дефицитини камайтириш ва мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ўз аҳолисидан қарз олади ва қарздорлигини тасдиқловчи хужжат беради. Бу хужжат хазина мажбурияти деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг хазина мажбуриятлари мижозларнинг давлат бюджетига ўз пул маблағларини берганликларини тасдиқловчи, мазкур қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи расмий хужжатдир.

Хазина мажбуриятларининг қисқа ва узоқ муддатли хазина векселлари, облигациялари, молиявий мажбуриятлари ва бошқа турлари мавжуд.

БАНК СЕРТИФИКАТЛАРИ - бу омонат қўйилганлиги тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг белгиланган муддат тўлгандан сўнг омонат суммасини ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк, яъни эмитент берган гувоҳномасидир.

Банк сертификатлари икки турда бўлади; депозит ва жамғарма сертификати. Улар: шаклий кўриниши бўйича: нақд пул ва пулсиз кўринишадаги сертификатларга; қарз муддати бўйича: муддатли ва муддатсиз сертификатларга; қайд қилиниш усули бўйича: цессия (эгасини исми ёзилган) ва цессиясиз

сертификатларга бўлинади.

Қимматли қоғозлар бозорида омонатчиларни ёки уларни ворисларини бенефициарлар деб аташади.

ҲОСИЛАВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ чиқариш ва уларнинг муомаласи қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссиялари белгилайди. Улар қуйидаги турларда бўлиши мумкин: опцион, фьючерс, депозит тилхатлари, варрант, приватизация чеклари ва купонлари.

ОПЦИОН деб икки томонлама тасдиқланган, контрактда келишилган баҳода ва муддатда активларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқини олишга айтилади. У билан савдо қилиш хавф-хатарни анча камайтиради. Актив эгаси, уни сотиш опционини олиши билан активни бозор қийматининг пасайишидан ўзини кафолатлайди, инвестор эса тескариси.

Опционни қуйидаги турлари мавжуд: опцион Call (сотиб олиш); опцион Put (сотиш); опцион Stellage (қўшма); Европача ва Америкача.

Европача усулда опционнинг бажарилишига фақат келишилган вақтда (кунда) рухсат берилади, Америкача усулда - белгиланган муддат ичида, исталган вақтда бажарилиши мумкин.

Опцион бозорида қатнашиш учун қуйидаги тушунчаларни - ЛОТ, СТРИНГ, МУКОФОТ - билиш талаб қилинади. ЛОТ- бу сотувга қўйилган бир хил турдаги активлар партияси. Бир неча лотлар тўплами стринг дейилади. Мукофот - контрактнинг опцион баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда контракт эгаси (яъни, сотиб олувчи) сотувчига (яъни контрактни ёзиб берувчига) комиссия тўлайди. Комиссия суммаси мукофот дейилади.

ФЬЮЧЕРС деганда, товарларни ёки қимматли қоғозларни (молиявий фьючерслар) белгиланган муддатда, контракт имзоланган кунда ўрнатилган нарх бўйича, келишилган вақтда ва жойда сотиш ва сотиб олиш мажбурияти томонлар зиммасига юклатилганлигини тасдиқловчи хужжат тушунилади. Унинг опциондан фарқи шундаки, у шартнома эмас, балки қатъий мажбуриятдир.

ВАРРАНТ деганда шахсларга қимматли қоғозларни маълум бир нархларда сотиб олиш учун берилган сертификат тушинилади ёки бу сўзни тилхат сифатида ҳам ишлатишади. Масалан, сиз ўз товарингизни бировнинг омборида сақласангиз, омбор мудири, ҳақиқатдан ҳам сизнинг товарингиз омборда сақланаяпти деб хужжат беради. Шу тилхатни (бизнинг тилимизда бу ҳужжат омбор маълумотномаси дейилади) чет элда варрант деб аташади.

Умуман олганда, фикримизча, варрантни, депозит тилхатларини, приватизация чеклари ва купонларини қимматли қоғоз деб аталиши нотўғри бўлмаса ҳам, ўта шартлидир.

Қимматли қоғозлар бозори статистикасининг предмети – статистик методлар ёрдамида қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва муомаласи самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш, объекти – шу бозордаги операция ва битимлардир.

Қимматли қоғозлар статистикаси олдида қимматли қоғозлар бўйича статистик кузатиш ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва такоммиллаштириш, қимматли қоғозлар жойланиши ва муомаласи ҳақида маълумотлар тўплаш,

қимматли қоғозларни статистик кўрсаткичлари системасини яратиш ва бу система ёрдамида қимматли қоғозлар бозоридаги мавжуд қонуниятларни аниқлаш ва баҳолаш вазифалари туради.

7.2. Қимматли қоғозлар статистикаси кўрсаткичлари

Қимматли қоғозлар статистикаси кўрсаткичлари тизими қимматли қоғозлар бозори ҳажми, муомаласи, даромадлилиги ва умумлаштирувчи кўрсаткичлардан ташкил топади.

Бозор хажмини характерловчи кўрсаткичларга қўшилади:

1. Фонд биржалари сони. Бу кўрсаткич мамлакат бўйича ҳисобланади ва аниқ пайтга бўлган биржалар сонини характерлайди.
2. Листингга киритилган эмитентлар сони. Бу кўрсаткич ҳар бир биржа бўйича ҳисобланади, чунки ҳар бир биржанинг эмитентларни листингга киритиш талаби ҳар хил.
3. Чиқарилган қимматли қоғозлар сони – жами ва шу жумладан қимматли қоғозларнинг турлари бўйича.
4. Чиқарилган қимматли қоғозлар қиймати. Бу кўрсаткич қимматли қоғозларнинг номинал қиймати (P_H) уларнинг сонига (N) кўпайтириш билан аниқланади.
5. Қимматли қоғозларнинг турлари ва эмитентлар бўйича таркиби.
6. Жойлаштирилган қимматли қоғозлар сони, қиймати ва турли кесимлардаги таркиби.
7. Қимматли қоғозларни бирламчи сотишдан олинган маблағ – бу кўрсаткич инвесторни ҳақиқий сотиб олиш баҳоси сотиб олган қимматли қоғозлар қиймати характерлайди.
8. Қимматли қоғозлар бозоридаги таклиф ва талабни ҳажми, миқдори ва таркиби.
9. Талабни таклиф билан қондирилиши кўрсаткичи. Бу кўрсаткич таклифни (миқдор ва қиймат) талабга бўлиш билан аниқланади.
10. Қимматли қоғозлар бозорини капитализацияси – бу муомалада бўлган қимматли қоғозлар сонини уларни бозор қийматига кўпайтмаси.
11. Тузилган биржа битимлари сони ва сотилган қимматли қоғозлар миқдори (натурал кўрсаткичларда, дона).
12. Қимматли қоғозларни сотиш бўйича оборот – бу биржа битимларида кўрсатилган суммалар йиғиндиси.
13. Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражаси кўрсаткичи – биржа оборотн ҳажмини ялпи ички махсулотга ёки давлат бюджети даромадларига нисбати билан ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорини статистик таҳлилида баҳоли қиймат кўрсаткичлари муҳим рол ўйнайди. Уларга қимматли қоғозларни номинал таклиф, талаб, бозор, ўртача, интегралашган баҳолари киради. Номинал баҳо одатда эмитент томонидан аниқланади. Масалан, акция бўйича устав фондини чиқарилган акциялар сонига нисбати билан аниқланади, таклиф қилинадиган баҳо сотувчилар таклифларида келтирилади, талаб баҳоси эса одатда сотиб олиш аризаларида келтирилади. Кўрсатилган талаб ва таклиф баҳоларда ҳеч қачон битим тузилмайди,

чунки улар мўлжал вазифасини бажаради.

Булардан ташқари бирламчи бозор баҳоси (ёки эмиссион баҳо) мавжуд. Бу баҳо жойлаштириш баҳоси деб ҳам юритилади. Қимматли қоғозлар бозорида қирқиш, андеррайтер, сотиб олиш гуруҳи, қоплаш, очиш ва ёпиш баҳолари ҳам учрайди.

Қирқиш баҳосида (ёки голландча аукцион) эмитент энг паст баҳоларни ўрнатади ва у бўйича ўзига керак хажмда қарзли қимматли қоғозлар жойлаштирилади. Бу схема одатда давлат қимматли қоғозлар бозорида қўлланилади. Андеррайтер баҳоси билан андеррайтер қимматли қоғозлари жойлаштирилади. Қоплаш баҳоси облигацияларда қўлланилади. Агарда облигация белгиланган муддатда қопланса қоплаш баҳоси номинал баҳога тенг бўлади. Қимматли қоғозларда фонд бозорларини очиш ва ёпиш баҳолари устидан ҳам кузатиш амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозор баҳоси (қимматли қоғозларнинг курс қиймати ҳам дейилади) билан сотилади ва сотиб олинади. Бозор баҳоси талаб ва таклифга боғлиқ. Талаб юқори бўлса бозор баҳоси ошиб бораверади. Талабнинг ўзгариши қимматли қоғозлар бўйича тўланадиган даромадга, эмитентнинг истиқболи ва обрўйига, реклама сифати ва ҳ.к.ларга боғлиқ.

Статистикада даврлар учун ўртача баҳо қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\overline{P} = \frac{\sum p_i q_i}{\sum q_i}$$

бу ерда p_i – i кун учун қимматли қоғоз баҳоси; q_i – i кун учун битим хажми (сотилган дона ёки минг дона).

Маълумки давлат облигациялари партиялар билан чиқарилади. Бундай пайтда ҳар бир партия учун ўртача баҳо аниқланади:

$$\overline{P_i} = \frac{\sum p_i q_i}{\sum q_i}$$

бу ерда p_i – i битим баҳоси; q_i – i битим хажми (облигациялар сони).

Мисол. Бир партия чиқарилган (номинал қиймати 5000 сўм) облигациялар 3 та битимда сотилди. Биринчи битимда 5500 сўм билан 10000 дона сотилган. Иккинчи битимда – 4500 ва 15000; учунчи битимда – 6000 ва 20000.

Ўртача тортилган баҳо тенг:

$$\overline{P} = \frac{5500 \cdot 10000 + 4500 \cdot 15000 + 6000 \cdot 20000}{10000 + 15000 + 20000} = 5388{,}9 \text{ сўм.}$$

Агарда давлат қимматли қоғозлари бир неча марта чиқарилса, интеграллашган ўртача баҳо ҳисобланилади:

$$\overline{P}_{И} = \frac{\sum \overline{P}_i Q_i}{\sum Q_i}$$

бу ерда $\overline{P}_i$ – i партияда чиқарилган қимматли қоғозларнинг ўртача баҳоси; Q_i – i партияда чиқарилган қимматли қоғозлар хажми (доналарда).

Қимматли қоғозларга бўлган баҳоларнинг ўзгариб туриши муносабати билан баҳонинг барқарорлигини ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади. Баҳонинг барқарорлиги қуйидагича ҳисобланади:

Баҳонинг барқарорлиги = 100 – вариация коэффициенти.

Вариация коэффициенти тенг: $V = \frac{\sigma \cdot 100}{\overline{P}}$. Бу ердан $\sigma^2 = \sqrt{\frac{\sum (p_i - \overline{p})^2 q_i}{\sum q_i}}$

бу ерда V – вариация коэффициенти; σ^2 – ўртача квадратик четланиш; P_i – i кун учун котировка баҳоси; $\overline{P}$ – ўртача ойлик баҳо; q_i – i битим миқдори.

Бозор хажми кўрсаткичлари, унинг сифатини характерловчи кўрсаткичлар билан тўлдирилади. Қимматли қоғозлар бозори сифати кўрсаткичларига қуйидагилар киради: бозорнинг баҳоланиши, қимматли қоғозларнинг обороти; давлат қимматли қоғозларига ҳизмат кўрсатиш сарфларини давлат бюджети харажатлари ва ялпи ички махсулотдаги ҳиссаси.

Бозорнинг баҳоланиши (P/E – Price / Earnings) – биржа капитализацияси суммасини умумий фойда суммасига нисбати билан ҳисобланади, қимматли қоғозларни обороти эса – даврдаги амалга ошган битимлар хажмини биржа капитализацияси суммасига нисбати билан.

Ва ниҳоят, қимматли қоғозлар бозори корхоналари кўрсаткичлар, яъни фонд биржалари кўрсаткичлари. Фонд биржасининг кўрсаткичлари биржа капиталини, персоналини, даромад ва харажатларини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлинади. Масалан, биржа даромадларини олсак, улар қуйидагилардан ташкил топади: фонд биржаси ҳизмати бўйича тушумлар; трейдинг учун тўловлар; листинг учун тўловлар ва бошқалар.

Қимматли қоғозлар бозоридаги жараёнларни ўрганишда ва баҳолашда, қимматли қоғозларнинг чиқарилши, жойлаштирилиши, муомаласи, даромади ва даромадлилиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Статистикада бу кўрсаткичлар фақат статикада ўрганилмасдан, балки динамикада ҳам ўрганилади.

Қимматли қоғозларни чиқарилиши (ҳар бир эмитент бўйича алоҳида) маълум бир пайтга чиқарилган қимматли қоғозлари сони ва суммаси (қиймати) билан характерланади.

Қимматли қоғозларни жойлаштириш деганда биз уларни биринчи бозорини, яъни илк бор сотилишини тушунамиз. Маълумки, қимматли қоғозларни илк бор сотиш билан асосан эмитентлар ва воситачилар шуғулланишади. Статистик ҳисоботларда илк бор сотилган қоғозларни сони ва суммаси тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Маълумки, қимматли қоғозлар бир неча бор сотилиши мумкин. Уларнинг сотилиши ва қайта сотилиши иккинчи бозор, яъни фонд бозорида амалга оширилади. Қимматли қоғоз биржада сотилиши учун, олдин котировка варақасига (листинг) киритилиши керак.

Ҳар қандай қимматли қоғоз ҳам листингга киритилавермайди. Листингга киритилиш шартлари мавжуд. Масалан, Нью-Йорк фонд биржасига киритилиши учун акция қуйидаги талабларга жавоб бериш керак. Компания акциясининг балансдаги қиймати 18 млн.доллардан кам бўлмаслиги; компанияни фойдаси кейинги 3 йилдан 2 млн.долл. кам бўлмаслиги; 100 ва ундан ортиқ акцияга эга

бўлган 2000 акционери бўлиши; очиқ савдога камида 1100000 дона акция чиқарган бўлиши; уларнинг ойлик обороти 100000 донадан ошиши.

Россияда бу талаб пастроқ. Масалан, МЦФБнинг икки талаби мавжуд: эмитентнинг капитали (соф активлари) суммаси 50 млн. руб. кам бўлмаса (тижорат банклари учун); 100 млн. руб. - бошқа эмитентлар учун. Қимматли қоғозлар сони, тегишли равишда 2500 ва 5000 дона. Булардан ташқари эмитентлар МЦФБга: эмиссия лойиҳаси; молиявий ҳисобот; эълон қилинган ва тўланган дивидендлар ҳажми маълумотларини топширишлари керак.

Қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисидаги маълумотлар ҳисоботларда маълум бир даврга берилади. Уларга: сотилган ва сотиб олинган қимматли қоғозлар сони; сотилган ва сотиб олинган қимматли қоғозлар суммаси ва бошқалар киради. Бундай маълумотлар эмитентлар ва қимматли қоғозларнинг турлари бўйича алоҳида берилади.

Фоизлар, дивидендлар ва купондан олинган даромад ҳисобланилади.

Мутлоқ даромад суммаси акция бўйича дивиденд суммасига тенгдир. Дивиденд акциялар сонига пропорционал тақсимланувчи соф фойданинг бир қисми.

Ҳукумат, акционерлик жамиятлари, корхона ва ташкилот облигациялари бўйича белгиланган даромад суммаси уларнинг номинал қийматидан фоиз шакли усулида аниқланади. Бу сумма облигациянинг неча йилга чиқарилганлигига боғлиқ. Муддат тугагандан кейин облигация қайтариб сотиб олиниши керак.

Облигациялар, сертификатлар ва векселлар бўйича даромад суммаси белгиланган фоиз ставкаси, уларнинг номинал қиймати ва улардан фойдаланиш муддатига қараб аниқланади.

Хазина мажбуриятлари ва ҳукумат облигациялари бўйича даромад ҳажми купондан олинадиган фоиз ставкаси ва қимматли қоғознинг ўсган қийматига боғлиқ.

Акция бўйича даромад суммаси дивидендлар ва акциялар сотиб олиш ва сотиш (курс) нархлари фарқининг йиғиндисига тенг.

Дивиденд суммаси ва нормаси қуйидаги формулалар билан аниқланилади:

$$D = \frac{i_q \cdot Pí î ì}{100}; \qquad i_q = \frac{D}{Ðí î ì};$$

Акцияларни сотиб олиш ва сотиш (курс) нархларини фарқидан олинадиган даромад эса:

К=Ркурс - Р сотиб олиш

Акция бўйича жами даромад суммаси дивидендлар ва акция сотиб олиш ва сотиш нархининг фарқи йиғиндисига тенг.

Ж.Д=Д+ΔК

бу ерда: Д - дивиденд суммаси; i_q - йиллик дивиденд ставкаси (% ҳисобида); *Рном* - акциянинг номинал баҳоси; *Ркурс.* - акциянинг сотиш баҳоси; *Рсотиб* олиш - акцияни сотиб олиш баҳоси; *АК* - сотиш билан сотиб олиш баҳоларининг фарқи; Ж.Д. - жами даромад.

Мисол. Номинал қиймати 1000 сўмга тенг бўлган акция сотиб олинган. Йиллик дивиденд ставкаси 40%. Бир йилдан кейин акция курси 5% пасайди ва акция сотилди. Жами даромад ва даромадлилик даражаси аниқлансин.

1. Дивиденд суммаси:

$$D = \frac{i_q \cdot P_{ном}}{100} = \frac{40 \cdot 1000}{100} = 400 \text{ сўм}$$

2. Акция сотиш ва сотиб олиш фарқи:

Дк = (Ркурс. *x* $i_р$) - Рсотиб олиш = 1000 *x* 0,95-1000 = -50 сўм.

3. Жами даромад:

Ж.Д. = Д + Δк = 400 - 50 = 350 сўм.

4. Даромадлилик даражаси:

$$i_{ж.д.} = \frac{350 \cdot 1000}{100} = \frac{35000}{100} = 35\%$$

Демак, акция эгаси (инвестор) ҳар бир сўм қилган харажатига (қўйилмасига) 35 тийиндан даромад олган.

Облигациялар бўйича даромад мукофот (купон тўлови), уларни қоплаш ва сотиб олиш баҳолари ўртасидаги фарқ йиғиндисидан ташкил топади.

Мукофот (купон тўлови) мутлоқ суммаси (йиллик) қуйидаги формула билан аниқланилади:

$$Ä_{éèëëèê} = \frac{i_ñ \cdot Pí î ì}{100}$$

Қоплаш ва сотиб олиш баҳолари ўртасидаги фарқ:

ΔК = *Р* ном. - Р сотиб олиш

Жами даромад суммаси:

Ж.Д. = Дйил. + ΔК бу бир йил учун.

Облигацияларнинг умумий муддати учун куйидаги формула қўлланилади:

Ж.Д. = Ж.Дйил. х *n ёки Ж.Д. = Дйил.* х *n + Δк,*

бу ерда: *Дйил.* - мукофотнинг мутлоқ суммаси; i_c - йиллик купон ставкаси; *Рном.* - облигациянинг номинал қиймати; *Δк* - капитални абсолют ўзгариши (йиллик); *n* - йиллар сони.

Мисол. Облигация 1400 (курс баҳоси) сўмдан сотиб олинган ва қоплаш муддатигача (5 йил) ушлаб турилади. Йиллик купон ставкаси 12%, облигация номинал қиймат бўйича қопланади. Облигацияни жами даромадлик даражаси аниқлансин.

1. Йиллик мукофот суммаси:

$$Д_{йиллик} = \frac{12 \times 1000}{100} = 120 \text{ сўм}$$

2. Капиталнинг абсолют ўзгариши: *Δ*К=1000-1400=-400 сўм. Бу ердан бир йиллигини аниқлаш учун: -400 : 5 = -80 сўм.

3. Жами даромад: Ж.Д. = 120 - 80= 40 сўм.

4. Даромадлилик даражаси:

$$ic = \frac{40 \times 100}{1400} = 2{,}86\%$$

Демак, ҳар йили инвестор бир сўмлик капиталига 2,86 тийин даромад олган.

Векселлар бўйича даромадни ҳисоблаш векселнинг эгасига боғлиқ: у векселни қоплаш муддати тўлганга қадар ушлаб туриши мумкин; у векселни бошқа бир шахсга бозор курси бўйича сотиш мумкин; банкга топшириши мумкин ва ҳ.к.

Агарда векселнинг эгаси уни қоплаш муддати тўлганга қадар ушлаб турса, у номиналдан юқори сумма олади:

$$Д = \frac{i_в \cdot Р_Н \cdot n}{365 \text{ ёки } 360}$$

бу ерда: *ів* йил – йиллик фоиз ставкаси: *Рном.* – векселнинг номинал баҳоси; *n* – векселни қўйилишидан қопланишигача бўлган кунлар сони.

Опционлар бўйича даромад суммаси ва даражасини аниқлаш учун, уларни нархлари рўйхатини кўриб чиқайлик.

Амалиётда опционлар қуйидаги нархларда ўлчанади.

1. Опционнинг бажарилиши баҳоси (Рб.). Бу опцион шартномасида келтирилган ва белгиланган активнинг базис баҳосидир.

2. Курс баҳоси (Рк).

3. Опционнинг ички қиймати (Ри). Бу опцион эгаси тузилган контрактни ўша даврда сотиб юборганда оладиган даромад суммаси.

4. Опционнинг ташқи (вақтинчалик) қиймати (Рт)- Бу опционни сотувчиси оладиган мукофот суммаси.

5. Опционнинг тўла қиймати (П). Бу сотиб олувчини сотувчига тўлайдиган суммаси.

Опционнинг тўла қиймати (П) унинг ички ва ташқи қиймати йиғиндисидан иборат:

$$П = Р_и + Р_т$$

Опцион ушловчисининг даромади, опционнинг ички қиймати ва мукофот миқдорига боғлиқ:

$$Д = Д_и - П \text{ бу ердан } Д_и = Рк - Рб$$

бу ерда: Д - даромадни мутлоқ размери; Д*и* - сотиш ва бажариш нархларини фарқи; П - сотиб олувчини сотувчига тўлайдиган мукофот размери. Опционни даромадлилик даражаси қуйидагича ҳисобланилади:

$$i = (Р : П) \times 100$$

7.3. Қимматли қоғозларни умумлаштирувчи кўрсаткичлари

Акциялар сотиш (курс бўйича), ҳақиқий, номинал, эмиссион қийматларда ва ҳақиқий нархларда ифодаланади.

Акцияни номинал қиймати ($Р_н$) эмитентни низомдаги капиталини унинг чиқарган акциялари сонига нисбати билан аниқланилади. Эмиссион қиймати номиналдан паст бўлади. Акционерлик жамиятлари ўз ходимларига чиқарган акцияларини 30 фоизигача чегирма билан сотиш ҳуқуқига эга. Сотиш (бозор) қиймати талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Булардан ташқари акциялар ҳақиқий қийматга эгадирлар. Бу кўрсаткич дивиденд суммасини керакли бўлган фойдалилик даражасига бўлиш орқали аниқланади.

Керакли (минимал) фойдалилик даражаси (КФД) рисксиз фойдалилик даражаси ва риск учун тўлов йиғиндисидан иборат. Биринчи кўрсаткич одатда давлат облигацияларининг фоиз ставкасига тенг деб олинади. Риск даражаси бета миқдори билан баҳоланади. Бу ўзи биржадаги бутун акциялар бўйича фойдалар ва аниқ акция фойдаси ўртасидаги чизиқли боғланиш бурилмасини бурчаги тангенсига тенгдир. Масалан, рисксиз фойда даражаси 20% ташкил қилса, бета миқдори - 1,2; қимматли қоғозларнинг умумбозор ўртача фойдалилик даражаси 35 фоизга тенг дейлик. У вақтда керакли (минимал) фойдалилик даражаси тенг:

КФД =20+1,2 (35 - 20) = 38%

Энди акциянинг ҳақиқий қийматини ҳисоблаш мумкин АҲҚ = Д:КФД. Масалан, дивиденд суммаси 200 сўм, акциянинг жорий бозор қиймати 1000 сўм бўлсин. Бу ердан АҲҚ = 526 (200:0,38) сўм. Кўриниб турибдики, акциянинг ҳақиқий қиймати сотиш қийматидан деярли икки баравар паст. Хулоса - мавжуд акцияларни тезлик билан сотиш керак.

Амалиётда дивидендлар ўсиш ёки пасайиши мумкин. Агарда дивидендларнинг ўсиши мўлжалланса ёки аниқланса АҲҚ қуйидаги формула билан ҳисобланилади.

$$АХК = \frac{Д_o(1+P)}{КФД - P}$$

бу ерда Р - йиллик кўзда тутилган ўсиш суръати. Масалан, аниқ бўлишича келгусида ҳар йил ўртача дивиденд 17 фоизга ортади. Бунда:

$$\text{АХҚ} = \frac{200(1+0{,}17)}{0{,}38-0{,}17} = \frac{200\times 1{,}17}{0{,}21} = \frac{234}{0{,}21} = 1114 \text{ сўм.}$$

Бундай пайта акциялар сотиб олинса мақсадга мувофиқдир. Қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг ҳақиқий нархи (АХН) ҳам аниқланади. АХН аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз

$$\text{ÀÕÍ} = \frac{Д_1}{\text{ÊÔÄ} - Ð} \times \frac{П}{N},$$

бу ерда: $Д_1$ – биринчи йил охирида кутиладиган фойдада дивидендлар хиссаси; П – фойда суммаси; N – акциялар сони.

Фонд биржалари кўрсаткичлари динамикасини ўрганишда индекс методи кенг қўлланилади. Ҳисобланадиган индекслар, амалиётда биржа индекслар деб ном олган. Биржа индексларининг анъанавий индекслардан фарқи, улар фақат динамикани характерлаб қолмасдан, балки ўртача даражаларга ҳам баҳо беради.

Акция баҳолари бўйича анъанавий индекслар қуйидаги формулалар билан ҳисобланади.

Битта акция бўйича

$$i_p = \frac{P_{K_1}}{P_{K_0}}$$

Гуруҳ акциялари бўйича

$$i_p = \frac{\overline{P}_{K_1}}{\overline{P}_{K_0}}$$

Махсус индекслар қуйидаги формула билан

$$\overline{P}_K = \frac{\sum_{j=1}^{N} P_{kj}}{N}$$

бу ерда: P_{K1} ва P_{K0} - турли акцияларнинг ўртача сотиш (курс бўйича) нархи; j - маълум компанияларнинг акциялар сони (номи); P*kj* - j сондаги акцияларни сотиш (курс бўйича) нархи; N -акциялар сони.

Дунёга таниқли Доу-Джонс индекслари ҳаммаси шу формула билан ҳисобланган.

Доу-Джонс индекслари "Уолл Стрит Джорнэл" журналининг редактори Доу номи билан боғлиқ. У киши бу индексни биринчи марта 1897 йилда 12 ҳар турли акцияларни курсини қўшиб, олинган натижани 12 бўлиб ҳисоблаган.

Доу-Джонсни 4та индекси мавжуд: саноат индекси (30 та йирик компания бўйича); транспорт индекси (20 та); коммунал (15 та); комплекс [i -65 (30 + 20 + 15)]. Бу индексларни "Доу Джонс энд компани" компанияси ҳисоблайди ва чоп қилади.

Доу-Джонс индексини қуйидаги шартли маълумотлар асосида ҳисоблаш технологиясини кўриб чиқамиз (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Учта мебель компанияси акцияларининг бозор баҳоси ва сони

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	1-йил	2-йил	3-йил
1. Акциянинг бозор баҳоси, сўм			
Бухоро мебель	2000	2100	1150
Тошкент мебель	1300	1500	1580
Қува мебель	1700	1840	1900
2. Акциялар сони, минг дона			
Бухоро мебель	6	6	12
Тошкент мебель	48	48	48
Қува мебель	72	72	72

Биринчи йил учун акциянинг ўртача баҳоси тенг:

$$\overline{P_1} = \frac{2000 + 1300 + 1700}{3} = 1667 \text{ сўм}$$

$$\overline{P_2} = \frac{2100 + 1500 + 1840}{3} = 1813 \text{ сўм}$$

7.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 3-йилга келиб Бухоро мебель ўз акцияларини иккига бўлди, яъни акциялар сони икки баробарга кўпайди. Ўртача баҳо бу ўзгаришни ҳисобга олиши керак. Шунинг учун ўртачани учинчи йил учун икки вариантда ҳисоблаймиз:

1. Хеч нарса ўзгармаган:

$$\overline{P} = \frac{2 \cdot 1150 + 1580 + 1900}{3} = 1926{,}7 \text{ сўм}$$

2. Акция бўлинди. Бу вариантда ўртача баҳони ҳисоблашдан олдин ўзгарувчи коэффициент – бўлувчи “*Д*” ҳисобланади:

$$D_1 = \frac{\sum P_1}{\sum P_0} \cdot D_0$$

Бизнинг мисолимизда: $\frac{1150+1580+1900}{\mathrm{D}}=1926{,}7$ бу ердан

$$D=(1150+1580+1900):1926{,}7=2{,}4031$$

Уччала компаниядан яна бирортаси акциясини бўлишини эълон қилгунча ўртача биржа баҳоларини ҳисоблашда юқорида ҳисобланган бўлувчидан фойдаланиб турилади. Бу процедура курсларни вақт бўйича таққослаш имкониятини беради.

Демак, ҳисобланган бўлувчидан фойдаланиб, уччала компания бўйича учинчи йил учун акцияни ўртача баҳосини аниқлаш мумкин:

$$P_3=\frac{1150+1580+1900}{2{,}4031}=1926{,}7\ сўм$$

Ҳисобланган ўртача кўрсаткичлар асосида баҳо индексларини ҳисоблаймиз:

$$J=\frac{1813}{1667}=1{,}0876\quad ёки\quad 108{,}76\%$$

$$J=\frac{1926{,}7}{1813}=1{,}0627\quad ёки\quad 106{,}27\%$$

Бу дегани, ўртача биржа баҳолари иккинчи йилда биринчи йилга нисбатан 8,76%га, учинчи йилда икинчи йилга нисбатан 6,27%га ўсган.

Ҳар қандай ўртача арифметик миқдорларга ўхшаб Доу-Джонс индексларини камчилиги энг юқори котировкага эга бўлган ёки қиммат акцияларни умумий ўртача таъсирини ҳисобга олмайди. Бу муаммони қуйидаги формулани қўллаш билан хал қилиш мумкин.

$$\overline{P}_K=\frac{\sum_{j=1}^{k}P_{kj}K_j}{\sum N_j}$$

бу ерда: P_{kj} - битмдаги К компанияни акциясини сотиш баҳоси; $К_j$ - шу курс бўйича сотилган акциялар сони; N_j - j битимдаги сотилган акциялар сони.

Ҳар турли компанияларнинг акциялари баҳосини динамикасини таҳлил қилишда, анъанавий индекслар қўлланилади:

$$Ip=\frac{\sum_{j=1}^{N}P_{klj}N_j}{\sum_{j=1}^{N}P_{k0\,j}N_j}$$

бу ерда: N_j - j номли чиқарилган акциялар сони.

Қимматли қоғозлар амалиётида, бизга маълумки, кўпчилик миллий биржалар, ўз мамлакатлари иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турлича индексларни ҳисоблашади ва чоп қилишади. Улар бизга маълум бўлсада, уларни ҳаммасини бу ерда келтириш ва таҳлил қилиш бу дарсликни вазифасига кирмайди. Бу иш махсус "Биржа статистикаси" дарслигида амалга оширилиши мумкин.

7.4. Қимматли қоғозлар бозори статистикаси маълумот манбалари

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги манбалардан олиш мумкин:

1.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган бухгалтерия ва статистик ҳисоботлар. Уларга қуйидагилар киритилади: 1-сонли шакл-бухгалтерия баланси; 1-биржа шакли ва унинг иловалари. Биржа фаолияти тўғрисидаги ҳисобот (йиллик, кварталлик) 1-биржа шаклини республика товар, фонд, товар-хом ашё,валюта ва биржа фаолиятини юритиш учун лицензияга эга бўлган кўчмас мулк биржаларини яхлит ва ҳудудларга бўлинган ҳолда йиғма ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига тақдим этади.

Биржа фаолияти товарларга бўлган талаб ва таклифлар мувозанати асосида юзага келган нарх шаклланишига ва биржа савдосини ташкил этиш йўли билан биржа савдо бозорини яратишга қаратилган ҳаракатлар мужассамлигидир. Биржалар орқали қимматли қоғозлар, валюта, хом ашё маҳсулотлар ҳамда кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича восита хизматлари амалга оширилади.

Биржадаги битимлар сони ҳаридор ва сотувчи ўртасидаги ҳужжатда расмийлаштирилган олди-сотди шартномалар (актлар) сони.

1-Биржа шаклининг 1-бўлими умумий маълумотларни ўз ичига олади:

- Биржа устав капиталининг йил охиригача бўлган миқдори;
- Биржа аъзоларининг йил охиригача бўлаган сони;
- Биржада ишловчиларнинг (ўриндошларсиз) рўйхат бўйича ўртача миқдори;
- Ўриндошлик бўйича ишлаётганлар сони;
- Биржада рўйхатга олинган брокерлик идораларининг умумий миқдори кўрсатилган ҳолда тўлдирилади;
- Брокерлик идоралари ва фирмаларида ишлайдиган брокерларнинг рўйхат бўйича ўртача миқдори;
- Ўтказилган кимошди савдолари (ауксионлар)нинг умумий сони;
- Амалда мавжуд машғулот бўйича тузилган биржа шартномалари,биржада рўйҳатга олинган барча битимларнинг рўйхатини қўшган ҳолда ва истеъмол ,техник ишлаб чиқариш машғулотлари, ер участкалари, кўчмас мулк, валюта савдоси ва қимматли қоғозларга бўлинади.
- Тузилган фьючерс шартномалари сони, яъни келгусида албатта бажарилиши лозим бўлан товарларни олди ва сотди стандарт шартномалари кўрсатилади; истеъмол товарлар бўйича фьючерс шартномалари; техник-ишлаб чиқариш маҳсулотлари;
- Биржанинг битимлардан фоизлар бўйича олинган умумий даромади;
- Қатнашувчиларнинг бадал суммаси кўрсатилади;

Ҳисоботнинг 2-бўлими биржанинг умумий айланма ҳажми маълумотларини ўз ичига олади:

- Биржанинг умумий айланмаси кўрсатилади.Биржа айланмаси барча тузилган битимларнинг пулдаги ифодаси ва бу айланма амалдаги баҳоларда қўшилган қиймат солиғи билан кўрсатилади.

- 1-устунда тузилган биржа битимларининг ҳажмлари миллий валютада-сўмда кўрсатилади, 2-устунда эса биржада тузилган валюта битимларининг ҳажмлари кўрсатилади.

Ҳисоботнинг 3-бўлимида биржанинг умумий айланма савдо турлари бўйича (импорт, экспорт ва ички савдо) ва маҳсулот турлари бўйича кўрсатиб берилади.

1,4,7 устунларда ҳисоботда кўрсатилган товарлар сотиш бўйича натурал ҳолда ўзига хос ўлчов бирлигида кўрсатилади. 2, 5, 8-устунларда ҳар бир товарнинг минг сўмдаги айланмаси ва 3.6 устунда АҚШ доллари ҳисобида сотилган товарлар кўрсатилади.

Шакл 1-ЦБ – қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳақидаги статистик ҳисобот. Бу ҳисобот эмитентлар томонидан ҳисобот даврининг 25-санасидан кечиктирмай қимматли қоғозлар бозори ишлаши устидан назорат ва координация қилувчи бошқарма тақдим этилади. Ушбу шаклда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

- қимматли қоғозлар турлари (акция, облигация ва ҳ.к.)
- шу партияни жойлаштиришнинг бошланиш санаси;
- қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми (донада ва суммада);
- чиқарилган қимматли қоғознинг (ҳосилавий) тури ва уларнинг ушбу партиядаги сони. Масалан, акциялар бўйича алоҳида келтирилади: аксионерлик жамиятининг чиқарган аксиялари сони: а) оддий номли; б) имтиёзли номли; в) оддий кўрсатувчига; г) имтиёзли кўрсатувчига. Бу бўлимда барча чиқарилган қимматли қоғозлар сонидан ташқари чиқариш санаси, сони, ҳаракат муддати;
- қимматли қоғозларнинг номинал баҳоси (биттасини, сўм);
- ушбу партиядан чиқарилган қимматли қоғозларнинг эмиссияси проспектини махсус нашрида ёки оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши;
- акцияларни тақсимлаш тартиби (давлат, меҳнат коллективи, чет ел инвестори, очиқ савдо, аралаш, юқори ташкилотлар ва бошқалар). Акциялар сони ва улуши берилади;
- қимматли қоғозларни чиқариш шакли (донада). Акциялар барча тақсимлаган объектлар бўйича нақд ва нақдсиз шаклларда келтирилади;
- ҳақиқий сотилган қимматли қоғозлар сони-жами шу жумладан биржада ва нобиржавий бозорда;
- жойлаштирилмаган ва сотилмаган қимматли қоғозлар сони;
- ушбу чиқарилган партиядаги қимматли қоғозларни ўртача сотиш (турига қарамасдан) баҳоси сўмда, барча инвесторлар учун;
- келиб тушган қимматли қоғозлардан сотилган миқдорлар (сўмда) чет эл валютасига, моддий қийматларга, қимматли қоғозларга, бошқа партиялардан конвертация қилинган қимматли қоғозлар ҳисобидан, бошқа манбалар);
- тўланган даромадлар ва қопланган облигациялар;
- жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича дебиторлик қарз суммаси (ҳисоб даврининг охирги санасига);
- эмитент фойдасининг ишлатилиши;
- эмитентга хизмат кўрсатувчи реестр ушловчилар ҳақида;
- депозитариялар ҳақида;

- устав капиталининг ҳаракати ҳақида;
- эмитент фаолиятининг тугатилиши, тўхталиши ёки қайта ташкил этилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

2-ЦБ шакл-қимматли қоғозлар бўйича ҳисобот. Ушбу статистик ҳисобот ҳар йили ҳисобот даври тугагандан сўнг 25-июлда ҚҚБИУНК бошқармасига тақдим этилади. Йиллик ҳисоботда эмитент ҳақида асосий маълумотлар унинг тўлиқ номидан бошлаб бошлаб то олган фойдаси ва ёзган ҳамда тўлаган (кейинги 3 йилда) девидендларгача келтирилади.

Қимматли қоғозлар ҳақида маълумотларни яна 1-шакл – қимматли қоғозлар чиқарилиши қайд қилиш ҳақидаги ҳисобот; 3-шакл-ҳисоботларни тўплаш ҳақида; 3 р.р – шакл эмитентнинг акционерлари реестрини тўплаш ҳақида; ҚҚБФМВНҚ бошқармаси томонидан бошқарув органларига юборадиган солиштирма далолатномаларидан; 13 б – инвестиция институтлари ва АЖларида ўтказилган текширувлар ҳақида ҳисобот; 4-А шакл – ҚҚБФМНҚМ томонидан ўтказилган текширувларни самарадорлиги ҳақида; 1 а-шакл – ишлаб турган АЖлар ҳақида маълумот; 7 е.с-шакл – иқтисодий санкциялар бўйича қарзлар ҳақида; 2.е.с-шакл – ундириб олинган иқтисодий санкциялар ҳақида ҳисобот ва бошқалардан олиш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори ҳақида маълумотларни бухгалтерия, статистик ва идоравий ҳисоботлар билан бир қаторда молиявий органлар ва банклар ҳисоботларидан, қимматли қоғозлар бозорини касбий қатнашчилари ассоцияси нашрларидан (масалан, Финмаркет, АК&М, Прайт-ТАСС, Рейтер, Доу-Джонс Телерейт, Блумберг ва бошқалар) халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар (молиявий корпорация, халқаро ҳисоб-китоблар банки, ХВФ ва бошқалар) статистик нашрларидан ва сайтларидан олиш мумкин.

VIII-БОБ. СУҒУРТА БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

8.1. Суғурта бозори статистикасининг предмети ва вазифалари

Суғурта молиявий фаолиятнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади корхоналар, ташкилотлар ва хусусий шахсларга суғурта риски содир бўлган тақдирда зарарларини ўрнини улар томонидан тўланган пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган суғурта фондидан қоплаш ҳисобланади.

Суғурта риски - кишиларнинг онгли фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда (ҳалокат, йўл фожиаси, авария, сув тошқини, ер қимирлаши, қурғоқчилик, ўлим, кризис ҳамда бошқа табиий ва социал фалокатлар) рўй бериши эҳтимолига ва тасодифига эга бўлган воқеалардир.

Суғуртанинг объектларига қуйидагилар киради:

1) шикастланган мол-мулкдан келган зарарни қоплаш бўйича моддий манфаатлар;

2) шахсий ҳаёт, соғлиқ, меҳнат қобилияти билан боғлиқ бўлган хатарлар;

3) масъулият хатарлари, яъни суғуртачининг қопланмаган қарзлари, маҳсулотни муддатида етказиб бермаслик, учинчи томонга зарар етказилиш ва бошқалар билан боғлиқ бўлган потенциал йўқотишлари.

Объекти бўйича суғурта қуйидаги тармоқларга бўлинади: мулкий, шахсий ва маъсулият суғуртасига. Ўз навбатида суғурта тармоқлари тармоқчаларга ва яна алоҳида турларга бўлинади. Мулкий суғурталашда корхоналар, ташкилотларни мулкчилик шакллари бўйича (давлат, кооператив, акционерлик, якка ҳолдаги ва бошқалар) ажратилади, шу жумладан турлари бўйича -биноларни, қурилмаларни, хом-ашёларни, материалларни, ёқилғини, транспорт воситаларни, уй-хўжалиги мулкларини ва бошқаларни суғурталаш. Шахсий суғурталаш тармоғида - ҳаётни суғурталаш қуйидаги турларга бўлинади: соғлиқни, меҳнат қобилиятини, пенсияларни (ёши бўйича, инвалидлик, бахтсиз ҳодисалардан ва бошқалар) суғурталаш ва бошқаларга.

Маъсулиятни суғурталаш қуйидаги турларга бўлинади: автотранспорт воситалари эгаларининг, юк ташишнинг, тадбиркорлик ва молиявий хатарларнинг ҳамда бошқаларнинг фуқаролик маъсулиятларига.

Объектларни турлари бўйича суғурталаш икки шаклда олиб борилади: мажбурий ва ихтиёрий. Мажбурий суғурталаш давлат томонидан қонун асосида амалга оширилади, яъни бунда суғуртанинг объектлари, турлари, шартлари ва қоидалари, шунингдек суғурталовчи ва суғурта қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тариф ставкалари ва бошқалар аниқлаб берилган бўлади.

Мажбурий суғурталашга фуқароларнинг социал ва медицина суғуртаси, йўловчиларни суғурталаш, нотариус ва божхона брокерларининг касбий маъсулиятини суғурталаш, диний ташкилотларга ижарага берилган, давлат корхоналари ва давлат қурилишлари мол-мулкини суғурталаш, фуқароларнинг мулки ҳисобланган турар жойлар, дала ховлилар, боғ уйлар, хўжалик қурилмалари ва бошқалар киради.

Ихтиёрий суғурталаш суғурталовчи ва суғурталанувчи томонлар ўртасидаги

шартномага асосланади, унинг аниқ шартлари амал қилиб турган қонунчилик доирасида суғурталанувчи томонидан мустақил равишда ўрнатилади. Ихтиёрий равишда корхоналар ва ташкилотларнинг турли хил моддий бойликлари, молиявий хатарлар, бузиш йўли билан ўғирланадиган уй-жой мулки, ёнғиндан, водопроводнинг авариясидан, қўшимча пенсия билан таъминлаш ва тиббий суғуртаси ва бошқа мол-мулк, социал, шахсий, маиший характердаги рисклар суғурталанади.

Суғурта бозорининг кўриб чиқилган категориялари суғурта ташкилотлари ишини ташкил қилишда, шунингдек суғурта статистикасини ташкил қилиш учун ҳам асос ҳисобланади.

Суғурта объектларини ўрганиш учун махсус маълумотларни тўплаш ва уларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиш зарур. Бу ишни суғурта статистикаси бажаради. Суғурта статистикасининг предмети – суғурта фаолиятини таърифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишни ўргатувчи методлар йиғиндисидир, объекти – суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасидаги битимлар.

Суғурта статистикаси ўрганиш предмети ва объектига мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Суғурта компанияларини статистик ҳисобот шакллари билан таъминлаш;
- Суғурта иши ҳақида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни ташкил этиш;
- Тўпланган маълумотларни тартибга солиш (гуруҳлаш, сводкалаш, жадваллар, графиклар);
- Ихтиёрий (шахсий мол-мулкни, жавогарликни) ва мажбурий суғурта кўрсаткичларини ва тариф ставкаларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;
- Суғурта компанияларининг иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;
- Статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш бўйича статистик методологияни такомиллаштириш.

Суғурта статистикасининг муҳим вазифаларидан бири, актуар математикада моделлар бўйича ҳисобланган стандарт натижаларни (рискларни баҳолаш; рискларни ҳар бири бўйича ва барчаси учун биргаликда кўрилган зарарни ҳисоблаш; суғурта ҳодисасининг частотасини баҳолаш ва ҳ.к.) интеграция қилиш ҳисобланади.

8.2. Суғурта статистикасининг кўрсаткичлар тизими

Суғурта статистикаси кўрсаткичлари мазмуни ва ҳисоблаш усуллари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади. Мазмун белгиси бўйича улар суғурта объектига қараб юқорида кўрсатилган тамойилларга мос равишда гуруҳларга бўлинади. Ҳисоблаш усуллари бўйича: миқдорий, нисбий ва ўртача кўрсаткичларга бўлинади. Кўрсаткичлар тизими, шунингдек натурал ва қиймат кўрсаткичларига, қиймат кўрсаткичларининг ўзи эса жорий ва доимий (таққосланма) баҳоларга бўлинади.

Суғурта операцияларининг мутлоқ ўлчовларини характерловчи миқдорий кўрсаткичлар ўз ичига суғурта компаниялари сони, суғурта операциялари

ўлчовлари, суғурталовчилар ва суғурта агентларининг сони, талофот кўрган объектлар сони, тузилган шартномалар миқдори, устав капитали, суғурта бадаллари ва тўловлари суммалари ва бошқа кўрсаткичларни олади.

Нисбий ва ўртача кўрсаткичлар ёрдамида суғурта бозорининг интенсивлиги ва самарадорлиги характерланади, шунингдек даромадлар ва харажатларнинг таркиби, талофот кўрган объектларнинг хиссаси, суғурта қоплами тўловларининг суғурта турлари ва шакллари бўйича улуши ва бошқалар характерлаб берилади. Суғуртанинг типик жараёнларини ўрганишда хусусан суғурта бадаллари, суғурта юкламалари ва тўловлари, тариф ставкалари, суғурта суммаларининг зарари кўрсаткичлари, молиявий турғунлик коэффициентлари ва бошқа умумий кўрсаткичларда ўртача миқдорларни ҳисоб-китоб қилишга мурожаат қилинади.

Алоҳида гуруҳни суғуртанинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари ташкил қилади, улар суғурта ташкилотлари ишининг умумий кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини ва уларга алохида омилларнинг таъсирини характерлаб беради.

Суғуртанинг кўрсаткичлар тизими бутун мамлакат бўйича, шунингдек иқтисодий худудлар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Суғурта статистикасида умумлаштирувчи кўрсаткичлар билан бир қаторда гуруҳлаш усули кенг қўлланилади. Суғурта ташкилотлари мулкчилик шакллари бўйича, суғурта тармоқлари ва турлари бўйича, устав капиталининг ҳажми бўйича, ишловчиларнинг сони бўйича ва бошқа кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга ажратилади. Бу ерда Ўзбекистонда мулкчилик шакллари бўйича суғурта ташкилотларининг улуши бўйича маълумотлар таҳлил қилиниши керак.

Устав капитали, суғурта взнослари ва тўловлари, суғурта агентларининг сони, тузилган шартномаларнинг сони ва бошқа кўрсаткичлар бўйича йирик, ўрта ва кичик суғурта компанияларига бўлинади.

Суғурта статистикасида шунингдек комбинациялашган гуруҳлаш қўлланилади (икки ва ундан ортиқ белгиларни қўшиш орқали). Масалан, суғурта взнослари, тўловлари ва бошқа кўрсаткичлар суғурта турлари бўйича мулкчилик шакллари, тармоқлар, регионлар, иқтисодий туманлар ва бошқалар бўйича ўрганилади.

8.3. Мол-мулкни суғурталаш статистикасининг кўрсаткичлари

Мол-мулкни суғурталашнинг асосий мутлоқ кўрсаткичларига қуйидагилар киради: суғурта майдони (N max), суғурталанган объектлар сони (тузилган шартномалар сони) - N, суғурта ходисалари сони (Пс), талофот кўрган объектлар сони (Пп), суғурталанган мол-мулкнинг суғурталаш суммаси (S), талофот кўрган объектларнинг суғурталаш суммаси (Sn), суғуртавий қоплашнинг тўлов суммаси (W), суғурта тўловларининг келиб тушган суммаси (V).

Мол-мулкни суғурталашнинг умумлашган кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Суғурта ходисаларининг частотаси}\quad Кч = \frac{n}{N} = \frac{\text{Суғурта ходисалари сони}}{\text{Суғурталанган объектлар сони}} \times 100\%$$

Бу кўрсаткич 100 (1000) та тузилган шартномага қанча суғурталаш ходисалари тўғри келишини кўрсатади.

$$\text{Талофот кўрган объектларнинг улуши} \quad d = \frac{Пп}{N} = \frac{\text{Талофот кўрган объектлар сони}}{\text{Суғурталанган объектлар сони}} \times 100\%$$

Бу кўрсаткич умумий суғурталанган объектлар сонида талофот кўрган объектларнинг улушини характерлаб беради. У фоизларда ёки коэффициентларда ифодаланади.

$$\text{Суғурта ходисаларининг ҳалокатлилиги} \quad Коп = \frac{Пп}{Пс} = \frac{\text{Талофот кўрган объектлар сони}}{\text{Суғурта ходисалари сони}}$$

Бу кўрсаткич битта суғурта ходисасидан талофот кўрган объектлар улушини кўрсатади (сув тошқинидан, зилзиладан, ёнғиндан ва бошқалардан), талофотлар миқёсини характерлаб беради.

$$\text{Йўқотилишнинг тўлалиги} \quad Ку = \frac{W}{Sn} = \frac{\text{Суғурта қоплами тўловининг суммаси}}{\text{Талофот кўрган объектларнинг суғурта суммаси}}$$

Бу кўрсаткич талофот кўрган объектларнинг суғурта суммасидаги қоплаш тўловининг улушини кўрсатади.

$$\text{Суғурта копламини тўлов коэффициенти} \quad Кв = \frac{W}{Sn} = \frac{\text{Тўлов суммаси}}{\text{Суғурта тўловлари суммаси}}$$

Бу кўрсаткич суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини кўрсатади. Суғурта тўловларининг умумий суммасида тўловларнинг хиссаси қанча кам бўлса, суғурта фонди ва унинг молиявий турғунлиги шунча юқори бўлади.

$$\text{Суғурта тўлови бадалларининг даражаси} \quad dв = \frac{V}{S} = \frac{\text{Суғурта тўловлари суммаси}}{\text{Суғурталанган мол-мулк суммаси}}$$

Бу кўрсаткич суғурта суммасининг 100 сўми ёки 1 сўмига тўғри келадиган бадал миқдорини ифодалайди.

$$\text{Суғурта суммасининг зараралиги} \quad q = \frac{W}{S} = \frac{\text{Суғурта қопламининг тўлов суммаси}}{\text{Суғурталанган мол-мулк суммаси}}$$

Бу ҳар 100 сўмлик мол-мулкнинг суғурта суммасига тўғри келадиган суғурта зарари миқдори кўрсаткичидир. Бу суғурта ташкилотлари фаолиятини умумлаштирувчи муҳим кўрсаткич кўп омилларга боғлиқ бўлади: суғурталанган ва талофот кўрган объектлар сонига, суғурталаш ҳолатларига, суғурта суммасига, суғурта қопловига ва бошқаларга. Зарарлилик кўрсаткичи тариф ставкасини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суғуртанинг типик жараёнларини характерловчи умумий кўрсаткичлар каби

ўртача кўрсаткичлар қуйидаги усулларда ҳисобланади:

Талофот курган объектларнинг ўртача суғурта суммаси

$$\bar{S} = \frac{Sn}{Пп} = \frac{\text{Талофот кўрган объектларнинг суғурта суммаси}}{\text{Талофот кўрган объектлар сони}}$$

Бу кўрсаткич суғуртани баҳолаш миқёсида битта талофот кўрган объектдан келган ўртача зарар миқдорини кўрсатиб беради.

Суғурта тўловининг (бадалининг) ўртача суммаси

$$\bar{V} = \frac{V}{N} = \frac{\text{Суғурта тўловлар суммаси}}{\text{Суғурталанган объектлар сони}}$$

Бу битта суғурталанган объектга (суғурталанган мол-мулк бирлигига) тўғри келадиган суғурта бадаллари суммасини кўрсатади.

Суғурталанган объектларнинг ўртача суғурталанган суммаси

$$\bar{S} = \frac{S}{N} = \frac{\text{Суғурталаш суммаси}}{\text{Суғурталанган объектлар сони}}$$

Бу битта суғурталаш объектига тўғри келадиган ўртача суғурталаш суммаси миқдорини ифодалайди.

Суғурта қопловининг ўртача суммаси

$$\bar{W} = \frac{W}{Пп} = \frac{\text{Суғурта қопловининг тўловлари суммаси}}{\text{Талофот кўрган объектлар сони}}$$

Бу кўрсаткич орқали битта талофот кўрган объектга ёки талофот кўрган мол-мулк бирлигига тўғри келадиган тўловлар ўртача миқдори ўлчанади.

Ўртача кўрсаткичлар асосида ўртача коэффициентлар ҳисобланади, жумладан, суғурта қоплови тўловининг ўртача коэффициенти: суғурта қоплови тўловининг ўртача коэффициентини суғурта тўловлари ўртача суммасига нисбати билан (Кв = W/V); суғурталанган объектларнинг ўртача суммасидаги зарарнинг ўртача хиссаси: талофот кўрган объектларнинг ўртача суғурта суммасини суғурталанган объектларнинг ўртача суммасига нисбати билан (dy = Sn / S); йўқотилиш тўлалигининг ўртача кўрсаткичи: ўртача суғурта қопловини талофот кўрган объектларнинг ўртача суғурталанган суммасига нисбати билан аниқланади (Ку = W / Sn); суғурталаш ходисалари оғирлигининг ўртача коэффициенти (Кт = W / S): суғурта қопловининг ўртача суммасини суғурталанган объектларнинг ўртача суммасига нисбати билан аниқланади.

8.4. Суғурталашнинг тариф ставкалари статистикаси

Тариф ставкаси (суғурта тарифи) суғурталаш суммаси ёки суғурталаш объекти бирлигидан олинадиган суғурталаш бадали нормасини англатади. Уни суғурта ҳимоясининг баҳоси деб ҳам аташади. Мол-мулк суғуртасида ставка нормаси йиллик суғурта суммасининг ҳар 100 сўмидан олинадиган бадал ҳисобланади. Шунингдек тариф жами суғурта суммасидан олинадиган фоиз

ставкаси ҳам бўлиши мумкин.

Суғурта тарифи нетто-ставкадан (суғурта мукофоти) ва брутто-ставкадан ташкил топади. Нетто-ставка суғурта фондини шакллантириш ва суғурта қопловларини тўлаш учун мўлжалланган. У суғурта бадалларининг асосий қисми ҳисобланади (90 фоизгача). Брутто-ставка - бу нетто-ставкага қўшимча (юклама) бўлиб, у ўз ичига маъмурий-хўжалик сарфлари ва фойдани олади. Суғурталаш объекти турига қараб, худудий қўшимча 8 фоиздан 40 фоизгача бўлиши мумкин.

Бўлажак нетто-ставка зарарлиликнинг ўртача йиллик кўрсаткичлари асосида аниқланади. Бу ўртача йиллик кўрсаткичлар ўтган 5-10 йиллик динамик қаторлар бўйича, уларнинг вариация даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, яъни қуйидаги формула билан:

$$U=q+t\sigma$$

бу ерда: tσ - риск қўшимчаси ёки тасодифий хато бўлиб, унга ўртача зарарлилик муофиқлаштирилади. Кўпаювчи t ишонч коэффициенти дейилиб, у воқеаларнинг рўй бериш эҳтимолига боғлиқдир, σ - эса зарарлиликнинг ўртача квадратик четланиши-четланиш стандартидир.

Нетто-ставкани ҳисоблаш учун зарарлилик даражасининг динамика қатори тузилади ва вариация коэффициенти ёрдамида унинг турғунлиги аниқланади:

$$V = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{q}}$$

Турғунлигини баҳолашда 40% га тенг бўлган коэффициентнинг меъёрий фойдалилигидан келиб чиқилади. Унинг миқдори қанча кам бўлса, динамика қаторининг даражаси шунча турғун, ўртача кўрсаткичлар шунча ишончли бўлади. Ставкалар суғурталашнинг аниқ турлари ва объектлари бўйича ҳисобланади (8.1-жадвалдаги схема бўйича).

8.1-жадвал

Вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш

Йиллар	Суғурта суммасининг хар 100 сум, тийин келадиган зарарлилик, q_i	$q_i - \bar{q}$	$(q_i - \bar{q})^2$
2005	28	-1	1
2006	27	-2	4
2007	30	1	1
2008	29	0	0
2009	31	2	4
	145		10

Беш йил учун ўртача йиллик зарарлилик ўртача арифметик бўйича аниқланади:

$$\bar{q} = \frac{\sum qi}{n} = \frac{145}{5} = 29 \text{ тийин}$$

Зарарлиликнинг ўртача квадратик четланиши қуйидагига тенг бўлади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (q_i - \bar{q})^2}{n}} = \sqrt{\frac{10}{4} = \sqrt{2{,}5}} = 1{,}58 \text{ тийин}$$

Вариация коэффициенти эса:

$$V = \frac{\sigma * 100}{\bar{q}} = \frac{1{,}58 \times 100}{29} = 5{,}45\%$$

Вариация коэффициенти катта эмас ва шунинг учун ҳам динамик қаторни турғун деб ҳисоблаш мумкин, мулкий суғурталашнинг ўртача зарарлилиги эса типик атрофи дейиш мумкин. Динамик қаторнинг типиклик даражасини медиана ёрдамида баҳолаш мумкин. Агар унинг даражаси ўртача арифметик миқдорга яқин бўлса, унда қатор турғун деб баҳоланади. Бизнинг мисолимизда бу даражалар бир хил чиқди.

Риски катта ҳисобланган нетто-ставканинг даражаси маълум эҳтимол билан кафолатланади. Агар уни 0,683 эҳтимоллик билан кафолатлашса, унда бунга t=1 ишонч коэффициенти тўғри келади. Агар эҳтимоллик даражасини 0,954 кўтарсак, риск қўшимчаси икки бараварга кўпаяди, яъни бу эҳтимолликда ишонч коэффициенти 2 га тенг бўлади. Энди нетто-ставкани бу эҳтимоллик билан аниқлаймиз:

$$U' = q + t\sigma = 29 + 2 \text{ x } 1{,}58 = 32{,}16 \text{ тийин.}$$

Айтиш мумкинки, 95,4% суғурта ҳолатлари суғурта ставкасидан кам зарарлиликка эга бўлади, 4,6% эса унинг чегарасидан ошади. Брутто-ставка қуйидаги формула билан аниқланади:

$$U = \frac{U^1}{1 - f}$$

бу ерда*: f* - мазкур суғурта турига мос келадиган юклама улушидир. Фараз қилайлик, юклама коэффициенти 15% га тенг бўлсин, унда брутто-ставка қуйидагига тенг бўлади:

$$U = \frac{32{,}16}{1 - 0{,}15} = \frac{32{,}16}{8{,}15} = 37{,}835 \text{ тийин}$$

Юкламанинг миқдори брутто ва нетто-ставкаларнинг фарқи билан аниқланади:

$$37{,}84\text{-}32{,}16 = 5{,}68 \text{тийин.}$$

Суғурта ташкилотлари фаолияти натижаларининг асосий кўрсаткичи молиявий турғунлик коэффициенти ҳисобланади. Жуда ҳам оддий қилиб у кўрсаткични даромадлар умумий суммасини (Д) харажатлар умумий суммасига (Р) нисбати билан аниқланади: Ф = Д : Р, бунда даромадлар суммасига захира фондларидаги воситалар қўшилади. Бу кўрсаткич даромадлар ва харажатларни баланслашганлигини ёки даромадларни харажатлардан устунлигини характерлайди. Агар унинг миқдори бирдан катта бўлса - суғурталовчининг ҳолатини турғун деб ҳисоблаш мумкин. Турғунликни ишончли баҳолаш учун даромадларни харажатлардан устунлигини нормативи зарурдир.

Бир турдаги риск гуруҳларининг молиявий турғунлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи булиб Ф.В.Коньшиннинг турғунлик коэффициенти ҳисобланади: $$\Phi = t\sqrt{\frac{1-\bar{q}}{N*q}}$$

бу ерда: t - эҳтимоллик коэффициенти (ишонч коэффициенти); q -зарарлиликнинг ўртача кўрсаткичи; N - суғурта ҳолатлари сони (шартномалари).

Коэффициент қанча кичик булса, молиявий ҳолат шунча турғун бўлади.

Статистиканинг энг мухим вазифаси индекслар ёрдамида суғурта операцияларини замонда ўзгаришини ўрганиш ҳисобланади, чунки бу ҳисобот давридаги суғурта операциялари кўрсаткичларини базис (ўтган) даврга нисбатан ўзгаришларини характерлаб беради. Таққослаш бир турдаги объектлар, риск турлари ва гуруҳлари бўйича, шунингдек бир бутун суғурта ташкилотлари бўйича олиб борилади.

Алоҳида эътибор турли омиллар таъсирида ўзгариб турадиган суғурта суммаларининг зарарлилиги кўрсаткичлари динамикасига қаратилади. Статистиканинг вазифаси зарарлилик динамикасига уни қизиқтирувчи омилларни таъсир кучини аниқлаб (очиб) бериш ҳисобланади.

Бир турдаги объектлар бўйича зарарлиликнинг ўзгариши зарарлиликнинг ўртача даражаси индекслари ёрдамида ўрганилади:

$$J_{\bar{q}} = \frac{\bar{q}_1}{\bar{q}_0}$$

Юқорида таъкидланганидек, зарарлилик тўловлар суммасини (W) суғурта суммасига (S) нисбати билан аниқланади:

$$q = \frac{W}{S}$$

Бу нисбатдан тўловлар суммасини топиш мумкин, яъни у суғурта суммасини зарарлилик коэффициентига кўпайтмасига тенг: W = q * S, бундан зарарлиликни бошқача ифодалаш мумкин:

$$q = \frac{S*q}{S}$$

Бу формула зарарлиликнинг ўртача индексини ҳисоблаш учун асос бўлади. Мол-мулкни суғурталашнинг бир хилдаги турлари ва объектлари бўйича ўртача зарарлик ўртача тортқичли миқдор сифатида (тарзида) ҳисобланади:

$$\bar{q} = \frac{\sum S*q}{\sum S}$$

Бу ерда вазнлар булиб суғурта турлари бўйича олинган суғурта суммалари хизмат қилади. Ўртача торткичларнинг ҳақиқий даражаларини илгариги даврларга таққослаш билан зарарлиликнинг ўртача индексини ёки ўзгарувчан таркибли зарарлилик индексини ҳосил қиламиз:

$$J_{\bar{q}} = \frac{\sum S_1 q_1}{\sum S_1} : \frac{\sum S_0 q_0}{\sum S_0}$$

Унинг динамикасига иккита омил таъсир қилади: тўлов коэффициенти ва мол-мулк турлари бўйича суғурта суммасининг миқдори. Уларнинг ҳар бирининг ролини аниқлаш учун доимий таркибли зарарлик индекси ва таркибий силжишлар индекси ҳисоблаб чиқилади.

Доимий таркибли зарарлилик индекси куйидагига тенг бўлади:

$$Iq = \frac{\sum S_1 q_1}{\sum S_1} : \frac{\sum S_1 q_0}{\sum S_1}$$

Бу индекс ўртача зарарлилик динамикасининг факат бир хил ҳажмдаги суғурта суммаларининг зарарлилик коэффициенти ҳисобига бўладиган динамикасини характерлаб беради. Ўртача зарарлилик динамикасига суғурта суммалари таркиби ўзгаришининг таъсири қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Ó_{Ò.Ñ.} = \frac{\sum S_1 q_0}{\sum S_1} : \frac{\sum S_0 q_0}{\sum S_0}$$

Ўртача миқдорларнинг вазнлари коэффициент ва фоизларда ифодаланган суғурта суммаларининг нисбий кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Мол-мулк турлари бўйича суғурта суммалари миқдорини (8.2-жадвалга қаранг), уларнинг умумий суғурта суммасидаги улушлари билан алмаштирсак (ds = Si : ∑ S), бунда юқоридаги формулалар қуйидаги кўринишни олади:

$I\bar{q} = \frac{\sum q_1 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s0}}$ - ўзгарувчан таркибли индекс,

$Iq = \frac{\sum q_1 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s1}}$ - ўзгармас таркибли индекс,

$I_{T.C} = \frac{\sum q_0 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s0}}$ - таркибий силжишлар индекси

8.2-жадвал

Уй-жой мол-мулкини ихтиёрий суғурталаш индексларини ҳисоблаш

Мол мулк тури	Базис даври				Хисобот даври			
	суғурта суммаси, млн. сум	суғурта тўловлари, млн. сум	зарарли--лик коэффициент	суғурта суммаси, улуши	суғурта суммаси, млн. сум	суғурта тўловлари, млн. сум	зарарли--лик ци коэффи-циенти	суғурта суммаси улуши
№1	24000	6000	0,25	0,25	30000	9000	0,30	0,30
№2	72000	19440	0,27	0,75	70000	18200	0,26	0,70
Жами	96000	25440	0,265	1,00	100000	27200	0,272	1,00

Зарарлиликнинг ўртача даражаларини мол-мулкни турлари бўйича олинган умумий кўрсаткичлардан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин (8.2-жадвал маълумотлари асосида):

$$\bar{q}_0 = \frac{25440}{96000} = 0{,}265; \qquad \bar{q}_1 = \frac{27200}{100000} = 0{,}272$$

Ўртача зараралилик индекси қуйидагига тенг бўлади:

1q=0,272:0,265=1,026 ёки 102,6 %

Худди шу миқдорни ўзини ўзгарувчи таркибли индекс формуласини қўллаб ҳам олишимиз мумкин:

$$J_{\bar{q}} = \frac{\sum q_1 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s0}} = \frac{0{,}3 \times 0{,}3 + 0{,}26 \times 0{,}70}{0{,}25 \times 0{,}25 + 0{,}27 \times 0{,}75} = \frac{0{,}272}{0{,}265} = 1{,}026 \text{ ёки } 102{,}6\ \%$$

Бу индекс суғурта суммаси ўртача зараралилигини суғурта суммасининг ҳар 100 сўмига 0,7 тийинга (0,272 - 0,265) ёки 2,6% га ўсганлигини кўрсатади. Унинг ўсиши юқорида кўрсатилган икки омил таъсирида содир бўлди. Доимий таркибли зараралилик индексини аниқлаймиз:

$$Iq = \frac{\sum q_1 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s1}} = \frac{0{,}3 \times 0{,}3 + 0{,}26 \times 0{,}70}{0{,}25 \times 0{,}3 + 0{,}27 \times 0{,}7} = \frac{0{,}272}{0{,}264} = 1{,}030 \textit{ ёки } 103\%$$

Ўртача зараралилик суғурта тўловлари ҳисобига 0,008 сўмга (0,272 - 0,264) ёки 3% га ортди.

Суғурта суммалари таркибини ўртача зарарлиликни ўсишига таъсирини таркибий силжишлар индекси бўйича аниқлаймиз:

$$У_{T.C} = \frac{\sum q_0 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s0}} = \frac{0{,}30 \times 0{,}25 + 0{,}70 \times 0{,}27}{0{,}25 \times 0{,}25 + 0{,}75 \times 0{,}27} = \frac{0{,}264}{0{,}265} = 0{,}9962 \textit{ ёки } 99{,}62\%$$

Ҳар 100 сўмлик суғурта суммасига тўғри келадиган ўртача зараралилик 0,001 (0,264 - 0,265) сўмга ёки 0,3% га пасайди. Бу омил ўртача зараралилик даражаси ва динамикасига ижобий таъсир қилди.

Зараралилик коэффициентини синтетик кўрсаткич сифатида ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин: суғурта ходисаларини частотаси (Кч = n_c : N), суғурта ходисаларининг халокатлилиги коэффициенти (Коп = $n_п$: n_c) ва суғурта воқеаларининг оғирлиги коэффициенти ($К_{ог}$ = W : S)[1].

$$q = К_ч \cdot К_{оп} \cdot К_{ог}$$

Бу боғлиқликни индекслар ёрдамида замонда ҳам ифодалаш мумкин:

$$I_q = I_{Кч} \cdot I_{Коп} \cdot I_{Ког}$$

Фараз қиламиз, суғурта ходисаларининг тебраниш коэффициенти 1% ўсса, халокатлилик коэффициенти 0,5% га пасайса ва суғурта ходисаларининг оғирлик коэффициенти 0,5% га пасайса, зараралилик индекси қуйидагига тенг бўлади: 1,01 х 0,995 х 1,05 = 1,05519 ёки 105,519%. Яъни, ўтган давр ичида зараралик 5,519% га ўсди ва бу учта омилнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқди.

[1] Бу коэффициентни, шунингдек битта объектнинг талофот кўрганлиги даражаси кўрсаткич деб ҳам аташади.

Суғурта суммасининг зарарлилигини, шунингдек талофот кўрган объектлар улушини суғурта ходисаларининг оғирлик коэффициентига кўпайтириш орқали ифодалаш мумкин:

$$q = \frac{n_{ї}}{N} \times \frac{\overline{W}}{\overline{S}} = \frac{d \cdot \overline{W}}{\overline{S}},$$

бу ерда: $d = n_п / N$ - талофот кўрган объектлар улуши. Худди шундай боғлиқлик бу кўрсаткичларнинг индекслари ўртасида ҳам бўлади:

$$I_q = \frac{Ó_d \times Ó_{\overline{W}}}{I_{\overline{S}}}$$

Талофот кўрган объектлар ҳисобот йилида 5% ўсди, ўртача суғурта суммаси 10% купайди ва ўртача суғурта копламаси 2% га пасайди деб фараз қилайлик. Бунда зарарлилик индекси қуйидагига тенг бўлади:

$$I_q = \frac{1{,}05 \times 1{,}02}{1{,}10} = 0{,}9736 \text{ ёки } 97{,}36\ \%$$

Демак, зарарлилик 2,64% га пасайибди.

8.5. Шахсий суғурталаш статистикаси

Шахсий суғурталаш статистикаси ҳамма турдаги суғурта ходисаларининг ҳисоби, суғурталаш майдонининг қамраш даражаси, суғурта бадаллари ва тўловларининг даражалари ва таркибларини ҳисоблаш, тариф ставкалари ва суғурта операцияларининг даромадлилиги ҳисобларини асослаш, кўрсаткичларни замонда ўрганиш ва уларни прогнозлаш билан шуғулланади.

Шахсий суғурталашнинг тариф ставкаси, суғурта бозорининг бошқа хоҳлаган тармоғидаги каби, нетто-ставка ва брутто-ставкадан ташкил топади. Нетто-ставка суғурталовчининг суғурта суммаларини тўлаш бўйича белгиланган мажбуриятларини бажариш учун мўлжалланган. Брутто-ставка нетто-ставкани ва аппаратни таъминлаш харажатларини қопловчи юкламадан ва фойдадан ташкил топади.

Ҳаётни суғурталашнинг тариф ставкалари бир йўла (бир марта) бериладиган ва йилликка бўлинади. Бир йўла бериладиган ставка шартнома тузилган вақтдаги суғурта бадалларини қоплаш учун ҳисобланади, яъни муддатнинг бошида. Йиллик ставкалар бадалларни бир йилда бир марта тўлашга мўлжалланган (ёки бир йил давомида ойлар бўйича).

Ҳаётни суғурталаш тарифларини ҳисоблаш, суғурталашнинг объекти ва субъектидан келиб чиқиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Суғурталашнинг предмети инсоннинг ҳаёти бўлиб, у соғлиғини йўқотишнинг ёки ўлимнинг турли хил хатарлари билан, демак умрнинг узунлиги билан боғлиқдир.

Ҳар бир одамнинг ўлимини олдиндай айтиш мумкин эмас. Лекин статистика томонидан аҳолини табиий харакатининг оммавий жараёнларини ўрганиш ҳар бир ёш учун ўлим даражаси қонуниятларини очишга ва уларни ўлимнинг (ёки узоқ

яшаши) демографик жадваллари деб аталадиган жадвалларда тасвирлашга имкон берди. Жадваллар Х ёшдан (х + 1) ёшга ўтишда ўлганлар сонини, ҳар бир берилган ёшгача яшаганлар сонини, кейинги ёшгача яшаш эҳтимолини, кейинги ёшгача етмай ўлиш эҳтимолини, умрнинг ўртача узунлигини ўз ичига олади (8.3-жадвалга қаранг).

Бу жадваллар ҳаётни суғурталаш тарифларини ҳисоблаш учун асос бўлади (бахтсиз ходисалардан суғурталашдан ташқари).

Ҳаётни суғурталашнинг иккинчи хусусияти суғурталаш муддатининг 3 йил ва ундан узоқ муддатларга тузилган бўлишидир.

Ўлим жадвалидан фойдаланиб маълум ёшга етишнинг бир йўла тўланадиган нетто-ставкасини ҳисоблаш учун мисол келтирамиз. Фараз қилайлик, 40 ёшли шахс билан 43 ёшга етгунга қадар суғурта суммаси 100 сўм асосида суғурта шартномаси тузилди. У суғурталовчига неча пул тўлаши керак?

8.3-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ўлим ва ўртача умр кўришлик жадвали (аҳоли рўйхати натижалари бўйича)

Ёш	«Х» ёшгача яшаганлар сони	«Х» ёшдан (х+1) ёшгача яшамай ўлганлар сони	Йил давомидаги ўлиш эҳтимоли	Умрнинг ўртача ёш узунлигиги
	Ix	*dx*	*dx: Ix*	T_X
0	100.000	1 782	0,01782	69,57
1	98218	185	0,00188	60,83
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
20	96773	145	0,00149	51,73
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
40	92246	374	0,00406	33,71
41	91 872	399	0,00434	32,84
42	91 473	427	0,00467	31,98
43	91 046	458	0,00503	31,13
44	90588	492	0,00543	30,29
45	90 096	528	0,00586	29,45
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
50	87064	735	0,00844	25,38
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
60	77018	1 340	0,01740	17,97
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
85	18900	2616	0,13840	4,73

Аввал суғурта фондини аниқлаб оламиз, у битта шартномадаги суғурта суммасини тўловлар сонига кўпайтмаси билан аниқланади. Эҳтимоллик катталиги ҳисобланган тўловлар сони 43 ёшгача яшаганлар сонига мос келиши керак, биз уларни суғурта қилинганлар деб фараз қиламиз. Ўлим жадвалига кўра бу ёшгача 91046 киши яшайди (100.000 киши ҳисобида). Бинобарин, суғурта фонди 9104600 сўмни ташкил қилиши керак (91046 х 100). Буни суғурталанувчилар деб фараз қилинганлар сони 92246 га бўлсак суғурта бадали миқдори = 98,699 сўм келиб

чиқади.

Лекин, бу ставкани реал (ҳақиқий) деб тан олиб бўлмайди. Чунки бунда шахсий суғуртанинг хусусияти бўлган унинг узоқ муддатлилик характерини ҳисобга олиш керак. Шартнома тузилаётган пайтда мижоз нетто-мукофотни тўлайди, тўловларни эса суғурта муддати тугаганда ёки шартнома тузилгандан маълум вақт ўтганидан кейин суғурта ходисаларининг, масалан, жароҳатланиш, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва бошқаларнинг содир бўлиши туфайли олади. Суғурталовчи учун, йиғилган тўловлар вақтинча бўш пул маблағлари ҳисобланади, шунинг учун у буларни банкка мураккаб фоизли қилиб қўяди ва банк фоиз нормасига қараб даромад олади.

Ҳаётни шахсий суғурталашнинг қоидаларига кўра нетто-ставканинг даражаси олдиндан фоизлардан келадиган даромад суммасига камайтирилади. Бу бадалларни ҳозирги замон ставкалари миқдоридан ҳисобланиши кераклигини билдиради. Бунинг учун суғурта суммаларини дисконт кўпайтувчиси ёрдамида дисконтлашга харакат қилинади:

$$V = \frac{1}{(1+i)} \text{ ёки } V = (1+i)^{-n}$$

Фараз қилайлик, суғурта кредити учун ставка йилига 3% бўлсин. Даромаднинг шу миқдорига тўлов ставкаси камайиши керак. Бу ерда, берилган фоиз ставкаси асосида суғурта фонди ҳажмини ҳосил қилиш учун мижозлардан қандай миқдорда пул йиғиб олиниши кераклигини аниқлаш масаласи қўйилаяпти. Бунинг учун суғурта суммасини дисконт кўпайтувчисига кўпайтириш керак:

$$P = S \times \frac{1}{(1+i)^n} = 910460 \times \frac{1}{(1+0{,}03)^3} = 9104600 \text{ x } 0{,}91514 = 8331998{,}7 \text{сўм}$$

Бу ҳозирги замондаги суғурта фондининг миқдоридир. Буни суғурталанувчилар сонига бўлиб дисконт ҳисобга олинган ҳолдаги яшаганларнинг бир йўла тўланадиган нетто-ставкасини ҳосил қиламиз ($_3E_{40}$).

$$_3E_{40} = 8331998{,}7 : 92246 = 90{,}324 \text{ сўм.}$$

Демак, суғурталанувчи ссуда фоизини ҳисобга олган ҳолдаги бир йўла тўланадиган бадали 90,324 сўм миқдорида тўлаши керак, яъни аввал суғурта суммасини дисконтламасдан олдинги ҳисобланган 98,699 сўм миқдорида эмас. Амалда нетто-ставкани ҳисоблаш қуйидаги формула орқали қулайроқдир:

$$_t\acute{I}_X = \frac{I_{X+t} \cdot V^n}{I_X} \cdot S$$

бу ерда: $_tE_X$ -t йил муддатда «х» ёшдаги шахс яшашининг бир йўлалик нетто-ставкаси;

I_{x+1} - шартнома муддати тугагунгача яшаган шахслар сони;

I_x - шартнома тузиб ва суғурта ёшигача яшаган шахслар сони; V - дисконт кўпайтувчиси; S - суғурта суммаси.

Мисолимизда юқоридаги формуладан фойдаланамиз:

$$ {}_3E_{40} = \frac{91046 \cdot \frac{1}{(1+0{,}03)^3}}{92246} \times 100 = \frac{91045 \times 0{,}9151416}{92246} \times 100 = $$

$$ = \frac{833199800}{92246} = 90{,}324 $$ сўм. Худди олдинги натижа олинди.

Ўлим ҳолати учун бир йўлалик нетто-ставка қуйидагилар асосида аниқланади: а) маълум муддатга (вақтинчалик деб аталади); б) умрини охиргача суғурталаш учун.

Вақтинчалик ставка қуйидаги формула билан аниқланади:

$$ nAx = \frac{d_x V^2 + d_{x+1} V^2 + \ldots + d_{x+n-1} V^n}{I_x} \times S $$

бу ерда: nAx - n йил муддатда «X» ёшдаги шахслар учун ўлим ҳолатида тўланадиган бир йўлалик нетто-ставка; V - дисконт кўпайтувчиси; S - суғурта суммаси; I_x - суғурталанган шахслар сони; d_x, d_{x+1} ... - суғурталаш даври давомидаги ўлганлар сони.

Юқоридаги формулани қўллаб, 40 ёшли шахс учун 3 йил муддатга ўлим ҳолати учун суғурта суммасининг ҳар 100 сўмига тўғри келадиган бир йўлалик ставкаси қанча бўлишини аниқлаймиз:

$$ {}_3A_{40} = \frac{d_x V + d_{x+1} V^2 + \ldots + d_{x+2} V^3}{I_x} = \frac{374(1+0{,}03)^{-1} + 399(1+0{,}03)^{-2} + 427(1+0{,}03)^{-3}}{92246} \times $$

$$ \times 100 = \frac{1129{,}9074}{92246} \times 100 = 1{,}23 $$ —“.

Ҳаётни суғурталаш тарифларини ҳисоблашнинг услублари оммавий характерга эга бўлиб, турли хил муддатларга ва турли ёшдаги аҳоли гуруҳлари учун амалга оширилади. Юқорида келтирилган формулаларни қўлланилиши ҳисобларни мураккаблаштиради. Амалий фаолият учун коммутацион сонлар жадваллари ишлаб чиқилган. Уларда, нетто-ставкани аниқлаш учун зарур бўлган, ўлим жадвалидан олинган кўрсаткичлар, дисконт кўпайтувчилари ва ҳисобланган кўрсаткичлар (коммутацион сонлар) берилади. Жадваллар маълум ёшгача яшаш ва ўлим ҳолатларини суғурталаш учун тузилади (8.4 ва 8.5-жадвалларга қаранг). Ҳисоблашлар қулай бўлиши учун жавдаллар битта жадвалга бирлаштириш мумкин.

Бизнинг мисолимиз учун маълум ёшга етиб яшашнинг нетто-ставкасини ҳисоблаймиз, бунинг учун 8.4-жадвалдаги коммутацион сонлардан фойдаланамиз.

$$ {}_3E_{40} = \frac{D_{43}}{D_{40}} = \frac{25538}{28283} \times 100 = 90{,}29 $$ сўм

8.4-жадвал

Маълум ёшга етиб яшашга доир коммутацион сонлар
(i = 3% йиллик бўйича)

Ёши	«Х» ёшгача етганлар сони I_x	Дисконт кўпайтувчиси $V^n=1/(1+i)^n$	Коммутацион сонлар кўрсаткичи $D_x = I_x \cdot V^n$	Коммутацион сонлар суммаси $N_x = \sum_n^1 D_X$
0	100000	—	100000	2894912
1	98218	0,97087	95360	2794942
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
20	96773	0,55367	53583	1396943
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
40	92246	0,3066	28283	589505
41	91872	0,2976	27341	561222
42	91473	0,2890	26436	533881
43	91046	0,2805	25538	507945
44	90588	0,2724	24676	481907
45	90096	0,2644	23825	433410
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
50	87064	0,2492	19859	346215

90,324 сўм сони билан бир оз фарқланиши коммутацион сонларни яхлитланганлиги билан изоҳланади.

M_x - коммутацион сонларнинг суммаси жадвалнинг охиридан аста-секин тўпланган.

8.5-жадвалдан фойдаланиб уч йил муддатга бир йўла тўланадиган нетто-ставкани ҳисоблаймиз:

8.5-жадвал

Ўлим ҳолатига доир коммутацион сонлар
(i = 3% йиллик)

Ёши «Х» йил	Ўладиганлар сони d_x	Дисконт кўпайтувчиси $V=1/(1+i)^{n+1}$	Коммутацион сонлар $C_x = d_x \cdot V^{x+1}$	Коммутацион сонларнинг суммаси $M_x = \Sigma C_x$
0	1782	0,97087	1730	15674
1	185	0,9405	174	13944
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
20	145	0,5379	78	12888
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
40	374	0,2976	111	11103
41	399	0,2890	115	10992
42	427	0,2805	120	10887
43	458	0,2724	125	10757
44	492	0,2644	130	10632
45	528	0,2567	136	10502
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
50	735	0,2218	163	9770

$$ {}_nA_x = \frac{M_X - M_{X+1}}{D_X}; \; {}_3A_{40} = \frac{M_{40} - M_{43}}{D_{40}} = \frac{11103 - 10757}{28283} = \frac{346}{28283} = 1{,}223 \text{ сўм} $$

D_{40} - коммутацион сон 8.4-жадвалдан олинади.

Ўлим ҳолати учун умрбод суғурталашда бир йўла тўланадиган нетто-ставка 8.4 ва 8.5 коммутацион жадвалларнинг маълумотлар асосида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A_X = \frac{M_X}{D_X}$$

Бизнинг мисолимизда 40 ёшдаги шахс учун бир йўлалилик ставка қуйидагига тенг бўлади:

$A_{40} = \frac{M_{40}}{D_{40}} = \frac{11103}{28283} = 0{,}3925$ сўм суғурта суммасининг ҳар бир сўмидан.

Демак, ҳар 100 сўмдан мижоз 39,25 сўм тўлаши керак.

Бир йўла тўланадиган ставкаларни йиллик ёки даврий бадалларга алмаштириш мумкин. Йиллик ставкани аниқлаганда фоизли даромадни ва йил давомидаги ўлим рискини, ишлаб чиқарувчи бадаллар сонини камайишини ҳисобга олиш зарур. Ҳисоблар коммутацион сонлар жадваллари асосида олиб борилади.

Умрбод суғурталашнинг ўлим ҳолатида йиллик бадал (йилнинг бошида) ҳамма йиллик бадалларнинг ҳозирги қийматини муддати узайтирилганлик коэффициентига нисбати билан аниқланади. Муддати узайтирилганлик коэффициенти ҳар 1 сўмдан олинадиган йиллик бадалнинг ҳозирги қийматини ифода этади. Бошқача айтганда, йиллик ставка бир йула тўланадиган ставкани муддати узайтирилганлик коэффициентига нисбатига тенг. Буни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$d = \frac{M_X}{D_X} : \frac{N_X}{D_X} = \frac{M_X}{D_X}$$

N_x ва M_x - 8.4 ва 8.5-жадваллардан олинган коммутацион сонлар.

Йиллик ставкани аниқлаймиз: d = 11103 / 589505 = 0,01883. Суғурта суммасининг ҳар бир сўмидан олинадиган йиллик бадал 1,883 тийинга тенг.

Ҳаётни маълум муддатга (вақтинчалик суғурталаш) суғурталашнинг йиллик ставкасини ҳисоблаш учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$d = \frac{M_X - M_{X+t}}{N_X - N_{X+t}}$$

Бизнинг мисолимиз учун йиллик ставка қуйидагига тенг бўлади:

$$d = \frac{M_{40} - M_{43}}{N_{40} - N_{43}} = \frac{11103 - 10757}{589505 - 507945} = \frac{346}{81560} = 0{,}0044139$$

ёки йиллик ставка суғурта суммасининг ҳар 100 сўмидан 0,44 сўмга тенг.

Ҳаётни суғурталаш бўйича шартнома аралаш суғурталаш бўйича тузилиши мумкин, яъни бунда суғурта масъулиятининг бир неча тури бирлашган бўлади: маълум ёшгача яшаш бўйича, ўлим ҳолати бўйича ва саломатлик йўқотиш ҳолати бўйича. Суғурталашнинг ҳар бир тури ўзининг суғурта фондига ва хизмат нархига эга. Шунинг учун аралаш суғурталаш бўйича нетто-ставканинг миқдори суғурталаш шартномасига кирувчи рискларнинг нетто-ставкаларининг йиғиндиси каби аниқланади.

Бахтсиз ходисалардан суғурталаш

Бахтсиз ходисаларнинг жуда кўп ҳар-хил турлари мавжуд. Улар ҳам маиший ҳаётда, ҳам ишлаб чиқаришда турли хил сабаблар орқали содир бўлади. Уларнинг оқибати турли оғирликдаги жарохатлар бўлиб, улар соғлиқни қисман йўқотилишига ёки ўлимга олиб келади. Ҳар қандай ҳодиса, агар у тўсатдан рўй беришнинг оқибати бўлса, суғурталаш ҳодисаси деб тан олинади. Жарохатларнинг асосий сабаблари ишлаб чиқаришнинг, меҳнат шароитининг, машғулот турининг хавфлилик даражаси ҳисобланади. Шунга боғлиқ равишда бахтсиз ходисалардан суғурталанувчилар тариф синфларига бўлинадилар ва улар учун алохида-алохида суғурта тўловлари ставкалари ўрнатилади.

Тариф ставкалари юқорида кўрсатилган мол-мулкни суғурталаш услубидай ҳисобланади. Суғурта суммаларини тўлаш тариф синфини ва шартномада кўрсатилган суғурта суммасидан жарохатнинг оғирлигига қараб фоизни ҳисобга олган ҳолда тўланади. Соғлиқни йўқотишни баҳолаш учун махсус жадваллар тузилади ва бу жадвалларда жарохатланишларнинг рўйхати ва уларнинг оқибатлари кўрсатилади. Масалан, жарохатланиш натижасида қўлнинг юқори қисми суяги синса, бунда соғлиқни йўқотганликни қоплаш учун суғурта суммасининг 15% миқдорида тўлов ажратилади ва ҳ.к. Меҳнат қобилиятини тўла йўқотганда ёки ўлим ҳолатларида тўлов тўлалигича амалга оширилади (халок бўлган одам учун суғуртани унинг меросхўрлари оладилар). Индивидуал ҳолдаги суғурталашга 16 дан 74 ёшигача бўлган фуқаролар қабул қилинадилар (чегара 75 ёш ҳисобланади), бунда суғурталаш муддати 1 йилдан 5 йилгача бўлади. Суғурталаш масъулияти 1-гуруҳ ишламайдиган ногиронлар учун қабул қилинмайди.

Бахтсиз ходисалардан суғурталанувчилар ўз ишловчилари фойдасига бир йилга шартнома тузган корхоналар, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин.

Бундай шартномаларда тариф ставкасининг миқдори суғурталанувчининг фаолият турига, касбига, меҳнат шароитига ва ўрнатилган суғурта суммасига боғлиқ равишда аниқланади. Суғурта тўлови бутун суғурта муддати учун бир йула тўланади. Бахтсиз ходиса рўй берганда суғурталовчи жарохатланган кишига меҳнат қобилиятини йўқотганлигининг ҳар бир куни учун нафақа тўлайди, лекин бу муддат ходиса юз берган кундан бошлаб 4 ойдан ошмаслиги керак. Тўлов суғурта суммасига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ногиронлик ҳолати келиб чиққанда эса нафақа ногиронлик гуруҳига боғлиқ ҳолдан суғурта суммасидан ўрнатилган фоиз бўйича тўланади. Бу биринчи гуруҳ учун - 80%, иккинчиси учун - 60%, учинчиси учун - 40% ни ташкил қилади. Ўлим ҳолатида эса шартномада кўрсатилган суғурта суммасининг ҳаммаси меросхўрларига тўланади.

Бахтсиз ходисалардан суғурталаш қисқа муддатларга, яъни бир ёки йил давомидаги бир неча ойга тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда тариф ставкалари йиллик ставкага нисбатан коэффициентлар ёрдамида ҳисобланади. Масалан, бахтсиз ходисалардан 3 ой муддатга тузилган суғурталашнинг тариф ставкаси йиллик ставканинг 0,4 қисмига тенг бўлади.

8.6. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурталаш статистикаси

Ижтимоий таъминот ижтимоий ҳимоялаш фондидан амалга оширилади. Бу фонд давлат бюджети, корхоналар, ташкилотларни мажбурий суғурта тўловлари ва фуқароларнинг иш ҳақи фондидан маълум фоизда тўланадиган суғурта бадалларидан ташкил топади. Ижтимоий таъминот фондининг маблағлари умумтаълим мактабларини, лицей ва коллежларни, касалхоналарни, поликлиникаларни, маданият уйларини, ногирон болаларни уй-интернатларини сақлашга, пенсияларни тўлашга, нафақаларни тўлашга, аҳолини мухтож гуруҳларига компенсацион тўловларни беришга, стипендиялар тўлашга ва ҳоказоларга сарфланади.

Ижтимоий таъминотнинг шакли бўлиб ижтимоий суғурталаш ҳисобланади, у меҳнаткашларга, қарилик ҳолатларида, меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотганда, касаллигида, жарохатланганда ва моддий таъминотга таъсир қиладиган бошқа ҳолатларда, моддий ёрдам беришнинг кафолоти бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий суғурталаш фондининг катта қисми пенсияларни тўлашга сарфланади: қарилик бўйича (ёшига қараб), ногиронлиги бўйича, боқувчисини йўқотганлиги ҳолатларида, хизмат қилинган йил бўйича ва ижтимоий пенсияларга.

Ёши бўйича қарилик пенсияси ҳамма фуқароларга умумий асосда ёши ва иш стажини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Эркакларга - 60 ёшда иш стажи 25 йилдан кам бўлмаган ҳолатларда, аёлларга - 55 ёшда, иш стажи 20 йилдан кам бўлмаган ишлаганлар учун белгиланади. Бир гуруҳ аҳоли ёши бўйича имтиёзли шароитларга эга бўлиб, уларга 5 ва ундан ортиқ бола туққан аёллар ва болалигидан ногирон боласи бўлган ва уни 8 ёшгача тарбиялаган оналар киради, кўриш бўйича биринчи гуруҳ ногиронлари; алоҳида зарарли меҳнат шароитларидаги ишлаб чиқаришда банд бўлган ишловчилар, доимий шаҳар маршрутларидаги автобус, троллейбус, трамвай хайдовчилари ва ҳ.к. Бу шахслар учун пенсиялар бошқалар учун умумий асосда белгиланадиган пенсияларга нисбатан стажи ва ёшидан 5-10 йил кам ҳолатда белгиланади.

Ногиронлиги бўйича пенсиялар соғлигини йўқотиши оқибатида, умумий ва касбий касаллик натижасида, меҳнатда шикастланганда, радиация авариялари ва халокатлари натижасида тўланади. Пенсиянинг миқдори ногиронлик гуруҳи бўйича белгиланиб, уларнинг ҳар бири меҳнат қобилиятини йўқотганлиги даражаси билан характерланади. Меҳнат лаёқатини тўла (юз фоиз) йўқотганида биринчи гуруҳ ногиронлиги, 50 фоиз йўқотганида - иккинчи гуруҳ ва 25% йўқотганида - учинчи гуруҳ ногиронлиги ўрнатилади.

Ижтимоий таъминотда боқувчисини йўқотганлиги ҳолатида пенсиялар бериш кўриб чиқилган бўлиб, бу ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун тайинланади: болаларга 18 ёшгача, пенсия ёшидаги шахслар ва ногиронларга эса умрбод берилади.

Ишлаб қўйган йили учун пенсияни Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланган касб-лавозимлар рўйхатидаги ишловчилар оладилар. Буларга учиш состави ва учув-синов состави ишловчилари, спортчилар, ер ости ва очиқ тоғли ишларда банд бўлган етакчи касб эгалари, ижодий иш билан шуғулланувчиларнинг

алоҳида категориялари киради.

Фуқароларнинг алохида категориялари ижтимоий ҳимоя фондидан 1-гуруҳ ногиронларини парвариш қилганликлари учун пенсияга қўшимча оладилар, меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига қараганлиги учун, асоссиз сиёсий мотивларга кўра қатағон қилинганлар, шунингдек Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат қаҳрамонлари ва бошқалар оладилар.

Ижтимоий ёрдам фондидан она ва болага ҳар хил ёрдам турлари белгиланган. Уларга ҳомиладорлик ва туғишга бериладиган пул нафақалари кириб, булар ишловчи аёлларнинг иш стажларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ойлик иш ҳақи миқдорида тўланади, ҳар бир бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақалар, бола 1,5 яшар бўлгунча уни парвариш қилиш учун таътил вақтида бериладиган ойлик нафақалар, умумтаълим мактабида ўқийдиган ҳар бир бола учун ўқишни битиргунга қадар бериладиган ойлик нафақалар ва бошқа тўловлар киради. Тўловларни ҳисобга олишдан ташқари, статистика оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган турли хил объектлар сони ва уларни сақлаш харажатларини ҳам ҳисобга олади. Буларга - болалар касалхоналари (ўринлар сони), болалар поликлиникалари ва бир сменадаги ташрифлар сони, туғруқхоналар ва улардаги ўринлар сони, аёллар консультацияси ва бир сменадаги ташрифлар сони, болалар уйи ва гўдаклар уйлари, (улардаги жойлар сони билан), етим-болалар учун мактаб-интернатлар, улардаги ўқувчилар жойи сони ва бошқалар киради.

Амалдаги қонунчиликда касаллиги ва ишлаб чиқаришда жароҳатланганлиги туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги бўйича нафақалар бериш кўрсатилган.

Аҳолининг касаллиги статистикаси касалланиш тўғрисидаги аниқ маълумотларга асосланади. Бу маълумотларни у меҳнатга қобилиятсизлик варақаларидан (касаллик варақаларидан) олади. Бу варақаларда касаллик тури, жинси, ёши, касби, меҳнатга қобилиятсизлик кунлари сони, тўлов суммаси кўрсатилган бўлади. Касаллик варақалари асосида, уларда кўрсатилган белгилар бўйича касалликни турлари бўйича сони, уларни жинслар, ёшлари, касблар бўйича тақсимланиши, тармоқ ва худудий белгилари бўйича якуний кўрсаткичлар аниқланади. Касалликни эркаклар, аёллар, турли хил касбдаги ишловчиларнинг регионлар бўйича турлари ва гуруҳларини қиёсий характерлаш учун касалликнинг ҳар 1000, 10000, 100000 киши сонига тўғри келадиган нисбий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

Аҳоли соғлиғи ҳолатини таҳлил қилиш учун нисбий (ҳар 100 ёки 1000 ишловчи ҳисобига) ва ўртача кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади. Уларга қуйидагилар киради.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш ходисаларининг тебраниши - бу вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатлари сонини ишловчиларнинг ўртача сонига нисбатини 100 га ёки 1000 кўпайтмаси билан аниқланади. Бу иш билан банд бўлганларнинг ҳар 100 ёки 1000 тасига тўғри келадиган меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатлари сонини кўрсатади.

Касалликни оғирлик коэффициенти. Бу вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик сонини касаллик ҳолатлари сонига нисбати билан аниқланади.

Битта ишловчига тўғри келадиган меҳнат қобилиятини вақтинча

йўқотганлигининг ўртача кунлар сони меҳнат қобилиятини йўқотишганликнинг календар куни сонини ишловчиларнинг ўртача сонига нисбати билан аниқланади.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганликнинг ўртача давомийлиги - касаллик кунлари сонини вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик ҳолатлари сонига нисбати билан аниқланади.

Ижтимоий суғурталаш статистикасида ишлаб чиқаришда олинган жароҳатланишни ҳисобга олишга ва тақлил қилишга катта аҳамият берилади, булар тўғрисидаги маълумотлар ҳам меҳнатга қобилиятсизлик варақаларидан олинади. Жароқатланишнинг ҳар бир тури бўйича жароҳатланувчиларнинг сони одам-кунда кўрсатилган ҳолда меҳнатга қобилиятсизликнинг 1, 2, 3, 4 ва бошқа иш кунларини кўрсатган ҳолда ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ишлаб чиқаришга ва бир бутун иқтисодиётга катта зарар етказади.

Жароҳатланиш даражасини характерлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

— меҳнатга қобилиятсизлик кунлари сони бўлиб, у меҳнатга қобилиятсизликнинг одам-кун сонини (ўлганларни ҳам қўшиб), ишловчиларнинг ўртача сонига нисбати билан аниқланади (1000 та ишловчи ҳисобига);
— битта жарохатланувчига (ўлганларни ҳам қўшиб) тўғри келадиган меҳнатга қобилиятсизликнинг одам-кунини меҳнат қобилиятини йўқотганлар ва ўлим билан тугаган ҳолатлар сонига нисбати билан;
— бахтсиз ходисаларнинг умумий сонида ўлим билан тугаган бахтсиз ходисаларнинг фоизи - бахтсиз ходиса туфайли ўлганлар сонини бахтсиз ходисалар умумий сонига нисбатининг фоиздаги ифодаси;
— жарохатланишни тебраниши жарохатланиш натижасида меҳнатга қобилиятсизлик одам-кунини бахтсиз ходисалар (жароҳатланишлар) сонига нисбати билан аниқланади.

8.7. Суғурта ишининг информацион таъминоти

Зарар келтирувчи ҳодисалар устидан статистик кузатиш олиб бориш доимийлик характерига эга. Маълумки, бундай информацияни йиғиш билан статистик органлар, суғурта компаниялари ва суғурта назорати органлари шуғулланишади. Тўпланган маълумотлар асосида у ёки бу шароитда етказиладиган зарар миқдори бўйича қонуниятларни аниқлашга ва ўлчашга имкон берувчи тақсимот қаторлари тузилади. Йўқотишлар динамикаси баҳоланади ҳамда шундай, яъни талофат етказувчи ходисаларнинг рўй бериши қонуниятлари аниқланади.

Суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасидаги иқтисодий ва хуқуий муносабатларни ўзи мужассамлаштирган асосий хужжат бўлиб суғурта шартномаси хисобланади. Суғурта шартномасини тузиш суғурта ходисасининг рўй бериш оқибатини текислайди. Суғурта ходисаси рўй бериши корхонанинг ишлаб чиқариш фондини ва жисмоний шахсларнинг йўқотишларини кескин ўзгаришига олиб келиши мумкин. Суғурта рисклари бўйича жавобгарлик хажмини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган информация шартномада бор: суғурта суммаси; тўланадиган бадаллар размери ва вақти;

жавобгарлик лимити; шартноманинг амал қилиш вақти, жойи, муддати ва бошқалар.

Шартноманинг асаоий қисми суғуртага ва суғурталанувчининг мажбуриятларига бағишлангандир. Мол-мулк суғуртаси бўйича суғурталанувчининг мажбуриятларида суғуртачига маълум бир суммани тўлаши кўзда тутилади. Агарда суғурталанган мол-мулкка суғурта шартномасида санаб ўтилган сабабларга биноан зарар етса ёки у бутунлай йўқотилса, суғуртачи жабрланувчига мол-мулкнинг бир қисмини қоплаб беради. Айрим холларда шартномага биноан қопланадиган сумма мол-мулкнинг тўла қийматига ҳам тенг бўлиши мумкин. Суғуртачининг мажбурияти фақат пул маблағлари билан тўлаб бериш билан чегараланмайди. Суғурта компанияси талофатни қоплашни бошқа йўлларини ҳам назарда тутиш мумкин. Бу усул фақат шартномада кўрсатилган бўлса қўлланилади, яъни суғуртачи бу масалани бир томонлама ечиш хуқуқига эга эмас. Статистик информациянинг муҳим манбаи бўлиб бухгалтерия, статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳисобланади. Суғурта компаниялари тегишли муддатларда бухгалтерия ҳисоботларини (1-шакл ва бошқалар) тузадилар ва юқори ташкилотларга ҳамда молия-солиқ органларига тақдим этадилар. Улардан ташқари идоравий ва статистик ҳисоботлар ҳам тузилади. Энг асосий статистик ҳисобот бўлиб (1-суғурта шакл – суғурта ташкилоти фаолияти тўғрисидаги ҳисобот) ҳисобланади. Ушбу ҳисоботни суғурта ташкилотлари – ўз жойидаги туман, шахар статистика бўлимига 10-мартдан кечиктирмай тақдим этадилар. 1-суғурта (йиллик) шакли тўрт бўлимдан ташкил топади. Биринчи бўлимда суғурта ташкилотининг асосий кўрсаткичлари (**Ихтиёрий суғурта** – ҳаётни суғурта қилиш; **Умумий суғурта** – бахтсиз ходисаларни эхтиёт шарт суғурта қилиш (1-класс); касалликдан эхтиёт шарт суғурта қилиш (2-класс); транспорт суғуртаси (3-класс); темир йўл (4-класс); авиация (5-класс); денгиз (6-класс); йўлдаги мол-мулк суғуртаси (7-класс); мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш (8-класс); мол-мулкни зарардан суғурта қилиш (9-класс); автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (10-класс); авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш (11-класс); денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш (12-класс); умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (13-класс); кредитни суғурта қилиш (14-класс); кафилликни суғурта қилиш (15-класс); бошқа молиявий рисклардан суғурта қилиш (16-класс); хуқуқий химоя билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш (17-класс). **Мажбурий суғурта** – харбий ва солиқ органи ходимларини давлат мажбурий суғуртаси; йўловчилар ва транспорт воситалари мажбурий суғуртаси ва бошқалар) бўйича тузилган шартномалар сони, суғурта суммаси, суғурта мукофотлари тушуми, суғурта тўловлари, суғурта захираларининг ишлатилиши ва суғурта захираларига ажратмалар суммалари келтирилади. Бундан ташқари бу бўлимда қайта суғурталаш операциялари ва иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда аҳоли сони бўйича маълумотлар ҳам берилади.

Суғурта ташкилотининг даромадлари ва харажатлари суммаси (белгиланган тартибда) иккинчи бўлимда берилади. Бу бўлимнинг асосий қисми инвестицияларга бағишланган. Ўзбекистон Республикаси доирасида ва ташқарида кесимида инвестициялар суммасининг жами ва алоҳида турлари (банк

депозитлари, қимматли қоғозлар, заемлар, кўчмас мулк ва бошқалар) бўйича маълумотлар ҳам иккинчи бўлимда келтирилган.

Асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий фаолият ва қарз суммалари учинчи бўлимда келтирилади. Суғурта компаниясининг устав капитали, муассасалар сони, филиаллар сони, амалдаги шартномалар сони, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони хисоботнинг тўртинчи бўлимида берилади.

Суғурта фаолияти ҳақида муҳим маълумот манбаи бўлиб идоравий статистик маълумот ҳисобланади. Статистик ҳисоботга нисбатан идоравий ҳисоботда маълумотлар суғурта турларини қамраб олиши ва ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича кўпроқ ва бойроқдир. Чунки статистик ҳисоботларда ҳодиса ҳақидаги маълумотлар берилса, идорвий хисоботларда ҳодисанинг келиб чиқиши, таркиби, харакати ва уни харакатга келтирувчи омиллар ҳақида маълумотлар келтирилади. Идоравий ҳисоботлардаги келтириладиган кўрсаткичлар ўрганиш мақсад ва вазифасига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

Суғурта ишини ўрганишда маълумот манбаи сифатида чоп қилинадиган тўпламлар, бюллетенлар, каталоглар ва маросимий нашрлар ишлатилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар йили “Суғурта ташкилотларинин асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенини чоп қилади. Унда республика бўйича, вилоятлар, суғурта компаниялари, мулк шакли кесимида суғурта турлари бўйича асосий кўрсаткичлар ифодланади. Бугунги кунда юқорида маълумот тўплашнинг муҳим манбаи бўлиб, суғурта компанияларининг сайдлари, Республика суғурта назорати идораси, Республика ва жаҳон ахборот агентликлари нашрлари ҳисобланади.

IX-БОБ. ВАЛЮТА БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

9.1. Валюта бозорларини ташкил қилиниши ва классификацияси

Валюта бозори деб, фойда олиш мақсадида чет эл валюталарини сотиб олиш, сотиш, уларни қарзга олиш, кўчириш, конвертациялаш, алмаштириш ва сақлаш операцияларининг йиғиндисига айтилади.

Валюта бозорининг асоси пойдевори, сутумгўшаси товар, хизмат ва капитални миллий ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланади, валюта биржалари эса, унинг тузувчи, амалга оширувчи, рўйхатга олувчи ёки бошқача қилиб айтганда, қайнатувчи қозони бўлади. Ҳозирги кунда биржалар (улар сони дунёда 10.000 ошиқ) ўзининг кенг тарқалган шаҳобчаларига эга бўлиб, мижозлар номидан ёки уларни топшириғи билан ҳамма валюта операцияларини бажарадилар: валютани сотиш ва сотиб олиш; валюта бозорини конъюнктурасини баҳолаш; валюта курсларини белгилаш ва чоп қилиш ва ҳ.к.

Валюта бозорлари характери, мазмуни, тури ва бажарадиган операциялари бўйича қуйидагиларга бўлинади: миллий ва халқаро бозорлар; конверсион (алмаштириш) операциялари бозори; олтин бозори; валюта қимматли қоғозлари (авуарлар) бозори; махсус ҳуқуқларни бўйнига олиш (шартнома талабларини) бозори; олтин ва валюта авуарларини ўз ичига олувчи хусусий захира валюта маблағлари бозори (мамлакатни валюта захира фонди назарда тутилмоқда); шартли захира валюта маблағлари (МВФга бўлган қарзни талаблар ва қисқа муддатли валюта алмаштириш бўйича ўзаро шартнома талаблари кейинги "своп" операциялар бозори ҳам деб аталади) бозори; валюта зоналари бўйича: долларли, фунт стерлингли ва ҳ.к. бозори; ягона валюта бозори. Охирги бозорга мисол "Евро" бозори бўла олади. ЕСнинг 11 (Австрия, Белгия, Финландия, Франция, Германия, Ирландия, Италия, Люксенбург, Голландия, Португалия, Испания) мамлакати 2001 йил 1 январидан ушбу валютага ўтди. Кўпчиликни фикрича бу бозор жаҳон валюта бозорига айланиши керак. Бу фикрни албатта келгуси ҳаёт кўрсатади ва тасдиқлайди.

Ҳозирги кун халқаро валюта тизими асосан сузувчи курсларига асосланган. Бунинг сабаби иқтисодий ривожланишнинг нотекислигидир. Умуман олганда бирорта валюта тизими йўққи, уни биз мутлоқ барқарор валюта тизими деб атасак.

Халқаро валюта тизимининг заифлигига сабаб, ҳамма миллий валюта тизимларининг заифлигидир. Миллий валюта тизимларининг қувватсизлиги уларни реал иқтисодий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ эмаслигида, ҳар томонлама ва кўп меҳнат талаб қиладиган иқтисодий ислоҳотлар, ўзгаришлар ўтказиш ўрнига юзаки, оддий монетар хийла-найрангларнинг ишлатилишидадир.

Валюта тизимининг бугунги эволюцион ривожланиши тарихи, шу жумладан жаҳон валюта тизими тарихи юқоридаги гапларни ёркин исботдир.

Олий валюта ҳисоб-китобларини тарихи XVII асрдан бошланади деган фикрлар мавжуд. Бу фикрлар албатта асоссиз эмас. Сиёсий иқтисод фанининг отаси ҳисобланмиш, маълум маънода статистиканинг ихтирочиси ҳисобланадиган В.Петти (XVII аср) асарларида халқаро валюта алмашув жамиятлари тузиш

ғояларини учратамиз. Лекин валюта ҳисоб-китоблари бўйича асосий иш XIX асрни ўрталаридан бошланган. Бу вақтга келиб миллий фонд биржалари, халқаро кимошди ва биржалар ва ҳ.к. иш бошлади. Бошланишда (1914 йилгача) халқаро валюта муносабатлари олтин стандартларига асосланди, яъни 1 фунт 7,322385 грамм олтинга тенг ҳисобланарди. Бу олтин стандартлари тизимини узоқ сақланиб қолиши ва ютуғи шу даврдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг нисбий яхшилиги, аҳолининг иш билан бандлилик даражасининг юқорилиги, пул ва бошқа ресурсларнинг бир давлатдан иккинчисига катта тўсиқларсиз харакати ва бошқа омиллар билан изохланади. Ана шу ишларнинг ҳаммаси билан бирга давлат банклари у пайтда баҳонинг барқарорлигига ва ишсизликнинг ўзгаришига жавоб бермас эди, улар фақатгина миллий валюта курсларини назорат қилишарди. Олтин стандартларнинг самарадор валюта тизими эканлигига яна бир исбот, иккинчи жаҳон урушидан кейин жуда кўп давлатлар шу тизимга қайтиш талаби билан чиқишди.

Биринчи жаҳон уруши бошқа тизимлар қатори валюта тизмининг ҳам нобарқарорлигига олиб келди ва бунинг натижасида олтин стандартлар тизминдан олтин қўйилмалари тизмига ўтилди. 1922 йилдан бошлаб олтин валюта тизимига ўтилади. Агарда олтин қўйилмалар тизимида валюталар фақат олтинга алмаштирилса, энди валюталар фақат олтинга эмас мустаҳкам валюталар авуарларига (тўпланган захираларига) ҳам алмаштириладиган бўлди. Мустахкам валюта деб фунт стерлинг ва АҚШ доллари қабул қилинди.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози таъсири остиди бу тизим емрилди ва 1944 и. (июль) Бреттон-вудсда (АҚШ) бўлиб ўтган конференция бу тизимни расмий равишда бекор қилди ва шу пайтдан бошлаб бошқариладиган мустахкам валюта курслари тизимига ўтилганлигини эълон қилди (Бу тизим Бреттон-вудс тизими ҳам деб аталади). Бу тизимни координациялаш ишлари кейинчалик ХВФ (халқаро валюта фонди, 1947 йилда тузилган) топширилди.

Бреттон-вудс валюта тизими асосини паритет валют курслари ташкил қилади. Улар АҚШ долларида белгиланиб, 1 тройс унция олтинга 35 доллар алмаштириларди. Расмий паритетлардан озод валюта курсларини фарқи бошида 0,5% га, кейинчалик 1,5%, хатто 2,5% гача фарқ қилиши мумкин эди. Бу фарқлар белгиланган норма чегарасидан чиқса банклар бу ҳолатни ўзгартиришга мажбур эдилар. Агарда миллий валюталарнинг қиймати чегарадан ошса давлат банклари ўз захиралари ҳисобидан долларни бозорга чиқаришлари керак ва тескариси.

Бу тизим 60 йилларнинг охиригача фаолият кўрсатди ва 1967 й. фунт стерлингни девальвацияси, 1969 й. европа валюталари параметрларни қайта кўриб чиқилиши, 1971 й. АҚШ долларини олтинга конвертация қилишни тугатилиши ва ҳ.к. муносабати билан бутунлай емрилади. 1971 й. декабрь ойида Смитсон битими тузилди. Бу битим бўйича Бреттон-вудс тизимидан бутунлай воз кечилиб, валюталарни сузувчи курси тизимига ўтилди. Бу тизим (Ямай тизими ҳам деб аталади) бугунги кунгача мавжуд. Уни устунликлари ва салбий томонлари (айниқса 1999 йилдан бошлаб Европа давлатларини бир валют бирлигига ўтиши - "Евро"га муносабати билан) тўғрисида матбуотда жуда кўп фикрлар мавжуд.

Валюта бозорининг характерловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методлари йиғиндиси валюта бозори статистикасининг предметидир. Бу

предметга мувофиқ валюта бозори статистикаси қуйидаги вазифаларни ечади:

- Валюталар, валюта бозорлари ва курслари ҳақида бошланғич маълумотларни тўплашни ташкил этиш;
- Валюта курсларини аниқлаш ва улар бўйича ўртача курсларни ҳисоблаш;
- Валюта курслари маконда ва замонда ўзгаришини тахлил қилиш;
- Валюта курсларининг даражасига ва ўзгарувчанлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;
- Валюта курсларини прогноз қилиш;
- Валюта бозори бўйича маълумот манбаларини такомиллаштириш ва валюта курслари бўйича маълумотларни узлуксиз чоп қилиб бориш.

9.2. Валюта курсларини ҳисоблаш методлари

Валюта курсларни ҳисоблаш методлари амалга ошириладиган валюта операция ва битимларининг мақсадига, турига, мазмунига, ҳажмига бевосита боғлиқ, уларнинг ўзи эса, ўз навбатида, уларни ифодалайдиган жараён ва операцияларнинг типи ва турлари билан тўғридан-тўғри боглангандир. Демак, бу ердан валюта операция ва битмларини типларга ажратиш билан бир қаторда, валюта курсларини ҳисоблаш методларини ҳам типларга ва гуруҳларга ажратиш зарурияти туғилади.

Валюта операция ва битимлари мақсадли кўрсатмаси ва мазмуни бўйича: конверсион, депозит-кредит ва рискли операцияларга бўлинади. Валюта операцияларига қуйидагилар киради: резидентни резидентдан, резидентни норезидентдан, норезидентни резидентдан ва норезидентдан валютани сотиб олиш ёки олиб қўйиши ҳамда валюта қийматларни тўлов воситаси сифатида қўллаш; Ўзбекистон Республикаси божхона территориясига валюталарни олиб кириш ва олиб чиқиш; бир шахсга қарашли, лекин турли территорияларда жойлашган счетларнинг биридан иккинчисига валюта ва валюта қийматларини ўтказиш (резидентлар ва норезидентлар бўйича); валюта биржаларида бажариладиган валюта операциялари ва бошқалар.

Олдиндан келишилган курс бўйича бир валютани иккинчи валютага оддий алмаштириш конверсион операция дейилади. У, ўз навбатида, жорий ёки спот операциялари ва форвард курсларига бўлинади. Спот курси бўйича операция амалга оширилгандан кейин валюта икки кун ичида ўтказилади, форвард курс бўйича операциянинг бажарилиши шартномада келишган вақт бўйича келгусида амалга оширилади.

Бўш турган (ёки ортиқча) пул маблағларининг маълум бир фоиз билан жойлаштирилиши ёки етмай турган чет эл валютасини операцияга жалб қилишга депозит-кредит валюта операциялари дейилади. Улар вақт бўйича қисқа ва узоқ муддатли операцияларга бўлинади.

Амалга ошириладиган рискли валюта битимларини мазмуни шундан иборатки, ҳар бир валюта битими измоланаётганда улар етарли даражада кафолатланиши шарт. Шу нуқтаи назардан бу операцияларга бериладиган кафолатнинг мустаҳкамлиги даражаси ва кафолатчиларнинг ўзларини

мустаққамлиги бўйича гуруҳларга бўлинади. Бу ерда, риск жуда юқори, ўртача ва жуда паст бўлиши мумкин. Ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу бажариладиган операцияга, унинг ҳажмига ва битим тузувчиларнинг бир-бирини қанчалик яхши билишига ёки ўрганганлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам валюта операцияларини амалга оширишда шошма-шошарликка йўл қўймасдан, халқ моқоли "етти ўлчаб бир кес" тамойилида иш тутилса ёмон бўлмайди.

Энди валюта курслари тўғрисида. Ҳозирги замон иқтисодий адабиётида курс сўзи икки хил (тор ва кенг) маънода ишлатилади. Айрим муаллифларда бу иккаласини чалкаштириб юборишади. Товарларнинг баҳоси курслари, хизмат ва капитал курслари, қимматли қоғоз курслари, валюта курслари тўғрисида бир қанча қарама-қарши ва нотўғри фикрлар ҳам бор. Масалан, курс билан ставка ва нормалар аралаштирилади. Маълумки ставка ва нормалар, амалга ошириладиган битимларнинг самарадорлигини, уларнинг бошқаларга нисбатан нисбий устунлигини ифодалайди.

Тор маънода курс деганда валютанинг ёки қимматли қоғозларнинг алмаштириш курси тушунилади, кенг маънода эса - битим ёки операцияни амалга ошириш қиймати, баҳоси тушинилади. Бу курс билан бир хизмат, товар ёки капитал иккинчисига алмаштирилади.

Мақсади ва вазифаси, ҳисоблаш методлари, қамраб олиши ва бошқаларига қараб валюта курслари расмий, умумий, реал, озод, экспорт-импорт, биржа, алмаштириш, қора бозор ва бошқаларга бўлинади.

Курсларни белгилашда энг асосий вазифа - уларнинг харид қобилияти тенглигини таъминланшдир. Валюталарнинг тенглиги алмаштирув, расмий ва реал тенгликлардан иборатдир. Валюталарнинг турли бозорларда бир-бирнг ўрнини босадиган бир хил курсларда айрабошланишни, уларни мувозанатини характерловчи тенглик алмаштирув тенглик дейилади. Расмий тенглик (ўзаро ёки номинал тенглик ҳам деб юритилади) давлат молия органлари томонидан эълон қилинади. Реал тенглик (курс) икки ёки ундан ортиқ мамлакатнинг товарларига, хизмат ва капиталга бўлган баҳоларини таққослаш асосида ҳисобланиб, мамлакатнинг давлатмандлилигини, бойлигини ва тўлов қобилиятини ифодалайди.

Икки мамлакат валютасининг тенглиги - уларнинг иқтисодий ривожланиши мувозанати айнан бир хиллигидир, мослигидир, иқтисодий ривожланишнинг мослиги - валюта тенглигини сақлашни кафолатидир.

Валюта ҳисоб-китобларида муҳим масалалардан бири - валюта котировкасидир. Котировка деганда миллий валюта курсини бошқа мамлакат валютасида белгилаш тушунилади. Котировка тўғри ва тескари турларга бўлинади. Кўп давлатларда тўғри котировка ишлатилади. Унинг мазмуни қуйидагидан иборат - чет мамлакат валютасининг бир бирлиги миллий валютани "Х" бирлигига тенг. Бу пайтда чет мамлакат валютаси эълон қилинган курс бўйича сотилади, миллий валюта эса сотиб олинади. Тескари котировкада эса миллий валютани бир бирлиги чет мамлакат валютасини "Х" бирлигига тенг деб олинади. Бу пайтда чет мамлакат валютаси сотиб олинади, миллий валюта эса сотилади.

Европанинг бир қатор мамлакатлари халқаро ҳисоб-китобларда асосан тескари котировкадан фойдаланишади, Лотин Америкаси ва Осиё давлатлари -

тўғри котировкадан. АҚШда котировканинг икки тури ҳам қўлланилади.

Тўғри котировка қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$К = S_0 : R \text{ бу ердан } R = S_i : S_0 ,$$

бу ерда S_1 = миллий валютадаги сумма; S_0 - чет мамлакат валютасидаги сумма; R - милий валютанинг чет мамлакат валютасидаги курси.

Тескари котировка $S_0=S_1:R$, $R=S_0:S_1$

Масалан, молия бозорида қуйидаги курслар учраши мумкин: USD/UZS; GBR/INR; ITL/CAD ва ҳакозолар.

Ўзбек фирмаси ўз товарини Грецияда сотиб 40,0 млн драхмага эга бўлди. Лекин унга Америка доллари керак. Демак драхмани долларга алмаштириш керак, ўша кундаги курс USD/GBP – 1615,3 га тенглиги аниқланди Шу курс бўйича алмашув операцияси бажарилса ўзбек фирмаси 24763 (40.000.000/1615,3) АҚШ долларига эга бўлади.

Молия бозорида валютани сотиб олиш ва сотиш курслари мавжуд. Бу курслар талаб ва таклиф курслари деб ҳам аталади Маълумки банклар валютани талаб курси бўйича сотиб олади, таклиф курси билан сотади. Валютачилар жаргонида (махсус тилида) сотиб олиш курси –“bid”, сотиш курси – “offer” деб аталади (жаргон бўйича АҚШ доллари –кўк, бакс, Австрия доллари – осси, Новозеландия доллари – киви, фунт стерлинг – паунда ва бошқалар). Улар ўртасидаги фарқ маржа ёки спрэдни ташкил қилади (bid – offer = спрэд).

Масалан, “HDH” қўшма корхонаси (Тошкент) ишлаб чиқарган товарини Штутгарддаги харидорга сотиб 30 млн. еврога эга бўлди. Бу пулнинг ярми АҚШ га асбоб-ускуна сотиб олиш учун кўчирилиши керак. Курслар USD/EUR – 1,101-1,110. Кўриниб турибдики, АҚШ доллари 1,110 курс билан сотиб олинади. Демак, АҚШ кўчириладиган доллари хажми тенг: (30000000:2):1,110 = 135135135 доллар.

Маржа суммаси банкнинг валюта операцияси билан боғлиқ харажатларни қоплайди, ортиқчаси эса банк фойдаси бўлади.

Конверсион операцияларнинг бажарилиш турига қараб валюта курслари: расмий, банклараро, жорий, биржа ва жорий алмаштириш курсларига бўлинади. Расмий курс Марказий банк томонидан эълон қилинади, қолган курслар эса валютага бўлган талаб ва таклиф асосида белгиланади. Улар расмий курсдан бутунлай фарқ қилиши мумкин. Бу табиий ҳол.

Валюта бозорида юқоридаги курслардан ташқари яна кросс, спот ва форвард курслари ҳам мавжуд.

Икки ва ундан ортиқ валюта курсининг учинчи валютага нисбати кросс курс дейилади.

Кросс курсни қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$Кк = Vкот : Vбаз ,$$

бу ерда: *Кк* - кросс курс; *Vкот* - котировка бўладиган валюта; *Vбаз* - база (асос) деб қабул қилинган валюта.

9.1-жадвал

Чет эл валюталарининг қисқача белгилари (уч ҳарфли)

№	Валютани уч ҳарфли лотинча белгилари	Валютанинг номи	Мамлакати
1.	UZS	сўм	Ўзбекистон
2.	USD	доллар	АҚШ
3.	AFA	афғони	Афғонистон
4.	JPY	йен	Япония
5.	GBP/STG	фунт стерилнг	Англия
6.	CHF (SFR)	франк	Швейцария
7.	ISS	шекел	Исроил
8.	IRR	риёл	Эрон
9.	KGS	сом	Қирғизистон
10.	LAK	кип	Лаос
11.	ECU(XEU)	экю	Европа
12.	EUR	евро	Европа
13.	AUD	доллар	Австралия
14.	NZD	доллар	Янгизеландия
15.	CAD	доллар	Канада
16.	SGD	доллар	Сингапур
17.	CAF	франк	Камерун
18.	ETB	бир	Эфиопия
19.	SEK	крона	Швеция
20.	NOK	крона	Норвегия
21.	DKK	крона	Дания
22.	ALL	лек	Албания
23.	BGL	лев	Болгария
24.	GRD	драхма	Греция
25.	RUB	рубль	Россия
26.	UAH	гривна	Украина
27.	BYR	рубль	Белоруссия
28.	KZT	тенге	Қозоғистон
29.	PLN	злотый	Польша
30.	CZK	крона	Чехия
31.	HUF	форинт	Венгрия
32.	BRC	крузейро	Бразилия
33.	CNY	юань	Хитой
34.	HKD	доллар	Гонконг
35.	IEP	фунт	Ирландия
36.	INR	рупия	Индия
37.	CUP	песо	Куба
38.	MAD	дирхем	Марокко
39.	ZAR	рэнд	Жанубий Африка

Масалан, 2001 йил 8 март куни фунт стерлингнинг долларга (АҚШ) нисбатан курси 0,5477, Куба песосини курси (бир доллар) ёки *USD/CUP* 5,2337. Бу ердан кросс курс тенг:

CUP/GBR =0,5477:5,2337=0,1046

Демак, бир Куба песосига деярли 0,11 фунт стерлинг берилади. Вақти бўйича валюта курслари сотилган валютани ўтказиш (бериш) спот ва форворд курсларга бўлинади. Сотилган валюта суммаси ўша кунни ўзида ёки икки кун ичида ўтказилса (берилса), бу курс спот (кассали, жорий) курс деб аталади.

Форвард (муддатли, олдиндан келишилган) курслари форвард операцияларига асосланади. Форвард операциялари деганда валюталарни алмаштириш бўйича олдиндан келишилган курс билан бугунги тузиладиган битимлар, лекин валюталаш (валюта ўтказиш куни) келгусида амалга ошириладиган ёки бир валюта иккинчиси билан битим тузилган кундаги курс билан сотиб олишга тушунилади. Масалан. 16 март куни битим тузилди. Бу битим бўйича валюталаш муддати 2 қисмдан иборат: 16 март ва 16 июн. Демак, 16 март куни ўтказилган спот курси дейилади, 16 июнда ўтказилган валюта – форвард курс.

Форвард операциялари аутрайт ва своп битимларига бўлинади. Валюталаш куни аниқ кўрсатилган ягона конверсион операциялар ёки битимлар, уларнинг аъзолари (томонлар) кескин келишилган муддатда тўловни кўзда тутган форвард курси бўйича амалга оширувчи оддий муддатли валюта битимига аутрайт дейилади. Турли валюталаш саналари билан бир-бирига қарама-қарши конверсион операциялари комбинацияси своп дейилади.

Форвард курсларини ўрганишда ва аниқлашда форвард муддатлари муҳим роль ўйнайди. Улар стандарт даврларга (1,2,3 ва 6 ой) ва қисқа (1,2 хафта) ҳамда синган саналарга (масалан, 40 кун) тузилиши мумкин. Бу ерда қуйидаги қоидани эслаб қолиш шарт: байрам ва дам олиш кунлари ҳисобга олинмайди; агарда спот ойининг охирги кунига тўғри келса, валюталаш куни ҳам шу куни бўлади. Масалан, битим 26.02 тузилди. Спот курс бўйича валюталаш 28.02 ҳисобланади. Фарворд битим икки ойга тузилса валюталаш куни 28.04 эмас, 30.04 ҳисобланади.

Аутрайтни ҳисоблаш

Форвард (аутрайт ҳам деб юритилади) курс бўйича валюта сотилган куни эмас, шартномада белгиланган вақтда ўтказилади ва у қуйидаги формула билан ҳисобланилади:

$$Кф = X : V = \frac{Кс + \frac{Кс \cdot i \cdot t}{360(365) \cdot 100}}{e + \frac{e \cdot i \cdot t}{360(365) \cdot 100}}$$

бу ерда: Кс - спот-курс; i - фоиз ставкаси; t - кунлар сони; e - валюта бирлиги.

Форвард курсни спот курсга форвард очколарини қўшиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин:

$$Кф = Кс + Фо, \text{ бу ердан}$$

$$Кс \ \frac{t}{360\ (365)} \ x \ \frac{Фоиз\ ставкаси\ асоси - Валюта\ фоиз\ ставкаси}{100}$$

$$Фо = \frac{\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad}{\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad\qquad},$$

$$1 + \frac{\text{Фоиз ставкаси асоси}}{100} \times \frac{t}{360\ (365)}$$

бу ерда: Фо - форвард очколари; Кс - спот-курси.

Агарда Фо=0,001 тенг бўлса бир очко ҳисобланади.

Мисол. Банк мижози АҚШ долларига Конго франкини сотиб олмоқчи. Битим кунидаги курс USD/XAF 5,1330 - 5,1345. Уч ойга белгиланган фоиз ставкалари:

	талаб	таклиф
АҚШ доллари	8,43	8,55
Конго франки	10,25	10,37

Форвард курси аниқлансин.

Форвард курсни аниклашдан олдин, спот курси (бизда берилган 5,1330) ва форвард очколари сони ҳисобланади.

$$\hat{O}\hat{i} = \frac{5{,}1330\dfrac{92}{360}\left(\dfrac{8{,}55 - 10{,}25}{100}\right)}{1 + \left(\dfrac{8{,}55}{100} \times \dfrac{92}{360}\right)} = 0{,}0218$$

Энди форвард курсини аниқлаймиз

$$Кф = 5{,}1330 + 0{,}0218 = 5{,}1548.$$

Одатда форвард курси устама ёки мукофот (репорта) ёки чегирма (депорта) методи билан ҳам аниқланади. Репорта фовард курсни спот курсдан катталигини (юқорилигини), депорта эса форвард битими бўйича курс, спот битимидаги курсдан пастлигини кўрсатади. Репорта ва депорта ставкаларини нисбати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$A = Kct(i_0 - i_1)/(360x100),$$

бу ерда; А - депорт; Кс - спот курс; i_0 - чет мамлакат валютасини фоиз ставкаси; i_1 - миллий валюта фоиз ставкаси.

Форвард ва спот курслари ўртасидаги фарқ (форвард маржаси ҳам деб юритилади) жаҳон капитал бозорларидаги банк депозити бўйича фоиз ставкаларига боғлиқ.

Қайси мамлакатларда депозит бўйича фоиз ставкалари паст бўлса, уларни валютаси мукофот билан котировка қилинади, фоиз ставкаси баланд бўлган давлатларда - чегирма билан.

Юқорида келтирилган формула классик формула бўлиб, у бўйича bid ва offer эътиборига олинмасдан ўртача аутрайт курси учун ўртача форвард очколари ҳисобланади. Лекин барча банкларда спот ва форвард курслари икки томонлама котировка қилинади. Шунинг учун ҳам форвард очколарини bid ва offer учун ҳисоблаш зарур.

Форвард курси синган саналар учун ҳам ҳисобланади. Уни юқорида келтирилган формулалар ёки матбуотда эълон қилинган форвард очколари ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Кейингисига тўхталамиз. Масалан, USD/LAK аутрайт битими икки ойу ўн кунга тузилган. Форвард очколари 2 ойга 41-57, 3 ойга – 65-84га тенглиги маълум. Фарқи bid=24 (65-41); offer=27 (84-57). Бир кун учун: 0,8 (24:30); 0,9 (27:30) тегишли равишда. Ўн кун учун: 8 (0,8x10); 9(0,9x10). Бу ердан 70 кун учун форвард очколари тенг: 49(41+8); 66(57+9).

Валюта бозорида своп курси ҳам мавжуд. Бу курсда спот ва форвард курслари уйғунлашиб кетади.

Своп битимлари уч турга бўлинади: 1) стандарт (спотдан); 2) қисқа (бир кунлик, спотгача); 3) форвард (спотдан кейин).

Агар банк биринчи битимни спотга, унга тескарисини ҳафталик форвард шартида бажарса, ундай своп “Своп-уик” дейилади. Агарда биринчи битим “эртага” валюталаш санаси билан амалга ошса, тескасири спотга амалга ошса бундай своп “том-некст” дейилади. Агарда муддати яқин битим форвард шарти билан унга тескари битим кеч форвард шарти билан тузилса, бундай своп форвардли дейилади.

Агар валюта спот шарти билан сотилса ва шу пайтни ўзида у форвард шарти билан сотиб олинса бу битим ёки операция "Репорт" деб аталади.

Агарда чет мамлакат валютаси спот шарти билан сотиб олинса ва шу пайтни ўзида форвард шарти билан сотилса бу битим ёки операция "Депорт" дейилади.

Бу битимларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уларда нақд валюта қатнашмайди. Бу битмлар мажбурият ёки талабларни алмаштиришни ифодалайди. Своп битмини амалга оширувчи томонлар валютани спот курс билан сотиш (сотиб олишни) ва форвард курс билан сотиб олишни (ёки сотишни) мувофиқлаштириб оладилар. Натижада спот курс миқдори битим қатнашчиларининг молиявий натижаларига таъсир ўтказмайди, чунки форвард курси ўзгармайди ва шу билан бир қаторда спот курсни мувофиқлаштиради.

Яна бир қоидага тўхталмоқчимиз. Валюта сотиб олишдан олдин, норматив валюта курсини ҳисоблаб кўриш мақсадга мувофиқ. Агар сиз сотиб оладиган курс НВКдан юқори бўлса валютни сотиб олиш тавсия қилинмайди ва тескариси. НВКни ҳисоблаш учун айрим бирликлар бўйича эмас, балки кўриладиган барча молиявий объектлар ва активлар бўйича валют курслари фарқларини ҳисоблаш зарур.

НВК қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Í\ ÂÊ_{À/Ó\varsigma} = \frac{\sum_{i=1}^{n} \frac{P_A}{P_{Ó\varsigma}}\, p_{Ó\varsigma} q_{Ó\varsigma}}{\sum_{i=1}^{n} p_{Ó\varsigma} q_{Ó\varsigma}}$$

бу ерда: $P_{уз}$ - Ўзбекистондаги товар баҳоси; P_A - АҚШдаги товар баҳоси; $q_{уз}$ -ишлаб чиқарилган товар ҳажми.

Норматив валюта курси молия бозорида самарадор курс деб ҳам юритилади. Ҳамма курслар шу курсга нисбатан корректировка қилинади ва курсни динамикасини ўрганиш учун самарадор курс индекси ҳисобланади.

$$I_{самарадор\ курс} = I_{НВК} : I_{турмуш\ қиймати}$$

Бу индекслар иқтисодий статистика фанида чуқур ўрганилишини ҳисобга олган ҳолда, биз уларга батафсил тўхтамадик.

9.3. Валютанинг ҳаққоний (реал) курсларини аниқлаш методлари

Реал курс деб контрагент (ўзаро шартномага эга бўлган) мамлакатларида ишлаб чиқариладиган (сотиладиган) бир хил товар (хизмат) нархининг нисбатига айтилади. Бу дегани бир Америка доллари неча сўм туради ёки тескариси. Реал курсни битта товар мисолида қуйидагича аниқлаш мумкин. Масалан, нон бўйича. Бир киллограмм нон (январь 2009 йил) Ўзбекистонда 300 сўм туради, АҚШда эса 0,5 доллар. Бу ердан реал курс Кр=Ру:Ра=300:0,5=600 сўм. Демак бир доллар 600 сўм турар экан. Битта товар бўйича реал курсни ҳисоблаш жуда осон экан. Лекин бизга маълумки ишлаб чиқариладиган ва сотилган товарлар (хизматлар) сони 100 минг атрофида. Хўп, барча товарлар (хизматлар) бўйича реал курс қандай аниқланади? Бу ишни махсус билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар иқтисодий-статистик методларини қўллаш билан бажаради.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий амалиётида реал курсларни ҳисоблашда икки метод қўлланилади: биринчи метод танлаб кузатиш маълумотларига асосланса, иккинчиси ёппасига кузатиш маълумотларига асосланади. Иккала методда ҳам икки ва ундан ортиқ мамлакатлардаги товарларга, хизматларга ва капиталга бўлган баҳолар таққосланади. Ҳисоблаш усули иккала методда ҳам бир хил, фақат тўплам ҳажмига қараб олинган натижалар ҳар хил бўлиши мумкин. Амалиётда, реал курслар, кўпчилик пайтда, танлаб кузатиш маълумотларига асосланади. Чунки маълумот тўплаш осон, кўп харажат ва вақт талаб қилмайди. Бу методни, айрим пайтларда, товар-вакиллари методи деб ҳам аташади. Реал курсларни ҳисоблаш қуйидаги босқичлардан ташкил топади.

1. Биринчи босқичда товар вакиллари ажратиб олинади. Уларга энг тарқалган товарлар, хизматлар ва капитал киритилади. Фақат биргина давлатда ишлаб чиқариладиган товарлар бу рўйхатга кирмаслиги табиий.

Танлаб олинган баҳолар (товарлар) асосида махсус спецификациялар тузилади. Улар айнан баҳоларни (товарларни) юқори аниқликдаги вакиллигни таъминлаши керак ва танлаб олинган баҳо индексларини бутун (товарлар, хизматлар ва капитал) тўпламга ёйишга имконият яратишлари керак. Демак, танланма паритетлар асосида умумий тўплам учун ўртача тортқичли паритет ҳисобланади.

2. Иккинчи босқичда таққосланиладиган умумий қимматли кўрсаткичлар дезагрегация қилинади, яъни типларга ажратилади. Товарлар, хизматлар ва капиталлар катталаштирилган гуруҳлари, гуруҳлари ва бошланғич гуруҳларга ажратилади (улар 150 дан 300 тагача бўлиши мумкин) ва улар асосида аниқ ҳисоблар ва таққослашлар олиб борилади. Бу босқичдаги вазифа шундан иборатки, бошланғич гуруҳларнинг зарур ва аниқ сонини аниқлаб олиш зарур. Чунки улар келгуси босқичларда танланадиган товар-вакиллар сонини қисқартиришга имкон беради, товар-вакиллар сониқанча кам бўлса иш шунча осонлашади.

3. Бу босқичда ҳар бир гуруҳдан битта ёки бир нечта энг типик,

репрезентатив вакилни ажратиб олинади. Бу товар шу гуруҳ товарлари ичида энг тарқалган ёки эквивалент баҳони ифодалаши керак. Шу товар характеристикаларининг йиғиндиси қолган гуруҳ товарлари учун ҳам ўхшаш бўлиши товар характеристикаларнинг ўзи миқдори ўлчамга эга бўлиши керак. Паст ва юқори сифатли товарларнинг баҳоси ўртасидаги фарқ сифатни ҳисобга олувчи корректировка қилиш методлари ёрдамида пасайтирилади ёки умуман бартараф этилади.

4. Ҳар бир товар гуруҳи учун баҳо индексларини ҳисоблаш (товар-вакиллар сони бўйича). Маълумки, улгуржи баҳо, истеъмол баҳоси, ЯИМ баҳоси - дефлятори, импорт-экспорт баҳолари индекслари алоҳида-алоҳида ҳисобланилади.

Умумий индексларнинг агрегат формуласи бу индексларни ҳисоблаш асоси бўлиб ҳисобланади. Бу индекслар худудий индекслар ҳам деб аталади. Бу индексларда вазн вазифасини, таққослаш мақсадига мувофиқ ҳар қандай давлат ўташи мумкин. Масалан, А давлатни вазни таркиби бўйича валюта паритети умумий индекси қуйидаги формула билан ҳисобланилади (агрегат формада):

$$I_P = \frac{\sum P_A q_A}{\sum P_Á q_A} \text{ ёки } \frac{\sum P_Á Ð_Á}{\sum P_À Ð_Á}$$

5. Энг кичик гуруҳлар учун энг кичик ўртача гуруҳ валюта паритети индексларини ҳисоблаш зарур.

6. Бешинчи босқичда ҳисобланган индекслар асосида йириклаштирилган паритет индексларини алоҳида йириклашган агрегатлар бўйича ҳисоблаш. Масалан, товар ва хизматларнинг истеъмоли, инвестициялар ва ҳ.к.

7. Охирги босқичда агрегатлар бўйича ҳисобланган индекслар асосида умумий товар, хизмат ва капитал индекслари аниқланади. Бу индекслар айнан бир мамлакат валютасининг иккинчи давлат валютасига нисбатан харид қобилиятини характерлайди.

Индексларнинг тортқичлари (вазнлари) турли вариантли бўлиши муносабати билан бир-биридан ±7-8 фоизга фарқ қилувчи умумий валюта паритети индексларига эга бўламиз. Амалиётда бу фарқни йўқотиш учун валюта паритетини ўртача геометрик индекси ҳисобланади:

$$J_n = \sqrt{\frac{\sum P_1 q_1}{\sum P_0 q_1} x \frac{\sum P_1 q_0}{\sum P_0 q_0}}$$

БМТнинг халқаро валюта ҳисоб-китоблари амалиётида валюта паритети индекслари, одатда, ҳар қандай давлат баҳоси битта давлат баҳоси (марказий, асос килиб олинган баҳо) билан таққосланади. Шу пайтнинг ўзида марказий баҳога нисбатан ҳисобланган индекс билан қамраб олинмаган хоҳланган икки мамлакат паритет индекси билвосита ҳисобланиши мумкин, яъни бу мамлакатлар учун ҳисобланган валюта паритети индекслари марказий мамлакат билан ҳисобланган индексларга қайта ҳисобланади.

Валюта паритети индексларини ҳисоблашда, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган товар, кўрсатилган хизмат ва капитал қийматини таққослаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 1000 сўмга, 1000 рупийга, 1000 франкга неча килограмм нон, гуруч ёки банан сотиб олиш мумкин, неча марта сартарошга соч олдириш мумкин. Бу кўрсаткичлар, албатта, ўша давлатлар (Ўзбекистон,

Ҳиндистон, Конго) учун ва шу давлат аҳолисига нисбатан ҳисобланади.

Бу паритетлар ҳам қуйидаги босқичларда ҳисобланади. Биринчи босқичда ҳар бир товар ва хизмат баҳоси нисбати аниқланади. Кейин тортқичли ўртачалар гуруҳ товар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилинади. Учинчи босқичда эса тегишли хиссаларда умумий жуфт даражалар паритетлари аниқланади.

Юқорида келтирилган методика бўйича ХВФ ҳар бир мамлакат, гуруҳ мамлакатлар ва қитъалар бўйича паритетлар ўрнатади. Далил сифатида ХВФ томонидан таклиф қилинган турмуш даражаси баҳоловчи коэффициентларни келтиришимиз мумкин.

Ғарб индустриал ривожланган давлатлар	0,73
Олдинги Шарқий Европа	1,86
Осиёдаги ривожланаётган давлатлар	2,42
Африкадаги ривожланаётган давлатлар	2,35

Демак, ўртача турмуш даражасини баҳолаш учун, масалан Ҳиндистонни бошқа давлатларга нисбатан, унинг жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулотини 2,42 га кўпайтириш керак.

Валюта ҳисоб-китобларида мавжуд, ҳақиқий валюта курсларидан ташқари, келгусида кутиладиган курслари ҳам ҳисобланади. Бу иш прогнозлар тузиш методлари ёрдамида бажарилади. Валют курсларини прогнозлаш методлари қуйидагиларга бўлинади: статистик методлар; эксперт баҳолаш методлари; график методи.

Биринчи гуруҳ методлар ёрдамида макроиқтисодий таҳлил амалга оширилиб ва шу таҳлил асосида умумий иқтисодий барометрлар тузилса; иккинчи - бозор конъюнктураси барометрлари; учинчи - ҳозирги замонавий компьютер таҳлили асосида иқтисодий ривожланиш ва бозор конъюнктурасининг алоҳида олинган графиклари тузилади. Бу методлар ўзаро боғлиқ ва учала гуруҳ биргаликда умумий иқтисодий конъюнктурани комплекс баҳолашда умумий баҳолаш базаси бўлиб хизмат қилади.

Валюта курсларини прогнозлаш асосида ҳамма иқтисодий муносабатларни битта тизимга, ҳамма қадриятларни ва ички бозорни ҳамма кўрсаткичларини барча иқтисодий муносабатлар билан, жаҳон бозори кўрсаткичлари ва қадриятлари билан боғловчи валюта харид қобилиятини объектив баҳолаш паритети ётади.

Моҳияти бўйича валюта харид қилиш қобилияти иқтисодий ривожланишнинг бош саволи, айнан шу давлатдаги баҳонинг ўсиш даражаси, бошқа давлатлардаги ўсиш билан тенглик қандай сақланиб туради деган саволга жавоб беради. Маълумки, миллий баҳони ўсиши бошқа давлатларга нисбатан юқори бўлса, миллий валютанинг курси тушиб кетади ва тескариси.

Умумий ҳолда, валют харид қобилияти паритети қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$R=P_1:P_o\ ,$$

бу ерда: P_1 - сўм ҳисобида товар (хизмат) баҳоси; P_0 - доллар (АҚШ) ҳисобида товар (хизмат) баҳоси; R - сўмни долларга нисбатан харид қобилиятини акс эттирувчи паритет курси.

Умумий валюта паритетини ҳисоблаш учун бир қанча баҳо нисбатлари аниқланади. Уларнинг сони бир неча минг бўлиши мумкин.

Валюта курси индексининг нисбатини ҳисоблаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$\Delta T=(R_1-R_0)/(I_{p1}-I_{p0})/(1+I_{p0})$$

Бу ердан, кўзда тутилган алмаштирув курси тенг:

$$R_1=R_0(1+I_{p1})/(1+I_{p0})$$

бу ерда: ΔТ- алмашув курсининг ўсиш (ўзгариш) суръати; I_{p1} - Ўзбекистондаги истеъмол баҳолари индекси; I_{po} - Америкадаги истеъмол баҳолари индекси; R_1 - сўмнинг долларга нисбатан жорий алмаштирув курси; R_0 - сўмнинг долларга нисбатан базисли алмаштирув курси.

Умумий ҳолда (кўринишда) валютани харид қобилияти паритети қуйидагича аниқлаймиз:

$$R_{x.к.}=\frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n}\frac{P_{i1}Q_{i1}}{P_{i0}Q_{i0}},$$

бу ерда: Qi - тегишли товарлар ва хизматларни ялпи миллий маҳсулот ёки миллий даромаддаги хиссаси; n - стандарт тизимга (саватга) кирган товарлар сони; P_{i1}, P_{i0} - тегишли равишда (сўм ва доллар ҳисобида) товарлар, хизматлар ва капиталларга бўлган баҳолар.

Бу индексни ҳисоблаш жуда катта вақт ва меҳнат талаб қиладиган иш. Маълумки, баҳонинг ошиши валютанинг харид қобилиятини пасайтиради ва тескариси. Бундан ташқари баҳонинг ўзгариши ҳар хил мамлакатда ҳар хил, доимий ва турли йўналишда. Бу ерда жорий харид қобилияти паритетини ҳисоблаш зарурияти туғилади ва бу ҳисобланган кўрсаткич валютанинг харид қобилияти индекси дейилади ва қуйидаги формула билан ҳисобланилади:

$$J_{и.х.к.}=\sum\frac{\sum p_1q_1}{ip}:\sum p_1q_1 \quad ёки \quad \frac{1}{J_p}$$

Бу индекс валютанинг жорий курсини ифодалаб, харид қобилияти паритетидан четланиши мумкин. Бундай пайтда валюта қийматини паст ёки юқори баҳолаш тўғрисида гапиришади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда валюта реал ва жорий курслари параллел аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Унинг асосида валюта конвертацияси амалга ошириладиган валюта паритети баҳо индекси формасида ифодаланади:

$$I_p=1/\sum\frac{d}{ip},$$

бу ерда: d - товар айланмасидаги товарлар хиссаси; i_p - товар бир бирлиги баҳоси (тақкосланадиган мамлакатлар учун) конвертация коэффициентини ифодаловчи баҳо гуруҳ индекси.

Агар Σd=1 (ёки 100%) тенг бўлса, бу формуламиз қуйидаги кўринишда бўлади:

$$I_p=\sum d/\sum\frac{d}{ip}$$

Талаб ва таклиф назариясига мувофиқ, таклиф қилинган пул миқдори билан, шу пулга бўлган талаб миқдори тенг бўлиши керак, бунинг ўзи эса ялпи ички маҳсулот қийматига тўғри пропорционал. Икки мамлакат ўртасида қуйидаги боғлиқликларни ўрнатиш мумкин:

$$П_1=К_1 х Р_1 х ЯИМ_1;\ П_0=К_0 х Р_0 х ЯИМ_0\ ,$$

бу ерда: $П_1$, $П_0$ - ички ва ташқи бозорда таклиф қилинган пул миқдори; $К_1$, $К_0$ -ички ва ташқи бозорда баҳонинг даражасини аниқловчи коэффициентлар; ЯИМ - ялпи ички маҳсулот (масалан, Ўзбекистон ва Япония).

Агарда $К_1/К_0$ нисбатлари доимий ёки бирга тенг бўлса, мамлакатлар ўртасидаги баҳолар даражаси нисбати қуйидагича ифодалананиши мумкин.

$$P_1/P_0 = (П_1/П_0)\ x\ (ЯИМ_1/ЯИМ_0)$$

Юқоридаги формулаларни қўллаб валюта курсининг пул массаси ва ЯИМ боғлиқлиги тенгламасини олиш мумкин:

$$R = [(П_1 – Э_{ч1})/(П_0 – Э_{ч0})] \text{ x } [(З_{по} + И_0 + Э_{чо})/(З_{п1} + И_1 + Э_{ч1})]$$

бу ерда; Э - капитални соф экспорти; З - истеъмол харажатлари; И -инвестициялар.

9.4. Валюта курсининг ўртача кўрсаткичлари

Валюта бозори бўйича тўпланган бошланғич маълумотларни статистик қайта ишлаш жараёнида нисбий ва ўртача кўрсаткичларга эга бўламиз. Масалан, валютанинг сотиб олиш ва сотиш курсларини қўшиб иккига бўлсак, ўртача валюта курси келиб чиқади.

Битта валютанинг маълум бир даврдаги (хафта, ой, квартал) ўртача курси:

1. Оддий ўртача арифметик формула билан:

$$\overline{K} = \frac{\sum K_i}{n}$$

бу ерда $К_i$ – савдо кунларидаги валюта курси; n – кунлар сони.

2. Ўртача геометрик формула билан:

$$\overline{K} = \sqrt[n]{K_1 \cdot K_2 \cdot ... \cdot K_n}$$

Валюта курсининг ўзгаришига ўртача арифметикни сезгирлик даражаси анча юқори. Ўртача геометрик эса камроқ миқдорда ўзгаради. Бундан ташқари, ўртача геометрикнинг устунлигидан яна бири, у билан ҳисобланган тўғри ($\overline{K}$) ва тескари (R) котировкада ҳисобланган ўртача валюта курслари тескари боғлиқликда бўлади:

$$\overline{K}_{геом} = \sqrt{\frac{1}{R_1} \cdot \frac{1}{R_2} \cdot ... \cdot \frac{1}{R_n}} = \frac{1}{\overline{R}_{геом}};$$

$$\overline{K}_{ариф} = \frac{\sum K}{n} = \frac{\sum \frac{1}{R}}{n} \neq \frac{1}{\overline{K}_{ариф}}$$

Амалиётда, одатда ўртача валюта курслари хафталик, ойлик ва кварталлик маълумотлар бўйича аниқланади, йиллик маълумотлар бўйича ўртачалар деярли ҳисобланмайди, чунки улар йилнинг охирги санасига берилади.

3. Валюта бозорини турли шубаларидаги маълумотлар бўйича ҳам ўртача валюта курслари торткичли арифметик формула билан аниқланади:

$$\overline{K} = \frac{K_A Q_A + K_Б Q_Б}{Q_A + Q_Б} = \frac{\sum KQ}{\sum Q}$$

бу ерда К – валюта курслари; Q – савдо хажми.

9.2-жадвал

Савдо ҳажми ва бозор шубаларидаги валюта курси

Бозор шубалари	Доллар курси (1 долларга нисбатан)	Савдо хажми (млн.долл.)
Нақд пул	1480	18,21
Банклараро	1400	24,17
Биржа	1350	11,09

Валютанинг ўртача курси тенг:

$$\overline{K} = \frac{1480 \cdot 18{,}21 + 1400 \cdot 24{,}17 + 1350 \cdot 11{,}09}{18{,}21 + 24{,}17 + 11{,}09} = \frac{79303{,}5}{53{,}47} = 1480 \text{ сўм}.$$

Валюта курсларини вақт бўйича ўзгариш одатда ўртача курслар асосида ҳисобланади:

$$i = \overline{K}_1 : \overline{K}_0$$

Валюта курсларини динамикасини ўрганишда ўртача тортгичли курсларга афзаллик берилади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\overline{K}_{ij} = \frac{\sum K_{ij} Q_{ij}}{\sum Q_{ij}}$$

бу ерда j – мамлакатр валюта бирлигига i – мамлакат валюта миқдори (валюта курси); j – мамлакат томонидан i – мамлакат товар обороти.

Алмаштириш курсининг пасайиши девальвация, ортиши – ревальвация дейилади. Ушбу жараёнлар динамикасини ўрганиш учун девальвация ва ревальвация коэффициентларини ҳисоблашади.

Девальвация коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{дев.} = \frac{\text{К}_{\text{эски}} - K_{янги}}{K_{эски}} \cdot 100 = \frac{\Delta_K}{\text{К}_{\text{эски}}} \cdot 100$$

Ревальвация коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{\text{рев.}} = \frac{K_{янги} - K_{эски}}{K_{янги}} \cdot 100$$

Фараз қилайлик, доллар курси сентябр ойида 1470 сўмни, октябр ойида 1450 сўмни, ноябр ойида 1480 сўмни ташкил қилди.

Девальвация коэффициенти тенг:

$$K_{\text{дев.}} = \frac{1470 - 1450}{1470} \cdot 100 = 1{,}36\%$$

Ревальвация коэффициенти тенг:

$$K_{рев.} = \frac{1480 - 1450}{1480} \cdot 100 = 2{,}03\%$$

Иқтисодий инқирозлар билан қамраб олинган иқтисодиёт шароитида, яъни

бугунги кунда валюта курсини инфляцияни ҳисобга олган ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади. Баҳо ва валюта курсларини таққослашда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади.

1. $$K_{\text{реал}} = \frac{K_{номинал}}{\text{J}_{ист.бахо}}$$

бу ерда $К_{реал}$ – валютанинг инфляцияни ҳисобга олган холда ҳисобланган курси; $К_{номинал}$ – валютанинг инфляцияни ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобланган курси; $J_{ист.бахо}$ – истеъмол баҳолари индекси.

2. Валюта курси динамикасини баҳо динамикасидан ўзиб кетиши коэффициенти:

$$J_{ўзиб\ кетиши} = \frac{J_{валютанинг\ номинал\ курси}}{J_{истеъмол\ бахо}}$$

Инфляция, валюта курси, девальвация ва ревальвация тушунчалари ўзаро боғлиқ кўрсаткичлардир. Шу муносабат билан улардан биттасини ўзгаришини ўрганишда бошқаларини ўзгаришини ҳисобга олмасак, олган натижани амалиётда ишлатиб бўлмайди. Ишлатганда ҳам, олинган хулосалар ҳаққоний хаётдан жуда узоқда бўлади. Демак, валюта курси динамикасини ўрганишда инфляция даражасини ҳисобга олиш керак, инфляция даражасини девальвация ва ревальвацияни ҳисобга олган ҳолда статистик баҳолаш мумкин.

Инфляция феномени

Иқтисодиётда инфляциянинг намоён бўлиши ва статистик баҳолаш икки ўлчов тизимида амалга оширилади. Дастлаб инфляцияни баҳоларнинг ўсиши деб ҳисобласак, лекин, ҳар қандай инфляция ҳам баҳонинг ўсиши бўлавермайди.

Бошқа бир ўлчов тизимида инфляция – бу, пулнинг қадрсизланиши, пул муомаласининг бўртиб кетиши ёки пулга тўлиб кетиш, ортиқча пуллар, деривативлар, фиктив капитал, совун пуфаклари, дефольт, умуман пул миқдорининг товар миқдоридан ортиб кетишидир.

Инфляция – бу, **ревальвация**, яъни ишсизлик ва бюджет дефицитининг ўсиши, иқтисодиёт милитаризацияси, монополиянинг кучайиши ва такрор ишлаб чиқариш диспропорцияси ҳисобланади.

Назария ва амалиётда инфляция ҳамда унинг омиллари, дефляция ва девальвация ҳамда уларнинг омиллари, харажатлар ва баҳо, талаб ва таклифларнинг ўсишини инфляцион ҳамда номонетар сабаблари турлича тушунилади ва талқин қилинади.

Инфляцияни турлича тушуниш ва турлича тасаввур қилиш ҳамда ёндашиш унинг ўлчовини унификация қилишни тақозо қилади.

Пайдо бўлиши ва табиатига кўра икки хусусиятга эга эканлиги, белгилари ва намоён бўлиш шаклларининг турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда, инфляция ва унинг омилларини баҳолаш (ўлчаш), унинг реал амал қилишини ёки реаллигини тасдиқловчи, аниқ йўналтирилган асоснома тузишни талаб этади.

Шу ўринда бугунги кунда Ўзбекистонда инфляция қандай контекстда тушунилади ва ўлчанади, у мавжуд стандартларга қанчалик мос келади ва мос

келмайди, ҳаётда ва кундалик ҳаётий фаолиятда қанчалик тўғри ва тўлиқ қўлланилади, каби саволлар туғилиши табиий ҳол.

Ўзбекистонда истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича инфляция даражаси 1994 йилдан бошлаб ҳисобланиб келинмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ушбу кўрсаткич мисли кўрилмаган даражада юқори бўлган. Масалан, 1994 йилда ўртача ойлик қўшимча ўсиш суръати 24,5 фоизни ташкил қилган эди.

Ўзбекистонда инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз, 2003 – 3,8 фоиз, 2005 – 7,8 фоизни ташкил қилган бўлса[1], 2006 – 6,8, 2007 – 6,8 фоизга тенг бўлди. 2008 йилда ушбу кўрсаткични 2007 йил даражасида ушлаб қолиш кўзда тутилмоқда[2].

Ялпи ички маҳсулот дефлятори бўйича 1991-2007 йилларда эришилган натижалар қуйидагича: 1991-1995 йилларда жуда катта силкинишлар кузатилди, яъни бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 1992 йилда 8,1, 1994 йилда – 13,4 мартага тенг бўлган. Кейинги 12 йилда (1996-2007й.й.) 1,8 – 1,2 марта оралиғида. Агар ялпи ички маҳсулот дефлятори 2007 ва 1991 йилларни таққослайдиган бўлсак, рақамлар олти сонли даражага эга бўлади. Бу иқтисодиётни бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш шароитидаги табиий холдир.

Монетар муҳитда инфляция даражаси бошида бўрттирилади, кейин секин-аста пасайтирилади, бундан сўнг эса инфляция бостирилишга йўналтирилади. Мақсад, унинг барқарорлигини тасдиқлаш, яъни баланслаштирилган баҳо ўсиши асосида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш ёки иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг пропорционал ўсиши базасида пул оқимлари барқарорлигига эришишдан иборат.

Монетар муҳитда инфляцион барқарорлик – бу, самарали иқтисодиётнинг синоними, сўзсиз, муваффақият символи, унинг ягона ва етарли индикаторидир.

Инфляция, бу нафақат монетар муваффақиятнинг индикатори, балки мулкни қайта тақсимлаш (бўлиш) ниқоби билан қопланган кучли иқтисодий манипуляция инструментидир.

Мулкни қайта тақсимлаш (бўлиш)нинг мазмуни ҳамма ерда ва ҳамма вақт бир хил, яъни – иш хақи ва бошқа даромадларни қисман кўтариш ва уларни баҳонинг демократик ўсиш ниқоби остида жадал суръатларда йиғиб олишдир.

Инфляция урчиб кетмаслигининг энг осон йўли, бир пайтнинг ўзида ва бир хил даражада иш хақи ҳамда баҳони қайд қилишдир. Бундай холатда иш хақи, унинг даражаси ва кейинчалик унинг ўсиши меҳнат унумдорлигининг тўғри функцияси, шунингдек, баҳолар ва кейинчалик уларнинг суммаси – ишлаб чиқарилган товарлар, хизматлар ҳамда капитал қийматнинг тўғри функцияси (ёки пировард натижада талабнинг ўсиши) бўлар эди. Натижада, бир давр учун муомаладаги пул массаси (унинг айланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда) ҳамма вақт ва ҳамма ерда товарлар, ҳизматлар ва капитал баҳоларнинг суммасига тенг

[1] Банк ахборотномаси газетаси. №6.11.02.2004й.; №7. 15.02.2006й.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006-2007 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим, устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 14.02.2007й., №28, 09.02.2008й.

бўлар эди, муомалада бўлган барча турдаги пул мажбуриятлари барча турдаги реал активлар (товар, ҳизмат ва капитал) физик хажмига мос келса, мавжуд активлар – баланс пассивларига, дебитор қарзлар кредитор қарзларга, талаб таклифга, таклиф эса талабга мос бўлади.

Бироқ, монетар иқтисодиёт шароитида, монетаристлар учун баҳо ва иш ҳақини бир даражада қайд қилишнинг иложи йўқлиги, хатолиги ёки мумкин эмаслиги учун эмас, балки унинг кимгадир манфаатли эмаслигидадир. Айнан мана шу формулада манипуляция сирлари яширинган. Демак, инфляция қанча юқори бўлса, манипуляциянинг кучи ва масштаби шунча юқори ва унинг акси бўлиши мумкин.

Қисқаси, охири йўқ айланма: иш ҳақини ва (занжирсимон усулда барча бошқа мажбуриятларни) ҳам ошириш керак, чунки баҳо ошди, баҳони ва (занжирсимон усулда барча бошқа талабларни) ҳам ошириш керак, чунки иш берувчилар жамоат ташкилотлари талаби билан иш ҳақини оширди.

Бироқ, баҳонинг ва иш ҳақининг ҳар қандай ошиши инфляция эмас ва ҳар қандай инфляция бу баҳонинг ва иш ҳақининг ошиши эмас.

Тўғри, иш ҳақи яна ҳам (кенгроқ айтадиган бўлсак, – даромадларни, ундан ҳам кенгроғи – тўлов мажбуриятларини ёки пассивларини) ҳамда йўл- йўлакай, муомаладаги пул массасини «баҳолар ўсармиш», – деб оширмаслик керак. Айниқса, жамоат ташкилотлари талаб қилгани учун эмас, балки инновациялар, техника прогресси, ишчиларнинг малакасини ошириш асосида меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати ошганда иш ҳақини ва баҳоларни қайта кўриб чиқиш зарур. Тегишли равишда баҳоларни «номинал иш ҳақи ошди», - деб кўтармаслик керак. Уни ноинфляцион омиллар (талаб, ишлаб чиқариш харажатлари ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати) ошган пайтда кўтариш мумкин.

Холбуки, иш ҳақи ва баҳонинг инфляцион ўсишида бошқа бир қанча комбинациялар ҳам мавжуд. Албатта, уларнинг барчасини бир мақолада ёритиб бўлмайди.

Ноинфляцион режимда иш ҳақини ошириш нима дегани? Умуман, бундай ҳолатда баҳони ошириш зарурми? Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини ошириш ҳисобидан баҳони кўтариш нимани билдиради? Бундай шароитда юқори меҳнат унумдорлигига коррективланган иш ҳақини кўтариш керакмикан? Тушунарли ва аниқ жавоб йўқ. Аксинча эса, баҳолар бу ҳолатда пасайиши керак, яъни, меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал ҳолда пасайиши даркор. Чунки меҳнат унумдорлиги бу, баҳонинг ошиши эмас, аксинча, пасайишидир.

Ҳақиқатда эса, меҳнат унумдорлиги билан бир пайтда баҳолар ошиб бормоқда. Бу ҳолатни ҳоҳлаганча исботлаш мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотлар юқоридаги фикрларни тасдиқлаб шуни кўрсатадики, сиз 1970 йилларда қилган ҳаридингизни бугун сотиб олсангиз, сизга ушбу ҳарид 5,7 марта (ривожланган мамлакатларда), 53,6 марта (ривожланаётган мамлакатларда, олимларнинг фикрича, ҳамдўстлик давлатлари ҳам ушбу гуруҳга киради) арзонга тушади. Бошқача арифметика қилсак, ўша даврдаги 1$ ўрнига тегишли равишда 17,5 ва 1,9 цент тўланади. Бизга жон-жаҳди билан баҳолар эмас, сифат ошди деб, тушунтирилади.

Истеъмол нархлари динамикаси (фоизларда)[1]

Йиллар	Ривожланган давлатлар		Жаҳон бўйича	
	йиллик қўшимча ўсиш	давр учун	йиллик қўшимча ўсиш	давр учун
1971 – 1980	9,0	136,9	11,4	195,3
1981 – 1990	5,1	64,4	16,5	161,1
1991 – 2000	3,5	45,8	12,1	213,4
2001 – 2007[2]	4,7	51,4	14,1	197,6

[1]International Financial Yearbook. Washington International Monetary. 2001.

[2]Башоратлаш асосида олинган маълумотлар.

Ҳақиқатда шундайми? Ўзбекистонда сифат ақл бовар қилмайдиган даражада, яъни 53,6 марта ошганлигини исботлашнинг ҳеч қачон, ҳеч қандай имкони бўлмаса керак. Бугунги кунда бир буханка ноннинг нархи 300 сўм бўлса, бу олдинги йилларга нисбатан 2 баробар юқоридир. Демак, нон ишлаб чиқариш заводларида техника тараққиёти ва ноннинг сифати икки баробар ошганлигини ким исботлайди?

Онгли равишда ҳам бир инсон идрок эта оладиган ҳодиса бўлмиш инфляциянинг пайдо бўлиши, унинг сабаблари ва омилларини ўрганиш билан бир қаторда, ушбу мақолада инфляциянинг асосий мақсадини тўғри тушунтириш ва ўлчаш масаласи муҳим ахамиятга эга.

Инфляцияни баҳолаш (ўлчаш)

Инфляция оддий тилда – баҳонинг ўсиши натижасида пулнинг қадрсизланишидир. Бошқача айтганда эса, бу, пул бирлигининг қийматини, унинг алмаштириш курсини ёки ҳисобини (котировкасини) тушунтирадиган валентлик[1] миқдорининг пасайиши ҳисобланади. Қарама-қарши жараён, инфляциянинг антиподи – дефляциядир. Натижада, биринчидан, (инфляцияда) битта товар, ҳизмат ва капиталга тўғри келадиган муомаладаги пул сони ва массасининг ошишига, иккинчидан, (дефляцияда) ўша товар, ҳизмат ва капиталга тўғри келадиган пул массасининг камайишига эга бўламиз.

Пул (миллий валюта)нинг концентрацияси шароитида инфляция ва дефляция билан баробар девальвация ёки ревальвация содир бўлиши мумкин.

Девальвация деганда, миллий валюта курсининг пасайиши (барча пул бирликлари ёки унинг концентрация қилинган қисми, халқаро алмаштирув ва оборот қўшилган ҳолда), ревальвация деганда эса, миллий валюта курсининг ошиши тушунилади.

Амалиётда инфляция ва унинг йўлдошларининг турли комбинациялари учраши мумкин: девальвация ёки ревальвация шароитида инфляциянинг ўсиши; девальвация ёки ревальвация шароитида дефляциянинг ўсиши; инфляция ёки дефляция шароитида девальвация ва бошқалар. Буларнинг ҳар бири ҳар сафар

[1] Олтин валюталар тизимида (1946 йил бекор қилинди) пул бирлигидаги олтин миқдори.

амалий таҳлилнинг предмети бўлиши зарур.

Такрор айтиш мумкинки, инфляция ва унинг йўлдошларини баҳонинг ўсиши деб ифодалашади. Лекин инфляция шакли бўйича ҳам, модули бўйича ҳам, мазмунини гапирмаса ҳам бўлади, баҳонинг ўсишига айнан ўхшаш эмас, дефляция эса – пасайишига хос эмас. Шунингдек, девальвация миллий валютага нисбатан жаҳон баҳоларининг ўсишига, ревальвация эса тушиб кетишига, айнан ўхшаш эмас.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида инфляция даражасини, **девальвацияни** ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашни таклиф этиб, уни бир шартли мамлакат мисолида ҳисоблаш технологиясига тўхталамиз.

Масалан, шартли мамлакатда 2005 ва 2007 йилларда девальвация ва ревальвация ҳолатлари кузатилди. Истеъмол индекслари[1], тегишли равишда, 120,2 (+20,2 фоиз) ва 112 (+12 фоиз)га тенг. Ушбу мамлакатда инфляция даражаси истеъмол индекслари билан бир хил тушунилиши муносабати билан уни ўша миқдорларда қайд қилинади.

Энди инфляция даражасини қуйидаги схема бўйича босқичма-босқич ҳисоблаб чиқамиз.

1-босқич. Юқорида келтирилган индексларнинг яроқсизлигини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол индексларининг тескари моҳиятига тенг бўлган инфляция индексини аниқлаймиз.

Шуни унутмаслик керакки, барча ҳисоб-китоблар гуруҳчали ва гуруҳли истеъмол индексларини ҳисоблашдан бошланади ва улар аниқ бўлгандан сўнг, ўшалар асосида умумий индекс ҳисобланилади. Бизнинг мисолимизда инфляция индекси 2005 йилда 0,833 (1,0/1,202), 2007 йилда – 0,893 (1,0:1,12)га тенг. Олинган натижалар асосида қуйидаги ҳулосага келиш мумкин – 2005 йилда мамлакатда инфляция даражаси 20,2 фоиз эмас, 16,7 фоизга, 2007 йилда эса 12,0 ва 10,7 фоизга тенг. Кўриниб турибдики, ушбу фарқдан кўз юмиб бўлмайди ва пулнинг қўшимча эмиссияси пайтида бу жуда кичик миқдор деб менсимаслик яхши натижаларга олиб келмайди.

Рақамларга эътибор қаратайлик. Масалан, мамлакатда 2007 йилда пул оборотн 5 трлн.ни ташкил қилди. Буни АҚШ долларига айлантирсак, 175,4 млрд. (курс 1/25 атрофида дейлик). Бу оборотга эмиссия қилинган ҳажм 65 млрд.ни ташкил қилади дегани.

2-босқич. 2005 ва 2007 йиллар учун тегишли равишда девальвация ва ревальвация индексларини аниқлаймиз (валюта курслари: “А” валюта / долл.):

$$\text{2005 йил} \quad \frac{28,16}{27,00} = 1,043$$

[1] Истеъмол индексларини ҳисоблаш учун ҳар бир мамлакатда статистика юқори органи томонидан тасдиқланган низом, қоида ва қонун мавжуд. Ўзбекистонда давлат статистика қўмитаси томонидан 21.XI.2004 йида (№16) тасдиқланган “Методические положения по организации наблюдения за изменением цен (тарифов) на потребительские товары (услуги)” амалда. Россия Федерациясида иккита (1995 ва 2002 йилда) хужжат қабул қилинган: “Основные положения о порядке наблюдения за потребительскими ценами и тарифами на товары и платные услуги и определения индекса потребительских цен”. М.: Госкомстат, 2002г.

$$\text{2007 йил} \quad \frac{29,45}{31,78} = 0,927$$

Бу ерда қайд қилиш мумкин “А” валюта долларга нисбатан 2005 йилда 4,3 фоиз қадрсизланганда, 2008 йилда эса 7,3 фоиз қийматга ошди.

3-қадам. Девальвация ва ревальцияни ҳисобга олган ҳолда инфляция индексини ҳисоблаймиз.

$$\text{2005 йил} \quad \frac{0,833}{1,043} = 0,799$$

$$\text{2007 йил} \quad \frac{0,893}{0,927} = 0,963$$

Демак, 2005 йилда реал инфляция 16,7 фоизни эмас, 20,1 фоизни ташкил қилган, 2007 йилда тегишли равишда 3,7 ва 10,7 фоиздан иборат бўлган.

4-босқич. Девальвация ва ревальвация жараёнлари остида “А” валютанинг барчаси эмас, фараз қилайлик, 15 фоизи бўлган. Бу пайтда чегараланган девальвация ва ревальвацияни ҳисобга олган ҳолдаги инфляция индексини ҳисоблаймиз.

$$\text{2005 йил} \quad 0,833 \cdot 0,85 + 0,799 \cdot 0,15 = 0,828$$

$$\text{2007 йил} \quad 0,893 \cdot 0,85 + 0,963 \cdot 0,15 = 0,904$$

Демак, 2005 йилда реал инфляция 17,2 (1,000 – 0,828), 2007 йилда 9,6 (1,000 – 0,904) фоизни ташкил қилганини қайд қилиш мумкин.

5-босқич. Инфляция 2005 йилда 20,2 фоиз ва 2007 йилда 12,0 фоиз бўлган шароитда баҳонинг ўсишини аниқлаймиз. Агарда мамлакатда 2005 йилда инфляция 20,2 фоизга ошса эди, юқоридаги мулоҳазаларни ҳисобга олиб, унда истеъмол нархларининг ҳисобидаги ўсиши 20,2 фоиз ва 25 фоиз (тескари сонлар мантиғи бўйича – 1,0 / 0,798) эмас, 30,6 фоизни ташкил қиларди.

$$\mathbf{1,25 \cdot 1,045 = 1,305}\ ,$$

бу ерда 1,045 = 1/0,957; 0,957 = 1,000 – 0,043.

Минимум бўйича, тегишли рақам тенг (пулни валюта муомаласидаги ҳиссасини чегараланган 15 фоиз ҳолдаги): 1,25 · 0,85 + 1,045 · 0,15 = 1,219. Яъни, ушбу ҳолатда баҳонинг умумий ўсиши 20,2 фоиз эмас, 21,9 фоизни ташкил этади.

Ушбу ҳолат инфляция миллий валютанинг девальвацияси кучайган шароитдаги барча ҳодисаларга тааллуқлидир. Агарда инфляция ревальвация билан, дефляция девальвация билан йўлдош бўлса ёки кўпчилик ҳоҳлайдиган дефляция ва ревальвация жараёни бир пайтда мавжуд бўлса, у ҳолда юқоридаги тасдиқномамиз адолатдан эмас.

Ваҳоланки, юқоридаги кўриб чиқилган ҳолатларнинг барчасида “тескари счет”ни назардан чиқариб ташланмайди ва сонларнинг айёрона абберацияси бўлиши мумкин. Негаки, агарда 2007 йилда инфляция 12 фоизни ташкил қилди десак, баҳонинг ҳисобли ўсиш даражаси 13,6 фоизга тенг бўлар эди. Маълумки, ҳақиқатда у 12 фоиздан иборат. Мана сизга сонларнинг айёрона абберациясига

мисол. Ўз манфаати учун фойдали бундай (спекулятив) муҳокамаларнинг бир неча қаторини тузиш мумкин.

6-босқич. Девальвация ва ревальвацияни ҳисобга олган ҳолда энг асосий валюталарга нисбатан котировка қилган мақсадга мувофиқдир. Бизнинг мисолимизда, котировка долларга нисбатан қилинган эди, энди еврога нисбатан котировка қилиб, 2007 йилда девальвация ва 2005 йилда ревальвацияни қайд қиламиз. У пайтда баҳолаш бўйича тавсаввур анча ўзгаради. Ушбу модификациянинг ўлчови ва шакли ҳар сафар конвертация қилинадиган валюта массасининг маълум бир ҳиссаси билан аниқланади ва валютанинг ўртача тортилган девальвацияси ёки ревальвацияси комбинацияси сифатида кўрилади. Айнан шу сабабли, ҳисобланган ва чоп қилинадиган инфляцион баҳолар ҳам тегишли равишда аниқлаштирилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, инфляцияни тушуниш ва уни девальвация ҳамда ревальвацияни ҳисобга олган ҳолда корректировка қилишга қараб, уни баҳолашдаги фарқлар сезиларли эканлиги аён бўлмоқда. Уларни эътиборга олмаслик ёки уларни менсимаслик, тўғри бўлмаса керак, албатта.

Юқоридаги чизма бўйича инфляция даражаси банк фоизининг ўзгариши, ишсизликнинг ўсиши ва инфляциянинг бошқа тузувчилари, масалан, пуллик тиббий хизмат, спорт ва х.к. баҳоларнинг мисли кўрилмаган даражада ортишини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланса, бизнинг фикримизча, инфляцияга реал баҳо берилган бўлади.

9.5. Валюта курсларига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таҳлили

Халқ хўжалигининг деярли барча кўрсаткичлари (ташқи алоқаларга боғлиқ кўрсаткичларнинг барчаси) валюта курслари билан боғлиқ, худди шундай валюта курслар иқтисодий (нафақат) кўрсаткичлар ҳажми, таркиби ва динамикасининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиётимизнинг чет эл алоқаси билан боғлиқ кўрсаткичлари валюта курсини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши валюта курсини ҳисоблашда миллий иқтисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар ҳисобга олиниши керак. Бу жуда оғир иш. Ишни осонлаштириш учун уни қуйидаги босқичларга бўламиз.

Биринчи навбатда таъсир қилувчи омиллар сони аниқланади. Улар ички ва ташқи, бевосита ва билвосита таъсир қилувчи, бошланғич ва иккиламчи, тўғри ва тескари таъсирли ва бошқа омилларга бўлинади.

Бу омиллар орасида аниқ маконда ва замонда энг муҳим, хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Турли валюталарга бўлган талаб ва таклифларнинг ўзгариши омиллари;

2. Мамлакат даромадларида бўладиган ўзгаришни ифодаловчи омиллар. Масалан, Ўзбекистон республикасининг миллий даромадини ўсиш суръати бошқаларга нисбатан юқори бўлса, республика валютаси курси ўсади, бошқа мамлакатлар курси эса пасаяди.

3. Баҳонинг нисбий ўзгариши. Агарда бир мамлакатни ички баҳолари тезроқ ўсса, бошқасиники ўзгармаса, биринчи мамлакатни истеъмолчилари арзон товарни

сотиб олишга харакат қилади ва иккинчи давлат валютасига талаб ошади, таклиф эса пасаяди.

4. Инфляция. Қайси давлатда бошқа давлатларга нисбатан инфляция даражаси доимий юқори бўлса у давлатни валюта курси пасайиб борувчи валюта курсига эга бўлади. Бу исботини қуйидаги шартли рақамларда кўриш мумкин:

(фоиз ҳисобида)

Ойлар	Январь	Февраль	Март	Уч ой учун
Баҳо индексининг ўсиши	1,8-2,1	1,3-1,8	0,9-1,6	4,1
Чет мамлакат валюта курсининг ўсиши	0,8-1,2	0,5-1,0	0,5-1,0	1,8

5. Фоиз ставкалари. Уларнинг ўзгариши валюта курсининг ўзгариши билан тўғри боғлиқликда. Ставкаларнинг ошиши билан валюта курси пасаяди ва тескариси.

6. Ишсизлик даражаси. Ишсизлик даражаси билан валюта курсининг ўзгариши ўртасида тескари боғланиш мавжуд.

7. Ҳукумат сиёсати. Агарда давлат ўз сиёсатни ўзгартириши тўғрисида тўсатдан эълон қилса валюта курси кескин ўзгариб кетади. Қайси томонга ўзгаришини олдиндан айтиб бериш жуда оғир масала.

8. Миллий ишлаб чиқариш. Бир текисдаги иқтисодий ўсиш миллий валюта барқарорлигининг асосидир. Иқисодиётнинг бир текисда ўсишининг кутилиши, бу миллий валютанинг мустахкамланиши белгисидир. Бироқ, миллий иқтисодиётнинг хаддан ташқари суръатлар билан ўсиши ҳам яхшиликка олиб келмаслиги мумкин. Бизга муълумки, иқтисодиёти жуда тез суръатлар билан ўсган мамлакатларда, шу суръатлар билан инфляция бошланди. Инфляциянинг пайдо бўлиши бюджет дефицитига олиб келади.

9. Ялпи ички маҳсулот. Бу кўрсаткични ортиши миллий валютани қимматлашувига олиб келади ва тескариси. Агарда қисқа муддатини олсак бу боғлиқлик унчалик ёрқин бўлмаслиги мумкин. Валюта бозорини қуйидаги реакциялари бизга маълум:

- агарда ЯИМ реал ўсиши кутиладиган даражадан юқори бўлса валюта курси ўсиши мумкин (жуда ҳам юқори даражада эмас) ва тескариси;
- агарда ЯИМ ўсиш жуда ҳам юқори бўлса валюта курси тез ошади.

10. Саноат ишлаб чиқариш индекси. Бу кўрсаткич ўзгаришнинг миллий валютага таъсири ЯИМ ўзгариши билан бир хил.

11. Ишбилармонлар оптимизм индекси. Бу кўрсаткич энг катта корхоналар ва давлат молия хизмати ходимларини (одатда бошлиқлари) субъектив хулосалари асосида ҳисобланилади. Бу кўрсаткичнинг ўсиши валюта курсининг ортишига олиб келади.

12. Пул таклифи. Давлатнинг умумий пул массасининг қискариши баҳонинг пасайишига ва миллий валютанинг қимматлашувига олиб келади.

13. Бюджети дефицити. Агар мамлакатда бюджет дефицити мавжуд бўлса, унинг ўз пул маблағлари етишмайди ва натижада бу дефицитни қоплаш учун чет давлатлардан кредит олишга мажбур бўлади. Чет давлатдан кредит олиш миллий валютанинг қийматини пасайишига олиб келади.

14. Валюта биржаларидаги амалга ошириладиган операцияларга бўлган

солиқлар. Солиқнинг ортиши билан сотиб олинадиган валютанинг реал киймати ортади, сотиладиган валютанинг қиймати тушиб кетади. Бу муаммодан қутилиш учун банклар ҳамма операцияни банклараро бозорга кўчиради. У бозорда солиқ йўқ.

15. Планлаштирилмаган капитал. Афсуски бу омил жуда тез учрайди. Масалан, тўсатдан бўладиган инқирозлар, урушлар ва бошқалар.

16. Рискли ҳаракатлар, миш-мишлар, васвасалар, нотўғри маълумотларни тарқатиш ва ҳ.к. Булар орасида энг хавфлиси халқни миш-мишлар асосида васвасага тушиб қолишидир. Халққа таниқли шахсларнинг бир оғиз нотўғри гапи ҳам ҳамма нарсани ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, молия бозорида энг таниқли шахслардан бири Сороснинг бир чиқиш қилиши билан 1999йил Россия рублининг курси 2-3 бараварга пасайиб кетганини эслайлик. Бу албатта бошқа МДХ давлатлари валюта курсининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

17. Тўлов баланси. Бу балансда қуйидаги икки кўрсаткични ўзгариши валюта курсининг ўзгаришига олиб келади: а) савдо балансининг сальдоси ижобий бўлса курс ошади ва тескариси; б) капиталлар ҳаракати балансида чет давлат қимматли қоғозларини даромадлилиги бизни мамлакат қимматли қоғозларини даромадлилигидан юқори булса миллий валюта маблағлар чет давлат валютасига ўта бошлайди ва миллий валюта курси пасаяди ва тескариси.

Юқорида санаб ўтилган омилларни, адабиётда турли-туман классификацияларини учратиш мумкин. Бу, албатта, конкрет вақт, жой ва шароитга боғлиқ. Биз келтирган классификация, айнан МДХ давлатларини шу кунги шароитини ва омилларни занжирсимон таъсирни ҳисобга олган ҳолда тасвирланган.

Бу ерда, шуни таъкидлаш зарурки, объектив омиллар гуруҳи (миллий ишлаб чиқариш суръати ва пропорцияси, талаб ва таклиф, экспорт ва импорт битимлари, тўлов баланси), психологик омиллар (маълумот ва нотўғри маълумот, психологик хужум, васвасалар, миш-мишлар), келишув ва қўрқитиш омиллари (олигархиялар, этник можаралар, эълон қилинмаган урушлар, коррупция, мафия, сотқинлик) гуруҳларининг ёркинлигига қарамасдан уларнинг реал ҳаётдаги валюта курсига таъсири мантиқий кутилган ҳолда бир текис бўлмаслиги мумкин. Масалан, хозирги кунни оладиган бўлсак, валютлар курсининг ўзгариши психологик ва келишув омиллари таъсирида эмас, фақат иқтисодий омиллар таъсирида ўзгараяпти дейишга бизда ҳеч қандай асос йўқ. Чунки иқтисодий омиллари асосида валюта курсининг ўзгариши пастдан баландга ёки баланддан пастга кескин сакраш методи билан эмас, балки аста-секин ўзгариб боради. Мамлакат иқтисодиёти бир кун ёки бир хафта ичида икки ёки уч марта бир томонга қараб ўзгариши мумкин эмаслиги жуда катта иқтисодчи бўлмаган инсонга ҳам тушунарли.

Валюта курсларига омиллар таъсирни ўрганишни битимлар самарадорлигини баҳолаш билан якунлаш мумкин. Маълумки, ҳар қандай битим самарадорлиги олинган фойда суммасини, шу суммани олиш учун қилинган сарф-харажатлар суммасига таққослаш билан аниқланади. Бу ерда натижа ва харажатлар деганда биз нимани назарда тутишимизга боғлиқ. Фойда суммаси деб биз ялпи ёки соф, операцион, балансли фойда суммасини олишимиз мумкин. Олдимизга

қўйилган мақсадга мувофиқ, валюта битимларини самарадорлигини ўрганишда ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, бутун мавжуд шахсий капитал самарадорлиги, активлар самарадорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги, муомала самарадорлиги ва ҳ.к. ҳисобланиши мумкин. Агар, бутун мавжуд шахсий капитал самарадорлиги ўрганмоқчи бўлсак, соф фойда суммаси шахсий капитал ҳажмига бўлинади. Шу билан бирга, агар ҳамма кўрсаткичлар ва уларнинг бириктирувчилари бир давлат валютасида ҳисобланган бўлса, самарадорлик кўрсаткичлари чет давлатни ёки миллий валютада ҳисобланишига қарамасдан, улар ўзаро тенг бўлади, агар уларнинг бир қисми бир давлат валютасида, иккинчи қисми бошқа давлат валютасида ҳисобланса, самарадорлик кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади ёки нотаққослама ҳолга келиб қолади. Фарқлар валюталар номиналлари фарқига тенг бўлади. Буни албатта ҳисобга олиш зарур. Бундай пайтда у ёки бу кўрсаткичлар ҳисоб-китоби алоҳида бажарилади, умумий кўрсаткичлар эса консолидацияланган формада ҳисобланади, яъни валюталарни бирортаси ўша ҳисобланадиган кунни курси бўйича бошқа валютага айлантирилади.

Яна бир муҳим масала миллий статистика кўрсаткичларни шу давлатда қўлланиладиган валюта курсларни ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Бу мувофиқлаштириш баҳоларнинг ўзгаришини (инфляция индексини) ҳисобга олган ҳолда худди миллий кўрсаткичларни мувофиқлаштириш сингари ўша бирин-кетинликда, ўша асосларда, тамойилларда, умуман олганда ўша технология ва процедурада амалга оширилиши шарт, акс ҳолда нотаққослама муаммосига дуч келамиз.

Миллий валюта курсини пасайиши (ортиши), баҳоларнинг умумий ўсиши асосида шу мамлакат пули умумий қадрсизланишининг бир тури бўлиб, умумий тўпламнинг бир қисми сифатида қўрилиши ва мамлакат пул оборотидаги хиссаси ҳисобга олиниши керак.

Умумий инфляция муносабати билан валюта курсининг пасайиши ҳисобидан жорий миллий статистик кўрсаткичларни тузатиб чиқиш ва уларни солиштирма баҳоларда тасвирлаш ва ҳисоблаш ($У_{с.б.}$) қуйидагича амалга оширилади:

1. Тегишли ички инфляция ($У_{ички\ инф.)}$ индекслари асосида ўртача тортқичли умумий инфляция индекси ($У_{умум.инф.}$) ҳисобланилиб, олинган натижа тегишли жорий баҳоларда ҳисобланган миллий кўрсаткичлар индексларига ($У_{ж.б.}$) кўпайтирилади:

$$У_{с.б.} = У_{ж.б.} \times У_{умум.инф.}$$

2. Жорий валютадаги оборот индексини (Ув.о.) миллий валюта курси индексига кўпайтириб, $У(в.о.)_{с.б.} = У(в.о.)_{ж.б.} \times У_{ички\ инф.}$, бундан кейин солиштирма баҳодаги умумий индекслар ўртача тортқичли индекслар шаклида ҳисобланилади:

$$(У_{мил.с.б.} \times d_{м.в.})\ (У(в.о.)_{ж.б.} \times d_{ч.в.}),$$

бу ерда ($У_{с.б,}$ $У(в.о.)_{с.б.}$): $/_{ички\ инф.}$ - ички инфляция индекси; $J_{умум.инф.}$ - умумий инфляция индекси; $У_{с.б.}$ - солиштирма баҳодаги индекс; $У_{ж.б.}$ - жорий баҳолардаги индекс; $У_{(в.о.)}$ - валюта обороти; $d_{ч.в.}$ - миллий валютадаги оборот ҳажми; $б_{ч.в.}$ - чет эл валютасидаги оборот ҳажми.

Шундай тарзда умумий инфляция индекси аниқланади, яъни:

$$У_{у.и.} = (У_{в.и.} \cdot d_{м.в.}) + (У_{вал.и.} \cdot d_{вал.})$$

Масалан. Мамлакатда 2009 йилнинг биринчи уч ойида баҳо индекси 1,05 тенг, шу жумладан АҚШ долларига бўлган баҳо индекси - 1,018, ички инфляция индекси - 0,952, валюта инфляцияси индекси - 0,982; ички миллий маҳсулот 1 фоизга ортди (I - 1,01). Ички маҳсулотни ялпи миллий маҳсулот умумий ҳажмидаги хиссаси 80%, қолган қисми эса чет эл валютаси оборотига тўғри келади. Бу ердан,

Умумий инфляция индекси тенг:

$$(0,952 \text{ x } 0,8) + (0,982 \text{ x } 0,2) = 0,958.$$

Бу ҳисобланган индексни корректор-индекси деб ҳам аташади. Ялпи миллий маҳсулотни солиштирма баҳолардаги индекси тенг:

$$1,01 \text{ x } 0,958 = 0,968 \text{ (ёки x } 100 = 96,8\%).$$

Бу дегани мамлакатда ялпи миллий маҳсулот 1% ошган эмас, балки унинг физик ҳажми 3,2% камайган.

Солиштирма баҳолардаги ялпи миллий маҳсулот индексини икки этапда аниқлаш мумкин:

1. Бунда умумий баҳо индекси аниқланилади:

$$(1,05\text{x}0,8) + (1,018\text{x}0,2) = 1,0436$$

Бу индексни ЯИМни дефлятор-индекси ҳам деб аташади.

2. Бунда ЯИМни солиштирма баҳолардаги индекси аниқланилади:

$$1,01 : 1,0436 = 0,968.$$

Самарадорликни таҳлил қилишда умуман, молиявий самарадорликни ўрганишда қисман, молиявий ҳолатларни бўлакларга бўлиб ўрганиб бўлмайди (агар ўрганилса ходисани бир қисми ўрганилиши мумкин), чунки ишлаб чиқаришнинг (сотишнинг), активлар ва шахсий капиталнинг самарадорлиги узвий боғлиқ. Бу кўрсаткичларнинг биргаликдаги таҳлили қуйидаги саволга жавоб беришга йўл очади - ишлаб чиқариш ва шахсий капиталнинг рентабеллигини ошириш учун алоҳида олинган бирлик (оператор), фирма-компания ёки бутун мамлакат бўйича таъсир қилишнинг қайси ричагларига эга. Агарда операторлар, компаниялар бир турда бўлса бу саволга жавоб бериш қийин эмас, агарда тескариси бўлса, бу ҳолат бир қанча қўшимча кўрсаткичларни ҳисоблашни ва уларни валюта курслари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда коррективлашни талаб қилади. Шунинг учун ҳам самарадорлик тушунчаси - бир бутун тушунча сифатида қаралиб самарадорликни тузиб турувчи бўлаклари узвийлигида ўрганилади. Уларга инвестициялаш, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятлар киради.

Самарадорликни айнан шундай тушунган ҳолда, инвестиция қилинган капитални даромадлилиги (Return on Equity, ROE), ишлаб чиқариш рентабеллиги ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларини аниқ баҳолаш мумкин.

$$\begin{matrix}\textit{Шахсий}\\ \textit{капитал}\\ \textit{даромад}-\\ \textit{лилиги}\end{matrix} = \frac{\textit{Соф фойда}}{\textit{Сотишдан олинган тушим}} x \frac{\textit{Сотишдан олинган тушим}}{\textit{Активлар}} x \frac{\textit{Активлар}}{\textit{Активлар} + \textit{мажбуриятлар}}$$

Демак, шахсий капитал даромадлилиги индекси шахсий ишлаб чиқариш

рентабеллиги индекси, инвестиция индекси ва молиявий фаолият самарадорлиги индекслари кўпайтмасининг йиғиндисига тенг.

Ноаниқлик (валюта курсларини ўзгариши) ва ҳар турли (компания-конгломератлар, корхонани ҳар бир бўлаги фақатгина ўз бўлими учун жавоб бериш шароитида, масалан, инвестиция бўлими, фақат инвестиция фаолияти учун) шароитида самарадорликни баҳолашда қўшимча ҳисоб-китобларни бажаришга тўғри келади. Масалан, активлар умумий суммасидан, алоҳида соф активлар даромадлигини (Return on Net Assets, RONA), фойдаланилмаётган активларни ўртача суммасини даромадлилигини (ROAA - Return on Average Assets Employed) ҳисоблаш зарур бўлади.

Бу ерда анча қийинчиликлар пайдо бўлади. Биринчидан, умумий кўрсаткичларни алоҳида олинган компанияларга хос бўлган хусусиятларга мувофиқлаштириш, иккинчидан, товар ва хизматларга бўлган ички баҳоларни умумий бозор баҳоларидан фарқи, учинчидан, компаниянинг ҳар бир бўлими натижаларини баҳо ва валюта курсларнинг ўзгариши билан коррективлаш ва ҳ.к.

Энг катта қийинчилик халқаро бозорга чиқувчи ёки фақат чет давлатлар билан ишловчи компаниялар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда пайдо бўлади. Чунки бу компаниялар, деярли ҳар куни мажбурий қарор қабул қилишларига тўғри келади: қайси валютада битимни амалга ошириш керак? қайси курс бўйича ва қайси пайтда валютани, товарни ва капитални сотиб олиш ёки сотиш керак? Бу қарорларни тез ва адашмасдан қабул қилиш лозим. Сабаби битимни амалга оширишдан мақсад, фақат ўзи сарфланган маблағни қайтариб олиш эмас, балки натижа манфаатли бўлиш керак. Агар битим манфаат келтирмаса, ундай бизнесни ҳеч кимга кераги йўқ.

Хўп, бундай шароитда қандай иш тутиш керак? Кўп йиллик шахсий тажриба ва чет эл компанияларининг иш фаолиятини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосага келинди. Агар компания чет давлатлар билан ишласа, у компания бошқа давлатларда “қиз” (дочерний) корхоналари бўлади. Агар битта давлатда “қиз” корхонаси бўлса (оддий воқеа), икки ва ундан ортиқ мамлакатларда корхоналари бўлса (мураккаб воқеа), бу корхоналар бўйича самарадорликни ўрганишни ва амалга ошириш алоҳида-алоҳида олиб борилиши таклиф қилинади. Бу ишни қийин бўлишига қарамасдан бир қанча устунликлари бор. Биринчидан, ўша мамлакат валютасида ва шароитида самарадорликни ҳисоблаш осон, иккинчидан, қиз корхоналарнинг натижаларини таққослаб (бир мамлакатда икки ва ундан ортиқ бўлса) уларнинг қайси бири самарали ишлаётганини аниқлаш мумкин, учинчидан, компания бўйича умумлаштирилган самарадорлик кўрсаткичлари (миллий валютада) ҳисоблаш имконияти туғилади; тўртинчидан, қайси мамлакатдаги “қиз” корхонаси самаралироқ деган саволга жавоб олинади, бешинчидан, келгуси йил учун бизнес-режа тузилаётганда кам манфаат келтирадиган корхоналарни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинади (тескари қарорлар ҳам қабул қилиниши мумкин. Бу компанияни сиёсий аренадаги роли, келгусидаги имиджи ва бошқа омиллар ҳам албатта таъсир кўрсатади).

Умумий ва қисмий кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш мумкин. Қиз корхонаси фойдасини (доллар ҳисобида) P товар бирлиги кўринишида Es, ушбу товарни ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатларини C, доимий харажатларини F (чет эл валютасида f), ишлаб чиқариш ҳажмини (натурал шаклда) V ва валютани алмаштириш (обменный) курсини R билан белгилаб, қиз корхона фойдасини

қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$E_s=R[(R_f-C_f)V-F_f]$$

Формуладан кўриниб турибдики, алмаштириш курси компанияни бутун молиявий фаолиятига таъсир қилади. Қиз корхонанинг фонд суммаси ўзгармас бўлиб, бизнинг мисолимизда фақат унинг доллардаги қиймати (баҳоси) ўзгаради холос.

Компаниянинг бошқа мамлакатдаги бўлимининг инвестиция қилинган капитали ёки активлари даромадлилиги (доллар ҳисобида) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$R01_s = \frac{R[(P_f - C_f)V - F_f]}{RxA_f} x \frac{(P_f - C_f)V - F_f}{A_f}$$

бу ерда A_f - қиз корхонаси активлари қиймати.

Юқорида кўриб чиқилган масалаларни қуйидаги мисол асосида тушинтириб берамиз.

Фараз қилайлик доллар курси сўмга нисбатан 6 сўмдан 4 сўмга пасайди, яъни 33,3%. Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб турган қиз корхонасининг кўрсаткичларига буни қандай таъсири бор? Биринчидан, корхона кўрсаткичлари 33,3% га пасаяди, чунки у доллар сотиб олиш керак, иккинчидан, агар корхона иш фаолиятини сўмнинг нархини хисобга олиб ўзгартирмаса, унинг рақобатлилик даражаси ёмонлашади. Агарда, агарда биз келтирган мисолни тескариси юз берса амалиётда тескари самарага ҳам эришиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек валюта курсларини ўзгариши бир қанча омилларга боғлиқ.

Валюта курсини ўзгаришини самарадорликка ва самарадорликни валюта курсларини ўзгаришига таъсирини қуйидаги рақамлар асосида кўриб чиқамиз (9.3-жадвал).

9.3-жадвал

Доллар курси ўзгаришининг қиз корхонанинг фойдаси ва активлари даромадлилигига таъсирни баҳолаш

	Ўтган давр	Ҳисобот даври		
		Доимий алмаштир -иш курси	Доллар ўсди	Доллар пасайди
Алмаштириш курси, R долл/сўм)	0,16	0,16	0,11	0,25
Алмаштириш курси, R (сўм/долл)	6,25	6,25	9,00	4,00
Бир бирлик баҳоси, Pf	70,00	75,00	90,00	60,00
Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажатлари (доллар ҳисобида), Cf	10,00	10,00	10,00	10,00
Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажатлари (сўм ҳисобида), Cf	2,00	62,00	80,00	50,00
Сотилган маҳсулот сони, V	1000	1000	750	1100
Компания активлари, Af	14700	22700	19000	15000
Сотишдан олинган маблағ	70000	75000	67500	66000
Ўзгарувчан харажатлар жами	62500	62000	60000	55000
Доимий харажатлар	5000	5000	5000	5000
Фойда, сўм ҳисобида	2500	7500	2500	5000
ROI - самарадорлик нормаси(фойда/активлар), %	17	33	10	40

Фойда, доллар ҳисобида	400	1200	175	1500

9.3-жадвал маълумотлари асосида самарадорликни уч вариантда баҳолаш мумкин: алмаштириш курси ўзгармайди; алмаштириш курси ўсади; алмаштириш курси пасаяди.

Биринчи вариантда, яъни курснинг ўзгармаслиги шароитида чет эл бозорида товарни сотиш баҳоси ошади. Баҳонинг 10 фоизга ўсиши билан компанияни фойдаси икки бараварга (5000 дан 10000) кўпаяди, шунга пропорционал равишда долларда ҳисобланган фойда ҳам икки бараварга ортади. Натижада инвестиция капитали даромадлилиги икки марта ошади.

Иккинчи вариантда, яъни долларнинг курси ошиши билан маҳсулот таннархи (сўм ҳисобида) 80 сўмга етади. Бундай шароитда, чет эл компанияси маҳсулот баҳосини кўтаришга харакат қилади (баҳони кўтариш яхшиликка олиб келмайди). Кўриниб турибдики баҳонинг кўтарилиши билан сотиш ҳажми 1000 дан 750 га тушади. Бундан ташқари, компания активлари қиймати ошади. Сўмдаги фойда суммасини 66,5% ва фойда нормасини (деярли шу миқдорга) пасайиши, долларда ҳисобланган фойда суммасини 77,1% пасайишига олиб келади.

Учинчи вариантда, яъни доллар курсининг пасайишида чет эл компанияларга, шу мамлакатни ресурсларидан фойдаланиш манфаатли эмас. Улар бундай пайтда керакли ресурсларни ўзидан олиб келишга ёки бошқа мамлакатлардан импорт қилишга шошилишади. Яъни қўшимча ресурсларни олиб кирилиши натижасида компания товар баҳосини пасайтиришга эришади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади (бизни мисолда 750 дан 1100 гача).

Бу вариантда биринчисига нисбатан компаниянинг сотишдан олган маблағи, фойда суммаси ва нормаси кам бўлса ҳам, доллар ҳисобидан олинадиган фойда юқори бўлади, шунинг учун ҳам “она” компаниялар учун бу вариантда ишлаш қизиқарли ва манфаатлидир. Бунга ёрқин мисол сифатида, хозирги кунда Россия автомобиль бозорига "KIA" автомобилларининг кириб (экспансия) келишини келтириш мумкин.

Дарсликни бу параграфида биз ўқувчини валюта курсларига таъсир қилувчи омиллари ва таъсирини ўлчаш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган методлар билан қисман таништирдик. Ҳамма омилларнинг таъсирини ўлчаш ва баҳолаш мумкин эди. Лекин бу иш дарслик даражасидаги иш эмас. Одатда бу иш илмий ишларда ва компаниялари буюртмасига мувофиқ илмий ходимлар томонидан шартнома асосида бажарилади. Бу ишнинг пировард мақсади - номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги фарқни кескин камайтирувчи иқтисодий натижа ва баҳоларни олишдир.

Бундай таҳлилни бажармаслик ёки уни тан олмаслик, биринчидан иқтисодий ҳисоб-китобларга юзаки ёндашишга ва уларнинг бемаънилигига олиб борувчи тўғри йўлдир, иккинчидан ҳамма тўловлар (солиқ, бож, банк ва ҳ.к.) ва ҳисоб-китоблар реал базасининг нотўғрилигига, жаҳон иқтисодиёти ва барча фирма, компанияларнинг молиявий ҳолатини характерловчи кўрсаткичларни хато ва ноилмий баҳолашга олиб келади.

Валюта курсларини таҳил қилишда ўртача кўрсаткичлар билан бир қаторда динамика қаторлари, индекс ва корреляция-регрессия методлари кенг қўлланилади.

Валюта курси динамикасининг таҳлил қилишдан мақсад – қаторни вақт бўйича ўзгаришини ва ўртача даражасини баҳолаш; валюта курсларининг ҳаракатини ўлчаш ва прогнозини тузишдир.

Валюта курслари динамикасини оддий кўрсаткичлари аниқлангандан сўнг умумий тенденциялар (гуруҳлаш, графиклар, жадвал ва ҳ.к. ёрдамида) аниқланади. Лекин бу ишни бажаришдан олдин валюта курслари харакатини тасодифийлиги ўрганилиши таклиф этилади. Тасодифийликни ўрганишда статистик методлар ва меъёрлар комплекси қўлланилади: бурилиш нуқталарини; фазанинг узунлиги тақсимланиши; ранглар корреляцияси.

Қатор қийматларнинг бурилиши нуқтаси деб бир ҳадни ўзидан олдинги икки қўшни ҳадлардан юқори ва пастлигига айтилади. Бурилиш нуқтаси тенденциясининг ўзгариши ҳақида ҳабар беради. Бурилиш нуқтаси (БН) ва мутлоқ тасодифий (МТ) сонни таққослаб бу жараённи тасодифийлиги ҳақида хулоса қилишади.

$$Г_0 : БН = МТ \qquad қарши \qquad Г_1 : БН \neq МТ$$

Стьудент тақсимоти ва t ҳақ билан t – мезонига суяниб:

$$t_{\text{хак}} = \frac{БН - МТ}{\sigma^2_{тас.кат.}}$$

бу ерда $\sigma^2_{тас.кат.} = \frac{16n - 29}{90}$; n – кузатишлар сони.

Бу метод фақат тенденцияда бурилиш бўлганлиги бўйича хабар бергани учун, сигналчи усул деб ном олган.

Фаза узунлиги тақсимланиш мезонида икки қўшини бурилиш нуқталари оралиғида тақсимланишни назарий ва ҳақиқий қаторлари солиштирилади.

Ранглар корреляциясида статистик гипотеза ($Г_0 = 0$ қарши $Г_1 \neq 0$) Кендэл коэффициенти ёрдамида текширилади:

$$\tau = \frac{4P}{n(n-1)} - 1$$

Кендэл коэффициент $-1 \prec \tau \prec 1$ оралиғида ўзгаради. $\tau = -1$ бўлганда қатор ҳадлари пасаяди; $\tau = +1$ – ортади; $\tau = 0$ – ўзгаришнинг йўналиши йўқ.

Валюта курслари харакатини тасодифийлиги ўрганилгандан сўнг уларда мавжуд асосий тенденция аниқланади. Бу ишнинг мавсумийлик индексини ҳисоблаш, сирғанчиқли ўртачани аниқлаш, қаторларни аналитик текислаш, автокорреляцияни баҳолаш билан бажарилади. Бу усуллар китобнинг олдинги бобларида кенг қўлланилгани муносабати билан ушбу бобда уларга тўхталмаймиз.

Валюта курсларининг даражаси ва динамикасига таъсир қилувчи омиллар аниқлангандан сўнг уларнинг ҳар бирини таъсири ва биргаликдаги таъсирини статистик баҳолаш зарурияти туғилади. Бу таҳлил қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин: боғланишларни моделлаштириш ва омил белги билан натижавий белги ўртасидаги боғлиқликнинг қалинлигини баҳолаш (корреляцион-регрессион таҳлил). Тенгламани танлаш, унинг кўрсаткичларини қимматлигига ва аппроксимация хатоларига боғлиқлигини ўқувчига эслатмоқчимиз (статистика назарияси назарда тутилмоқда). Бу аппроксимацияни нисбий хатоси, ўртача квадратик хато ($\sigma_{колд}$) кўпли детерминация (R^2) ёки корреляция коэффициенти (R).

Қимматлиликни текшириш учун Фишер тақсимоти билан Ғ – мезонни қўллашади. Бунда махсус моделлар тузилади. Лекин моделларни тузишда авторегрессия мавжудлигини ҳисобга олиш керак, яъни регрессия тенгламасига t – омилни ҳам қўшиш керак:

$$\bar{y}_t = f_x + f_t$$

бу ерда $\bar{y}_t$ – валюта курси бўйича текисланган маълумотлар; f_x – валюта курси ва х – омилни аналитик боғлиқлиги; f_t – валюта курси ва вақти аналитик боғлиқлиги.

Валюта курсларини даражаси ва динамикаси бўйича ҳақиқий эришилгандаражани таҳлил қилингандан сўнг уларни келгусидаги даражаларини ҳам аниқлаш мумкин. Бу иш статистикада прогнозлаш деб юритилади ва у қуйидаги методлар ёрдамида амалга оширилади: корреляцион-регрессион методда ишлатиладиган моделлар; форвард курсларини аниқлаш методлар; динамик прогнозлаш (тўғри ва мослаштирилган моделлар); эксперт баҳолаш методлари; сценарийлар методи; айрим кўрсаткичлар бўйича баҳолаш ва бошқалар.

Чет эл манбаларида валюта курсларини прогнозлашда икки йўналиш ажратиб кўрсатилади: фундаментал ва техник таҳлил.

Фундаментал таҳлил – макродаражада ўзаро боғланишларни мураккаб тадқиқоти ва у асосида моделлар тузишдир.

Фундаментал таҳлилни асосий инструментлари халқаро паритет муносабатларидан келиб чиқади. Бу “спот” ва “форвард” валюта курслари; даромадлиликни нисбий ставкалари; инфляция ставкаси.

Тўлов баланси ва молиявий рисклар кўрсаткичлари асосида моделлар тузиш шароитидаги фундаментал таҳлил фарқланади. Бу ерда иқтисодий таҳлил билан бир қаторда эксперт баҳолаш, аралаш баҳолаш ва техник таҳлил қилинади. Бошқача қилиб айтганда, фундаментал таҳлил қуйидаги турларга бўлинади: иқтисодий; эксперт; иқтисодий-эксперт; техник таҳлил.

Фундаментал методда ҳам, техник методда ҳам битта муаммо ечилади – валюта курси харакатини кейинги йўналишини аниқлашдир, лекин улар муаммога турли томондан ёндашишади. Фундаментал таҳлилда валюта курсини ҳаракатга келтирувчи сабаблар ўрганилса, техник таҳлилда – самара ўрганилади. Техник таҳлил инструментларига – графиклар характеристикаси; чизиқли чартлар (Line Charts), гистограммалар (Bar Charts); крестиклар – ноллар; япон шамлари; классик фигураларига (шаклларига) – мақсадли тренд, тренд чизиғи ва канал чизиғи, асосий бурулувчан фигуралар, таклиф фигуралари ва бошқалар киради.

9.6. Валюта бозори статистикаси маълумот манбалари

Валюта бозори маълумотларини ички ва ташқи бозор маълумотларига бўлиш мумкин. Ички бозор маълумотлари - бу Ўзбекистон Республикаси валюта бозори ҳақидаги маълумотлардир. Уларга валюта операциялари билан шуғулланувчи корхоналарининг бухгалтерия, статистик ва идоравий ҳисоботлари киради. Масалан, барча корхоналар 1-шаклни топширадилар. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари Давлат статистика қўмитасига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай 1-ВЭД (валюта) шаклини – экспорт-импорт муомалалари бўйича валюта маблағлари

ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этадилар.

Ҳисобот йили бошидан ўсиб борувчи натижа бўйича тўлдирилади.

1 ВЭД (валюта) шаклидаги ҳисоботда экспорт ва импорт (шу жумладан, бартер) муомалаларини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар томонидан хорижий валютада тушган тушумни олиш ва ундан фойдаланиш бўйича маълумотлар минг АҚШ доллари эквивалентида қайд этилади. 1, 2, 4, 5 ва 7-устунларда, шунингдек, ваколатли банкларга бевосита тушаётган хорижий валютадаги тушум ва ундан мажбурий сотувни амалга оширилиши (мажбурий сотувни амалга оширилиши кўзда тутилмайдиган операциялардан ташқари) тўғрисидаги маълумотлар алоҳида сатрлар билан киритилади. Хорижий валютадаги тушумнинг тушиши, у бўйича мажбурий сотувни амалга оширилиши ва валюта маблағларини ўтлазилши, агар АҚШ долларида бўлмаса операция ўтказилиши санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича кросс-курс орқали АҚШ долларига қайта ҳисобланган ҳолда амалга оширилади. 1 ва 2-устунларда рўйхатга олиш вақтида корхона ва ташкилотларнинг КТУТ ва СТИР хос рақами кўрсатилади. 3-устунда корхонанинг таъсис ҳужжатлари (низом, қоида ва ҳ.к.)да белгиланган аниқ номи кўрсатилади. 4 ва 5-устунларга корхона ва ташкилотларнинг транзит ҳисоб варақларига товарлар экспортидан ва ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш экспортидан келиб тушган хорижий валютадаги тушумнинг тушиши тўғрисидаги маълумотлар киритилади. 6-устунга марказлаштирилган экспорт бўйича келиб тушган тушумни корхона ва ташкилотларнинг валюта ҳисоб варақларидан Марказий банкка 100 фоизлик мажбурий сотувини амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар киритилади. 7-устунга корхона ва ташкилотларнинг валюта ҳисоб варақларидан марказлашмаган экспортидан келиб тушган тушумни ваколатли банкларга 50 фоизлик мажбурий сотувни амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар киритилади. 8 ва 9-устунларда импорт қилинган товарлар ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб варақаларидан маблағларни ўтказилиши (шу жумладан, аккредитивларни бажарилганидан сўнг аккредитив ҳисоб варақаларидан ўтказилишини киритган ҳолда) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. 10-устунда ички валюта бозорида эркин айирбошланадиган валютага айирбошланиб, корхона ва ташкилотларнинг махсус ҳисоб варақларидан импорт қилинган товар (бажарилган ишлар, хизмат)лар ҳақини тўлаш учун ўтказилган маблағлар (шу жумладан, аккредитивлар бажарилганидан сўнг аккредитив ҳисоб варақаларидан ўтказилишини киритган ҳолда) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Хизматлар экспорти ва импорти билан шуғулланувчи юридик шахслар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) ўз жойдаги туман, шаҳар статистика бўлимига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмай 1-ВЭД (хизматлар) – хизматлар экспорти-импорти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этадилар.

Валюталарнинг расмий курслари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан эълон қилиб борилади ва барча валюта операцияларининг ҳисоб-китоби расмий курслар асосида амалга оширилади.

Бошланғич маълумотлар эса валюта биржаларидан олинади. Валюта

биржаларининг информация хизмати ўтган савдолар бўйича валюталарнинг курси, сотилган ҳажми, талаб ва таклифлар ва бошқа маълумотларни чоп қилиб боради.

Валюта бозори ҳақидаги иккиламчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва Давлат статистика қўмитасининг даврий нашрларидан олинади.

Чет мамлакатлардаги валюта бозори ҳақидаги маълумотларни биржа ва банклар бюллетенларидан олинади. Масалан, биржа маклерлари компанияси деярли ҳар куни валюта курсларини чоп қилади. Даврий нашрларда маълумот жуда кенг берилади (“Wall Street Journal”, “Financial Times”) Жаҳон валюта операциялари ҳақида маълумотларни “Рейтер” информацион агентлиги орқали тўплаш мумкин ёки ҳар бир давлат бўйича тўғридан-тўғри маълумот тўпланади. Масалан, Россия МБ манзил варағида – http:www.sbr.ru – чет эл валюталарини расмий курслари ҳақида кенг спектрли маълумотлар берилади.

Иккиламчи информация манбаи сифатида энг обрўли нашрлардан бўлмиш ХВФ “International Financial Statistics” ва БМТ статкомиссиясининг ойлик ва йиллик нашрларини кўрсатиш мумкин. Уларда маълумотлар қуйидаги бўлимларда берилади:

А. СДР ўртача (ойлик,чораклик,йиллик) курслар; Б. Жорий ой учун миллий валютанинг кунлик котировкалари евро ва СДР курслари; В. Милий валютани АҚШ долларига нисбатан базисли ўзгариш суръатлари; Г. Самарали валюта курсларининг номинал ва реал базисли индекслари.

X-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛ БИРЛИКЛАР МОЛИЯСИ СТАТИСТИКАСИ

10.1. Институционал бирликлар харажатлари статистикаси

Корхона ва ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама ўзида ифода этувчи кўрсаткичлардан бири маҳсулот (иш, хизмат) таннарҳи ёки ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари бўлиб ҳисобланади. Харажатлар жорий, келтирилган ва тўлиқ харажатларга бўлинади. Бу бўлимда гап фақат жорий харажатлар устида боради.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннарҳи корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг пул шаклидаги ифодасидир. У маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхонага нимага (қанчага) тушаётганлигини кўрсатади. Харажатлар даражаси ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат ҳажми ва сифатига, хом-ашё, материаллар, ёнилғи, электр энергияси, жихозлардан фойдаланишга ва меҳнат ҳақини сарфланишига ва бошқаларга боғлиқ. Таннархни ўзгариши ўз навбатида корхона фойдаси ва рентабеллиги, ишлаб чиқарилган маҳсулот нархини ўзгаришига олиб келади.

Таннарх таркибини, таркибий тузилишини, динамикасини ва бу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш статистикасининг вазифасидир. Бу вазифани бажаришда статистиканинг барча методлари қўлланади: гуруҳлаш, нисбий ва ўртача миқдорлар, вариация кўрсаткичлари, индекслар ва бошқалар.

Корхона харажатларининг иқтисодий табиати, тайинланиши ва ишлаб чиқариш жараёнидаги тутган роли турличадир. Шу муносабат билан, улар турли белгилари бўйича гуруҳланади. Иқтисодий мазмуни ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш, солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида барча харажатлар гуруҳларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»ига[1] биноан хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иқтисодий мазмунга кўра қуйидагича гуруҳланади:

1. Ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар: а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар; б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар: а) сотиш харажатлари; б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф харажатлар); в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

[1] Мазкур Низомга 1 январь 2008 йилгача 10 марта ўзгартиришлар киритилган.

3. Хўжалик юритувчи субектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган хўжалик юрутувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлар: а) фоиз бўйича харажатлар; б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари; в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш; г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Булардан ташқари даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар)ни ҳисоблаб чиқишда фавқулотда зараралар миқдори ҳам эътиборга олинади, жами харажатлар таркибига киритилади. Шундай қилиб, корхона (ташкилот) сарф- харажатлари тўғрисидаги статистика ҳисоботида форма № 5-с (йиллик)да юқоридаги 4та гуруҳ харажатлар фақат асосий фаолият бўйича кўрсатилади, асосий бўлмаган фаолият турлари (бунда фаолият турлари - тармоқлар) бўйича харажатлар алоҳида-алоҳида аммо гуруҳлаштирилмаган ҳолда яхлит кўрсатилади.

Асосий фаолият бўйича барча ҳаражатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи, давр ҳаражатлари, маъмурий ҳаражатлар, молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар ўз навбатида Низомда кўрсатилган стандарт моддаларга гуруҳлаштириладилар.

Кўриниб турибдики, барча харажатлар 4 та иқтисодий гуруҳга, 80 та моддага ва 73 та қўшма элементга ажратилган, гуруҳлаштирилган. Бунда қўшимча элементлар - алоҳида олинган моддани кичик моддаларга, элементларга ажратилганидир. Масалан 2.1.2 моддаси 2.1.2.1-2.1.2.19 элементларга ажратилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, энг кўп харажат элементлари 1.2,1.5 айниқса 2.1 га 2.3 харажат моддаларига тегишли.

Асосий фаолият бўйича харажатларнинг иқтисодий мазмуни,моддалар ва элементлар бўйича гуруҳлаштириб берилиши миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири ялпи қўшилган қиймат ва у орқали - ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳисоблаш учун маълумотлар олинишига имкон яратади, чунки бунда оралиқ истеъмоли кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Сататистика ва бухгалтерия ҳисобида харажатлар таннархга киритилишига қараб икки гуруҳга бўлинади: бевосита ва билвосита харажатлар.

Бевосита харажатлар деганда, аниқ маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри қўшиладиган харажатларга айтилади. Билвосита харажатлар – турли маҳсулотлар ўртасида бўлинадиган (шартли) харажатларга айтилади. Уларга машина ва жихозларни сақлаш ва таъмирлаш, умумишлаб чиқариш, умумхўжалик, тижорат ва бошқа харажатлар киради.

Харажатлар ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажмига боғлиқлик даражаси бўйича қуйидаги турларга бўлинади: шартли-ўзгарувчан ва шартли-ўзгармас харажатлар.

Шартли-ўзгарувчан харажатлар (масалан: хом-ашё, материаллар ва ҳ.к.) ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган маҳсулот ёки товар ҳажмига бевосита боғлиқ, яъни маҳсулот ҳажми қанча кўп бўлса ёки ошса у харажатлар ҳам мутаносиб равишда ошади ёки пасаяди.

Низомда ҳаражатларни моддаларга ажратилиши (сони)

№	Харажатларнинг гуруҳлантирилиши	Асосий харажат моддалари сони	Қўшимча элементлар сони
1.	Маҳсулот (ишлар, хизматлари)нинг ишлаб чиқариш таннарҳига киритиладиган харажатлар		
1.1.	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар	12	-
1.2.	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	7	12
1.3.	Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта харажатлар	2	-
1.4.	Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш ахамиятига эга бўлган номоддий активлар амартизацияси	2	-
1.5.	Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар	9	11
2.	Давр харажатлари		
2.1.	Сотиш харажатлари	4	19
2.2.	Маъмурий харажатлар	15	-
2.3.	Бошқа операция харажатлари	15	27
2.4.	Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари	8	4
3.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	6	-
4.	Фавқулотда зарарлар	-	-
	Жами	80	73

Демак, маҳсулот ҳажми билан шартли-ўзгарувчан харажатлар ўртасида тўғри чизиқли боғланиш мавжуд. Бундан, шартли-ўзгармас харжатлар маҳсулот ҳажми билн боғлиқ эмас экан деб ҳулоса чиқармаслигимиз керак. Улар ҳам боғлиқ, улар ҳам маълум бир миқдорда ошади ёки камаяди. Лекин, шартли-ўзгарувчан харажатларга нисбатан бирнеча марта пастроқ. Масалан, заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ўн марта ошса, хом-ашё ҳажми ўн мартага ошиши керак, лекин завод директори ёки иқтисодчисини ойлик маоши 10 баробар ошмайди.

Барча харажатларни иқтисодий мазмунига (элементларига) кўра гуруҳлаштириш асосида корхона (ташкилот), яъни хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижаларини фойданинг кўрсатгичлари (яъни фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда, умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, солиқ тўлагунгача олинган фойда, соф фойда), ялпи ва соф қўшилган қиймат, пул оқими (кеш флоу) кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектда яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)=Ялпи ишлаб чиқариш (товарлар ва хизматлар) – оралиқ истеъмоли, Ялпи фойда (ЯФ) = ССТ (Сотишда олинган соф тушум) – ИТ (Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарҳи). Аммо ф.№5-С ҳамда ф.№1-Ф маълумотлари асосида оралиқ истеъмолни бевосита ҳолида ҳисоблаш мумкин эмас, чунки асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича харажатлар фақат жами ҳолда берилади.

Корхона ва ташкилотар харажатларининг статистик таҳлили, уларни таркибини ўрганишдан бошланади. Харажатлар таркибини ўрганиш учун, ҳар-бир харажат моддасини умумий харажатлардаги ҳиссаси аниқланади. Агарда бу иш

ўтган ва жорий йиллар учун бажарилса яна ҳам яхши, яъни икки йилни таққослаш мумкин. Бизнинг фикримизча, бу ишни бажаришдан мақсад, ўтган даврга (ёки йилларга) нисбатан қандай таркибий ўзгаришлар рўй берганлигини аниқлаш эмас (бу иш ҳам жуда муҳум). Мақсад – шу таркибий ўзгришлрга олиб келган сабабларни ва корхонада харажатларни камайтириш учун қандай захиралар мавжудлигини аниқлаш. Бозор иқтисодиёти шароитида иккинчи саволга жавоб, биринчи саволдан кўра муҳимроқ.

Таркибий ўзгариш (структуравий силжиш) ларни миқдорий баҳолаш ва уларнинг таъсирини ўрганишда статистика хазинасидаги кўпгина методлардан фойдаланиш мумкин. Чунончи, алоҳида олинган гуруҳ харажатининг умумий харажатдаги салмоғини (d_i) ўзгаришини $\Delta d_i = d_{i0} - d_{i1}$ ҳолида (i=1,2,3,4), йиғма ҳолда эса структуравий силжишга баҳо беришда қўйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

1) структуравий силжишларнинг чизиқли коэффициенти:

$\bar{d} = \frac{\sum |d_0 - d_1|}{\Pi}$; п - таркибий қисмларининг сони

2) структуравий силжишларнинг квадратик коэффициенти:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (d_0 - d_1)^2}{\Pi}};$$

3) К. Гатев интеграл коэффициенти $K_d = \sqrt{\frac{\sum (d_0 - d_1)^2}{\sum {d_0}^2 + \sum {d_1}^2}}$;

4) Салан индекси $I_s = \sqrt{\frac{1}{\Pi} \sum \left(\frac{d_0 - d_1}{d_0 + d_1} \right)^2}$ ва бошқалар. Бунда коэффициентлар ва I_s нинг қийматлари 0-1 орасида бўлиши мумкин. Масалан $0 \le \sigma \le 1$.

Харажатларнинг умумий суммаси, алоҳида олинган гуруҳи ёхуд тури бўйича ўзгаришларни ўрганишда иқтисодий индекслардан фойдаланилади.

10.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш таннархига кирадиган харажатлар мутлоқ суммада ва нисбий жиҳатдан кўпайган. Агар харажатларнинг кўпайиши ($\sum \Delta qc$) ни 100,0% деб олсак, унда унинг 72,7 фоизи ($\frac{1600}{2200} \cdot 100$) ни 1-гуруҳ харажатлари ташкил этади. Бунда 1600 минг сўмнинг 1320 минг.сўми харажатларнинг умумий ўзгариши эвазига $[q_0 c_0 (I_{qc} - 1{,}000)] = [2400 \cdot \frac{6200}{4000} - 1{,}000] = [2400 \cdot (1{,}550 - 1{,}000)]$ ва структуравий силжиш эвазига эса ($\sum q_1 c_1 \cdot d_0 - \sum q_1 c_1$) 280 минг сўмга кўпайган.

10.1-жадвал

Корхона харажатларининг ўзгариш таҳлили
(шартли рақамлар)

Харажатлар гуруҳлари	Ўтган давр		Жорий давр		Ўзгариши		Ўзгариши омиллари, минг сўм	
	минг сўм	салмоғи	минг сўм	салмоғи	минг сўм	салмоқда	харажатларнинг умумий ўзгариши эвазига	структуравий силжиш эвазига
А	q_0c_0	d_0	q_1c_1	d_1	Δqc	$\Delta d=d_1- d_0$	$q_0c_0(I_{qp}-1,000)$	$\sum q_1c_1 \cdot d_{10}- q_1c_1$
I	2400	0,600	4000	0,645	1600	0,045	1320	+280
II	700	0,175	1000	0161	300	-0,014	385	-85
III	600	0,150	800	0,129	200	-0,021	330	-130
IV	300	0,075	400	0,065	100	-0,010	165	-65
Жаъми	$\Sigma q_0c_0=$ 4000	$\Sigma d_0=$ 1,000	$\Sigma q_1c_1=$ 6200	$\Sigma d_1=$ 1,000	$\Sigma \Delta qc=$ 2200	$\Sigma \Delta d=$ 0,000	$\Sigma q_0c_0(I_{qp}-1,000)=$ 2200	$\Sigma(\Sigma q_1c_1 \cdot d_{10}- q_1c_1)=$

Бундай ҳисоблашлар (таҳлил)да инфляция жараёнларининг ҳам мавжудлигини эътиборга олмоқ зарур. Инфляция жараёнларини бухгалтерия объектлари (ш.ж. харажатлар) ва ҳисоботларни қайта баҳолаш ва таҳлил қилишда ҳисобга олмоқ зарур. Маълумки, халқаро миқёсда 1973 йилда ташкил этилган IASC (International Accounting Standarts Committies-ҳисобчиликнинг халқаро стандартлари қўмитаси) бу масалани ечиш учун БҲҲС (Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти) № 15 ни ишлаб чиққан. Шунга биноан 2 та методика тайёрланган: 1) бухгалтерия ҳисоби объектларини пулнинг бир хилдаги харид қуввати бирлигиларида баҳолаш (Generel Price Level Accounting - GPL) методикаси ва 2) бухгалтерия ҳисоби объектларини жорий баҳоларда қайта баҳолаш методикаси (Current Cost Avccounting-CCA). CCA методикасида инфляция жараёнларини корхона (ташкилот) балансининг турли моддаларига (қисмларига) турлича таъсир этишини эътиборга олиб барча активлар (мажбуриятлар)ни 2 гуруҳга: монетар ва номонетар актив (мажбурият)ларга ажратиш тавсия этилади. Монетар активлар-пул шаклида, ёхуд келишилган пул тўловлари ёки тушумлари (харажатларнинг 3 ва 4 гуруҳлари).

Номонетар активларга асосий капитал, номоддий активлар, ишлаб чиқариш захиралари ва бошқалар киритилади. Харажатларнинг таркибида бундай активларга 1 ва 2 гуруҳдаги харажатлар киритилишии мумкин. Бундай активлар (ш.ж. харажатлар) ўз мохиятига кўра вақт ўтиши ва баҳоларнинг ўзгариши сабабли қайта баҳоланиб турилиши зарур. Ўзбекистон Республикасида ҳам бухгалтерия ҳисоби объектлари ва статистика ҳисобларини қайта баҳолаш борасида Миллий стандартлар ишлаб чиқилган. Статистик таҳлил қилишда жорий даврдаги харажатлар, олдинги давр баҳо ва тарифларда, яъни солиштирма баҳоларда дефлятлаштириш асосида қайта баҳоланади. Бунда ялпи ички маҳсулот дефлятори ёки соҳа, тармоқ, ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқа дефлятордан фойдаланиши мумкин. Яъни солиштирма баҳолардаги харажатлар $\sum q_1p_1=\sum q_1p_0/I_P$ формуласида ҳисобланади. Бунда $\sum q_1p_1$ - жорий даврдаги харажатлар амалдаги баҳоларда, $\sum q_1p_0$ - жорий даврдаги харажатларнинг солиштирма баҳолардаги ҳажми, I_P - ЯИМ дефлятори, ёки баҳонинг бошқа индекслари.

Йиғма статистик ҳисоботлар асосида харажатларни таҳлил қилишда 2 хил ёндошиш мумкин. Бунда d_i алоҳида олинган корхонанинг жаъми харажатлардаги ҳиссасини ҳисоблаган ҳолда ёки $\bar{d}_i = \frac{\sum q_i c_i}{\sum\sum q_i c_i}$ ҳолида ҳисобланиб таҳлил қилинади. Бунда i = I, II, III ва IV гуруҳ харажатлардир. Таҳлилда корхоналарда истеъмол қилинган товарлар ва хизматларнинг хусусияти (тури, сифати ва бошқалар) дан келиб чиққан ҳолда дефлятлаштиришда баҳоларни у ёки бу турини танлаш ҳам муҳим.

Корхона (ташкилот) харажатлари таркибида ишлаб чиқариш таннархи таркибига киритиладиган харажатларнинг ҳиссаси юқори. Шу харажатларнинг даражаси ва динамикаси корхона (ташкилот) нинг хўжалик - молия фаолиятини, молиявий ҳолати ва барқарорлигини белгилайди. Шунинг учун статистика фани

ва фаолиятида бу масалани ўрганишга катта эътибор берилади. Ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар асосида маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннархи, сотиш баҳоси, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади. Иқтисодиётнинг товар ишлаб чиқарувчи соҳасига кирадиган тармоқлари статистикасида ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархнинг даражаси, таркиби, структураси ва динамикаси етарли даражада чурур ва кенг ўрганилади. Аммо шуни қайд қилиш керакки, кейинги пайтда бу масалага бўлган илмий-амалий қизиқиш бироз пасайди. Корхона (ташкилот) молиявий (корпоратив молия) статистикасида ҳам ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархнинг даражаси, динамикаси, ҳамда уларни корхонанинг хўжалик-молия фаолияти натижасини ифодаловчи кўрсаткичларга таъсири ҳам ўрганилади.

Бунда индекслар (индивидуал, агрегат ва ўртача индекслар, индекс омили таҳлили) тизими, корреляцион-регрессион таҳлил, таҳлилнинг бошқа мураккаб усуллари: кўп ўлчамли гуруҳлаштириш, омил таҳлили, кластер таҳлили, дискриминант таҳлили ва бошқалардан кенг фойдаланади. Маълумки, индивидуал, агрегат ва ўртача индекслар ёрдамида фақат таққослама (таққослаш мезонларига жавоб берувчи) маҳсулот (иш, хизмат) лар бўйича таннарх динамикаси ўрганилиши мумкин. Лекин корхонада истеъмол қилинган харажатларни ва таннархни товар баҳолари ва валюта курсини кучли ўзгариши ҳолатида ўрганиш мураккаб бўлиб қолади. Бундай ҳолда индекслар тизимидан фойдаланишни инкор қилмаган ҳолда илмий асосланган ва амалиётга тадбиқ қилинаётган товар маҳсулотининг бир сўмига қилинган харажатлар (S) кўрсатгичидан фойдаланиш ўринлидир.

Бунда $$S = \frac{\sum qc}{\sum qp},$$

бу ерда: q - ҳар турдаги маҳсулотнинг миқдори; с - шу маҳсулот бирлигининг таннархи; р - бир бирлик маҳсулотнинг сотиш баҳоси.

Алоҳида олинган корхонада товар маҳсулоти (иш, хизмат) нинг бир сўмга килинган харажатлар динамикасини ўрганишда унинг қўйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади:

$S_0 = \frac{\sum q_0 c_0}{\sum q_0 p_0}$ - ўтган даврдаги даражаси;

$S_1 = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_1}$ - жорий даврдаги даражаси;

$S_1^1 = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_0}$ - товар ва хизматларнинг ўтган даврдаги баҳоси асосида жорий даврдаги шартли даражаси;

$S_0^1 = \frac{\sum q_1 c_0}{\sum q_1 p_0}$ - жорий даврдаги ассортимент бўйича ўтган даврдаги

даражаси.

Юқорида келтирилган формулалар асосида товар маҳсулотининг бир сўмига қилинган харажатлар динамикасига таъсир этувчи омилларнинг (товарларнинг баҳоси, ассортименти, таннархини ўзгариши) ҳиссасини ҳисоблаш мумкин (10.1-чизма). Аммо бу кўрсаткичда (S) ҳам инфляция (дефляция)нинг таннархнинг ўзгаришга таъсирини бевосита ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун жорий даврдаги таннархни солиштирма нархларда баҳоланиши зарурдир. Буниг учун тармоқлар статистикасида кўп йиллар давомида қўлланиб келинган меҳнат предметларидан фойдаланишни баҳоловчи солиштирма харажатларнинг йиғма индекси $I_m = \frac{\sum m_1 s_0 q_1}{\sum m_1 s_0 q_1}$ орқали $I_S = \frac{\sum m_1 s_1 q_1}{\sum m_1 s_0 q_1}$ -маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқаришда сарфланган хомашё ва материлларнинг баҳоси (S)нинг ўзгаришини ҳисоблаш ҳам мумкин. Маълумки, m – маҳсулот (иш, хизмат) бирлигига сарфланган хомашё ёки материалларнинг і туринининг сарфи, q – ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) миқдори. Аммо, бу ҳолда ҳам индекс (S) фақат таққосланадиган маҳсулотлар бўйича ҳисобланиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида, маълумки, корхона (ташкилот)лар кўп турли фаолиятлар билан шуғулланишади. Шунинг учун ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган номонетар харажатларни солиштирма нархларда баҳолашда ЯИМ дефлятори, саноат, қишлоқ хўжалиги, инвестиция дефляторлари ёки баҳонинг бошқа индекслардан фойдаланиш мумкин.

Товар маҳсулотининг бир сўмига қилинган харажатлар кўрсатгичидан қурулиш маҳсулоти таннархи динамикаси ва қурилишда самарадорликни ўрганишда қўлланилиши мумкин. Бу кўрсаткичдан муомала тармоқларида (савдо ва умумий овқатланиш, тайёрлов, моддий техника таъминоти ва сотиш ва бошқалар) ҳам фойдаланилиши мумкин. Чунончи, муомала харажатларининг нисбий даражаси $y = \frac{\sum U}{\sum qp} \cdot 100 = \frac{муомала\ харажатлари}{товар\ оборотиси} \cdot 100$; Муомала харажатлари статистикасида “У”нинг абсалют (Δу) ва нисбий ўзгариши ($\frac{y_1}{y_0}$) ва бошқа кўрсаткичлари кенг ўрганилади.

Бир турдаги маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхона (ташкилот)лар уюшмаси, корпорацияси бўйича маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини динамикасини ўрганишда таннархнинг ўзгарувчан (ўртача даража индекси), ўзгармас таркибли ва таркибий (структуравий) индекслари қўлланилади. Бу индексларни ҳисоблашда сабзавотдан консерва ишлаб чиқарувчи заводларининг шартли маълумотларидан фойдаланиш мумкин. (10.2-жадвал).



10.1-чизма: Товар маҳсулотининг бир сўмига қилинган харажатлар кўрсаткичи динамикасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўриниб турибдики, алоҳида олинган заводларда маҳсулот бирлигининг таннархи 2,7 ва 1,1% га пасайган. Иккала завод бўйича таннархнинг ўзгарувчан таркибли (ўртача даража) индекси тенг:

$$J_{\bar{C}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1} : \frac{\sum q_0 c_0}{\sum q_0} = \frac{\bar{c}_1}{\bar{c}_0} = \frac{2106,6}{8000} : \frac{1360,0}{5000} = 263,4 : 272,0 = 0,968,$$ яъни ўртача таннарх 3,2%га пасайган.

Ўзгарувчан таркибли индексни ишлаб чиқарилган махсулотда заводларнинг ҳиссаси орқали ҳам ҳисоблаш мумкин, яъни қуйидаги формулалар билан:

$$I = \frac{\sum d_1 c_1}{\sum d_0 c_0} 263,4:272,0 = 0,968 \qquad \text{ёки}$$

$$Ic = Iqc : Iq = \frac{2106,6}{1360,0} : \frac{8000}{5000} = 1,549:1,6 = 0,968$$

Ўзгармас таркибли (ўртача) индекс тенг:

$$J_c = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 c_0} = \frac{263,4}{0,570 \cdot 260 + 0,430 \cdot 260} = \frac{263,4}{268,6} = 0,980 \quad ёки \quad 98,0\%$$

Таркибий силжишлар индекси тенг:

$$J_{T.C} = \frac{\sum c_0 d_1}{\sum c_0 d_0} = \frac{268,6}{272,0} = 0,986 \quad ёки \quad 98,6\%$$

Таннархнинг бу учала индекслари ўртасида миқдорий ва мантиқий боғланиш мавжуддир, яъни

I ўзгарувчан таркибли = I ўзгармас таркибли × I таркибий силжишлар = 0,980 × 0,986 = 0,968

Бу индексларнинг формулалари асосида ҳар бир омил эвазига тежалган (ортиқча сарф) суммасини ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, $(\sum C_0 d_1 - \sum C_0 d_0) \sum q_1 = -3,4 \cdot 800 = -27,2$ млн.сўм.

10.2-жадвал

Таннарх индексларининг ҳисоби

	Ўтган давр			Жорий давр			Таннархининг индивидуал индекслари	Ишлаб чиқариш харажатлари, млн. сўм.		
	Маҳсулот миқдори		Маҳсулот бирлигининг таннархи, сўм.	Маҳсулот миқдори		Маҳсулот бирлигининг таннархи, сўм		ўтган давр	жорий давр	шартли
	Минг дона	ҳиссаси		Минг дона	ҳиссаси					
А	q_0	d_0	C_0	q_1	d_1	c_1	$I=c_1:c_0$	q_0c_0	q_1c_1	q_1c_0
1.	2000	0,400	260	4560	0,570	253	0,973	520,0	1153,7	1185,6
2.	3000	0,600	280	3440	0,430	277	0,989	840,0	952,9	963,2
	$\Sigma q_0=$	$\Sigma d_0=$		$\Sigma q_1=$	$\Sigma d_1=$			$\Sigma q_0c_0=$	$\Sigma q_1c_1=$	$\Sigma q_1c_0=$
Жами	5000	1,000	x	8000	1,000	x	x	1360,0	2106,6	2148,8

Iqc=IqxIc ёрдамида ва ҳамда $\Delta\sum qc=\Delta\sum qc_0+\Delta\sum q_1$ орқали ишлаб чиқариш таннархи суммасининг ўзгаришига таъсир этган омиллар ($\Delta\sum q$ ва $\Delta\bar{c}$)нинг ҳиссасини ҳисоблаш мумкин. Бунда

$$I_{qc} = \frac{8000}{5000} \times \frac{263,4}{272,0} = 1,600 \times 0,968 = 1,5495;$$

$$\Delta\sum qc = (8000 - 5000)272,0 + (263,4 - 272,0) \cdot 8000 = 816,0 - 68,8 = 747,2 \text{ млн. сўм}$$

Ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи, товар маҳсулотиинг бир сўмига қилинган харажатлар динамикасини халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, ички иқтисодиётнинг секторлари (МҲТ-93 бўйича) ва ОКЭД (ISIC)нинг блоклари бўйича ҳам индекслар тизими ёрдамида ўрганиш мумкин.

10.2. Институционал бирликларнинг молиявий натижалари статистикаси

Ҳақиқий иқтисодий-статистик тадқиқот, ўрганиш объектлари бўйича дастлабки (ёки ишлов берилган) маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, кўрсаткичлар тизимини яратиш ва уларни ҳисоблашдан бошланади. Бундан корхона (ташкилот)ларнинг молия статистикаси ҳам истисно эмас. Корхона ва ташкилотлар (хўжалик юритувчи субъектлар)нинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганишда молиявий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Молиявий кўрсаткичлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг индикаторлардир. Улар ёрдамида молия-хўжлик жараёнлар тадқиқ ва таҳлил қилинади, корхоналар (ташкилотлар)нинг молиявий натижалари, ҳолати, барқарорлиги ўрганилади, ҳамда йўналиш ва ривожланиш суръатлари башорат қилинади. Илмий-амалий ишланмаларда молия кўрсаткичлари 6 та асосий гуруҳга ажратилади: молиявий натижалар, молиявий барқарорлик, ликвидлик, фаолият (иш) фаоллиги, мулкий ҳолати, қимматли қоғозлар бозоридаги мавқеи (вазияти). Бу парагрфда хўжалик юритувчи субъекларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткчлар кўриб чиқилади, бошқалари эса 10.3 да баён қилинади.

Хўжалик юрутувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг кўрсаткичлари билан тавсифланади.

- махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ = ССТ – ИТ,

бунда, ЯФ – ялпи фойда; ССТ – сотишдан олинган соф тушум; ИТ – сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

АФФ = ЯФ – ДХ + БД – БЗ,

бунда, АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ – давр харажатлари; БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган

бошқа зарарлар.

- хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

УФ = АФФ + МД – МХ,

бунда, УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ – молиявий фаолият харажатлари.

- солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

СТФ = УФ + ФП – ФЗ,

бунда, СТФ – солиқ тўлангунгача олинган фойда; ФП – фавқулодда вазиятлардан олинган фойда; ФЗ – фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

- йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

СФ = СТФ – ДС – БС,

бунда, СФ – соф фойда; ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ; БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Бу кўрсаткичлар амалдаги «Корхона (ташкилот) молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги давлат статистикаси ҳисоботида (ф.№1-ф) мутлоқ шаклида бевосита келтирилади (рентабеллик кўрсаткичларидан ташқари). Молиявий натижаларни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02. 1999 йилдаги № 54 сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га асосланган ҳолда амалга оширилади. Молиявий кўрсаткичларнинг бошқа турлари (гуруҳлари) қўшимча ҳисоб-китоблар қилиш орқали ҳисобланади.

Сотишдан тушган тушум-хўжалик юритуви субъектларнинг хўжалик-молия фаолиятининг муҳим кўрсаткичидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида қийматга эга бўлган маҳсулот (иш, хизмат) яратилади, унинг товар қисмнинг ҳажми сотиш нархларида баҳоланади ва уни сотишдан тушган даромад, сотишдан тушган тушум дейилади. Ривожланган хориж мамлакатлар статистикасида ҳам сотувдан тушган тушум (Proceeds From Sales) ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида эса (стандарт № 18 «Даромадларни қайд қилиш») «Даромад» дейилади. Бу кўрсаткич фирмаларнинг молиявий фаолиятининг муҳим кўрсаткич сифатида қаралади ва унинг ҳажмига кўра фирмаларнинг рейтинги ва фаолият фаоллиги даражаси баҳоланади.

Сотувдан тушган тушум ҳажмини ҳисоблаш хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган ҳисобчилик сиёсати (тартиби)га кўра икки усулда амалга оширилиши мумкин:

а) харидорга товарнинг жўнатилиши (ишни бажарилиши, хизматни кўрсатилиши) ва контрагентга тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатларининг

топширилиши (ҳуқуқ томойили);

б) харидор томонидан товар (иш, хизмат) ҳақини тўланиши. Бунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларда корхонага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб-китоб рақамига пулни келиб тушиши, нақд пуллик операцияларда-пул корхона кассасига кирим қилинганидан сўнг (иқтисодий тамойил).

Ўзбекистон республикасида асосан иқтисодий тамойилга асосланган иккинчи усули кенг тарқалган. Чунки, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан товар ва хизматлар ҳақини ва ўз ходимларига меҳнат ҳақини тўлаш, бюджетга солиқ ва тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишда жонли, реал пулнинг аҳамияти катта. Аммо бу усул ҳам камчиликлардан холис эмас, масалан, бўнак (аванс) тўловлари мавжуд бўлган шароитда.

Сотувдан тушган тушум барча тақсимлаш ишларининг дастлабки босқичи, унинг асосида харажатлар қопланади, амартизация фонди ва фойда кўрсаткичлари шаклланади ва ҳоказо. Шунинг учун бу кўрсаткичнинг ҳажмини тўғри ҳисоблаш муҳим. Маълумки, ҳисобот шакли (форма № 1-ф)да ялпи тушум билан бирга маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум кўрсатгичи ҳам келтирилади. Бунда соф тушум = ялпи тушум – маҳсулотга солинган эгри солиқлар (ҚҚС, акцизлар ва бошқа солиқ ва ажратмалар). Бундан кўрнинадики, хўжалик юритувчи субъектларда фойда кўрсаткичларини ҳисоблашда соф тушумлар кўрсаткичига асосланади (10.3-жадвал). Маълумки, сотишдан тушган соф тушум асосида ҳисобланган фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари товар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчилар учун тижорат (молия) самараси ва самарадорлигини баҳолашда қўлланилади. Товар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ёки инвестиция лойиҳасининг бюджет самараси ва самарадорлиги (республика ва маҳаллий бюджетга келтирадиган даромадлари)ни ўрганишда сотувдан тушган ялпи тушум кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосини фойда ташкил этади. Фойда - бу хўжалик-молия фаолиятининг якуни, самарасидир. Фойда корхона (ташкилот)нинг ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга давлат (республика ва маҳаллий) бюджети маблағларини тўплашда, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ва хайру-эҳсонлар қилишнинг моддий асосидир.

Статистикада фойданинг бир неча кўрсаткичлари: ялпи фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда, умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, солиқ тўлагунгача олинган фойда, соф фойда ҳисобланади. Фойда кўрсаткичларининг ҳисобланиши тартиби 10.3-жадвалда кўрсатилган. Булардан ташқари республика Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 1-илова ва 2-иловасида келтирилган кўрсатмалар эътиборга олинган ҳолда солиқ солинадиган база аниқланади ва унинг асосида хўжалик юритувчи субъектга даромад (фойда) солиғи солинади ва ундирилади.

10.3-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларда сотишдан тушган тушумни ва фойда кўрсаткичларининг ҳисобланиши
(ш № 1-ф асосида)

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақами	Ўтган йилнинг тегишли даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)
А	Б	1	2	3	4
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум (ялпи тушум)	011		х		х
Қўшилган қиймат солиғи	012	х		х	
Акцизлар	013	х		х	
Бошқа солиқ ва ажратмалар	014	х		х	
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум [011-012-013-014]	015		х		х
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	017	х		х	
Сотишдан олинган ялпи моливий натижа (015-017 сатрлар)	018				
Давр даромади (харажати) жаъми	025				
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда, зарар) (018+025 сатрлар)	026				
Молиявий фаолият бўйича жаъми даромад (харажат)лар (027 дан 032 гача сатрлар йиғиндиси)	034				
Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа (фойда, зарар), (026+034 сатрлар))	035				
Фавқулодда фойдалар ва зарарлар	036				
Фойда солиғини тўлашдан олдинги умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар), (035+036 сатрлар)	037				
Фойда (даромад) солиғи	038				
Юқорида кўрсатилган моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	039				
Ҳисобот даври соф фойдаси (зарари), (037-038-039 сатрлар)	040				

Ривожланган мамлакатлар статистикасида фирманинг хўжалик-молия фаолиятини ва инвестиция имкониятини баҳоашда «Пул оқими» (Cash Floy)

кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Пул оқимининг ҳажми тақсимланмаган фойда (корхона балансининг пассив қисмида) билан асосий капитал ва номоддий активларга ҳисобланган йиллик амортизация суммасининг йиғиндисига тенг. Бунда БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилда 3-чи таҳри қилинган Миллий ҳисоблар тизими (баъзан миллий ҳисоб-варақлар тизими ҳам дейилади)да амортизация ажратмалари ишлаб чиқариш бирликларининг амалиёт фойдаси (ижара ҳақи, фоизлар, амортизация ва фойда) таркибига киритилишини эътиборга олинса, унда амортизация ажратмаларини ҳам фойданинг бир қисми, бошқа шаклга ўтказилган қисми сифатида қаралмоғи керак.

Республикамизда амал қилинаётган ҳамма қонун ва қоидаларга риоя қилган ҳолда фойда суммалари аниқлангандан сўнг, унинг статистик таҳлили бошланади. Бу ишни статистиканинг турли методлари ёрдамида бажариш мумкин. Ҳамма методларни қўллаш, ишни ҳажмини ошиб кетишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда, биз фақат индекс методи ёрдамида фойдани таҳлил қилиш методологиясига тўхталамиз.

Маълумки, ялпи фойдада маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан олинган фойда ҳиссаси жуда юқори. Шу муносабати билан айнан шу кўрсаткичга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш зарур. Сотишдан олинган фойдага таъсир қилувчи омиллар қуйидагилар: 1) сотиладиган маҳсулотни (иш, хизматни) ҳажмини ўзгариши; 2) сотиладиган маҳсулотни (иш, хизматни) таркибини ўзгариши; 3) сотиладиган маҳсулотни (иш, хизматни) таннархини ўзгариши; 4) сотиладиган маҳсулотга бўлган сотиш баҳоларини, иш ва хизматларга бўлган тарифларни ўзгариши киради.

Бу омилларнинг фойданинг умумий суммасига таъсирини баҳолаш учун, ўтган ва жорий даврдаги сотилган маҳсулотдан (иш, хизмат) тушган тушум ва ишлаб чиқариш таннархи ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиши керак ва бу кўрсаткичларнинг жорий даврдагисини ўтган давр баҳо ва таннархида қайта ҳисоблаш даркор. Бу иш 10.4-жадвалда бажарилган.

10.4-жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдамида, биринчи навбатда маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан олинган фойда суммаси ўзгаришини аниқлаймиз.

10.4-жадвал

Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган ялпи фойдага таъсир қилувчи асосий омиллар

Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр	Жорий давр, ўтган давр баҳо ва таннархида
1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган соф тушум, сотиш баҳоларида, минг сўм. (qp)	12650	16392	13662
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм (qc)	9614	11802	5876
3. Ялпи фойда, минг сўм (ф)	3036	4590	7786

$$\Delta\phi = \phi_1 - \phi_0 = 4590 - 3036 = 1554 \quad \text{минг сўм.}$$

Энди омиллар таъсирини ҳисоблаймиз. Юқорида такидланганидек, биринчи

омил - сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини ўлчаш учун қуйидаги формула билан сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми индекси аниқланади:

$$I_q = \frac{\Sigma q_1 p_0}{\Sigma q_0 p_0} = \frac{13662}{12650} = 1{,}080 \quad \text{ёки } 108{,}0\%$$

Демак, сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми 8% ошган. Бошқа омиллар таъсири йўқ деб, фойда суммасини шу нисбатда ўсганлигини аниқлаймиз.

$$\Delta\phi(q) = \Phi_1(I_q - 1) = 3036 \cdot 0{,}08 = 243 \quad \text{минг сўм.}$$

Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таркиби ўзгаришининг фойдага таъсири қуйидагича ўлчанади:

$$\Delta\Phi_{(T.C)} = \left(\frac{\Sigma\Phi_1}{\Sigma q_1 p_0} - \frac{\Sigma\Phi_0}{\Sigma q_1 p_0}\right)\Sigma q_1 p_0 = \left(\frac{7786}{13662} - \frac{3036}{12650}\right)\cdot 13662 =$$

$$= (0{,}5699019 - 0{,}24)\cdot 13662 = 0{,}3299019 \cdot 13662 = 4507 \text{ минг сўм.}$$

Фойда суммасига сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархини таъсири, таннарх индекси ёрдамида ҳисобланилади, яъни таннарх индексининг суръати билан махражининг фарқи билан

$$I_z = \frac{\Sigma z_1 q_1}{\Sigma z_0 q_1} \quad \text{бу ердан} \quad \Delta\Phi_{(z)} = \Sigma z_1 q_1 - \Sigma z_0 q_1$$

$$\Delta\Phi_{(z)} = 11082 - 5876 = 5926 \quad \text{минг сўм.}$$

Таннархнинг ортиши билан корхона фойда суммаси 5926 минг сўмга камайган.

Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) баҳоси ўзгаришининг олинадиган фойдага таъсири баҳо индекси суръати ва махражининг фарқи билан аниқланилади, яъни:

$$I_P = \frac{\Sigma p_1 q_1}{\Sigma p_0 q_1} \quad \text{бу ердан} \quad \Delta\Phi_{(P)} = \Sigma p_1 q_1 - \Sigma p_0 q_1$$

$$\Delta\Phi_{(P)} = 16392 - 13662 = 2730 \text{ минг сўм.}$$

Биз, жорий даврда ўтган даврга нисбатан фойда суммаси 1554 минг сўмга ошганлигини биламиз.

Хўш, бу ўзгаришга қайси омиллар ижобий, ва қайси омиллар салбий таъсир кўрсатган экан? Бу саволга жавоб бериш учун уларнинг биргаликдаги таъсирини ҳисоблаймиз:

$$\Delta\Phi = \Delta\Phi_{(q)} + \Delta\Phi_{(TC)} + \Delta\Phi_{(Z)} + \Delta\Phi_{(p)}$$

$$\Delta\Phi = 243 + 4507 + (-5926) + 2730 = 1554 \textit{ минг сўм.}$$

Кўриниб турибдики, учта омил (1, 2, 4) ижобий, битта (3) омил салбий таъсир кўрсатган. Ҳисобланган маълумотлар яна шуни кўрсатадики, фойда суммаси асосан сотиш баҳосининг ошиши ва сотилган маҳсулотнинг ассортименти ўзгариши ҳисобидан ошган.

Рентабеллик - ишлаб чиқаришнинг даромадлилигини, фойдалилигини, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Агарда фойда кўрсаткичлари корхонанинг хўжалик фаолиятининг мутлоқ натижасини, самарасини ифодаласа, рентабеллик кўрсаткичлари - нисбий самарадорликни ифодалайди. Рентабеллик даражаси (R) турли усулларда ҳисобланиши мумкин. У иқтисодий-статистик таҳлили олдига қўйилган мақсад ва нисбатнинг суръати ва махражида танланган

кўрсаткичларга боғлиқдир. Иқтисодий-статистик таҳлилда рентабеллик (R)нинг қуйидаги даражалари ҳисобланади (одатда % шаклида ифодаланади).

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотиш ($R_{яф}$) рентабеллиги $= \frac{ÿëï è ôîéäà}{ÈÒÕ} \cdot 100$

Бу кўрсатгичи ёрдамида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш таннархининг (ИТХ) 100 сўмига қанча сўм фойда олинганлиги баҳоланади. Бу кўрсаткични бошқа шаклда ҳам ҳисоблаш мумкин. Яъни:

$$R_{ÿô} = \frac{ñîô òóøóì}{ÈÒÕ} \cdot 100 - 100$$

2. Асосий фаолият рентабеллиги:

$$R_{àô} = \frac{àñîñèéôàëèÿòäàíîëííàäàãàíôîéäà}{ÈÒÕ + Dx} \cdot 100$$

Бунда ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатларининг (Dx) 100 сўмига ялпи фойда ва давр даромади тўғри келиши аниқланди.

3. Умумхўжалик фаолияти рентабеллиги:

$$Rух = \frac{Соф\ фойда}{Баланс\ валютаси(\ барча\ активларининг\ ўртача\ қиймати)} \cdot 100$$

Бу кўрсаткичда барча авансланштирилган капитал (барча активлар) нинг самарадорлиги баҳоланади. Бу ўринда иқтисодий, молиявий таҳлил ва бошқа илмий-амалий адабиётларда китобдан-китобга кўчирилиши натижасида баъзан баён қилинаётган $R_Á = \frac{Áàëàíñôîéäà}{ÀÈÔ + Ì ÀÔ + Í Ì À} \cdot 100$ ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги кўрсаткичини асло тўғри деб бўлмайди. Бу кўрсаткич халқ хўжалиги баланси (моддий ишлаб чиқариш соҳасининг приматлиги) тамойили асосида ҳисобланарди ва талқин қилинар эди. Маълумки, соф фойдани шакллантиришда барча иқтисодий активлар (товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли фаолият активлари) фаол қатнашиши мумкин. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятининг натижаси (фойдаси) ҳам мавжуд бўлади. Нисбатнинг махражида моддий айланма фондлар (МАФ)ни олиниши ҳам етарли эмас. Рентабелликнинг бу кўрсаткичида четдан жалб қилинган ва ўзига тегишли активлар (капитал) дан фойдаланиш даражасига баҳо бериб бўлмайди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига тегишли капитал самарадорлиги, рентабеллиги, яъни қуйилган ўзининг капиталининг бир (100) сўмига олинган фойда даражасини баҳолаш муҳимдир. Бу масала айниқса инвестицион лойиҳаларни молиявий баҳолашда муҳим.

4. *Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига тегишли капитали рентабеллиги (Rўк)* $= \frac{Соф\ фойда}{ўзига\ тегишли\ капиталнинг\ ўртача\ қиймати} \cdot 100$

Хўжалик юритувчи субъектларни (БМТнинг МҲТ-93 таҳририда «Номолиявий корпорациялар) бюджет тизими ва нобюджет фондларининг даромадлар қисмини шакллантиришдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда янги кўрсаткич - хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг бюджет самарадорлиги - рентабеллигини баҳолаш илмий-амалий аҳамиятга молик.

$$\text{5. Хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет рентабеллиги } (R_б) = \frac{\text{Ишлаб чиқариш ва маҳсулотга солинган соф солиқлар ва тўловлар}}{\text{Баланс валютаси (барча активларнинг ўртача қиймати)}} \cdot 100$$

Рентабелликнинг бу кўрсаткичини ҳисоблаш учун зарур бўлган дастлабки бухгалтерия ва статистика маълумотларини тўплаш учун имконият мавжуд. Бунда маълумот манбаи сифатида: хўжалик юритувчи субъектнинг Баланси (БҲУТ, ОКУД бўйича шакл № 1) ва ҳамда статистика ҳисоботи, форма (шакл) №ф-1 ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Маълумки, форма № ф-1 нинг II, III, V ва VI бўлимларида ишлаб чиқариш ва маҳсулотга солинган солиқлар ва тўловлар ҳамда бюджет ва нобюджет фондларидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун маблағлар берилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бюджет ва нобюджет фондларига берилган ва олинган маблағларнинг фарқи ишлаб чиқариш ва маҳсулотга солинган соф солиқлар дейилади. Бюджет рентабеллиги кўрсаткичи хўжалик юритувчи субъектларнинг жами пул маблағларига нисбатан ҳам ҳисобланиши мумкин. Бунда барча пул маблағларининг қанча қисми солиқлар ва тўловларга кетиши баҳоланади. Бу кўрсатгич (R_d) ни тармоқлараро, худудлараро, мулки шакли ва бошқа кесимларда солиштириш, ҳамда динамикасини ўрганиш, солиқ юкламаси ва унинг хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий-молия фаолиятига таъсирини ўрганиш мумкин.

Ғарб мамлакатларида қўлланиладиган «Cash Floy (пул оқими)нинг миқдори ва у асосида ҳисобланадиган рентабеллик кўрсаткични иқтисодий-статистик таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Бунда:

$$\text{6. } R_{KF} = \frac{\text{Пул оқими (Cash Floy)}}{\text{Барча активлар (баланс валютаси) нинг ўртача қиймати}} \cdot 100$$

Бу кўрсаткич ўзига тегишли активлар (капитал)га нисбатан ҳам ҳисобланиши мумкин. Баъзи бир илмий-амалий адабиётларда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ўрганишда келтирилган харажатлар (ЕК+ИТХ)га нисбатан ҳисоблаш ҳам тавсия этилади. Бунда К - барча капитал, Е -дисконтлаштириш коэфициенти, ИТХ - ишлаб чиқариш таннархи.

Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлил ва талқин қилишда инфляция даражасининг паст ва юқорилигини ҳам эътиборга олиш зарур. Бундан ташқари ялпи ва соф фойда массасини ҳисоблашда ва ўрганишда солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар (солиқ турлари ва ставкалари)нинг таъсирини алоҳида ўрганмоқ зарур. Фойда массасини ҳисоблаётганда соф тушум ва ишлаб чиқариш таннархининг дефляторлари бир-биридан унча катта бўлмаган даражада фарқ қилмаса, унда инфляциянинг таъсири унча кучли эмас. Аммо амалиётда бу дефляторлар турли даражаларда ҳам бўлиши мумкин. Рентабеллик кўрсаткичларини ($R_{ух}$, $R_{ўқ}$, $R_б$, R_{KF}) ўрганишда барча активлар, айниқса асосий капиталнинг қайта баҳоланиши ҳамда айланма капиталнинг номонетар қисмини баҳолашда қўлланиладиган фифо, лифо ёки ўртача нархлар ва турли методикалар (GPL, CCA, аралаш) дан

фойдаланилишининг таъсири ҳам эътиборга олинмоғи керак. (10.4.га қаранг).

Амалиётдан маълумки, ҳамма корхона ва ташкилотлар ҳам рентабелли ишламайди, уларнинг айрималари йилни зарар билан тугатадилар, яъни қилган харажатларини қоплай олмайди. Шу муаммога бағишланган адабиётларда, кейинги пайтда янги термин - рентабеллик остонаси пайдо бўлди. Рентабеллик остонаси деганда, корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган даромадини шундай ҳажмига тушиниладики, у ҳажмда корхона зарар ҳам кўрмайди, фойда ҳам олмайди. Рентабеллик остонасини ҳисоблаш технологияси Е.С.Стоянова томонидан ишлаб чиқилган[1]. Рентабеллик остонасини ҳисоблаш учун таннарх ўзгарувчи (ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал равишда) ва ўзгармас (маълум бир даражагача) харажатларга бўлинади. Бундай классификацияни биз бошқа мақсад учун олдинроқ таклиф қилганмиз[2].

$$R_{остонаси} = \frac{\textit{Доимий харажатлар}}{\textit{Ўзгарувчан харажатлар қоплангандан кейинги натижа}}$$

Мисол. Маҳсулотни сотишдан олинган тушум 875 млн. сўм, ишлаб чиқариш таннархи – 700 млн. сўм, шу жумладан: ўзгарувчи харажатлар - 595, ўзгармас харажатлар-105 млн. сўм. Фойда-175 млн. сўм. Маржинал даромад - 280 млн. сўм.

Ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот сотишдан олинган даромаддаги ҳиссасини аниқлаймиз: 0,68 (595:875) ёки 68%. Ўзгарувчан харажатларни қоплашдан кейинги натижа (маржинал) тенг 280 (875-595) млн. сўм, ёки 0,32 (32%).

Бу ердан рентабеллик остонаси тенг 328, 125 млн. сўм (105:0,32).

Демак, маҳсулот сотишдан олинган тушум 328, 125 млн. сўмга етганда корхона ҳам ўзгармас, ҳам ўзгарувчан харажатларни қоплайди. Кейинги сотилган ҳар бир товар бирлиги фойда келтиришга бошлайди (агарда сотилса).

Агар, рентабеллик остонаси аниқ бўлса, хафсиз зона ёки молиявий барқарорликни захираси (МБЗ) кўрсаткичини ҳисоблаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди:

$$МБЗ = \frac{\textit{маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум - рентабеллик остонаси}}{\textit{маҳсулотнинг сотишдан олинган соф тушум (ҚҚС ва акцизларсиз)}} \cdot 100 =$$

$$= \frac{875 - 328{,}125}{875} = \frac{546{,}875}{875} = 0{,}625 \text{ ёки } 62{,}5\ \%$$

Графикдан (10.1-расм) кўриниб турибдики, абцисса ўқида сотилган маҳсулот, ордината ўқида эса ўзгарувчан харажатлар ва фойда жойлашган. Сотишдан олинган маблағ билан харажатлар кесишмаси нуқтаси рентабеллик остонасидир. Бу нуқтада даромад ва харажатга тенг. Ундан юқори фойда зонаси, қуйи - зарар зонаси. Даромад чизиғининг шу нуқтадан то юқори нуқтагача бўлган бўлаги (қисми) хавфсиз зона бўлиб ҳисобланади.

[1] Стоянова Е.С. Финансовый менежмент. Учебно-практическое руководство. М.»Перспектива», 1993 й.

[2] Б.В. Зима, Х.А.Шадиев. Загатовки сельскохозяйственной продукции. М., «Экономика», 1989г.



10.1-расм. Молиявий барқарорлик захирасини (хавфсиз зонани) аниқлаш

Рентабеллик даражаси ҳисобланган кейин, уни статистик таҳлил бошланади. Бу масалага, биз онгли равишда тўхталмаймиз, чунки рентабеллик даражасини статистик таҳлил қилиш, қайси бир даражада муомала харажатларининг нисбий даражасини ёки бошқа олдинги мавзуларда кўриб чиқилган нисбий кўрсаткичлар таҳиллига ўхшайди.

Банк муассасаларининг харакат (иш) фаолияти ҳажми пул обороти ва даромадлар суммаси кўрсаткичлари билан характерланади. Пул обороти, деганда у ёки бу шаклдаги пул харакати операцияларининг йиғиндисига тушунилади. Банк муассасасининг даромадлари сотилган ёки кўрсатилган хизматларни ўзида ифода этади. Бу кўрсаткич пул оборотига қараганда, банкнинг иш фаолиятининг сифат томонини баҳолайди ва унда молиявий натижа ўз ифодасини топади. Банк даромади ўзига қуйидаги элементларни бирлаштиради: олинган фоизлар (қисқа ва узоқ муддатли ссудалар бўйича, ўз ва чет эл валютасида; чет эл корреспондент счетлари, кафолатли ва акцептлаш операциялари бўйича, давлат бюджетидан кредит учун; банклараро кредит учун ва бошқалар) қимматли қоғозлар ва валюта операциялари учун олинган даромадлар; акция ва пай бўйича девидендлар; валюта операциясидаги курслар фарқи; мижозларга кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар; ўтган йил ва йиллар учун олинган фоиз ва қопламалар ва ҳоказолар.

Фойда суммаси банкларнинг охирги молиявий натижасини характерловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Фойда суммаси даромадлардан харажатларни ажратиш билан аниқланади.

Банк муассасининг харажатлари суммаси ўз ичига: тўланган фоизлар (мижозларнинг ҳисоб, жорий ва бошқа счетлари бўйича; корхона ва ташкилотларнинг қўйилмалари ва депозитлар бўйича; фуқароларнинг қўйилмалари (омонатлари) бўйича; чет эл корреспондентлари, ташкилотлари ва фуқароларнинг чет эл валютасидаги жорий счетлар бўйича; бошқа банклардан олинган кредит ва давлат суғуртаси счетлари бўйича); чет эл валютаси бўйича курслар фарқи;

қимматли қоғозлар ва валюта бозоридаги харажатлар; банк ишини ва мижозлар билан ишлаш учун керак бўлган бланклар, ленталар (магнитли), қоғозлар ва бошқа материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш харажатлари; банк хужжатларини ва қийматларни ташиш харажатлари; кўрсатилган хизматлар учун (ҳисоблаш марказлари, почта, телефон, телеграф) тўловлар; асосий фондлар бўйича амортизация ажратмалари; ўтган йил ёки йиллар учун тўланган фоизлар; мижозлар ва банклар томонидан кўрсатилган хизмат тўловлар ва бошқа харажатлар.

Молиявий натижалар статистикаси пул оборотини, даромадлар ва харажатларни, фойда, рентабеллик ва пул маблағлари кўрсаткичларининг ҳажми, таркиби ва динамикасини ўрганади, бу ҳодисаларни ривожланиш тенденциясини аниқлайди.

Фойда суммаси банк муассасалари хўжалик ва молиявий фаолиятининг мутлоқ самарасини характерлайди. Нисбий самарадорлик эса, рентабеллик кўрсаткичи ёрдамида ўрганилади. Банк муассасаларида рентабеллик даражаси фойда суммасининг устав фонди ва харажатларга нисбати билан ўлчанади. Биринчи кўрсаткич банк фаолиятининг самарадорлигини баҳоласа, иккинчи кўрсаткич - банк жорий харажатларининг самарадорлигини характерлайди.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методикасини кўриб чиқамиз (10.5-жадвал).

10.5-жадвал

Банкнинг даромадлари ва харажатлари
ҳақида маълумотлар (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
1	Кредит бўйича олинган фоизлар	118,3	115,1
2.	Операциялар ва турли даромадлар	444,9	476,6
3.	Жами даромад (1+2)	563,2	591,7
4.	Банкнинг асосий фаолияти бўйича харажатлар	262,8	204,1
5.	Социал ҳимоя ажратмалари	15,9	17,4
6.	Амортизация ажратмалари	46,9	52,2
7.	Жами харажат (4+5+6)	325,6	273,7
8.	Устав фонди	8429,7	8816,5
9.	Фойда суммаси (3-7)	237,6	318,0
10.	Рентабеллик даражаси:		
	а) харажатларга нисбатан (9:7),%	72,9	116,2
	б) устав фондига нисбатан (9:8), сўм	28,18	36,07

10.5-жадвал келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: фойда суммаси жорий даврда ўтган даврга нисбатн 80,4 млн.сўмга (318,0-237,6) ошган, харажатлар эса – 51,9 млн.сўмга (273,7-325,6) пасайган. Бу ҳол рентабеллик даражасини харажатларга нисбатан) 43,3 пунктга (116,2-72,9) ошганлиги ҳисобидан рўй берди. Устав фондига нисбатан ҳисобанган рентабеллилик даражаси ҳам 28,18 сўмдан 36,07 сўмга ўсди. Муассаса рентабеллигини ўсиши ҳисобидан фойда суммаси 69,6 млн сўмга [(36,07-28,18):100]·8816,5, устав фондининг 386,8 млн.сўмга (8816,5-8429,7) ортиши ҳисобидан фойда суммаси 10,9 млн. сўмга [(386,8·28,18):100] кўпайди. Шундай қилиб, фойданинг қўшимча ўсишининг асосий қисми - 86,6% (69,6:80,4) – муассаса

рентабеллигини ўсишига боғлиқ.

Хизмат рентабеллигини (харажатларга нисбатан) статистик таҳлил қилишда юқорида кўриб чиқилган усул ва методлардан ташқари, ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжиш индекслари ҳам ҳисобланиши мумкин. Бу индекслар ёрдамида, банкнинг алоҳида бўлимларида банк хизмати рентабеллигининг ўзгариши, ҳамда харажатлар таркибининг ўзгришини, умумий рентабелликнинг мутлоқ ва нисбий ўзгаришига таъсири ҳисоблаш мумкин.

Аналитик мақсадлар учун банкларнинг амалий фаолиятида қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин: фойданинг умумий даромадлардаги улуши, бир сўмлик актив операцияларга тўғри келадиган даромад; бир сўмлик кредит қўйилмаларига тўғри келадиган даромад; тўлаш қобилияти ва ликвидлилик коэффициентлари. Бу кўрсаткичлар кредит муассасаларининг асосий фаолиятини муҳим томонларини самарадорлигини характерлайди.

Икки кўрсаткичда (айланишлар сони ва бир айланишнинг вақти) ифодаланувчи пул маблағларининг айланишининг тезлашуви, банк муассасаларининг хўжалик ва молиявий фаолиятини самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Пул маблағлари айланиши сони пул обороти ҳажмининг пул маблағларининг ўртача қолдиғига нисбати билан, бир айланиш вақти эса, ўртача пул қолдиқларининг бир кунлик оборотга нисбати билан ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг статистик таҳлилига биз тўхталмадик, чунки бундай таҳлил олдинги мавзуларда (пул муомаласи, кредит статистика ва бошқалар) кенг ёритилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан мамлакатимизда ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятлари сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг бу ташкилий шаклини хусусияти шундаки, корхона активларининг бир қисми акционерларга қарашлидир. Бу ҳолни ҳисобга олган ҳолда, акционерлик жамиятлари молиявий натижалари таҳлил қилинаётганда ҳам акционерлар, ҳам корхона манфаатларини назарда тутиш зарур. Мана шу талабга жавоб берувчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бир акцияга тўғри келадиган фойда; акциянинг ҳисоб нархи; акциянинг ҳақиқий қиймати; акциядор капитал ва умумий капиталнинг қайтими; капитал ва даромад таркиби ва бошқалар.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан энг муҳими биринчи кўрсаткичдир – битта акцияга тўғри келадиган фойда ҳисобланади. Бу кўрсаткич (У) соф фойда суммасининг (солиқлар ажратилган сумма) чиқарилган акциялар сонига нисбати билан аниқланилади. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажмига қуйидаги омиллар ўзгариши таъсир кўрсатади: соф фойданинг умумий фойдадаги ҳиссси (А); умумий фойда ва сотилган маҳсулот ҳажми нисбати коэффициенти (Б); барча активларнинг айланиш коэффициенти (В-сотилган маҳсулот ва барча активлар нисбати); барча активлар ва акциядорлик капитали нисбати (Г); акциянинг ҳисоб нархи (Д).

Битта акцияга тўғри келадиган соф фойда суммасининг омиллар ҳисобидан қўшимча ўсишини ўлчаш учун қуйидаги кўп омилли индекс модели тузилади.

$$\Delta\phi = x_а \cdot x_б \cdot x_в \cdot x_г \cdot x_д ;$$

Келтирилган модель битта акцияга тўғри келадиган соф фойда суммасини

комплекс таҳлил қилиш имкониятини беради.

Бу таҳлилни 10. 6-жадвал маълумотлари асосида бажарамиз.

10.6-жадвал

Акциядорлик корхонасининг даромадлари ва активлари,
млн. сўм.

№	Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
1	Соф фойда (солиқдан тозаланган)	7,0	8,0
2	Умумий молиявий натижаси (фойда)	11,7	13,5
3	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми	150,0	160,0
4	Барча активлар	62,5	66,5
5	Акциядорлик капитали	40,0	41,2
6	Чиқарилган акциялар сони, минг. дона	400,0	412,0

Битта акцияга тўғри келадиган соф фойда суммасини ўзгариши:

1. Соф фойданинг умумий молиявий натижадаги ҳиссаси ўзгариши ҳисобидан ўзгариши қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta\phi_{(а)} = (I_а - 1) \cdot \frac{У_1}{I_а}$$

2. Фойда ва сотилган маҳсулот ҳажми коэффициенти ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(б)} = (I_б - 1) \cdot \frac{У_1}{I_а \cdot I_б}$$

3. Барча активлар айланиши коэффициенти ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(в)} = (I_в - 1) \cdot \frac{У_1}{I_а \cdot I_б \cdot I_в}$$

4. Барча активлар ва акциядорлик капитали нисбат коэффициенти ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(г)} = (I_г - 1) \cdot \frac{У_1}{I_а \cdot I_б \cdot I_в \cdot I_г}$$

5. Акцияни ҳисоб нархи ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(д)} = (I_д - 1) \cdot \frac{У_1}{I_а \cdot I_б \cdot I_в \cdot I_г \cdot I_д}$$

Омиллар ҳисобидан ўзгарган суммалар йиғиндиси умумий ўзгариш суммасига тенг бўлади, яъни:

$$\Delta\phi = \Delta\phi_{(а)} + \Delta\phi_{(б)} + \Delta\phi_{(в)} + \Delta\phi_{(г)} + \Delta\phi_{(д)}$$

Бу ҳисоб-китобларни жадвалда бажариш мақсадга мувофиқдир, чунки иш осонлашди.

10.7-жадвал.

Индекс моделида омиллар ўзгариш ҳисоб-китоби

№	Омиллар	Шартли белги	Ўтган давр	Жорий давр	Индекслар
1	Умумий фойдада соф фойда ҳиссаси	а	0,5982	0,5926	0,99064
2.	Умумий фойда ва сотилган маҳсулот ҳажми нисбати	б	0,0780	0,0844	1,08205
3.	Барча активларнинг айланиш коэффициенти	в	2,4000	2,4060	1,00250
4.	Барча активлар ва акциядорлик капитали нисбати	г	1,5625	1,6141	1,03302
5.	Акция ҳисоб нархи, сўм	д	100	100	1,0000
	Битта акцияга тўғри келадиган фойда суммаси, сўм	У	17,5000	19,4175	1,10957

10.7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жорий йилда ўтган йилга нисбатан битта акцияга тўғри келадиган фойда суммаси 10,96% га ошган ёки 1,92 сўмга. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар ўзгариши ҳисобидан рўй берган:

1. Соф фойданинг умумий фойдадаги ҳиссасининг ўзгариши ҳисобида:

$$\Delta\phi_{(а)} = (0{,}99064 - 1) \cdot \frac{19{,}4175}{0{,}99064} = -0{,}18346$$

2. Умумий фойда ва сотилган маҳсулот ҳажми нисбати коэффициентининг ўзагриши ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(б)} = (1{,}08205 - 1) \cdot \frac{19{,}4175}{0{,}99064 \cdot 1{,}08205} = 1{,}48631$$

3. Барча активларни айланиш коэффициентинг ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(в)} = (1{,}00205 - 1) \cdot \frac{19{,}4175}{0{,}99064 \cdot 1{,}08205 \cdot 1{,}00250} = 0{,}4518$$

4. Барча активлар ва акциядорлик капитали нисбатининг ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(г)} = (1{,}03302 - 1) \cdot \frac{19{,}4175}{0{,}99064 \cdot 1{,}08205 \cdot 1{,}00250 \cdot 1{,}03302} = 0{,}57758$$

5. Акция ҳисоб нархини ўзгариши ҳисобидан:

$$\Delta\phi_{(д)} = (1 - 1) \cdot \frac{19{,}4175}{0{,}99064 \cdot 1{,}08205 \cdot 1{,}00250 \cdot 1{,}03302 \cdot 0} = 0$$

Омиллар ҳисобидан рўй берган ўзгаришлар йиғиндиси умумий ўзгаришга тенг бўлиш керак:

1,92=-0,18346+1,48631+0,04518+0,5758

Шундай қилиб, бешта омилдан учтаси фойданинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Энг кўп таъсир кўрсатган омил иккинчиси. Бу омил жорий даврда ўтган даврга нисбатан 8,2% га ошган, битта акцияга тўғри келадиган фойда -1,49 сўмга ошган, бу умумий ўсишнинг 77,0 фоизни ташкил қилади [(1,4863 : 1,92)·100].

Иккинчи ўринда барча активлар ва акциядорлик капитали нисбатининг ўзгариши туради. Бу омил умумий ўсиш суръатига 30,1 фоиз ҳисса қўшган. Биринчи омил, яъни соф фойданинг умумий фойдадаги ҳиссасининг ўзгариши битта акцияга тўғри келадиган фойданинг ўсишига салбий таъсир кўрсатган, натижада битта акцияга тўғри келадиган фойда 0,18346 сўмга пасайган, бу 75,59 минг сўмни (0,18346· 412) ташкил қилади.

10.3. Институционал бирликларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлиги кўрсаткичлари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади, чунки корхонанинг ривожланиши асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу - биринчидан. Иккинчидан, корхона билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган фирмалар ва потенциал инвесторлар ишни бошлашдан олдин, корхонанинг молиявий ҳолати ва барқарорлиги билан яхши танишиб чиқади.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолашда маълумот манбаи бўлиб корхона баланси (ш.№1), корхона (ташкилот) фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот (шакл № 1-ф) хизмат қилади.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва барқарорлиги шунчалик кўп қирралики, уни битта кўрсаткич билан баҳолаб бўлмайди. Айрим олимларнинг таъкидлашича, уларни сони 80 дан ортиқ экан. Уларнинг энг муҳимлари ва кенг қўлланадиганлари билан танишиб чиқамиз.

Ликвидлилик коэфициентлари. Ликвидлилик даражаси жорий ва ғоят тез кўрсаткичларга бўлинади:

1. Жорий ликвидлилик коэффициенти жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати билан ҳисобланилади:

$$K_{л(ж)} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

Жорий активларга-нақд пул, қимматли қоғозлар, дебитор қарз ва моддий-товар қийматлар захираси киради. Жорий мажбуриятлар, бу қисқа муддатли қарзлардир.

Жорий ликвидлилик коэффициенти корхона қарзини қандай захира билан тўлай олишни характерлайди.

2. Ғоят тез ликвидлилик коэффициенти, моддий-товар қийматлар суммасига камайган жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати билан аниқланади:

$$\hat{E}_{ë(§Ò)} = \frac{Æîðèé àêòèâëàð \ – \ òîâàð–ìîäèé çàõèðàëàð}{Æîðèé ìàæáóðèÿò ëàð}$$

Бу коэффициент, корхона ўз қарзини қандай кутиб олиши қобилиятини баҳолайди ва ҳамма вақт бирдан катта бўлиши керак. Агарда бирдан кичик бўлса, корхона ўз қарзини тўлай олмаслигидан далолат беради. Бу ерда биз қарзлар бирданига тўланиши талаб этилишини назарда тутмоқдамиз.

Иш фаоллиги кўрсаткичлари. Улар қуйидагиларга бўлинади:

1. Соф активларни айланиши коэффициенти. Бу кўрсаткич сотилган ҳажмни соф активларга бўлиш билан аниқланилади:

$$Ê_{ÑÀÀ} = \frac{Ñî ò èø äàí î ëèí ãàí ì àáëà¨}{Ñî ô àêò èâëàð ¢èéì àò è}$$

2. Асосий капиталнинг айланиши коэффициенти. Бу кўрсаткич сотишдан олинган маблағни асосий капиталга нисбати билан ҳисобланади.

$$Ê_{ÀÊÀ} = \frac{Ñî ò èø äàí î ëèí ãàí ì àáëà¨}{Àñîñèé êàï èò àë ¢èéì àò è}$$

3. Товар-моддий захараларни айланиши коэффициенти. Бу кўрсаткич сотишдан олинган маблағнинг товар-моддий захараларини ўртача йиллик қийматига нисбати билан ўлчанади.

$$K_{TMZA} = \frac{\textit{Сотишдан олинган маблағ}}{\textit{Товар-моддий заҳираларнинг ўртача йиллик қиймати}}$$

Бу кўрсаткич таннархни товар-моддий захараларга бўлиш билан ҳам ҳисобланади. Бу методда аниқланган кўрсаткич афзалроқдир, чунки товар-моддий заҳиралар харакатларининг асосий қисми, шу вақтни ўзида сотишдан олинган маблағ ўз ичига фойдани ҳам қўшиб олади.

4. Дебиторлик қарзларни айланиши коэффициенти. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган маблағнинг дебиторлик қарзлар суммасига нисбати билан ўлчанади.

$$Ê_{äêà} = \frac{Ñî ò èø äàí î ëèí ãàí ì àáëà¨}{Äåáèò îðëèê ¢àðç ñóì ì àñè}$$

5. Қарзнинг интенсивлиги коэффициенти. Бу коэффициент қарзларнинг мол-мулк қийматига нисбати билан ўлчанади.

$$Ê_{êè} = \frac{Óì óì èé ¢àðç ñóì ì àñè}{Ì îë – ì óëêí èí ãóì óì èé ¢èéì àò è}$$

6. Доимий харажатларни қоплаш кўрсаткичи

$$Ê_{äõê} = \frac{Ì àâæóä äàðîì àä}{Äîèì èé õàðàæàò}$$

7. Пул йиғишнинг ўртача вақти коэффициенти.

$$Ê_{ï é} = \frac{É è¨èëàäèãàí ï óë ì àáëà¨ëàðè}{Áèð êóí äà ñîò èëàäèãàí ò îâàð õàæì è}$$

Левереджа кўрсаткичлари. Улар қуйидагилар бўлинади:

1. Қарз мажбуриятлари даражаси:

$$Ê_{ÊÌ Ä} = \frac{¡ àðç ì àæáóðèÿò ëàðè}{Àêò èâëàð ¢èéì àò è}$$

2. Шахсий капитал мультипликатори:

$$Ê_{Êì} = \frac{Àêò èâëàð}{Ø àõñèé êàï èò àë}$$

3. Фоиз тўловларини қоплаш коэффициенти. Бу кўрсаткич фоиз ва солиқ тўлангунча фойда суммасининг фоиз-тўловларига нисбати билан аниқланади.

$$Ê_{ÊÊ} = \frac{Ôî èç âà ñîëè¢ ò ¤ ëàí ãóí ãà ¢àäàð ôî éäà ñóì ì àñè}{Ôî èç ò ¤ ëî âëàðè}$$

4. Ўзгармас тўловларни қоплаш коэффициенти. Бу кўрсаткични қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз.

$$Ê_{ÊÊ} = \frac{Ôî èç âà ñîëè¢ ò ¤ ëàí ãóí ãà ¢àäàð ôî éäà ñóì ì àñè + ëèçèí ã ò ¤ êî âëàðè}{Ôî èç ò ¤ êî âëàðè + Ëèçèí ã ò ¤ êî âëàðè}$$

Корхона молиявий фаолияти ва барқарорлигини ўрганшда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари яна бир қанча коэффициентлар қўлланади.

1. Молиявий барқарорлик коэффициенти. Бу кўрсаткич умумий капитални (шахсий ва қарзга олинган) баланс пассивларидаги валюта умумий суммасига бўлиш билан ҳисобланади.

2. Корхонанинг автономлиги (мустақиллиги) даражаси, шахсий маблағларнинг умумий маблағларга нисбати билан ўлчанади. Бу кўрсаткич билан бир қаторда корхонанинг молиявий озодлиги кўрсатгичи ҳам аниқланади. Молиявий боғлиқ эмаслиги (озодлиги) даражаси қарзга олинган маблағларнинг ўз маблағларига нисбати билан ҳисобланади.

3. Манёврлилик коэффициенти. Ушбу кўрсаткични корхона ва ташкилотнинг шахсий айланма маблағларини шахсий капиталга бўлиш йўли билан аниқлаймиз.

4. Асосий ва шахсий капитал нисбати коэффициенти:

$$\frac{Асосий \text{ капитал} + \text{номоддий активлар}}{Шахсий \quad капитал}$$

5. Қарз ва шахсий капитал нисбати коэффициенти. Қарзга олинган капиталнинг шахсий капиталга нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткичнинг ошиши корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бораётганлигидан далолат беради ва тескари. Бу кўрсаткич, молиявий риск коэффициенти ҳам деб аталади.

$$Êç = \frac{¢àðç êàï èò àë}{ø àõñèé êàï èò àë} = \frac{¢àðç êàï èò àë}{àêò èâëàð ñóì ì àñè} : \frac{àñîñèé êàï èò àë}{àêò èâëàð ñóì ì àñè}:$$

$$\frac{æîðèé àêò èâëàð}{àñîñèé àêò èâëàð} : \frac{ø àõñèé àéëàí ì à êàï èò àë}{æîðèé àêò èâëàð} : \frac{ø àõñèé êàï èò àë}{ø àõñèé àéëàí ì à êàï èò àë}:;$$

6. Мутлоқ ликвидлилик даражаси.

$$Ê_{ì Ë} = \frac{Ï óë ì àáëà¨ëàðè + ¢èì ì àò ëè ¢î¨îçëàð}{¡ èñ¢à ì óäàò ëè ¢àðçëàð}$$

7. Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти. Бу кўрсаткич, ўз оборот маблағларининг айланма активларга нисбати билан аниқланади.

8. Доимий активлар индекси:

$$\frac{Àéëàí ì àäàí \ò àø ¢àðè àêò èâëàð}{Êàï èò àë âà çàõèðàëàð}$$

9. Корхона мол-мулкининг реал қиймати коэффициенти. Бу кўрсаткични асосий маблағлар, хом-ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасини активлар қийматига бўлиш орқали ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни айримларини 10.8-жадвал маълумотлари асосида ҳисоблаймиз.

Биринчи навбатда тез сотиладиган активлар суммаси аниқланади. Уларга-пул маблағлари, отгрузка қилинган товарлар, дебиторлик қарзлари киради. Бу кўрсаткич йил бошида 3220 минг сўмни (2360+660+200) ташкил қилган бўлса, йил охирида эса-2860 минг сўмни (2300+220+340) ташкил қилди.

2. Ликвидли маблағлар:

Йил бошида 2360+660+200+4440=7660 минг сўм
Йил охирида 2300+220+340+4280=7140 минг сўм.
3. Қопланиши керак бўлган қарз суммаси:
йил бошида 2180+440+660=3280 минг сўм
йил охирида 2360+500+700=3560 минг сўм
4. Ликвидлилик коэффициенти:

йил бошига $K_{Л} = \frac{3220}{3280} = 0{,}98$ йил охрига $K_{Л} = \frac{2860}{3560} = 0{,}80$

5. Қоплаш коэффициенти:

$K_{К} = \frac{7660}{3280} = 2{,}34$ $K_{К} = \frac{7140}{3560} = 2{,}01$

10.8-жадвал

Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотлар берилган

№	Кўрсаткичлар	Жорий йил	
		Йил боши	Йил охири
1	Пул маблағлари	2360	2300
2	Отгрузка қилинган товарлар	660	200
3	Дебиторлик қарзлари	200	340
4	Товар-моддий қийматлар	4440	4280
5	Қисқа муддатли ссудалар	2180	2360
6	Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича қарзлар	440	500
7	Кредиторлик қарзлари	660	700

Бажарилган ҳисоб-китоблар шундан далолат бермоқдаки, йил охирида йил бошига нисбатан активлар суммаси 520 (7760-7140) минг сўмга камайган, қопланиши керак бўлган қарз эса - 280 минг сўмга (3560-3280) ошган. Бу ўзгаришлар натижасида, ликвидлилик коэффициенти 18 пунктга пасайган.

Биз молиявий ҳолат ва барқарорликни харакатловчи кўрсаткичларнинг бир қисмини кўриб чиқдик, холос. Бизнинг фикримизча, айнан кўриб чиқилган кўрсаткичлар республикамиз корхона ва ташкилотларининг молиявий ҳолат ва барқарорлигини таҳлил қилишда қисман бўлса ҳам қўлланади.

10.4. Корхона фаолиятининг молиявий натижаларига инфляцион жараёнларнинг таъсирини статистик баҳолаш

Инфляция асосида иқтисодиёт ва молия тизимининг издан чиққанлиги, бузилганлиги ётади. Инфляция пулнинг қадрсизланиши, унинг муомалада кўпайиши ва товар таъминотига тўғри келмаслиги жараёни сифатида қаралади. Инфляциянинг икки тури мавжуд: «талаб инфляцияси» ва «харажатлар инфляцияси». Биринчи турда, товарларга (иш, хизматга) бўлган талаб таклифлардан юқори бўлади, иккинчи турда эса, бир товарга тўғри келадиган харажатлар ошган ҳолда, у товарларнинг жами таклифи ҳажми камайиб кетади.

Ишлаб чиқариш харажатлари баҳосининг ўсиши билан боғлиқ инфляция, хом-ашё, материаллар, электроэнергия ва меҳнат ҳақини ортиши асосида пайдо бўлади. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг, товар ва хизматлар жами

таклифининг ва корхона фойдасининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, инфляция асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришга, амортизация ажратмалари ҳажмига ва корхонанинг барча молиявий натижа ва барқарорлигини характерловчи кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатади. Бу ердан, инфляция ва молиявий натижалар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш зарурияти туғилади.

Инфляция даражасини ўлчаш учун, статистикада кўрсатикичлар тизими (қисмий ва тўлиқ) ва баҳо индекслари ишлатилади. Индекс методи инфляция жараёнини ўрганишда бошқа методлар ичида энг муҳим ўринни эгалайди. Инфляциянинг корхона молиявий натижаларига таъсирини ўрганишда, корхонанинг натижавий кўрсаткичлари ва баҳо индекслари асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона ва ташкилотнинг фойда суммаси ва рентабеллик даражаси қатор омилларга боғлиқ. Улар орасидан қуйидагиларни ажратиш зарур: солиштирма баҳолардаги таққослама маҳсулотни сотишдан тушган маблағнинг ўзгариши; солиштирма баҳолардаги таннархнинг ўзгариши; таққослама маҳсулот таннархининг ўзгариши; янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этилиши; саноат маҳсулотига бўлган ишлаб чиқарувчилар баҳоларини ўзгариши; товар–моддий қийматларни сотиб олиш баҳоларининг ўзгариши; асосий фондлар ва капитал қўйилмаларни баҳолашнинг ўзгариши; инфляция билан боғлиқ меҳнат ҳақини ўзгариши; фойдани, сотилмайдиган операцияларни ўзгариши ҳисобидан ўзгариши; корхона активлари қийматининг ўзгариши; корхона шахсий капиталининг ўсиши (камайиши) ва бошқалар.

Бу омилларга қўшимча қилиниши, улар майдалаштирилиши ёки гуруҳларга ажратилиши мумкин. Масалан, биринчи омилда чиқарилган маҳсулот ҳажмини ва сотилмасдан қолган маҳсулот қолдиғини ўзгаришини ажратиш мумкин, иккинчи омилда - материал талабчанлик, меҳнат талабчанлик ва фонд талабчанликни ўзгариши. Алоҳида омил сифатида чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот ассортиментининг ўзгаришлари қатнашиши мумкин.

Қуйидаги шартли мисолда фойда ва рентабеллик ҳамда инфляция ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш мақсадида, кейинги ҳисоб-китобда қатнашадиган тўрт гуруҳ индексларни оламиз:

-маҳсулот (товар, хизмат) сотиш баҳоси индекси;

-хом-ашё, материал, ёқилғи, хизматлар ва бошқаларни «сотиб олиш» индекси;

-асосий фондлар қиймати ва капитал қўйилмаларнинг ўзгариш индекси;

-инфляция муносабати билан ўртача иш ҳақининг ўзгариш индекси.

Бу индекслар маҳсулот ва харажат таркиби ўзгармас бўлган ҳолатда ҳисобланиши зарурлигини эслатиб ўтамиз.

Мисол. Жорий давр учун корхонанинг қуйидаги маълумотлари берилган, минг сўм.

1. Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум (маблағ), жорий баҳоларда – 200000;

2. Сотилган маҳсулот таннархи-160000, шу жумладан: моддий харажатлар - 128000; амортизация ажратмалари - 8000; иш ҳақи - 24000

3. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда - 40000;

4. Бошқа фойда - 3000.

5. Ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг ўртача қиймати - 60000;

6. Моддий айланма маблағларнинг (активларнинг) ўртача қиймати - 25000.

7. Пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар - 5000.

8. Шахсий капитал - 64000.

Бундан ташқари, қуйидаги қўшимча маълумотлар мавжуд:

1. Сотилган маҳсулот баҳо индекси 2,5 бараварни ташкил қилади;

2. Хом-ашё, материал, ёқлғи ва ҳоказо сотиб олиш баҳоси индекси - 2,35;

3. Асосий фондлар ва капитал қўйилмалар баҳоси индекси –1,8;

4. Иш ҳақи индекси –1,75 ошган.

Бу маълумотлар асосида рентабеллик кўрсаткичини (инфляция ҳисобга олинган ва олинмаган ҳолларда), ҳамда корхона фойда ва рентабеллигига таъсир қилувчи омилларни инфляция таъсирида ўзгаришини ўрганамиз.

1. Умумий фойда суммаси тенг:

$$Фу=40000+3000=43000 \text{ минг сўм.}$$

2. Корхона активлари қиймати (А) тенг:

$$А=60000+25000+5000=96000 \text{ минг сўм.}$$

3. Инфляция ҳисобга олмаган ҳолда корхона рентабеллиги даражаси:

А. Маҳсулот рентабеллиги:

$$R = \frac{Ôî éäà}{Ñî ò èø äàí î ëèí ãàí ì àáëàº} = \frac{4000}{200000} = 0{,}2 \text{ ёки } 20\%$$

$$R = \frac{Ôî éäà}{Ì î ääèé õàðàæàò ëàð} = \frac{4000}{128000} = 0{,}313 \text{ ёки } 31{,}3\%$$

Б. Барча капитал (активлар) рентабеллиги:

$$R_A = \frac{Ф_У}{\text{А}} = \frac{43000}{96000} = 0{,}448 \quad \text{еки } 44{,}8\%$$

В. Шахсий капитал рентабеллиги:

$$R_{ш.к.} = \frac{Ф_У}{\text{Ш.К.}} = \frac{43000}{64000} = 0{,}672 \quad \text{еки } 67{,}2\%$$

Бу кўрсаткични, барча активлар рентабеллиги даражасини, жами активларнинг шахсий капиталга нисбати коэффициентига кўпайтириш билан ҳам аниқлаш мумкин.

$$R_{ш.к.} = \frac{Ф_У}{\text{А}} \cdot \frac{А}{Ш.К.} = \frac{43000}{96000} \cdot \frac{96000}{64000} = 0{,}672 \quad \text{еки } 67{,}2\%$$

Фойда ва рентабаллик кўрсаткичларини инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш учун, барча жорий даврдаги кўрсаткичларни солиштирма баҳоларда ҳисоблаш зарурияти туғилади. Бу иш жорий даврдаги кўрсаткичларни тегишли баҳо индексларига бўлиш билан бажарилади.

10.9-жадвал

Инфляцияни ҳисобга олган ва олмаган ҳолда корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар (минг сўм ва фоиз)

№	Кўрсаткичлар	Инфляция ҳисобга олингандаги ҳақиқий кўрсаткич	Ҳисоб-китоб методи	Инфляцисиз қайта ҳисобланган миқдорлар
1.	Маҳсулотни сотишдан олинган маблағ	200000	20000:2,50	80000
2.	Моддий харажатлар	128000	128000:2,35	54468
3.	Амортизация ажратмалар	8000	8000:1,80	4444
4.	Иш ҳақи	24000	24000:1,75	13714
5.	Сотилган маҳсулот таннархи (2+3+4)	160000	-	72626
6.	Маҳсулот сотишдан олинган фойда (1-5)	40000	-	7374
7.	Бошқа фойдалар	3000	қайта ҳисоблан-майди	3000
8.	Умумий фойда (6+7)	43000	-	10374
9.	Ишлаб чиқариш фондларининг қиймати	66000	66000:1,8	36667
10.	Айланма маблағлар қиймати (активлар)	25000	25000:2,35	10638
11.	Пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари	5000	5000:2,5	2000
12.	Корхона активлари умумий қиймати (9+10+11)	96000	-	49305
13.	Барча капитал рентабеллиги, %	44,8	-	21,0
14.	Шахсий капитал рентабеллиги, %	67,2	21,0·1,5	31,5

Масалан, жорий даврда маҳсулот сотишдан олинган маблағни $\Sigma q_1 p_1$ билан белгиласак, бу кўрсаткични солиштирма баҳода ҳисоблаш учун уни баҳо индексига бўлинади ($\Sigma q_1 p_1 : I_p$) ва олинган натижа ўтган давр баҳоларидаги жорий даврда сотилган маҳсулотдан келган маблағ деб аталади ($\Sigma q_1 p_0$).

Шундай қилиб, инфляция жараёнлар таъсири билан умумий рентабеллик даражаси 23,8 пунктга пасайган, инфляция коэффициенти эса 95% (96000:49305), деярли икки бараварга ошган. Шахсий маблағлар рентабелиги юқоридаги омиллар таъсирида 35,7 пунктга (67,2-31,5) пасайган.

Инфляция таъсири остида маҳсулотни сотишдан олган фойда ва умумий фойдани ўзгариши ўзига эътиборни тортади. Инфляциянинг ўсиш коэффициенти умумий фойда бўйича 4,1 мартага тенг бўлса, маҳсулотни сотишдан олинган фойда бўйича яна ҳам юқори ёки 5,4 мартага тенг.

10.10-жадвал

Корхона фойдаси ва рентабеллигини инфляция таъсири остида ўзгарувчи омиллар (минг сўм)

№	Омиллар номи	Жорий давр ҳақиқий кўрсат-кичлари	Инфляция ҳисобга олингандаги ҳақиқий кўрсаткичлар	Омил ҳажми (1-2)	Инфля-ция ҳис-саси, % (3:2)
	А	1	2	3	4
1.	Корхона сотган маҳсулотига бўлган баҳоларнинг ўзгариши	200000	80000	120000	60,0
2.	Моддий харажатларга бўлган баҳоларнинг ўзгариши	128000	54468	73532	57,4
3.	Асосий фондлар ва капитал қўйилмаларни баҳолашнинг ўзгариши	8000	4444	3556	44,5
4.	Инфляция билан ўртача иш ҳақининг ўзгариши	24000	13714	10286	42,9
5.	Тўла таннарх	160000	72626	87374	54,6
6.	Маҳсулот сотишдан олинган фойда	40000	7374	32626	81,6
7.	Маҳсулот рентабеллиги (6:5)	25,0	10,2	-	-

10.10-жадвал маълумотларидан бир қанча хулосалар чиқариш мумкин. Инфляция жараёни таъсири остида фойдалилик даражаси14,8 пунктга (25,0-10,2) ошди. Таннарх (ҳамма моддалар бўйича) 87374 минг сўмга ошган. Лекин сотилган маҳсулот таннархига инфляцион жараённинг салбий таъсири ижобий таъсиридан кўра камроқ. Бу ҳолат сотилган маҳсулот баҳосини кўтарилиб кетишига олиб келди ва натижада маҳсулотни сотишдан олинган маблағ 120000 минг сўмга ошди. Сотилган маҳсулот баҳосининг юқорилаб ўсиши корхонага 32626 минг сўмлик фойда берди ёки 81,6 % (32626 · 100/40000).

Фойда ва рентабеллик даражаларига инфляция жараённинг таъсирини ўрганишни бошқа омиллар ҳисобидан яна ҳам чуқурлаштириш ва кенгайтириш мумкин. Бу ишни, албатта, дарслик миқёсида бажаришни иложи йўқ.

10.5. Молиявий аҳвол, натижалар ҳақидаги маълумот манбалари

иқтисодиётнинг барча секторларида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи ва натижалари тўғрисидаги маълумот манбаларига қуйидагилар киради:

1-сонли шакл – Бухгалтерия баланси. Баланс биринчи навбатда актив ва пассивларга бўлинади. Активлар эса узоқ муддатли ва жорий активларга бўлинади. Пассив қисм ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларга бўлинади. Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинадиган қийматлар мавжудлиги ҳақида алоҳида маълумотлар берилади.

2-сонли шакл – Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисоботда

корхонанинг махсулот (товар, иш ва ҳизматлар)ни сотишнинг ялпи фойдаси (сатр 010-020), асосий фаолият фойдаси (сатр 030+040+090), умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (сатр 240-250-260) суммаси берилади. Бюджетга тўловлар тўғрисидаги алоҳида маълумот тузилади. Унда даромад солиғи, ялпи даромад солиғи, ягона ер солиғи, ягона солиқ, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер ости бойликларидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, импорт бўйича божхона божи, ер, инфраструктурани ривожлантириш ва бошқа солиқлар, махаллий бюджетга йиғимлар, бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар бўйича тўловлар суммаси берилади. Жами бюджетга тўловлар суммаси 440-сатрда келтирилади.

2а-сонли шакл – Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома. Ушбу ҳисоботда қарзлар корхонага боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган қарзларга бўлинади. Улардан муддати ўтгани алоҳида кўрсатилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари республика ичидаги, ички идоравий, республикадан ташқаридаги қарзларга бўлиб кўрсатилади.

5ф-шакл – Корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот (ойлик). Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай юридик шахслар, уларнинг алоҳида бўлинмалари уй-жойдаги туман, шахар статистика бўлимига тақдим этилади.

Ҳисобот тўрт бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда устав фондида давлат улуши (%да) ҳисобот даври охирига (йил бошидан ортиб борувчи якунда) даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) суммаси жорий ва ўтган йилнинг тегишли даврига келтирилади. Иккинчи бўлимда ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати, яъни дебитор ва кредитор қарзлари берилади. Учинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг хўжалик юрутувчи субъектлари билан ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолати 1-январь, 1-апрель, 1-июль ва 1-октябрга тўлдирилади. Тўртинчи бўлимда ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси йил бошига ва ҳисобот даврининг охирига берилади.

Ҳисоботни барча мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар (кичик корхоанлар, микрофирмалар, бюджет ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) тақдим этади.

Қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фақат йиллик ҳисоботни тақдим этади. Банклар ва суғурта ташкилотлари фақатгина 1-бўлим “Молиявий натижалар”ни тўлдиради. 010-сатр “Устав фонди (капитали)”да давлатга тегишли бўлган акция пакети (улуши) %да тўлдирилади.

Фойда, қарздорлик, ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002-йил 27 декабрда 140-сон билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Буйруғи тасдиқланган. Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалардаги 1-сонли “Бухгалтерия баланси”, 2-сонли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” ва 2а-сонли “Дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисидаги маълумот” сингари тўлдирилади.

097-сатрда деҳқон, буюм ва ихтисослашган бозорларда товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан савдо-сотиқ қилувчи жисмоний шахслар

тўлайдиган бир марталик йиғим тўлдирилади.

1-МБ (йиллик) шаклга илова – Хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг асосий молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисобот (йиллик). Ҳисобот 25-мартдан кечиктирмай хорижий сармоя иштирокидаги кичик корхоналар ва фирмалар томонидан ўз жойидаги туман, шахар статистика бўлимига тақдим этилади. Ушбу шаклда корхонанинг қуйидаги асосий молиявий кўрсаткичлари йил бошига ва охирига берилади: А. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари; Б. Товар моддий захиралари; В. Молиявий натижалар: 1) махсулот (товар, иш ва хизматлар)ни сотишдан тушган тушум (қўшилган қиймат солиғи ва акцизни ҳисобга олган ҳолда); 2) солиқлар (ҚҚС ва акцизлар); 3) махсулот (товарлар, иш ва хизматлар)ни сотишдан тушган тушум; 4) сотилган махсулот таннархи; 5) ялпи фойда (3-4); 6) давр харажатлари; 7) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; 8) молиявий фаолият бўйича даромадлар; 9) молияивий фаолият бўйича харажатлар; 10) фавқулодда фойда (зарарлар); 11) даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) (5-6+7+8-9+10); 12) даромад (фойда) солиғи, бошқа солиқлар ва фойдадан йиғимлар; 13) ягона солиқ тўлови; 14) соф фойда (11-12); Г. Ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган ялпи фойда ва бюджетга тўловлар (солиқлар); Д. Мавжуд ва фойдапланилган пул маблағлари; Е. Мавжуд асосий воситалар ва уларнинг харакати; Ж. Харажатлар; З. Номоддий ҳизматлар учун тўловлар ва асосий воситаларни капитал таъмирлашга қилинган харажатлар.

5с-шакли (чораклик) – Корхона харажатлари тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисобот 1-3 чораклар учун ҳисобот даврининг кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай юридик шахслар, уларнинг алоҳида бўлинмалари (давлат статистика органлари томонидан белгиланган рўйхат бўйича) – ўз жойидаги туман, шахар статистика бўлимига тақдим этилади. Хисоботда корхона харажатлари икки гуруҳга ажратиб ҳисобланади: а) асосий фаолият тури бўйича; б) асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича.

4-сонли шакл – Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисоботда пул оқимлари қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади: 1) операцион фаолият; 2) инвестиция фаолияти; 3) молиявий фаолият; 4) солиққа тортиш.

Буларнинг ҳар бири ҳисобот даврида пул қўйилиши ва чиқимини характерлайди. Масалан, молиявий фаолият бўйича соф пул кирими/чиқими қуйидагича аниқланади. Олинган ва тўланган фоизлар плюс/минус олинган ва тўланган дивидентлар плюс акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари минус хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари плюс/минус узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари плюс/минус узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари плюс/минус молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари.

Корхона ва ташкилотлар чет эл валютасидаги пул маблағларининг харакати тўғрисида алоҳида маълумотнома тузадилар. Йил бошидаги қолдиқ суммага келиб тушган валюта маблағлари (сотишдан олинган тушум, конвентация, молиявий фаолият бўйича ва бошқалар қўшилиб сарфланган валюта маблағлари ажратилади, келиб чиққан суммага чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашда юзага келган курслар сальдоси қўшилса (айрилса), йил охиридаги валюта қолдиғи

келиб чиқади.

Корхона ва ташкилотлар хусусий капитал тўғрисидаги (5-сонли шакл) ҳисоботни ва асосий воситалар харакати тўғрисидаги (3-сонли шакл) ҳисоботни ва бошқа хисобот (Молия вазирлиги ва давлат статистика қўмитаси тасдиқлаган)ларни тақдим этадилар.

Давлат статистика қўмитасида 5ф-шакл маълумотлари асосида ойлик ва чораклик статистик тўплам ва бюллетеньлар тайёрланади: “Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари”; “Ўзбекистон Республикаси ва чет эл хўжалик юрутувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари”; “Корхона ва ташкилотлар харажатлари”; “Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларнинг молия-хўжалик асосий кўрсаткичлари”; “Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларнинг шахсий капитали ва пул оқимлари”; “Асосий маблағлар ва бошқа номоддий активларнинг мавжудлиги ва харакати”; “Ўзбекистон молияси” (йиллик статистик тўплам).

Ҳисоботлар орқали маълумотлар тўплаш жуда яхши усул. Лекин ўқувчига эслатиб қўймоқчимиз, бухгалтерия ва статистик ҳисоботлар орқали тўпланган маълумотлар монографик текширишлар ўтказиш учун етарли эмас. Агарда корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари ва холатини чуқур ўрганиш мақсад қилиб қўйилса, махсус ташкил қилинадиган кузатишларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1-илова.

Давлатларнинг пул бирлиги, тангаси ва пул белгиси*

Осиё қитъаси				
№	**Давлат номи**	**Пул бирлиги**	**тангаси**	**Пул белгиси**
1	Аомин (Макао)	патака	аво	AOP
2	Афғонистон	афгани	пул	AFA
3	Бангладеш	така	пайса	BAT
4	Бахрайн	динор	филса	BHD
5	Бирма	кият	пия	BIK
6	Бруней	Бруней доллари	сен	BND
7	Бутан	Нгултрум ёки бутан рупияси	четрум	BUN
8	Вьетнам	донг	су	VND
9	Исроил	шекел	янги агорт	ISS
10	Ҳиндистон (Индия)	рупия	пайса	INR
11	Индонезия	индонезия рупияси	сен	IDR
12	Иордания	иордан динори	филса	JOD
13	Ироқ	динор	филса	IQD
14	Эрон	риёл	динор	IRR
15	Яман	Яман риали	букша	YER
16	Кампучия	риел	сен	KAR
17	Қатар	Қатар риали	дирхам	QAR
18	Қозоғистон	тенге	тиин	KZT
19	Қирғизистон	сом	тиин	KGS
20	Хитой	юан	фин	CNY
21	Тайван	тайван доллари		TWD
22	Шимолий Корея	вона	чоп	KPW
23	Қувайт	қувайт динори	филса	KWD
24	Лаос	кип	ат	LAK
25	Ливан	ливан фунти	пиастр	LBP
26	Малайзия	малайзия доллари (риннгит)	сен	MYR
27	Малдив Ороллари	Малдив руфияси	лари	MLR
28	Монголия	тугрик	мунгу	MNT
29	Непал	непал рупияси	пайса	NPR
30	Уммон	уммон риали	байза	UMR
31	Покистон	рупия	пайса	PKR
32	Саудия Арабистони	саудия риали	ҳалал	SAR
33	Сингапур	сингапур доллари	сена	SGD
34	Сурия	Сурия фунти	пиастр	SUF
35	Сянган (Ганконг)	ганконг доллари	цент	HKD
36	Тайланд	бат	сатанг	THB
37	Тожикистон	сомон	дирам	TJS
38	Туркия	туркия лираси	куруш	TRL
39	Туркманистон	манат	тенге	TMM
40	Филлипин	песо	сентаво	PHP
41	Шри-Ланка	рупия	цент	LKR
42	Япония	йена	сен	JPY
43	Ўзбекистон	сўм	тийин	UZS

Африка қитъаси				
44	Ангола	кванза	ливия	AOA
45	Жазоир	динор	сантим	DJD
46	Фил суяги ороллари	франк	сантим	EBF
47	Ботсвана	пул	тхебе	BWP
48	Буркина-Фасо	франк	сантим	XOF
49	Бурунди	бурунди франки	сантим	BIF
50	Габон	франк	сантим	GAF
51	Гамбия	даласи	бутут	GMD
52	Гана	седи	песев	GHC
53	Гвинея	гвинея франки	каури	GNF
54	Гвинея-Бисау	песо	сентаво	XOF
55	Джибути	джибути франки	сантим	DJF
56	Миср (Египет)	миср фунти	пиастр	EGP
57	Заир	заир	макута	ZAZ
58	Замбия	квача	нгве	ZMK
59	Зимбабве	зимбабве доллари	цент	ZIZ
60	Кабо-Верде	кабо-верде эскудоси	сантим	CVE
61	Камерун	франк	цент	CAF
62	Кения	кения шиллинги	сантим	KES
63	Комор ороллари	комор франки	сантим	KMF
64	Конго	франк	лисенте	XAF
65	Кот-Дивар	франк	цент	XOF
66	Лесото	жанубий африка ранди	цент	LSL
67	Либерия	либерия доллари	цент	LRD
68	Ливия	ливия динори	дирҳ	LYD
69	Маврикия	маврикия рупияси	цент	MUR
70	Мавритания	угия	ҳумса	MRO
71	Мадагаскар	малагас франки	сантим	MGF
72	Малави	квача	тамбал	MWK
73	Мали	франк	сантим	XOF
74	Марокаш	дирҳам	сантим	MAD
75	Мозамбик	метикал	сентаво	MZM
76	Намибия	ЖА ранди	цент	NAD
77	Нигер	франк	сантим	XOF
78	Нигерия	найра	кбо	NGN
79	Реюнён	француз франки	сантим	RNF
80	Руанда	руанда франки	сантим	RUF
81	Сан Томе ва Принсипи	добра	сентимо	STD
82	Свазиленд	лилангени	цент	SZL
83	Авлиё Елена ороллари	инглиз фунт стерлинги	пенс	SHP
84	Сейшел ороллари	сейшел рупияси	цент	SCR
85	Сенегал	африка молия уюшмаси франки	сантим	XOF
86	Сомали	сомали шиллинги	цент	SOS
87	Судан	судан фунти	пиастр	SDD
88	Сйерра-Леоне	леоне	цент	SLL
89	Того	франк	сантим	XOF

90	Тунис	динор	миллим	TND
91	Уганда	уганда шиллинги	цент	UGX
92	Чад	франк	сантим	XAF
93	Экваториал Гвинея	экуэлэ	сентимо	XAF
94	Эфиопия	бир	цент	ETB
95	Жар	ранд	цент	DJR
Европа қитъаси				
96	Арманистон	Драм	лума	AMD
97	Австрия	евро	евро цент	EUR
98	Албания	Лек	киндарк	ALL
99	Андорра	евро	евро цент	EUR
100	Андорра	испан песети	Сантимо	ADP
101	Беларус	рубл	Копейка	BYR
102	Белгия	евро	евро цент	EUR
103	Болгария	лев	стотинк	BGL
104	Буюк Британия	фунт стерлинг	пенс	GBP
105	Эстония	евро	евро цент	EUR
106	Венгрия	евро	евро цент	EUR
107	Германия	евро	евро цент	EUR
108	Гибралтар	гибралтар фунти	пенс	GIP
109	Греция	евро	евро цент	EUR
110	Грузия	лари	тетри	GEL
111	Дания	дания кронаси	эрэ	DKK
112	Ирландия	евро	евро цент	EUR
113	Исландия	исландия кронаси	эйрэ	ISK
114	Испания	евро	евро цент	EUR
115	Италия	евро	евро цент	EUR
116	Кипр	кипр фунти	Мил	CYP
117	Латвия	Евро	евро цент	EUR
118	Литва	Евро	евро цент	EUR
119	Лихтенштейн	швейцария франки	сантим	CHF
120	Люксембург	евро		EUR
121	Молдавия	лей	бани	MDL
122	Малта	лира	Цент,мил	MTL
123	Монако	евро	евро цент	EUR
124	Нидерландия	евро	евро цент	EUR
125	Норвегия	норвегия кронаси	эрэ	NOK
126	Озарбайжон	манат	гяпик	AZN
127	Польша	евро	евро цент	EUR
128	Португалия	Евро	евро цент	EUR
129	Россия	рубль	копейка	RUB
130	Руминия	лея	бания	ROL
131	Сан-Марино	евро	евро цент	EUR
132	Словакия	евро	евро цент	EUR
133	Финландия	евро	евро цент	EUR
134	Франция	евро	евро цент	EUR
135	Чехия	евро	евро цент	EUR
136	Швейцария	швейцария франки	сантим	CHF
137	Швеция	швед кронаси	эрэ	SEK
138	Сербия ва Черногория	динар	пара	CSD

139	Хорватия	куна		HRK
140	Украина	гривна	копейка	UAH
Америка қитъаси				
141	Антигуа ва Барбуда	шарқий кариб доллари	цент	XCD
142	Антил ороллари	антил гулдени ёки флорин	цент	ANG
143	Аргентина	аустрал	цент	ARS
144	Аруба	аруб гулдени	цент	AWG
145	Багам ороллари	багама доллари	цент	BSD
146	Барбадос	барбадос доллари	цент	BBD
147	Белиз	белиз доллари	цент	BZD
148	Бермуд ороллари	бермуд доллари	цент	BMD
149	Боливия	боливиано	сентаво	BOB
150	Венесуэло	боливар	сентаво	VEB
151	Виргин ороллари	АҚШ доллари	цент	USD
152	Британ ва кариб ороллари	доллар	цент	USD
153	Гаити	гурд	сентимо	HTG
154	Гаяна	гаяна доллари	цент	GYD
155	Гваделупа	француз франки	сантим	GVF
156	Гватемала	кетсал	сентаво	GTQ
157	Гвиана	француз франки	сантим	GNF
158	Гондурас	лемпира	сентаво	HNL
159	Гренада	шарқий кариб доллари	цент	XCD
160	Гренландия	дания кронаси	эрэ	DKK
161	Доминика	шарқий кариб доллари	цент	XCD
162	Доминикан Республикаси	песо	сентаво	DOP
163	Кайман ороллари	кайман доллари	цент	KYD
164	Канада	канада доллари	цент	CAD
165	Колумбия	песо	сентаво	COP
166	Коста-Рика	колон	сентимо	CRC
167	Куба	песо	сентаво	CUP
168	Мартиника	француз франки	сантим	MRF
169	Мексика	песо	сентаво	MXN
170	Монсеррат	шарқий кариб доллари	цент	XCD
171	Никарагуа	кордоба	сентаво	NIO
172	Панама	балбоа	сентимо	USD
173	Парагвай	гуарни	сантимо	PYG
174	Перу	инти	сентаво	PEN
175	Пуэрто-Рико	АҚШ доллари	цент	USD
176	Салвадор	колон	цент	SVC
177	Сан-Пер ва Микелон	евро	евро цент	EUR
178	Сент-Винсет ва Гренадин	шарқий кариб доллари	цент	XCD
179	Сент-Кристофер ва Невис-Англия	шарқий кариб доллари	цент	XCD

180	Сент-Лусия	шарқий кариб доллари	цент	XCD
181	АҚШ	доллар	цент	USD
182	Суринам	суринам гулдени	цент	SRG
183	Теркс ва Кайкос	АҚШ доллари	цент	USD
184	Тринидад ва Тобаго	Тринидад ва Тобаго доллари	цент	TTD
185	Уругвай	песо	сентисимо	UYU
186	Фолкленд ороллари	инглиз фунт стерлинги	пенс	FKP
187	Чили	песо	цент	CLP
188	Эквадор	сукре	сентаво	EKS
189	Ямайка	ямайка доллари	цент	JMD
Австралия ва Океания				
190	Австралия	австралия доллари	цент	AUD
191	Вануату	австралия доллар ва янги гибрид франки, вату	цент	AUD
192	Шарқий Самоа	АҚШ доллари	цент	USD
193	Гуам	АҚШ доллари	цент	USD
194	Ғарбий Самоа	тала	цент	WST
195	Кирибати	австрали доллари	цент	AUD
196	Кук ороллари	янги зеландия доллари	цент	NZD
197	Микронезия (Каролин,Марианн,Мариал ороллари)	АҚШ доллари	цент	USD
198	Науру	австралия доллари	цент	AUD
199	Ниуе	янги зеландия доллари	цент	NZD
200	Янги Зеландия	янги зеландия доллари	цент	NZD
201	Янги Каледония	франк	сантим	XPF
202	Норфолк	австралия доллари	цент	AUD
203	Янги Гвинея	кина	тоя	PGK
204	Полинезия	франк	сантим	XPF
205	Соломон ороллари	Соломон ороллари доллари	цент	SBD
206	Токелау	янги зеландия доллари	цент	NZD
207	Тонга	паанга ёки тонга доллари	сенити	TOP
208	Тувалу	австралия доллари	цент	AUD
209	Уоллис ва Футуна	франк	сантим	XPF
210	Фиджи	фиджи доллари	цент	FJD

* Жадвал ММ-80 гуруҳ студентлари томонидан тузилди

2- илова

Full Universal Currency Converter

*Please note: This "full" version of the Universal Currency Converter ® contains every known world currency. That's over 180 currencies in over 250 geographical locations!

№ /	State /	Currency	
1.	Afghanistan,	Afghani	(AFN)
2.	Albania,	Lek	(ALL)
3.	Algeria,	Dinar	(DZD)
4.	America (United States),	Dollar	(USD)
5.	Andorra,	Euro	(EUR)
6.	Angola,	Kwanza	(AOA)
7.	Anguilla, East Caribbean	Dollar	(XCD)
8.	Antigua and Barbuda, East Caribbean	Dollar	(XCD)
9.	Argentina,	Peso	(ARS)
10.	Armenia,	Dram	(AMD)
11.	Aruba,	Guilder	(AWG)
12.	Ashmore and Cartier Islands,	Australia Dollar	(AUD)
13.	Australia,	Dollar	(AUD)
14.	Austria,	Euro	(EUR)
15.	Azerbaijan,	New Manat	(AZN)
16.	Azores,	Euro	(EUR)
17.	Bahamas,	Dollar	(BSD)
18.	Bahrain,	Dinar	(BHD)
19.	Bajan (Barbados),	Dollar	(BBD)
20.	Balearic Islands,	Euro	(EUR)
21.	Bangladesh,	Taka	(BDT)
22.	Belarus,	Ruble	(BYR)
23.	Belgium,	Euro	(EUR)
24.	Belize,	Dollar	(BZD)
25.	Benin,	CFA Franc BCEAO	(XOF)
26.	Bermuda,	Dollar	(BMD)
27.	Bhutan,	India Rupee	(INR)
28.	Bhutan,	Ngultrum	(BTN)
29.	Bolivia,	Boliviano	(BOB)
30.	Bonaire,	Netherlands Antilles Guilder	(ANG)
31.	Bosnia and Herzegovina,	Convertible Marka	(BAM)
32.	Botswana,	Pula	(BWP)
33.	Brazil,	Real	(BRL)
34.	Britain (United Kingdom),	Pound	(GBP)
35.	British Indian Ocean Territory,	United Kingdom Pound	(GBP)
36.	British Indian Ocean Territory,	United States Dollar	(USD)
37.	British Virgin Islands,	United States Dollar	(USD)
38.	Brunei,	Dollar	(BND)
39.	Brunei,	Singapore Dollar	(SGD)
40.	Bulgaria,	Lev	(BGN)
41.	Burkina Faso,	CFA Franc BCEAO	(XOF)
42.	Burma (Myanmar),	Kyat	(MMK)
43.	Burundi,	Franc	(BIF)
44.	Cambodia,	Riel	(KHR)
45.	Cameroon,	CFA Franc BEAC	(XAF)
46.	Canada,	Dollar	(CAD)
47.	Canary Islands,	Euro	(EUR)
48.	Cape Verde,	Escudo	(CVE)
49.	Cayman Islands,	Dollar	(KYD)
50.	Central African Republic,	CFA Franc BEAC	(XAF)
51.	Chad,	CFA Franc BEAC	(XAF)

52.	Chile,	Peso	(CLP)
53.	China,	Yuan Renminbi	(CNY)
54.	Christmas Island,	Australia Dollar	(AUD)
55.	Cocos (Keeling Islands,	Australia Dollar	(AUD)
56.	Colombia,	Peso	(COP)
57.	Communauté Financière Africaine	BEAC Franc	(XAF)
58.	Communauté Financière Africaine	BCEAO Franc	(XOF)
59.	Comoros,	Franc	(KMF)
60.	Congo/Brazzaville,	CFA Franc BEAC	(XAF)
61.	Congo/Kinshasa,	Franc	(CDF)
62.	Cook Islands,	New Zealand Dollar	(NZD)
63.	Coral Sea Islands,	Australia Dollar	(AUD)
64.	Costa Rica,	Colon	(CRC)
65.	Croatia,	Kuna	(HRK)
66.	Cuba,	Convertible Peso	(CUC)
67.	Cuba,	Peso	(CUP)
68.	Cyprus,	Euro	(EUR)
69.	Czech Republic,	Koruna	(CZK)
70.	Denmark,	Krone	(DKK)
71.	Djibouti,	Franc	(DJF)
72.	Dominica,	East Caribbean Dollar	(XCD)
73.	Dominican Republic,	Peso	(DOP)
74.	Dutch (Netherlands),	Euro	(EUR)
75.	East Caribbean	Dollar	(XCD)
76.	East Timor,	United States Dollar	(USD)
77.	Ecuador,	United States Dollar	(USD)
78.	Egypt,	Pound	(EGP)
79.	El Salvador,	Colon	(SVC)
80.	England (United Kingdom),	Pound	(GBP)
81.	Equatorial Guinea,	CFA Franc BEAC	(XAF)
82.	Eritrea,	Nakfa	(ERN)
83.	Estonia,	Kroon	(EEK)
84.	Ethiopia,	Birr	(ETB)
85.	Europa Island,	Euro	(EUR)
86.	Falkland Islands,	Pound	(FKP)
87.	Faroe Islands,	Denmark Krone	(DKK)
88.	Fiji,	Dollar	(FJD)
89.	Finland,	Euro	(EUR)
90.	France,	Euro	(EUR)
91.	French Guiana,	Euro	(EUR)
92.	French Polynesia,	Euro	(EUR)
93.	French Southern and Antarctic Lands,	Euro	(EUR)
94.	Gabon,	CFA Franc BEAC	(XAF)
95.	Gambia,	Dalasi	(GMD)
96.	Gaza Strip,	Israel New Shekel	(ILS)
97.	Georgia,	Lari	(GEL)
98.	Germany,	Euro	(EUR)
99.	Ghana,	Cedi	(GHS)
100.	Gibraltar,	Pound	(GIP)
101.	Great Britain (United Kingdom),	Pound	(GBP)
102.	Greece,	Euro	(EUR)
103.	Greenland,	Denmark Krone	(DKK)
104.	Grenada,	East Caribbean Dollar	(XCD)
105.	Guadeloupe,	Euro	(EUR)
106.	Guam,	United States Dollar	(USD)
107.	Guatemala,	Quetzal	(GTQ)
108.	Guernsey,	Pound	(GGP)

109. Guinea,	Franc	(GNF)
110. Guyana,	Dollar	(GYD)
111. Haiti,	Gourde	(HTG)
112. Holland (Netherlands),	Euro	(EUR)
113. Holy See (Vatican City),	Euro	(EUR)
114. Honduras,	Lempira	(HNL)
115. Hong Kong,	Dollar	(HKD)
116. Hungary,	Forint	(HUF)
117. Iceland,	Krona	(ISK)
118. India,	Rupee	(INR)
119. Indonesia,	Rupiah	(IDR)
120. Iran,	Rial	(IRR)
121. Iraq,	Dinar	(IQD)
122. Ireland,	Euro	(EUR)
123. Islas Malvinas (Falkland Islands),	Pound	(FKP)
124. Isle of Man,	Pound	(IMP)
125. Israel,	New Shekel	(ILS)
126. Italy,	Euro	(EUR)
127. Jamaica,	Dollar	(JMD)
128. Japan,	Yen	(JPY)
129. Jersey,	Pound	(JEP)
130. Johnson,	United States Dollar	(USD)
131. Jordan,	Dinar	(JOD)
132. Juan de Nova,	Euro	(EUR)
133. Kazakhstan,	Tenge	(KZT)
134. Kenya,	Shilling	(KES)
135. Kiribati,	Australia Dollar	(AUD)
136. Kuwait,	Dinar	(KWD)
137. Kyrgyzstan,	Som	(KGS)
138. Laos,	Kip	(LAK)
139. Latvia,	Lat	(LVL)
140. Lebanon,	Pound	(LBP)
141. Lesotho,	Loti	(LSL)
142. Liberia,	Dollar	(LRD)
143. Libya,	Dinar	(LYD)
144. Liechtenstein, Switzerland	Franc	(CHF)
145. Lithuania,	Litas	(LTL)
146. Luxembourg,	Euro	(EUR)
147. Macau,	Pataca	(MOP)
148. Madagascar,	Ariary	(MGA)
149. Macedonia,	Denar	(MKD)
150. Madeira Islands,	Euro	(EUR)
151. Malawi,	Kwacha	(MWK)
152. Malaysia,	Ringgit	(MYR)
153. Maldives,	Rufiyaa	(MVR)
154. Malta,	Euro	(EUR)
155. Malvinas (Falkland Islands),	Pound	(FKP)
156. Marshall Islands,	United States Dollar	(USD)
157. Martinique,	Euro	(EUR)
158. Mauritania,	Ouguiya	(MRO)
159. Mauritius,	Rupee	(MUR)
160. Mayotte,	Euro	(EUR)
161. Mexico,	Peso	(MXN)
162. Micronesia,	United States Dollar	(USD)
163. Midway Islands,	United States Dollar	(USD)
164. Moldova,	Leu	(MDL)
165. Monaco,	Euro	(EUR)

166. Mongolia,	Tughrik	(MNT)
167. Montenegro,	Euro	(EUR)
168. Montserrat,	East Caribbean Dollar	(XCD)
169. Morocco,	Dirham	(MAD)
170. Mozambique,	Metical	(MZN)
171. Myanmar (Burma),	Kyat	(MMK)
172. Namibia,	Dollar	(NAD)
173. Nauru,	Australia Dollar	(AUD)
174. Navassa,	Haiti Gourde	(HTG)
175. Navassa,	United States Dollar	(USD)
176. Nepal,	Rupee	(NPR)
177. Netherlands Antilles,	Guilder	(ANG)
178. Netherlands,	Euro	(EUR)
179. New Zealand,	Dollar	(NZD)
180. Nicaragua,	Cordoba	(NIO)
181. Nigeria,	Naira	(NGN)
182. Niue,	New Zealand Dollar	(NZD)
183. Norfolk Island,	Australia Dollar	(AUD)
184. North Korea,	Won	(KPW)
185. Northern Mariana Islands,	United States Dollar	(USD)
186. Norway,	Krone	(NOK)
187. Oman,	Rial	(OMR)
188. Pakistan,	Rupee	(PKR)
189. Palau,	United States Dollar	(USD)
190. Panama,	Balboa	(PAB)
191. Papua New Guinea,	Kina	(PGK)
192. Paraguay,	Guarani	(PYG)
193. Peru,	Nuevo Sol	(PEN)
194. Philippines,	Peso	(PHP)
195. Poland,	Zloty	(PLN)
196. Portugal,	Euro	(EUR)
197. Puerto Rico,	United States Dollar	(USD)
198. Qatar,	Riyal	(QAR)
199. Réunion,	Euro	(EUR)
200. Romania,	New Leu	(RON)
201. Russia,	Ruble	(RUB)
202. Rwanda,	Franc	(RWF)
203. Saint Helena,	Pound	(SHP)
204. Saint Pierre and Miquelon,	Euro	(EUR)
205. Saint-Martin,	Euro	(EUR)
206. Samoa,	Tala	(WST)
207. San Marino,	Euro	(EUR)
208. Saudi Arabia,	Riyal	(SAR)
209. Scotland (United Kingdom),	Pound	(GBP)
210. Seborga,	Luigino	(SPL)
211. Senegal,	CFA Franc BCEAO	(XOF)
212. Serbia,	Dinar	(RSD)
213. Seychelles,	Rupee	(SCR)
214. Sierra Leone,	Leone	(SLL)
215. Singapore,	Dollar	(SGD)
216. Slovakia,	Koruna	(SKK)
217. Slovenia,	Euro	(EUR)
218. Solomon Islands,	Dollar	(SBD)
219. Somalia,	Shilling	(SOS)
220. South Africa,	Rand	(ZAR)
221. South Korea,	Won	(KRW)
222. South Sandwich Islands, United Kingdom	Pound	(GBP)

223. Spain,	Euro	(EUR)
224. Sri Lanka,	Rupee	(LKR)
225. Sudan,	Pound	(SDG)
226. Suriname,	Dollar	(SRD)
227. Svalbard and Jan Mayen,	Norway Krone	(NOK)
228. Swaziland,	Lilangeni	(SZL)
229. Swaziland,	South Africa Rand	(ZAR)
230. Sweden,	Krona	(SEK)
231. Switzerland,	Franc	(CHF)
232. Syria,	Pound	(SYP)
233. Taiwan,	New Dollar	(TWD)
234. Tajikistan,	Somoni	(TJS)
235. Tanzania,	Shilling	(TZS)
236. Thailand,	Baht	(THB)
237. Togo,	CFA Franc BCEAO	(XOF)
238. Tokelau,	New Zealand Dollar	(NZD)
239. Tonga,	Pa'anga	(TOP)
240. Transnistria,	Moldova Leu	(MDL)
241. Trinidad and Tobago,	Dollar	(TTD)
242. Tunisia,	Dinar	(TND)
243. Turkey,	New Lira	(TRY)
244. Turkmenistan,	Manat	(TMM)
245. Turks and Caicos Islands,	United States Dollar	(USD)
246. Tuvalu,	Australia Dollar	(AUD)
247. Tuvalu,	Dollar	(TVD)
248. Uganda,	Shilling	(UGX)
249. Ukraine,	Hryvna	(UAH)
250. United Arab Emirates,	Dirham	(AED)
251. Uruguay,	Peso	(UYU)
252. Uzbekistan,	Som	(UZS)
253. Vanuatu,	Vatu	(VUV)
254. Vatican City,	Euro	(EUR)
255. Venezuela,	Bolivar Fuerte	(VEF)
256. Vietnam,	Dong	(VND)
257. West Bank,	Jordan Dinar	(JOD)
258. Western Sahara,	Morocco Dirham	(MAD)
259. Yemen,	Rial	(YER)
260. Zambia,	Kwacha	(ZMK)
261. Zimbabwe,	Dollar	(ZWD)

* This **Full Universal Currency Converter made by MM-81 group's student Hudoyqulov Hurshid.**

3-илова

Йил кунларининг тартиб рақами

Ой кунлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	1	32	60	91	121	152	182	213	244	274	305	335
2	2	33	61	92	122	153	183	214	245	275	306	336
3	3	34	62	93	123	154	184	215	246	276	307	337
4	4	35	63	94	124	155	185	216	247	277	308	338
5	5	36	64	95	125	156	186	217	248	278	309	339
6	6	37	65	96	126	157	187	218	249	279	310	340
7	7	38	66	97	127	158	188	219	250	280	311	341
8	8	39	67	98	128	159	189	220	251	281	312	342
9	9	40	68	99	129	160	190	221	252	282	313	343
10	10	41	69	10	130	161	191	222	253	283	314	344
11	11	42	70	101	131	162	192	223	254	284	315	345
12	12	43	71	102	132	163	193	224	255	285	316	346
13	13	44	72	103	133	164	194	225	256	286	317	347
14	14	45	73	104	134	165	195	226	257	287	318	348
15	15	46	74	105	135	166	196	227	258	288	319	349
16	16	47	75	106	136	167	197	228	259	289	320	350
17	17	48	76	107	137	168	198	229	260	290	321	351
18	18	49	77	108	138	169	199	230	261	291	322	352
19	19	50	78	109	139	170	200	231	262	292	323	353
20	20	51	79	110	140	171	201	232	263	293	324	354
21	21	52	80	111	141	172	202	233	264	294	325	355
22	22	53	81	112	142	173	203	234	265	295	326	356
23	23	54	82	113	143	174	204	235	266	296	327	357
24	24	55	83	114	144	175	205	236	267	297	328	358
25	25	56	84	115	145	176	206	237	268	298	329	359
26	26	57	85	116	146	177	207	238	269	299	330	360
27	27	58	86	117	147	178	208	239	270	300	331	361
28	28	59	87	118	148	179	209	240	271	301	332	362
29	29	-	88	119	149	180	210	241	272	302	333	363
30	30	-	89	120	150	181	211	242	273	303	334	364
31	31	-	90	-	151	-	212	243	-	304	-	365

4-илова

Кабиса йил кунларининг тартиб рақами

Ой кунлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	1	32	61	92	122	153	183	214	245	275	306	336
2	2	33	62	93	123	154	184	215	246	276	307	337
3	3	34	63	94	124	155	185	216	247	277	308	338
4	4	35	64	95	125	156	186	217	248	278	309	339
5	5	36	65	96	126	157	187	218	249	279	310	340
6	6	37	66	97	127	158	188	219	250	280	311	341
7	7	38	67	98	128	159	189	220	251	281	312	342
8	8	39	68	99	129	160	190	221	252	282	313	343
9	9	40	69	10	130	161	191	222	253	283	314	344
10	10	41	70	101	131	162	192	223	254	284	315	345
11	11	42	71	102	132	163	193	224	255	285	316	346
12	12	43	72	103	133	164	194	225	256	286	317	347
13	13	44	73	104	134	165	195	226	257	287	318	348
14	14	45	74	105	135	166	196	227	258	288	319	349
15	15	46	75	106	136	167	197	228	259	289	320	350
16	16	47	76	107	137	168	198	229	260	290	321	351
17	17	48	77	108	138	169	199	230	261	291	322	352
18	18	49	78	109	139	170	200	231	262	292	323	353
19	19	50	79	110	140	171	201	232	263	293	324	354
20	20	51	80	111	141	172	202	233	264	294	325	355
21	21	52	81	112	142	173	203	234	265	295	326	356
22	22	53	82	113	143	174	204	235	266	296	327	357
23	23	54	83	114	144	175	205	236	267	297	328	358
24	24	55	84	115	145	176	206	237	268	298	329	359
25	25	56	85	116	146	177	207	238	269	299	330	360
26	26	57	86	117	147	178	208	239	270	300	331	361
27	27	58	87	118	148	179	209	240	271	301	332	362
28	28	59	88	119	149	180	210	241	272	302	333	363
29	29	60	89	120	150	181	211	242	273	303	334	364
30	30	-	90	121	151	182	212	243	274	304	335	365
31	31	-	91	-	152	-	213	244	-	305	-	366

ГЛОССАРИЙ

Авал - векселнинг кафолати ҳақидаги белги бўлиб, у оддий ёки ўтказиладиган вексел бўйича ушбу вексел суммасининг ҳаммасини ёки қисман тўлашга кафолат беради. Бунда вексел варақасига ёки алохида қоғозга вексел берилган вақт ва уни олган шахс кўрсатилади. (Агар векселни олган шахс айни вақтда мавжуд бўлмаса, бу кафолат вексел берувчига берилган деб ҳисобланади). Авалист имзо қўйган, "авал деб ҳисоблансин" деган ибора ёки пул мазмундош бирон бир формула билан ифодаланади.

Авалист - учинчи шахс (одатда банк) ёки векселга имзо қўйган, авал ёзган шахслардан бири.

Аванс – корхонанинг бажариладиган иш, ўтказиладиган мол-мулк, кўрсатилган хизматлар ва бошқалар учун тўланадиган тўловлар ҳисобига берадиган ёки пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган дастлабки пул суммаси ёки бошқа умумий қиймат.

Аванс фоизлари – пул воситалари берилганда тўланадиган фоизлар.

Ависта - векселдаги ёзув бўлиб, векселни кўрсатилиши биланоқ ёки маълум муддат ўтгач тўлашни тасдиқловчи гувоҳнома.

Авизо – ўзаро ҳисоб-китоблар, пул ўтказишлар, товарларни посилка қилиб жўнатиш ва ҳисоб-китобларни контагент бошқа конторогентга юборадиган пайтда ўзгаришлар ҳақида уларни расмий равишда хабардор қилиш.

Авуарлар - ҳар хил активлар (пул воситалари, чеклар, векселлар, ўтказиладиган тўловлар, аккредитивлар) ҳисобига мажбуриятларни тўлаш ва қарзларни узиш, шунингдек чет эл банкларида жойлаштирилган бизнинг мамлакат пул маблағлари.

Агент (трансферт буйича) - қимматли қоғоз сақловчилар реестрини олиб бориш, унга ўзгартиришлар киритиш, қимматли қоғозларни сотиб олган янги эгаларига сертификатларни кўчириб ёзиш, дивидендларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолият.

Агрегат пуллар – мамлакат иқтисодиётида тўлов воситасидек фойдаланса бўладиган жами пул воситалари, ўз ичига банклардан ташқаридаги пулларни ва сўраб олгунча бўлган депозитларни олади.

Агент (қайд этиш бўйича) - сертификатлар ёзилган акциялар умумий сонини ҳисобга олиш, акционерларнинг рўйхатдаги сони ва акциялар миқдорининг мос келишини назорат қилиш билан боғлиқ фаолият.

"Айиқ" - қимматли қоғозлар бозори қатнашчиси, у маълум қимматли қоғозларнинг нархи пасайишини олдиндан сезган ҳолда уларни қарзга олади ва пайт пойлаб уларни сотади. Қарз муддати етиб келгунча нархлар пасайиб ва шу пасайган нарх бўйича "айиқ" ўз қарзини тўлайди. Ўртадаги тафовут "айиқ"нинг даромади бўлади.

Айланиш коэффициенти - сотишдан тушган маблағни эмитентнинг мол-мулки қийматига нисбати.

Аккредитив - шахс (одатда юридик) номига ёзилган сумма ва у шахсни кўрсатилган банкдан шу суммани маълум бир қоидаларга риоя қилган ҳолда олиши мумкинлигини тасдиқловчи номи кўрсатилган қимматли қоғоз.

Активлар - акционерлик жамиятининг асосий фондлари, номоддий активлари, молиявий қўйилмалари, захиралари ва харажатлари, пул маблағлари, дебиторлик қарзларини ўз ичига олган эмитентнинг мол-мулки қиймати.

Акцепт - ўтказиладиган векселдаги акцепт санаси кўрсатилган, "акцептланган", "қабул қилинди", "тўлайман" деб акцептчи қўл қўйган ёки тўловчининг оддий имзоси билан вексел суммасининг жами ёки бир қисмини тўлаш ҳақидаги белги ёки тасдиқнома.

Акцептчи - вексел бўйича тўловчи, акцепт қўйган шахс.

Акционер - акциялар эгаси (ушловчиси).

Акцизлар – асосан оммавий истеъмолдаги товарлар ва хусусий корхоналарнинг нархига ёки тарифига қўшиладиган бевосита товарларга солинадиган солиқлар тури.

Акционерлар реестри - акционерларнинг номма-ном рўйхати, бунда сотиб олинган акциялар сони ва категорияси, сотиб олинган санаси (куни), акционерларнинг номи, турар жойи, сотиб олган акцияларининг нархи ва номинал қиймати кўрсатилади.

Акционерлик жамияти - юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, хорижий)нинг ўз маблағларини акция чиқариш йўли билан бирлаштириб, ихтиёрий битим асосида тузилган ташкилот.

Акционерлик жамиятининг бошқарув органлари - акционерлар мажлиси, директорлар маслаҳатида сайланган бошқарув органи.

Акция - акционерлик жамияти томонидан чиқарилган, шу жамият устав капиталига қўшилган хиссани ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивиденд тариқасида олишни, уни бошқариб туришда қатнаша олишни тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз.

Акция бозори капитализацияси – акциянинг бозор қийматини муомаладаги акциялар миқдорига кўпайтмасидан иборат.

Акция хусусийлик ҳуқуқини бериш ҳақидаги хужжат – олди-сотдида тўлдириладиган, томонлар ва воситачи имзолари билан тасдиқланадиган белгиланган шаклдаги варақа.

Акция эгасининг даромади - дивиденд ставкаси асосида ёки акциянинг номинал баҳоси асосида ҳисобланган дивиденд.

Акция эгасининг жами даромади - дивидендлар ва қўшимча даромадлар йиғиндиси.

Акция эгасининг қўшимча даромади - сотиш баҳоси ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ.

Акция сотиб олувчи (харидор)нинг даромади - йиллик дивиденд ва акция сотилган кундан дивидендлар тўлаш кунигача бўлган кунлар сони асосида ҳисобланган дивиденднинг бир қисми.

Акциянинг даромадлилиги - дивиденд суммасининг акцияни сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиз кўринишидаги ифодаси.

Акциянинг қўшимча даромадлилиги - қўшимча даромад суммасининг сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Акциянинг жами даромадлилиги - жами даромаднинг сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Акциянинг ҳисобланган баҳоси - акционерлик капитали миқдорининг чиқарилган акциялар сонига нисбати.

Акциялар сертификати - инвесторнинг маълум миқдордаги акцияларга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳосилавий қимматли қоғоз.

Акцияларни назорат пакети - эгасига акционерлик жамиятида ҳақиқий ҳукмронликни таъминлайдиган акциялар миқдори.

Аллонж - векселга қўшимча варақ, унга индоссамент ва авал қўйилади (ёзилади).

Алмаштириладиган облигация - инвестор бошқа эмитентнинг қабул қилинган миқдордаги акцияларига алмаштириши мумкин бўлган облигация.

Амортизация – аста-секин эскираётган асосий фондлар қийматини ишлаб чиқарилаётган махсулот қийматига ўтказиш. Пул маблағларининг мақсадли жамғарилиши ва уларнинг кейинчалик эскирган асосий фондлар ўрнини тўлдириш учун қўлланилиши.

Амортизация ажратмалари – бу қийматли ифодадаги асосий фондларнинг эскириш ўрнини секин-аста тўлдиришдир. Амортизация ажратмалари тўлиқ ва қисман тикланишларга, яъни асосий фондларни капитал таъминлашга ишлатилади.

Амортизация фонди – асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда ишга туширишга мўлжалланган пул маблағларидир.

Андеррайтинг - қимматли қоғознинг эмитент қўлидан биринчи инвесторга ўтиши, воситачи орқали ҳам бўлиши мумкин.

Андерлаинг – опцион контакт шартларига мувофиқ сотиб олиш ёки сотиш хуқуқи мавжуд бўлган қимматли қоғозлар.

Аниқ фоизлар - қисқа муддатли фоизлар, 365 (366) кунга тенг бўлган вақт базасига асосан ҳисобланади.

Анотоцизм – фоизлардан фоиз олиш, фақат дастлабки миқдордан эмас, шу билан бирга ўтган вақтда ошган фоизлардан ҳам фоиз ҳисоблаш.

Антрепренер – 1) тадбиркор – янги базис (компания)га асос солишга таваккалчилик қиладиган шахс; 2) баъзи санъат турларидаги менеджер ва тадбиркор, хусусий томошахоналар (театр, цирк ва х.к.) иш сақлаб, уларнинг фаолиятини таъминловчи.

Аннуитет (молиявий рента) - ҳамма аъзолари ижобий миқдорлар (тушумлар) бўлган, иккита кетма-кет келган тўловлар орасидаги вақт интервалларидоимий (масалан, облигациялар бўйича тўланадиган фоизлар) бўлган тўловлар оқими.

Антисипатив фоизлар - фоиз ставкаси бўйича ҳисобланадиган фоизлар.

Арбитраж – битта товарнинг ўзига қўшилган нархлар ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида битта ёки бир нечта бозорлардан бир вақтнинг ўзида харид қилиш ва сотиш (контрактлар) операцияси.

Ассигнация – қоғоз пуллар. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, олтин ҳамда бошқа металларни пул сифатида муомаладан чиқаришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги.

Аудитор - қимматли қоғоз эмитентларининг молиявий ҳолатини текшириш бўйича мутахассис.

Аукцион - қимматли қоғозларни ёки товарни, мол-мулкни ким ошди йўли билан сотишнинг ташкил қилиниши.

Аукцион даромадлилик – облигацияни иккиламчи бозорда сотиш нархининг фарқини облигацияни аукционда сотиб олиш нархига нисбатини ифодаловчи йиллик фоиз ставкаси.

Аутрайт – оддий муддатли валюта битими бўлиб, битим тузувчи томонлар қатъий белгиланган муддатларда "форвард" курси бўйича тўловларни кўзда тутади.

Аутсайдерлар – бозорда кам аҳамиятли ўринни эгалловчи фирма ва компаниялар.

Аутрайт операцияси - аниқ бир санага валютани етказиб бериш шарти билан тузилган операция.

Базис нархлар – молнинг сифати ёки сортини аниқлаш учун белгиланадиган нарх, у олди-сотди битимида келишилган бўлади ва етказиб бериладиган молнинг ҳақиқий нархини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Баланс - корхонанинг пул ифодасидаги маблағларини таркиби ва жойлашиши (актив), шунингдек, уларнинг ташкил топиш негизи, белгиланган йўналиши ва қайтиш муддатларини (пассив) бу кунги ҳолатини ўзида акс эттирувчи йиғма хужжат.

Банк - пул маблағларининг (миллий ва чет эл воситаларининг) жамғарилишини амалга оширувчи, кредит берувчи, пул ҳисоб-китобларини ўтказувчи ва қимматли қоғозларнинг муомаласини ташкил қилувчи, йирик инвестициялар қилувчи, мамлакатнинг пул-кредит сиёсатини ҳаётга татбиқ қилувчи корхона.

Банкнотлар (банк билетлари) - пулнинг кредит белгилари; эмиссия банки томонидан чиқарилади ва муомаладаги метал пуллар ўрнига қўйилади; муомаладаги хусусий векселлар ўрнини босади, банкирга муддатсиз қарз мажбуриятини юклайди.

Банк вексели - банкнинг қарздорлик мажбурияти, унинг эгаси векселда кўрсатилган номинал баҳони белгиланган тўлов муддатида олиш ҳуқуқига эга.

Банк операциялари - банк томонидан содир этиладиган операциялар.

Банкнинг актив операциялари - банк ресурсларини жойлаштириш бўйича операциялар: мижозларга узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар бериш, шу жумладан векселларни ҳисобга олиш, кўчмас мулк ва қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан, банк ресурсларини давлат облигация заёмларини ва корхона акцияларини сотиб олиш йўли билан инвестицияга қўйиш.

Банкнинг пассив операциялари - ресурсларни банк счетига тушириш: жамғармаларни қамраб олиш, қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, марказий банк пул эмиссияси, банкларнинг хусусий жамғармаларининг ташкил этилиши ва ҳ.к.

Банкротлик - маблағлар йўқлиги сабабли қарз мажбуриятларини тўлай олмаслик, корхонанинг синиши.

Банко - қимматли қоғозларни банклар томонидан сотиш ва сотиб олиш баҳоси.

Баҳо динамикаси индекси - жорий баҳонинг ўзидан олдинги давр ёки

номинал баҳога нисбати; коэффициентларда ёки фоизда ифодаланади.

Бенефициар - депозит ёки жамғарма сертификат эгаси.

Билвосита котировка - миллий пул бирлиги қийматини чет эл валютаси бирлигида баҳолаш.

Биметаллизм – пул тизими бўлиб, унда умумэквивалентлик роли иккита асл металлар (одатда олтин ва кумуш) билан мустаҳкамланади ва уларда ҳар икки металлдан ясалган тангалар чексиз муомалада бўлишлиги кўзда тутилади.

Биржа - қимматли қоғозлар, валюта ва товарларнинг олди-сотдисидаги воситачилар бирлашмаси.

Биржа арбитражи - биржадаги баҳоларни хал этувчи третий судининг бир тури.

Биржа индекси - маълум тўпламдаги компаниялар акцияларининг ўртача баҳоси ўзгаришини характерлайдиган кўрсаткич; пул бирликларида ёки пунктларда ифодаланади.

Биржа шов-шуви - юқори фойда олиш учун баҳонинг сунъий равишда кўтарилиши (ошиши).

Биржанинг қизиши – бозорларда нархларнинг хаддан ташқари кўтарилиб кетиши.

Бланко-вексел - битим иштирокчиларининг бир-бирларига юқори даражали ишончлари бўлганда қўлланадиган вексел. Бу хужжат чиқарилаётганда айрим реквизитлар тўлдирилмаслиги мумкин.

Бозор баҳоси (курсовой) - бу баҳо бўйича қимматли қоғозлар ва валюталар бозорда сотилади.

“Бозор баҳоси/акциянинг баланс қиймати” коэффиценти – акция бозор курсини ушбк акциянинг корхона бухгалтерия ҳисобида қайд этилган баҳога нисбати.

Бозор ставкаси (сотиш) - қимматли қоғозлар бозорида ҳақиқий амал қилувчи, бозор конъюнктураси аниқлайдиган ставка.

Бозорнинг қизиб кетиши – фонд бозорида спекулятив ҳолатни хаддан ташқари ривожланиши билан боғлиқ қимматли қоғозларнинг бозор нархини реал нархида кескин узилиб қолиши туфайли юзага келадиган ҳолат.

Бонлар - давлат хазинаси, алоҳида ташкилотлар, муниципал органлар томонидан чиқариладиган қарз мажбуриятининг бир тури, уларнинг эгалари учун харид қобилияти ва тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бордеро - банк ёки брокер томонидан тузилган қимматли қоғозлар рўйхати. Шу рўйхат бўйича ва мижоз топшириғига биноан олди-сотди амалга оширилади.

Бошланғич капитал - инвестиция қилиш учун тўпланган дастлабки сумма ёки иш бошлаш учун керак бўладиган сармоя.

Бракераж – махсус давлат ташкилотлари ёки ҳакам брокерлар томонидан товарнинг сифати, безатилиши ва транспортбоп қилиб ўралиши белгиланган стандарт ёки шартнома шартларига мос келишини текширилиши.

Брокер (маклер, комиссионер, куртье) - молиявий активлар совдосидаги воситачи (даллол), мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига олди-сотди битимини амалга оширади. Мижоз билан тузилган шартнома асосида олди-

сотдининг маълум фоизи миқдорида мукофот олади.

Брокер имо-ишораси - қўл кўтариш ишораси билан брокерлар қанча биржа контрактларини сотиб олиш ёки сотишга тайёр эканликлари ҳақида маълумотлар алмашадилар.

Бронза (сохта) вексел - мавжуд бўлмаган фирмалар томонидан ёки фирибгарлик мақсадида чиқарилган вексел.

Бык ("буқа") - қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиси, у қимматли қоғозларни сотиб олиб ва уларни қимматроқ нархга сотиш учун бозор нархининг кўтарилишини пойлаб туради.

Бюджетдан молиялаштириш – корхона, муассаса ва ташкилотларга уларнинг сарф-харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун давлат бюджетидан қайтариб олинмаслик шарти билан пул ажратиш.

Валюта - халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган мамлакатнинг пул бирлиги.

Валюта бозори - чет эл валютасини сотиш-сотиб олиш муносабатларини амалга оширувчи механизм.

Валюта конверсияси - амал қилаётган валюта курси бўйича бир валютани иккинчисига алмаштириш.

Валюта курси - бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Валюта операцияси - чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича битим.

Валюта позицияси - банк ёки бошқа валюта дилерини чет эл валютаси билан бўлган операциялардаги талаб ва мажбуриятлар ўзаро нисбати, ўзаро муносабати.

Валюта резерви – бирор мамлакатнинг валюта маблағлари ва олин жамғармалри.

Валюта ёпиқ позицияси - талаблар ва мажбуриятлар мос келадиган позиция.

Валюта очиқ позицияси - талаблар ва мажбуриятлар мос келмайдиган позиция.

Валюта узун позицияси - талаблар мажбуриятлардан юқори бўлган очиқ позиция.

Валюта қисқа позицияси - мажбуриятлар талаблардан устун келадиган очиқ позиция.

Валюта ревальвацияси - шу валюта курсининг бошқа валюталар курсига нисбати.

Валюта савати - курси ҳар хил тенденцияларга эга бўлган валюталар йиғиндиси.

Валюта счёти - ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг банкдаги чет эл валютаси счёти.

Валюта тизими - валютанинг мавжудлиги ва ўз вазифасини бажариши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тўплами.

Валюта трансферти - бир мамлакатнинг ва чет эл тижорат банкларининг олдиндан келишилган суммадаги пулни ва валютани шартномадаги курси бўйича ўзаро алмаштириш бўйича банк операцияси.

Валюта хавф-хатари - чет эл валюталари олди-сотди битимларини амалга ошириш жараёнида уларнинг курсини ўзгариши билан боғлиқ бўлган (йўқотиш) зарар кўриш хавфи.

Валютали арбитражи - турли валюта бозорларидаги валюта курсининг фарқи ёки валюта курсининг вақт мобайнидаги ўзгариши ҳисобига фойда олиш мақсадида тузилган валюта битими.

Варрант - акционерлик жамиятининг қимматли қоғозларига қўшимча обуна бўлиш ҳуқуқини берувчи хужжат.

Ваучер чеки - қайтимсиз тасдиқланадиган давлат ва муниципал мулкдаги унинг эгасининг улуши борлиги ҳақидаги ва хусусийлаштириладиган корхоналар капиталининг бирон қисмини ёки акцияларини сотиб олишда ишлатиладиган давлат гувоҳномаси.

Вақтинчалик (америкача) опцион - базис активини ихтиёрий пайтда аниқ бир муддатгача юбориш ёки сотиб олиш ҳуқуқи.

Вексел - муайян миқдордаги қарзга олинган пулни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан қонунлаштирилган ҳолатда тўлдириб, расмийлаштирилган қарздорлик хужжати.

Вексел берувчи - вексел чиқарган шахс.

Вексел олувчи - векселни қабул қилган шахс.

Вексел пролонгацияси - векселни қопловчи ва вексел эгаси ўртасидаги ўзаро шартнома бўйича векселнинг амал қилиш вақтини узайтириш.

Вексел эътирози - тўлов бўлмаганлигини тасдиқловчи нотариус томонидан тузилган хужжат.

Вексел эгасининг номинал қиймати бўйича жойлаштирилган даромади - йиллик фоиз ставкаси, вексел ва векселнинг номинал баҳоси чиқарилган вақтдан уларни тўлагунча бўлган вақт ичидаги кунлар асосида ҳисобланадиган фоизлар.

Вексел эгасининг дисконт баҳоси бўйича жойлаштирилган даромади - номинал баҳо ва қарз суммаси ўртасидаги фарқ.

Вексел сотиб олувчининг даромади - векселнинг номинал ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ.

Векселнинг йиллик даромадлилиги - қарз муддатидаги векселнинг даромадлилигини вексел берилган санадан уни қоплаш санасигача бўлган кунлар сонига нисбатини йилдаги календар кунлар сонига кўпайтириб ҳисобланади.

Гаровнома - қарздорга тегишли бўлган кўчмас мулкнинг гаровга олинганини тасдиқловчи ва кредиторга агар қарз ўз вақтида тўланмаса, гаровдаги мулкни сотиш ҳуқуқини берувчи расмий хужжат.

Гаровдаги қимматли қоғоз - қарздор олган ссудаси эвазига банкга топширган қимматли қоғоз.

Давлат облигацияси - давлат томонидан чиқарилган ва мамлакат хукумати томонидан кафолат берилган облигация.

Девальвация - миллий валюта курсининг расмий равишда пасайтирилиши.

Декурсив фоизлар - ҳисоб ставкаси бўйича ҳисобланадиган фоизлар.

Депозитария - ҳар қандай қимматли қоғозни ёки пул маблағини сақлаш

жойи. Улар турли (ячейка, омбор ва ҳ.к.) кўринишида бўлиши мумкин.

Депозитлар - банкларга маълум бир муддатга фоиз асосида сақлаш учун берилган пул маблағлари ва қимматли қоғозлар.

Депозитли сертификат - банкда жойлашган депозитларни юридик шахсга нақд пулсиз формада тўлаш бўйича банк мажбурияти.

Депорт - биржа битимининг бир тури. Бу битимда сотувчи курснинг фарқланиши, қимматли қоғоз ва валюта курсининг пасайиши ҳисобидан маълум бир суммами ишлашни мўлжаллайди.

Дефляция - қимматли қоғозларни сотиш, валютани тартибга солишни кучайтириш, банк фоиз ставкасини ошириш ва бошқа йўллар билан муомаладаги ортиқча пул массасини сунъий равишда қисман қайтариб олиш.

Диверсификация - кўплаб ҳар хил қимматли қоғозлар ўртасида қўйилмаларни тақсимлаш.

Дивиденд - акционерлик жамиятининг ўз акционерлари ўртасида тақсимланувчи фойдасининг бир акцияга тўғри келадиган суммаси ёки бир акциядан олинадиган даромаддир.

Дивиденд ставкаси - бир акцияга тўғри келадиган фойда суммасининг унинг номинал баҳосига нисбати.

Дилер - молиявий активлар савдосидаги воситачи; мижознинг ҳисобига ва унинг топшириғи бўйича, шунингдек, ўз ташаббуси билан ўз ҳисобига битимларни бажарувчи, битим суммаси ва активларни сотиш ва сотиб олишдаги курс фарқланишидан тушган фойдадан мукофот ҳақи олувчи шахс.

Дисконт - қўшилган қиймат ва бошланғич инвестиция қилинган капитал орасидаги фарқ.

Дисконтлаш - бошланғич (дастлабки) капитални қўшилган қиймат бўйича ҳисоблаш. Математик дисконтлаш - фоиз ставкаси асосида дисконтлаш.

Дисконтлаш даври - қарз мажбуриятини қоплашгача қолган муддат.

Дискрет аннуитет - вақти кечиккан тўловлардаги кетма-кетлик.

Дискрет фоизлар - аниқ бир даврлар бўйича ҳисобланадиган фоизлар.

Доимий аннуитет - тенг тўловлар кетма-кетлиги.

Доимий ставка - моҳияти вақт бўйича ўзгармасдан қолувчи ставка.

Доу-джонс индустриал (саноат) индекси - Нью-Йорк фонд биржасида ҳисобланадиган кўрсаткич; АҚШдаги 30та йирик саноат корпорациялари акциялари баҳосининг ҳаракатини характерлайди.

Доу-джонс коммунал индекси - Нью-Йорк фонд биржасида ҳисобланадиган кўрсаткич; АҚШдаги 15та газ ва электр таъминоти билан шуғулланувчи компаниялар акциялари баҳосининг ҳаракатини характерлайди.

Доу-джонс облигация индекси - Нью-Йорк фонд биржасида ҳисобланадиган ва 40та эмитент облигациялари баҳосининг харакатини характерлайдиган кўрсаткич.

Доу-джонс транспорт индекси - Нью-Йорк фонд биржасида ҳисобланадиган ва АҚШнинг 20та транспорт корпорациялари акциялари баҳосининг харакатини характерлайди.

Доу-джонс комплекс (умумлаштирувчи) индекси - Доу-Джонс индустриал, транспорт ва коммунал индексларини бирлаштирувчи кўрсаткич,

Нью-Йорк фонд биржасида ҳисобланади ва АҚШнинг 65 компанияси акциялари баҳосининг харакатини характерлайди.

Дюрация – облигациянинг амал қилиш ўртача муддатини ифодаловчи кўрсаткич.

Дўстона вексел - биринчи шахс томонидан иккинчи шахсга учинчи шахс мажбуриятларини тўлаш учун чиқарилган вексел.

Европача опцион - базис активини фақат келишилган санада (кунда) юбориш ёки сотиш ҳуқуқи.

Ёпиқ тендер кўринишидаги аукцион - сотиб олувчиларнинг шахсий иштирокисиз уларнинг берган таклифларига асосан, қатнашувчилар таклиф этган энг юқори (ёки паст) баҳо бўйича қимматбаҳо қоғозларни, товарларни, мол-мулкни сотишнинг ташкил қилиниши.

Ёпиқ типдаги акционерлик жамияти - кўпчилик акционерларнинг розилиги билан, жамият низомига мувофиқ, акциялар бир шахсдан бошқасига ўтиши мумкин бўлган жамият.

Жами даромад ставкаси - акциялар бўйича жами даромадлилик даражаси.

Жами капитал рентабеллиги коэффициенти - балансдаги ёки соф фойданинг эмитент мулкининг қийматига нисбати.

Жамғарма сертификати - жисмоний шахс томонидан қўйилган жамғармаларни унга нақд пул билан тўлаш бўйича банк мажбурияти.

Женева айланмаси (векселли ва чекли) - ҳамма қатнашувчи мамлакатлар учун пул оборотида вексел ва чекларни қўллашнинг умумий тартибини мувофиқлаштирувчи 1930-1931 йилларда Женева шаҳрида тузилган купёқлама халқаро шартномалар.

Жигант - индоссант.

Жиро - индоссамент.

Жират - вексел ўтказиладиган шахс, аниқроғи "А" дилер "Б" дилер номига векселни ўтказса, "Б" дилер жират деб аталади.

Заҳираларнинг айланиш (янгиланиш) коэффициенти - сотилган маҳсулот таннархининг захиралар ва харажатларга нисбати.

Заҳира капитал - акционерлик жамияти фойдаси ҳисобига ташкил этиладиган ва кўзда тутилмаган ҳар хил зарарларни, дивидендларни тўлаш учун сарфланадиган капитал.

Захирадаги валюта - конвертлаштирилган валюта, халқаро захира воситаси ва бошқа мамлакатлар валюта курсини мувофиқлаштириш қуроли сифатида фойдаланиладиган валюта.

Имтиёзли кафолатлар - оддий акция эгаларига олдин сотиб олган қоғозларининг қийматига мутаносиб бўлган ҳажмдаги янги акцияларни биринчи навбатда сотиб олиш ҳуқуқини берувчи ҳосилавий қимматли қоғоз.

Инвестиция савдоси - қимматли қоғозларни харидор (сотиб олувчи) таклиф этган максимал (энг юқори) баҳо ва аниқ ишлаб чиқариш программаси шартлари бўйича сотиш.

Инвестиция - молиявий ва реал активларга капитал қўйиш.

Инвестиция банки - асосий фаолияти қимматли қоғозларни

жойлаштириш билан банд бўлган муассаса (корхона).

Инвестиция институти - фақатгина қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи юридик шахс.

Инвестиция компанияси - қимматли қоғозларни, шу жумладан шахсий қоғозларни босиб чиқишни ташкил этувчи, уларни жойлаштириш, олди-сотдисини ўз номидан ва ҳисобига амалга оширувчи юридик шахс.

Инвестиция фонди - инвестицион компания функциясини бажаради ва индивидуал инвестор билан иш юритади, шунингдек очиқ ва ёпиқ инвестиция фондларига бўлинади.

Инвестиция хавфи - молиявий қўйилмалардан кутилган даромадни тўлиқ ололмаслик ёки зарар кўриш эҳтимоли.

Инвестициялаш коэффициенти - шахсий маблағларни эмитент молиявий барқарорлигини характерлайдиган асосий воситалар ва айланмадан ташқаридаги активлар суммасига нисбати.

Инвестор - молиявий активларга даромад олиш мақсадида капитал қўйган жисмоний ёки юридик шахс.

Индоссамент - векселдаги, чекдаги, сертификатдаги тўловни олиш ҳуқуқининг бировга ўтишини тасдиқловчи қўшимча ёзув.

Индоссант - индоссамент орқали тўлов олиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказган шахс.

Индоссат - индоссамент орқали тўлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Инфляция хавфи – пул бирлигининг сотиб олиш қобилиятини пасайиши натижасидаги зарарлар.

Инқироз – кутилмаган даражада жамиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирадиган ва янгича фаолият юритишга ундайдиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий воқеаликдир.

Ипотека - ссуда олиш учун кўчмас мулк (ер, иморатлар)ни гаровга қўйиш, шунингдек, банк томонидан кўчмас мулкни гаровга олиб бериладиган ипотекали ссуда (ипотекали кредит).

Ипотекали банк - кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатли пул ссудалари бериладиган банк.

Ихтисослашган банк - баъзи бир аниқ операциялар (инвестиция, ипотека, гаровга олиб қарз бериш, омонатни сақлаш ва бошқалар)ни бажарадиган банк.

Ишлаб чиқариш жамғармалари рентабеллиги коэффициенти - **балансдаги ёки соф фойданинг асосий воситалар ва моддий айланма активлар суммасига нисбати.**

Иқтисодий барометр - бу кўрсаткичнинг ўзгариши бўйича бозор конъюнктураси кузатилади ва ўлчанади.

Иқтисодий инқироз – иқтисодиётнинг даврий тебранишларидаги ўзгариш бўлиб, улар товар ва хизматларга бўлган ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги номутаносиблик, макроиқтисодий мувозанатнинг бузилиши оқибатида вужудга келади.

Капиталнинг замонавий (келтирилган) миқдори - фоизлар ҳисобланган белгиланган ўсган қийматни берувчи дастлабки капитал.

Касса операцияси - бу операция бўйича ҳисоб-китоб битим тузилган кунда ёки битим тузилгандан сўнг икки кун ўтгач амалга оширилади.

Клиринг - қимматли қоғозларни тўлаш бўйича ўзаро талабларни қабул қилишнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими.

Конвертация қилинадиган облигация - эгаси худди шу эмитентнинг қабул қилинган миқдордаги акцияларига алмаштириши мумкин бўлган облигация.

Конвертация қилинмайдиган (ёпиқ) валюта - валюталар бўйича чегараланишлар, валюта алмаштиришни ва валютани олиб келиш -олиб чиқиб кетишлар маън этилган мамлакат валютаси.

Кооператив банк - тижорат банкининг бир тури бўлиб, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро кредитга ва бошқа банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, уларнинг улушлари асосида тузилган банк.

Корпоративли облигация - ипотека кўринишидаги корпорация мулки гарови билан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ўтказиш, ҳар хил дастур ва лойиҳалардан келадиган даромадлар билан таъминланган акционерлик жамиятлари, хусусий корпорациялар томонидан чиқарилган облигациялар.

Котировка варағи - фонд биржасининг қимматли қоғозларнинг жорий баҳоси, уларнинг ўзгариши ва сотиш ҳажми ҳақидаги сводкаси.

Котировка - қимматли қоғозлар ёки валютанинг курсини (бозор нархини) аниқлаш.

Кросс курс - кўп тарқалмаган валюталарнинг иштирокисиз икки валютанинг ўзаро алмаштириш курси.

Купон - қимматли қоғознинг кесиб олинадиган талон кўринишидаги қисми, у талонда кўрсатилган вақт келиши билан фоиз суммасини олиш ҳуқуқини беради.

Купонли даромад - купон ставкаси ва номинал баҳоси асосида ҳисобланган облигациялар бўйича фоиз суммаси.

Купонли ставка (даромадлилик нормаси) - фоиз ставкаси, облигациялар бўйича даврий даромадни аниқлайди ва эмиссияда эълон қилинади.

Куртаж - брокернинг битим суммасидан фоиз кўринишидаги оладиган мукофот пули.

Кўрсатилганда тўланадиган вексел - кўрсатилиши биланоқ тўлаш лозим бўлган вексел.

Кўсатилгандан сўнг маълум муддат ўтгач тўланадиган вексел - кўрсатилгандан сунг маълум муддат ўтгач тўланадиган вексел.

Кўрсатувчи облигацияси - эгаси рўйхатдан ўтказилмаган облигация.

Кўрсатувчи сертификати - талаб этиш ҳуқуқини бошқа шахсга цессия билан расмийлаштирилмай, хужжатни оддий топшириш билан берилади.

Лаж (ажио) - пул белгилари ёки қимматли қоғозлар бозор нархини уларнинг номинал қийматидан юқори бўлиши (агар паст бўлса дизажио деб юритилади).

Либор - фоиз ўртача ставкаси; либор бўйича Лондон банклари ўз депозитларини бошқа биринчи даражали банкларга жойлаштирадилар, ҳар куни соат 11 да бу жараён қайд этилади ва бошқа банклар учун, айниқса халқаро битимлар тузишда кредитлар бўйича фоизлар белгилашда мўлжал бўлиб хизмат

қилади.

Ликвидлик - активлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ёки уларни тўлов воситасига айлантириш имконияти.

Ликвидли маблағлар - фирмаларнинг тезда сотиш мумкин бўлган активлари: пул воситалари, банк депозитлари, қимматли қоғозлар, шунингдек ушбу бозор конъюнктурасида осон сотиш мумкин бўлган моддий айланма маблағлар.

Листинг - қимматли қоғозларнинг сифатини баҳоловчи бир қатор критериялар асосида биржа рўйхатига киритиш.

Локо - чет эл валютаси ёки қимматли қоғозларнинг олди-сотди битими, бу битим бўйича нақд пулли ҳисоб-китоб ушбу битим тузилган биржада амалга оширилади.

Маклер - фонд ва валюта биржаларида битимлар тузишдаги воситачи, операцияларни мижоз ҳисобига амалга оширади ва битим суммасидан маълум бир миқдорда мукофот олади.

Маржа - харидор ва сотувчи нархлари ўртасидаги фарқ, битим қатнашчиларининг олишлари мумкин бўлган даромадлари хажмини характерлайди.

Маржали операция - инвестор харидини қимматли қоғозлардан келадиган келгусидаги даромадлар ҳисобида қисман кредитлаш.

Марказий (эмиссион) банк - мамлакатнинг барча кредит тизимини бошқарувчи, пул бирликларини муомалага чиқариш ва уларни муомаладан қайтариб олиш бўйича ягона (монопол) ҳуқуқга эга бўлган банк.

Маркет-мейкер - молиявий муассаса, ҳар хил валюталарни сотиш ва сотиб олиш курслари котировкасини амалга оширади ва улар бўйича битимларга киради.

Маҳаллий облигация - хукуматнинг маҳаллий органлари томонидан чиқариладиган ҳокимият кафолати билан таъминланган облигация.

Молия инжиниринги – молия-кредит соҳасида (давлат молияси, давлат, мунисипал ва коорпоратив молия ҳамда молия бозорлари) соҳасидаги молиявий инновациялар яратиш ва амалиётга жорий қилишни (трансфертини) ўргатувчи фан.

Молиявий бозор - банк, фонд биржалари ва бошқа молия-кредит муассасалари тўплами, улар орқали пул капитали қайта тақсимланади.

Молиявий вексел (нотовар) - молиявий операцияларга хизмат кўрсатувчи вексел.

Молиявий инвестициялар – давлат ёки хусусий компаниялар томонидан чиқарилган, банклар ва бошқа молиявий муассасаларнинг депозит рақамига жойлаштирилганқимматли қоғозларга қўйилмалар.

Молиявий инжиниринг – молия-кредит операцияларини амалга ошириш учун яроқли бўлган янги молиявий инструментлар ва операция схемаларини ишлаб чиқиш.

Молиявий инновациялар – компаниянинг молиявий ресурсларида самаралироқ фойдаланишга имкон берадиган молиявий активларнинг янги турлари билан битимларни ёки амалдаги активлар билан янги операцияларни амалга ошириш мақсадида қўлланиладиган материаллар.

Молиявий инструментлар – молиявий асосдаги бозор махсулотининг ҳар хил турлари: қимматли қоғозлар, мажбуриятлар, валюта, фьчерслар, опционлар ва бошқалар.

Молиявий инқироз – давлат молия тизимидаги поракандалик бўлиб, инфляция қимматли қоғозлар курсини барқарор эмаслигида кузатилади, давлат бюджети даромадларининг кескин мос келмаслигида, миллий пул бирлиги валюта курсининг тушиб кетишида, иқтисодий субьектларнинг ўзаро тўловга қодир эмаслигида, муомаладаги пул массасининг пул пуомаласи қонуни талабларига мос келмаслигида акс этади.

Молиявий қўйилмалар рентабеллиги – қимматли қоғозлар ва ҳиссали қатнашув даромадларини эмитентнинг молиявий қўйилмалари қийматига нисбати.

Мониторинг - бозорнинг аҳволи ва ривожланиш йўналишини устидан кузатиш.

Маротория - қарз мажбуриятлари тўловини аниқ бир муддатга (ёки муддатсиз) суриш ҳақида расмий билдириш.

Муайян кун учун вексел - тўлаш муддати аниқ бир кунга белгиланган вексел.

Муддати орқага сурилган аннуитет - муддати дарров бошланмайдиган рента.

Муддатли сертификат - сертификат берилган кун ва маблағни ёки депозитни талаб этиш куни кўрсатилган сертификат.

Муддатсиз облигация - қарзни тўлаш имконияти кўзда тутилган, лекин тўлаш муддати кўрсатилмаган облигация.

Мураккаб фоизлар - ҳисобланиши биланоқ тўланмайдиган, балки бошланғич (дастлабки) капитал суммасига қўшиладиган фоизлар; бунда мураккаб фоизлар ҳисоблаш базаси ҳар бир ҳисоблаш даври бўйича кўпайиб боради.

Мустақиллик (автономия, хусусийлик коэффициенти) - эмитент мулки қийматидаги унинг молиявий барқарорлигини характерловчи шахсий маблағлари улуши.

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти - пул маблағларини ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар суммасининг эмитентларнинг тўлов қобилиятини характерлайдиган қисқа муддатли қарз мажбуриятлари суммасига нисбати.

Нақд пулсиз обороти – пул оборотининг маълум бир қисми бўлиб, бунда тўловчи ҳисоб рақамидаги сумма олувчи ҳисоб рақамига ўзаро келишилган асосда ўтказилади.

Номинал баҳо - қимматли қоғоз бланкасида қайд этилган, акционерлик жамияти низом капитали миқдорини ёки заёмни чиқарилган қоғозлар сонига нисбати билан аниқланадиган баҳо.

Номинал ставка - фоизларнинг йилда бир неча марта даврий тўланишидаги мураккаб фоизлар йиллик ставкаси.

Нотификация - вексел ушловчисининг вексел мажбурияти бўлган ҳамма томонларга тўловдан бош тортганлиги ёки векселни акцептламаслиги ҳақида билдириши.

Облигация - эмитентга қарз берилганини тасдиқловчи ва эгасига қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоз.

Облигация эгасининг купон даромади - купон ставкаси ва қимматли қоғознинг номинал баҳоси асосида ҳисобланган фоизлар.

Облигация эгасининг қўшимча даромади - қимматли қоғозни сотиб олиш ва қоплаш баҳоси ўртасидаги фарқ билан аниқланадиган капиталнинг қўшимча ўсиши ёки камайиши.

Облигация эгасининг жами даромади - купон ва қўшимча даромаднинг суммаси.

Облигация сотиб олувчининг даромади - қимматли қоғоз сотилган кундан навбатдаги "фоиз тўлаш кунигача" бўлган кунлар асосида ҳисобланган купон даромадининг бир қисми.

Облигациянинг даромадлилиги - купон даромади суммасини қимматли қоғозни сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Облигациянинг қўшимча даромадлилиги - қўшимча даромад суммасини қимматли қоғоз сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Облигациянинг жами даромадлилиги - жами даромад суммасини қимматли қоғозни сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Облигациясиз қарз (заём) - давлат қарзининг бир формаси, бунда банклар ҳукуматга ёки маҳаллий органларга облигациялар сотмасдан кредит беради.

Обуна варақаси - эгасининг исми, отасининг исми, турар-жойи, сотиб олган қимматли қоғозлар сони, уларнинг номинал ва сотиш нархи кўрсатилган биринчи инвесторлар реестри.

Овернайт операцияси - валюта операцияси, бунда ҳисоб-китоб битим тузилган кунда ёки эртасига амалга оширилади.

Оддий фоизлар - доимий база асосида ҳисобланадиган ва ҳисобланиши биланоқ тўланадиган фоизлар.

Оддий вексел (хусусий вексел, соло вексел) - ёзма хужжат, бунда вексел берувчининг (қарздорнинг) оддий, ҳеч қандай шартсиз мажбуриятлари акс эттирилиб, маълум миқдордаги пул суммаси маълум муддатда, маълум жойда вексел эгасига ёки унинг буйруғи билан бошқа шахсга тўланиши кўрсатилади.

Олтин-валюта заҳиралари - марказий банкдаги олтин ва чет эл валюталарининг расмий захираси.

Олтин захира - мамлакатнинг марказий эмиссия банки ёки хазинасида қуйма (ёмби) ва танга шаклида тўпланган олтин захира жамғармаси, халқаро тўловларда захира сифатида фойдаланилади ва валюта барқарорлигини таъминлаш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Опцион - эгасига битимда келишилган баҳода, белгиланган муддатда активларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқини беради.

Опцион бажарилиши баҳоси - опцион шартномасида келишилган базис активи баҳоси.

Опцион даромадлилиги - даромад суммасининг опцион баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Опцион мукофот баҳоси - опцион сотиб олган шахснинг эмитентга, опцион бажарилиши баҳосига қарши тўлайдиган баҳоси.

Опцион операцияси - етказиб бериш санаси аниқ бир кун бўлиши, шунингдек ноаниқ кун ҳам бўлиши мумкин бўлган тезкор валюта операцияси.

Опцион эгасининг даромади - потенциал даромад ва опцион баҳоси ўртасидаги фарқ.

Опцион эгасининг потенциал даромади (опцион ички қиймати) - базис активнинг жорий курс баҳоси ва опцион амалга оширилиши баҳоси ўртасидаги фарқ.

Оралиқ қоплаш коэффициенти - қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва дебиторлик қарзларини қисқа муддатли қарз мажбуриятлари суммасига нисбати.

Ордер - ўз эгасига компанияларнинг қўшимча акциялари, облигациялари ва бошқа молиявий активларини сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ҳосилавий хужжат. Бу сўзнинг бошқа маънолари ҳам бор.

Очик аукцион - харидорларнинг шахсий иштирокида, савдо жараёнида таклиф этилган энг юқори баҳо бўйича қимматбаҳо қоғозларни, товарларни, мол-мулкни сотишни (олишни) ташкил қилиниши.

Очиқ типдаги акционерлик жамияти - шундай жамиятки, бунда унинг акциялари бир шахсдан бошқа шахсга акционерларнинг розилигисиз ўтиши мумкин.

Паритет - валюталарнинг сотиб олиш қобилиятини тенглаштирадиган алмаштириш (валюта) курси даражаси.

Перманент капитали - корхона молиявий барқарорлигини характерлайдиган маблағ суммаси.

Перманент капитал рентабеллиги коэффициенти - балансдаги ёки соф фойданинг ўз ва узоқ муддатли қарз маблағларига нисбати.

Портфелли бошқариш шартномаси - мижоз томонидан инвестиция институтга маълум даромад келтирувчи қимматли қоғозлар мажмуасини яратиш, топширилади ва ушбу мажмуани шундай ҳолатда тутиб туриш керакки, келган даромад қандайдир даражадан паст бўлмасин.

Постумерандо (оддий) аннуитет - давр охирида тўланадиган рента.

Прайм-рейт ставкаси - ссудалар бўйича тижорат банкларининг биринчи табақали қарз олувчиларга таклиф қиладиган минимал ставкалари.

Пул агрегати – иқтисодиётда пул сифатида амал қилувчи ликвид молиявий активлар хажми кўрсаткичи.

Пул массаси – муомаладаги пулнинг статик миқдори ёки ликвид шаклдаги активлар заҳиралари.

Пул реформаси – пул муомаласини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш мақсадида пул тизимини тўлиқ ёки қисман қайта ташкил этиш.

"Пул" ташкил қилиш - айрим қимматли қоғозларнинг катта тўпламларини сотиб олиш, шу жумладан акциялар, назорат пакетини харид қилиш.

Реал активлар бозори - моддий ресурсларнинг олди-сотди механизми.

Регресс - вексел, чек эътирози қабул қилинаётганда, уларга тўланган суммани қоплаш ҳақидаги тескари талаб.

Реинвестиция - ҳамма дивидендларни ёки фоизларини ёки уларнинг бир қисмини бошқа қимматли қоғозларга ёки бизнесга сарфлаш.

Рейтинг - қимматли қоғоз ёки унинг эмитентининг сифат ва ишончлилик жадвалидаги ўрни. Қимматли қоғоз сўзини бошқа сўзга алмаштириш мумкин, бундан мазмун ўзгармайди.

Рендит - дивиденд суммасининг акциянинг сотиб олиш баҳосига нисбати.

Рента – 1) мулк ёки ердан олинадиган фоиз шаклидаги доимий даромад; 2) рента (молиявий) – доимий равишдаги молиявий тўловлар оқими.

Рента аъзоси - тўловлар оқимидаги ҳар бир алохида тўлов миқдори.

Рента даври - икки тўлов ўртасидаги вақт интервали.

Рента муддати - молиявий рентанинг бошланишидан унинг охирги даври тугагунгача бўлган вақт.

Рентабеллик - эмитент фаолияти фойдалилигининг характеристикаси (бир неча турда ҳисобланиши мумкин).

Репатриация - облигация заёмларининг уларни чиқарган мамлакатга қайтиши, бу облигацияларни чиқарган давлат уларнинг чет эллардаги эгаларидан сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Репорт - биржа битимларидан бири, бунда қимматли қоғоз ёки валюта маълум муддат ўтгач анча юқори курс бўйича қайта сотиб олиш шарти билан сотилади.

Римесса - чет эл валютасидаги тўлов хужжати (тратта, чек, пул ўтказмалари), қарздор уни миллий валютага учинчи шахсдан сотиб олади ва чет эллик кредиторга қарзни тўлаш учун юборади.

Рецессия – иқтисодий юксалишнинг чўққи нуқтасидан кейинги фаза бўлиб, у ишлаб чиқаришни, иқтисодиётда ўсиў суръатларини, биржа индексларининг оммвий пасайиши ҳамда ишсизлик даражасининг ошишини характерлайди.

Самарали ставка - номинал ставка бўйича бир йилда бир неча марта фоизлар устамаси ҳисобланиб, олинган натижа устама ҳисоблаш даврлари сонига бўлингандаги молиявий натижага тенг бўлган мураккаб фоизли йиллик ставка.

Своп операцияси - бир вақтнинг ўзида спот курси бўйича валютани сотиб олиш ёки сотиш билан бирга бир вақтнинг ўзида худди шу валютани форвард курси бўйича сотиш ёки сотиб олиш.

Секрютизация – ссуда ва бошқа турдаги дебиторлик мажбуриятларини қимматли қоғозларга трансформацияси жараёни.

Секреометрика – қимматли қоғозлар бозорини таҳлилий баҳолашни ўргатувчи махсус фан (“secriuty” – ҚҚБ ва “metrica” – ўлча, баҳолаш, таҳлил қилиш).

Сертификат – пул воситаларининг эмитент номида эканлигини тасдиқловчи ёзма гувоҳнома.

Сертификат даромадлилиги - даромад суммасининг қимматли қоғозни сотиб олиш баҳосига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Сертификат-жамбо - жуда катта суммага ёки акцияларнинг йирик партиясига берилган сертификат.

Сертификат сотиб олувчининг дисконт баҳоси бўйича жойлаштирилган даромади - қимматли қоғознинг номинал ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ.

Сертификат сотиб олувчининг номинал баҳо бўйича жойлаштирилган даромади - сотиш вақтида амал қилаётган бозор ставкаси, қимматли қоғозни қоплаш муддатигача қолган кунлар ва номинал баҳо асосида ҳисобланган фоизлар.

Сертификат эгасининг дисконт баҳо бўйича жойлаштирилган даромади - қоплаш ва дисконт баҳоси ўртасидаги фарқ.

Сертификат эгасининг номинал баҳо бўйича жойлаштирилган даромади - қимматли қоғознинг номинал баҳоси ва сертификат чиқарилган муддат, йиллик фоиз ставкаси асосида ҳисобланган фоизлар.

Синдикат эмиссияси - заёмларни биргаликда жойлаштириш учун корхоналар ёки банклар ўртасидаги вақтинчалик келишув.

Сотиш (маҳсулотни) рентабеллиги коэффициенти - балансдаги ёки соф фойданинг маҳсулот сотишдан тушган маблағга нисбати.

Сотувчи курси - валютани сотиш учун қабул қилинган валюта курси.

Сотувчи опциони (пут) - базис активини аниқ бир кунда аниқ баҳо бўйича етказиб беришдан воз кечиш мумкинлиги шарти билан юбориш ҳуқуқи.

"СП-500" индекси - "Стэндард энд Пурз" мустақил компанияси томонидан ҳисобланадиган ва АҚШнинг 500 компанияси акциялари баҳосининг ҳаракатини характерлайдиган кўрсаткич.

Спот (кассали) курси - бир мамлакат валюта қийматининг, битим тузилган пайтда қабул қилинган, бошқа мамлакат валюта бирлиги кўринишидаги ифодаси. Бу курс бўйича валюта ўша куни (сотилган кун) ёки икки кун ичида олган шахс счетига ўтказилиши шарт.

Спот операцияси - ҳисоб-китоб битим тузилган кундан кейинги икки кун мобайнида битим тузилган кунда қайд этилган курс бўйича амалга ошириладиган валюта операцияси.

Ставка - фоиз суммасининг коэффициентларда ёки фоизларда ифодаланган баъзи бир асос капиталга нисбати.

Сузувчи ставка - аник миқдори номаълум бўлган ставка.

Таклиф баҳоси - сотувчи томонидан ўрнатилган баҳо.

Талаб баҳоси - харидор томонидан ўрнатилган баҳо.

Тармоқ банки - аниқ бир тармоқ (саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги)га хизмат кўрсатувчи банк.

Тезкор аннуитет - муддати дарров бошланадиган рента, масалан, контракт фаолияти бошланиши биланоқ.

Тендер - бирор бир ишлаб чиқариш, молиявий, савдо ва ҳ.к. операциясини амалга ошириш учун талабгорлар орасидан энг самарали лойиҳани ажратиб олиш (ёки талабгорни конкурсда ютиб чиқиши).

Тижорат банки - акционерлар, тасисчиларнинг бўш маблағларини ихтиёрий бирлаштириш йўли билан ташкил қилинган банк.

тижорат (содда) фоизлар - қисқа муддатли фоизлар, 360 кунга тенг бўлган вақт базаси асосида ҳисобланади.

Товар-моддий бойликларнинг ликвидлилик коэффициенти - заҳиралар ва харажатлари суммасини эмитентнинг тўловга қобилиятлигини характерловчи қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига нисбати.

Товарли вексел - товарли битимга хизмат кўрсатувчи вексел.

Трансферт - чет эл валютасини ёки олтинни бир мамлакатдан бошқасига ўтказиш; эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқини бир шахсдан бошқасига бериш.

Трансферт операцияси - валюта билан давлат чегараларини кесиб ўтмай кредит линияларини очиш бўйича молиявий битим.

Трассант - ўтказма векселни берувчи.

Трассат - ўтказма вексел бўйича тўловчи.

Тратта - ўтказма вексел.

Траст компанияси - депозитария вазифаси ва капитал эгасининг ишонч қоғози бўйича унинг маблағини бошқаришни биргаликда олиб борувчи инвестиция институти.

Трейдер - биржа савдо залидаги брокер фирмасининг вакили.

Туганмас ёки асрий аннуитет - узоқ муддатли молиявий ҳисоб-китоблар, бунда молиявий операциялар муддати жуда узун бўлиб, муайян (конкрет) бир муддат билан белгиланмайди, масалан, облигация бўйича чегараланмаган муддатларда фоизлар тўлаш.

Тўлиқ котировка - сотувчи ва харидорнинг курсларини аниқлаш.

Тўлов муддати берилган кундан бошлаб ҳисобланадиган вексел - вексел тузилган кун ёки санадан бошлаб тўлов муддати ҳисобланадиган вексел.

Тўловлар оқими - вақт бўйича таъсимланган кўплаб тўлов ва тушумлар.

Тўхтовсиз аннуитет - бу шундай тўловлар кетма-кетлигики, улар жуда тез-тез тўланади ва уларни тўхтовсиз деб қараш мумкин.

Тўхтовсиз фоизлар - чексиз кам давр учун ҳисобланадиган фоизлар.

Тўғри котировка - чет эл валютаси бирлиги қийматини миллий пул бирлигида баҳолаш.

Узоқ муддатли облигация - 7 йилдан 30 йилгача муддатга чиқарилган облигация.

Узоқ муддатли фоизлар - бир йилдан кўп муддатли инвестиция бўйича ҳисобланадиган фоизлар.

"Уилшир-5000" индекси - "Уилшир ассошиэйтс" компанияси томонидан ҳисобланадиган ва Нью-Йорк фонд биржасида котировка қилинадиган ва биржадан ташқаридаги оборотда бўлган 5000 компания акциялари баҳосининг харакатини характерлайдиган кўрсаткич.

Умумий қоплаш коэффициенти - пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, дебиторлик қарзлари, захиралар ва харажатлар суммасининг қисқа муддатли қарз мажбуриятлари суммасига нисбати.

Универсал банк - банк операцияларининг ҳамма турларини бажарувчи банк.

Устав капитали - акционерлик жамиятини тузиш пайтида акционерлар томонидан киритилган пул маблағлари ва моддий тушумлар, шунингдек акцияларни тўлаш ҳисобига номоддий активлар тушумлари йиғиндиси.

Устама ёзиш даври - фоизлар ҳисобланадиган вақт бўлаги.

"Уэлью лайн" индекси - Нью-Йорк фонд биржасида котировка қилинадиган ва биржадан ташқаридаги оборотда бўлган 1700 компания акциялари баҳосининг харакатини характерлайди.

"Файненшел таймс" индекси - "Файненшел таймс" рўзномаси томонидан нашр этиладиган Лондон фонд биржасида котировка қилинадиган 30та компаниянинг акциялари харакатини характерлайдиган кўрсаткич.

Фиксинг - ҳар бир валюта бўйича талаб ва таклифни таққослаш йўли билан банкларараро курсни қайд қилиш ва аниқлашдан иборат бўлган котировка қилиш процедураси.

Фоиз куни - облигациялар бўйича купон даромадни тўлаш.

Фоизлар (фоиз пуллари) - пул маблағини инвестиция қилишдан тушган даромаднинг мутлоқ миқдори.

Фоизлар капитализацияси - мураккаб фоизлар ставкаси бўйича капиталнинг қўшимча (ўсиши) кўпайтириш.

Фоиз ставкаси - фоизлар суммасини бошланғич капиталга нисбати.

Фонда биржаси - асосий фаолияти қимматли қоғоз операциялари билан боғлиқ бўлган ташкилот.

Форвард маржаси - форвард курсини ҳисоблашда спот курсидан айриладиган (қўшиладиган) мукофот (дисконт).

Форвард (аутрайт) курси - битим тузилган пайтдаги спот курси, у мукофот хажмига кўпайган ёки валютани келгусидаги аниқ кунга етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда дисконт хажмига камайтирилган бўлади ёки спот курсга форвард очколарини қўшиш орқали аниқланади.

Форвард операцияси - ҳисоб-китоб битим тузилган кундан кейинги иккидан ортиқ кун мобайнида битим тузилган кунда қайд этилган курс бўйича амалга ошириладиган тезкор валюта операцияси.

Форфейт операцияси - кредитга товар сотиб олиш битими, банк томонидан векселлар портфели ҳисоби йўли билан молиялаштирилади, харидор сотувчига векселларни тўлайди.

Фьючерс контракти - молиявий активларни келишилган келгусидаги муддатда, контракт тузишда қабул қилинган баҳо бўйича олиш-сотиш ҳақидаги мажбурият.

Халқаро валюта фонди - валюта соҳасидаги ҳамкорлик ва халқаро савдони ривожлантиришга кўмаклашадиган давлатлараро валюта-кредит ташкилоти.

Халқаро пуллар – халқаро ҳисоб-китобларда умумий универсал тўлов воситаси сифатида тан олинган пуллар.

Харидор курси - валютани сотиб олиш учун қабул қилинган валюта курси.

Харидор опциони (колл) - базис активини аниқ бир кунда аниқ баҳо бўйича хариддан воз кечиш мумкинлиги шарти билан олиш ҳуқуқи.

Хеджирлаш - валюта курси ёки қимматли қоғоз қийматининг келгусидаги ўзгариши хавф-хатари эҳтимолини кўзда тутувчи битимлар тизими.

Холдинг компанияси - бошқа компаниялар фаолиятини бошқариш ва назорат этиш мақсадида уларнинг акциялари контрол пакетларига эга бўлган компания.

Хусусий вексел - корпорация, тижорат банки, молиявий гуруҳнинг қарз мажбуриятлари.

Цедент - цессияни расмийлаштиришда депозит сертификати бўйича талаб этиш ҳуқуқини бошқа шахсга берган шахс.

Цессионарий - цессияни расмийлаштиришда депозит сертификат бўйича

талаб этиш ҳуқуқини қўлга киритган шахс.

Цессия - депозит сертификатнинг орқа томонидаги иккиёқлама шартнома, бунда талаб этиш ҳуқуқини биринчи шахсдан иккинчисига бериш хужжат бўйича расмийлаштирилади.

Цессияли банк сертификати - эгасининг исми-шарифи ёзилган сертификат. Уни масъул шахс томонидан банк сертификатлари билан боғлиқ операцияларни бажариш учун ваколатланган икки шахс имзолайди ва масъул шахс муҳри билан тасдиқланади.

Чегараланган аннуитет - аъзолар сони чегараланган рента.

Чек - унда кўрсатилган сумма ҳеч қандай шартсиз тўлаш тўғрисидаги банкга берилган фармойиш.

Чин аннуитет - шартсиз тўланиши лозим бўлган рента, масалан, кредитларни қоплаш.

Эгасининг номи ёзилган акция - акция эгаси ҳақидаги маълумотлар жамият акционерлари ҳисоб-китобида қайд этилган бўлади.

Эгасининг номи ёзилган облигация - эгаси ҳақидаги маълумотлар қайд этилган облигация.

Экаунтинг - қимматли қоғозлар эмитентини молиявий активлигининг ёритувчи кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Эквивалент ставка - бир бутун дастлабки капитал ва инвестиция муддатида бир хил молиявий натижага олиб келувчи ставкалар.

Эмиссион баҳо - бу баҳо бўйича ҳар қандай қимматли қоғоз ёки валюта биринчи марта жойлаштирилади.

Эмиссия - қимматли қоғозлар чиқариш.

Эмиссия шартномаси - банк (ёки бошқа молиявий бошқарма) ва эмитент ўртасидаги қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш ҳақидаги шартнома.

Эмитент - қимматли қоғозлар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс.

Эмитент рейтингини баҳолаш - эмитентнинг молиявий барқарорлигини, тўловга қобилиятли эканлигини, ишга фаоллигини баҳолаб, улар (қўйилган баллар) асосида эмитентнинг умумий рўйхатдаги тутган ўрни аниқланади.

Эмитентнинг молиявий барқарорлиги - инвесторларнинг манфаатини молиявий хавфдан саўлаш даражаси характеристикаси.

Эмитентнинг тўлов қобилияти - эмитентнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ўзининг ликвид маблағлари билан тўлаш имконияти.

Эркин конвертлаштириладиган валюта - ҳар қандай чет эл валютасига чегараланмаган тарзда алмаштирадиган ва бошқа мамлакатларга эркин ўтказиладиган валюта.

Эътирозли вексел - нотариус томонидан вексел суммасининг белгиланган вақтда тўланмаганлиги кўрсатилган қарз мажбурияти.

Япон никкей ўртача индекси - Токио фонд биржаси томонидан ҳисобланадиган ва Япониянинг 225 та фирмаси акциялари баҳосининг харакатини характерлайдиган кўрсаткич.

“Ясли” молиялаштириш – хусусий компанияларни яратишнинг бошланғич (“ясли”) даврида уларга йўналтирилган молиявий ресурслар,

инвестициялар.

Ўзгарувчан аннуитет - вақт давомида қандайдир қонун асосида ўзгарувчи тўловлар кетма-кетлиги, масалан арифметик ёки геометрик прогрессия бўйича ёки носистематик ўзгариш.

Ўзгарувчан ставка - мохияти вақт давомида ўзгариб турувчи белгиланган ставка.

Ўз маблағларини айланиш коэффициенти - сотилган маҳсулотдан тушган маблағни ўз маблағлари суммасига нисбати.

Ўз маблағлари рентабеллиги коэффициенти - балансдаги ёки соф фойдани эмитентнинг ўз маблағлари суммасига нисбати.

Ўртача муддатли облигация - 3 йилдан 7 йилгача муддатга чиқарилган облигация.

Ўсган қиймат - бошланғич инвестиция қилинган капитал ва фоизлар суммаси йиғиндиси.

Ўтказма вексел (тратта) - вексел берувчининг қарздор-тўловчига маълум миқдордаги пул суммасини маълум муддатда ва маълум жойда тўлаш ҳақидаги шартсиз буйруғи ифодаланган ёзма хужжат. Бу хужжатда қарзни бошқа шахсга тўлаш ҳақидаги буйруқ ҳам акс этиши мумкин.

Қайта молиялаштириш - давлатнинг эски қарзини қоплаш учун янги қимматли қоғозларни чиқариб, уларни жойлаштиришдан келган маблағларни эски қарзни қоплашга сарфлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий операция.

Қарз (заём) - шартнома бўйича томонлардан бири бошқасига қарзни қайтариш ва фоиз олиш шарти билан маблағни беради.

Қарз муддатидаги векселнинг даромадлилиги - даромад суммасини қарз суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Қарз қоғози конверсияси - қарз қоғози шартларини ўзгартириш ёки олдин чиқарилган қарз қоғозининг муддати ва фоиз ставкаси хажмини ўзгартириш маўсадида янги қарз қоғози билан алмаштириш.

Қарздорлик коэффициенти - қарз суммасини эмитентнинг молиявий барқарорлигини характерлайдиган шахсий маблағлари суммасига нисбати.

Қимматли қоғоз - акционерлик жамияти капиталида хисса борлигини ёки пул қарзга олинганлигини тасдиқловчи ва эгасини маълум даражада даромад олишини тасдиқловчи юридик хужжат.

Қимматли қоғознинг ёпилиш баҳоси - шундай баҳоки, бу баҳо бўйича маълум қимматли қоғоз олди-сотдисини охирги битими амалга оширилади.

Қимматли қоғознинг очилиш баҳоси - маълум қимматли қоғозни сотиш бўйича биринчи тузилган битим.

Қимматли қоғозлар бозори - савдо капитали бағрида пайдо бўлган бўлиб эмитентларнинг қимматли қоғозларни чиқариши, уларни жойлаштириши, муомаласи ва самарадорлигини таъминловчи тўлиқ тизим тушунилади.

Қимматли қоғозларни бирламчи бозори - эмитент кулидан инвестор кулига утишни таъминловчи эндигина чикарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш механизми.

Қимматли қоғозларни иккиламчи бозори - олдин сотилган қимматли қоғозларни талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда қайта олди-сотдисини ташкил

қилиш ва таъминлаш механизми.

Қимматли қоғозларни ташкилий бозори - қимматли қоғозлар операциялари билан шуғулланувчи фонд биржалари, товар-хом-ашё биржаларининг фонд бўлимлари, инвестиция ва бошқа молиявий институтлар, улар белгиланган тартибда қимматли қоғозларнинг эркин савдосини амалга оширувчи брокерлар, маклерлар ва диллерлар ташкилий ва умумий тизими.

Қимматли қоғозларнинг ноташкилий ("кўча") бозори - қимматли қоғозларни дилерлар орқали турли (кўчада, телефон, телефакс ва ҳ.к.) йўллар билан сотилиши.

Қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси - бозорнинг жорий пайтдаги ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари.

Қимматли қоғозлар муомаласи - бирламчи жойлаштириш ва қимматли қоғозларни иккиламчи бозордаги олди-сотдиси.

Қимматли қоғозлар портфели - аниқ бир мақсадга, масалан, инвестициялар даромадлилиги кафолатига эришиш учун қимматли қоғозларни тўплаш.

Қимматли қоғозлар чиқаришни конструирлаш - эмитент молиявий ахволини (ҳолатини) баҳолаш, қоғозларни чиқариш хажмини ва уларни жойлаштириш усулларини аниқлаш.

Қимматли қоғозларга обуна - обуна варақаси билан расмийлаштирилган ҳолда, қимматли қоғозларни жойлаштириш (тарқатиш). Обуна ёпиқ (олдиндан аниқ инвесторлар ичида) ва очиқ (чегараланмаган ҳолда) бўлади.

Қимматли қоғозларни қоплаш - эмитент томонидан қарз мажбуриятларини муддатида ва қоғозларни чиқариш шароитида келишилган баҳо бўйича сотиб олиш.

Қимматли қоғознинг ишончлилиги - даромадни кам олиш ёки инвестиция қилинган капитални йўқотиш хавфи даражаси.

Қисман конвертициялаштириладиган валюта - валюта операцияларининг айримларида ва валюта эгаларининг айрим категориялари учун алмаштириладиган валюта.

Қисқа муддатли облигация - 3 йилга муддатга чиқарилган облигациялар.

Қисқа муддатли фоизлар - бир йилдан кам муддатли инвестиция бўйича ҳисобланадиган фоизлар.

Қоплаш баҳоси - қарз мажбуриятини қоплашдаги баҳо.

"Қуёнлар" (зайцы) - нобиржавий қимматли қоғоз воситачиси бўлиб, кенг оммага маълум бўлмаган, ишончсиз, расмий рўйхатга олинмаган, таваккалик асосида иш тутувчи брокерлар.

Хазиначилик вексели - давлатнинг қарздорлик мажбурияти.

Ҳисоб ставкаси - фоизлар суммасини ўсган қийматга нисбати.

Худудий банк - алохида регион (маҳаллий, халқаро) эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи банк.

"100 акция" индекси - Лондон фонд биржаси томонидан ҳисобланадиган ва Англиядаги 100та фирма акциялари баҳосининг харакатини характерлайдиган кўрсаткич.

АДАБИЁТЛАР

1. Симчера В.М., Шодиев Х.А. “Основы коммерческих расчетов”.М., Накиочц, 1994.
2. Симчера В.М. и др. “Практикум по финансовой и биржевой статистике”. М.; ВЗФЭИ, 1993.
3. Лизелотт Сурен. “Валютные операции”. М., Дело, 1998.
4. Теслюк И.Е. “Статистика финансов”. Минск, Высшая школа, 1994.
5. Кутуков И.И. “Основы финансовой и страхавой математики”. М., Дело, 1998.
6. Шодиев Х.А. “Молия статистикаси бўйича амалиётнома”. Т., ТМИ, 2001.
7. Шодиев Х.А. “Молия статистикаси”. Методик кўрсатма ва тавсиялар. Т.,ТМИ, 2002.
8. Шодиев Х.А., Ҳамроев М.Я. Молия статистикаси. Дарслик , Т., Ибн Сино, 2002.
9. “Статистика”. Дарслик. Х.А.Шодиев таҳрири остида, Т., Ибн Сино, 2004.
10. “Практикум по статистике”. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Симчеры. М., Финстатинформ, 1999.
11. Симчера В.М. “Введение в финансовые и актуарные вычисления”. М., Финансы и статистика, 2003.
12. “Правильно ли платим налоги”. УМП. Под ред. проф. А.Вахобова и проф. Х.Шодиева, Т., Иқтисод-молия, 2007.
13. Лунский Н.С. Лекции по высшим финансовым вычислениям. Часть 1-3 М.: Т-во “Печатная С.П. Яковлева”, 1912.
14. Боболович Ф. Полний учебник коммерческой арифметики. 2-изд., испр. и доп. – М., Типография Г. Лиссенера и А. Чешоля, 1902.
15. Ломовисский А.Ф. Курс коммерческих вичислений (теория и практика) М.; Снобкоопгиз, 1928
16. Евзлин З.П. Коммерческая арифметика – СП б: Книгоиздательство,1909.
17. Вейцман Р.Я. О преподавании коммерческой арифметики. Одесса, Т.Л. Брюзака, 1913.

18. А.Н.Глаголев Элементарная теория долгосрочных финансовых операций. М: Издания А.С.Вишнякова, Университетская типография, 1891.

19. Н.П.Сахирова. Страхование. М.: “Проспект”, 2006.

20. «Финансы» Под.ред. Проф. А.М.Ковалевой:.Фис, 1999г.

21. «Финансы» Под.ред. Проф. Л.А.Дробозиной, М.Юнити, Финансы, 1999г.

22. Статистика финансов Под.ред. П.П.Маслова М. Статистика, 1974.

23. «Статистика финансов» Под.ред. П.П.Маслова и В.И.Рябинина М. Статистика, 1979.

24. «Статистика финансов» Под.ред. В.Н.Салина. М: Финансы и Статистика, 2000.

25. Дашинская Н.П. Финансово-банковская статистика. Минск: БГЭУ, 2007.

26. Стоянова Е.С. Финансовый менежмент. Учебно-практическое руководство. М.»Перспектива», 1993.

27. Б.В. Зима, Х.А.Шадиев. Загатовки сельскохозяйственной продукции. М., «Экономика», 1989.